Miynet resursları menen kop támiynlengen respublikamız miynet bazarı rawajlanıw konsepsiyasınıń tiykarǵı maqseti - miynetke jaramlı xalıq bántliginiń kemeyiwı, miynet onimdarlıǵınıń páseyiwı, inflyasiyanıń bar ekenligi, mülkshiliktiń túrli formaları ástelik penen júzege keliwi, ekonomikasındaǵı quramlı ozgerislerdiń júdá tomen ámelge asırılıwı, haqıqiy dáramatlardıń kemeyiwı sıyaqlı ishki kúshi talapın asırıw hām usınısın kemeytiriw boyınsha kompleks ilajlar islep shıǵıwdan ibarat. Usı konsepsiyanın strategik maqsetleri qılıp tomendegilerin belgilewmúmkın: sotsial baǵdarlangan miynet bazarın basqıshpa-basqısh túrlendiriw; miynetke jaramlı, jumıs penen bánt bolmağan xalıqtı jumıs penen támiynlewshı hāmde ishki kúshine talap hām usınıstı tártipke salıwshı bekkem rawajlangan jergilikli hām sırt ellik bantlik xızmeti shólkemleri sistemasın túrlendiriw; jańa jumıs orınların shólkemlestiriwge, xalıqtıń bantlik dárejesin asırıwǵa hām islep shıǵarıwmkaniyatınan onimli paydalanıwǵa tiykar bolıwshı tereń ekonomikalıq-quramlı reformalardı ámelge asırıw; xalıqtıń jumıs penen aqılana bántligin támiynlew; qayta islewsanaatı, xızmet korsetiw hām shaxsiy miynet tarmaqlarında jańa jumıs orınların jaratıw hām óspirimler, kop balalı analar, pensionerler hām nagiranlar ushın miynetniń kepilllestirilgen aymaǵın shólkemlestiriw; ishki kúshine talaptıń asıwı hām jumissizliqtıń kemeyiwın támiynlewshı adam hām orta biznes hāmde jeke isbilermenlikti rawajlandırıw;

Joqarıdagılardan kelip shıqqan halda Respublikamızda shet el mámleketlerdiń tómendegi tájiriybelerinen paydalanıw maqsetke muwapıq : xalıqtıń intellektuallıq potencialın asırıwǵa úlken áhmiyet qaratıw kerek. Bul óz gezeginde xalıqtı ózin ózi bánt etiwine unamalı tásir kórsetedi hām xalıq turmıs tárizi hām dáramatları asadı; aymaqlar ayrıqshalıǵınan kelip shıqqan halda mámleketlik investitsiyaların tartıw hām jańa jumıs orınlarını payda etiw kerek. Aymaqlardıń rawajlanıwı óz gezeginde, awıl aymaqlarındaǵı xalıqtıń da jumıs menen bandligini asıradı ; xalıqtı jumıs menen támiyinlew daslurlerin islep shıǵıwda aymaqlar kesiminde demografik jaǵdayǵa bólek itibar qaratıw kerek.

Ámeldegi bos jumıs orınları haqqındaǵı informaciyanı jumissizlarǵa operativ jetkiziw sistemasın jetilistiriw kerek; - shet aymaqlarda óz filialların shólkemlesken kárxanalarda bir neshe jıllıq salıq jeńilliklerin usınıw kerek.

Joqarıdaǵı shet el tájiriyesi tiykarında keltirilgen usınıslardıń ámeliyatǵa engiziliwi xalıqtı jumıs menen bántlik dárejesin asıradı.

ÁDEBIYATLAR

1. Ózbekstan Respublikasın 2030 jılǵa shekem sociyal-ekonomikalıq kompleks rawajlanıw koncepciyası, 2018 j
2. Mirziyoev SH.M. Xalqimizning roziligi – bizning faoliyatimizga berilgen eng oliy bahodir. –T: «O‘zbekiston» nashriyoti, NMIU, 2018. –B. 508.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni Ózbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020 — 2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasi. –T.2019 23 oktyabr PF 5853-son
4. O‘zbekiston respublikasi Prezidentining 2020 yilda yangi ish o‘rinlarini yaratish va aholini bántligin ta‘minlash parametrlari to‘g‘risida qarori
5. R.X.Ergashev, Sh.Sh.Fayziyeva, S.N.Xamrayeva. Qishloq xojaligi iqtisodiyoti TOSHKENT«IQTISOD-MOLIYA»2018, B.404

6. Drujinina, V.V. Obespechenie sbalansirovannosti mestnogo rinka truda: zarubejnyy opit/ V.V. Drujinina// Nauchnyy Vestnik Xersonskogo gosudarstvennogo universiteta. – 2014. – №6. – S. 124–128.
7. Zayseva, K.V. Upravlenie trudovoy zanyato-styu v usloviyax smeshannoy ekonomiki: monogra-fiya/ K.V. Zayseva. – Donetsk: MCHP«VIK», 2003. – 294 s
8. Nikolskaya, G.K. Vliyaniye globalizatsii eko-nomicheskix svyazey na sostoyaniye rinka truda v SSHA/ G.K. Nikolskaya// Trud za rubejom. – 2000. – №1. – S. 13–16

*Мехнат бозорини тартибга солишда халқаро тажрибалардан фойдаланиш
Турдыева Г. О. Қорақалпоқ давлат университети*

Резюме. Мақолада халқаро меҳнат бозорини такомиллаштиришда халқаро стратегиялар ва халқаро моделлари урганиб чиқилган. Хар бир моделлар бўйича олимларнинг фикрлари билан танишиб, юртимизда қўлланиш методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: меҳнат бозори, меҳнат ресурси, ишсизлар, ахборот, бандлик, меҳнат ҳақи.

*Использование международного опыта в регулировании рынка труда
Турдыева Г. О. Каракалпакский государственный университет*

Резюме. В статье исследуются международные стратегии и международные модели улучшения международного рынка труда. В результате изучения мнений ученых по каждой модели были внесены предложения по совершенствованию методологии применения в нашей стране.

Ключевые слова: рынок труда, трудовой ресурс, безработные, информация, занятость, заработная плата.

*Using international experience in labor market regulation
Turdieva G.O. Karakalpak State University*

Summary. The article examines international strategies and international models for improving the international labor market. After getting acquainted with the opinions of scientists on each model, proposals were made to improve the methodology of application in our country.

Key words: labor market, labor resource, unemployed, information, employment, wages.

АУДИТОРЛИК ИШИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Утегенова С. Т.

Қорақалпоқ давлат университети

Ўзбекистон Республикасида ва хорижда аудитнинг ривожланиши шундан далолат берадики, аудиторлик ташкилотлари фикрларидан фойдаланувчилар томонидан аудиторларга жуда юқори талаблар қўйилади. Фойдаланувчилар томонидан аудитга талабнинг ортиши ва аудиторлик хизматлари бозорида рақобатнинг кучайиши аудиторлар олдида иқтисодий ҳамжамият қатнашчилари орасида ишончни таъминлаш воситаси сифатида аудит сифатини ошириш вазифасини қўяди. Жаҳон амалиётида аудиторлик текширувларнинг сифатини ташкил этиш талаб этилмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг бугунги замонвий амалиётида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий натижага эришиш ва бу орқали фойдани максимал даражада ошириб, доимий самарадорликка эришиш дунё мамлакатларининг асосий ва бош мақсади ҳисобланади. Бутунжаҳон савдо ташкилотининг таснифига кўра, аудиторлик фаолияти(862 хизмат коди) профессионал хизматларни кўрсатадиган соҳага киради [6]. Хизматлар бозори маҳсулот ишлаб чиқариб уни товар сифатида бозорларда сотишдан сезиларли фарқ қилади. Асосий фарқлар хизмат кўрсатишнинг ўзига хослиги билан боғлиқ (бу миқдорлар ўз аудиторлик хизматларни олишдан олдин хизматларни таққослаш ва баҳолашни имконсиз деб ҳисоблайди) ва миқдорлар жуда қийин вазиятга тушиб қоладиган юқори даражадаги ноаниқликка тушади, сотувчиларнинг(аудиторлик ташкилотлари) бозорга хизмат кўрсатишини қийинлаштиради.

Мақолада аудиторлик хизматлари сифатини назорат қилиш усулини таҳлил қилиш, шунингдек, аудит сифати ташқи назоратининг аҳамиятини, уни ташкил қилиш ва ўтказиш босқичларини асослаб бериш.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ 677-сон 25.02.2021 й.) нинг муҳим жиҳатларидан бири бу- аудиторлик фаолиятининг лицензияланадиган фаолият турлари таркибидан чиқарилганлиги ва аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шунингдек, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда Молия Вазирлигининг ваколатига топширилди [1]. Сифат назорати турлари ички ва ташқи сифат назорати ҳисобланади. Ички сифат назорати аудиторлик ташкилоти томонидан аудит стандартларига мувофиқ мустақил равишда амалга оширилади. **Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назорати** – аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларига риоя қилаётганлиги билан боғлиқ масалаларни ўрганиш мақсадида ваколатли органлар ва аудиторлик ташкилотлари ўртасидаги маълумотлар алмашинуви асосида амалга ошириладиган назорат шакли ҳисобланади.

Аудиторлик текширувлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг асосий мақсадлари:

1) аудиторлик ташкилотлари иши сифатини умумий ва алоҳида уларда ички назорат ҳолатини аниқлаш;
2) аудиторлик хизматлари бозорини унинг унинг адолатсиз иштирокчиларидан ва паст сифатли аудит хизматларидан ҳимоя қилиш;

3) аудиторлик ташкилотлари малакасини ва иши сифатини ошириш;

4) ташқи аудиторлик назорати талаблари бузилганлигини ўз вақтида аниқлаш, қоидабузарларга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўриш.

Ташқи сифат назорати аудитор сифатида ишлайдиган аудиторлар томонидан амалга оширилади.

Ташқи сифат назорати қуйидаги турларга бўлинади:

1) режали;

2) режадан ташқари.

Режадан ташқари ташқи сифат назорати учун қуйидагилар асос бўлади:

1) аудиторлик ташкилотининг аризаси билан боғлиқ бўлган қайта текшириш;

2) аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи ва профессионал ташкилотларнинг фаолиятини назорат қилувчи ваколатли давлат органига келиб тушган маълумотлар ва шикоятлар бўйича мурожаатлари;

3) аудиторлик ташкилоти профессионал аудиторлик ташкилотининг қарори билан белгиланган муддатда аниқланган камчиликларни бартараф этилганлигини тасдиқлаш учун "3", "2" баҳоларини олади.

1-жадвал. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШҚИ СИФАТ НАЗОРАТИ БУЙИЧА БАҲОЛАНИШИ

№	Баҳонинг маъноси	Баҳо
1	Аудиторлик ташкилотининг фаолияти аудитнинг сифатини тўлиқ таъминлайди ва халқаро аудиторлик стандартлари талабларига мос равишда ўз фаолиятини олиб боради	5 Good (category 1)
2	Аудиторлик ташкилотининг фаолияти аудитнинг сифатини таъминлайди ва халқаро аудиторлик стандартлари талабларига айрим камчиликлар билан ўз фаолиятини олиб боради	4 Limited improvements required (category 2A)
3	Аудиторлик ташкилоти аниқланган камчиликлар мавжудлиги сабабли, сифатни таъминлаш учун жиддий ташкилий ислохотларни амалга ошириш керак. Аниқланган камчиликлар Халқаро аудиторлик стандартлари талаблари тўлиқ бажарилмаслигидан далолат беради.	3 Improvements required (category 2B)
4	Аудиторлик ташкилоти «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Халқаро аудиторлик стандартларига ва аудиторларнинг касбий ахлоқ Кодексига мос келмайди.	2 Significant improvement srequired (category 3)

Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотлари сифатини ташқи назоратдан ўтказиш амалиёти 2008 йилда жаҳон иқтисодиётида молиявий инқироз бўлган, лекин бу инқироз Ўзбекистонга ўз таъсирини кўрсатмаган, аммо дунёда инқирозга сабабчилар бухгалтер ва аудиторлар деб айтилган, бу нотўғри ҳисоб юриштиш ва ноҳолис аудит натижаси дея уларга таъна тошлари отилган эди. Ўшанда Бухгалтерлар халқаро федерацияси Халқаро сифат назорати стандартлари – ХСНС «Молиявий ҳисобот аудити ва шарҳловчи текширувларини ўтказувчи, шунингдек ишончлилигини таъминловчи бошқа топшириқларни ва ёндош хизматларни кўрсатиш бўйича топшириқларни бажарувчи аудиторлик ташкилотларида сифат назорати» ҳамда ХАС 220 «Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда сифат назорати»ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаган. ЎЗБАМУ ушбу нуфузли халқаро ташкилот аъзоси сифатида аудиторлик ташкилотлари сифати ташқи назоратдан ўтказилишини жорий этишга ва ушбу стандартларни Ўзбекистонда қўллади. Кейинги йилларда аудиторлик ташкилотлари сифатини ташқи назоратдан ўтказиш амалиётини Президентнинг 5.10.2016 йилдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сон Фармони [7], шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.2017 йилдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги [8] 274-сон қарори қўллаб-қувватлади.

Ривожланиш истикболлари Президентнинг 19.09.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарори билан белгиланди. Молия вазирлиги таркибида ушбу йўналишни ривожлантириш билан шуғулланадиган махсус бўлим иш бошлаши керак.

Молия Вазирлиги ташқи сифат назорати текширувларини ўтказишда циклик ёндашувдан фойдаланади, унга кўра ҳар бир текширилаётган объект ҳар 3 йилда камида бир марта текширилади (режали текширишлар). Режадан ташқари ёки такрорий аудитлар аудиторлик ташкилотларининг ташқи сифат назорати ваколатли органлар ташаббуси билан, шунингдек, ташқи сифат назорати зарурати туғилса, текширилаётган юридик шахсининг ёзма илтимосига биноан амалга оширилиши мумкин.

Текширилган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига, халқаро сифат назорати стандарти 1 (МСКК 1), халқаро аудит стандартлари (ХАС), шу жумладан, 220-ХАС «Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда сифат назорати» ва Одоб-ахлоқ кодекси [5] талабларига мос келадиган аудитлар учун ички сифат назорати тизимини йўлга қўйишлари ва қўллаб-қувватлашлари шарт. Ташқи сифат назоратини ташкил қилиш ва ўтқазиш босқичлари 2-жадвалда келтирилган.


2-жадвал. Ташқи сифат назоратини ташкил қилиш ва ўтказиш босқичлари

1-босқич	Текширилаётган субъектлар ҳақида умумий маълумот тўплаш	1) аудиторлик текшируви иш сифатини ташқи назоратини олиб борувчи ваколатли органлар буткул Республикада жойдашган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар тўғрисида маълумотга эга бўлиш; 2) Республика жамоат бирлашмалари аъзоларидан зарур маълумотлар ва тушунтиришлар талаб қилиш.
2-босқич	Текширилаётган субъектлар фаолиятининг таҳлили	Ўтган давр учун аввалги текширишлар, хатлар, шикоятлар натижаларининг оқибатларини муҳокама қилиш, ўрганиш ва баҳолаш.

3-босқич	Текшириладиган ҳар бир субъект бўйича текширув тайинлаш	1) назоратчиларни танлаш, ишчи гуруҳ тузиш 2) ишчи гуруҳ билан мувофиқлаштириш, текшириладиган субъект ҳақида хабар бериш; 3) аудиторлик текшируви ва аудиторлик ҳисоботини танлаш рискларини баҳолаш.
4-босқич	Текширув ўтказиш ва танланган материалларни кўриб чиқиш (ишчи гуруҳ)	1) 1) ишчи гуруҳ таркибига кирувчи назоратчилар томонидан сўровномаларни тўлдириш; 2) текширилаётган юридик шахснинг иш сифатини назорат қилишни ташкил этиш ҳамда аниқ аудиторлик вазифаларини баҳолаш.
5-босқич	Текширув натижаларини текширилаётган объект (ишчи гуруҳ) билан муҳокама қилиш	Назоратчилар томонидан текширув натижалари бўйича ҳисобот тузиш ва уни ишчи гуруҳга аъзо бўлган барча шахслар имзолаш. Текширилаётган субъектнинг ҳисобот билан таништириш ва ишчи гуруҳнинг иш натижалари, хулоса ва тавсияларини муҳокама қилиш учун текширилаётган субъект вакиллари билан учрашув ўтказиш.
	Текширишлар натижаларини муҳокама қилиш, ташқи сифат назорати текширув натижаларини тасдиқлаш	1) натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш; 2) ҳар бир аудиторлик текшируви натижалари бўйича йиғилишда тегишли баҳо билан муҳокама қилиш ва тасдиқлаш; 3) текширув натижалари тўғрисида хабардор қилиш. 4) Текширилаётган объектга ҳарқандай баҳо қўйилган тақдирда ушбу рейтингларни тасдиқлаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Ваколатли органлари билан биргаликда Республика жамоат бирлашмаларига ҳавола этилади.
6-босқич	Шахсийлаштиришсиз йил давомида назорат натижалари бўйича энг одатий қоидабузарликларни умумлаштириш	1) йил давомида амалга оширилган барча тадбирлар тўғрисида йиллик ҳисоботни тайёрлаш ва уни аудиторлар ваколатли органга тасдиқлаш учун тақдим этиш 3) назорат натижалари бўйича умумий йиллик шарҳлар тайёрлаш

Аудиторлик ишининг ташқи сифат назорати объектлари қуйидагилар: аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари тизими; аудиторлик ташкилотининг ички сифат назорати тизими; алоҳида аудиторлик текширувлари. Белгиланган сифат назорати объектларига мувофиқ ташқи сифат назорати аудитининг 3 та асосий йўналиши мавжуд: аудиторлик ташкилоти ички стандартларининг мавжудлиги ва аудиторлик фаолиятининг амалдаги қоидалари (стандартлари) га мувофиқлигини текшириш; аудитнинг ички сифат назорати тизимининг ташкил этилиши ва самарадорлиги аудити; алоҳида аудиторлик текшируви сифатини текшириш. Аудит сифати ташқи назорат услубияти қуйидаги расмда акс эттирилган.

1-расм. Аудит сифати ташқи назорат.



Аудиторлик фаолиятини норматив тартибга солиш тизимида аудиторлик фаолияти стандартларига алоҳида ўрин ажратилган. Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар томонидан стандартлардан фойдаланишни баҳолашнинг асосий мезонларидан бири сифатида улар томонидан ички аудит стандартларини ишлаб чиқиш ва

қўллаш кўриб чиқилиши лозим [4]. Аудитни ташкил этиш ва ўтказиш тамойилларига асосланган ҳолда аудиторлик ташкилоти ўтказган аудит ва хулосаларга ўз ёндашувини акс еттирувчи ички стандартлар мажмуини шакллантириши лозим. Ички стандартлар тизимининг мавжудлиги ва унинг услубий таъминоти аудиторлик ташкилоти профессионаллигининг зарурий кўрсаткичи ҳисобланади. Ички стандартлардан фойдаланиш аудиторлик ташкилотларига қуйидагиларга имкон беради [3]: а) аудиторлик фаолияти стандартлари талабларига тўлароқ риоя қилиш; б) аудитнинг технологияси ва ташкил этилишини янада оқилона қилиш, алоҳида қисмлар аудиторлик текширувларининг меҳнат сиғимини камайтириш, аудитор ёрдамчиларининг иши устидан қўшимча назоратни таъминлаш; в) аудиторлик амалиётига илмий ютуқлар ва янги технологияларни жорий этишга қўмаклашиш, касбнинг жамоатчилик нуфузини мустаҳкамлаш; г) аудиторлик ишининг юқори сифатини таъминлаш ва аудиторлик рискин камайтиришга ёрдам бериш; д) аудитнинг ахлоқий меъёрларига мувофиқ аудиторнинг профессионал хулқ-атворини батафсил баён этиш.

Аудиторлик фаолияти ички стандартларининг йўқлиги аудиторлик фаолияти сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган нафақат ҳуқуқларнинг, балки аудиторлик ташкилоти ходимларининг жавобгарлигининг ҳам мавжуд эмаслигини англатади. Шунинг учун ички стандартлар ички аудит сифатини назорат қилиш тизимининг асосий элементи бўлиши ва шу маънода аудит сифати назоратига бўйсунуши лозим.

Аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига тегишли қуйидаги аудит сифатини таъминлаш тартибларини ажратиб кўрсатиш мумкин: аудиторлик ташкилотининг ички стандартларини раҳбар буйруғи билан мажбурий тартибда тасдиқлаш; ички стандартларни расмийлаштириш ва тасдиқлаш тартибига риоя қилиш; ички стандартлар таркибига аудит ички сифат назоратини тартибга солувчи, ички стандартлар талабларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича қоидалар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; ички стандартларга риоя қилиш учун масъул бўлган тегишли мансабдор шахсларни тайинлаш ҳақида қоидаларни кўзда тутадиган ички стандартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; аудиторнинг ички аудит стандартларини қўллаши зарурлиги ҳақида талабни белгилаш; аудитда бажарилиши шарт бўлган ва фойдаланиш учун тавсия қилинадиган ички стандартларнинг қоидаларини белгилаш; аудиторлик текширувларини бошқаришнинг барча даражаларида ички стандартлар талабларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш; аудит сифатини назорат қилиш хизматининг бир қисми сифатида назорат функцияларини бажарувчи мутахассисларни касбий тайёрлаш даражасига ички талабларни ўрнатиш; аудиторлик ташкилоти раҳбарияти ва унинг ходимлари ўртасида ходимларни ички стандартлар мазмунини ошқор қилмасликка ва улардан ушбу аудиторлик ташкилоти фаолиятдан ташқарида фойдаланмасликка мажбур қилувчи битим тузиш.

Ички стандартларга қўйиладиган минимал мажбурий талабларни 4 та асосий гуруҳга бўлиш мумкин [2]: ички стандартларни тайинлаш ва тайёрлашга қўйиладиган талаблар; ички стандартлар мазмунига қўйиладиган талаблар; ички стандартларни тайёрлаш тартибига қўйиладиган талаблар; ички стандартлар талабларининг бажарилиши устидан ички назоратни ташкил этишга қўйиладиган талаблар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига нисбатан аудит сифатини назорат қилишнинг қуйидаги технологик циклини таклиф этамиз [3]: Амалдаги текширув - аудиторлик ташкилотининг ишлаб чиқилган ва қўлланиладиган ички стандартлари мавжудлигини текширишни ўз ичига олади. Мувофиқлик текшируви. Бу йўналиш аудиторлик ташкилотининг ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ички стандартларининг амалдаги аудиторлик стандартлари қоидаларига мувофиқлигини текширишни ўз ичига олади. Текширув якунида аудит сифатини назорат қилишнинг ҳар бир йўналиши ва блоки учун асосли хулосалар ва умумий баҳо берилиши керак.

Хулоса. Шундай қилиб, аудиторлар иши сифатини таъминлашнинг энг муҳим элементи аудиторлик хизматлари сифати устидан самарали назорат ҳисобланади. Аудитнинг юқори жамоатчилик аҳамияти нафақат ички сифат тизимига, балки тегишли ташқи назорат тизимига ҳам эҳтиёжни белгилаб беради. Аудиторлик ташкилоти ва унинг ходимлари аудит ўтказишда халқаро аудиторлик стандартлари, Қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги, шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан чиқарилган фикр ва бошқа ҳисоботлар, муайян топшириқларга мос келадиган аудит билан боғлиқ хизматларни тақдим этишига ишонч ҳосил қилиш учун сифат назорати хизматлари тизимини ташкил этиш керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни: 25.02.2021 // <https://lex.uz/docs/5307886>
2. Аудит / Под ред. В.В. Скобара. – М.: Просвещение, 2005. – 479 с.
3. Миронова О.А. Аудит: теория и методология. – М.: Омега-Л, 2005. – 245 с.
4. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 448 с.
5. З.П.Архарова «Международные стандарты аудит» М.: ЕАОИ, 2011. – 104 с.
6. https://www.wto.org/english/tratop_e/serv_e/mtn_gns_w_120_e.doc
7. ПФ–4848-сон Фармони
8. ВМ 274-сон қарори

*Аудиторлик иши сифатини назорат қилиш
Утегенова С. Т. Қорақалпоқ давлат университети*

Резюме. Мақолада аудиторлик хизматлари сифатини назорат қилиш усули таҳлил қилинган. Аудит сифати ташқи назоратининг аҳамияти, шунингдек, уни ташкил қилиш ва ўтказиш босқичлари очиқ берилган. Аудит сифати ташқи текширув асосий йўналишларини таърифлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: аудит, назорат, стандартлар, сифат, текширув.

*Контроль качества аудита
Утегенова С. Т. Каракалпакский государственный университет*

Резюме. В статье анализируется методика контроля качества аудиторских услуг. Обосновывается важность контроля качества внешнего аудита, а также этапы его организации и проведения. Особое внимание уделяется определению основных направлений внешнего аудита качества аудита.

Ключевые слова: аудит, контроль, стандарты, качество, проверка.

Quality control in audit

Utegenova S. T. Karakalpak State University

Resume. The article analyzes the method of quality control for audit services. The role of external control of audit quality is revealed as well as the stages in its organization and performance. Special attention is dedicated to the description of key directions in the external test of audit quality.

Key words: audit, control, standard, quality, test.

KÁRXANALARDA AĞIMDAĞI AKTIVLER ESABINIŇ TEORIYALIQ TIYKARLARI

Nurimbetov T.U., Muratbaev I.P.

Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Ekonomikani modernizatsiyalaw sharyatında islep shıǵarıwdı texnikalıq-texnologiyalıq tárepten qayta úskenelew, aǵımdaǵı aktivlerden paydalanıwdı tuwrı jolǵa qoyıw xojalıq subektleriniń finanslıq turaqlılıǵın hám islep shıǵarıw natiyjeliligini támiyinlewge xızmet etedi. Aǵımdaǵı aktivlerden nátiyjeli paydalanıw islep shıǵarıp atırǵan ónimniń sapası hám bahasına tásir kórsetip, olardıń básikege shıdamlılıǵın támiyinlewge múmkinshilik jaratadı.

Jáhánde barlıq ekonomika tarmaqların birlestiriwshi tiykarǵı kórsetkish jalpı ishki ónim esaplanadı. Jáhán boyınsha «JIO 2019-jılǵa ótken jılǵa salıstırǵanda derlik 2,9 procentke ósken»[1]. JIO quramında sanaat islep shıǵarıw úlesi úlken bolǵanı sebepli investiciya hám de innovatsiyalıq siyasat usı tarmaqqa qaratılǵan. Itibarlı tárepi, jáhánde eń iri kompaniyalar jámi aktivler quramında aǵımdaǵı aktivler úlesi 35-40 procentti quraǵan. Rawajlanǵan mámleketler óz aylanba qarjılarını paydaǵa tásirin turaqlı túrde qadaǵalap, olardı joqarı kórsetkishlerge erisiwdiń zárúrli faktori retinde qaralmaqta. Sol sebepli, aǵımdaǵı aktivler esabın júrgiziw, esabatta sáwlelendiriw, olar analizini shólkemlestirilgen-stilistik táreplerin rawajlandırıw hám audit usılların xalıq aralıq standartlar tiykarında shólkemlestiriw zárúrliǵi házirgi globallasıw processinde usı mashqalanıń aktualılıǵın jáne de asırmaqta. Jáhán ámeliyatında innovatsiyalıq hám sanlı ekonomikanıń rawajlanıw sharyatında aǵımdaǵı aktivler esabı, analizi hám auditiniń shólkemlestirilgen-stilistik táreplerin rawajlandırıw barısında kóplegen ilimiy izertlew jumısları ámelge asırılıp atır. Bul izertlewlerde aǵımdaǵı aktivlerdi klassifikatsiyalaw, olardı tán alıw, bahalaw, esabın shólkemlestiriw hám júrgiziw, paydalanıwshılar ushın informaciya múmkinshiliklerin keńeytiw, olardan nátiyjeli paydalanıwda analiz qılıw stilistikası hám de auditin ámeliy-stilistik máselelerdi rawajlandırıw máseleleri hám aǵımdaǵı aktivlerdi esapqa alıw qásiyetleri abzallıqları belgilep berilgen. Biraq, jáhánde aǵımdaǵı aktivlerdiń hár túrli kórinisi, olardı esapta sáwlelendiriw túrli dárejede bolǵanlıǵı, analiz qılıw hám auditin stilistik táreplerin xalıq aralıq standartlar talapları dárejesinde shólkemlestiriw menen baylanıslı zárúrli máseleler házirge shekem óziniń unamı sheshimin tappaǵan. Ózbekstanda islep shıǵarıw kárxanalarınıń jámi aktivler quramında aǵımdaǵı aktivler úlesi 85-92 procentti qurawı, tarmaqta turaqlı ekonomikalıq jaǵdayın saqlap qalıwǵa itibar beriw zárúrli áhmiyetke iyeligin talap etpekte. «Dándi saqlaw hám qayta islew kárxanalarında 2019-jılǵa islep shıǵarıw kólemi 107,5 procent, tutınıw tovarları kólemi bolsa 110,2 procentke asqan»[2]. Sol sebepli, islep shıǵarıw kárxanaları aǵımdaǵı aktivler jıldamlıǵı qásiyetlerinen kelip shıqqan halda, olardıń esabın shólkemlestiriw, analizi hám auditiniń stilistik tiykarların jaratıw búgingi kúnniń zárúrli máselelerinen biri bolıp qalmaqta. 2018-jıl 28-dekabrdegi Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń Olıy Majliske Múrajatnamasında «Ekonomikadaǵı sistemalı ózgerisler nátiyjesinde jalpı ishki ónim quramında sanaatın úlesi bıylǵı jılǵa 35 procentten 37 procentke artıwı kútilip atır. Usınıń sebebinen, hár bir rayon hám qala sanaatın rawajlandırıw boyınsha orta hám uzaq múddetli programmalar islep shıǵıw»[3] ústem turatıwın wazıypalardan biri etip belgilengen.

Mámleketimizde ǵárezsizlik jıllarında ekonomikalıq reformalarǵa ámelge asırıw processinde turaqlı ekonomikalıq ósiwge erisildi, makroekonomikalıq jaǵday turaqlastı hám inflyatsiya dárejesiniń tómeleniw támiyinlendi. Múlkshilik formasına qaramastan isbilermenlik iskerligin júrgiziw málim qarjılardı talap etedi. Jámi qarjılar quramında aǵımdaǵı aktivler zárúrli áhmiyetke iye boladı. Aǵımdaǵı aktivler óziniń jıldamlıǵı, tez aqshaǵa aylanıwshılıǵı menen xojalıq subektleri iskerliginde joqarı nátiyje keltiretuǵın qarjılar esaplanadı.

Xojalıq subektleriniń aǵımdaǵı aktivleri uzaq múddetli aktivlerden ajralıp, bir ǵana islep shıǵarıw ciklında tolıq isletiledi, óz qunın tayın ónimge ótkeredi hám natural-materiallıq hám baha xarakteristikasında tiklenedi hám de sol tártipte úziksiz hárekette boladı. Aǵımdaǵı aktivler haqqında toqtalıp N.P.Kondrakov: «Aylanba aktivler (aylanba kapital) - material aylanba qarjıları, pul qarjıları, qısqa múddetli finanslıq qoyılmalar hám esaplasıw qarjılarının quraladı [4]» dep ayıp ótedi. Bul berilgen túsindirmege bazı anıqlıqlar kirgiziw, atap aytqanda, esaplasıw qarjılarınıń aǵımdaǵı aktivleri quramına kiritiliwinde qarama-qarsı pikirler júzege keliwi múmkin. Yaǵnıy, esaplasıw qarjıları quramına ádette debitorlıq qarızları menen birge kreditorlıq qarızları da kiritiledi. Bunda kreditorlıq qarızları aǵımdaǵı aktiv bola almaydı hám nátiyjede joqarıdaǵı bildirilgen túsindirme jetiliskeń bola almaydı.

N.A.Kamordjanova hám I.V.Kartashovalar pikirlerine kóre, «Aylanba aktivler dep shıyki - zat, materiallar, janar may, yarım fabrikatlar, tez eskiriwshi buyımlar, islep shıǵarıw ushın tayınlanǵan ónimler, orınlanǵan jumıslar, kórsetilgen xızmetler, tamamlanbaǵan islep shıǵarıw, tayar ónimler hám tovarlardı satıw yamasa satıp alıw, basqa material bahalıqlar (ósiw deǵı hám baǵıwdaǵı haywanlar), kelesi dáwir qárezjetleri, júklep jiberilgen ónimler, pul qarjıları, basqa xojalıq subektleri qarızları yamasa sol xojalıq subekti ushın túrli kórinistegi debitorlıq qarızlarına

aytildi [5]» dep aniqlama berilgen. Bul ekonomist ilimpazlarning ilimiy qaraslari salisturganda toliq bolsada, agimdagı aktivler quramında keshiktirilgan qarejetlerdin esapqa alinıwı tuwrısında pikir bildirilmegenligin kemshilik retinde tan alıw mumkin.

Y.Abdullaev, A.Ibrohimov ham M.Raximovlarning pikirlerine kore, «Agimdagı aktivler quramına xojalıq subektiniń materiallıq aylanba qarjıları, pul qarjıları, qısqa muddetli finanslıq qoyımlar ham de qarsı tarepke bolgan debitorlıq minnetlemeleri kiritiledi [6]» dep tariyplengen. Biraq, bul jerde «qarsı tarepke bolgan debitorlıq minnetleme» tusinigin duzetiw ham muddeti keshiktirilgen qarejetlerdin agimdagı bolegin qosıw maqsetke muwapıq.

Agimdagı aktivler tusinigine salisturganda joqarıdagı ekonomist ilimpazlarning bergen tariyplerin analiz etiw tiykarında tomendegishe tusindirme beriw maqsetke muwapıq dep esaplaymız: «Agimdagı aktivler - xojalıq subektiniń turaqlı hareketdegi mobil aktivleri bolıp, bir islep shıgarıw (normativ operacion) ciklı dawamında oz qunı ham formasın jaratılıp atırgan onimlerde toliq otkeriwshi baylıqlar esaplanıp, olar quramına tovar-materiallıq rezervleri, kelesi dawir qarejetleri, keshiktirilgan qarejetler, pul qarjıları, qısqa muddetli investiciyalar, debitorlar ham basqa agimdagı aktivler kiritiledi». Agimdagı aktivlerdin tagı bir elementi debitorlıq qarız bolıp, ol tovar satıw satıp alıw pitimi jane onıń tolemi ortasında juzege keletuǵın waqıt natıyjesinde payda boladı. Debitorlıq qarız tiykarınan jetkezip beriwshiler ham qarıydarlar menen esap-kitaplardı tovar, xızmet ham jumislardı qabıl etken künde tolew amelge asırılmaǵan barlıq jaǵdaylardı oz ishine aladı.

Debitorlar kárxana pul qarjılarının hareketin tomenlestiriwi sebepli debitorlıq qarızları finanslıq aktivlerdin en tomen likvidli bolegi esaplanadı. Buxgalteriya esabında qarızdarlıqtı bahalaw usılları darguman qarızların mazmunın aniqlawga tiykarlangan. Darguman qarız - bul kárxananiń shártnamada belgilengen muddetlerde tolenbegen debitorlıq qarızdarlıǵı bolıp, tiyisli kepillikler menen támiynlenbegen. Bul rezervler 4910 - «Darguman qarızlar boyınsha rezerv» schyotı boyınsha sarplangan debitor qarızdarlıq fondları tiykarında dúziledi. Rezerv muǵdarı qarızdardıń finanslıq jaǵdayına ham qarızdı tolew itimallıǵın toliq yamasa bolek bahalawga qaray aniqlanadı. Qarızdardıń tolew qabileti bolmasa qarız biykar etiledi jane bul balanstan tısqari schyotda sawlelendiriledi (007- schyot «Ekonomikalıq tomen qarızdarların esaptan shıgarılǵan qarızları»). Bul qarız qarızdardıń mülkshilik jaǵdayında ozgerisler bolıwı jane onıń tolew qabiletin qayta tikleniwın baqlaw ushın biykar etilgen kúnnen baslap bes jıl dawamında balansta esapqa alinıwı kerek. FEXSda rezerv jaratıw ushın buxgalteriya balansında (1-forma) «Darguman qarızlar boyınsha rezerv» (ingl. Allowance for Uncollectible Accounts) ham finanslıq natıyjerler tuwrısındaǵı esabatda (2-forma) «Úmitsiz debitorlıq qarızın esaptan shıgarıw qarejetleri» schyotı (ingl. Uncollectible Accounts Expense) nan paydalanıladı. Xalıq aralıq tájiriybege muwapıq darguman qarızlar ushın rezerv jaratıwda tomendegi usıllardan paydalanıw ham olardı esap siyasatında sawlelendiriw maqsetke muwapıq: 1. Interval usılı. 2. Ekspertler usılı. 3. Statistikalıq usıl.

Interval usılında rezervge ajratılǵan qarjılar muǵdarı keshigiw muddetine kore qarız muǵdarı procent stavkası retinde hár sherekte (aylıq) esaplanadı. Yaǵniy hár bir darguman qarız boyınsha rezerv ushın ajratılǵan qarjılar keshigiw dawiri menen proporcional bolıp tabıladı. Rezervti sol tárzde esaplaw ushın tomendegi algoritmdı qollaw usınıs etiledi (1-keste):

1-keste. Rezervti esaplaw algoritmi (tártibi)

Minnetlemelerdi atqarmaslik muddeti, kúnlér	Háreketler
45 kúnnen kem	Jaratpaw
45 ten 90 kúnge shekem	Qarız muǵdarınan 50 % kóleminde
90 nan artıq	Qarızdıń toliq muǵdarına

Interval yamasa ekspert usılı qollanılganda tomendegi variantlardı tańlaw mumkin: eger rezerv jaratılǵan qarızlar úmitsiz dep tapılsa, ol rezervdegi qarjılar esabınan qaplanadı. Eger rezervde pul qarjıları jetkilikli bolmasa, rezerv esabınan qaplanbaǵan qarız summası basqa operacion qarejetlerge esaptan shıgarıladı. eger rezerv qarızdı qaplasa - rezerv muǵdarı tiklenedi, yaǵniy basqa operacion dáramatlarga kiritiledi. Darguman qarızlar boyınsha rezervler olar jaratılǵan jıldan keyingi jıl paydasına qosılǵanda, 4910 - «Darguman qarızlar boyınsha rezerv» schyotı debeti ham 9390 - «Basqa operacion dáramatlar» schyotı krediti boyınsha sawlelendiriliwi kerek.

Juwmag retinde sonı atap ótiw kerek, agimdagı aktivlerdin mazmunı ham ekonomikalıq mánisi úyreniliniw, olardı gruppalaıwga tiyisli jáhán ham mámleketimizdegi bar jandasıwları salıstırıw analiz etiw tiykarında agimdagı aktivler túrli belgileri boyınsha gruppalaıwga avtorlıq jandasıwı islep shıǵıldı, auditorlıq tekseriwinen otkeriw ham analiz etiw usılların jetilistiriw zárurlıǵı ham de áhmiyeti tiykarlap berildi. Sonıń menen birge, agimdagı aktivler tusinigin tariyplewge avtorlıq jandasıwı qalıplestirildi. «Agimdagı aktivler - bul islep shıgarıw ham mámile fondların qalıplestiriw ushın pul kórinisinde avanslastırılauıǵın, mudamı bir funkcionallıq formadan basqa forma kórinisine otetuǵın baha bolıp, ol arqalı onim islep shıgarıw ham satıw procesiniń úziksizligi támiynlenedi, sonıń menen birge 12 ay yamasa ápiwayı operacion ciklı dawamında bul pul qarjıları kórinisine keltiriliwi mumkin bolgan aktivler bolıp tabıladı.

ÁDEBIYATLAR

1. <https://www.world industrial production 2019>.
2. [https://www.uzdon.uz, \(openinfo.uz\)](https://www.uzdon.uz, (openinfo.uz))
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь куни мамлакатимиз Парламентига Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 28 январь.
4. Кондраков Н.П. Бухгалтерский (Финансовый управленческий) учет: учебник. – М.: «Проспект», 2009. – С.
5. Каморджанова Н.А., Карташова И.В. Бухгалтерский финансовый учет. – М.: «ПИТЕР», 2008. – С. 30.
6. Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил 100 савол ва жавоб. – Т.: «Мехнат», 2001. – Б.

Kárxanalarda agimdagı aktivler esabınıń teoriyalıq tiykarları.
Nurimbetov T.U., Muratbaev I.P. Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Rezyume. Maqalada xojaliq jurgiziwshi subektler ağımdağı aktivlerdiń teoriyalıq tiykarlarına toqtalǵan. Ağımdağı aktivler haqqındaǵı bir qatar shet el hám jergilikli alımlar pikirleri talqılانǵan.

Tayamish sózler: xojaliq jurgiziwshi subektler, uzaq múddetli aktivler, ağımdağı aktivler, debitorlıq qarızlar.

Korxonalarǵa jorıy aktivlar ǵisobining nazariy asoslari.

Nurimbetov T.U., Muratbaev I.P. Qoraqalpaq davlat universiteti

Резюме. Мақолада ҳўжалик юритувчи субъектлернинг жорий активлар назарий асосларига кенг ёритилган. Жорий активлар тўғрисидаги бир қатор чет эл ва маҳаллий олимлар фикрлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ҳўжалик юритувчи субъектлар, узоқ муддатли активлар, жорий активлар, дебиторлик қарзлар.

Теоретические основы учета оборотных средств на предприятиях

Нуримбетов Т.У., Муратбаев И.П. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассмотрены теоретические основы оборотных средств хозяйствующих субъектов. Проанализированы мнения ряда зарубежных и отечественных ученых об оборотных средствах и сделаны соответствующие выводы относительно оборотных средств нашей страны.

Ключевые слова: хозяйствующие субъекты, долгосрочные активы, краткосрочные активы, дебиторские задолженности

Theoretical bases of accounting of current assets in the enterprises

Nurimbetov T.U., Muratbaev I.P. Karakalpak State University

Summary. The article describes the theoretical foundations of current assets of business entities. A number of foreign and domestic scholars' opinions on current assets have been analyzed and the corresponding conclusions on rather current assets of our country have been drawn.

Key words: business entities, long-term assets, short-term assets, accounts receivables

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ

Тухлиев И. С.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Кириш. Жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви ва илм хажимли технологияларга асосланган ишлаб чиқаришнинг устувор ривожланиши ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва турмуш сифати ошишининг зарурий шартини инновацион фаоллик билан белгиланади. Жаҳондаги кучли рақобат муҳитида инновацион фаолият интенсивлик ҳолати иқтисодий ривожланиш даражасига таъсир кўрсатади. Рақобат муҳитида инновацион фаолият учун қулай шарт-шароит яратган мамлакат ёки ҳудуд бугунги кунда иқтисодий ўсишга эришмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш, киска муддат ичида уни ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш учун инновациянинг туб моҳиятини очиб берган Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида "...биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қуйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз", деб таъкидладилар[1]. Дарҳақиқат инновацион фаолиятни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш механизми тизимини шакллантириш авваламбор, зарурий ҳуқуқий-меъёрий базани ҳамда инновацияни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи инфратузилмани шакллантириш орқали амалга оширилади.

Инновацион инфратузилмани янада шакллантириш, тадбиркорликни, инвестицион салоҳиятни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, инновацион ғояларни, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг жорий қилиш бўйича Ўзбекистонда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу туфайли иқтисодиётдаги инновацион-инвестиция жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватловчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ва инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги кунда долзарб масалалар қаторига қиради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ва уни амалиётга татбиқ этиш жараёнининг кўп қиррали ва ғоят мураккаб эканлиги боис, муаммоларнинг аксарияти назарий жиҳатдан тўлиқ ўрганилмай қолмоқда. Инновацион инфратузилма дейилганда шундай ташкилот ва корхоналар мажмуаси тушуниладики, улар инновацион ғоя, янгилик ва инновацион фаолиятни амалиётга оширишни ижрочиси ҳисобланади[11]. Инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари қуйидаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган: Й.А.Шумпетер [6], D.Bell [7], J.Howkins[8], Y.Benkler[9], D.Tapscott [10], А.Ф.Расулев[4], И.Абдурахмонов[5], Н.М. Махмудов[1], Қ.Ж.Мирзаев[11] ва бошқалар. Аммо, мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг назарий -методологик масалалари ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда давлат томонидан тартибга солишнинг ташкилий ва молиявий механизмлари етарлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот методологияси бўлиб, "Инновацион фаолият тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг инновацион иқтисодиётни ривожлантириш бўйича фармон ва қарорлари ҳамда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони ҳисобланади. Шунингдек тадқиқотдаги асосий масалалар ва уларнинг йўналишлари амалий маълумотларни қўллаган ҳолда мантикий таҳлил усуларини қўллаб тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари ёритилган.

Таҳлил ва натижалар. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан, дунёнинг ҳеч бир мамлакатиди миллий инновацион тизим хусусий сектор томонидан мустақил равишда шакллантирилмаган. Барча мамлакатларда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш мақсадида жорий қилинадиган миллий инновацион тизим (МИТ), ўз элементларининг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириб туриш асосида ушбу тизимни шакллантиришда давлат етакчи ролни ўйнайди ҳамда фаолият кўрсатади миллий, тармоқ ва минтақавий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилайди шунингдек, ресурсларнинг шу йўналишларда тўпланишини таъминлаб беради[4].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда инновацион фаолиятнинг турли жиҳатларига тегишли бўлган ҳуқуқий-меъёрий база такомиллаштирилмоқда. Шу билан биргаликда унинг тузилиш жараёнини яқунланган, деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки у доимо жорий ривожланиш босқич вазибаларига мослашиб боради. Ҳозирда интеллектуал ташкил этувчилар ҳисобига кўшимча қиймат улушини ташкил этувчи юқори технологик рақобатбардош маҳсулотларни реализация қилиш ва ишлаб чиқаришдаги ўсиш ҳисобига аҳоли турмуш шароитини ҳамда ЯИМни оширишга қаратилган барча таъсир чораларини қўллаш лозим бўлмоқда.

Инновацион фаолиятнинг натижаларини юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш жуда муҳим. Дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланади. Интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда 7 фоизни ташкил этмоқда[5]. Ўзбекистон бу борада дунё бозорида ўз нуфузини ошириш учун қонунчиликни такомиллаштириши, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириши ва ҳар бир корхона ва тармоққа илмий ютуқларни олиб кириш мақсадида саноат мулки патентлари платформасини яратиб, унга саноат тармоқларидаги интеллектуал мулк объектларини жойлаштириб бориш, вилоятлардаги корхоналар ва олий ўқув юртларининг интеллектуал мулк объектлари базасини яратиш механизминини ишлаб чиқиш лозим.

Ўзбекистон қонунчилигида шу вақтга қадар инновацион фаолият соҳасидаги муносабатлар, инновация ва инновацион фаолият соҳасидаги тушунчалар, иштирокчилар таркиби ва ушбу жараёнда уларнинг ўзаро муносабати, апробация механизмларини самарали ташкил этиш, илмий ишланмаларни амалиётга тадбиқ этиш ва саноатда ўзлаштиришни тартибга солишчи ягонаинновацион фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатининг мавжуд эмаслиги ушбу қонун қабул қилиш заруриятини кун тартибига қўйган эди.

Шуларни ҳисобга олиб, 2020 йилнинг 24 июль куни “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни [2] имзоланди ва шу кундан эътиборан кучга киритилди. Ушбу қонун Ўзбекистонинновацион сиёсат стратегиясини ва тамойилларини шакллантириш тартибларини аниқлайди. Жумладан, қонун иқтисодиётда илмий ва илмий-техник фаолиятнинг ўрнини белгилашда молиялаштиришнинг кўплаб манбалари, инновацион фаолиятни бошқариш тамойиллари, инновация соҳасида давлат ва вилоятлар миқёсида давлат бошқарув органлари таъсирининг асосий шакллари ва халқаро илмий-инновацион ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини ақс эттиришга ёрдам беради. Мазкур қонуннинг асосий тушунчалари 3-моддасида инновацион фаолият-янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият, деб белгиланган. Унинг асосий принципларини қўйидагилар ташкил қилади: инновацион фаолиятнинг эркинлиги; инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан тенг фойдаланилишини таъминлаш; инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ошқоралиги ва аниқ йўналтирилганлиги; рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш; ахборотни эркин алмашиш; инновацион фаолият натижасида яратилган интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш; фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказмаслик.

Бу каби принциплар Ўзбекистонда молиявий ресурсларни инвестициялаш, инновацион лойиҳаларни кредитлаш механизминини яхшилаш, инвесторлар ва кредиторлар учун инновацион-инвестиция бозорларни шакллантириш ҳамда ўрта ва катта илмий ҳажимли лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазибаларни ҳал этиш имкониятини беради. Кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш нафақат республика миқёсида, балким ҳудудий бошқарув органлари миқёсида ҳам асосий устувор йўналиш бўлиши лозим. Давлат томонидан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг асосини ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш ва уни қўллаб-қувватлашни молия-кредит механизмларини ишлаб чиқишга йўналтириш лозим бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки инновацион жараёнларни молиялаштиришни оптимал инструментларини излаб топиш муаммоси катта аҳамият касб этади, чунки инновацион фирма ихтиёрида бўлган ресурслар ҳажми ва характери инновацион стратегияни аниқловчи зарурий ташкил этувчи ҳисобланади. Жорий этилаётган инвестицион лойиҳалар илғор истиқболли техника ва технологик тенденцияларни қай даражада ҳисобга олганлиги микродаражада фирманинг олаётган фойда миқдорига боғлиқ бўлса, макродаражада эса мамлакатнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини ҳамда илмий техник тараққиёти даражасини амалга оширишда ақс этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, илм-фан соҳаларига сафрфланаётган жами ҳаражатлар ўтган йиллар мобайнида қарийб 14% га ошган. Бу кўрсаткич 2018 йили умумий 528.8 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 603, 3 млрд сўмга ошган. Бироқ, бугунги кунда илм-фанни молиялаштириш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0.2% ни ташкил қилиб, йиллар давомида ўзгармай қолаяпти. Ушбу кўрсаткич жаҳон бўйича ўртача 1,7 фоизга тенг, хусусан Хитойда 2008 йилда 1,4 фоиздан 2,14 фоизгача, Корея Республикасида 3,1 фоиздан 4,5 фоизгача ошган. Бундан ташқари, тармоқлар корхоналари томонидан илмий-тадқиқотларга буюртма бериш ва молиялаштиришдаги иштироки пастлиги давлат бюджетига оғир юк бўлиб қолмоқда [5].

Шу туфайли давлатнинг тартибга солиш тизимида асосий ўринни бюджет маблағлари ҳисобидан инновацион лойиҳалар ва илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишланмаларни (ИТТКИ) молиялаштириш эгаллаши керак. Давлат субсидиялари давлат ва нодавлат секторига инновацион мақсадлар ёки кўп мақсадли тавсифга эга бўлган инвестициянинг инновацион ташкил этувчисини таъминлаш учун тақдим этиши мумкин. Давлат инновацион қўйилмаларини диверсификация қилиш мақсадида махсус давлат ҳолдинглари ва инновацион компанияларни ташкил этиш лозим бўлмоқда. Янгиликларни қўпайтириш учун ва инновацияга бўлган бирламчи талабни яратишда инновацион маҳсулотга давлат буюртмаси ҳамда ИТТКИ бажаришга давлат шартномалари алоҳида аҳамият касб этади. Бюджет маблағларини тақсимлашда танлов омилини қўллаш инновацион жараёнлар самарадорлигини оширади.

Дунё микёсида саноат инкилоби билан боғлиқ анъанавий иқтисодиётдан рақамли иқтисодиётга ўтиш кескин суръатлар билан рўй бермоқда. Замонавий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги янги йўналишлар аввало Й.Шумпетер [6] ғоясига асосланган инновацион иқтисодиёт, АҚШлик олим Д.Белл [7] томонидан асосланган постиндустриал жамиятнинг ривожланиш тенденциялари, Ж.Хокинсинг [8] билимлар иқтисодиёти ёки креатив иқтисодиёт назарияси, Й.Бенклернинг [9] “Digital Economy” деб номланган илмий ишларида келтирилган концепцияларида илгари сурилган тармоқли иқтисодиёт ҳамда Д.Тэпскотт [10] томонидан киритилган рақамли иқтисодиётдан иборат бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг бугунги инновацион фаолиятини ривожланишида ҳам айнан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрда “Рақамли Ўзбекистон- 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони[3] қабулқилинди. Ушбу стратегия Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истикболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Унга кўра “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ва 2020–2022 йилларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари тасдиқланди.

Хулоса ва таклифлар Фармонда белгиланган стратегиянинг ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурларини амалга оширишда, ҳудудлардаги инновацион фаолиятни ривожлантириш стратегиясини қуйидаги йўналишлар бўйича ишлаб чиқиш тавсия қилинади (1-расм).

Ҳудудлардаги инновацион фаолиятни ривожлантириш стратегиясини нинг зарурий механизми сифатида ҳудудлар иқтисодиёти ривожланишининг истикболли йўналишларда зарурий илмий-техник муаммоларни самарали ҳал этишни таъминловчи ресурслар, муддатлар ва тадбирларни бажарувчилари бўйича ўзаро алоқадор мажмуали-ҳудудий инновацион дастурлар ишлаб чиқиш керак бўлади.

Илмий-техник сиёсат инновацион фаолиятни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектларга турли имтиёзлар тақдим этиш ва илмий-техник дастурларни молиявий қўллаб-қувватлаш билан чегараланиб қолмаслиги керак. Давлат интеллектуал капиталининг асосий инвестори ва илмий-техник тараққиётнинг иқтисодий самарадорлигини таъминловчи субъект сифатида илмий-техник янгиликларни иқтисодий реализация қилиш функциясини бажариши мақсадга мувофиқ.

Ҳудудларда инновацион фаолиятни ривожлантириш стратегиясининг йўналишлари: инновацион фаолиятни кенгайтириш учун банк кредитини жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш ва капитал бозорини ривожланиши учун шароит яратиш; ёқилги-энергетика комплексида инновация фондини яратиш учун нефть маҳсулотлари, газ ва минерал хом-ашёдан олинган фойдадан мажбурий тўловлар тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш; фондлар асосида, лойиҳалар узлуксизлигини таъминлаш учун ривожланган молиявий капиталга эга бўлган, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи фондлар ассоциациясини ташкил этиш; инновацион фаолият ва инновацион жараёнларни молиялаштиришда амортизация фонди маблағларидан мақсадли фойдаланиш тизимларини шакллантириш; инновацион фаолликни сезиларли даражада ошишини таъминловчи солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; қимматбаҳо қурилма ва ускуналардан фойдаланиб, илмий хажимлимаҳсулотлар яратаётган ва ишлаб чиқараётган инновацион фаолият субъектлар.

Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификация қилиш ва рақамлаштириш жараёнларини жорий қилишда инновацион фаолиятни ривожлантириш стратегиясини давлат томонидан тартибга солишнинг қуйидаги ташкилий ва молиявий механизмлари таклиф қилинди.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг ташкилий механизмлари барча манфаатдор тузилмаларнинг фикрларини ҳисобга олишни ва шу вақтнинг ўзига инновацияларни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш учун шароит яратиши керак.

Ташкилий ва молиявий механизмлар: инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий-меъёрий таъминоти, уни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва уни хўжалик амалиётига жорий этиш; илм-фан, инновацион ишланмалар ва таълим тизимини тижоратлаш тириш бўйича самарали инфратизим ва институционал муҳит яратиш; иқтисодиётнинг реал секторида рақамли технологияларни ривожлан тиришнинг устувор йўналишларини белгилаш; мамлакат экспорт нуфузини кескин оширишга йўналтирилган рақамли технологияларни ривожлантириш; инновацион

фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб-чиқаришни ривожлантириш, ракобатбардошликни ва илм хажимли маҳсулотлар экспортини ошириш; рақамли технологияларни қўллаб-қувватлаш тизимидан, экспертизадан, сертификатлаш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимидан иборат бўлган инновацион жараён инфратузилмасини ривожлантириш; инновацион лойиҳа ва дастурларни танлов асосида танлашни жорий этиш. Давлат томонидан хусусий инвесторларни қатта бўлмаган ва тез қопланадиган инновацион лойиҳаларни жорий этишда қатнашишини ва истикболли ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда хусусий инвестициялар оқимини ортишига замин яратиш; ишлаб чиқариш самарадорлигига ва маҳсулот ракобатбардошлигини ортишига таъсир кўрсатувчи кичик рақамли технологияларни танлаш орқали инновацион сиёсатни истикболли йўналишларини амалга ошириш.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш стратегиясини ушбу механизмларини амалиётга жорий қилиш натижасида биз миллий инновацион тизим ривожланишини ҳамда уни жаҳон инновацион тизимига интеграциясини таъминлашимиз мумкин. Бу эса мамлакатимизни иқтисодий ривожланишини янги Ўзбекистон инновацион иқтисодиёт моделига ўтишини таъминлаш билан биргаликда, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдаги ишларга ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Махмудов Н.М. Интеллектуал салоҳият ва педагогик маҳорат, инвестиция- инновацион ривожланишнинг асоси. // Pedagogik mahorat. Ilmiy-nazariy va metodik jurnal. 2020, № 3.7 б.
2. “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 03/20/630/1101-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрда “Рақамли Ўзбекистон- 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // lex.uz.
4. Расулев А.Ф. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт ракобатбардошлигини ошириш / ЎзФА, Иқтисодиёт институти. монография. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2011. – 408 б.
5. Абдурахмонов И. Учинчи ренессанс- илм-фан тараққиёти. <https://mininno vation.uz/uz/news/2334>
6. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.: Эксмо, 2007. с. 862.
7. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. М.: Academia, 1999. с.956.
8. Howkins J. The Creative Economy: How People Make Money from Ideas. London: Penguin. 2001.
9. Benkler Y. The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom. New Haven, Conn: Yale University Press, 2006. 515 p.
10. Tapscott D. The digital economy: promise and peril in the age of networked intelligence. New York; Montreal: McGraw-Hill, 1996.
11. Мирзаев Қ.Ж. „ва бош. Инновацион иқтисодиёт (Ўқув қўлланма) –Т.:“Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”.2020.-298 бет.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш стратегияси ва давлат томонидан тартибга солиш механизми

Тухлиев И. С. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Резюме. Мақола Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш стратегиясини ва давлат томонидан тартибга солишнинг ташкилий ва молиявий механизмларини такомиллаштиришга бағишланган. Мақолада қонунчилик базадаги инновацион фаолиятнинг асосий тамойиллари асосида ҳудудларни ривожлантириш стратегияси ва инновацион сиёсатнинг асосий йўналишлари бўйича тақлифлар берилган.

Калит сўзлар: инновацион жараёнлар, инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, рақамлаштириш жараёнлари, ташкилий ва молиявий механизмларни такомиллаштириш.

Стратегия развития инновационной деятельности в Узбекистане и механизм государственного регулирования

Тухлиев И.С. Самаркандский институт экономики и сервиса

Резюме. Статья посвящена совершенствованию стратегии развития инновационной деятельности в Узбекистане и организационно-финансовых механизмов государственного регулирования. В статье представлены рекомендации по стратегиям регионального развития и ключевым направлениям инновационной политики, основанные на базовых принципах инновационной деятельности в законодательной базе.

Ключевые слова: инновационные процессы, государственное регулирование инновационной деятельности, процессы цифровизации, совершенствование организационных и финансовых механизмов

Strategy for the development of innovative activities in Uzbekistan and the mechanism of state regulation

Tukhliev I.S. Samarkand Institute of Economics and Service

Summary. The article is devoted to improving the strategy for the development of innovative activities in Uzbekistan and the organizational and financial mechanisms of state regulation. The article presents recommendations on regional development strategies and key areas of innovation policy based on the basic principles of innovative activities in the legislative framework.

Key words: innovative processes, government regulation of innovative activities, digitalization processes, improvement of organizational and financial mechanisms

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА РИВОЖЛАНИШНИНГ БОШҚАРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Алиева Г.А.

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали

Кириш. Республикаимиз таълим тизимида хусусий сектор ривож иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлардаги нисбатан суст бораётганлигидан далолат беради. Олий ўқув юртларининг АҚШда 55 фоизини, Японияда 70 фоизини, Россияда 35 фоизини нодавлат муассасалари ташкил этилишини, бу мамлакатларда мактабгача тарбия муассасаларининг қатта қисми хусусий муассасалар эканлигини, аксарият болалар уларда тарбияланишини эътиборга олсак, бу янада яққолроқ сезилади. Мазкур мамлакатларда нодавлат

шўъбанинг аҳамияти бошланғич таълимдан олий таълимгача ошиб боради. Уларда таълим тизимининг асосий устунлиги иктисодда институционал ўзига хосликка эга бўлиб, бу асосан, ўқув юртларини молиялашда сезилади. Шу боисдан, ижтимоий хизматлар кўрсатишда хусусий секторни ривожлантириш ва ижтимоий соҳадаги давлатга тегишли муассасаларда хусусий тадбиркорликни шакллантириш соҳаси молиявий базасини соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши ҳисобланади.

Асосий қисм. Ижтимоий инфратузилманинг жамиятдаги миссияси минтақааҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун шароитлар яратишдан иборат [1.1]. Ҳар йили қабул қилинадиган статистик ишлар дастурида ижтимоий инфратузилманинг фаолият турлари бўйича қўшилган қиймат динамикаси ва объектлар ҳолати тўғрисида статистик маълумот тўплаш кўзда тутилган. Тадқиқот жараёнида Қорақалпоғистонда ҳудудий ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқаришдаги мавжуд муаммолар ўрганилди ва таҳлил натижалари асосида уларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари аниқланди ҳамда тегишли таклифлар ишлаб чиқилди (1-расм). Дастлаб ҳудудий ижтимоий инфратузилмани бошқаришнинг туман кесимидаги ташкилий тузилмасини ўрганишни лозим топдик. Маълумки, ташкилий тузилмалар жуда турли-туман, лекин улар умумий изчил боғлиқликка эга ва қонуниятларга бўйсунди [2, 283]. Бошқариш ташкилий тузилмасининг асосий турлари чизикли ва функционал турларидир. Улар бири киши асосида турли хил чизикли-функционал тузилмалар таркиб топади.

Ривожланишимизнинг ҳозирги босқичида биз аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга, эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга ва кекса одамлар ва ногиронларга давлат томонидан ёрдам кўрсатишга, ижтимоий хизматларни яхшилашга ва жамиятда давлат-хусусий шериклик алоқаларини ўрнатишга катта эътибор қаратмоқдамиз [3.70-модда].

1-расм. Ҳудудий ижтимоий инфратузилма ривожланишини



бошқаришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари¹

Ижтимоий соҳа тармоқлари ичида соғлиқни сақлаш тизими алоҳида ўрин тутди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, у ёки бу мамлакат аҳолисининг саломатлик кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар ичида шу мамлакатда таркиб топган соғлиқни сақлаш тизимининг таъсири 8-14 фоиз даражасида

¹ Муаллиф ишланмаси.

баҳоланса-да, бу тизимнинг фаолияти бошқа барча ижтимоий соҳаларга қараганда аҳоли манфаатлари билан энг кўп тўқнаш келади. Бу тизимнинг муваффақиятли ишлаши эса унинг барча турдаги ресурслар, жумладан, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш, фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш ва назорат қилишда давлатнинг иштирок этиши, тиббий хизматларнинг ўзига хосликларидан келиб чиққан ҳолда, объектив зарурият ҳисобланади ва давлатнинг соғлиқни сақлаш соҳасида қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олишини тақозо этади: давлат даромадлари барқарорлигини таъминлаш орқали мамлакат миқёсида соғлиқни сақлаш тизими учун барча турдаги ресурсларнинг сафарбар этилишини таъминлаш; турли мулк шаклларидаги тиббиёт муассасалари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш; аҳолига давлат томонидан кафолатланган базавий тиббий хизматлар пакетига кирган асосий тиббий хизматларни тақдим этиш ва уларни молиялаштириш юзасидан жавобгарлик; тиббий хизматларнинг сифат стандартларини жорий қилиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш; ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига тиббий хизматлар кўрсатиш ва уларни молиялаш ва ш.к.

Чизикли тузилма унинг қуйи бошқарув бўғинлари юқори босқичдаги раҳбарга бевосита бўйсунishi билан тавсифланади. Чизикли тузилмада ҳар бир ходим битта раҳбарга бўйсунди ва юқори тизим билан фақат у орқали боғланган бўлади. Чизикли тузилманинг ижобий томонлари унинг оддий, ишончли, камхаржлигидир. Ҳар бир раҳбар бутун меҳнат жамоаси фаолияти натижалари бўйича жавобгар. Бу стратегик ва жорий қарорларни қабул қилиш қуқуқи марказлашишига олиб келади. Чизикли тузилмаларни ҳал этилувчи масалалар доираси кенг бўлмаган, бу масалалар ечилиши осон бўлган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Соф ҳолда чизикли бошқарув жуда кам, асосан, бригада, бўлим, ширкат, кичик корхоналарда қўлланилади. Чизикли тузилманинг асосий камчилиги шундаки, унда бўғинлар координацияси пухта бўлмайди. Раҳбар универсал мутахассис бўлиши ва унга бўйсинувчи барча бўғинлар фаолиятининг ҳамма томонини қамраб олиши лозим.

Функционал тузилма у – бошқарув вазифаларининг функционал бўғинлар ва раҳбарлар уртасида тақсимланишига асосланади. У бошқарув мураккабланиши ва ихтисослашув ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келган.

Хулоса. Бугунги кунда давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Бу эса 1991 йилга таққослаганда, аҳолининг реал даромадлари 15 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ошириш ва аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш таъминланмоқда[4].

Функционал тузилмада бошқарувчи кўрсатмалар нисбатан малакали бўлади, лекин яқка бошчилик тамойилига риоя қилинмайди. Функционал бўғинлар сони ортиши билан ҳар бир бўғин мустақил равишда ҳал этувчи масалалар доираси торайиб боради. Муаммонинг моҳияти ҳар бир бўғин ўз масаласини биринчи навбатда ҳал қилишдан манфаатдор бўлишида эмас, балки битта ҳам бўғин бу масалани етарли даражада асосланган ҳолда ва тўғри ҳал қила олмаслиги, ечимлар майдаллашиб, тўлиқ бўлмай қолишидадир. Бу бошқарувни мураккаблаштириб, унинг самардорлигини камайтиради.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун кенг қамровли чоралар кўрилмақда. Умумий амалиёт шифокорлари, ҳамширалар, кишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам машиналари ва тез тиббий ёрдам ходимларининг иш ҳақи оширилди. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида миллий соғлиқни сақлаш тизимини мунтазам ва сифатли ташкил этиш мақсадида ишларни рағбатлантиришнинг бозор усуллари яратилди. Тиббий ходимларнинг ишини баҳолаш ва уларнинг иш ҳақи ва нафақалар миқдори бажарилаётган ишларнинг мураккаблиги ва кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифати билан бевосита боғлиқлигини таъминлаш учун такомиллаштирилган механизмлар жорий этилди.

Чизикли тузилмани ташкил этиш ва функционал тузилманинг камчиликлари қўшма, бириктирилган тузилмалар - чизикли-штабли, чизикли-функционал ва бошқа тузилмалар вужудга келишига сабаб бўлди.

Чизикли-штабли тузилмада чизикли тузилма асос қилиб олинади, лекин бошқарувнинг қуйи бўғинга эга ҳар бир бўғинида айрим муҳим муаммолар бўйича штаблар тузилади. Штаблар малакали қарорлар тайёрлайдилар, лекин уларни чизикли тузилма раҳбари тасдиқлаб, қуйи даражага юборади. У штаб тавсияларини мувофиқлаштиради ва натижада бошқарув сифати яхшиланади. Туман кесимида ижтимоий инфратузилмани бошқариш мавжуд тизими «чизикли» тавсифга эгадир (2-расм).



2-расм. Туман ижтимоий инфратузилмасини бошқаришнинг мавжуд “чизиқли” бошқарув тузилмаси²

Шу боисдан, ижтимоий соҳа нозик бўлганлиги сабабли ҳудудий инфратузилмани бошқаришнинг туман кесимидаги мавжуд “чизиқли” бошқарув таркибий тузилмаси ўрнига бозор ва мижозлар дидидаги ўзгаришларга мослашувчан ҳамда ижтимоий соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда самарали бўлган “чизиқли-штаб” бошқарув таркибий тузилмаси таклиф этилди (3-расм). Ушбу таклифларни амалиётга жорий этилиши ижтимоий инфратузилмалар ривожланишини бошқариш самарадорлигини 10,0 фоизга оширган.



3-расм. Туман ижтимоий инфратузилмасини бошқаришнинг такомиллаштирилган “чизиқли-штаб” бошқарув тузилмаси³

Ҳар бир кишининг турар жой билан таъминланиши 11 йил ичида республика бўйича 23,8 %га ошган. Бу аҳоли сонининг кўпайганлиги билан изоҳланади. Айниқса, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида мазкур кўрсаткич сезиларли даражада ўсиб бормоқда.

²Муаллиф ишланмаси.

³Муаллиф ишланмаси.

Давлатимиз томонидан қабул қилинган қарорлар асосида коммунал хўжалиги соҳасида ислохотлар давом эттирилмоқда. Айниқса, соҳада корхона ва ташкилотларнинг 98 фоизи хусусийлаштирилиб, хиссадорлик жамиятларига, масъулияти чекланган жамиятларга ва хусусий корхоналарга айлантирилган. Умумтаълим мактаблари қурилишида 29,3 млрд. сўм атрофида инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,4 фоизини ташкил қилади. Соғлиқни сақлаш объектлари қурилишида 39,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,6 фоизини ташкил қилди. Болалар спорт объектлари қурилишида 8344,5 млн. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,0 фоизини ташкил қилди. Мактабгача таълим муассасалари объектлари қурилишига 7198,1 млн. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ноишлаб чиқариш соҳасининг 0,8 фоизини ташкил қилди[5].

Республика аҳолисининг марказлашган тартибда ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 48,2 фоизни, табиий газ билан таъминланиш даражаси 65,8 фоизни ташкил қилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Гойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш: монография. –Т.: “ФАН”, 2006. –Б.125.
2. Бодди Д., Пейтон Р. Основы менеджмента. –СПБ.: Питер, 2009. – 816 с.; Вершигора Е.Е. Менеджмент: Учебное пособие. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 283 с.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947- сонли фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)
4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2016 йил 9 сентябрь.
5. Қорақалпоғистон Республикаси статистика ахборотномаси, 2018 йил январь-декабрь. –Нукус-2019

Елимизде социал инфраструктураның раўажланыўын басқарыўда машқалалар ҳәм оларды сапластырыў механизмлерин жетилистириў бағдарлары

Алиева Г.А. Тошкент мамлекетлик аграр университети Нөкис филиалы

Резюме. Мақалада елимизде социал инфраструктураның раўажланыўын басқарыўдағы машқалалар ҳәм оларды сапластырыў механизмлерин жетилистириў бағдарларына тийисли усыныслар, статистикалық мағлыўматлар менен анализленип, социал инфраструктураны басқарыўдың сызықлы басқарыў орнына сызықлы-штаблы басқарыў структурасы келтирилген.

Таяныш сөзлер: социал инфраструктура, механизм, социал инфраструктура, механизм, сызықлы басқарыў, “сызықлы-штаб”лы басқарыў, сызықлы-структура, функционал структура.

Мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқаришдағы муаммолар ва уларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари

Алиева Г.А. Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали

Резюме. Мақолада мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма ривожланишини бошқаришдағы муаммолар, уларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш йўналишларига тегишли таклифлар, статистик маълумотлар билан таҳлил қилиниб, ижтимоий инфратузилмасини бошқаришнинг мавжуд “чизикли”бошқарув ўрнига “чизикли-штаб” бошқарув таркибий тузилмаси келтирилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий инфратузилма, механизм, чизикли бошқарув, “чизикли-штаб” бошқарув, чизикли тузилма, функционал тузилма.

Проблемы в управлении развитием социальной инфраструктуры в нашей стране и направления совершенствования механизмов их решения

Алиева Г.А. Нукусский филиал Ташкентского государственного аграрного университета

Резюме. В статье анализируются проблемы в управлении развитием социальной инфраструктуры в стране, предложения по совершенствованию механизмов их устранения, приводятся вносятся статистические данные, и «линейно-штабная» структура управления взамен существующего «линейного» управления социальной инфраструктурой.

Ключевые слова: социальная инфраструктура, механизм, линейное управление, линейно-штабное управление, линейная структура, функциональная структура

Problems in management of the development of social infrastructure in our country and directions of improving mechanisms of elimination

Aliyeva G.A. Nukus Branch of the Tashkent State Agrarian University

Summary. The article analyzes the problems in the management of social infrastructure development in the country, proposals for improving the mechanisms of their elimination, statistical data, and provides a “linear-staff” management structure instead of the existing “linear” management of social infrastructure.

Key words: social infrastructure, mechanism, linear management, line-staff management, linear structure, functional structure

УДК: 65.014.1

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ҳасанов Т.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси

Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотнинг устувор вазибаларидан биридир. Мустақилликдан кейин давлат уй-жойларини хусусийлаштириш кун тартибига бу уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш учун

қандай тизим жорий этилиши зарурлиги асосий масалага айланди. Шу билан бирга, мазкур вазифа давлат, хусусий сектор корхоналари ёки нодавлат нотижорат шаклдаги ташкилотлар томонидан амалга оширилиши таклифи ҳам кенг муҳокама қилишга сабаб бўлди. Маълумки, давлат корхоналари, асосан, давлат уй-жой фондига коммунал хизматлар кўрсатса, унга сарфланадиган харажатлар, қоида тариқасида, давт бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Хусусий сектор корхоналари эса, бозор иқтисодиёти тамойилига мувофиқ, фойда кўриш, яъни даромадни максималлаштириш мақсадида фаолият юритади. Ўз, ўрнида, бу корхоналарнинг мақсадлари чегаралари кўпинча ноаниқ ва уларни аниқлаш бироз қийин бўлади, шунинг учун ҳар хил манфаатдор гуруҳлар уларни турлича қабул қилишади. Бироқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари шуни кўрсатадики, бу ташкилотлар нафақат маълум бир ижтимоий аҳамиятга эга масалани ҳал этиш билан бирга, мамлакатда бу каби ишларни амалга оширишда аҳолининг иштирокини, ҳар бир амалга оширилган ишларнинг шаффофлиги ва юқори турувчи органига ҳисобдорлигини таъминлаш нуктаи назаридан ҳам ўзига хос ҳисобланади.


Россия Федерацияси Иқтисодиёт олий мактаби миллий тадқиқот университети профессори Леонид Полищук тадқиқлашича, ННТга маълум маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва хизматлар кўрсатадиган, бунинг учун эса маълум ресурсларни сарфлайдиган корхона сифатида қараш керак. Ушбу маҳсулот ва хизматларнинг баҳосини аниқлаш мумкин бўлмаслиги ҳамда улар бозорда сотилмаслиги ННТ фаолияти таҳлилига тўсқинлик қилмайди. Шу нуктаи назардан, агар ННТлар “мавжуд ресурсларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланса”, улар фаолиятини самарали деб ҳисоблаш мумкин [1]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам бир қатор нодавлат нотижорат шаклида фаолият юритаётган бир қатор ташкилотлар мавжуд. Улар қаторига уй-жой мулкдорлари ширкатлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари, Профessional бошқарув компаниялари уюшмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла), ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари, соҳа фаолиятини ёритишга хизмат қилаётган оммавий ахборот воситалари (ОАВ), шунингдек халқаро нотижорат ташкилотлари ва жамғармаларининг ваколатхоналари ва ҳоказоларни санаб ўтиш мумкин. Булар ҳам давлатнинг маълум бир вазифаларини амалга оширишда кўмаклашса, иккинчи томондан “бу умумий муаммоларни ҳал қилиш учун бирлаша оладиган фуқаролар уюшмаси” ҳисобланадилар, шунингдек бошқа томондан эса, “уларнинг самарали фаолият кўрсатиши ижарачиларнинг (уй мулкдорлари) фикри (баҳоси), яъни ижтимоий капитал сифатида жуда муҳимдир”.

Ҳозирги даврда ривожланган Ғарб давлатларида фаолият олиб бораётган демократик институтлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаолликни назарда тутган ҳолда давлат устидан назоратни амалга оширади. Бунда ННТ, сиёсий партиялар таъсири ва ўз-ўзини бошқариш институтлари фаоллиги тобора ортиб бораверади. Яъни, шахс эркинлиги олий кадрият сифатида баҳоланади. Масалан, АҚШ, Буюк Британия, Австралияда мазкур принцип сабаб давлатнинг фуқаролик жамияти ҳаётига аралашувига йўл қўйилмайди.

АҚШда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги долзарб масалаларни ечишда давлат органлари ва ННТларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятини такомиллаштириш шакл-тамоийллари ва йўналишларига жиддий эътибор қаратилади. Шу билан бирга, бу мамлакатда давлат ҳокимияти органлари фаолияти, улар томонидан қонунчилик актларининг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш механизми ва тажрибаси ҳам ўзига хос равишда такомиллаштирилган [3].

Шунингдек, Ғарб давлатларида фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари замонавий фуқаролик жамияти моделини яратиш, унинг давлат бошқарувидаги самарали иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундай замонавий модел асосида жамият ва давлат бошқарувида фуқаролик институтларининг ўрни ҳамда аҳамиятини мустаҳкамлаш, жамоатчилик тузилмалари ва давлат органларининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш мумкин. Шу билан бирга, давлатнинг ННТ билан ҳамкорлиги очиклик ва шаффофлик тамойилларига ҳамда фуқаролик жабҳасида юз бераётган жараёнларнинг чуқур тизимли таҳлил қилиб боришга кенг имкон беради. Масалан, Францияда давлат ноҳукумат ташкилотларини ҳукумат сиёсатини шакллантиришга фаол жалб қилади, вазирлик ва идоралар ҳузурида ташкил этилган кенгашлар фаолиятнинг бошқа шакл ва усуллари орқали фуқаролик институтлари билан ҳамкорликни самарали йўлга қўяди [4]. Японияда демократик институтлар фаолияти – онгли ва масъулиятли фаолият юритиш тамойилига асосланган. Шунингдек, давлат-иқтисод (бозор)-фуқаролик жамияти модели устувор аҳамият касб этади. Японияда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ННТлар орасида ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган турли дастур ва лойиҳаларни эълон қилишни кўзда тутувчи танловларни ўтказиш ҳуқуқи белгилаб берилган [5].

Мамлакатда амалга оширилган ислохотлар натижасида фуқароларнинг давлат ҳокимиятида иштироки жараён сифатида янгича мазмун билан бойиб бормоқда. Бу жамиятда вужудга келган хилма-хил демократик институтлар билан бевосита боғлиқ. Шу нуктаи назардан ёндашганда, бугунга келиб, жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётида давлат ҳокимиятидан фуқаролик институтларининг вазифалари кенгайиб бораётганлигини кузатамиз. Агар 1991 йилда республикаимизда 95 та ННТ қайд этилган бўлса, Бугунги кунда уларнинг сони 9200дан ошганини кўриш мумкин.



1-расм. Республикадаги ННТлар сонининг ўсиш динамикаси

Маълумки, мамлакатимизда уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилишнинг муҳим элементларидан бири бўлган ва миллионлаб одамларнинг кундалик ҳаётига таъсир кўрсатадиган уй-жой мулкдорлари ширкатлари (Ширкат) ҳисобланади. Ширкатлар ҳаёт сифатини яхшилаш, шаҳарсозлик ва коммунал хизматларни модернизация қилиш учун жуда муҳимдир. Улар фуқароларнинг ўзаро бирлашишлари учун жуда қулай имкониятлар яратадилар: одамлар уйни тоза, хавфсиз бўлишини таъминлаш учун ва у ерда яхши яшашдан ҳар доим манфаатдорлар. Бундан ташқари, одамлар ўз уй-жойларининг эгаларидир ва квартираларнинг бозор нархи тўғридан-тўғри уйнинг ҳолатига боғлиқ. Шу сабабдан ҳам, уй-жойларнинг, айниқса, умумий мулк қисмига сифатли ва самарали хизмат кўрсатиш муҳим саналади.

Уй-жой соҳасидаги умумий мулкни бошқариш турли хил йўллар билан ташкил этилиши мумкин ва ширкатга аъзолик мулкдорларнинг муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларини, масалан, ташкилотнинг қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқини, шунингдек аъзолик бадаллари, иқтисодий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва харажатлар билан боғлиқлигини англатади. Масъулияти – ширкатга аъзолик бадалларини тўлаш ва шериклик ишида қатнашиш, унинг кенгаши ва тижорат шериклари ишини назорат қилишдан иборат, ҳамкорлиги “давлатнинг миниатюра модели” сифатида, яъни фуқаролар давлатга солиқ тўлайдилар ва идеал ҳолда унинг фаол фуқаролари бўлишлари керак” тамойили асосида амалга оширилиши лозим.

Мустақиллик йилларида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо қилиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнида маҳалла институтини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириб борилиши жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида ушбу ноёб тузилманинг мақомини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Натижада бугун ушбу тузилма илгари маҳаллий давлат ҳокимияти ваколатида бўлган 30дан зиёд вазифи муваффақиятли адо этиб келмоқда. Булар орасида, шубҳасиз, ижтимоий ҳимоя сифатида уй-жой коммунал соҳасидаги масалалар ҳам муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда юртимизда 37402 та кўп қаватли уй, уларда 1,3 млн.дан ортиқ хонадон бор. Бу уйларнинг 68 фоизига ширкатлар, 24 фоизига бошқарув компаниялари хизмат кўрсатади, 8 фоиз уйлар эса мулкдорлар томонидан умуман бошқарилмайди.



2-расм. Республикадаги уй-жойларнинг бошқариш шакли

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари 4430 та бўлиб, шундан 1351 тасининг (30 фоизи) молиявий ҳолати яхши, 1903 тасиники ўрта ва 1176 тасиники оғир. Ўрганишларда аниқланишича, тўловлар бўйича тарифларнинг норентабеллиги, ҳисоб-китобларнинг шаффоф эмаслиги, муҳандислик-коммуникация тармоқларининг эскиргани муаммоларга сабаб бўлмоқда. Кўп ширкатлар ўз вазифасини бажармайди, бунинг учун уларда кадрлар етишмайди. Оқибатда хонадон эгаларининг ширкат ва бошқарув компанияларига ишончи йўқолган. Бадалларнинг тўлиқ йиғилмаслиги туфайли дебиторлик қарздорлиги ошиб кетган [2].

Бу каби муаммоларнинг сабаблари институционал назария нуктаи назаридан, ширкатлар “мулк ҳуқуқлари, жамоавий ҳаракатлар, жамоатчилик танлови, шартномалар ва агентлик муносабатлари назарияларини бир-бирига чамбарчас боғлайди”. Асосий муаммо – шахсий ва жамоат манфаатларининг номувофиқлиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам аҳолининг аъзолик бадалларини тўлашдан қочиши ва турар-жой биноси муаммоларини муҳокама қилишда иштирок этиш, жамоавий қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш хоҳиши паст.

Аҳоли ўз уюшмаларининг умумий манфаатларини мувофиқлаштириш ва биргаликда ҳаракат қилиш қобиляти жамоавий равишда ижтимоий капитал деб номланади, унинг таркибий қисмлари ўзаро ишонч, жамоат манфаатларини ҳисобга олган хатти-ҳаракатлар меъёрлари, шунингдек бир-бирлари билан ва ўзини ўзи бошқариш тажрибаси. Ижтимоий капитал турар-жой инфратузилмасига жамоавий мулкчиликни самарали бошқариш учун жуда муҳимдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўп қаватли уйда биргаликда яшаш қўшнилар

билан янада фаол мулоқот қилишга ёрдам беради ва уйга эгалик қилиш фуқаролик масъулияти ва фуқароларнинг фаоллигини оширади.

Самарали бошқарув (менежмент) – бу ижтимоий капитал ва уй-жой коммунал хўжалиги ташкилот самарадорлиги ўртасидаги “боғлаш воситаси” ҳисобланади. Уларнинг самарасиз бошқариш ҳолатида, зарурий шарт сифатида, аҳолининг анъанавий ижтимоий капиталининг аҳамияти ошади. Ижтимоий капиталнинг аҳамияти кичик уюшмаларда юқори бўлади ва унинг ошиши билан уйнинг техник ҳолатининг нисбий аҳамияти ошади. Уюшмаларнинг самарадорлиги атроф-муҳит ҳамда ташкилотнинг активларига қараб ўзгаради. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий бойликлари уларнинг самарадорлигига таъсир этишда номоддийлардан устун туради, иккинчидан, энг муҳими, аниқ ижтимоий капитал заҳиралари – мулкдорларнинг умумий мулк тўғрисида қарорларни биргаликда қабул қилиш билан баҳоланади. Шунингдек, уюшмалар самарадорлигини баҳолаш бир томонлама, уларга иқтисодий нуқтаи назардан эмас, балки кўпроқ фуқаролик жамияти институти сифатида қаралади. Агар иқтисодий самарадорлик ҳам инобатга олинса, унда эришилган натижа самарадорлиги янада ошади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айтиш пайтда ахборот соҳасини жаҳон андозаларига мослаштириш, фуқароларни эркин фикрлашга ўргатиш ва шу асосда жамиятни соғлом фикрлар асосида қайтадан қуриш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўрсатади. Бугун республикадаги оммавий ахборот воситалари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маърифий, ҳуқуқий, тиббий, таълим-тарбия, хотин-қизлар, спорт ва шу каби бошқа кўплаб соҳалар бўйича чиқарилмоқда. Халқаро ҳамжамятни мамлакатимиз ҳаёти, ислохотларни амалга ошириш борасида қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида хабардор қилиш, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кучайтириш мақсадида ҳозирги кунда интернет тармоғида деярли барча давлат органларининг веб-сайтлари жойлаштирилган. Давлат органлари веб-сайтларидан ташқари бошқа веб-сайтларнинг сони ҳам ошиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш зарур [6].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жамиятни бошқаришда фуқароларнинг иштироки улардан юқори даражада фуқаролик маданияти бўлиши ҳам тақозо этади. Фуқаролик маданияти қанча юқори бўлса, жамиятда демократик жараёнлар шунча ривож топиб боради. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг маиший муаммоларни ҳал этиш, бу орқали уларнинг ижтимоий ҳаёт тарзини юксалтиришга қаратилган изчил ислохотлар ўтказиб келинмоқда. Бу ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Бу борадаги ислохотлар ўзининг ижобий аҳамияти ва натижаларини кўрсатимокда, шу билан бирга дунё ҳамжамяти томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш бўйича қатор вазифалар илгари сурилмоқда. Мутахассисларни жалб этган ҳолда жойларга чиқилиб, аҳоли ва ширкатлар вакиллари билан фикрлашилиб, муаммолар чуқур ўрганилмоқда. Хориж тажрибаси асосида уй-жойларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, 2021 йилда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида Кўп квартиралар турар жой фондини таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш, уни 35 фоиз республика бюджети, 35 фоиз маҳаллий бюджет ва қолган 30 фоизини мулкдорлар тўловидан жамғариладиган маблағлар ҳисобидан шакллантириш режалаштирилган. Ҳисоб-китобларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Профессинал бошқарув ташкилотлари ва ширкатларнинг электрон реестрини юритиш, ҳар бир уйга алоҳида ҳисобрақам очиш, уйнинг хизмат кўрсатиш ҳудудини аниқ белгилаш, мулкдорларга ҳисобот бериш тартибини такомиллаштириш, ҳисоб-китобларга биллинг тизимини жорий қилиш мўлжалланган. Шунингдек, янги уйлар фойдаланишга топширилганидан кейин икки йил мобайнида қурувчи ташкилот бошқарувида бўлишини белгилаш, турар жойларни сақлаш ва ундан техник фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳам талаб этилмоқда. Бошқарув компаниялари ва ширкатлар ходимларини ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳам назарда тутилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигидан кейин 25 йилда жами 2885 та уй қурилган бўлса, охириги 3 йилда 3850 та уй қурилган. Бу эса уларни бошқаришда янги тизим яратиш зарурлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Полишук Л.И. ТСЖ как элемент гражданского общества. Доклад семинара «Граница возможного в некоммерческой деятельности: анализ эффективности товариществ собственности жилья». М.: 17 февраля 2010 г. <https://www.hse.ru/news/science/15480531.html>
2. Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш чоралари кўриб чиқилди. 27.04.2021. <https://kun.uz/news/2021/04/27/kop-qavatli-uy-larga-xizmat-korsatish-tizimini-yaxshilash-choralari-korib-chiqildi>.
3. O'Connell, Brian. Civil Society: The Underpinnings of American Democracy. Medford, Mass: Tufts University Press, 1999.
4. Чилкот Рональд Х. Теории сравнительной политологии // Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, Издательство «Весь Мир», 2001. - 560 с.
5. Мавлонов Ж. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ). Монография. Ж.Мавлонов. – Ташкент: Истиклол нури, 2014. – 224 с.
6. Замонавий медиатехнологиялар ва таракқиёт // “Халқ сўзи”. – 2019.

Ўзбекистонда демократик институтларини мустаҳкамлашда уй-жой коммунал хўжалиги ташкилотларининг ўрни
Ҳасанов Т. А. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси

Резюме. Мақолада мамлакатимизда мустақилликдан кейин уй-жой коммунал хўжалиги тизимидаги таркибий ўзгаришлар ўрганилган, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатишда давлат, сектор қорхоналари ҳамда нодавлат нотижорат шаклдаги қорхоналар иштирокининг аҳамияти таҳлил қилинган. Мазкур соҳада аҳолининг иштироки, фаолият шаффофлиги

таъминлаш, шунингдек соҳани ривожлантиришда демократик институтлар кўмагидан самарали фойдаланиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: уй-жой коммунал хўжалиги, уй-жой коммунал хизматлар, давлат корхонаси, хусусий корхоналар, нодавлат нотижорат ташкилоти, уюшмалар, оммавий ахборот воситалари.

Роль предприятий жилищно-коммунального хозяйства в укреплении демократических институтов в Узбекистане
Хасанов Т.А. Академия государственного управления при президенте Республики Узбекистан

Резюме. В статье были изучены структурные изменения в системе жилищно-коммунального хозяйства в стране после обретения независимости, анализированы важность участия государственных, коммерческих и негосударственных некоммерческих организаций в предоставлении жилищно-коммунальных услуг. Были разработаны предложения по обеспечению участия общественности, прозрачности, а также эффективного использования демократических институтов в развитии данного сектора.

Ключевые слова: жилищно-коммунальное хозяйство, жилищно-коммунальные услуги, государственные предприятия, коммерческие предприятия, негосударственная некоммерческая организация, ассоциация, средство массовых информации

Role of the housing and communal sphere enterprises in strengthening democratic institutions in Uzbekistan
Khasanov T.A. Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Summary. In this article, the author studied the structural changes in the system of housing and communal sphere in the country after gaining independence, the importance of the participation of state, commercial and non-governmental non-profit organizations in providing of housing and communal services has been analyzed. Proposals have been developed to ensure public participation, transparency, as well as the effective use of democratic institutions in the development of this sector.

Key words: housing and communal sphere, housing and communal services, state companies, commercial companies and non-governmental non-profit organization, association, mass media

БУГУНГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Тошпулатов О. Н.

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор технологиялари тадқиқ этиш маркази

Ҳозирги давр жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни кучаяётган, инсониятнинг ахборотлашган жамият босқичига ўтиши тобора чуқурлашиб бораётган даврдир. Тезкор ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида дунёдаги турли халқ ва элатлар орасида глобаллашув жараёнлари содир бўлаётган вақтда бутун инсоният, жумладан халқимиз ҳам маънавийта салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли мафкуравий таҳдидлар остида яшамокда.

Бугунги кунда глобаллашув инсоният жамияти тараққиёти ва ижтимоий жараёнларнинг жаҳон миқёсида интеграциялашиб, оламшумул аҳамият касб этиб боришини ўзида ифодаловчи тушунча бўлиб, глобаллашув коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар, инвестициялардаги янги жараёнлар, дунёга янгича қарашнинг вужудга келишида намоён бўлади. Глобаллашув муайян ҳодиса, жараённинг кўплаб минтақалар, давлатлар ва бутун ер юзини қамраб олганини ҳамда уларнинг инсоният тақдирига дахлдор эканлигини англатувчи тушунчадир.

Бугунги кунда глобаллашув замонавий цивилизация тараққиётининг муҳим хусусиятини ўзида ифодалаб, у жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий – сиёсий ва маънавий – мафкуравий соҳаларини қамраб олади. Ҳеч қандай миллий чегараларни тан олмайдиган, дунёда умумий технологик ва ахборот майдони юзага келаётганини ифодаловчи технологик глобаллашув, ижтимоий – сиёсий жараёнларни ўзида ифодаловчи сиёсий глобаллашув, фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий – маданий глобаллашув жараёнлари содир бўлмокда.

Давлатимиз раҳбари тақдирлаганидек: “Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи ва боқимондлик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, кадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмокда. Шу сабабли, менинг фикримча, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир” [1, 29-30]. Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати унинг мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси сифатида ғоявий жараёнларга таъсир кўрсатишидир.

Глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатиб, алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамяти билан боғлайди. Бугунги кунда глобаллашув жамият тараққиётидаги қонуний тарихий жараён бўлиб, глобаллашув жараёни инсоният жамияти янги цивилизациявий сифат ўзгаришини ўзида ифодаламокда. Жамият ҳаётидаги бу янги сифат даражаси ахборот – техникавий ёки ахборот – компьютер цивилизацияси сифатида эътироф этилмокда. Ахборот технологияси иқтисодиёт ривожланиши, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларидан кейинги ўринни эгаллайди.

Глобаллашув ва ахборотлашув барча мамлакатларнинг иқтисодиёти, сиёсати ва маънавий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Мафкуравий глобаллашув ахборот воситаларининг ривожига ва бу соҳада содир бўлаётган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, ахборотни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи матбуот, радио, телевидение каби ҳодисаларни ўзида бирлаштирувчи оммавий ахборот воситалари (ОАВ) жамият ҳаётига улкан таъсир ўтказиш имкониятига эга. Радио, телевидение, Интернет энг сўнгги илмий янгилликларни қисқа вақтда бутун дунёга маълум қилишга, илм – фан, маданият, адабиёт ва санъат ютуқларидан ҳар бир одам фойдалана олишига

замин яратмоқда. Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига айланиб, бугунги кунда Интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки бошқа соҳаларда ҳам фойдаланилмоқда.

Маънавий ҳаётдаги глобаллашув жараёнлари, оммавий ахборот воситалари, Интернет, радио, телевидение, уяли алоқа воситалари орқали ахборотни етказишнинг фаоллашуви ҳам ижобий ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариб, бир томондан маънавий глобаллашув натижасида маънавий ҳаётимизга кириб келаётган илм – фан, маданият ва санъат, маънавий мерос ижобий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан турли зарарли ғоялар ҳамда мафкураларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётига кириб келиши баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш вазифасини долзарб масала сифатида кун тартибига қўйди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ҳамда янги технологик воситалар асосида халқимиз ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида хикоя қилувчи чуқур таҳлил ий маълумотларни мунтазам бериб бориш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларнинг қизиқиш ва интилишлари, ҳаётий манфаатларини ёритиш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилини ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ аҳамият касб этмоқда.

Глобаллашув жараёнларининг инсон тафаккури, жамият ривожига кўрсатадиган таъсири ниҳоят даражада бекиёс бўлиб, глобаллашув натижасида кириб келаётган “Оммавий маданият”нинг жамият таракқиёти ва инсон камолотига таъсири тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда. XX асрнинг ўрталаридан “оммавий маданият”га оммавий ахборот воситалари кучли таъсир ўтказа бошлаган бўлса, аср охирига келиб ва XXI асрнинг бошларида бу таъсир янада кучайди. “Оммавий маданият” ёки Ғарбда айtilганидек “популяр культура” бугунги кунда халқ ва миллатларнинг мумтоз маданиятига, санъатига, унинг бойликларига қарши курашиб, унинг ютуқларини инкор қилиб келяпти.

Шунинг учун бугунги кунда “оммавий маданият”нинг маънавий-ахлоқий тубанликларидан давлатимиз фуқаролари, энг аввало ёшларни асраб авайлаш, уларни огоҳликка даъват этиш, ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг дилини, руҳиятини, ақл-идроки ва умуман маънавиятини диний ақидапарастлик, жаҳолатпарастликлар хатаридан ташқари, айни пайтда жаҳонда юз бераётган сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манфаатлар йўналишидаги курашларнинг хатарли таъсиридан муҳофаза қилишни ҳам ўз ичига олади. Инсон онги ва қалби учун кураш эса энг аввало ахборот орқали, ғоявий, мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали олиб борилади. Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, - деган эди Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев, Ҳозирги ғоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш янада муҳим аҳамият касб этмоқда[2, 150].

Глобаллашув шароитида жаҳондаги кўпгина ривожланган давлатларнинг геополитик мақсадлари ва манфаатлари муайян географик ҳудудлар билан чегараланиб, кучли ахборот технологияларига эга бўлган давлатлар ўзлари ишлаб чиққан ахборотни тарқатиш йўли билан муайян ҳудудлар, давлатлар, мамлакатлар устидан аввал ғоявий, кейин эса сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Ахборот оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ҳамда интернет орқали кенг кўламда тарқатилмоқда ва тарғиб қилинмоқда. Турли оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио, даврий матбуот ўзига хос психологик таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, Интернетнинг пайдо бўлиши билан оммавий коммуникация, ахборот етказиш имкониятлари ниҳоятда кучайиб кетди. Сайтга жойлаштирилган маълумот бутун дунё бўйича тарқалиб, ОАВ дан ташқари интернет реклама, маълумотлар етказиш, электрон почта хизматларини ҳам бажара бошлади. Интернетдаги маълумотлар жуда кўп, арзон ва ўта тезкор бўлиб, бир томондан илм-фан, маданият ва маънавий соҳасидаги маълумот ва ахборотлар, иккинчи томондан “оммавий маданият”га тааллуқли бўлган маълумотлар ОАВ, Интернет, мобил телефон, адабиёт ва санъат орқали тарқатилмоқда.

Ўзбекистон фуқаролари, энг аввало ўсиб келаётган ёш авлодни глобаллашув натижасида кириб келаётган турли хил зарарли ғоялар ва мафкуралар ҳамда кундалик ҳаётимизда ўз таъсирини кучайтиришга интилаётган “оммавий маданиятнинг зарарли таъсиридан химоя қилишда қўйидаги масалаларга эътиборни қаратиш муҳимдир. Энг аввало ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш, миллий мафкурани ёшларнинг онги ва қалбига синдириш, таълим тизими, маҳалла, оила тарбиясини бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш; ёшларимизни миллий урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ушбу йўналишда ўтказилаётган кўрик танловлар ва турли лойиҳаларнинг тарғиботини кенгайтириш; ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига кенг йўл очиб, уларга яратилаётган шароитлар бўйича ташвиқот ишларини кенгайтириш; ўқувчиларни муайян касб-хунарга қизиқтириш бўйича таълим муассасаларида психологик марказлар фаолиятини ривожлантириш; ёшларимизни аждодларимизнинг тарихий, адабий-бадиий меросини ўрганиш ва уни кўз қорачиғидек асрашга ўргатиш; ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида ОАВлари ролини ошириш ва замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойдаланишга йўналтириш.

Илмий изланишларда ибрат – илм тўплаш, тажриба орттириш ва бу салоҳиятни янги шароитда рўёбга чиқариш эканлигини тушуниб етмаслик оқибатида тақлидчилик иллати вужудга келади. Илм аҳли ўзидан аввал ўтган олимлар ва замондошлари нуқтаи назарларидан ўзининг илмий асосланган назарий концепцияларини яратишда фойдаланишда меъёрга риоя қилмаслик фан учун кам самара берадиган асарларнинг пайдо бўлишига олиб келса, тадқиқотчи илмий салоҳиятининг ўсишига ҳам ана шундай салбий таъсир қилади. Ҳар қандай фикр,

ғоя тап-тақир жойда шаклланмайди. Илмда таҳлил қиёси, аввалги назарияларга таяниш устуворлик қилади. А.Фитрат бежиз «мозий – истикболнинг тарозиси» демаган. Ҳар қандай илмий, ижтимоий муаммолар ечимининг ибтидоси ибратда мужассам бўлиб, инсоният тараққиётининг муайян даври хусусиятлари орқали ойдинлашади. Бу нарса бошқа соҳалар каби илмда ҳам ихлос ва ибрат устуворлик қилиши кўзга ташланади. Бинобарин, илмий изланишларда ибратнинг муҳим шартларидан бири – шахснинг ўз мулоҳазалари ва билимига нисбатан масъулиятли бўлиши, муайян «замоनावий» ва «фойдали» ғояларнинг ҳам инсон манфаатлари ва камолотига қай даражада хизмат қилишини назарда тутмоғи лозим. Ибрат дарёсидан сув ичган, аммо эркинлик ва масъулиятдан йироқ тафаккур ҳеч қачон фаол ва мустақил бўлолмайди. Янги жамият қуриш билан боғлиқ объектив ва субъектив зиддиятлар, қийинчиликлар бўлиши табиий. Бу нарса, айниқса, одамларнинг тафаккур эркинлигини шакллантиришда кўзга яққол ташланади. Ёшлар қанчалик янги дунёқараш, янгича тафаккур эркинлигига тез ва фаол эришсалар, аввалги тузум мафкурасида шаклланган катта ёшдаги шахсларда онг маргиналлиги кўзга ташланади. Бу нарсанинг олди олинмаса, миллий ғоя ва мустақиллик мафкураси халқ орасига кенг ва чуқур кириб бормаса, тараққиётимиз учун маргиналлик субъектив омил сифатида намоён бўлиши мумкин. Тўғри, шўролар замонида шаклланган одамлар мамлакатимизда юз бераётган оламшумул воқеалардан четда тура олмас эдилар ва уларнинг онгида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлмоқда. Улар коммунистик дунёқараш ва утопик идеаллардан воз кеча бошладилар, маънавий қиёфаларида янги тузум тамойиллари аста-секин шакллана бошлади. Лекин янги маънавий қадриятлар руҳида фаолият кўрсатишларида пассивлик аломатлари сезилиб қолади.

Пандемия коронавируса и ее последствия стали серьезным психологическим испытанием для многих жителей мира. Каждый второй признался, что из-за Covid-19 часто или иногда испытывает стресс. При этом больше других на душевный дискомфорт жалуются родители малолетних детей и школьников, женщины и молодежь. Проблема стресса становится достаточно значимой в жизни современного человека. Стресс в наши дни пронизывает практически всю атмосферу жизни. О стрессе знают все: боятся, стараются избегать, пытаются бороться с последствиями (с большим или меньшим успехом). Стресс похищает наши силы, энергию, спокойствие. Он всегда связан с усталостью, истощением, ослаблением души и тела. Внешними признаками стресса могут быть утомление, болезненная обидчивость, сужение внимания, падение интереса к жизни, нежелание учиться или работать, напрягаться, ослабление защитных сил организма, обреченность вплоть до желания покончить собой, нарастание ощущения тяжести бытия, то есть к различным факторам приводящим к различным социально-психологическим барьерам.

Конфликты между личностями отрицательно сказываются на психическом состоянии обеих сторон. Так, дети выросшие в неполных семьях, либо в семьях, где присутствуют частые конфликты, жестокость, более склонны к психическим нарушениям. Еще одна область, в которой могут возникнуть конфликты это школа. Школьные конфликты часто связаны с успеваемостью, авторитетом, адаптацией, выбором профессии. После окончания школы дети подвергаются еще более серьезным стрессовым ситуациям. Например, к ним относятся те абитуриенты, которые не поступили в институты или те, которые поступили, но не могут оплатить учебу и продолжить обучение. Всё это приводит в начале к тревоге, затем к стрессу и депрессии. За всю свою студенческую деятельность, студент часто попадает к стрессовым ситуациям (нехватка свободного времени, большой объем заданий, недосыпание, финансовая проблема и т.д.).

После окончания вуза молодой специалист еще больше переживает, так как не может найти подходящую работу. В наше время данная проблема является очень актуальной. После нахождения работы, молодой специалист из-за отсутствия достаточной практики подвергается критике со стороны руководства. Каждый человек реагирует на это по-разному. Кто-то это воспринимает нормально, но для некоторых это является настоящей катастрофой. В итоге у человека опять возникает социально-психологический барьер препятствующий к дальнейшей деятельности человека.

Кроме этого, теперь молодой человек думает построить семейную жизнь. Здесь опять проблема. Во первых, жилищная проблема, во вторых маленькая заработная плата, в третьих большие затраты на свадьбу (приданные, мебель и т.д.). После этой стадии человека ждут и другие разочарования в жизни, т.е семейные ссоры, не разделенная любовь, сексуальная несовместимость, измена или бездетность. А в старческом возрасте пожилые люди становятся более уязвимыми. Они болезненно переносят критику и часто подвергаются стрессу. В таком возрасте они часто страдают от нехватки финансов, внимания и заботой детей, плохим самочувствием и часто заболевают такими заболеваниями как гипертония, сахарный диабет и даже раком. Ведь эти заболевания как раз-таки происходят именно из-за стресса (из-за обиды и из-за неразрешённых проблем), в особенности из-за психологического барьера препятствующего к здоровому образу жизни.

Подводя итоги хотелось бы отметить, что люди подвергая себя к стрессовым ситуациям часто заболевают различными заболеваниями, порой даже неизлечимыми. Исходя из этого рекомендуем сохранить спокойствие в любой конфликтной ситуации, остро не реагировать на происходящее, любить себя, ценить и беречь своё драгоценное здоровье. В качестве способов преодоления психологических барьеров предлагаем следующее: следует научиться понимать себя (чувствовать в какой именно момент начинает выстраиваться барьер) и других (видеть их поведение и распознавать чужие барьеры); стараться создать комфортную атмосферу во время общения (если заметно, что та или иная тема вызывает столкновение характеров и мнений лучше переключиться на что-то более оптимистичное, легкое и непринужденное); пользоваться чувством юмора - это всегда помогает расслабиться и поспособствует веселому диалогу; если человек импульсивен, то стоит немного контролировать свою громкую речь и активную жестикуляцию; по мере возможности посещать социально-психологические тренинги; заняться саморазвитием, читать книги и расширять свой кругозор; покинуть зону

комфорта и уметь начинать всё по новому с чистого листа; заниматься спортом, слушать музыку, общаться с позитивными и успешными людьми. Побороть в себе страх. Материализовать свои мысли, медитировать и т.д.

Таким образом, обобщая материал в области изучения психологических барьеров, можно говорить о наличии барьеров разного уровня и различной природы. Знание типологии психологических барьеров и его функций позволит выявить области возможных затруднений человека в процессе его жизненной деятельности; предупредить возникновение психологических барьеров в различных жизненных ситуациях; более эффективно организовать взаимодействие; использовать психологический барьер в качестве психологического средства развития целостной индивидуальности человека.

Однако до сих пор вопросы психологического барьера, его классификации и возможностей его преодоления полностью не изучены и требуют дальнейших разработок в различных областях исследований.

ЛИТЕРАТУРА

1. Виды и преодоление барьеров в интеллектуальном творчестве // сб. Материалы 1-й Московской конференции студентов и аспирантов "Психология на пороге XX века: актуальные проблемы". 4.1, –М., Изд-во СГИ, 1999, С. 37-38.
2. Редькина Л.В. Психологические барьеры: структура и содержание / Вестник Тамбовского университета, 2010. № 53.
3. Словарь терминов по психологическому консультированию. –СПб: Лань, 2016.
4. Глоссарий. Психологические механизмы коррекции девиантного поведения школьников. –СПб: Лань, 2013.
5. Юридическая психология. Словарь терминов. –СПб: Лань, 2014.
6. Словарь по профориентации и психологической поддержке. –Москва, 2013.
7. Эксакусто Т.В. Барьеры общения и актуальность их минимизации в условиях совместной деятельности / Т.В. Эксакусто // Конференция Lomonosov: тезисы докладов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.psychology.ru/lomonosov/tesises/df.htm/> (дата обращения: 10.04.2016).

Inson hayotidagi ijtimoiy va psixologik to'siqlarni bartaraf etish usullari
Quldasheva G. D. A. Avloniy nomidagi IPPKRSSNO

Rezyume. Maqolada "psixologik to'siq" tushunchasi, uning tasnifi va uni bartaraf etish masalalari muhokama qilinadi. Turli xil pozitsiyalar va turli toifadagi odamlarning psixologik to'siqlarini o'rganishning ahamiyati aniqlanadi.

Kalit so'zlar: psixologik to'siq, himoya, ta'lim, aloqa, tashvish, stress, o'zini tutish.

Пути преодоления социально-психологических барьеров в жизнедеятельности человека
Кулдашева Г.Д. ИППКРССНО им. А.Авлони

Резюме. В статье рассматриваются вопросы понятия «психологический барьер», представлены его классификация и возможности преодоления. Определяется важность изучения психологических барьеров с различных позиций и различными категориями людей.

Ключевые слова: психологический барьер, защита, образование, общение, тревога, стресс, поведение

Ways to overcome socio-psychological barriers in human life
Kuldasheva G.D. IPPKRSSNO named after A.Avloni

Summary. The article deals with the concept of "psychological barrier", its classification and possibilities of overcoming. The importance of studying psychological barriers from different positions and different categories of people is determined.

Key words: psychological barrier, protection, education, communication, anxiety, stress, behavior

ТАФАККУР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Джолымбетова М. М.

Нукус давлат педагогика институту

Тафаккур операцияларига таъсир этувчи омилларни ўрганганимизда ҳар қандай психик тараққиёт, яъни ақлий ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучлар ҳақида сўз кетганда, аввало асосий омилни белгиланган олиш лозим бўлади. Аммо ақлий ривожланишни таъминловчи омил ягона эмаслигини, улар бир неча эканлигини, шунингдек бу омиллар ўзаро узвий боғлиқликда мавжудлиги каби фактларни англаб етиш керак бўлади. Психик тараққиёт яъни ақлий ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучлар сифатида қуйидаги омилларни эътироф этиш мумкин; ирсий омиллар, ижтимоий омиллар, мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия, шахсий фаоллик. Уларнинг ҳар бири алоҳида бир олам бўлишига қарама-қарши тараққиётни ўзаро ҳамкорликда таъминлаши ҳеч кимга сир эмас. Масалан, агар таълим фаолияти аниқ мақсад асосида амалга оширилиши учун шарт-шароит тўлиқ бўлса-ю, аммо ўқувчида шахсий фаоллик етарли даражада шаклланиб бўлмаса у ҳолда психик тараққиётда муаммо вужудга келади ва уни зудлик билан тўғрилаш зарурати вужудга келади. [1] Психик тараққиёт шароитлари ва психик тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучлар ҳақидаги масалани тўғри ҳал қилишга шахс тараққиёти ҳақидаги таълимот ёрдам беради. Шахснинг моҳияти ўз табиатидан ижтимоий характерга эгадир. Шахсдаги барча психик хусусиятларнинг, ижодий фаоллигининг ривожланиши манбалари унинг теварак-атрофидаги ижтимоий муҳитга боғлиқ ҳисобланади. Инсон шахси детерминланган бўлиб, унинг ижтимоий турмуши билан белгиланади. Мана шу маънода шахснинг тараққиёти одамлар билан муносабатидан юзага келадиган ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёнидан иборатдир деган хулоса чиқариш мумкин. Бунинг натижасида инсоннинг психик хусусиятлари, характери, иродавий ҳислатлари, қизиқишлари, майллари ва қобилиятлари таркиб топади.

Юқорида баён этилганларга асосланиб психологияда одамнинг психик хусусиятлари унинг ҳаёти давомида яъни онтогенетик тарзда юзага келади деган хулосага келинган. Бу хусусиятларнинг таркиб топиши ва ривожланишида одамнинг ижтимоий тажрибаси унинг ҳаёти ва фаолияти шароитлари, таълим тарбия етакчи хал қилувчи роль ўйнайди. Муҳит, маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия азалдан берилган генетик

жиҳатдан қатъий белгиланган нарсадир. Муҳит психикани намоён қилиш учун шароитгина бўлиб қолмай, балки инсон психик хусусиятларини таркиб топтиради. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, жамият талабларига жавоб берадиган муайян шахсий сифатларни таркиб топтириш мақсадида катта авлоднинг ёш авлодга онгли, мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш жараёни сифатида таълим ва тарбия ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Биринчидан, одам муҳит таъсири остидаги пассив объект бўлмай, балки фаол мавжудотдир. Шунинг учун ташқи ҳаёт таъсири инсон психикасини тўғридан тўғри белгиламайди, балки одамнинг муҳит билан бўлган ўзаро таъсири орқали, унинг муҳитдаги фаолияти орқали белгилайди. Иккинчидан, психиканинг ривожланиш оқибати, натижаси ташқи шароитларга боғлиқдир. Лекин бу ривожланишни бевосита ташқи шароитдан ва ташқи вазиятдан келтириб чиқариб бўлмайди. Бу шароитлар ҳамда вазиятлар ҳамиша одамнинг ҳаётий тажрибаси унинг шахси индивидуал психологик хусусиятлари ва психик киффаси орқали таъсир қилади. Мана шу маънода индивид ўзига хос психикаси ва шахсий тажрибасини ўз ички муҳити хусусиятлари орқали билвосита таъсир қилади. Ўз даврида И.М. Сеченов одамнинг хатти-ҳаракатлари ташқи таассуротлар орқали детерминлашгани ҳақидаги тезисни илгари сурганида ташқи таассуротларни фақат муайян пайтда таъсир этиб турган мавжуд таассуротлар каби содда равишда тушунмасликни, балки аслини олганда мазкур одамнинг ҳаётий тажрибасида мужассамлашган барча аввалги таассуротлар йиғиндисини назарда тутиш кераклигини уқтириб ўтган эди. Учинчидан, одам фаол мавжудот сифатида ўзи ҳам онгли равишда ўз шахсини ўзгартириши, яъни ўз-ўзини тарбиялаш жараёни теварак-атрофдаги муҳитдан ажралган ҳолда бормайди. Ўз-ўзини тарбиялаш муҳит билан мослашган ҳолда ва муҳит билан фаол ўзаро муносабатда содир бўлади. Шунинг учун ўзини-ўзи тарбиялашда ҳам муҳитнинг таъсири кўриниб турибди. Келтирилган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бир хил ташқи шароит, бир хил муҳит турли болаларга, ўсмирларга, йигит ва кизларга турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Мактаб ўқувчиларининг психик тараққиёти қонунлари шунинг учун ҳам мураккаб, психик тараққиётнинг ўзи мураккаб ва қарама-қарши ўзгаришлардан иборат жараённинг омиллари, шу жумладан таълим ва тарбия шароитлари хилма-хил ва кўп қирралидир.

Охирида шундай хулоса чиқариш мумкинки, одамнинг ташкил топган ва системалаштирилган фаолияти унинг воситаси ҳамда шартидир. Шу пайтгача одамга мавжудот сифатида қараб келинди, лекин одамнинг биологик моҳиятини инкор қилиб бўлмайди. Чунки одам бевосита табиий мавжудотдир. Ўз-ўзидан равшанки одамнинг психик ривожланиши учун табиий, биологик имкониятлар ниҳоятда зарурдир. Инсоннинг психик хусусиятлари нормал таркиб топиши учун муайян даражадаги биологик тузилишга эга бўлган инсон мияси, инсон нерв системаси бўлиши шарт. Инсоннинг табиий хусусиятлари психик ривожланишининг ҳаракатга келтирувчи омиллар эмас, балки дастлабки шартларидир. Мия биологик тарзда ташкил топган орган сифатида онгнинг юзага келиши учун дастлабки шартдир. Онг эса инсон ижтимоий турмушининг маҳсулидир. Нерв системаси теварак-атрофдаги оламни акс эттириш учун дастлабки шартдир. Онг эса инсон ижтимоий турмушининг маҳсули бўлиб, жуда катта имкониятларига эга. Лекин тегишли қобилият фақат ижтимоий шароитдаги фаолиятда таркиб топади. Қобилият қуртакларининг янги нерв системаси ва мияда баъзи бир туғма анатомик-физиологик хусусиятларининг мавжудлиги қобилиятларнинг ривожланиши учун зарур табиий шарт-шароитдир. Аммо шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳали қобилиятларнинг ривожланишини таъминламайди. Қобилиятлар ҳаёт ва фаолият шароитлари, одамга бериладиган таълим ва тарбия таъсири остида таркиб топади ва ривожланади. [2]. Шунингдек, тадқиқотда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда оилавий муносабатлар ва тафаккур операциялари орасидаги боғланишни тадқиқ этишни ҳам вазифа сифатида белгиланган эди. Ушбу вазифани амалга ошириш учун Пирсон корреляция коэффицентидан фойдаландик, натижаларни қуйида келтирамыз.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операциялари ва оилавий муносабатлар орасидаги боғланиш

	1	2	3	4	5	Оилавий муносабатлар					
						6	7	8	9	10	11
1	1										
2	0,64	1									
3	-0,67	0,66**	1								
4	-0,62	0,80**	0,81**	1							
5	0,64	0,56**	0,64**	0,75**	1						
6	-0,64	0,13	0,17	0,13	0,68	1					
7	0,69	-0,69	-0,18	-0,14*	-0,13	-0,22*	1				
8	0,15	-0,10	-0,26**	-0,12	-0,66	0,606	0,29**	1			
9	0,64	-0,11	-0,64	-0,14	-0,67	-0,64**	0,38**	-0,16	1		
10	0,16	-0,17	-0,18	-0,19	-0,17	-0,76**	0,38**	0,03	0,77**	1	
11	0,17	-0,15	-0,20	-0,21*	-0,17	-0,48**	0,68**	-0,57**	0,78**	0,87**	1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$.

Юқоридаги жадвалда кўриниб турганидек, 4-синф ўқувчиларида жинс хусусиятлари ва тафаккур операциялари орасида боғланиш аниқланмади. Умумлаштириш, классификациялаш операцияси ва анализ синтез операциялари орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,66$; $p\leq 0,01$). Бошланғич синф ўқувчиларида анализ, синтез, умумлаштириш операциялари қанчалик кучли ривожланган бўлса, уларда кўргазмали образли тафаккур ҳам шунчалик кучли шаклланган бўлади. Ўқувчилар Равен методикаси бўйича қанчалик кўп бал олган бўлсалар, тўртинчиси ортиқча методикасини ҳам шунчалик тўғри ечадилар. Демак, кўргазмали образли тафаккур болаларда қанчалик яхши ривожланган бўлса, уларда анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш операциялари ҳам шунчалик яхши ривожланган бўлади.

Умумлаштириш, классификациялаш ва таққослаш операциялари орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,80$; $p\leq 0,01$). Синалувчиларда анализ, синтез, умумлаштириш операцияларининг кучли ривожланганлиги, таққослаш операциясининг ҳам меъёрга ривожланишига олиб келади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бир тафаккур операциясининг шаклланиши бошқа тафаккур операцияларининг ҳам ривожланишига олиб келади. Умумлаштириш, классификациялаш операциялари ва “Нуткий фантазия” методикаси орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,56$; $p\leq 0,01$). Болаларда анализ, синтез, умумлаштириш операциясининг ривожланиши ва уларнинг нутқ бойлиги орасида ҳам узвий боғлиқлик мавжуд. Болаларда тафаккур операциялари қанчалик кучли ривожланган бўлса, нутқ ҳам уларда шунчалик кучли шаклланган бўлади. Тафаккур ва нутқнинг боғлиқлиги ҳақида етакчи психологлар ўз фикрларини билдиришган.

Анализ, синтез операциялари ва “Нуткий фантазия” методикаси орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,64$; $p\leq 0,01$). Синалувчиларда анализ, синтез операциялари, кўргазмали образли тафаккур қанчалик кучли ривожланган бўлса, унда нутқ бойлиги ҳам шунчалик кучли ривожланган бўлади.

Анализ, синтез операциялари ва оиладаги низо орасида манфий боғланиш аниқланди ($r= - 0,26$; $p\leq 0,01$). Синалувчилар оиласида низо қанчалик кўп бўлса, кўргазмали образли тафаккур, анализ, синтез операциялари шунчалик куйи ривожланади. Демак, оиладаги низо оила аъзоларининг, фарзандларнинг на фақат кайфиятига, ҳиссий ҳолатига таъсир этибгина қолмай, балки болаларнинг фикрлашига, кўргазмали образли тафаккури, тафаккур операциялари ривожланишига ҳам салбий таъсир этар экан.

Таққослаш операцияси ва “Нуткий фантазия” методикаси орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,75$; $p\leq 0,01$). Бошланғич синф ўқувчиларида таққослаш, нима учун шундайлигини тушунтириш қобилияти кучли бўлса, бу фарқларни оғзаки нутқда ифода қилиш ҳам шунчалик кучли ривожланган бўлади. Дарҳақиқат, яхши фикрлайдиган болаларда нутқ ҳам яхши ривожланган бўлишини ҳаётда кўп кузатганмиз. Таққослаш операцияси ва хавотирланиш орасида манфий боғланиш аниқланди ($r= - 0,24$; $p\leq 0,05$). Болада хавотирланиш қанчалик кучли бўлса, у объектларнинг ўхшашлиги ва фарқини шунчалик кам топади, предметларни таққослашга қийналади. Таққослаш операцияси ва оила расми методикаси орасида манфий боғланиш аниқланди ($r= - 0,23$; $p\leq 0,05$). Оиладаги шароитнинг, иқлимнинг ноқулайлиги, таққослаш операциясига салбий таъсир этади. Ота-оналарнинг доимий низолашиши, фарзандга доим жеркиб гапириши, унга нисбатан меҳрли муносабатда бўлмаслиги боланинг психикасига салбий таъсир кўрсатади, унинг ўзини паст баҳолашига, кайфиятига, фикрлашига, ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади. Қулай оилавий шароит ва хавотирланиш орасида манфий боғланиш аниқланди ($r= - 0,22$; $p\leq 0,05$). Оилада қулай оилавий шароитнинг яратилганлиги, болада хавотирланишнинг бўлмаслигига олиб келади. Агар оилада ноқулай оилавий шароит ҳукмрон бўлса, бу бола шунчалик кўп хавотирланади. Қулай оилавий шароит ва оилавий шароитда номукаммаллик туйғуси орасида манфий боғланиш аниқланди ($r= - 0,64$; $p\leq 0,01$). Агар оилада оилавий шароит қанчалик қулай бўлса, фарзандда номукаммаллик туйғуси шунчалик кам бўлади. Барча шароитлар яратилган, қулай психологик иқлим мавжуд оилаларда тарбияланаётган фарзандларда номукаммаллик туйғуси ҳам қарийб намоён бўлмайди.

Қулай оилавий шароит ва адоват орасида манфий боғланиш аниқланди ($r= - 0,76$; $p\leq 0,01$). Оилада қулай шароит яратилганлиги унинг аъзолари орасида адоватли муносабатнинг шунчалик кам бўлишига олиб келади. Аксинча, ноқулай оилавий шароит, оиладаги етишмовчилик, бир-бирини тушунмаслик оқибатида ота-она ва фарзандлар орасида адоват ҳам кўп кузатилади. Қулай оилавий шароит ва оила расми орасида манфий боғланиш аниқланди ($r= - 0,48$; $p\leq 0,01$). Фарзанд ўсаётган оилада шароит қанчалик қулай бўлса, оила расми методикаси бўйича муаммолар шунчалик кам аниқланади. Хавотирланиш ва оиладаги низо орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,29$; $p\leq 0,01$). Фарзанд тарбияланаётган оилада низо қанчалик кўп бўлса, унда хавотирланиш шунчалик кучли бўлади. Ўзларини бошқара олмаслиги туфайли фарзандлар кўзи ўнгида низолашадиган ота-оналари хулқ-атворидан болада доимий хавотирланиш бўлади. Ота-онам бугун уришиб қолмасмикан, мени қайсидир қилган ишимдан уришмасмикан деган хавотир билан яшайди. Хавотирланиш ва оилавий шароитда номукаммаллик туйғуси орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,38$; $p\leq 0,01$). Кичик мактаб ёшидаги ўқувчида комплекслари қанчалик кўп бўлса, унда хавотирланиш шунчалик кучли бўлади. Хавотирланиш ва оиладаги низо мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,38$; $p\leq 0,01$). Оилада низо қанчалик кўп бўлса, фарзандда хавотирланиш шунчалик кўп кузатилади. Оилавий шароитда номукаммаллик туйғуси ва адоват орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r= 0,77$; $p\leq 0,01$). Оиладаги шахслараро муносабатда адоват қанчалик кучли бўлса, бундай оилада тарбияланаётган фарзандда номукаммаллик комплекси шунчалик кучли бўлади.

Шунингдек, оиладаги низолашувчанлик ва кўргазмали образли тафаккур орасида манфий боғланиш аниқланди. Оилавий низо оила кўргазмали образли тафаккурнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Тафаккур операциялари ва хавотирланиш, ноқулай оилавий шароит орасида манфий боғланишлар аниқланди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи оиласидаги нокулай оилавий шароит ҳамда хавотирланиш тафаккур операцияларининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

Бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур операцияларини шакллантириш бўйича тузилган коррекцион дастурнинг самаралилиги синалувчиларда аниқловчи ва назорат тажрибалари орасида аҳамиятли статистик фарқ олинганлиги билан далилланган. Ўқувчиларда тафаккур операцияларини шакллантириш учун куйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

Педагоглар ва мактаб психологларига тавсиялар: болани тарбиялашда кўрқитиш усулининг тезкор самарадорлигини суистеъмол қилмаслик, оғзаки тушунтириш ва ўртак бўлиш орқали ёндашиш усулининг имкониятларидан кенгрок фойдаланиш; болага ҳаддан ташқари кўп талаб қўймаслик; бола хулқ-атворидаги фақат салбий жиҳатларга эътибор бермай, балки ижобий тарафларини ҳам кўра олиш; бола қийинчиликка дуч келганида унга руҳан қўмак бериш, қўллаб-қувватлаш, ютуққа эришганида эса ҳеч бўлмаганда оғзаки рағбатлантириш; болани ҳадеб танқид қилавермаслик; болага ўз имкониятларини эркин намойиш эта олиши учун шарт-шароит яратиб бериш; боланинг оз бўлса-да эришган ютуқларини таъкидлаш ва рағбатлантириб бориш;

Ота-оналарга тавсиялар: ҳамкорлик бошқарув услубидан фойдаланиш; ўз фарзандлари ўрнига ўзларини қўйиб кўришлари, яъни идентификация қилиш орқали фарзандларининг ҳолатини тушунинг; унга ҳамдард бўлинг; у билан иложи борица кўпроқ вақт ўтказинг; жаҳлингиз чиқиб турган вақтда фарзандингиз билан бўладиган мулоқотни кейинга қолдиринг; фарзандингиз тушган салбий вазиятда сизнинг аралашувингиз зарур бўлса, ўзингизни иложи борица хотиржам тутинг; фарзандингизнинг кучи ва имкониятларини ўрганинг.

АДАБИЁТЛАР

1. Боно Э. Курсы развитие мышление. - Минск: Попурри, 2018. -128 с.
2. Дўстмухаммедова Ш.А., Нишанова.З.Т. ва б. Ёш даврлари ва педагогик психология. –Тошкент, Фан ва технология. 2013, - 343 б.
3. Жўраев Н.С. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқиш мотивларини шакллантиришнинг психологик хусусиятлари. Пс.ф.н. дис. автореферати, –Тошкент-2009

Тафаккур операцияларининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар
Джолымбетова М. М. Нукус давлат педагогика институти

Резюме. Ушбу мақолада кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тафаккур операцияларига таъсир этувчи ирсий омиллар, ижтимоий омиллар, мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия, шахсий фаоллик омиллари ва асосан тафаккур операцияларининг шаклланишида оилавий муносабатнинг ўрни ўрганилганлиги келтирилган.

Таянч сўзлар: мулоқот, генетик факторлар, фикрлаш операциялари,

Факторы, влияющие на формирование мыслительных операций
Джолымбетова М.М. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В статье исследуется роль семейных отношений в формировании генетических, социальных факторов, целевого образования, факторов личностной активности, влияющих на мыслительные операции учащихся начальной школы.

Ключевые слова: семейные отношения, генетические факторы, мыслительные операции, учащиеся начальной школы
Factors affecting the formation of thinking operations
Djolimbetova M.M. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. The article examines the role of family relations in the formation of genetic factors, social factors, target education, factors of personal activity and, mainly, mental operations that affect the mental operations of primary school students.


Key words: family relations, genetic factors, mental operations, primary school students.

TIBBIY TA'LIM MUASSASALARIDA EKOLOGIK TA'LIM- TARBIYANING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Majidova G. D.

Toshkent tibbiyot akademiyasi

Jamiyatda kechayotgan ijtimoiy islohotlarning samaradorligi uning fuqarolari ega bo'lgan ekologiyasiga bog'liqbo'lgan bugungi kundagi dolzarb muammolardan biridir. Shu bois bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning olib borayotgan tibbiy ta'limni birlamchi bo'g'inidagi islohotlari jamiyat rivojlanishining ekologik ta'lim-tarbiya negizlarini aniq belgilab berdi. Bular: umuminsoniy qadriyatlar asosida ekologik ta'im-tarbiyaga sodiqlik; xalqimizning toza ekologik havoga munosabati, uni avaylash va mustahkamlash hamda rivojlantirish; insonning o'z tabiatga munosabatini erkin namoyon qilishi; vatanparvarlik. Zero, jamiyat rivojlanishi faqat uning iqtisodiy taraqqiyotinigina emas, balki ekologik yuksalishini ham taqozo etadi. Har qanday mafkura kabi O'zbekiston Respublikasi milliy istiqbol mafkurasining asosiy g'oyalardan biri ham jamiyatda ekologik qarashlarning ustuvorligiga erishish sanaladi. Ijtimoiy tarbiyaning boshqa turlari kabi ekologikta'lim- tarbiya asosini ham ilg'or milliy, qadriyatlar, xalq pedagogikasi g'oyalari tashkil etadi. Ekologik ta'lim-tarbiya ham shaxs, xalq, davlat va jamiyatning kuch-qudrati, taraqqiyoti, imkoniyatlari va istiqbollari belgilab beruvchi ichki ijobiy, ruhiy omildir. Bu g'oyalarni singdirishda ekologik mafkurani kuchaytirish lozim. Mafkura (arabcha «mafkura» - naqta nazar va e'tiqodlar tizimi, majmui) – jamiyatdagi muayyan siyosiy, huquqiy, axloqiy, diniy, badiiy, falsafiy, ilmiy qarashlar, shuningdek, ekologik yuksalish, ekologik ta'lim-tarbiya ishlarning rivojini ta'minlovchi, ularning maqsad va yo'nalishlarini aniqlashda yetakchi o'rin tutuvchi g'oyalar tizimi.



1 - chizma. Jamiyatda ekologik omillarni shakllantiruvchi xususiyatlar

Har uchala sohaning uzviy birligi asosida jamiyatda tabiatga xos ma'naviyati yuksaladi. (3.114) Ekologik ta'lim, ekologik ta'lim-tarbiya sohasida ijobiy yechimini ta'minlash zarur bo'lgan asosiy vazifani ko'rsatar ekan, ekologiyaga ehtiyoj inson bilimli, ma'lum kasb-hunar sohibi, o'z vatanining sodiq fuqarosidir. O'z davlati qonunlarini biladigan va ularga amal qiladigan, yurti bilan g'ururlana oladigan inson. O'z vatanini ekologiyasini, boyliklarini saqlaydigan, uni yanada boyitadigan, go'zalliklaridan bahramand bo'ladigan shaxs. U har qanday zararli illatlarga qarashi kurashadigan, milliy ekologik qadriyatlarni avaylab asraydigan insondir.

Ekologik tarbiyaning mazmuni. "Ekologiya" – yunoncha so'z bo'lib, tirik mavjudotlarning yashash sharoiti va tevarak – atrofdagi muhit bilan o'zaro munosabatlari hamda shu asosda yuzaga keladigan qonuniyatlarni o'rganadigan fandir. (3.98) "Ekologiya" atamasi 1866-yilda nemis zoolog olimi E.Gekkel tomonidan fanga kiritilgan. Yaqin vaqtlargacha bu atama faqat mutaxassislarigagina ma'lum edi. Endilikda atrof – muhitga, tabiat boyliklariga e'tiborsiz bo'lish butun sayyoraga jiddiy zarar yetkazishi mumkinligi aniq bo'lib qoldi. Inson bilan tabiat o'rtasidagi munosabatlar muammolarini yechish zarurati tug'ildi. Shu barobarida ekologik vaziyatni sog'lomlashtirish asosiy ishlardan biri bo'lib qoldi (2.29). Bo'lajak tibbiyot xodimlarida ekologik madaniyatni tarkib toptirish, ularga tabiat, atrof – muhit bilan qanday munosabatda bo'lishni o'rgatish ekologiya, fizialogiya va pedagogika nazariyasi hamda tibbiy ta'lim amaliyotining eng dolzarb mavzusiga aylandi. O'zbekiston Konstitutsiyasining 18 – moddasida yer va yer osti boyliklarini, suv manbalarini, o'simlik va hayvonot dunyosini qo'riqlash, bu boyliklardan ilmiy asosda, oqilona foydalanish, havo va suvni toza saqlash, tabiiy boyliklarni uzluksiz ko'paytirib borishni ta'minlash, insonning atrof – muhitni yaxshilash uchun chora va tadbirlar ko'rishi zarurligi ta'kidlangan. O'zbekiston Respublikasining 1992- yil 9-dekabrda qabul qilingan "Tabiatni muhofaza qilish to'g'risida"gi Qonuni, "Sog'lom avlod uchun" ordenining ta'sis etilishi, shu nomda Davlat dasturi, "Ekologik ta'lim – tarbiya konsepsiyasi" ning ishlab chiqilishi, "Ekosan" jamg'armasining tuzilishi mamlakatda ekologik muammolarni bartaraf etishga kirishilganidan dalolatdir. Ayniqsa, tibbiy oily ta'lim muassasalarida ham tibbiy ekologik yo'nalishdagi guruhlarining tashkil etilishi, bu asosda bo'lajak tibbiyot xodimlarida ekologik ta'limni shakllanishi 1-kursdanoq Ekologiya, Fizialogiya, Psixologiya, Pedagogika fanlarini oqitilishi tabiatga muhabbat ruhida tqlim-tarbiya berishga astoydil kirishilganini ko'rsatadi. Bo'lajak tibbiyot xodimlari tibbiy oily ta'limni bitirib, mustaqil hayotga qadam qo'ygan har bir mutaxassis, yuksak ixtisos egasi bo'lishidan qat'iy nazar, ekologiya va tabiatni muhofaza qilishga oid nazariy va amaliy bilimlarga ega bo'lishi kerak. Tabiatni muhofaza qilish hozirgi zamonning ijtimoiy-siyosiy masalalaridan biri bo'lib qolganligi bo'lajak tibbiyot xodimlarining ongiga birinchi navbatda singdiriladi. Haqiqatdan ham tabiiy boyliklardan haddan tashqari darajada ko'p foydalanish, yangi yerlarni rejasiz o'zlashtirish oqibatida ekologik muvozanat keskin o'zgardi, atrof – muhit ifloslanadi. Ayniqsa, paxta yakkahokimligi, qishloq xo'jalik ishlarining noto'g'ri rejalashtirilishi, kimyoviy o'g'itlarni me'yordan ortiq ishlatilishi tabiat kushandalarining ko'payishiga sabab bo'ldi. Bu holat hayvonot olamiga ham, o'simliklar dunyosiga ham o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatmoqda. Keyingi 30 yil ichida tabiiy boyliklardan shunchalik ko'p foydalanilganki, bu butun insoniyat tarixi davomida foydalanilgan tabiiy boyliklarga tengdir. Demak, jamiyatning iqtisodiy rivojlanish darajasi qanchalik yuqori bo'lsa, uning tabiatga ta'sir etish darajasi ham shunchalik ko'p bo'lar ekan. Aholi sonining tez o'sib borishi natijasida ekologik muammolar ham ko'payib bormoqda. Ayniqsa, aholini yer, suv, energetika, oziq – ovqat bilan ta'minlash haqidagi muammolar butun dunyo global muammolariga aylanib bormoqda. Yer bag'ridan har yili 120 mlrd tonnadan ortiq turli xildagi xomashyo, qurilish materiallari, yoqilg'ining qazib olinishi va sarf qilinishi tabiiy boyliklar miqdorining kamayib borishiga sabab bo'lmoqda. Tabiatga zarar keltiradigan ko'pgina zavodlarning oqar suvga yaqin joylashganligi sababli suv havzalarini toza saqlash muammo bo'lib borayotir. Markaziy Osiyo hududida yashayotgan fuqarolarning salomatligi yomonlashib, kasalliklar ko'paymoqda. Yer kurrasida insonning farovon yashashi endi ekologik muammolarni yechishga bog'liq bo'lib qoldi. Ekologik muammolarning ilmiy, iqtisodiy, texnik, gigiyenik, yuridik, estetik, pedagogik kabi yo'nalishlari mavjud. Bu yo'nalishlar ichida pedagogic, gigenik yo'nalish muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki ekologik muammolar inson faoliyati natijasida kelib chiqadi. Pedagogik yo'nalishda ekologik ta'lim va tarbiya berish ko'zda tutiladi. Ekologik ta'lim deganda, o'quvchilarga berilishi lozim bo'lgan tabiat bilan inson orasidagi munosabatlarni ifodalovchi bilimlar tizimi tushuniladi. Ekologik ta'lim-tarbiya esa insonning atrof – muhitga nisbatan munosabatini tarbiyalashtiradi. Ekologik ta'lim-tarbiyaning shakl, metod va vositalari. Ekologik ta'lim – tarbiya umumiy ta'lim – tarbiyaning yangi shakli va tarkibiy qismi bo'lib, tibbiy oliy ta'lim muassasalarida barcha fanlarni o'qitishda amalga oshirilishi ko'zda tutiladi. Ekologik ta'lim – tarbiyadan bosh maqsad ham bo'lajak tibbiyot xodimlarining atrof – muhit va uning muammolariga ongli munosabatni shakllantirishdan iboratdir. Ekologik ta'lim-tarbiya jarayonida bo'lajak tibbiyot xodimlarining tabiat

boyliklarini tejab – tergashga, tabiatni muhofaza qilishga o'rgatila boriladi. Atoqli pedagog V.A.Suxomlinskiy "Bolalarga jonim fido" asarida "Men "Alifbe"ni ochib, birinchi so'zini hijjalab o'qishlariga qadar avval dunyodagi eng ajoyib kitob–tabiat kitobini mutolaa etishlarini istardim" deb ta'kidlaganidek, bu boradagi barcha ishlarni yoshlikdan, kichikligidanoq boshlash maqsadga muvofiqdir.

Ekologik tarbiyada bo'lajak tibbiyot xodimlarining o'z ta'lim maskanini, yashaydigan muhiti – shahar va qishloq ko'chalarini ko'kalamzorlashtirish, mevali va manzarali daraxt ko'chatlari ekish, xiyobonlarni, suv havzalarini ozoda saqlash, uy hayvonlariga qarash kabi ishlarda kuchi yetgancha qatnashishga jalb etish kata ahamiyatga ega. Ekologik savodxonlik va madaniyat, avvalo, oiladan boshlanadi. Ekologik dunyoqarashni shakllantirishning negizi oiladagi tarbiyaga bevosita bog'liqdir. Agar bu masala oilada to'g'ri yo'lga qo'yilmagan bo'lsa, uni umumta'limda, keyingi ta'lim bosqichlarida hamda mehnat jarayonlarida qaror toptirish qiyin bo'ladi. Ajdodlarimiz tabiatga inson munosabati, ta'lim- tarbiyasi masalasiga alohida e'tibor bilan qaraganlar va bu borada ibratli an'analarni vujudga keltirganlar. Oila davrasida farzandlarga "Suvga tuflama, uni iflos qilma, chunki barcha jonivorlar uni ichib bahra oladi", "Gullab turgan mevali daraxtning shoxini sindirma, u meva beradi, uni o'zing iste'mol qilasan", "Pishib yetilmagan uzumni uzma, agar uzsang kata gunoh ish bo'ladi, chunki unda ahli mo'minning nasibasi bor" deb pand-u nasihatlar qilganlar. Ekologik ta'lim va tarbiyalash tizimi maktabgacha ta'lim tizimidan tortib, umumiy ta'lim maktablarida, keying ta'lim bosqichlarida hamda mehnat jamoalarida davom ettiriladi. Bu o'rinda hayotiy misollar orqali hozirgi paytda oilalarda ekologik savodxonlikning pastligi uqtiriladi. Masalan, hozir ko'plab insonlar ekinzorlarda, bog'larda hatto mevali va manzarali daraxtlarga o'z ta'sirini o'tkazmoqdalar. Ekologik ta'lim-tarbiya berish (1.87) va tayyorlashning mazmuni quyidagilarni o'z ichiga oladi: Atrof-muhit va uning shaxs ma'naviy dunyosiga ta'siri; Bo'lajak tibbiyot xodimlarida tabiat va uning ahamiyatiga qiziqishni aniqlash; Tabiatga muhabbatni rivojlantirishda bo'lajak tibbiyot xodimlarining va oilani hamkorligi; O'z tumanini, shaharini, qishloq va aholi hovlisini ko'kalamzorlashtirishda, hatto, guruh xonasidagi o'simliklarni ham parvarishlashga qiziqishlarini oshirish; Atrof muhit muhofazasi, bunda bo'lajak tibbiyot xodimlarining vazifalari; Tabiatni muhofaza qilishda ota onalarning namunalari; Oiladagi, tibbiy oily ta'limdagi g'oyalar tabiatni, osimliklar va hayvonot dunyosini e'zozlashga orgatish, jonvor va qushlarni parvarish qilish; Tabiatga ongli munosabat jarayonida bo'lajak tibbiyot xodimlarining dunyoqarashini kengaytirish; Bo'lajak tibbiyot xodimlarining ekologik tarbiyalashda milliy an'ana va udmlarni qayta tiklash, ularga etiborni kuchaytirish.

Ekologiya dars mashg'ulotlaridagi ko'plab nazariy va amaliy topshiriqlar bo'lajak tibbiyot xodimlarida tabiatga mehr uyg'otishda qo'l keladi. Mashqardagi suz va havo, osimlik va hayvonot olamiga taalluqli fikrlar ifodalangan matnlarni tahlil qilish orqali ham tabiatga mehr uyg'otish mumkin. Pedagogika, Psixologiya, Fiziolgiya fanlari ham ekologiya fani bilan chambarchas bog'langan. Bunda har bir manbalarni o'qib tahlil qilish vaqtida va bo'lajak tibbiyot xodimlariga tushuntirayotganda faqat ilmiy nuqtai nazaridan emas, balki amaliy holatda ekologiya, yani tabiatni muhofaza qilish nuqtai nazaridan tahlil qilinadi. Mana shu usul bilan ekologiya, fiziolgiya dars mashg'ulotlarida ham bo'lajak tibbiyot xodimlari ongiga ekologik ta'lim-tarbiyani singdira boriladi. Shuningdek, 1-2 kurslarda "Tabiatni asrash – Vatanni asrash", "Tabiatni e'zozlaylik" – kabi mavzularda turli bahs va shexonlik kechalari, seminar treninglar uyushtirish orqali ham ekologik ta'lim-tarbiyani amalga oshirish mumkin. Pedagogika, Psixologiya fanlarida o'qitilayotgan etnopedagogik-psixologik ya'ni xalq og'zaki ijodi misolida esa bo'lajak tibbiyot xodimlari ajdodlarimizning ekologik xatolarini nimadan iboratligini hamda bu sohada ularning qanday ibratli ishlari borligini o'rganadilar. Bo'lajak tibbiyot xodimlariga berilayotgan ekologik ta'lim hayvonlar va o'simliklarning xususiyatlari, ularning tabiatdagi o'rini ilmiy-amaliy yo'l bilan ochib berilishi, o'qilgan badiiy ekologik ta'limiy asarlar misolida o'tkazilgan suhbatlarda tabiatga yaxshi munosabatda bo'lish va toshbag'irlik bilan qarash dalillari muhokama qilinadi.

Bo'lajak tibbiyot xodimlariga ekologik ta'lim va tarbiya berishida xalqimizning o'ziga xos milliy tarbiyasidan o'rinni foydalanishi yaxshi samara beradi. Milliy tarbiyamizda 4 narsa – yer, suv, tuproq, havo muqaddas hisoblangan. (3.156) Xalqimiz juda qadim zamonlardan suvga e'tiqod qo'yib, yozning eng jazirama kunlarida "Suv sayli" o'tkazgan. Ota – bobolarimiz "Suv – tabiat in'omi, hayot manbai" deb bejizga aytishmagan. Har tomchi suvni gavhardek qadrlab, bog' – rog'lar yaratishgan. Yurtni obod etishgan, ko'chalarni, hovlilarni sarishta saqlashgan. Xalqimizning tabiatga munosabati urug' qadash, qovun sayli, suv sayli, uzum sayli, hosil bayrami, gul bayrami, Navro'z bayrami, xirmon to'yi kabi mavsumiy fasl bayramlarida ham ifodalangan. Bunday tabiat bayramlari ularning hayot tarziga aylanib ketgan. Respublikamiz mustaqillikka erishgandan so'ng bu diyorni obod etish, uning atrof – muhitini toza saqlash, har bir fuqaroning insoniy burchiga aylandi. Obodonchilik va orastalik, pokizalik va tejamkorlik, xushxulqlik va xushmuomalalik har bir inson uchun, xususan, pedagoglar va o'quvchilar uchun ham ekologik ma'naviy mezondir. Bo'lajak tibbiyot xodimlari ekologik ta'lim- tarbiya ishlari jarayonida quyidagilarni bilishlari zarur: Tabiat haqida to'liq ilmiy tushunchaga ega bo'lishlari, tabiiy muhit, tabiiy omillar va ular orasidagi bog'lanish; Tabiat boyliklaridan tejab – tergab foydalanish va ularni muhofaza qilish; Atrof – muhitni ifloslanishlardan saqlash; Tabiatni kelajak avlodlar uchun tabiiy holda qoldirishga intilish.

Yuqoridagi omillar asosida ekologik tarbiyalash o'quvchilarda tabiatni muntazam kuzatib borishga qiziqishni uyg'otadi, tabiatni himoya qilish uchun kurashishga, uning go'zalligini asrab – avaylashga olib keladi. Tabiatga muhabbatni va unga ehtiyotkorlik hissini tarbiyalash shaxsda axloqiy belgilarni rivojlantirishga yordam beradi. 2.Ekologik tarbiyaning shakl, metod va vositalari. (4.123) Ekologik ta'lim-tarbiyaning asosiy vazifasi – bo'lajak tibbiyot xodimlarining barcha a'zolari so'g'lom o'sishini ta'minlash barobarida ularni aqliy va jismoniy mehnatga, shuningdek, Vatan mudofasiga to'yiorlashdir. Bu g'oya azal- azaldan ota- bobolarimiz ma'naviyatida aks etib kelmoqda. Jumladan xalq ijodida, "Yomg'ir yog'di", fasllarga mo'ljallangan dostonlarda ham o'z ifodasini topgan. Buyuk chex pedagogim Yan Amos Komenskiy insonni tabiatga uyg'un bo'lish tamoyilini XVII asrdayoq asoslab

bergan, shunday ekan yuqoridagi misollardan ko'rinib turibdiki, insonning aqliy, va jismoniy kamoloti kishilik tarixi taraqqiyotining barcha jabhalarida ulug'langan va qadrlangan.

ADABIYOTLAR

1. To'xtaxadjueva M. Pedagogika. – Toshkent, O'zbekiston Faylasuflari Milliy jamiyati, 2010. 280-289 b.
2. Jeff Halstead. Navigating the new pedagogy. R and Education, 2011.
3. Shodmonova Sh.S. Axmedova M.E. Umumiy pedagogika naariyasi va amaliyoti. – Toshkent.: “Fan va texnologiyalar” nashriyoti, 2019.
4. Shodmonova Sh.S. Axmedova M.E. Pedagogika. O'quv qollanma. Toshkent, 2018.

Tibbiy ta'lim muassasalarida ekologik ta'lim- tarbiyaning o'ziga xos xususiyatlari
Majidova G. D. Toshkent tibbiyot akademiyasi

Rezyume. Ekologik ta'lim – tarbiya umumiy ta'lim – tarbiyaning yangi shakli va tarkibiy qismi bo'lib, tibbiy oliy ta'lim muassasalarida barcha fanlarni o'qitishda amalga oshirilishi ko'zda tutiladi. Ekologik ta'lim – tarbiyadan bosh maqsad ham bo'lajak tibbiyot xodimlarining atrof – muhit va uning muammolariga ongli munosabatni shakllantirishdan iboratligi ko'rsatilgan. Ekologik ta'lim-tarbiya jarayonida bo'lajak tibbiyot xodimlarining tabiat boyliklarini tejab – tergashga, tabiatni muhofaza qilishga oid nazariy manbalar keltirilgan.

Tayanch tushunchalar: tarbiya mohiyati, ekologik tarbiya, ekologik madaniyat, tarbiya nazariyasi, tarbiya jarayoni.

Особенности экологического образования в медицинских учебных заведениях
Маджидова Г.Д. Ташкентская медицинская академия

Резюме. Экологическое образование - новая форма и составная часть общего образования, которое предполагается преподавать по всем дисциплинам в медицинских вузах. Экологическое просвещение - основная цель образования, формирование у будущих медицинских работников осознанного отношения к окружающей среде и ее проблемам. Приведены теоретические источники по охране и сохранению природных ресурсов для будущих медицинских работников в процессе экологического просвещения.

Ключевые слова: сущность образования, экологическое образование, экологическая культура, теория воспитания, образовательный процесс.

Features of environmental education in medical schools
Majidova G.D. Tashkent Medical Academy

Summary. As ecological education is a new form and component of general education, it is considered to accomplish teaching of all sciences in higher medical institutions. The main aim of ecological education points to form the conscious attitude of future medical staff to the environment and its problems. It is emphasized with theoretical sources to teach future medicals to save the natural resources and prevent the environment during the process of ecological education.

Key words: essence of education, ecological education, ecological culture, theory of upbringing, educational process.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАСАЛАСИ

Қабулов Қ.П.

Урганч давлат университети

Ўзбекистон Республикасида мустақиллигига эришилгандан сўнг таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашга йўналтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўсмирларни касбга йўналтиришдан қўзланган асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, тўғри тафаккурини шакллантириш ва мустақил равишда касб танлашга тайёрлашдан иборат бўлиб, бу жараён шахснинг бўлғуси касбий фаолият субъекти сифатида шаклланишини назарда тутди ҳамда унинг бозор иқтисодиёти муносабатларига мослашиб боришига қўмаклашади.

Шу мақсадда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун [1], Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади ҳам – юртимиз келажаги учун муносиб кадрлар тайёрлашга қаратилган. Таълим соҳасига оид ислохотлар натижасида Ўзбекистон қисқа давр ичида таълим соҳасида жаҳоннинг етакчи мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикасида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларини Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази мувофиқлаштиради ва ўз фаолиятида «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими муассасаларида психологик хизмат тўғрисида»ги Низомга [2] асосланади. Ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёнида амалга ошириш – ўсиб келаётган ёш авлодни муайян касбни онгли равишда танлашга тайёрлашдир. Уларни касб-хунарга йўналтириш орқали, бўлажак касб эгаларини касб танлашида муайян қарорларни шакллантиришда, касбни эркин ва мустақил танлашлари учун мустақам замин яратилади. Мамлакатимизда мустақилликка эришгандан то бугунгунча кунгача ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва jismonan соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далolat бермоқда. Мамлакатимиз чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарarli иллат ва ёт гоёлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи”нинг фаолияти етарли эмас. Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштира олишда ушбу ташкилот билан бирга, таълим муассасалари, маҳалла ва оила институтлари ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади.

Мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни [3] бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истикболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди. 2017 — 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш [4] билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох этиш мақсадида ҳамда [бу борада кенг жамоатчилик](#), аввало, ёшлар вакиллариининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда: демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истикболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш; ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига қўмаклашиш; ёшларнинг илмий ва бадий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш; ёшларни, айниқса, улар уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш каби вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, ўрта таълим мактаблар ўқувчиларини касбга йўналтиришда дастлабки педагогик жараёнлар таҳлил этилган бўлиб, бу жараёнда ўқитувчининг педагогик маҳорати, касб танлашга оид билим ва ўқинмалари, вазифалари, шунингдек касб танлашда шахс хислатлари, ўқувчи психологияси, ўқувчиларни касб танлашга тайёрлигини кўрсатувчи мезонлар, ўқувчиларни касб танлашга йўналтиришга тайёрлашни ёш босқичлари мазмуни хусусида белгилаб берилган. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармонининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” устувор йўналишда таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган [5].

Бугун замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган фарзандларимизнинг муносиб камол топишида ўқитувчи ва мураббийларимизнинг ҳиссаси бекиёс эканини таъкидлаш лозим. Умумтаълим муассасалари ўқитувчиси нафақат ўқувчиларга илм-фан оламининг дастлабки билимларини беради, балки ушбу жараёнда ўқувчиларни муайян касбга йўналтиради. Ўқувчи болалигидан бирор бир касбга меҳр қўяди, уни орзу қилади, ўша касб эгаси сифатида ўзини тасаввур қилади. Мазкур тасаввурнинг реаллигини таъминлашда ўқитувчининг катта ўрни бор. Негаки, ўқитувчи ҳали мукамал шаклланмаган бола тасаввурда гўёки бир “сеҳргар”, тенгсиз мураббийдир.

Ўқитувчи ўқувчиларини касбга йўналтириш бўйича олиб бориладиган ишларнинг барча шакл ва методлари ўқувчиларнинг мақсадли равишда касб танлашларига хизмат қилиши лозимдир. Мактабда касб-хунарга йўналтириш ишларини йўлга қўйишда анъанавий амалий машғулот, суҳбат, диалогли мунозаралар билан бирга педагогик ўйин, мустақил фикрлар каби янги педагогик технология элементларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади. Мактабнинг кичик ёшдаги ўқувчилари касб танлаш масаласида ҳали муайян қарор қабул қилишда қийналадилар. Бироқ улар ўртасида тўғри йўлга қўйилган касб танлаш иши шундай бир негиз бўлиши керакки, юқори синфлардаги ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишлари, ўй ва ниятлари кейинчалик шу негиз асосида ривожланадиган бўлсин. Барча касблар учун зарур ва муҳим бўлган шахс хислатлари бор, булар: [меҳнатсеварлик](#), ҳамма касб ва мутахассисликдаги меҳнат аҳлига нисбатан ҳурмат-эҳтиром; меҳнат қилиш зарурлигини тушуниш ва англаш; ўз ишини режелаштира ва назорат қила билиш; – иш жойини тўғри ташкил қилиш, иш батариб ва интизомли бўлиш; тоқатлик, саботлилик, топширикни бажаришнинг энг оқилона усулини танлаб ола билиш; материаллар ҳамда вақтни тежаш ва шу қабилардир.

6. Толстов С.П. 1) К вопросу о происхождении каракалпакского народа. // «Краткие сообщения Института этнографии АН СССР», вып. II. М. – Л., 1947; 2) Города гузов (историко-этнографические этюды). // «Советская этнография», 1947, №3; 3) Огузы, печенеги, море Даукара (Заметки по исторической этнонимике Восточного Приаралья). // «Советская этнография», 1950, №4.

Қарақалпақлардың урыўлық-қәўимлик дүзилиси ҳаққында

Пахратдинов Э. Қарақалпақ мамлекетлик университети

Резюме. Мақала қарақалпақлардың урыўлық-қәўимлик дүзилісин үйрениўге арналған. Онда қарақалпақ халқының урыў-қәўим атамаларының мәнилери хәм қарақалпақ этнонимлериниң пайда болыў себеpleri де анализленген.

Таяныш сөзлер: тарих, этнос, этникалық топар, урыў, қәўим, этногенез, этноним.

Қарақалпақларнинг уруғ-қавмлик тузилиши ҳақида

Пахратдинов А. Қарақалпақ давлат университети

Резюме. Мақола қарақалпақларнинг уруғ-қабиалари тузилишини ўрганишга бағишланган. Шунингдек, қарақалпақ халқи уруғ-қабила гуруҳлари номлариниң маънолари ва қарақалпақ этнонимлариниң пайда бўлиш сабаблари хәм таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: тарих, этнос, этник гуруҳ, уруғ, қабила, этногенез, этноним.

О племенном составе каракалпаков

Пахратдинов А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Статья посвящена изучению родоплеменной структуры каракалпаков. А также проанализированы названия родоплеменных групп каракалпакского народа по их исходным значениям и причины возникновения каракалпакских этнонимов.

Ключевые слова: история, этнос, этническая группа, род, племя, этногенез, этноним.

On the tribal composition of the Karakalpaks

Pakhratdinov A. Karakalpak State University

Resume. The article is devoted to the study of the tribal structure of the Karakalpaks. Analyzed the names of the tribal groups of the Karakalpak people according to their initial meanings and the reasons for the emergence of the Karakalpak ethnonyms.

Keywords: history, ethnos, ethnic group, genus, tribe, ethnogenesis, ethnonym.

МДХ ДОИРАСИДА ИНТЕГРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Икрамов Б. Б., Улашов А. Р.

Тошкент молия институти

Кириш. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги янги тарихий даврни бошдан кечирмокда. Жамият ҳаётининг барча жабҳалари - сиёсат, ижтимоий ва иқтисодийда ўз мазмуни ва аҳамияти жиҳатидан янги сифатга эга жараёнлар юзага чиқмокда. Бу сиёсий жиҳатдан республикаларнинг мустақилликка эришиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллай бошлагани, иқтисодий муносабатларга бозор тамойилларининг жорий этила бошлагани ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мустақил ҳал этиш имконияти пайдо бўлганлигида ўз аксини топмокда. Республикаларда юкори даражада марказлашган хўжалик тизимидан миллий тизимга, бошқарувда вертикал алоқалар устиворлигидан горизонтал алоқаларга, хўжалик муносабатларини ташкил қилишнинг режали-буйруқ усулидан бозор механизмларига ўтиш жараёнлари давом этмокда. Улар ҳаётидаги айнан мана шу ўзгаришлар ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришни, жаҳон хўжалик тизими билан интеграциялашув масалаларини ўрганишни объектив зарурият қилиб қўяди. МДХ мамлакатлари жумладан, Марказий Осиё республикалари нафақат тил, тарих, маданият, маънавият ва ҳудудий бирликка эга, балки уларнинг иқтисодий ривожланиши хәм кўп жиҳатдан бир-бирига боғлиқ. Минтақа давлатларида иқтисодийнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштарак, улар ягона сув ва энергетика манбаларидан фойдаланадилар, ердан фойдаланиш бир хил тизимда амалга оширилади ва ҳаттоки биргаликда ҳал қилиниши лозим бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммолар хәм анчагина.

Минтақа давлатлари орасида ўзаро манфаатдорлик ва ихтиёрийликка асосланган иқтисодий алоқаларни ривожлантириш барча республикада макроиқтисодий баркарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим шартлардан биридир. Бу ташкилот ўзаро алоқаларни шакллантиришда, давлат назорати ва иқтисодий муносабатлар тизимини амалга оширишда ҳар бир аъзо-давлатга мос келадиган сиёсий фаолиятни намаён этади. Ҳозирда Собиқ иттифоқ алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган масалаларни ҳал қилишга имкон берадиган қатор механизмларни ишлаб чиқиш талаб этилмокда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар муваффақияти, кўп жиҳатдан, жаҳон хўжалиги тизимига мақсадга мувофиқ тарзда интеграциялашишга, айниқса, ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига боғлиқдир. Зеро, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 28-декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек: "... иқтисодий тизимини жаҳон бозорига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш устувор вазифадир" [1]. Шу нуқтаи назардан МДХ доирасида интеграцияни иқтисодий интеграциянинг муҳим кўриниши ҳисобланган ягона божхона иттифоқи доирасида ривожлантириш, унинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмокда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлил. Мазкур муаммоларнинг назарий-методологик асослари, шунингдек Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашуви жараёнида унинг МДХ доирасидаги интеграция алоқаларини янада ривожлантириш муаммолари республикамизнинг бир нечта иқтисодчи олимларидан томонидан атрофлича тадқиқ этилган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида миллий хўжаликларнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви муаммолари, МДХ доирасида интеграция алоқаларини ривожлантириш ва интеграция

жараёнларини чуқурлаштириш масалалари А.Киреев[2], В.Колесов[3] сингари МДХ олимлари томонидан атрофлича ўрганилган. А.Карева рус иқтисодчиси В.М.Шумиловнинг “халқаро иқтисодий интеграция” терминига оид изоҳини келтиради: “Халқаро иқтисодий интеграция мустакил давлатларнинг кенгайтирилган иқтисодий ҳудуд яратиш мақсадида бирлашуви жараёнидир”[4]. МДХ мамлакатларининг интеграцияси бўйича мутахассис Н.К.Исингарин “халқаро иқтисодий интеграция”ни “давлатлар ва ҳудудлар ҳўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви (интернационаллашуви)”[5] деб баҳолайди. Яна бир рус иқтисодчи-олими А.Поповичнинг фикрича энг содда қилиб тушунтирганда “халқаро иқтисодий интеграция” - бу “икки ёки ундан ортиқ миллий иқтисодиётлар ўртасидаги иқтисодий чегараларни олиб ташлашдир”[6].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, илмий абстракция, киёсий таҳлил, мантикийлик, умумлаштириш, гуруҳлаш, иқтисодий-статистик таҳлил ва тизимли ёндашув методлари асосида МДХ доирасида интеграция алоқалари ривожланишининг асосий муаммолари таҳлил қилинди. Таҳлиллар асосида МДХ интеграцияси ривожланишидаги асосий муаммоларни аниқлашнинг иқтисодий механизмларини ривожлантириш йўналишлари белгилаб олинди.

Таҳлил ва натижалар. Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ, Содружество Независимых Государств) – халқаро ташкилот бўлиб, Собиқ Иттифок мамлактлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини тартибга солиб туриш мақсадида ташкил қилинган.

МДХ ҳукуматусти ташкилот ҳисобланмайди ҳамда эркин аъзолик асосида фаолият кўрсатади. МДХ 1991 йил 8 декабрь Россия, Беларус ва Украина давлат раҳбарлари ўртасида Белоруссиядаги Вискуля (Беловежская пушша) да “Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил этиш бўйича келишув”ни имзоланиши орқали ташкил этилган. Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги Келишув МДХ интеграцияси вужудга келишининг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. 10 декабр куни ушбу келишув Белоруссия ва Украина, 12 декабр куни эса Россия Юқори Кенгаши томонидан ратификация қилинган. 1991 йилнинг 13 декабр куни Ашхабодда бешта Ўрта Осиё мамлакатлари президентларининг йиғилиши бўлиб ўтди ва ушбу мамлакатлар ташкилот доирасида ўзаро тенглик муносабатлари асосида МДХга кириш розилигини билдирди. Ушбу Ҳамдўстлик таркибига 1991 йил 21 декабрь куни Алмата шаҳрида яна 8 та давлат – Озарбайжон, Армания, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдовия, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон қўшилишди. Алмата декларациясида МДХ мамлакатлариаро ўзаро ҳамкорлик ўзаро тенглик асосида ташкил этилиши ҳамда МДХ доирасида фаолият юритувчи институтлар ҳукумат ёки ҳукуматусти ташкилотлари бўлмаслиги таъкидланган[7]. Шунингдек, ушбу куни МДХни ташкил қилиш борасидаги протокол ҳам имзоланди[8]. Ташкилотга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг биринчи йиғилиши 1991 йил 30 декабр куни Минскда бўлиб ўтди ҳамда ушбу йиғилишда “Давлат раҳбарлари кенгаши ҳамда ҳукумат раҳбарлари Кенгаши тўғрисидаги вақтинчалик келишув” имзоланди. Ушбу ҳужжатга кўра эса, МДХ давлат раҳбарлари Кенгаши – МДХнинг олий органи ташкил этилди[9]. Шунингдек, ҳар бир мамлакат битта овозга эгаллиги ва келишувлар консенсус асосида қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда 11 та давлат – Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон, Молдова, Ўзбекистон ва Украина МДХ таркибига қўшилган. 20 йил ичида МДХ интеграцияси жаҳоннинг сиёсий-иқтисодий жараёнларида ўзининг муҳим тарихий аҳамиятини белгилади. Ҳамдўстлик халқаро муносабатларнинг барча соҳаларида иштирокчиларнинг ўзаро алоқалар платформасига айланган бўлса-да, МДХ интеграцияси барча аъзо мамлакатларнинг суверен тенглигига асосланади ва аъзо мамлакатларнинг ҳар бири халқаро ҳуқуқнинг мустакил субъекти ҳисобланади. Ҳамдўстлик давлат (мамлакат) ҳисобаланмайди ва миллий устунлик ҳуқуқларига эга эмас, шунингдек, ягона пул бирлигига ҳам эга эмас.

Бугунги кунга келиб Собиқ иттифоқи ҳудудида интеграцион ҳамкорликни ривожлантиришда МДХ давлатларининг ютуқлари анча бўлишига қарамасдан, лекин уларнинг иқтисодиёт соҳасидаги ўзаро алоқалари заифлашиб бормокда. Умуман олганда кейинги йилларда Собиқ иттифок ҳудудидаги ҳукмронлик тенденцияси интеграциянинг бўлиниш жараёнини кўрсатмоқда. МДХ интеграциясида куйидаги асосий муаммоларни таъкидлаб ўтиш лозим:

МДХ интеграциясида қабул қилинган давлатлараро қарорларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларининг тартибга солинмаганлиги. МДХ интеграциясининг асосий фаолияти юзлаб ҳамкорликдаги шартномалар, меморандумлар, битимлар ва протоколларни қабул қилди. Аммо МДХ давлатларидан биттаси ҳам ушбу ҳужжат ва қарорларнинг ижросини амалга оширишнинг ҳақиқий механизмини яратмади ва давлатлараро орган қарорларни амалга оширишни ташкил этиш ва назорати бўйича зарурий ваколатларга эга бўлмади. Хусусан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, МДХ Уставига мувофиқ Ҳамдўстлик миллатлараро кучга эга эмас эди. Шу билан бирга, ушбу ташкилот доирасида тегишли давлатлараро органларни яратишсиз МДХни халқаро алоқалар институти сифатида мустаҳкамлаб бўлмади. Хусусан, ҳақиқий интеграциянинг мисоли сифатида Европа иттифоқи кўрсатиш мумкин. Ушбу ташкилот қабул қилинган қонуности ҳужжатларнинг ижроси устидан қатъий назоратни таъминлайдиган Европа иттифоқининг давлатлараро органининг ҳуқуқлари туфайли фаолият олиб боради. Шунинг учун МДХни халқаро ҳуқуқий субъект сифатида аниқлаштириш масаласини ҳал қилиш талаб қилинади.

Миллий қонунчиликни мувофиқлаштириш бўйича чораларнинг Ҳамдўстлик мамлакатлари томонидан самарасиз қабул қилиниши. Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган қарорлар ижросини амалга ошириш учун МДХнинг қўллаб давлатлари томонидан қонуний тартиблар тўлиқ ўтказилмаяпти. Давлатлар қонунчиликларини яқинлаштиришсиз ва мувофиқлаштиришсиз, айниқса иқтисодиёт соҳасида ҳақиқий

интеграцияни амалга ошириб бўлмайди. Бундан ташқари, бир қатор МДХ давлатларининг миллий қонунчилиги халқаро мажбуриятлардан юқори туради. Баъзи бир Ҳамдўстлик давлатлари Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенциясига зид бўлган МДХ доирасида маълум битимлар имзоламоқда.

Бутун МДХ интеграциясида 3500 дан ортиқ битим ва шартномалар қабул қилинди, лекин улардан биттаси ҳам ижроси тўлиқ ҳажмда бажарилмади. Ушбу далиллар қабул қилинган қарорларни амалга оширишнинг самарали механизми йўқлиги ва миллий қонунчиликдан четга чиқмаганлигидан далолат беради.

МДХ давлатларининг савдо-иқтисодий алоқаларини самарали ривожлантириш учун барча турдаги тўсиқларнинг мавжудлиги. Таъкидлаш жоизки, божхона тўловлари, солиқлар, йиғимлар ва бошқа чекловларни камайтириш ва бекор қилиш, юк ва йўловчи ташиш таърифларини яқинлаштириш каби ташқи иқтисодий фаолиятнинг шундай муҳим жиҳатларини амалга ошириш охирига етказилмади.

Ўзаро савдонинг ривожланишига номувофиқликлар тўсқинлик қилмоқда: а) МДХ давлатларининг божхона сиёсати.

Божхона тўсиқлари Ҳамдўстлик мамлакатларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланишида асосий тўсиқ ҳисобланади. Божхона ва чегара назоратида самарасиз тизимнинг ишлаши транспорт воситаларининг белгиланган манзилгача ҳаракатланишини сезиларли даражада кечиктирмоқда. Хусусан, мутахассисларнинг фикрига кўра, вагон ва локомативлар ишида фойдали вақтнинг тахминан 20% чегара ва божхона тартибларига сарфланади, бу эса ўз навбатида темир йўлда юкларни ташиш самарадорлиги ва рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келади ва МДХ давлатларининг ўзаро савдо алоқалари ривожланишига тўсқинлик қилади. Автомобил катновларидан МДХ доирасида қабул қилинган шартнома ва битимлар (1993 йил 24 сентябрда Иқтисодий иттифок тўғрисидаги шартнома ва Эркин савдо ҳудудини яратиш ва Божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам қилиш тўғрисидаги Битим), шунингдек халқаро келишувлар (1975 йил 14 ноябрда Халқаро юк ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси)га зид бўлган турли хил ноқонуний йиғимларнинг ундирилиши Ҳамдўстлик давлатларининг савдо-иқтисодий алоқалари кенгайишига тўсқинлик қилади. б) МДХ давлатларининг таъриф сиёсати.

Транспорт соҳасида Россия Федерация ҳудудига юкларни ташишда темир йўл таърифларининг юқори даражаси сақланиб қолган. Хусусан, Россия Федерациясида халқаро транзит темир йўл таърифлари Қозоғистон Республикасига қараганда қимматроқ. Шунингдек, қозоғистонлик ишлаб чиқарувчилар Россия ҳудуди орқали ўз маҳсулотларининг транзити учун россиялик ишлаб чиқарувчиларга қараганда 2,5 баробар кўпроқ ҳақ тўлайди.

2003 йил 17 июнда Россия Федерацияси Ҳукуматининг 47-Т/5-сонли Фармони билан тасқидланган темир йўл таърифларининг 1001-сонли янги нархлар рўйхати 2003 йил 28 августдан амал қила бошлади. Ушбу нархлар рўйхатида ички давлат таърифларини шакллантиришга оид бир қанча ўзгаришлар киритилган. Лекин бу ўзгаришлар халқаро транзит таърифлар даражасига таъсир қилмади.

Энергетика соҳасида Ҳамдўстлик давлатлари томонидан ҳали ҳам нефт-газ ресурсларининг транзити бўйича таърифларни шакллантиришга оид умумий ёндашувлар ишлаб чиқилмаган. Масалан, қозоғистонлик нефт экспортёрлари учун транзит таърифлари россиялик нефт компаниялари учун белгиланган таърифлардан 2 баробар баланд. Шу билан бир вақтда Беларус Республикаси таърифлари ҳам Россия ҳам Қозоғистон экспортёрлари учун бир хил тартибда белгиланган. Украина ва Қозоғистон қувур транспорти компаниялари бир хил таърифлар тенглигига амал қилади.

Транспорт ва энергетика соҳасида номувофиқ таъриф сиёсати Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган шартнома ва битимларга зид келади, шунинг учун ҳам Савдо ва хизматлар тўғрисидаги Бош келишув (ГАТС)нинг мақсади Собик иттифок ҳудудидаги мамлакатларнинг ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш учун асосий тўсиқларни олиб ташлашдан иборат. Хусусан, МДХ давлатларининг транспорт соҳасидаги номувофиқ таъриф сиёсати товарлар нархида транспорт таркибий қисмининг 5-8%дан 21-40%гача ўсишига олиб келди, бу эса маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кескин пасайтиради.

МДХ мамлакатлари савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланишидаги юқоридаги муаммолар ўзаро савдо айланмаси (ўртача 79%дан 28%га) улушининг қисқаришига асосий сабаб бўлмоқда. Дунёда бу иқтисодий иттифок самарадорлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. МДХ давлатларининг ижтимоий соҳада ўзаро ҳамкорлигининг паст даражадалиги. МДХ давлатлари фуқаролари ҳаракатланиши учун визасиз режимининг таъминланиши тез-тез қатъийлаштириш мақсадида кўриб чиқилади. Хусусан, ҳозирги вақтда фуқаролар ҳаракатланишининг виза режими Собик иттифок ҳудудида интеграцияни ривожлантиришнинг жиддий муаммолари тўғрисидаги учрашувда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида киритган.

Бундан ташқари, меҳнат муносабатлари, миграция жараёнлари, ногирон ва кам таъминланган фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш, таълим, малака ва бошқа бир қатор ҳужжатларни ўзаро тан олиш саҳоларидаги сиёсий келишувларга оид интеграцион ҳамкорликнинг шундай йўналишлари амалга оширилмай қолмоқда. Ушбу муаммоларнинг асосий сабаби иш ҳақи ва пенсияга тўлов имкониятлари, Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодиёти ривожланиши, ислохотларининг турли даражада олиб борилиши билан баҳоланади.

МДХ мамлакатлари иқтисодий ривожланишининг турли даражадалиги. МДХ давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш 2000 йилдан бери Ҳамдўстлик мамлакатларида прогрессив иқтисодий ўсиш тенденцияси кузатилишини кўрсатмоқда. 1-жадвалда МДХ мамлакатларининг Ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) динамикаси келтирилган.

МДХ мамлакатлари ЯИМда ижобий ўсий суръатларига эга бўлишига қарамасдан, Ҳамдўстлик давлатлари иқтисодий ўсиш ва бозор ўзгариш даражаларига кўра ўзаро бир-биридан фаркланади.

1-жадвал. МДХ мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти, ўтган йилга нисбатан фоизда(%) [10]

Мамлакат	2001	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019
Озарбайжон	109,9	126,4	105,0	101,1	96,9	100,2	101,5	102,2
Арманистон	109,6	113,9	102,2	103,2	100,2	107,5	105,2	107,6
Белорус	104,7	109,4	107,7	96,2	97,5	102,5	103,1	101,2
Қозоғистон	113,5	109,7	107,3	101,2	101,1	104,1	104,1	104,5
Қирғизистон	105,3	99,8	99,5 1	103,9	104,3	104,7	103,8	104,5
Молдова	106,1	107,5	107,1	99,7	104,4	104,7	104,3	103,6
Россия	105,1	106,4	104,5	98,0 1	100,2	101,8	102,5	101,3
Тожикистон	109,6	106,7	106,5	106,0	106,9	107,1	107,6	107,5*
Туркменистон	120,4*	113,0*	109,2	106,5	106,2	106,5	106,2	106,3*
Ўзбекистон	104,2	107,0	107,3	107,4	106,1	104,5	105,4	105,6
Украина	108,8	103,1	104,1	90,2 1	102,4	102,5	103,4	103,2
Умумий	106,2	106,8	104,9	98,4	100,6	102,3	102,9	102,0

* Халқаро валюта фондининг 2019 йилги расми маълумоти асосида муаллиф томонидан тузилган

Энг самарали бозор ислохатлари Россия ва Қозоғистонда кузатилади. Хусусан, Қозоғистон бозор иқтисодиётига ўтган мамлакат сифатида АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб тан олинди. Халқаро молия ташкилотлари томонидан МДХ мамлакатлари ичида янги ва замонавий икки поғонали банк тизими яратилган мамлакат сифатида баҳоланди. Қозоғистон республикасининг Миллий банки пул-кредит сиёсати самарадорлигининг ошиши билан мустақил бўлди. Бундан ташқари иқтисодиётнинг реал секторини ислох қилиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Хусусан, давлат назорати остидаги энергетика ва транспорт соҳаларини хусусий мулк иштирокида қайта қуриш билан амалга оширилди. Республикада давлат механизмлари ва хусусий пенсия фондлари орқали пенсияни тежашга имкон берадиган замонавий пенсия таъминоти тизими ташкил топди. Лекин МДХнинг бошқа давлатларида бозор ислохатлари кейинги босқичларга ўтмади. Масалан, Ўзбекистонда республика иқтисодий ривожланишининг ўзига хос модели орқали катъий назоратга олинган бозор иқтисодиётига эволюцион йўл билан ўтиши республиканинг барқарор иқтисодий ўсишида маълум бир тўхташларига сабаб бўлди.

Қирғизистон, Грузия ва Украинада қийин иқтисодий вазият вужудга келди. Ҳокимият учун доимий кураш, сиёсий гуруҳлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариб, мамлакатда аҳоли фаровонлиги ўсишига, уларнинг турмуш тарзига салбий таъсир қилди. Иссиқлик ва электр таъминоти туфайли Тожикистонда ижтимоий кризис давом этмокда. 2018-2019 йилларда мисли қўрилмаган совуқ қиш ва Нурек сув омборидаги сувнинг музлаши туфайли республикада электр энергеясини ишлаб чиқариш камайди. Бунинг натижасида Соғлиқни сақлаш институтларининг нормал ишлаш фаолияти бузилди ва юкумли касалликлар тарқалиш хавфи ортиб кетди.

МДХ мамлакатларининг ривожланиш моделларидаги ва бозор ўзгаришларининг тезлигидаги фарқлар интеграциянинг шакллари ва механизмларини жорий этишга, иқтисодий алоқаларнинг пасайишига ва аъзо давлатларда саноат, савдо, молия ва сўғурта капиталига киришининг чекланишига олиб келди.

Хулоса ва таклифлар. МДХнинг мустақил мамлакатларининг ўзаро таъсири кўпгина ўзгаришларда ўз аксини топади. Бунинг сабаби қарама-қаршиликлар билан боғлиқ, яъни мустақиллик учун ажралиб чиқиш, бирлашиш ва интеграцияга қўшилиш зарурдир. Ушбу қарама-қаршиликлар МДХнинг юқори доирасида музокаралар жараёнини белгилаб берди. Жуда тезликда МДХ давлатлари раҳбарларининг биринчи учрашуви сиёсат, иқтисодиёт, мудофаа, гуманитар ва бошқа соҳаларнинг ҳар бир масаласи бўйича ягона келишув тўғрисидаги баланд-парвоз қарашлардан қутилиш билан бошланди. МДХ интеграциясининг асосий фаолияти юзлаб ҳамкорликдаги шартномалар, меморандумлар, битимлар ва протоколларни қабул қилди. Аммо МДХ давлатларидан биттаси ҳам ушбу ҳужжат ва қарорларнинг ижросини амалга оширишнинг ҳақиқий механизмини яратмади ва давлатлараро орган қарорларни амалга оширишни ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича зарурий ваколатларга эга бўлмади. Бутун МДХ интеграциясида 3500 дан ортиқ битим ва шартномалар қабул қилинди, лекин улардан бирортасининг ҳам ижроси тўлиқ ҳажмда бажарилмади. Ушбу далиллар қабул қилинган қарорларни амалга оширишнинг самарали механизми йўқлиги ва миллий қонунчиликдан четга чиқмаганлигидан далolat беради. Шу сабабли МДХ интеграциясининг энг муҳим органлари тизимини ва уларнинг ваколатларини аниқлаш, Ҳамдўстликни ягона ижро этувчи, маъмурий ва мувофиқлаштирувчи орган сифатида ролини ошириш, МДХнинг турли тармоқлар бўйича ҳамкорлик органларини, уларнинг мақомини ва функцияларини оптималлаштириш, Ҳамдўстликнинг алоҳида органларига миллат ҳуқуқидан юқори турувчи ваколатларни бериш керак. МДХ мамлакатлари ЯИМда ижобий ўсиш суръатларига эга бўлишига қарамасдан, Ҳамдўстлик давлатлари иқтисодий ўсиш ва бозордаги нарх ўзгаришининг даражаларига кўра ўзаро бир-биридан фарқланади. Ҳозирда турли хил пул тизимлари интеграциясини амалга оширишга тўлиқ эришган ягона интеграцион ташкилот сифатида Европа Иттифоқи намоён бўлади, шунинг учун Европа валюта тизими ва Европа валюта иттифоқинининг шаклланиши ва ишлаши тажрибасини таҳлил қилиб амалиётга тадбиқ этиш ўринли бўлади. Бундан ташқари Ҳамдўстлик қонунларининг мақомини ва мажбурийлик даражасини аниқлаш, Ҳамдўстликнинг халқаро шартномалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашни такомиллаштириш, қарорлар ижросини назоратининг тизимини такомиллаштириш, қарорларга мажбурий характер берадиган МДХ олий Судини яратиш зарур.

Шунингдек, бугунги кунда МДХ давлатлари иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали ўз фаолиятини мувофиқлаштириши, миллий иқтисодиётнинг тизимли модификациясининг асосий йўналишларини белгилаб

олиши, иктисодий ҳамкорликнинг ягона иктисодий механизмини шакллантириши ва ягона бозор маконини яратиши зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020-йилнинг асосий якунлари ва 2021-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2021-йил 29-январ.
2. Киреев А. Международная экономика. – М., 2018.
3. Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика: Учебник. – М., 2004.
4. Карева А. Международная экономическая интеграция и её современные формы. <http://fb.ru/article/37554/ekonomicheskaya-integratsiya>
5. Роджер Федерер. Евразийская экономическая интеграция в рамках СНГ (международно-правовые аспекты). http://www.eurasialegal.info/index.php?option=com_content&view=article&id=1306:2012-06-15-07-36-28&catid=1:eurasian-integration&Itemid=1
6. Попович А. Интеграция: теоретические аспекты. <http://fmp-gugn.narod.ru/pop2.html>
7. Алма-Атинская. Исполнительный комитет СНГ. (<http://cis.minsk.by/main.aspx?uid=178>)
8. Протокол к Соглашению о создании Содружества Независимых Государств (<http://cis.minsk.by/reestr/ru/index.html#reestr/view/text?doc=6>)
9. Временное соглашение о Совете глав государств и Совете глав правительств Содружества Независимых Государств (<http://cis.minsk.by/main.aspx?uid=10914>)
10. www.cisstat.org – МДХ Статистика қўмитаси.

МДХ доирасида интеграция алоқалари ривожланишининг асосий муаммолари

Икромов Б. Б., Улашов А. Р. Тошкент молия институти

Резюме. Мақолада бугунги кунга келиб Собиқ иттифок ҳудудида интеграцион ҳамкорликни ривожлантиришда МДХ давлатларининг ютуқлари анча бўлишига қарамасдан, уларнинг иктисодиёт соҳасидаги ўзаро алоқалари заифлашиб бораётганлиги таъкид этилган, шунингдек, МДХ доирасида интеграцион алоқаларнинг ривожланишида бир нечта асосий муаммолар ечилмай келаётганлиги аниқланган ҳамда уларга илмий-амалий ечимлар асослаб берилган.

Калит сўзлар: интеграция алоқалари, МДХ мамлакатлари, ташкилотга аъзо мамлакатлар, ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, халқаро алоқалар, Миллий қонунчиликни, божхона сиёсати, таъриф сиёсати, сиёсий гуруҳлар

Основные проблемы развития интегрированных отношений в рамках СНГ

Икромов Б.Б., Улашов А.Р. Ташкентский финансовый институт

Резюме. В статье исследуется ослабление экономических отношений между странами СНГ, несмотря на значительные достижения стран СНГ в развитии интеграционного сотрудничества на постсоветском пространстве, также было установлено, что ряд ключевых вопросов в развитии интеграционных отношений в рамках СНГ остается нерешенным, и предлагаются научные и практические решения.

Ключевые слова: интеграционные отношения, страны СНГ, страны-участницы, организационно-правовые механизмы, международные отношения, национальное законодательство, таможенная политика, тарифная политика, политические группы

The main problems of the development of integrated relations within the CIS

Ikromov B.B., Ulashov A.R. Tashkent Financial Institute

Summary. The article examines the weakening of economic relations between the CIS countries, despite the significant achievements of the CIS countries in the development of integration cooperation in the post-Soviet space, it was also found that a number of key issues in the development of integration relations within the CIS remain unresolved, and scientific and practical solutions are proposed.

Key words: integration relations, CIS countries, participating countries, organizational and legal mechanisms, international relations, national legislation, customs policy, tariff policy, political groups

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СИЁСАТИ – ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ХУДУДИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Джумагелдиев Н.

Нукус давлат педагогика институти

Долзарблиги. Жанубий Орол бўйи минтақасида мавжуд бўлган экологик инкироз табиат ва жамиятдаги метаморфизмларнинг узвий боғлиқлигидан далолат беради. Шу муносабат билан дилемма пайдо бўлади: бу ҳолат такрорланиши мумкинми ёки жараёнларда шунга ўхшаш ўзгаришлар бўлдики? Қандай бўлмасин, ўтмишда жамият ва табиат ўртасидаги алоқалар мавжуд бўлганда, «жамият-табиат» тизимининг мавжуд муносабатлари ҳам ҳозирги ва келажакда ижтимоий-экологик барқарорликка эришишга ёрдам беради.

Шу пайтгача Оролбўйи минтақасида инсоният цивилизацияси тараққиёти тарихи ва табиат тарихини ўрганиш бир-биридан мустақил равишда параллел равишда ривожланиб келаётган эди, табиат ва жамиятдаги экологик жараёнларнинг бундай ўзаро алоқалари баъзан эътибордан четда қолган. Табиатшунослик ва тарихий маълумотларнинг жуда кенг базаси мавжудлигини ҳисобга олиб, эволюцион назариянинг ажралмас концепциясини яратиш, экологик инкироз сабабларини, уларнинг шаклланиш хусусиятларини, жамиятнинг экологик ва ижтимоий барқарорлиги кўрсаткичларини ўрганиш вазифаси ҳали қўйилмаган.

Натижа ва муҳокамалар. Маълумки, 1990-2000-йилларнинг бошларида Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсатининг янги стратегияси шаклланди, ҳукумат ва жамиятнинг ўзи атроф-муҳитни ифлосланишининг юқори даражасига катта эътибор қаратди [1, 10]. Илмий адабиётларда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва унинг атроф-муҳитга ҳамда одамларга таъсирини ўрганиш, шунингдек,

кўкаламзорлаштириш муаммолари доимо долзарб бўлиб келган. Турли муаллифлар ўз асарларида глобал исиш, экологик инқироз хавфининг кўпайиши каби муаммоларга катта эътибор беришган.

XX асрнинг 1990-йиллари бошларида жаҳон ҳамжамиятининг демократизацияси бутун дунё бўйлаб экологик муаммоларни очик муҳокама қилиш учун зарур шарт-шароитларнинг шаклланишига олиб келди. Илмий фаолиятнинг кучайиши натижасида 1990-йилларнинг биринчи ярмида атроф-муҳитга бағишланган кўплаб китоблар, мақолалар, рисоалар, илмий тўпламлар нашр этилди. Кўпгина тадқиқотлар атроф-муҳитни ва одамларни зарарли саноат токсикантларидан ҳимоя қилишга қаратилган. Эколог олимлар бозор иқтисодиётига ўтишда экологик сиёсатнинг янги стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар. Етакчи тадқиқотчилар аста-секин жамият ва табиат ўзаро таъсирининг долзарб масалаларини аниқладилар, экологик инқирозга ечим топдилар.

Сўнгги йилларда экологик муаммоларни ҳал қилишда тўпланган ижобий ва салбий тажриба синергетик таҳлил ва абстракцияга муҳтож. Шу сабабли, ҳозирги пайтда жамиятда атроф-муҳит объектларининг ифлосланиш хавфи, ўрмонларнинг камайиши ва йўқ бўлиб кетиши, дарёлар ва денгизларнинг қуриши, тупроқнинг ифлосланиши ва камайиши, ноёб ҳайвонлар ва ўсимлик турларининг йўқ бўлиб кетиш хавфи тўғрисида объектив тушунишни шакллантириш жуда муҳим босқич ҳисобланади. Экологик вазиятдан хабардор бўлиш, бу бизнинг жамиятимизни атроф-муҳитни ҳар хил ифлослантирувчи моддалардан ҳимоя қилиш учун кураш учун қўшилишига имкон беради, шунингдек, саноат ривожланишининг аҳоли саломатлигига хавф туғдирадиган салбий оқибатларини бартараф этишга ҳам ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати асосан, Конституция, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси, республиканинг халқаро конвенциялар ва келишувлардан келиб чиқадиган мажбуриятларини, шунингдек етакчи давлатларнинг қонунчилик тажрибасини ҳисобга олган ҳолда атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро ва Йоханнесбург декларацияларининг тамойиллари асосида амалга оширилади [1, 4, 6]. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси кўплаб глобал мажбуриятларни, шу жумладан, илмий изланишлар олиб бориш, концепциялар, дастурлар ва ҳаракатлар режаларини тайёрлаш ишлари бўйича ўзининг катта садоқатини намойиш этди.

Амалдаги ҳужжатлар орасида «1999-2005 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси» (1998), «Чўлланишга қарши кураш бўйича Миллий ҳаракат дастури» (1999), «Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракатлар режаси» (1999), «Барқарор ривожланиш концепцияси ва стратегияси» (2000), «Атроф-муҳит самарадорлигини ўрганиш» (2001) энг асосий ҳужжатлардир. Давлатлараро даражада Марказий Осиёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш стратегиясида Ўзбекистон ҳукумати ва бошқа давлатлар (Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон) минтақавий даражадаги ташкилий тадбирларни бошқариш учун асос бўлган бир қатор ҳужжатларни қабул қилдилар.

Орол денгизи ҳавзаси дастурининг ривожланиши яхшиланиши билан дастурни мувофиқлаштириш учун Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш (ОМДК) ва молиявий ресурсларни жалб қилиш учун Оролни қутқариш халқаро фонди (ОКХФ) ташкил этилди. 1997 йил феврал ойида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаши (ОМДК), Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОКХФ) билан бирлаштирилди. Ушбу даврда республикада 50 дан ортиқ халқаро лойиҳалар тугалланди ва ўз фаолиятини давом эттирмоқда, уларнинг маълум бир қисми инвестиция лойиҳалари, қолган техник кўмак лойиҳалари ресурсларни сақлашга, миллий ёки минтақавий стратегияларни ишлаб чиқиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик таълимга қаратилган;

Ўзбекистондаги янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар стратегик чора-тадбирларни, биохилма-хилликни сақлаш, табиий ресурсларни комплекс бошқариш ва фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳаракатлар қабул қилиш учун муҳим имкониятларни очмоқда. Кишилиқ жамиятининг умумбашарий жавобгарлиги, бу келажак авлодлар учун республика ландшафтларининг бетакрор гўзаллигини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг бойликларини сақлаб қолишда белгиланган мажбуриятларни бажаришга шарт-шароитлар яратишдир [13].

Жамиятни барқарор ривожлантириш ва глобал мажбуриятларга эришиш йўлидаги асосий стратегик тенденциялар Президентнинг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан таъминланган, масалан, «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида», шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунлари, уларнинг бажарилишини тартибга солувчи қоидалар ва нормалар мавжуд. Барқарор ривожланишга ўтишнинг концептуал асослари ва ёндашувлари давлатнинг дастурий ҳужжатларида акс эттирилган [14].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури ва халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, ГЭФ) ва айрим инвестор мамлакатлар кўмаги билан улар ижтимоий, экологик ва иқтисодий йўналтирилган дастур фаолиятида фаол иштирок этадилар ва уларнинг ечими билан барқарор ривожланиш учун синергия шароитларининг шаклланишига ёрдам беради [4, 5].

Миллий стратегиялар, дастурлар ва ҳаракатлар режаларини, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасидаги минтақавий ва халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш экологик сиёсат ва экологик хавфсизлик бўйича ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш учун асос яратади. Улар конвенсиялар ва миллий стратегияларни ишлаб чиқиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва синергияни кучайтириш учун сиёсий, қонунчилик ва институционал асосларни ва зарур шартларни намойиш этади [1, 8, 11].

Бошқариш, мувофиқлаштириш ва ахборот алмашинуви тизимидаги мавжуд камчиликлар янги инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятларини пасайтиради. Масалан, сув ва энергияни тежайдиган технологиялардан, шу жумладан қайта тикланадиган энергия манбалар ва ускуналаридан чекланган ҳолатда фойдаланиш, технологияларнинг юқори энергия талаб қилишига ёрдам беради, бу дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги ўхшаш кўрсаткичлардан анча юқори [1, 2, 10].

Глобал катаклизмалар ва иқтисодий таназзул фонида БМТ хавотир билдирмоқда: пандемия глобал соғлиқ ва фаровонлик, иқтисодий ўсиш, экология ва иқлим муаммоларини очиб беради ва янада кучайтиради, шунингдек барқарор ривожланишга эришишни молиялаштириш масаласини ҳам қўяди [2, 3, 9]. Жаҳон ҳамжамияти барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларини сақлаб қолган ҳолда инқирозни самарали бартараф қилиш йўллари муҳофаза қилмоқда. Шу муносабат билан бир қатор мамлакатлар (Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Жанубий Кореяни ҳам ўз ичига олган ҳолда) "яшил" иқтисодиётни тиклаш режаларини эълон қилдилар, улар миллий ва трансминтакавий иқтисодий тизимларни янада қайта қуриш билан боғлиқ: иқтисодиётнинг "яшил" тармоқларини қўллаб-қувватлаш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, циклга ажралган иқтисодиёт элементларининг саноат жараёнларига интеграциялашуви, иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш бўйича янги мақсадларни белгилашдан иборат. Европа Иттифоқидаги «Яшил янги битим», шунингдек, таҳлилчиларнинг фикрига кўра, рус ишлаб чиқарувчилари ва экспортчилари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган трансчегаравий углерод солиғини жорий этишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг натижаларидан бири бу инсон саломатлиги учун юқори даражадаги хавф ва қийин экологик вазиятларни бартараф қилиш экотизимни барқарорлаштиришдир. Орол денгизи инқирози оқибатларини тиклаш бўйича тадбирлар фаол олиб борилмоқда. Орол денгизи минтақасида экологик вазиятни яхшилаш учун кичик маҳаллий сув омборларини қуриш, ичимлик суви таъминоти қувурлари қуриш чора-тадбирлари давом этмоқда. Сўнгги йигирма йил ичида зарарли моддалар чиқиндиларини стационар (1,2 дан 0,6 миллион тоннагача) ва кўчма манбалардан (автотранспорт воситаларидан йилига ўртача 3-5 фоизгача) камайтириш тенденцияси кузатилмоқда [5, 6]. Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ва озон қатламини бузадиган моддалар тўғрисидаги Монреал протоколи бўйича ушбу Конвенциядаги мажбуриятларни амалга ошириш доирасида фойдаланишни йўқ қилиш бўйича миллий дастурни амалга ошириш натижасида Озонни емирувчи моддалардан ОДСнинг умумий истеъмоли 99,85% га қисқартирилди ва Ўзбекистон Республикаси ҳозирда Монреал протоколига мувофиқдир [1, 9, 10].

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мувофиқлаштирган ҳолда ишчи гуруҳига айлантирилган Барқарор ривожланиш бўйича Миллий Комиссияси (НССД) 1997 йилдан бери фаолият юритади. 1998 йилда Ўзбекистон вазирликлари ва идоралари мутахассислари НССД томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш концепциясини ишлаб чиқдилар [2, 3]. Барқарор ривожланишга ҳисса қўшадиган муҳим механизмлардан бири бу қонунчилик-ҳуқуқ асослари, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш ва трансчегаравий таъсир тўғрисида қарорлар қабул қилиш бўйича давлатлараро ва минтақалараро келишмовчиликларни бартараф этиш механизмлари, минтақадаги экологик вазиятнинг ёмонлашиши оқибатида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига етказилган зарарни қоплаш учун молиявий кафолатлар тизимидир [8, 10].

2008 йилда ғояларни қўллаб-қувватлайдиган ва табиий муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишда фаол иштирок этишни истаган мамлакат фуқароларини бирлаштиришга қаратилган Ўзбекистон экологик ҳаракати яратилди. Ҳаракатнинг асосий мақсади жамиятнинг барча кучларини мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш учун сафарбар қилиш ва Ўзбекистон фуқароларининг ҳозирги ва келажак авлодлари қулай табиий муҳитда яшаш ҳуқуқларини амалга оширишга ва қатъий риоя этишга, аҳоли саломатлигини яхшилаш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган [5, 8, 10].

Экологик муаммоларни ҳал қилиш учун барча манфаатдор давлатларнинг бирлашган ҳаракатлари, халқаро, минтакавий ва миллий шерикларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги талаб этилади. Жанубий Оролбўйи минтақасига моддий халқаро ёрдамни ривожлантиришга расмий ёрдам кўрсатадиган давлатлар, Катта еттилик давлатлари, ҳар томонлама ривожланиш агентликлари (Европа Иттифоқи, БМТ, ОТБ, ЖБ ва бошқалар) турли минтакавий дастурлар ва лойиҳалар доирасида ёрдам бериб келмоқдалар.

АДАБИЁТЛАР

1. Национальная стратегия и план действий по сохранению биологического разнообразия Республики Узбекистан. Ташкент, 1998
2. Национальная стратегия устойчивого развития Республики Узбекистан. Ташкент, 1999
3. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан» Госкомприрода РУз, Ташкент, 1995, 1998, 2000
4. Национальный план действий по охране окружающей среды, Ташкент, Госкомприроды, 1998.
5. Национальная программа действий по охране окружающей среды на 1999-2005 гг.
6. Национальная Программа действий по борьбе с опустыниванием в Республике Узбекистан, Ташкент, 1999.
7. Национальный доклад по борьбе с опустыниванием в Республике Узбекистан, Ташкент, 2000.
8. Стратегия повышения уровня жизни населения Республики Узбекистан на 2004-2006 годы и период до 2010.
9. Сохранение биологического разнообразия. Национальная стратегия и план действий, Ташкент, 1998
10. Национальный обзор по оценке прогресса, достигнутого Республикой Узбекистан по выполнению повестки дня на 21 век, 2001.
11. Субрегиональная программа действий стран центральной Азии по борьбе с опустыниванием в контексте КБО.
12. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики

13. Тематический отчет по КБР, 2005

14. «Концепция и Национальная Стратегия устойчивого развития», «Повестка дня на XXI век для Республики Узбекистан», Национальные Доклады в рамках Сессий КУР ООН (1997-2001) и Миллениум-2000, а также отчеты и обзор по оценке прогресса и достижений государства по устойчивому развитию Кабинету Министров, Представительству ПРООН в Узбекистане (1997-2001), Национальный Обзор по оценке прогресса, достигнутого Республикой Узбекистан по выполнению «Повестки дня на XXI век» и др.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати – Жанубий Оролбўйи ҳудудида барқарор ривожланишнинг омили сифатида
Джумагелдиев Н. Нукус давлат педагогика институти

Резюме. Мақолада Ўзбекистонда ва хусусан Жанубий Оролбўйи минтақасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва жамиятни барқарор ривожлантириш соҳасидаги сиёсатни шакллантиришнинг тарихий босқичларини ўрганиш масалалари кўриб чиқилган. Миллий стратегиялар, дастурлар ва ҳаракатлар режаларини, шунингдек тармок дастурлари ва минтақавий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш мамлакат экологик сиёсатига ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш учун асос яратди.

Kalit so'zlar: Orol dengizi mintaqasi, ekologik siyosat rivojlanish bosqichlari, milliy dasturlar, strategiyalar

Экологическая политика как фактор устойчивого развития Южного Приаралья
Джумагелдиев Н. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В статье рассматриваются вопросы изучения исторических этапов становления политики в области охраны природы и устойчивого развития общества в Узбекистане в целом и в регионе Южного Приаралья в частности. Отмечается что реализация национальных стратегий, программ и планов действий, а также секторальных программ и проектов регионального сотрудничества обеспечивает основу для развития единых подходов природоохранной политики страны.

Ключевые слова: регион Приаралья, этапы развития экологической политики, национальные программы, стратегии

Environmental Policy as a Factor of Sustainable Development of the Southern Aral Sea region

Djumageldiev N. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. The article examines the issues of studying the historical stages of the formation of policy in the field of environmental protection and sustainable development of society in Uzbekistan in general and in the region of the Southern Aral Sea region in particular. Implementation of national strategies, programs and action plans, as well as sectoral programs and regional cooperation projects provides a basis for the development of unified approaches to the country's environmental policy.

Key words: the Aral Sea region, stages of development of environmental policy, national programs, strategies

ВОЗРОЖДЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО ТЕАТРАЛЬНОГО ИСКУССТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Ахметжанова М.

Министерства культуры Республики Узбекистан

Театр - особый вид художественного творчества, познания действительности. В театре как и в реальной жизни, кипит страсти, идёт борьба между добром и злом, актёры перевоплощаясь в образы, показывают наши удачи и пороки, действительные и мнимые ценности, учат нас любить или ненавидеть. Театр – это искусство о нас, показывая нашу жизнь он очеловечивает нас, даёт возможность критически оценить наши поступки. Актёры играя воспитывают нас, мы увлекаемся этой игрой, верим в её силу. Известный нидерландский философ Йохан Хейзинга утверждал, что “жизнь есть игра”. Но эта игра, т.е. театральные формы игры, не есть “обыденная” жизнь и жизнь как таковая. Она скорее выход из рамок этой жизни во временную сферу действительности”. [5; с.24.] Направленность театрального творчества в познании действительности, жизнь методами игры. Игра заманивает, увлекает, обучает и воспитывает; поэтому игра, в том числе и театральная, притягивает нас к себе, кто мастерски играет, тот заслуживает наше уважение, любовь.

Обретение Узбекистаном независимости открыло широкие возможности дальнейшего развития национального театрального искусства в республике, стимулировало поиска новых методов и стилей творчества. Ещё при советское время узбекское театральное искусство, в лице таких знаменитых деятелей культуры как Маннон Уйгур, Ятим Бабаджанов, Абдор Хидоят, Халима Насырова, Сара Ишантураева, Абид Джалилов, Шукур Бурханов, Зикир Мухаммеджанов, Наби Рахимов, Кудрат Ходжаев завоевало мировое признание. Театральные коллективы Узбекистана выступали на сцене Парижа, Берлина, Амстердама, Рима, Нью Йорка, Пекина, Дели, почти во всех столицах союзных республик. Спектакли «Легенда о любви» (реж. Маннон Уйгур, автор Н.Хикмет), «Шёлковое сюзане» (реж. Т.Ходжаев, автор А.Каххар), «Тополёк мой в красной косынке» (реж. Т.Ходжаев, автор Ч.Айтматов), «Монсерро» (реж. Т.Ходжаев, автор, Э.Роблес), долгие годы остались в репертуаре республиканских театров. В столицах всех областей работали не только по одному профессиональные театры, а также более 40 народных театров, более тысячи самостоятельных художественных коллективов, кружков и труппы. Интерес к художественному слову и зрелище настолько было высоко, что каждая встреча с театральным коллективом, актёрами оставляло неизгладимые впечатления у зрителей, особенно тогда, когда художники выступали на хлопковых полях, на сцене завода, фабрики, махалли.

Социально-экономические и политические кризисы начавшиеся в 80 годы XX века печально отразились в деятельности театров республики. По свидетельству театроведа А.Рахимова, некоторые режиссёры предрекали смерть театрального искусства. Они говорили: «Театр умирает. Мы его искусственно подкармливаем, хотя понимаем, что это бесполезно» (Рахимов А. «Вернёмся ли в театр?» [2; с.216].

Переход к рыночным отношениям сильно ударил на репертуары и на творческий процесс художественных коллективов. «Наш театр переживает острый творческий кризис, - говорит главный режиссёр

театр имени Муками, народный артист Узбекистана Н.Халилов, - и причиной тому – низкая заработная плата творческого состава...» (Там же, с.217). Правда, такие скептические мысли звучали в первые годы независимости, когда республика находилась на распутье, ещё не до театра, культуры было дело. В коллективе республиканского драматического театра имени Хамзы произошёл раскол. Нужно было государственная поддержка, чтобы узбекское театральное искусство таким огромным трудом самоотверженно творческим поиском плеядой художников созданное не исчезло в лабиринте рыночных отношений. В 1998 году Президентом Республики Узбекистан принимается Указ «О развитии театрального искусства Узбекистана», на основе этого документа принимается Кабинетом Министров Узбекистана решение «Об организации деятельности творческо – производственного объединения «Узбектеатр». При объединении создаются фонд «Артмадад», союз театральных деятелей, начинается издавать специальный журнал «Театр», устанавливаются культурно-творческие связи с зарубежными и евразийскими коллективами. Организовали творческое сотрудничество с театрами г.Москвы, Санкт-Петербурга, Нижнего Новгорода, Нью Йорка, Парижа, Турции, гастрольные поездки в республиках Средней Азии.

Но эти меры имели паллиативный характер, полумеры не смогли радикально изменить отношение к театральному искусству, зрителей приходилось принуждать, через администрации и профсоюзов учреждений идти в театр. Реконструкции зданий театров не приносила ожидаемые результаты, а новые постановки проходило мимо культурной жизни, не оставляло заметного духовного следа. Молодежь перестала ходить в театр, ее интересовали интернет, интернет-кафе, шоу, гала-концерты, массовые развлекательные мероприятия. Такое положение обнаруживается во всех пространствах СНГ, даже Европы. Современному театру нужны новые художники-режиссеры, актеры, сценографы, костюмеры, оформители. Театры нуждаются на продюсеры, менеджеры, на новые эффективные, инновационные формы рекламы. К сожалению, сегодня театры не ведут рекламно-пропагандистскую работу, буклеты-репертуары издаются в 200-300 экземплярах. Было время когда репертуары республиканского академического театра имени Хамзы (ныне Узбекский Национальный академический театр) распространились по всей территории республики, зрители приезжали смотреть новые спектакли даже из самых далеких кишлаков.

В 2018 году главой государства Ш.М.Мирзиёевым было принято Постановление “О мерах инновационного развития культуры и искусства в Республике Узбекистан”, где отмечается, что в прошедшие годы недостаточно было уделено внимание на развитие культуры и искусства, оказываемые услуги учреждений культуры и искусства не соответствуют мировым стандартам, нет четкой системы интеграции национальной культуры в мировой цивилизации, не достаточно используются культурное наследие [1]. В связи с этим Президентом поставлены задачи: а) разработать реновационные программы укрепления музеев; б) широко внедрить в деятельность культуры и искусства инновационные формы оказания услуг населению, посетителям; в) активно использовать Интернет, возможности инновационного, информационный технологии, инклюзивные методы; г) развитие научных исследований и оказания научно-информационных услуг. Постановление дает возможность расширения деятельности учреждений искусства, в том числе и театров. Самое главное театр, художественное творчество должно помогать человеку осознать свое место в этой сложной жизни, дать возможность ему, как выразился А.Абдулов, “просто жить в чудесном мире” [3; с.210].

Сегодня в узбекистане 37 профессиональных театров, из них 1 - опера и балет, 1 - оперетта, 1 - сатирический, 12 - музыкально-драматический, 4 - театр молодежи и юных зрителей, 10- кукольных, 7- драматических. Ежегодно показываются 10 тысяч спектаклей, из них 160-165 новые. В репертуаре театров 768 спектаклей. Значительные места в репертуаре занимают драматическая и музыкально-комедийная тематика. Мировая драматургия всегда привлекала внимание узбекских театров, они старались своеобразно трактовать шедевры мирового сценического искусства. Постоянный интерес к мировой драматургии оставил в духовной жизни республики положительный след. Не только театроманы, но и всё население прекрасно помнит шекспировского Гамлета в исполнении А.Хидоятова, Царя Эдипа, и симоновского Смита в исполнении Ш.Бурханова, рабиндратского Набинкали Г.Агзамова, айтматовского Асель А.Нарбаевой и т.д.

Известный театровед Я.Фельдман об А.Хидоятове писал: “Имя этого самого популярного художника вышло за пределы Узбекистана. Оно известно не только в нашей стране, но и за её рубежами, на Западе и на Востоке. Без него невозможно говорить вообще об узбекской культуре - так убедительны были художественные концепции Абрама Хидоятова, так прочно вошли его образы в сознании современников”. [4; стр.12]. Что означает возрождение сегодня для узбекского театрального искусства? В чём оно проявляется? Можем ли мы сегодня с уверенностью сказать - возрождение национального театрального искусства стало феноменальным явлением в духовной, творческой жизни народа?

Қақшыйып қыйынлыққа төс керіўли, Салмағы мысалы пил сүйегиндей,
Билемейди кула дүзде сескениўди. Сүйемен шөл перзенти сексеўилди [5.186].

Шайыр дәрәтпелеринде дослық, татыўлық, туўысқанлық сыяқлы идеяларда көркем сөз шеберлиги арқалы сүўретленген.

Өзбекти өз ағам еткен, Бир қазанда ас демлеткен,
Уллы бахыт инам еткен. Баўыр басқан туўысқанлық [5.306].

Жуўмақлап айтқанда, Ибрайым Юсупов дәрәтиўшилиги миллий идеямызды жәнәде бекемлеўге, раўажландырыўға, сондай-ақ, өсип киятырған жас әўладты ўатан сүйиўшилиқ руўхында тәрбиялаўға хызмет етиўи сөзсиз.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. <https://uza.uz>.
2. Базарбаев Ж. «Даналығы гөззаллыққа уласқан шайыр» –Нөкис, «Билим» 2008-жыл 3-4-бетлер
3. Юсупов И. «Таңламалы шығармалары III Том» –Нөкис, «Билим» 2018-жыл 36-бет, 30-бет
4. Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университетиниң «Хабаршысы» –Нөкис 2020-жыл 4 – сан
5. Юсупов И. «Таңламалы шығармалары I Том» –Нөкис, «Билим» 2018-жыл 186-бет, 306-бет

Ибрайым Юсупов руўхый мийрасында миллий идеямыздың сәўлелениўи
Аметов А. Нөкис мәмлекетлик педагогика институты

Резюме. Мақалада миллий идея түсинигиниң мазмуны ашып берилген. Әсиресе миллий идеяны раўажландырыў концепциясы хәққында тоқталып өткен. Миллий идея концепциясының мазмуны Ибрайым Юсупов дәрәтиўшилиги мысалында ашып берилген.

Таяныш сөзлер: руўхый мийрас, көркем әдебият, менталитет, миллий мақтаныш, ўатансүйиўшилиқ, дослық.

Иброҳим Юсуповнинг маънавий меросида миллий ғоянинг акс этиши
Аметов А. Нукус давлат педагогика институты

Резюме. Мақалада миллий ғоя тушинчасиниң маъноси кўрсатиб берилген. Миллий ғоя концепциясиниң мазмунуИброҳим Юсуповнинг ижоди мисолида кўрсатиб берилген.

Калит сўзлар: маънавий мерос, бадий адабиёт, менталитет, миллий гурур, Ватанга муҳаббат, дўстлик.

Отражение национальной идеи в духовном наследии Ибрагима Юсупова
Аметов А. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В статье раскрывается смысл понятия «национальная идея». В частности, рассказывается о концепции развития национальной идеи в стихотворениях Ибрагима Юсупова.

Ключевые слова: духовное наследие, художественная литература, менталитет, национальная гордость, любовь к Родине, дружба.

Reflection of the national idea in the spiritual heritage of Ibragim Yusupov
Ametov A. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. The article reveals the meaning of the concept of "national idea". In particular, it tells about the concept of the development of the national idea in the poem by Ibragim Yusupov.

Key words: spiritual heritage, fiction, mentality, national pride, love for the Motherland, friendship.

КУШОНЛАР ДАВРИ ШИМОЛИЙ БАКТРИЯ МАДАНИЯТИ ВА ЭЪТИҚОДИНИНГ ЎЗARO ҲАМОҲАНГ РИВОЖЛАНИШИ.

Назаров Х.А.

Ўзбекистон Миллий университети

Жаҳон тарихшунослигида Марказий Осиё қадимги даврлардан бошлаб турлича эътиқодлар, диний таълимот ва қарашларнинг ёйилган маркази бўлганлиги тан олинган. Бу борада махсус тадқиқотлар амалга оширилган ва уларнинг натижалари кўп сонли илмий нашрларда ўз аксини топган. Шу жумладан Шимолий Бактриянинг маданияти ва турли диний эътиқодларини оид бўлган ёдгорликларининг ўрганилиши бўйича Ўзбекистон ва хорижий археологлар ҳамкорлигида муҳим аҳамиятга эга ишлар амалга оширилган.

Шимолий Бактриянинг Кушонлар даври маданияти илмий адабиётларда кенг ёритилган долзарб мавзулардан бири бўлиб, катта муҳокамаларга ва изланишларга сабаб бўлгандир. Бунга турлича сабаблар мавжуд бўлиб, улардан бири Шимолий Бактриянинг Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо йўллари кесишмасидаги географик мавқеи туфайли Кушон санъати турли хил бадиий анъаналар таъсири остида қолган ва шаклланиб бораётган. Бунинг яққол мисоли, Кушон санъатида Марказий Осиёнинг қўчманчи дунёсининг декоратив ва амалий санъати ва эллинизм анъаналарини, шунингдек ҳинд санъатининг хилма-хил хусусиятларининг қўлланилганлигида кўришимиз мумкин.

Турли хил илмий адабиётларда “Кушонлар санъати” атамаси қўлланилганда, унинг яратилиши ва шаклланиши алоҳида ҳудудларга ажратилмайди [1]. Ўз ўрнида, империя қисмлари маданий жиҳатдан ўзаро кескин фарқланганлиги нуктаи назаридан Кушон санъатини шартли равишдагина яхлит бир санъат дея эътироф этиш мумкин. Масалан, Бактрия Кушон санъати, Марказий Ҳиндистоннинг Кушон санъатидан сезиларли даражада фарқ қилган. Ҳудудлардаги мавжуд фарқлар нафақат бадиий асарлар яратиш учун ишлатиладиган материалларда, балки яратилиш технологияларида ҳам кўришимиз мумкин. Кушонлар санъатини тўлиқ ўрганишга тўқналовчи қилувчи асосий сабаблардан бири Кушон давлатида мавжуд бўлган турли динлар ва културлар, уларнинг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келган мураккаб умумий ҳолат ҳалақит беради. Шунингдек бу ҳолатга, вақт ўтиши билан мамлакат ҳукмдорларнинг алмашилиши ва уларнинг бошқарувдаги хохиш-истакларига боғлиқ равишда ўзгариб боради.

Ҳозирги кунда Кушонлар санъатига оид материалларнинг асосий қисми археологик экспедициялар натижасида тўпланган. XIX-асрнинг биринчи ярмида Чарлз Массон Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудида (ҳозирги Покистон) археологик қазилма ишларини олиб борди [2], натижада Кушон империяси санъати оид дастлабки материаллар тўпланган. Вақт ўтиши билан француз археологлари Афғонистонда, Британия археологлари эса Покистон ва Ҳиндистон ҳудудларида археологик қазилма ишларини давом эттириб, Кушонлар даврига оид тарихий ашёлар орқали материаллар базасини бойитишга муяссар бўлишган.

Ўз ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Кушонлар давлатининг ташкил топиши тарихида асосий ролни Шимолий Бактрия - Марказий Осиёнинг тарихий ва маданий минтақаси эгаллаган, унинг бир қисми ҳозирги кунда Ўзбекистонда жойлашган. Бу Ўзбекистоннинг жанубида, Эски Термиз аҳоли пунктидир, айнан шу ердан 1927 йилда Шарқ давлат музейи (Москва)нинг Ўрта Осиё археологик экспедицияси ходими А.С.Стрелков ярим қўмилган ғорларни топди. Ажабланишлик илмий сезги билан умазкур археология объектни Буддавий ғор монастири қолдиқлари деб талқин қилган [3]. 1932 йилда Шимолий Бактрияда Айритам аҳоли пункти яқинида тасодифан Кушонлар даври буддавийлик ибодатхонасини безатган тош фриз топилди [4]. Ибодатхона жойлашган жойда археологик қазилма ишлари олиб борилди. Шимолий Бактрияда Кушон санъатининг кашф этилиши шу тарзда бошланди.

1950 йилларнинг охирида таникли оlima Г.А.Пугаченкова Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида (Тошкент) санъат тарихи бўлимини тузишга эришди, унинг қошида махсус Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси (УзСанЭ) ташкил этилди. Экспедиция аъзоларининг асосий мақсади Ўзбекистон жанубидаги (Шимолий Бактрия) қадимги ёдгорликларини ўрганиш этиб белгиланди. Ўзбекистоннинг ўрганиш объектларининг баъзилари хронологик жиҳатдан Кушонлар даврига тўғри келганлигидир. Ўрганиш натижасида Холчаён, Далварзинтепа, Зурмала, Эски Тезмиз ва бошқа шу каби машҳур археологик ёдгорликлар кашф этилди [5; 6]. Г.А.Пугаченкова билан бирга Ўрта Осиёнинг жанубидаги Кушонлар санъатини ўрганишга Б. Я. Ставикий, Б.А.Литвинский ва бошқалар [1; 7] катта ҳисса қўшишган. Олиб борилган археологик қазилмалар туфайли Шимолий Бактрияда Кушонлар даврида энг кенг тарқалган санъат турлари маълум бўлди.

Шимолий Бактрия ҳудудларидаги Кушонлар даврига оид турли ёдгорлик иншоотларининг ўрганишлари шуни кўрсатдики, улар тош меъморчилик безаклари билан безатилган, ушбу ҳолат Юнон-Бактрия подшолиги давридан (мил. авв. III-II асрлар) сақланиб қолган эллинистик анъаналардан далolat беради.

Шимолий Бактриядан тўпланган археологик материалларнинг таҳлили, Кушонлар даврида меъморий безаклар ва ҳайкалтарошлик намуналарини яратишда Амударё бўйида жойлашган Хўжа Гулсор ёдгорлигидаги тош қарьерлардан қазиб олинган маҳаллий тош турлари асосий материал сифатида фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин. Таъкидлаш жоизки, меъморий тош безаклар ва тошдан ясалган ҳайкалтарошлик намуналарининг бир қатор бўлакларида бўёқ излари сақланиб қолган, бу эса тош маҳсулотларининг аксарияти Кушонлар даврида бўйланганлигини кўрсатмоқда. Шимолий Бактриянинг баъзи ёдгорликларини стратиграфияси ва хронологиясига таяниб, милодий III аср ўрталарига келиб тошдан ясалган ҳайкалтарошлик ва тошдан ясалган меъморий безакларни ишлаб чиқариш тўхтаганлигини кўришимиз мумкин. Шу даврдан бошлаб

курулиш ёки таъмирлаш ишлари жараёнларида тошдан ясалган меъморий безакларнинг турли деталлари қайта ишлатилган, ҳайкаллар эса лой, ганч ёки шу материаллар аралашмасидан яратила бошланган [8].

Шимолий Бактриядаги эллинизм таъсири натижасида юзага келган тошдан ясалган ҳайкалтарошлик ва меъморчилик безакларидан фарқли ўлароқ, лой ёки гил-ганч ҳайкалтарошлиги Ўрта Осиёда мавжуд бўлган маҳаллий бадиий аъёнларнинг бир қисми бўлган деб ҳисобланади. Одатда, бундай ҳайкаллар ёғоч ёки қамиш рамкасида қилинган; қўлда моделлаштириш билан бирга унинг алоҳида қисмларини тайёрлаш учун штамплардан фойдаланилган (юзларни акс эттириш учун тайёрланган штамплар энг кўп қулланилиш ҳолати кенг тарқалган); тайёр ҳайкал тупроқ билан қопланган ва бўялган, баъзан эса зарҳалланган. Кушонлар даврига оид Шимолий Бактриядаги монументал меъморчилик иншоотларини безатишда деворларга қуруқ гипсдан ишланган полихром бўёқ тасвирларини тушуриш кенг қўлланилган. Ушбу минтақада уни яратиш усуллариининг тахлили шуни кўрсатдики, мохир рассомларнинг аксарияти эллинистик аъёнлар асосида ишлаган, уларнинг асосий хусусиятларидан бири ёруғлик ва сояларни моделлаштиришдан иборат бўлган [9]. Шу билан бирга, Шимолий Бактриянинг баъзи ёдгорликлари деворларни бўяшда бошқача - график усулда ишланган намуналар ҳам мавжуд бўлган, бу эса уларда маҳаллий усталар мактаби мавжуд бўлганини исботлайди [10].

Шубҳасиз, меъморий иншоотларни лойиҳалашга, профессионал рассомларни таклиф қилишга катта молиявий харажатлар талаб қилинган. Эҳтимол, айнан шу сабаб, баъзи ҳолларда расмларни профессионал бўлмаган рассомлар томонидан чизилганлигига олиб келгандир. Сўнгги ўн йилликлар давомида топилган бир қатор топилмалар - теракота расмлари панели ва матога расм чизиш - Кушонлар империяси усталари турли материаллар билан ишлаган, бу ривожланган рассомчилик аъёнлари ҳақида гапиришимизга имкон беради [11]. Сопол буюмлар ва теракоталар - Шимолий Бактрияда Кушонлар даврида сопол буюмларни ишлаб чиқариш, бадиий ижод билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ушбу даврда керамика маҳсулотларининг сифати яхшилланган, шакллар хилма-хиллиги сезиларли даражада кенгайтирилган ва янги безак техникаси жорий этилган.

Кушон давридаги маросим атрибутлари орасида турли хил сопол тутатқилар ва бошқа буюмлар учрайди [12]. Сопол буюмларни ишлаб чиқариш турларидан бири - теракота ҳайкалчаларини серияли ишлаб чиқариш бўлиб, улар бир томонлама матрицаларда қолиплаш ва штамплаш усули билан яратилган. Шунингдек арлаш усулда ясалган бир нечта ҳайкалчалар маълум бўлиб, улар комбинацион тарзда яратилган: тана қисми қолипланган, юз қисми эса штампланган шаклга эгадир.

Одатда Шимолий Бактриясида динлар ва култар худолари акс эттирилган теракота ҳайкалчалари диний маросимларнинг асосий атрибутларидан бўлган. Шу билан бирга, теракота ҳайкалчаларининг айрим турлари ўйинчоқлар вазифасини бажарган ёки арзон интерьер безаги бўлиб хизмат қилган [13]. Шимолий Бактриядаги археологик тадқиқотлар натижасида маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган турли хил бадиий маҳсулотлар аниқланган. Улар орасида бронза коса, шакл берилган камарлар ва ҳайкалчалар билан безатилган соч қисқичлари учрайди. Шунингдек талаб катта бўлган Хитой ойналарига тақлид қилиб ясалган бронза ойналар ҳам учрайди.

Шимолий Бактрияда суякдан ясалган бир нечта экспресив бадиий буюмлар топилган. Улар графика тасвирлари билан безатилган бўлиб, (ўйилган ва чизилган) улар орасида турли тароқлар, ҳайкалчалар билан безатилган кўп сонли соч қисқичлари, кўкрак туморларидир [14]. Шунингдек топилмалар орасида фил ва зебу буқасининг миниатюра кўринишидаги суяк фигуралари ҳам топилган бўлиб, улар шахмат доналари деб фарз қилинган [5]. Шимолий Бактриядаги археологик қазималар жараёнида топилган Кушон декоратив-амалий санъат асарлари асосан Кушон империясида мавжуд бўлган диний аъёнлар билан боғлиқдир. Шимолий Бактриядаги диний эътиқодларни ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Кушонлар даврида ҳукмрон сулоларни улуғловчи сулолавий култ мавжуд бўлганлиги аниқланди. Ушбу култ негизида сулолавий санъат шаклланиб борди [15]. Аввало, бу Кушон императорларининг тасвирлари тушурилган нумизматик манбаларда қайд этилган. Бунга яна бир исбот сифатида археологик тадқиқотлар натижасида топилган сулолавий ибодатхоналарни ҳам мисол келтириш мумкин. Биринчи бу каби ибодатхона Марказий Ҳиндистондаги Мат кишлоғида барпо этилган эди. У эрдан Кушон императорлари - Вима Такту, Канишка ва бошқалар тасвирланган монументал тош ҳайкалларнинг парчалари топилган, кейинчалик Шимолий Афғонистонда Сурх-Котал монументал сулолавий ибодатхонаси очиб ўрганилган [16]. Бу ерда ҳам ҳайкалларнинг қолдиқлари топилган бўлиб, тахминларга кўра уларда Кушон ҳукмдорлари тасвирланган. Бироқ, Сурх-Коталда, Матадаги ибодатхонадан фарқли ўлароқ, ҳайкал лойдан ясалган.

Шимолий Бактрия худудида Кушонларнинг сулолавий ибодатхоналари ҳам мавжуд бўлган. 1950-йилларнинг охири - 60-йилларнинг бошларида, Ўзбекистоннинг жанубида, дастлаб Кушонларнинг саройи сифатида талқин қилинган Халчаян ёдгорлиги қазиб ўрганилган [6]. Бино лойдан ясалган ҳайкаллар билан безатилган. Полихромли деворий тасвирларнинг парчалари сақланиб қолган. Тадқиқотчиларнинг тахминларига кўра ибодатхонанинг ички қисми катта гиламчалар билан безатилган (кейинчалик бу илмий фарз Бактрияда ишлаб чиқарилган асарларнинг Мўғулистон худудидан топилганда тасдиқланди) [17]. Шу билан бирга ёдгорликнинг тузилиши (бизгача мажмуанинг фақат марказий қисмигина этиб келган) ва бошқа тафсилотларини ўрганиш натижасида Холчаён ёдгорлигини сулолавий ибодатхона деб таъкидланишига асос бўлди.

Холчаёндан кўп фигурали композицияларда юзчэй кабилаларининг енгил қуролланган отликлари ҳамда оғир қуролланган отлиқ қўшиннинг жанг жараёни акс эттирилган. Г.А.Пугаченкованинг фикрига кўра оғир қуролланган отлиқлар қўшини бу бактрияликлар [18] ва П.Бернарднинг фикрига кўра эса сак кабилаларининг

аскарлари бўлган деб тахмин қилинган [19]. Шунингдек композицияда, айнан шу ғалабага бағишланган байрам ёки тўй баъзи хам тасвирланган. Қадимги Термиз аҳоли пункти ҳудудида жойлашган Чингизтепа ёдгорлигида ўзбек-француз экспедицияси томонидан яна бир сулолавий ибодатхона очилди. Ушбу ибодатхонадан ҳам тош ҳайкалнинг парчалари сақланиб қолган.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки Кушонлар даврида Шимолий Бактрияда буддавийлик динининг ўрни жуда муҳим бўлган. Кўпчилик диний (апокрифик) манбаларда энг машҳур Кушон императори Канишкани буддавийлик билан боғлаган бўлса-да, бу дин Кушонлар империясида давлат дини мақомига эга бўлмаган. Эпиграфик манбаларга мувофиқ буддавийлик дини юқори қатлам даражадаги одамлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган.

Шимолий Бактрия ҳукмдорлари ҳайкаллар ва деворий суратлар билан безатилган буддавий иншоотларни - монастырларни, ступаларни, кўрикхоналарни барпо этишда ҳомийлик қилишган. Буддавий манбаларида, буддавийлар жамоатида диний объектларни қуриш жараёнида қоидаларга риоя қилиш учун маъсул бўлган махсус шахс - меъмор бўлганлиги келтирилган. Шунинг учун Шимолий Бактриядаги буддавий ёдгорликларидан археологик қазилма ишларини олиб бориш натижасида Ҳиндистондаги Кушонлар даврига оид буддавий тузилмалари билан ҳамбарчас боғлиқликлар аниқланганлиги ажабланарли хол эмас [8].

Шу билан бирга, Шимолий Бактриядаги Буддавий ёдгорликларини безашда рассомлар ва ҳайкалтарошлар томонидан қўлланилган усул ва услублар Кушонлар даврида бу минтақада буддистлар орасида малакали меъморлар бўлмаган деб тахмин қилишга асос бўлиб хизмат қилади. Буддавий рассомлар ташқаридан таклиф қилинган. Бу эса Шимолий Бактриядаги буддавийлик санъатининг услубини шаклланишини белгилаб берган, у асосан Гандҳара намуналарига йўналтирилган, аммо айни пайтда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлган. Ҳайкалтарошлиқда бу, авваламбор, материалнинг ўзгариши билан намоён бўлган – жумладан асосий материал сифатида маҳаллий оҳақтош, шунингдек лой ва ганч ишлатилган.

Гандҳаранинг машҳур буддавий ёдгорликларидан фарқли ўлароқ, Шимолий Бактрия ёдгорликлари девор суратлари, ҳам декоратив, ҳам полихром сюжетларда безатилган. Шимолий Бактрия деворий суратлари сюжетларида Будда ва роҳиблар, Будда ва бодхисатвлар, олижаноб донорлар ва бошқа тасвирлари мавжуд.

Термиздан унчалик узоқ бўлмаган жойда жойлашган Айртот ёдгорлигида милонинг I-II асрларига оид бўлган буддавий монастыри мажмуаси қисман ўрганилган. Мажмуа марказида тўртбурчак шаклга эга бўлган муқаддас хона жойлашган. Хонанинг марказий қисмида турли маросимий буюмларни қўйишга мўлжалланган тўғритўртбурчак постамент ўрнатилган. Хонанинг деворлари ажойиб тош фризлар билан безатилган. Монастр мажмуаси қатор турар жой ва хизмат хонлари иншоотларни ўз ичига олган.

Термизда жойлашган яна бир монастр Қора-тепа тепалигидаги Буддавий ғор монастыри алоҳида эътиборга моликдир (Ҳиндистонда бундай монастрларни жуда кўп учратиш мумкин). Бу ерда, хусусан, бир неча мажмуалар қазиб ўрганилган. Уларнинг ҳар бири тўртта айланма тошли йўлаклар (коридор) билан ўралган “ғор ибодатхонаси” ва ерда барпо этилган маросимий иншоотлар жойлашган ҳовлидан иборат эди. Девор расмларининг изларида тош ва алебастр ҳайкалларининг парчалари топилган.

Қора-тепа ёдгорлигидан унча узоқ бўлмаган жойдан деворий суратлар ва ҳайкалтарошлиқ намуналари очилган - Фаёзтепа ёдгорлиги жойлашган. Фаёзтепа “П” шаклида қурилган бўлиб, қатор коридорлар, катаклар, кўрикхоналар ва яқка турган ступадан иборат бўлган. Бу каби буддавийлар ступаси Термизда ҳам мавжуд бўлиб, унга ҳозирда “Зурмала минораси” деб ном берилган [20]. Кушон давридаги буддавийлик санъати асарлари қаторига Шимолий Бактриядаги турли жойларда қазилма ишлари жараёнида топилган бир қатор терракота ҳайкалчалари ҳам қиради. Улар одатда бир томонлама матрицаларда, қисқартирилган ҳолда бажарилади. Бараттепадан ўтирган бодхисатванинг теракота ҳайкалчаси бундан мустасно бўлиб, унинг ясаиш структураси ҳайкалтарошлиқ аслига жуда яқин ва қизил бўёқ излари сақланиб қолган (эҳтимол зарҳал қилиш учун асос бўлиши мумкин) [21]. Буддавий теракота ҳайкалчаларининг оз сонли қисми ва бошқа қатор далиллар Кушон Бактрияда буддавийлик оммавий дин эмаслигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотлар натижасида Кушонлар санъатини жайнизм билан боғлиқ бўлган бир қатор санъат асарлари намуналари аниқланди. Аввало бу буддавийликда ва жайнизмда ўхшаш бўлган бир қаторда турли хил рамزلарни англатувчи жайнизм авлиёларидан бири бўлган Тирханкарани акс эттирилган пластинкалардир (*āyāga-paṭa*). Уларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу авлиёнинг яланғоч ҳолда акс эттирилганлигидир [22]. Ушбу тасвирларнинг кўкраг қисмида ўзига хос Жаин белгиси (*śrīvatsa*) йўқлигига қарамай, ҳайкалчалар жайнизм авлиёлари тасвирдан келиб чиққан деб таъкидлаш мумкин. Аммо, уларни маҳаллий аҳоли қандай қабул қилгани ва жайнизм Шимолий Бактрияда кенг тарқалганми ёки йўқлигини тахмин қилиш мураккаб.

Машҳур Рабатак ёзуви бизга сулолавий ибодатхонада тасвирланган бир неча худоларнинг исмлари келтириб ўтилган. Улар орасида Нана - Марказий Осиё минтақасининг қадимги даврлардан то илк ўрта асрларга қадар энг машҳур маъбудаларидан бири, эслатиб ўтилган. Нана Месопотамияда пайдо бўлган маъбуда бўлиб, ушбу ҳудудда Шумерлар давриданок маълум бўлган. Сўнгра у Оссурияда, кейинроқ эса Эронда пайдо бўлади. Римликлар даврида у ғарбда Миср ва Юнонистон, Парфия, шарқда Кушонлар ва Сўғдгача тарқалади. Эҳтимол, Марказий Осиёда Нана култи Анахита култи билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган. Сўғдий пантеонининг энг баланд жойлардан бирини маъбуда Нана ҳайкалини учратиш мумкин бўлган [23]. Афсуски, Кушонлар даврида ушбу маъбуда аниқ ўрнатилган иконаграфик кўриниши фақат тангаларда тасвирланган бўлиб, у ерда Нана тасвири билан бирга унинг исми ҳам ёзилган [24]. Бактрия маъбудаси Нана ибодатхонаси деб талқин қилинадиган иншоот Далварзинтепа манзилгоҳида топилган [25]. Бу ерда лойдан ясалган ва бўялган аёлнинг ҳайкал кўринишидаги боши топилган. Шуниси эътиборга лойикки, қўлида атрибутлари бўлган, ўтирган ҳолда тасвирланган аёл терракота ҳайкалчалари Далварзинтепада ҳам, Кушонлар давридаги шимолий Бактрия аҳоли манзилгоҳларида ҳам топилган. Ушбу ҳайкалчаларнинг

баъзилари, шубҳасиз, эллинизм даври маъбудаси Кибел тасвирлари билан боғлиқдир, аммо айрим хайкалчаларни ўтирган холда ой шаклидаги безаклар тушурилган Нана тасвири билан боғлаши мумкин[26].

Маълумки, Кушонлар империясининг нафақат ташкил топиши, балки парчаланиши ҳам Бактриядан бошланган. Сосонийлар юришларидан сўнг (милодий 3-аср ўрталари) Шимолий Бактрия ҳудудида Кушон-Сосоний ҳукмдорларининг ҳоқимияти ўрнатилди. Уларнинг келиши минтақадаги мафқуранинг ўзгаришига сабаб бўлди. Жумладан сулолавий култининг йўқ бўлиб кетиши, буддавийликни қўллаб-қувватлашнинг сезиларли даражада пасайиб, маҳаллий култарларнинг шаклланишининг давом этиш ҳолатларини кўришимиз мумкин. Масалан, Нана култи ва бошқалар). Археологик топилмаларга асосан III асрнинг ўрталарига келиб Шимолий Бактрияда тошдан ясалган меъморий безаклар ва тош хайкалтарошлик анъаналарини деярли йўқолиб кетиши. эллинизм анъаналарининг тугаши ва Юнон-Бактрия даври (милoddан аввалги III-II асрлар) анъаналарининг шаклланиши ҳақида далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи кушан. –М.; «Искусство», 1979. 248 с.
2. Errington E. Charles Masson and the Buddhist Sites of Afghanistan: Explorations, Excavations, Collections 1832–1835. –London, British Museum Press, 2017. Series: British Museum Research Publication. Vol. P. 215. 250
3. Стрелков А.С. Доисламские памятники древнего Термеза // Культура Востока. 1928. Т. 2. 41–47 с.
4. Pugachenkova G. A. The Buddhist Monuments of Airtam // Silk Road Art and Archaeology. 1991–1992. № 2. Pp. 23–41
5. Дальверзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана. –Ташкент, «Фан», 1978. 240 с.
6. Пугаченкова Г.А. Халчаян. К проблеме художественной культуры северной Бактрии. –Ташкент, «Фан», 1966. 288 с.
7. Dani A.H., Litvinsky B. A., Zamir Safi M.H. Eastern Kushans and Kidarites in Gandhara and Kashmir // History of Civilizations of Central Asia. Vol. III: The crossroads of civilizations: A.D. 250 to 750. Ed. Litvinsky B. A. Delhi: Motilal Banarsidass Publ., 1999. 580 p. Pp. 163–186.
8. Мкртычев Т.К. Буддийское искусство Средней Азии (I–X вв.). –М.; «Академкнига», 2002. 286 с.
9. Мкртычев Т.К. К вопросу о живописной традиции буддийских памятников Северной Бактрии кушанского времени // Вестник древней истории. 1998. № 3. 188–196 с.
10. Пугаченкова Г.А. Дальверзинтепе и некоторые общие вопросы истории и культуры Северной Бактрии // Дальверзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана. –Ташкент, «Фан», 1978. 217–218 с.
11. Behrendt, K. A. The Art of Gandhara in the Metropolitan Museum of Art. –New York, «Metpublications», 2007. P. 116
12. Некрасова Е.Г., Пугаченкова Г.А. Керамика Дальверзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана. –Ташкент, «Фан», 1978.
13. Исхакова Е.И., Исхаков М.Х. Терракоты Дальверзинтепе // Дальверзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана. –Ташкент, «Фан», 1978. 161–165 с.
14. Никоноров В.П. Некоторые результаты раскопок Бактрийской экспедиции на городище Кампыр-тепе: памятники искусства // Взаимодействие культур и цивилизаций. В честь юбилея В.М. Массона. –СПб.: ИИМК, 2000. С. 160–176.
15. Rosenfield John M. The Dynastic Arts of the Kushans. Berkeley, University of California Press, 1967. P. 377.
16. Fussman G. Kushan power and the expansion of Buddhism beyond the Soleiman mountains// Kushan Histories. Literary Sources and Selected Papers from a Symposium at Berlin, December 5 to 7, 2013 edited by Harry Falk, Hempen Verlag. Bremen: Hempen Verlag, 2016. Pp.153–202.
17. Полосьмак Н.В. Мы выпили сом, мы стали бессмертными... // Наука из первых рук. 2010. № 3 (33). 50–59 с.
18. Пугаченкова Г.А. Образы юечжийцев и кангюйцев в искусстве Бактрии и Согда // Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. В свете новых открытий Узбекстанской искусствоведческой экспедиции. –Ташкент, «Фан», 1989.
19. Bernard P. Les nomades conquérants de l'empire gréco-bactrien: réflexions sur leur identité ethnique et culturelle // Comptes rendus des séances de l'Académie des inscriptions et belles- lettres. 1987. № 4. Pp.759–768.
20. Гафуров Б.Г. Таджики Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга 1, Изд.2. –Душанбе: Ирфон, 1989.
21. Культура и искусство древнего Узбекистана: Каталог выставки. Кн. 1: Бактрия Согд Чач Хорезм. –М.: ГМБ, 1991.
22. Joshi, N. P. Early Jaina Icons from Mathurā // Mathura: The Cultural Heritage, ed. Doris M. Srinivasan, New Delhi, American Institute of Indian Studies, 1989. Pp.332–367
23. Гафуров Б.Г. Таджики Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга 1, Изд.2. Душанбе: Ирфон, 1989.
24. Sims-Williams N., Cribb J. A new Bactrian inscription of Kanishka the Great // Silk Road Art and Archaeology. 1995–1996. № 4. Pp. 76–142.
25. Ртвеладзе Э.В. Храм в северной части Дальверзинтепе // Дальверзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана. –Ташкент, «Фан», 1978. 240 с.
26. Pyasov J., Mkrtychev T. Bactrian Goddess from Dalverzin-tepe (Attempts of Typological Analysis) // Silk Road Art and Archaeology. Vol. 2. Kamakura, 1991/92. Pp. 107–127

Кушонлар даври шимолий Бактрия маданияти ва эътиқодининг ўзаро ҳамоханг ривожланиши.

Назаров Х.А. Ўзбекистон Миллий университети

Резюме. Мақолада Шимолий Бактриянинг Кушонлар даври маданияти ва диний қадриятларининг узига хос хусусиятлари, боғлиқлик жиҳатлари ва ўзаро таъсири таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Шимолий Бактрия, санъат, кушонлар, археологик топилмалар, Ҳиндистон, Буддавийлик

Гармоничное развитие культуры и верований Северной Бактрии в Кушанский период

Назаров Х.А. Национальный университет Узбекистана

Резюме. В статье анализируются особенности, связи и взаимодействия культуры и религиозных ценностей кушанского периода Северной Бактрии.

Ключевые слова: Северная Бактрия, искусство, кушаны, археологические находки, Индия, Буддизм

Harmonious development of the culture and beliefs of Northern Bactria in the Kushan period

Nazarov Kh.A. National University of Uzbekistan

Summary. The article analyzes the features, connections and interaction of culture and religious values of the Kushan period of Northern Bactria.

Key words: Northern Bactria, art, the Kushans, archaeological finds, India, Buddhism

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – ҚОНУН ИЖРОСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

Бабажанов С. Б.

Урганч давлат университети

Жамият манфаатларига мос равишда ишлаб чиқилган ҳар қандай қонун ижроси тўғри ташкиллаштирилмас экан, унинг реал ижтимоий ҳаётни акс эттирувчи самарадорлиги сезилмайди. Шу нуқтаи назардан ёндашганда – ишлаб чиқилган қонун *биринчидан*, халқнинг асрлар давомида шаклланган тарихий қадриятларига, маънавий меросига, анъаналарига таяниши, ментал хусусияларига мос бўлиши; *иккинчидан*, жамият барқарор тараққиётини таъминлаш учун миллий ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш заруриятини жамоатчилик онгига сингдириши; *учинчидан*, жамоатчилик фикрида миллий менталитетга мос умуминсоний-интегратив қадриятлар ривожланишига имкониятлар яратишига хизмат қилиши инобатга олинган бўлсагина, у (қонун) ўз доирасида амалда мавжуд бўлади. Акс ҳолда халқ манфаатларига мос келмайдиган қонун сифатида “қоғозда қолиб кетади”.

Шу ўринда келтириб ўтиш ҳам керакки – ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай янгилик ёки замон руҳида ижодий қайта тикланаётган тарихий мерос, миллий қадрият, анъана, урф-одат ва бошқа субъектив омилларнинг муайян жамият тараққиётидаги функционал аҳамияти, у ҳақда мавжуд ижтимоий қатламларнинг умумий жамоатчилик фикрини шакллантириш даражаси билан ҳам боғлиқ ҳисобланади. Бу жараёнда маълум масалага (ишлаб чиқилган қонунга) нисбатан жамоатчилик назоратини тўғри ташкиллаштириш ҳамда унинг институционал тизим механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Умуман жамоатчилик назорати деганда қандай тизимни тушуниш тўғри бўлади? уни амалга оширувчи қандай механизмлар мавжуд? каби саволларга қуйидагича жавоб бериш мумкин – жамоатчилик назорати деганда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (*институтлари*), шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат тушунилади [1].

Жамоатчилик назоратини бошқарув органлари фаолиятига босқичма-босқич киритиб бориш, *биринчидан* тарихий зарурат ҳисобланиб, ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини қуришга интилаётган ҳар қандай давлат учун бош мезондир. Чунки, жамиятнинг миллий тараққиёт негизи ислохотларга нисбатан жамоатчилик назоратини қай тариха кечаётганлигида кўринади. Бошқача айтганда, “давлат қачон ўз вазифасини муваффақиятли адо этади? Қачонки давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлса” [2, 489], *иккинчидан* жамоатчилик назоратини таъминлаш, яъни жамиятда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ўзгаришларга нисбатан жамоатчилик қайфияти қай даражада шаклланаётганини ўрганиш, жамоатчилик билдираётган фикрларни таҳлил этиш, давлат бошқарувида ички назорат тизимини (*жамоатчилик назоратини*) ташкиллаштириш, халқаро тамойилларга мос демократик бошқарув механизмини ўрнатилишига олиб келади. Яъни: кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш энг мақбул йўлдир. Бу – жаҳон тажрибасида синовдан ўтган йўл ҳисобланади [2, 489].

Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қандай тарихий зарурат туғилмоқда? каби саволларга шундай жавоб бериш мумкин: бугунги дунёда эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ўсиб бораётган ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг тарзда боришимиз, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда энг аввало, давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш, бунинг учун ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлаш, керак бўлганда, махсус қонунларни қабул қилиш [2, 76] муҳим ҳисобланади. Чунки, жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунни қабул қилиш: қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланишнинг давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлашга; жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлигини қарор топтиришга; жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашуви ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитишига [3], қонуний қафолат беради. Шу муносабат билан, 2018 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «Жамоатчилик назорати» тўғрисидаги (ЎРҚ-474-сонли) қонунга имзо чекиди. Албатта бу қонун – мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қуриш тажрибалари, бу жараёнга кенг халқ оммасини жалб қилиш билан қўйилган натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Жамият ҳаётини тартибга солиш, халқ манфаатларини ўзида мужассам этувчи қонунлар ижросини самарали ташкиллаштиришга хизмат этувчи жамоатчилик назоратини қимлар амалга оширади? уни ҳаракатлантирувчи механизмларига қандай тушунчаларни қўллаш мумкин? каби саволларга қуйидагича жавоб бериш мақсадга мувофиқ бўлади: жамият ҳаётида қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда, бу ҳар бир шахсда қонунларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни ҳамда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш кераклигини кўрсатмоқда. Чунки, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови, аввало қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат

қилаётган инсонлар, биринчи навбатда, раҳбар ходимлар, фуқаролар қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросига қатъий амал қилиши, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари риязати шарт бўлган муҳитни яратиш – давлатимизнинг ҳуқуқий демократик жамият қуриши йўлидаги бош мақсади сифатида белгиланган. Ҳўш қонун ижроси самарадорлигига хизмат этувчи жамоатчилик назоратини қимлар амалга оширади?

– Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланади. Аммо бу каби субъектлар – давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан, яъни уларнинг (давлат органларини) қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қарорларга, ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларга амал қилишида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини қанчалик даражада ҳисобга олаётганлигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлаш борасида ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришдаги масъулиятини назорат қилиш тушунилади.

– Аммо қонун ижросини таъминлашга қаратилган саъи-ҳаракатлар фақат давлат томонидан амалга оширилиши ҳар доим ҳам етарли даражада самара бераётганлиги ҳам ҳақиқат. Шундай экан, қонун ижросига нисбатан фуқароларда (жамиятдаги барча тоифа вакиллари) ҳурмат руҳини шакллантирмас эканмиз, қонун қучи жамият ҳаётига бирламчи омил сифатида белгиланишида “ношудларча муносабат” тўсиқ бўлиб қолаверади. Умуман олганда ижтимоий ҳаётда қонунийлик қачон қарор топади? Бунинг учун қандай қилиб фуқароларни тартиб қоидаларга сўзсиз риязати этишини таъминлаш талаб этилади?

– Ижтимоий ҳаётимизда қонунийликни қарор топиши учун аввало фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалган бўлиши, жамиятдаги воқеа ҳодисаларга муносабатига ҳолислик (объективлик), яъни шахсда сиёсий фаоллик шаклланган бўлиши талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир киши бугунги тезкор ва талабчан замондан ортда қолмай, ўзининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги ва хабардорлик даражасини, ислохотлар самараси учун ижтимоий масъуллик туйғусини янада ошириши, фуқаро сифатида фаол бўлиши, жамият ҳаётида, дунёда, ён-атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, уларнинг маъно-моҳиятини тўғри англаши ва тўғри ҳулоса чиқариши лозим бўлади. Бошқача айтганда замонавий билимларни чуқур эгаллаётган, жаҳоний тажрибалардан яхши хабардор, изланувчан, интилувчан, эътиқоди мустаҳкам баркамол авлодни ўзидан ворис қилиб қолдириш ҳар қандай жамиятнинг бош орзуси бўлиб, бунинг учун мустақил фикрга, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш масъулияти мавжуддир.

Қонун ижроси самарадорлигини оширишда жамоатчилик назоратини таъминлашда қуйидаги механизмларга риязат қилган ҳолда амалий чора-тадбирларни олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, глобал ахборотлашув шароитида муайян жамоатчилик фикрининг оммавийлигини таъминлаш, унинг трансформация инфраструктураси ва коммуникациясини такомиллаштиришга, субъектлари ўртасидаги муносабат интеграцияси узвийлигини таъминлашга боғлиқ. *Иккинчидан*, жамоатчилик фикрини: шахс, жамият, давлат сиёсати даражасида ташкиллаштириш, бошқариш ва назоратининг умуминсоний маънавий-ахлоқий ва халқаро ҳуқуқий нормаларга мос ривожлантиришда фуқаролик институтлари ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга. *Учинчидан*, ижтимоий онг шакллари ва жамоатчилик фикрининг корреляцион алоқадорлиги, уларнинг трансформаторлик функцияси умумийлигида намоён бўлади, яъни бири иккинчисининг ривожланиши учун имконият, усул, восита бўлиб, ўзаро тақозолангандир. *Тўртинчидан*, жамоатчилик фикрининг муқобил йўналишларини ўзаро мувофиқлаштириш – ижтимоий онг шакллари, миллий, минтақавий ва глобал манфаатларни уйғунлаштиришга мутасадди институционал тизим фаолиятини интеграциялаштиришни тақозо қилади. *Бешинчидан*, жамоатчилик фикрини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишда ижтимоий онг шаклларида фойдаланиш, унинг оммавий ва индивидуал, корпоратив ва элитар социал табақалар, ижтимоий birlikлар манфаатларига мос туркумлаштиришга асос бўлади. *Олтинчидан*, ҳар қандай жамиятда ижтимоий онг шаклларидаги маънавий-ахлоқий тамойиллари, ҳуқуқий нормалари жамоатчилик фикри феноменини ривожлантириш глобал стратегик вазифаларни белгилашнинг концептуал универсал таълимотларни яратишга хизмат қилади. *Еттинчидан*, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институционал тизимни интеграциялаштириш стратегияси ва тактикаси: объектив шарт-шароитларни, детерминлаштирувчи субъектив сабабларни, имкониятлари таҳлили башоратлар ва моделлар илмийлигини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. <http://www.biznes-daily.uz>
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлидаги қатъийат билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.489
3. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислох этишнинг ҳуқуқий асослари: давра суҳбати материаллари. –Т.: Baktria press, 2015. –Б.76
4. <http://lex.uz>

Жамоатчилик назорати – қонун ижроси самарадорлигини ошириш механизми сифатида
Бабажанов С. Б. Урганч давлат университети

Резюме. Мақолада қонун устуворлигини таъминлаш, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш учун аввало жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш зарурати мавжудлиги кўрсатиб ўтилган, бу борада қилинаётган амалий ишлар натижаси ижтимоий фалсафий таҳлил этилиб, истиқболда қилиниши керак бўлган стратегик чора-тадбирлар режаси борасида фикр мулоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий ҳаёт, жамият тараққиёти, тарғибот механизми, жамоатчилик назорати субъектлари.

Общественный контроль - как механизм повышения эффективности правоохранения

Бабажанов С.Б. Ургенчский государственный университет

Резюме. В статье подчеркивается необходимость повышения эффективности общественного контроля в целях обеспечения верховенства закона, дальнейшего укрепления его места в общественной жизни. Кроме того, были выдвинуты предложения и рекомендации на основе надлежащего общественного контроля, чтобы показать, выполнение любых законов и постановлений, направленных на обеспечение интересов людей, может быть подтверждено в реальной жизни.

Ключевые слова: общественная жизнь, социальное развитие, механизм пропаганды, общественный контроль

Public control - as a mechanism for increasing effectiveness of law enforcement

Бабажанов С.Б. Ургенч State University

Summary. The article emphasizes the need to increase the effectiveness of public control in order to ensure the rule of law, further strengthening its place in public life. In addition, suggestions and recommendations were put forward on the basis of proper public scrutiny - to show that the implementation of any laws and regulations aimed at ensuring the interests of people can be strengthened in real life.

Key words: public life, social development, propaganda mechanism, public control

РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИНТЕЛЛИГЕНЦИИ В РАЗВИТИИ ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ РАБОТ В КАРАКАЛПАКСТАНЕ (1920-30 гг.)

Сагындыков Б.А.

Нукусский государственный педагогический институт

На формирование каракалпакской культурно-просветительской работы оказала влияние политическая система государства и взгляды того времени. С установлением советского государства в 1917 году целью которого было проведение коммунистической идеологии формирования культуры местного населения, исследование природных ресурсов региона, который наряду с другими областями Средней Азии находился в составе Хорезма. Коммунистическая большевистская партия в целях воспитания местного населения в духе коммунистической идеологии и пробуждения веры в неё, использует культурно-просветительскую работу, искусственно обогащенную философией марксизма-ленинизма. Новый исторический союз, который назывался советский народ, был направлен на интернационализм, коммунизм и социализм, считая, что дружба и родство между народами являются его основой, но некоторые небольшие нации были лишены своего языка, национального духа.

Советское правительство, игнорируя святость исламской религии, каракалпакские национальные традиции и богатое наследие, пыталось разрушить мечети и медресе, сжигая книги и рукописи, считая их пережитками старины.

Также в Каракалпакстане все культурно-просветительские работы были отмечены в постановлении XIII съезда РКП (б) в 1920 году «О культурной работе в ауле»: «При нынешнем культурном уровне наших аулов, любая политическая работа в аулах должна быть связана с устранением неграмотности, распространением лучших знаний и предоставлением населению самых необходимых населению культурных услуг». [2, 264]. До начала XX века на территории Каракалпакстана было около десяти медресе [3, 42].

В 1920-1923 годах открылись новые советские школы и были созданы короткие курсы подготовки учителей для массовой ликвидации безграмотности, преподавание в мечетях и медресе были остановлены. 19 июля 1920 года Всероссийская комиссия по ликвидации неграмотности в сентябре 1921 года в Амударьинской области открыла 24 школ для обучения к грамоте, в которой учились 602 ученика. Тридцать человек прошли полугодовые курсы подготовки учителей для этих школ [4, 188]. К 20-м годам прошлого века каракалпакские национальные интеллигенты А.Досназаров, О.Ерманов, А.Кудабаев, К.Алламбергенов, К.Авезов, К.Садуллаев, К.Нурмухамедов, Т.Нызаматдинов, И.Бекимбетов стали активистами политической, культурной и просветительской работы.

Особенно, важную роль в культурной жизни населения сыграли культурно-просветительские учреждения, созданные в 1920-1930-х годах: библиотеки, клубы, красные углы, красные чайханы и дома дехканина и дома образования, радиостанции, кинотеатры и театральные кружки. А также вышли в свет многие газеты и журналы, художественная, политическая и научная литература издавались в нескольких экземплярах на каракалпакском и русском языках, что служило основной опорной точкой в перевоспитании, основанной на политике партии большевиков, внедрении коммунистической идеологии в сознание народа.

Поэтому с самого начала Советское правительство начало создавать в Каракалпакстане культурные и образовательные учреждения. В 1921 году в Амударьинском районе функционировали пять клубов, шесть красных чайхан и 8 учебных заведений. С 1920 по 1921 год в районах Каракалпакстана и Хорезма, находящихся на побережьях Амударьи ведет политическую и просветительскую работу среди населения «Красная баржа», которая имеет специальную библиотеку и кинооборудование [5, 224]. В этой «Красной барже» наряду с показами кино жителям районов Амударьинского округа велись работы по распространению книг, пропагандирующих суть и содержание партийной и коммунистической идеологии политики Тоталитарной империи и агитационные работы среди населения района.

Кроме того, были организованы культурные-просветительские учреждения, а также их отделения. В частности, в 1927-1928 годах в Каракалпакстане было 8 клубов, 13 красных чайхан, 8 крестьянских домов, 9 библиотек, 1 красный дом, 2 кинотеатра, 3 передвижных кинотеатра, 2 радиостанции и одна национальная труппа [6, 264]. Библиотеки играли важную роль в культурной жизни народа. Работа в этой области имели

внутренние противоречия, это касалось, во-первых, ликвидации библиотек при мечетях и медресе, которые были духовной пищей для народа в течение многих веков, а во-вторых, по требованию советского правительства создание библиотек был выбран основным направлением в политическом воспитании в качестве культурной базы.

В 1928 году при Каракалпакском отделе областного управления народного образования была организована экспедиция «Каракалпакская этнография», была собрана у населения исторические и культурные артефакты и положена основа краеведческого музея. 16 мая 1929 года в Доме культуры города Турткуля открылась краеведческая выставка, в которой были выставлены каракалпакская национальная одежда, домашняя утварь, украшения, старинные рукописные книги, каменные книги, изданные типографиями Хивы и Турткуля, рисунки и росписи древних и средневековых памятников [7, 31]. Каракалпакский художественный театр был создан из кружка любителей драматургии в начале 20-х годов, где основу формирования театральной драмы положили К.Авезов, З.Ф.Касымов, С.Мажитов, А.Утепов.

Самодетельные кружки были сформированы в 1920-1921 гг. при клубах, домах культуры и красных чайхан в Чимбае, Шорахане и Шаббазе. Также в 1921 году в Турткуле открылись городской клуб и библиотеки, членами кружков самодеятельности проводились творческие вечера, организовались концерты. Клуб в Турткуле предоставил широкие возможности для становления каракалпакского театра. В то же время в 1923 году хорезмская труппа «Сайёр» выступала на узбекском языке перед населением города Турткуля [8, 262].

Каракалпакские драматургические произведения создавались С.Мажитовым, А.Утеповым, А.Бегимовым, Ж.Аймурзаевым, и ставились в кружках самодеятельности. Представитель узбекской литературы Хамза Хакимзаде Ниязи посещал города Ходжейли, Кунград и Чимбай, где писал и ставил короткие пьесы в домах культуры, самодеятельных кружках, драматических труппах и концертных бригадах [9, 27]. В 1925 году в Турткуле силами студентов педагогического училища была создана первая каракалпакская национальная труппа «Таң нуры» («Утренняя заря»). Первоначально его возглавлял преподаватель того же училища З.Ф.Касымов, а с 1927 года А.Утепов. В дальнейшем на базе данной труппы был создан Каракалпакский государственный театр. В ранние годы своей деятельности труппа занималась только организацией концертов. В театральной труппе в 1922-1925 годах А.Утепов создал первые варианты спектаклей «Жездежан» (Зять), «Зиндан» (Темница), «Теңин тапқан қыз» (Девушка, нашедшая ровню) и спектакль «Шалеке бай» [10, 390-391]. Произведения, написанные писателями национальной театральной труппы «Таң нуры» («Утренняя заря»), рецензировали члены комиссии политотдела коммунистической партии. Требовалось, чтобы, театрализованные представления были в рамках культурно-просветительских работ, соответствующих политической системе того времени.

Решением Каракалпакского облисполкома от 11 апреля 1926 года «Об образовании труппы Каракалпакского национального театра» был основан ныне действующий Каракалпакский государственный музыкальный театр имени Бердаха. Распоряжением Каракалпакского областного отдела образования от 3 мая 1926 года З.Ф.Касымов был назначен художественным руководителем Каракалпакской национальной театральной труппы «Таң нуры» («Утренняя заря»). 8 ноября 1926 года состоялась премьера трехактной музыкальной драмы К.Авезова «Тилек жолында» («На пути к желанию») и открылся занавес труппы «Таң нуры» («Утренняя заря»). Летом 1927 г. труппа «Таң нуры (Утренняя заря)» под руководством З.Ф. Касимова впервые на два с половиной месяца отправилась в большие гастроли в Шаббаз, Кипчак, Ходжейли, Чимбай, Шортанкол, Кунград [11, 6]. На тот момент труппа состояла из 27 самодеятелей, из числа каракалпакской интеллигенции, среди которых были видные представители нашей национальной культуры Ж.Аймурзаев, А.Матякубов, К.Убайдуллаев, А.Хожалепесов, М.Матжанов, Ж.Сатекеева, Т.Исметуллаев, Ж.Пирназаров, К.Алланязов, Б.Сеитов, О.Туремуратов и другие.

В конце 20-х - начале 30-х годов вышел ряд работ на историческую и современную тематику, в частности пьесы С.Мажитова «Жигит болдык» («Стали парнями»), «Соңғы селтең» («Последний из ветреных»), «Багдагүль», «Бояўшы ўэкил» («Художник»), «Жалқаў дийқан» («Ленивый дехканин»), «Көкнаршы» («Любитель мака»), А.Утепова, «Қорлықтан азат» («Свободен от унижений»), «Бул ким?» («Кто это?»), А.Бегимова «Хақисилер» («Упрямые») Ж.Аймурзаева и другие.

В 1935 году планируется дальнейшее развитие театральной работы в республике и создание при нашем театре русских и узбекских трупп и открытие театра юного зрителя. В государственный театр были приглашены высококвалифицированный режиссер из Казахстана Г.Омаров и художник из Казахстана Б.Д.Каменев. В этот период состоялись встречи со всемирно известными театральными деятелями И.М.Москвинным, В.И.Качаловым, Л.М.Леонидовым, М.М.Тархановым, драматургом В.Вишневским. Таким образом, в становлении нашего национального театра можно заметить, что культурно-просветительская деятельность З. Касимова, К. Авезова, С. Мажитова, А.Утепова в создании каракалпакской национальной драмы развивалась в связи с политикой коммунистической партии того времени.

В заключение можно сказать, что в 20-30-е годы XX века попытка политики коммунистической партии обезличить многовековую национальную культуру, ценности и обычаи нашего народа как остатки старины является историческим фактом в формировании каракалпакской культурно-просветительской работы. Однако деятельность народных интеллигентов, которые в этот непростой политический период вели культурно-просветительскую работу, несомненно, огромное культурно-просветительское значение.

ЛИТЕРАТУРА

1. Каракалпакстан АССР тарихы. I том. / Нукус: «Каракалпакстан». 1977 г. – С. 360.

2. Билялов Г.М. Из истории ликвидации религиозных школ в Хорезме. //Вестник ККФАН УзССР №1, 1979 г. – Б. 80.
3. Очерки истории Каракалпакской АССР II т. – Т: «Наука». 1964 г. – Б. 360.
4. Непесов Г. Из истории Хорезмской революции / Ташкент: «Шарк». 1962 г. – Б. 250.
5. Каракалпакстан АССР тарихы. II том. – Нукус: «Қарақалпақстан». 1989 г. – Б. 383.
6. Хожаниязов Г. Жанубий Орол бўйидаги маданият, маънавият ва маърифатнинг чуқур илдизлари / Наука и общество. №1, 2016 г. – Б. 96.
7. Каракалпакстан АССР тарихы. II том. – Нукус: «Қарақалпақстан». 1989 г. – Б. 383.
8. Пахратдинов А., Алламбергенов К., Бекбергенова М. XX асир каракалпак әдебияты тарихы – Нукус: «Қарақалпақстан». 2011 г. – Б. 607.
9. Каракалпакстанның жаңа тарихы / Каракалпакстан XIX әсирдің екінші ярымынан ХХІ әсирге шекем – Нукус: «Қарақалпақстан». 2003 г. – Б. 554.
10. Жүзимбетов А. Каракалпак театрының кәлиплесиуи хәм раўажланыуы. // журнал «Искусство». – 2016 г, №3. – Б. 130.

Қарақалпақстанда мәдениет-ағартыушылық жұмыстарын раўажландыруда миллий зиялылардың ролі (1920-1930 жж.)

Сағиндиқов Б.А. Нөкіс мәмлекетлик педагогика институты

E. V. Girusovtiń pikirine kóre, ekologiyalıq sana “bul jámiyet hám tábiyat ortasındaǵı múnásibetler máselelerin social hám tábiyyı múmkinshiliklerge uyqas túrde olardı optimal sheshiw kóz-qarasların sáwlelendiretuǵın kóz-qaras, teoriyalar hám sezimler kompleksi”. [7, 27]. Biz ekologiyalıq sana máselesin analizlegende ekologiyalıq mádeniyat penen óz-ara baylanısta alıp qarawımız zárúr. Sebebi ekologiyalıq mádeniyattıń mánis- mazmunı menen óz-ara baylanısa. Ekologiyalıq mádeniyattıń mánisin B.T. Lixacheva ekologiyalıq tárepten rawajlangan sana sıpatında qarawǵa boladı degen. Ekologiyalıq sana-tábiyattı qorǵaw zárúrligin túsiniw, oǵan biypárwa múnásibettiń aqibetleri tuwrısında túsniq beredi. Sonıń menen birge , ekologiyalıq sana- hár bir insan haywanlar hám ósimliklerdiń ayrim túrlerin, ulıwma Jerdegi ómir saqlaw ushın juwapker ekenligin túsiniw. [8] Ulıwmalıq túrde barlıq anıqlamalardı kóz juwırtıra otırıp ekologiyalıq sana adam menen tábiyat onıń ortasındaǵı etikalıq, kognitiv, pragmatik múnásibetler. [9,55]

Demek, biz joqarıdaǵı pikirlerge tayanıp, ekologiyalıq sananı ekologiyalıq bolmıstı sáwlelendiriwshi kóz-qaras, ideya, teoriya, pikirlerdiń bir pütün sisteması dep atawǵa boladı. Bunda hár bir adamnıń ómir súriwi dawamında onı qorashǵan geografiyalıq ortalıǵına baylanıslı subyektiv tájriybesi menen bayıtıladı. Házirde ekologiyalıq sananı jámiyetlik sanada payda etiw ayırıqsha áhmiyetke iye. Sebebi tábiyatqa bolǵan qatnasta adamnıń minez-qulqınıń joqarı mádeniyatı, sawatlı, ekologiyalıq oylaw kónlikpesi zárúr. Ekologiyalıq sana tek ǵana tábiyattıń, onıń qúdiretiniń hám adamnıń onıń ústininen hákimiyatınıń sheklengenligin túsiniw emes, al energiyanıń derekleri hám adamnıń zamanagóy turmıs jaǵdaylarınń nátiyjesi uzaq waqıtqa ózgeriwı de yaki ulıwma joq bolıp ketiwı de múmkin ekenligin túsiniwde beredi. Bunday jaǵdaydıń bolmawı ushın adamnıń maqsetin hám ekologiyalıq talaplarınń qanaatlandırılıw usılların kelisimge keltiriw shárt boladı. Kelisimge keliw procesinde adamnıń minez-qulqı qaqıydaları ekologiyalıq hám morallıq ólшемler tiykarında belgilenedi. Ekologiyalıq sana teoriyalıq, maqsetli, sociallıq (jańa birge islesiw ideyası),

tariyxıy (múmkınshılıklar), siyasiy (eger sociallıq kúshler háreket etetuǵın bolsa), subyektivlik (boljawlar, qálewler) parametrlerdı óz ishine qamtıydı. Tábiyatqa unamlı qatnastı qalıplestiriw ushın óz-ara baylanısqa eki imperativtiń bar ekenligin bassılıqqa alıwımız tiyis. Ekologiyalıq imperativke say adam óziniń iskerligin biosferanıń rawajlanıwı menen baylanıstıradı. Al morallıq imperativke say sanada – tábiyyıy ortalıqtı pataslama, ondaǵı ústem súrip atırǵan nızamlarǵa qarsı shıqpa degen jańa tabu payda boladı. Usıǵan baylanıslı ekologiyalıq sananı mazmunlıq mániste ekologiyalıq bilim, ekologiyalıq jaǵdaydı bahalaw hám ekologiyalıq minez-qulıq degen úsh tiykarǵı element sıpatlaydı [10,139]. Ekologiyalıq iskerlik- ekologiyalıq mádeniyattı qalıplestiriwdiń eń tiykarǵı komponentilerinen biri. Ekologiyalıq iskerlikti biz subyekttiń jámiyettiń ekologiyalıq bolmısın jaqsılanıwına tásir kórsetetuǵın sanalı iskerligin túsınemiz. Usı iskerliktiń baǵıtına baylanıslı onı eki bólekke ajratamız: unamlı hám unamsız. Tábiyat hám jámiyet óz-ara baylanıslı bir pútin sistemanı payda etip, óz-ara dialektikalıq baylanıstı beredi. Yaǵnıy onda múnásibetlerdiń ózine tán tárepleri qarama-qarsılıqtıń birligi tiykarında kórinedi. Bundaǵı múnásibetler eki táreptende belgilenip otıradı. Tábiyat hám jámiyet sistemasında jaratıwda jámiyettiń roli jetekshi. Ondaǵı ekosistemanıń jaratılıwı ekologiyalıq iskerlik penen belgilenedi. Ulıwmalıq túrde jámiyet hám tábiyat ortasındaǵı dinamik turaqlıqtı saqlawǵa yamasa qayta tiklewge qaratılǵan iskerik. Ekologiyalıq iskerliktiń obyektiv mazmunı jámiyettiń óziniń tirishiligi ushın qolaylı yamasa qolaysız tabiyyıy orta menen baylanısqa túsıw zárúrliǵı. Bul baylanıs belgili maqsetke tiykarlanǵan is-háreketti júzege keltiredi. Búgingi kúnde ekologiyalıq iskerlikti sistemalı jol qoyıw aralıq tábiyat hám jámiyet ortasındaǵı teń salmaqlıqtı qayta tiklew múmkınshılıǵına iyemiz.

Házirgi dáwirge kelip, insaniyat tábiyatqa sanalı, mádeniy qatnasta bolıwı, onıń keleshegin belgilewshi faktor ekenligin bile basladı. Usı tiykarda «tábiyat-jámiyet-insan» qatnasların tábiyat paydasına reforma qılıw, oǵan mádeniy qatnasta bolıw processinde ketpekte. Mádeniyattiń payda bolıwınıń ekologiyalıq talaplar aralıǵında integraciyalasıw nátiyjesinde ekologiyalıq-etikalıq mádeniyat, ekologiyalıq-huqıqıy mádeniyat, ekologiyalıq-ekonomikalıq mádeniyat usı sıyaqlı basqa ekologiyalıq mádeniyat jónelisleri júzege kelip, óz mazmunı wazıypaların konkretlestirmekte. Ekologiyalıq mádeniyat arnawlı siyasiy mádeniyat sıpatında insan hám jámiyettiń tábiyatqa ámeliy qatnasın shólkemlestiriw, basqarıw hám qadaǵan qılıw wazıypasın atqaradı. Tábiyat átirap - ortalıqtı qorǵaw dúnyalıq máselege aylanıwı hám keskinlesip baratırǵan siyasiy ómirde ekologiyalıq mádeniyattıń baslı nızamlıǵın júzege keltirdi. Sebebi dúnyanıń turaqsız rawajlanıwı, tábiyyıy átirap - ortalıqtı qorǵawǵa túrlishe qatnas, ásirese, onıń texnik-texnologiyalıq, intellektual, materiyalıq-ruwxıy imkaniyatlarınń sheklengenligi: 1) Siyasiy ómirde ekologiyalıq mádeniyattıń rolin hám áhmiyetin kúsheytıw shara ilajların kóriw, 2) ekologiyalıq mádeniyattıń basqa formalar menen integraciya hám differenciyalasıw qásiyetlerin úyreniw, 3) ekologiyalıq mádeniyattıń mazmunı hám funkciyasındaǵı ózgerisler dinamikasin úyreniw [11, 456].

Ekologiyalıq mádeniyat máselesine baǵıshlanǵan filosofiyalıq hám mádeniyattanıw miynetlerin úyrendende mádeniyat óz ishine materiallıq tárepti- jámiyettiń tábiyat penen óz-ara tásiriniń barlıq formaların hám óz-ara tásiridin nátiyjelerin, hám ruwxıy tárepti-ekologiyalıq bilimlerdi, kónlikpelerdi, inamlardı, tájiriybelerdi qamtıtuǵınlıǵına anıqlawǵa múmkınshılık beredi. Ekologiyalıq mádeniyattı bir pútinlik sıpatında alıp qarasaq, onı ekologiyalıq sana, ekologiyalıq etika, dúnyaǵa ekologiyalıq qatnas sıyaqlı áhmiyetli, tiykarǵı komponentlerge bólip alıp qarawımızǵa boladı. Onıń ekologiyalıq mádeniyattıń ajıralmas komponenti ekologiyalıq iskerlik alıp qaraladı. Ekologiyalıq iskerlik-tábiyat penen qatnasta jámiyet belsendiliginiń ayrıqsha kórinisi bolıp tabıladı.

Solay etip, ekologiyalıq mádeniyat insaniyat mádeniyatınıń ajıralmas bólegi, siyasiy qatnasıqlar sistemasın óz ishine aladı. Etikalıq normalar, ekologiyalıq sana hám bilimlerdiń, ekologiyalıq kóz-qaraslardıń payda bolıwına hám rawajlanıwına xızmet etedi. Ekologiyalıq mádeniyattıń ayrıqsha funkciyası bul dúnyaǵa qarastıń jańa túri koevolıuciya principin beredi. Ekologiyalıq mádeniyattıń júzege keliwı hám tábiyatqa bolǵan qatnastıń ózgeriwı, yaǵnıy ekologiyalıq sana ózgeris formalarınń biri sıpatında mádeniy rawajlanıwın tezlestirdi. Mádeniyatlı insan tábiyat hám jámiyet penen óz-ara qatnasın racional jolǵa qoyıwǵa umtıladı. Ulıwma aytqanda, ekologiyalıq mádeniyattı jaratıwdıń ózi uzaq dawam etetuǵın hám de quramalı process. Adamlardıń ekologiyalıq mádeniyatın jeterli dárejede joqarı dep ayta almaymız. Onı biz iskerligi arqalı kórsek boladı. Aldınları tábiyat jámiyettiń tásirinde ózin-ózi tiklew imkaniyatına iye edi. Búgingi kúnde tábiyat ózin-ózi tiklewı jeterli dárejede emes. Insaniyat tábiyatqa endi ózin-ózi qayta tiklew imkaniyatına, tábiyyıy kóbeyiw, zat almasıwǵa jámiyet óziniń aqılıy iskerligi arqalı imkaniyatın jaratıp beriwı zárúr. Insan-tábiyat ortasındaǵı qatnaslar tariyxıy mıń jıllar dawamında insan tábiyattan ústin bolıwǵa urınǵanlıǵın hám maqsetine jetkende tábiyat bolmısına tásir tiygizip qoymadan bálki insan bolmısın qawıp astına qoyǵanlıǵın kóriwimizge boladı. Búgingi kúnde ekologiyalıq mádeniyat túsiniǵiniń qalıplesiwinde tábiyat, jámiyet, insan ortasındaǵı óz-ara qatnaslardı turaqlastırıw maqsetin ózinde jamlegen. Zamanagóy jámiyettiń kúshin tuwrı hám aqılǵa muwapıq isletiw ekologiyalıq mádeniyattıń tiykarǵı mazmunın ashıp beredi. Ekologiyalıq mádeniyattı qalıplestiriwdiń dáslepki shárti-insandı subyektiv pikirlerden azat etiw esaplanadı. Sonıń menen birge, úziksiz tálim-tárbiya processı menen baylanısta alıp qaraw kerek. Tálimniń ekologiyalıq dúnyaǵa kóz-qaraslıq aspektlerin kúsheytıw, tábiyat hám mádeniyattıń óz-ara tásiriniń filosofiyalıq hám sociallıq problemaların keń túrde jariya etiw.

Hár qıylı pánlerdi, kurslardı ekologiya menen baylanıstırıw(har qıylı ilimlerde ekologiyalıq máselelerdi bólip kórsetiw), tábiyat hám jámiyettiń óz-ara tásir etiw problemaların predmetler ara izertlewdi rawajlantırıwdı sáwlelendiriwshi pánler ara baylanısın qalıplestiriw. Ekologiyalıq izertlewlerdiń bir pútin, kompleksli tarawlarınń qalıplesiwin hám rawajlanıwın sáwlelendiretuǵın ulıwma hám sociallıq ekologiyanı, bir pútin kurslardı islep shıǵıw hám endiriw bolıp tabıladı. Bunda bizler tábiyattan racional paydalanıw arqalı ekologiyalıq mádeniyattı júzege keltirip qoymay, bálki olarda gózzallıq nızamları boyınsha tábiyatqa unamlı qatnasta bolıwın úyretiwimiz kerek. Ekologiyalıq mádeniyattıń júzege keliwı átirap-ortalıq qawıpsızlıǵı támiylengen jámiyetti jaratılıwına múmkınshılık beredi yaǵnıy ekologiyalıq printsplarǵa tiykarlanǵan jámiyet. Ekologiyalıq mádeniyattıń wazıypaları bul jasap turǵan ortalıqqa

insannın kóz-qarasın hám tábiyatqa bolǵan múnásibetin ózǵertiriw yaǵnıy qorshap turǵan átirap-ortalıqtı zıyan keltirmew dep túsindiriledi. Ekologiyalıq mádeniyattın qalıplesiwi qorshaǵan tábiyiy ortalıqtın ekologiyasınıń jaqsılanıwına, jámiyet hám tábiyat ortasındaǵı turaqlıqtı qalıplestiredi. Keleshekte insan hám tábiyat bolmısın aman alıp qalıw imkanıyatın beredi.

ÁDEBIYATLAR

1. Алимбетов Ю. Мәденият хәм цивилизация. –Некис, 2017. 34-бет
2. Калмыков В.Н. Основы философии. –Минск, “Вышэйшая школа”, 2003, -С. 388.
3. АЛИМБЕТОВ Ю. Мәденият түсиниги хақында. ISSN 2010-9075. Бердақ атындағы қарақалпақ мәмлекетлик университетиниң ХАБАРШЫСЫ. 2016, № 3 (32), 67-б
4. Berdimuratova A.K., Muxammadiyarova A. Ekologiyalıq qa'wipsizlik filosofiyasi. – No'kis: 2012, 69-BET.
5. Т. А. Орешкина, В. А. Коняшкин, Е. А. Купрессова. СОЦИАЛЬНАЯ ЭКОЛОГИЯ. Екатеринбург Издательство Уральского университета. 2018, -С. 63.
6. В.Н. Калмыков. Основы философии.-Минск; “Вышэйшая школа”, 2003, -С.163.
7. ГРОМОВ ЕГОР ВАЛЕРЬЕВИЧ СУЩНОСТЬ И ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ 09.00.11 – социальная философия Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук Елабуга – 2004, -С. 27.
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/ekologicheskoe-soznanie-i-ekologicheskaya-kultura-problemy-i-perspektivy>[Н.В. Ульянова ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОЗНАНИЕ И ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА, ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ]
9. НОВГОРОДЦЕВА А. Н. СОЦИАЛЬНАЯ ЭКОЛОГИЯ-Екатеринбург Издательство; Уральского университета, 2015.
10. BERDIMURATOVA A.K. E S T E T I K A- NÓKIS: 2020, 139-b.
11. Фалсафа камусий луғат - Тошкент: 2004. 456 б.

Ekologiyalıq mádeniyattı qalıplestiriw: sheshimler hám waziyatlar

Nogaibayev I. A. Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Rezyume. Bul maqalada mádeniyat hám ekologiyalıq mádeniyattın óz-ara baylanısınıń filosofiyalıq tárepleri úyrenilgen. Ekologiyalıq mádeniyat túsiniǵınıń negizi hám mazmunı ashıp berilgen. Avtor jámiyetlik sanada ekologiyalıq mádeniyattı qalıplestiriw boyınsha ideya hám pikirlerdi usınıs etedi.

Tayanış sózler: Mádeniyat, ekologiyalıq mádeniyat, bolmıs, tábiyat, ekologiyalıq bilim, ekologiyalıq sana.

Ekologik madaniyatni shakllantirish: echimlar va vazifalar

Nogaibayev I. A. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume. Maqolada madaniyat va ekologik madaniyatning o'z aro bog'liqligining falsafiy taraflari o'rganilgan. Ekologik madaniyat tushunchasining negizi va mohiyati yoritilgan. Muallif jamoat ongida ekologik madaniyatni shakllantirish bo'yicha g'oyalar va fikrlarni taqdim etadi.

Kalit so'zlar: Madaniyat, ekologik madaniyat, borliq, tabiat, ekologik bilim, ekologik ong.

Формирование экологической культуры: решения и задачи

Ногайбаев Ы. А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье исследуются философские аспекты взаимоотношений культуры и окружающей среды. Описана основа и сущность концепции экологической культуры. Автор вносит свои суждения и рекомендации по формированию экологической культуры в общественном сознании.

Ключевые слова: Культура, экологическая культура, бытие, природа, экологические знания, экологическое сознание.

Formation of ecological culture: solutions and tasks

Nogaibayev I. A. Karakalpak State University

Summary. This article explores the philosophical aspects of the relationship between culture and the environment. The foundations and essence of the concept of ecological culture are described. The author presents ideas and opinions on the formation of ecological culture in the public mind.

Key words: Culture, ecological culture, being, nature, ecological knowledge, ecological consciousness.

MINTAQAVIY TURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Hákimniyazov Q. A., Egambergenov H. H., Yuldashev X.

Qoraqalpoq davlat universiteti

Mintaqaviy turizm iqtisodiyotning o'ziga xos bo'lgan sohasi bo'lib, ushbu soha ham boshqa sohalar singari mamlakat iqtisodiyotiga, uning yalpi ichki mahsulotining ko'payishiga o'zining salmoqli hissasini qo'shadigan soha hisoblanadi. Hozirgi paytda turizm juda muvozanatsiz holatda rivojlanmoqda [1, 126]. Turistlarga sifatli xizmat ko'rsatishni tashkil qilish – dunyoning deyarli barcha shaharlarida joylashgan yirik turistik firmalar va turagentliklar turizmining faoliyati vazifasi hisoblanadi [2, 114]. Xorijiy va mahalliy turistlarni qabul qilish va xizmat ko'rsatish dasturini ishlab chiqishda majmualı yondashuv to'g'ri loyihalashtirishni taqozo etadi [2, 110]. Izlanishlar shuni ko'rsatadiki, mamlakatimiz hududlardagi ko'pgina turistik firmalarda turizm faoliyatiga jiddiy munosabatda bo'lmaslik holatlari va rivojlanish umuman yo'qligi bilan birga yil davomida turistlarga xizmat ko'rsatish hajmining pasayish tendensiyalari kuzatilmoqda. SHuningdek, ayrim turistik resurslardan foydalanish darajasi ham unchalik yaxshi emas.

Mamlakatimizda turistik resurslar, ulardan foydalanish va umuman turizm sohasi yetarli darajada yaxshi rivojlanishga erishish uchun birinchi navbatda ushbu sohani mintaqalar darajasida rivojlanishga erishmog'imiz lozim [3, 262]. Mintaqaviy turizimning o'xiga xos xususiyatlarga quyidagilarni kiritishimiz mumkin: Mintaqaviy turizm mavsumiylik xususiyatga ega bo'lib, odamlarning bir joydan ikkinchi joyga yoki bir mamlakatdan ikkinchi mamlakatga qisqa muddatda harakatning sodir bo'lishi bilan belgilanadi. Bunda odamlar yakka bo'lib emas, balki guruh-guruh bo'lib harakatlanadi. Mintaqaviy turizimning bu xususiyati, ta'kidlanganidek, qisqa muddatligi. Ko'p hollarda bu 2-3 kun

asosan, dam olish kunlariga to'g'ri keladi. Ta'til davrida bir haftalik, o'n kunlik turistik sayohatlar ham bo'lishi mumkin.

Ularning mavsumyligi shundaki, ko'p hollarda tabiat qo'yniga sayohat qilish bahor, yoz va kuz mavsumlarida amalga oshiriladi. Ayrim turistik yurishlar qish manzarasini tomosha qilishga qaratilgan bo'ladi. Umuman olganda bahor, yoz, oylari sayohat uchun qulay fasllar bo'lib hisoblanadi. Yana shuni ta'kidlashimiz kerakki, mamlakatimizning ayrim mintaqalaridagi turistik resurslaridan kunlarning juda sovib yoki isib ketishi nuqtai nazaridan foydalanish darajasi pasayadi yoki umuman yo'qotiladi: Turistlarning doimiy yashash joyidan boshqa joyga borishi tushuniladi. Ishlab pul topish maqsadidagi harakati bunga kirmaydi. Bu harakat bitta hudud, bir mamlakat ichida va mamlakatlararo ham bo'lishi mumkin; Mintaqaviy turizmga faqat bo'sh vaqtda dam olish, uni faol o'tkazish usuli sifatida qaralishi ham uning o'ziga xos xususiyatlaridandir. Ko'p hollarda boshqa hududlarda sayr qilish, tomosha jo'natganda ham sodir bo'lishi mumkin.

Lekin bu yerda maqsad ma'lum ishni bitirishga qaratilganligi tufayli uni turizmga kiritib bo'lmaydi: Mintaqaviy turizm nafaqat iqtisodiy, balki muhim ijtimoiy soha hamdir. Buning iqtisodiy samaradorligi bilan birga ma'naviy, ruhiy va intellektual ahamiyati ham juda katta. Bu ham mintaqaviy turizmning o'ziga xos xususiyati va katta ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatidan dalolat beradi; Mintaqaviy turizm mintaqalar iqtisodiyotining tarkibiy qismi sifatida turistlar qabul qiluvchi mintaqaga daromat keltiradi, katta valyuta tushumini ta'minlaydi, mintaq aholisini ish bilan ta'minlash darajasini oshiradi. Turistlarga xizmat qilish uchun mexmonxona kerak bo'ladi. Bu yerda ular ovqatlanishi lozim. Turli tomoshalar qiladilar. Hammasiga naqd pul, ko'p hollarda agar ular xorijiy turistlar bo'lsa, valyuta tushumining ko'payishini ta'minlaydilar[3, 260].

SHunday qilib, mintqaviy turizm iqtisodiyotning tarkibiy qismi sifatida o'ziga xos xususiyatlarga ega. Mintaqaviy turizm umumiy iqtisodiy o'sishga, ham rivojlangan mintaqalarning rivojlanishiga ko'maklashadi. Yaxshi rivojlanmagan mintaqalarda turistik markazlarni ochish davlatlarning asosiy usuli hisoblanadi. Tog' va qishloq joylarda turistik markazlarning tashkil qilinishi shu joylarning o'zlashtirilishiga, aholi turmush sharoitining yaxshilanishiga yordam beradi. Xalqaro va milliy darajada mintaqaviy turizmning rivojlanishi ko'plab qishloq joylariga yangicha hayot olib kelishi, aholining jipislashiga ko'mak berishi va shu joyning o'zida qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishni tashkil etishga katta turtki bo'lishi mumkin.

Mintaqaviy turizm rivojining kelajagini aniqlash uchun avvalo, mintaqaning moddiy – texnik bazasi, u yerdagi turistik resurslar hajmi va holati, turistik mahsulotga bo'lgan talabni chuqur o'rganish lozim. Bu ishda turistik resurslarning bahosini haddan tashqari oshirib yubormaslik lozim. Masalan ma'lum bir mintaqadagi tarixiy yodgorlik faqat shu joyning o'zi uchunгина qiziqarli bo'lishi mumkin, xalqaro maydonda esa boshqa ko'plab yodgorliklarning oldida mazkur yodgorlikning u qadar ahamiyati bo'lmasligi va turistlarni o'ziga jalb qilmasligi mumkin va shuning uchun ham bunday mintaqalarda moddiy – texnika bazani yaratishdan ko'p foyda olish amri mahol. Turistik resurslarni baholashda, qo'shni mintaqalardagi resurslarni ham hisobga olish kerak bo'ladi [4, 25]. SHunday qilib, qoloq mintaqada barpo etilgan turistik markaz uning rivojlanishiga olib keladi. Bundan tashqari, bu kabi rivojlanishning tashkil etilishi kelgusida iqtisodiy disproportsiyaning chuqurlashuvini keltirib chiqaradi.

O'zbekiston Respublikasi katta turistik salohiyatga ega. Samarqand, Buxoro, Xiva shaharlari, BMT qoshidagi YUNESKOning butun Dunyo tarixiy va madaniy merosi ro'yxatiga kiritilgan. Mamlakatimizda faqatgina tarixiy, madaniy, me'moriy, arxeologik ahamiyatga ega bo'lgan turistlarni jalb qilish mumkin bo'lgan obyektlar soni 7 mingdan ziyodni tashkil qiladi.

Ushbu obyektlardan 545 tasi me'moriy, 575 tasi tarixiy, 1457 tasi san'at, 5500 tasi arxeologik obidalaridir. Ulardan turistik obyekt sifatida qamrab olingani atigi 140 ta. Bu ko'rsatkich bor – yo'g'i 2 foizni tashkil qiladi, xolos. Qolgan turistik obyektlar, qimmatli obidalar haqida reklama ham, aniq ma'lumotlar ham yetarli emas. Demak, ko'rinib turibdiki, hali bu borada ancha ishlarni amalga oshirish lozimga o'xshaydi. Bunda tarixchi, arxeolog, qadimshunos kabi olimlarning ham xizmatlari yetarli bo'lishi lozim.

O'zbekistonning turistik salohiyati katta ekanligi bilan birga, ularning ayrim turistik mintaqalari o'ta diqqatga sazovordir. Masalan, turistlarning ko'rishi mumkin bo'lgan obyektlar soni bo'yicha Xiva shahri birinchi o'rinda turadi. Unda 310 ta obyekt, ikkinchi o'rinda Buxoro shahri bo'lib, unda 221 ta obyekt, Toshkent shahrida 144 ta va Samarqandda 118 ta obyekt mavjud. Ushbu mavjud turistik obyektlardan tashqari yana bir qancha obyektlarni barpo qilish mumkin. Birgina Samarqand viloyatini oladigan bo'lsak, uning Urgut, Omon – qo'ton, Ohalik, Mironqul kabi manzarali tog' – daralari borki, bu joylarga piyoda mashrutlarni tashkil qilish mumkin.

Albatta yoz fasllarida shu dalalarda odamlar juda gavjum bo'ladi. Lekin bular o'z ixtiyori bilan borgan dam oluvchilardir. Tashkiliy tarzda bu tog' manzaralariga sayohatlar uyushtirish hamon yo'lga qo'yilmagan. Bunday obyektlar Jizzax viloyatining Baxmal, Zomin, Forish tumanlarida, vodiy viloyatlarida, Toshkent viloyatining ko'plab manzaralari tumanlarida ham mavjuddir. Gap ularni ishga solish, aholi va mamlakatimiz iqtisodiyoti uchun foydalanishda. Mintaqalarning asosiy belgilarini hamda O'zbekiston Respublikasi hududidagi ma'muriy chegaralarni hisobga olgan holda faoliyat ko'rsatayotgan to'rtta: Farg'ona, Toshkent, Samarqand–Buxoro, Xorazim va kelajakda rejalashtirilayotgan uchta Jizzax, Qarshi – Termiz, O'rta – Qoraqalpog' turizm rayonini ajratib ko'rsatish mumkin .

Farg'ona turizm rayoni respublikaning Namangan, Andijon va Farg'ona viloyatlarini qamrab oluvchi sharqiy qisimda joylashgan. Tabiiy – iqlimiy sharoitlarning turli – tumanligi ko'plab turizm obyektlari bilan birgalikda bu mintaqadan o'quv – sog'lomlashtirish turizmini rivojlantirish maqsadida foydalanish imkoniyatini beradi. Arxeologik va me'morchilik yodgorliklar, sanoat komplekslari va xalq hunarmandchiligi Farg'ona hududida turizm kompleksini shakllantiruvchi asosiy turizm obyektlaridir. Tumanda So'x daryosi yoqasidagi Sariqo'rg'onda, Oydinko'l ko'lida, Andijonning janubiy – sharqida "Bog'ishamol" Karkidon suv omborida tabiiy dam olish hududlari tashkil qilingan .

G'oyatda qulay tabiiy imkoniyatlar, daryolar, ko'llar va suv omborlarining ko'pligi tog' – iqlim sharoitlari bilan birgalikda tumanni katta maydondagi yagona turizm hududiga aylantiradi. Farg'ona tumanidan turizm maqsadlarida foydalanishga temir va avtomobil yo'llarining keng tarmog'i mavjudligi yana bir qulaylik tug'diradi va bu tumanning hamma joyida turizm va dam olish bazalarini joylashtirishga imkon beradi.

Toshkent turizm rayoni Toshkent viloyatini qamrab oladi. Bu tuman turizimning barcha turlari uchun universal imkoniyatlarga egadir. Toshkent turizm rayonining diqqatga sazovor bo'lishidagi muhim omili uning boy landshaftli tabiati, rang – barang o'simliklar va hayvonat dunyosidir. Tumandagi Tuyabo'g'iz va CHarvoq suv omborlarida dam olish hududlari tashkil etilgan. "CHimyon" ko'mpleksi bazasida tog' – piyoda va tog' – chang'i turizmi yetarli rivojlangan. Yaxshi tarmoqlangan avtomobil va temir yo'llari Toshkent turizm rayonining turizm markazlarini bir – biri bilan bog'laydi va shahar atrofidagi temir yo'l va avtomobil turizmning rivojlanishiga imkon yaratadi.

Samarqand – Buxoro turizm rayoni. Samarqand, Buxoro va qisman Navoiy viloyatlari hududini o'z ichiga oladi. Bu tumanda turizimning rivojlanishi Samarqand Buxoroning butun dunyoga mashhur me'morchilik obidalariga asoslangan. Cho'lning issiq iqlimini hisobga olgan holda yagona bosh reja asosida bunyod etilgan Navoiy shahri ham ta'limiy ahamiyatga ega. Tumanning geografik joylashuvi turizm rivojlanishi uchun juda qulaydir. Zarafshon daryosi bo'ylab o'tkazilgan temir yo'l, keng rivojlangan shasse yo'llari tarmog'i, Zarafshon orqali unchalik baland bo'lmagan dovonlar va yaxshi so'qmoqlarning mavjudligi tumandan turizm maqsadlarida foydalanishni g'oyatda osonlashtiradi.

Xorazm turizm rayoni. O'zbekiston shimoliy – g'arbiy qismida, Amudaryoning chap qirg'og'ida joylashgan bo'lib, Xorazm viloyatining hududini egallagan. Tumandan turizm maqsadlarida foydalanish asosan Ichanqal'a me'morchilik qo'riqxonasida joylashgan Xiva tarixiy – me'morchilik yodgorliklariga asoslanadi. Ko'plab tarixiy madaniy yodgorliklar butun rayon bo'ylab joylashgan. Xivadan janubi – sharq tomonda SHo'rko'l ko'li bor. Rayondagi taraqqiy etgan aloqa yo'llar tizimi kelajakda bu yerda rayon va rayonlararo ahamiyatga ega bo'lgan turli xil turizm mashrutlarni o'rnatishga imkon beradi.

Jizzax turizm rayoni. Sirdaryo va Jizzax viloyatlari hududlarini o'z ichiga oladi. Mazkur rayonning transport bilan yaxshi ta'minlanganligi va unda tabiiy resurslarning mavjudligi unda turizm maqsadlarda foydalanish istiqbollari belgilab beradi. Bu yerda shu yerlik va yaqinda joylashgan turizm rayonlari aholisi uchun mo'jallangan dam olish kunlari masshrutlarini va qisqa muddatli dam olishni tashkil qilish mumkin.

Qarshi – Termiz turizm rayoni. Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlari hududlardan iborat. SHahrisabz, Qarshi va Termiz shaharlaridagi arxeologik va tarixiy – arxeologik yodgorliklar, kitobdagi astronomik kenglik, Dendropark rayonida turizmni rivojlantirish asosini tashkil qiladi. Qashqadaryo, Surxondaryo, Amudaryo qirg'oqlarida, CHimqo'rg'on, Pachkamar va Janubiy Surxondaryo suv omborlarida turizm va dam olish maskanlarini yaratishning istiqbollari bor. Hisor tog' tizmasi yonbag'irlarida tog' turizmi bazalarini joylashtirish mumkin.

Umuman olganda kelgusida O'zbekistonning Yana bir **O'rta Qoraqolpoq** rayonini ham o'zlashtirish mumkin. Bu hududni o'zlashtirish kommunikatsiyalar qurish uchun katta kapital mablag'larni, katta hajmdagi obodonlashtirish ishlarini talab qiladi. Bu yerda Tuproqqal'a, Burgutqal'a, Guldursun qal'a, Mizdakhan qal'alari, Qiyot shahri kabi ekskursiya obyektlari joylashgan. Bu arxeologik yodgorliklar qadimgi Xorazm sivilizatsiyasiga oid bo'lib, ta'limiy turizm resurslari sifatida tarixiy – me'morchilik ahamiyatga ega bo'lgan Xorazm turizm rayoni bilan chambarchas bog'liqdir. Ushbu yodgorliklar majmuasiga borish uchun bu hududda yaxshi transport yo'llari mavjudligi ularni Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm viloyatining turizm resurslariga kiritilishini taqozo qiladi

ADABIYOTLAR

1. Mamatqulov X.M, Bektemirov A.V, Tuxliyev I.S, Norchayev A.N. Xalqaro turizm. –Toshkent, «O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati» nashriyoti 2009 – 129 b
2. Ibadullayev N.E. O'zbekistonning turistik resurslari. – Samarqand, Samarqand iqniodiyot va servis instituti, 2008. 114 B
3. Tuxliyev I.S, Qudratov G'H, Pardayev M.Q, Turizmni rivojlantirish. Darslik. –Toshkent, «Iqtisod va moliya». 2008 – 262 b
4. Usmonov M. R. O'zbekistonda turizmni rivojlantirishning mintaqaviy xususiyatlar. Geografiya fanlari nomzodi. Dis. avtore ferati. – Toshkent, Ozbekiston milliy universiteti, 2003.
5. Soliyev A.S, Usmonov M.R, Turizm Geografiyasi. –Samarqand, Samarqand davlat universiteti. 2005.131 b.
6. Tuxliyev I.S Qudratov G'H. Turizm iqtisodiyti. – Samarqand iqniodiyot va servis instituti, 2008.219.b.

Mintaqaviy turizmni rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari.

Hakimniyazov Q. A., Egamberganov H. H., Yuldashev X. Qoraqalpoq davlat universiteti

Резюме. Maqolada mintaqaviy turizmni rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari haqida so'z yuritiladi. Shuningdek, O'zbekistondagi turistik jarayonlar bugungi kun nazaridan tahlil qilingan. Har bir turizm rayoni va uning imkoniyatlari haqida keng tushunchalar berilgan hamda xalqaro va milliy darajada mintaqaviy turizmni rivojlantirish bo'yicha takliflar kiritilgan.

Tayanch so'zlar: turistik resurs, ijtimoiy iqtisodiy ko'rsatkich, transport yo'llar, sivilizatsiya, kapital, ekskursiya.

Особенности развития регионального туризма

Хакимниязов К.А., Эгамберганов Х.Х., Юлдашев Х. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается специфика развития регионального туризма. Туристические процессы в Узбекистане анализируются с сегодняшней точки зрения. Дается широкое описание каждого туристического региона и его возможностей, а также вносятся предложения по развитию регионального туризма на международном и национальном уровнях.

Ключевые слова: туристический ресурс, социально-экономический показатель, дороги, цивилизация, столица, экскурсия.

Peculiarities of regional tourism development

Khakimniyazov Q.A., Egamberganov Kh.Kh., Yuldashev Kh. Karakalpak State University

Summary. The article discusses the specifics of the development of regional tourism. Also, the tourist processes in Uzbekistan are analyzed from today's point of view. A broad understanding of each tourism region and its opportunities is provided, as well as proposals for the development of regional tourism at the international and national levels.

Key words: tourist resource, socio-economic indicator, complex, civilization, capital, excursion

БУЮК МУТАФАККИРЛАРИМИЗНИНГ ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Якубов Ю. М.

Тошкент давлат аграр университети

Буюк мутафаккирларимиз маънавий-руҳий камолатга эришишни доимо огоҳ ва ҳушёр яшашни, Ватан, эл-юрт шаъни, тинчилиги учун ҳатто жон фидо этишни ҳаётининг мазмуни деб билган. Авлодларни ҳам ана шу эзгу амаллар руҳида тарбиялашга интилган. Бу анъаналар дунё манзаралари кун сайин ўзгариб, тинчлик-тотувликка таҳдидлар тобора кучаяётган бугунги даврда янада долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, - деб мустаҳкамлаб қўйилган [1, 21]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 25 декабрдаги парламентга тақдим этган мурожаатномасида ёшлар масаласига алоҳида урғу берди. Ушбу мурожаатномада келтирилган мақтовлар ва биз ёшларга бўлган ишонч кучимизга-куч ҳамда ғайратимизга ғайрат қўшди, десам муболаға бўлмайди.

Президентимиз ўз маърузасида тарбия масаласига алоҳида тўхталиб, “Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрига ҳар биримиз, айниқса энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аجدодимиз нима деб ёзганлар: “халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб ҳорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қўл, аср бўлиши уларнинг ўз тоа-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”, -деб таъкидлаган эди [2, 48].

Маълумки, қадим замонлардан бошлаб оила, ундаги ахлоқ, одоб масалалари ҳар бир даврнинг, жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, шоирлар, буюк алломалар ва донишмандларнинг асосий диққат марказида бўлиб келган. Шарқнинг буюк алломалари Абу Наср Фаробий, Бурхониддин Марғиноний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғарий, Кайковус, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фаҳриддин, Муқимий, Фурқат, Завкий, Увайсий, Нодира, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат каби, қўплаб олим ва ёзувчилар оила, одоб-ахлоқ масалалари юзасидан ўзларининг қимматли фикрларини бизларга баён қилиб кетганларки, улар ҳозирги ҳаётимиз учун ҳам катта ижтимоий ва мафкуравий аҳамиятга эга. Юқорида зикр этилган бобокалонларимизнинг асарларида оила ва фарзандларни баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

Бинобарин, туркий халқларнинг қадимги ёдгорликларидан бири бўлган “Авесто”да оила инсон саломатлиги, камолотининг манбаи, шунингдек муқаддас даргоҳ сифатида қадри эканлиги, фарзанд тарбияси ҳақидаги илғор фикрлар баён этилган. Жумладан, асарнинг бош қаҳрамони Зарадуштранинг заминдаги энг муҳтарам гўша қайси гўша? - деган саволига яхшилик ва эзгуликлар худоси бўлмиш Ахура Мазда: “Агар инсон уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотини ва фарзандларига, молларига ўрин ажратиб берса, ем-хашаги қўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса уйда ноз-неъматлар муҳайё бўлиб, хотини ва фарзандлари фаровон яшаса, уйда эътиқоди собит, олови алангали бўлса, уша манзил муҳтарамдир”- деб жавоб беради.

“Авесто”да инсоний бурч фақат ахлоқий йўл-йўриқларни ўзлаштиришдан иборат бўлибгина қолмасдан, балки, инсон оилавий турмуш яхши ёр ва фарзанд ҳақида ҳам ўйлаши зарурлиги таъкидланади [3, 80-81]. Унда қайд этилишича, эркак киши уйланиш учун аввало, моддий ва маънавий томондан тўқ ва жисмонан бакувват бўлиши лозим. Бунинг учун у ўз вақтида овқатланиши зарур, акс ҳолда эркак киши ўз хизмат ва ахлоқий бурчларини бажара олмайди.

“Авесто”да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуксон сақлаш учун шундай қилинган. Қўп болали оилаларга нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган [4, 93-94]. Буюк мутафаккир қомусий алломаларимиздан бири Абу Наср Фаробий яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг маънавияти ҳамда маданияти ривожига бебаҳо хисса қўшди. Ахлоқий тарбия ва одоб-ахлоқнинг назарий масалаларини тадқиқ этиш мутафаккир ижтимоий қарашларининг энг муҳим қисмидир. Фаробий инсон ахлоқи ва одоби хусусида фикр юритар экан, у ахлоқнинг шаклланишини жамоавий меҳнат билан биргаликда тасаввур қилади. Унинг фикрича, биргаликда меҳнат қилиш, жамиятни вужудга келтирганидек, ахлоқни ҳам жамоавий меҳнат яратади. Фаробий бахт тушунчасини кишиларнинг турмушдаги саодатга эришуви деб тушунади. Унингча, “бахтга эришиш учн фойдали бўлган ҳамма нарса ва бахтга эришилишида ишга солинадиган ҳамма нарса яхшиликдир ва бахтга бирон-бир даражада тўскинлик қиладиган ҳамма нарса мутлоқо ёмонликдир. Фаробий ахлоқнинг билим билан муштараклигини асослаб беради, унинг таъкидлашича, билим инсонни яхши хулқли, саховватли ва ақл-идрокли қилади. Инсон билимсиз ўз кўзлаган мақсадига эриша олмайди, -деб таъкидлайди.

Маълумки, буюк мутафаккир Бурхониддин Марғиноний “Ҳидоя” асарида оила жамиятнинг биринчи ва бирламчи заррасидир. Жамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади. Лекин у шунчаки зарра эмас, тирик вужудлар иттифоқидир. Оила фақат эр ва хотиннинг ўзидан иборат эмас. Оила эр-хотин, уларнинг

фарзандлари, энг яқин туғишганлардан иборат кишилар гуруҳидир. Оила одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир.

“Ҳидоя” асарида оила ва никоҳ масалаларидаги ана шу муносабатларнинг ҳамма томонлари адолат нуқтаи-назардан ёндошилиб ёритилади. Адолатнинг асосий мезонлари сифатида инсоф ва диёнат, ҳаромдан ҳазар, поклик каби эзгу тушунчалар кўзда тутилади. «Оилали ҳар бир аёл ва эркекнинг покизалиги ва ифбатлилигининг биринчи ва бирламчи белгиси эса зинодан сақланишдир. Зеро, «зино барча динларда ҳам ҳаромдир». Шариатда оила ва никоҳ масаласида чиқарилган ҳукмларнинг маънавий ва ҳуқуқий аҳамияти яна шундаки, уларда Қуръон оятларини асос қилиб олинган ҳолда никоҳ аҳдини тузувчи ҳар икки томоннинг, хусусан аёлнинг эр танлаш ҳуқуқининг дахлсизлиги никоҳнинг шартларидан бири деб ҳисобланади. Чунончи, «Ҳидоя» да шундай ёзилади: «...оқила, ҳур аёлнинг никоҳи хоҳ у киз бўлсин, хоҳ жувон бўлсин, валийсиз ҳам ўзининг розилиги билан боғланаверади... Никоҳ жоизлигининг сабаби шундан иборатки, бу масалада келишича, аёл ўзининг ҳолис ҳаққида фойдаланган, чунки у оқила оқ-қорани ажрата оладиган бўлгани учун ўз хоҳишича фойдаланишга ҳақли. Шунинг учун аёл мол-мулкни тасарруф этишга ҳам, ўзи учун эр танлашга ҳам ҳаққи бор... Шунинг учун уни мажбурлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ» [5, 720-725].

Буюк ақл заковват соҳиби Абу Райҳон Беруний ўзининг 150 дан зиёд асарларида инсон ҳаётидаги табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларни камраб олган. Берунийнинг изоҳлашича, шахснинг маънавий қиёфаси у бошқа одамлар билан мулоқотда бўладиган жамиятда шаклланади. Инсон жамиятда ўз қариндош уруғлари билан бирлашиб яшашга мажбурдир, бундан мақсад бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир кишининг ҳамўзини ҳам бошқаларни таъминлаш учун керакли ишларни бажаришидир.

Беруний ўз асарларида оғир нуқсонларни – зикналик, ёлғончилик, мунофиқлик, хушомадгуйликни, айниқса кишиларнинг ўз билимларига, қобилиятлари ва ҳислатларига мувофиқ бўлмаган, юксак мавқени эгаллашга интилишларини қоралайди. Инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги бир бўлгандагина у ҳақиқий камолотга эришади. Муаллив озодалик ва орасталик олийжанобликнинг ўзагидир деб уқтиради. Юксак маданиятли киши бўлган Беруний инсоннинг ёқимли қиёфаси тўғридан-тўғри унинг ахлоқий қиёфасига боғлиқлигини уқтиради. Шунга асосан, у тишни ювиш, кўз ва қовоқларни тоза тутиш уларга сўрма қўйиш, сочни эса зарур бўлганда буяш, тирноқларни олиб туриш ва силлиқлаш лозимлиги ва ҳақозоларни таъкидлайди.

Берунийнинг фикрича, агар инсон ахлоқ-одобли бўлишни истаса, юриш-туриш ва ҳаёт кечиришнинг, маданиятнинг барча унсурлари, меъёрларига риоя қилиши лозим. Шундай бўлиш, аввало, унинг ўзига боғлиқ, чунки инсон ўз эҳтиросларига ҳукмрон ва уларни ўзгартиришга қодирдир, у ўз жони ва танини тарбиялар экан, уни маънавий шифокорлик билан даволаши ҳамда аса-секин ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этиш зарур [6, 42]. Тарбия борасида буюк мутафаккир, Абу Али Ибн Синонинг ўзига хос қарашлари мавжуд. Унинг педогогик ва психологик қарашлари, ижтимоий асосга қурилган бўлиб, у бола тарбиясида умуминсоний тамойилнинг қўлланилишини ёқлаб чиққан ва тарбиячи ота-оналарга болани каттиқ тана жазосидан қўра, шахсий ибрат орқали тарбиялаш маъқуллигини уқтирган.

Ибн Синонинг “Тадбири манзил” асарининг катта бир боби оила ва оилавий масалаларига бағишланган. У оила бошлиғи олдига катта талаблар қуяди. Фарзандларни бир-бирига меҳрибон қилиб тарбиялаш ҳақида фикр юритади. Шароит қандай бўлишидан қатъий назар, бола тарбияси ота-оналарнинг вазифасидир. Ибн Сино ўз асарларида, тоа-она давлат бошлиғими, ёки жамиятнинг оддий бир аъзосими барибир бола тарбияси масаласида уларга бир хил талаб қўйилади, деган ғояни илгари суради.

Аллома бола тарбиясининг қийин ва мураккаб иш эканини чуқур ҳис этади. Бола ахлоқининг шаклланишида, дейди у эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабати, бир-бирини ҳурмат қилишлари ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг учун оила аъзоларининг ҳар бирига маълум вазифалар юклатилган бўлиши, эркек кишининг оилага бош бўлиши ва зарур талабларни бажариши, агарда бирон нарсани ваъда қилган бўлса, ваъдасининг устидан чиқиши лозимлигини таъкидлайди. Боланинг мустақил овқатланиш даври бошланиши билан ота унинг ахлоқий тарбиясига киришуви зарурлигини, мақсадга эришиш учун тарбияда болани баъзан мақташ, баъзан жазолаш кераклигини айтади.

Ибн Сино оилада тўғри тарбияни олиб бориш, оила бахтининг муҳим асоси деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, оилада отанинг табиатан юмшоқ бўлиши бола тарбиясини бузади. Оилада бош тарбиячи отадир ва отанинг каттиққўл бўлиши болалар тарбиясида муҳимдир, чунки, ота катта таъсир кучига эгадир. Алломанинг “тиб қонунлари” китобида бола тарбиясидаги онанинг вазифалари алоҳида кўрсатиб берилган. Бола камолатида онанинг мумкин қадар сипо, вазмин ва босиқ бўлиши кераклиги, ундаги ғазабланиш, қайғуриш, кўрқиш каби руҳий кечинмалар болага зарар келтириши таъкидланган [7, 142]. Донишманд баркамол авлод тарбияси борасида фикр юритар экан, жумладан қуйидагиларни таъкидлайди: Ҳар бир болани бирор хунарга ўргатмоқ шарт, ёш йигит бирор хунарни ўрганса, уни ҳаётга татбиқ эта олса ва мустақил хунар туфайли оилани таъминлайдиган бўлсагина отаси уни уйлантириб қўймоғи лозим, дейди. Демак, алломанинг фикрлари айниқса ёш оила қурувчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, оиланинг мустаҳкамлиги ва бахтли бўлиши айнан оила қурувчиларнинг ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий ҳам маънавий етуқликларига боғлиқ бўлади.

Дарҳақиқат, ёш авлод тарбияси бизнинг халқимиз ҳаётида муқаддас маънавий маскан даражасига кўтарилган. Бирор бир ёзувчи ёки адиб йўқки, бу тушунчага тўхталиб ўтмаган бўлсин, бирор бир шоир йўқки тарбия ҳақида ашъор битмаган бўлсин. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”, Кайковус ибн Искандарнинг “Қобуснома”, Алишер Навоийнинг Маҳбуб ул қулуб”, “Арбаъин”, Ризоуддин ибн Фахруддиннинг “Оила”, Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари”, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ҳифзи

сиҳати оила”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби асарлари ва бошқа кўплаб бадиий, илмий адабиётлар бу борада биз учун бебаҳо маънавият хазинасидир.

Ўзбек педагогикасининг ривожига катта ҳисса қўшган маърифатпарвар ёзувчи Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида шахс, ахлоқ-одоб, оила муносабатлари ҳақида жумладан қуйидагича фикр юритади. “ахлоқ, бу – хулқлар мажмуи. Хулқ эса, эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шакли. Бинобарин, ҳар бир хулқ эзгулик ва олижанобликнинг ёки разиллик ва бадбинликнинг тимсоли. Шу жиҳатдан улар яхши ва ёмонга бўлинади. Лекин булар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишидан ёмон бўлиб туғилмайдилар. Уларни муайян шароит ёмон қилади. Демак, ҳамма нарса тарбияга боғлиқ. Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” [8, 10]. Авлоний тарбия доирасини кенг тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. “Соғ танда соғлом ақл” деган ҳикматнинг бежиз эмаслигини яхши билади. Гапни, биринчи навбатда, боланинг соғлиги ҳақида қайғуриш лозимлигини бошлайди. Баданнинг саломат, қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсасидир. Чунки ўқимок, ўрганмок ва ўргатмок учун инсонга кучли, бақувват ва соғлом жасад лозимдир.

Таниқли адабиётшунос Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” номли асарида фарзанд тарбияси билан боғлиқ масалалар юзасидан қимматли фикрларни билдиради. Абдурауф Фитратнинг ушбу асарида оила-бир неча одамлардан иборат жамоа деб аталган. Оиланинг тинчлиги ва тараққиёти мамлакат тараққиётининг асосини ташкил этишини муаллиф қуйидагича таъкидлайди:

“Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллатнинг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тарбияга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади” [9, 215]. Фарзанднинг тўғри тарбия топиши, унинг ҳар томонлама соғлом ўсиши, жисмонан ва маънан камолга етишида ота-онанинг вазифаси, бурчи алоҳида ўрин тутати. Фитратнинг фикрича, ота-она ўз фарзандининг тарбияси билан жиддий шугулланиши керак, аммо фарзанд тарбияси билан шугулланадиган ота-онанинг ўзлари аввало, тарбия кўрган, фарзанд тарбияси ҳақида муайян билимга эга бўлишлари керак, уларнинг ҳар иккиси ўз вазифасини, ота-оналик бурчини мукамал адо этишлари, токи улар “Фарзандни жисман, ақлан ва ахлоқан камолга етиштириб, ҳаёт майдонига кучли, ақлли ва яхши ахлоқ билан чиқариши зарур” [9, 215].

Ёш авлодга бериладиган таълим — тарбиянинг ана шундай ранг — баранг миллий менталитети ва ўзбекона тизими шаклланган. У боланинг туғилишидан бошлаб то камолга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўядиган давригача бўлган йилларини қамраб олади. Биринчидан, келажакда фарзандларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун уларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини энг ёшлик чоғидан бошлаб сингдириб боришимиз, ёмон иллатларга қарши курашда фаоллигини оширишимиз, жамиятнинг пойдевори бўлишга ёшларни ҳар томонлама тайёрлашимиз, бу борада аجدодлар меросидан, уғитларидан ўрнатилган мунтазам равишда ва уринли фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, жамиятимизни кўп миллатли инсонлар яратади, шу жамиятда истиқомат қилувчи миллат, аҳоли соғлом, етук ва баркамол бўлсагина, бундай жамиятнинг гуркираб, тараққий этиб боришини билишимиз лозим. Учинчидан, раҳбарнинг илмий салоҳияти, тadbиркорлиги, сўзи билан ишининг тўғри келиши, ўзини оқилона тутиши, эҳтиросга берилмаслиги, ҳар бир қадамни ўйлаб ва ўлчаб босиши, ўйлаб гапириши, андишали бўлишини ўқитишимиз керак. Тўртинчидан шахс тарбияси масаласи ислом динида ва ундан олдинги манбаларда ҳам учрайди. Масалан, “Авесто” таълимотларида яхши фазилатга эришишнинг 39 та тури айтиб ўтилган, уларда қуйидаги фикрларни кўрамиз: “Қаноатли, хайрихоҳ, меҳрибон, кечиримли, раҳм-шафқатли, мурувватли, инсофли, ширинсўз, хушмуомала, очиқ-чехра, ҳақиқатпарвар, ростгўй” бўлиш айтилган бўлса, яна фикр давом эттирилиб, “одамларга ёрдам бериш, ота-она ва устозларга итоат қилиш, халққа хизмат қилиш” каби ўринли насиҳатлар берилган.

Демак, халқимиздаги бундай гузал фазилатлар маънавий мерос сифатида авлод ва аждодларимиздан ўтиб келмокда ва улар ахлоқий нормаларга айланган, инсондаги ички тўйгулар мажмуидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, “Ўзбекистон” Нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2019 й. – 21 б.
2. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: «Ўзбекистон НМИУ, 2017. - 48 б.
3. Маковельский А. Авесто. – Баку, 1960. 80-81 б.
4. Ҳамидов Ҳ. “Шоҳнома”нинг шухрати. –Т.: “Ўзбекистон”, 1991. 93-94-б.
5. Бурхониддин Марғиновий. Ҳидоя. 2 томлик. /Никоҳ китоби.-Тошкент: Адолат, 2002. Т.1.- 720-725 б.
6. Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. Берунийнинг сиёсий ҳуқуқий қарашлари.// “Ҳаёт ва қонун” журнали. 1996 йил, 3-сон. – 42 б.
7. Ибн Сино. Тиб қонунлари. 3 жилдлик сайланма. / тузувчилар: У.Каримов, Ҳ.Ҳикматиллаев. - Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1992. Т.3.-142 б.
8. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёки ахлоқ.-Т.: “Ўқитувчи”, 1967.
9. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар.-Т.: “Маънавият”, 2006. 215-б

*Буюк мутафаккирларимизнинг ёш авлод тарбиясига оид қарашлари
Якубов Ю. М. Тошкент давлат аграр университети*

Резюме. Маълумки, ёш авлод тарбияси масаласига қадим замонлардан аждодларимиз томонидан алоҳида эътибор билан ёндошиб келинган. “Бир болага етти маҳалла ота-онадир” деган мақол халқимиз орасида бежиз айтилмаган. Шу боисдан мақолада баркамол авлодни тарбиялашда буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш орқали, кадрларимизга таяниб, оила, ундаги ахлоқ одоб масалаларини ижодий ёндошилган.

Калит сўзлар: Авесто, Ахура Мазда, одоб, ахлоқ, оила, билим, жамият, никоҳ, маънавият, тарбия, фазилат, иллат, маънавий мерос.

*Взгляды великих мыслителей на воспитание подрастающего поколения
Якубов Ю.М. Ташкентский государственный аграрный университет*

Резюме. Воспитанию молодого поколения с древнейших времен наш народ уделял особое внимание. Не случайно народ утверждал: “Родителями одного ребенка могут выступать семь аулов”. В статье развивается мысль о том, что в воспитании каждого ребенка активно участвуют семья, махалля, традиционные ценности, мудрые изречения предков, традиции народной педагогики, утверждается, что их нужно использовать умело, творчески.

Ключевые слова: Авесто, Ахура Мазда, этикет, мораль, семья, знания, общество, брак, духовность, воспитание, добродетель, пороки, духовное наследие

*Views of great thinkers on the education of the younger generation
Yakubov Y.M Tashkent State Agrarian University*

Summary. It is known that our ancestors paid special attention to the issue of educating the younger generation since ancient times. The proverb “Seven villages per child – parent” is not in vain among our people. Therefore, the article discusses that family, makhalla, moral issues, an in-depth study of the heritage of our great ancestors, traditions of folk pedagogy should take an active part in the education of a harmoniously developed generation. It is claimed that they should be used skillfully, creatively.

Key words: Avesto, Akhura Mazda, etiquette, morality, family, knowledge, society, marriage, spirituality, upbringing, virtue, vices, spiritual heritage.

ҚУБЛА АРАЛ БОЙЛАРЫНЫҢ АНТИК ДӘҒИР ФОРТИФИКАЦИЯСЫНЫҢ ИЗЕРТЛЕНИҢ ТАРИЙХЫНАН

Алимбетов А., Азатов А.

Қарақалтақ мәмлекетлик университети

Елимиз тарийхында әйемги дәғирлерден үлкен әхмийетке ийе болған тарийхый мәдений басқыштын бири антик дәғири болып есапланады. Бул өтмиш тарийхтын антик (кулшылык) басқышында Арал бойы, Хорезм алабында өзине тән мәдений раўажланыў өзгешеликлери болған. Бул үлке әйемги дәғирден-ак елимиздин ажыралмас мәдений ошақларынан есапланады. Кубла Арал бойларының әйемги қалалары ҳәм қонысларындағы қорғаныў қурылысларының қәлиплесиў тарийхы ҳәм раўажланыў избе-излиги әйемги қала ҳәм мәмлекетлер цивилизациясының қәлиплесиўин изертлеўлер ҳәм үйрениўде әхмийетли машқалалардың бири болып келмекте. Антик дәғирден баслап қалалар әскерий стратегиялық әхмийетке ийе болып, олардың бекинис элементлери есапқа алынып қурылды. Фортификация сөзи латынша «Fortificatio» – укрепление – бекинис, қорғаныў деген мәниде қолланылады[11, 224].

Орта Азияның әйемги дәғир қала ҳәм қонысларының қорған бекинислери қурылыслары әхмийетли түрде биринши мәртебе Арал бойы аймағында изертленген. Кең көлмедеги археологиялық изертлеўлер бул регионда ерте темир дәғиринен баслап, орта әсирлер дәғирин өз ишине алып, ол С.П.Толстов, В.Огородников, В.Л.Воронина, Қ.С.Сабиров, Г.Хожаниязов ҳәм басқа алымлардың мийнетлеринде өз сәўелелениўин тапқан [3;48]. Орта Азияның әйемги фортификациялық машқалаларына Англиялы илимпаз А.П.Франкфортдың мийнетлери бағышланған болып, онда қурылысларды дәғирлерге бөлип көрсетилсе, ал Орта Азияның фортификациялық эволюциясын жүдә анық қысқа схемасын әсирлерде көрсетиўге Г.А.Пугаченкова ҳәрекет етти[6;83]. Изертлеўши К.С.Сабиров Орта Азияның фортификациялық қәлиплесиў ҳәм эволюциялық машқаласын көрип шыға отырып, қурылыслардың қорғаныў дәстүрлериниң орынланыўына, функциональ хызметине ҳәм раўажланыў дәрежесине итибар береді. Оған алғашқы, протоқалалық ямаса ерте қорғанлардың қәлиплесиўи, қала типине айланыўы, қала қорғанларының ишинде дийўаллар менен бөлиниўи, қала фортификациясының раўажланыўы деп бес басқышқа бөлип көрсетиўге ҳәрекет еткен [10; 79-84].

Арал бойының әйемги дәғири қорғаныў қурылысларын изертлеген археолог Г.Хожаниязов фортификациялық усылларды салыстыра отырып Арал бойы естеликлериниң айырым қурылысларының уксаслықларын, соның менен бирге шетки мүйеш қорғаныў системаларында өзине тән айырмашылықларын көрсетип өтеди [14;68-87]. Онда бизиң эрамызға шекемги IV-III әсирлерде Арал бойлар қалаларында фортификацияның раўажланыўы жетилискен қорғаныў усылларын изертлеўлеринен гүўалық береді.

Бунда мәселе Қорғасын қаланың қорғаныў системасының тиклениўин әйемги Арал бойының сиясий тарийхы менен байланыстырады. Б.э.ш. V-әсир ақыры – IV-әсир басларында ахаманийлер ҳәкимияты қол астынан азат болған Арал бойы өз алдына мәмлекетлик ийеликке айланды, бул ҳаққында мәмлекеттиң кубла ҳәм арқа-батыс шегараларының беккемлениўлери гүўалық береді. Жүдә зәрүрли стратегиялық орында жайласқан әйемги қорғаныў қурылыслары соның ишинде Қорғасынқала әйемги Арал бойы мәмлекеттиң ишки районларын көшпели дала қәўимлери топылысынан арқа-шығысты қорғаўда белгили орын ийелеген[8;144-149]. Арал бойы аймағында әйемги қалалар, қорғанлар өзиниң функциональ хызметине қарай хәр қыйлы мақсетлерди гөзлеп қурылған. Әйемги қалалардың бириншиси басқарыў резиденция сыпатында, екіншиси саўда-өнерментшилик орайлары, үшіншиси цивилизация орайы ретинде, ал төртіншиси қорғаныс-стратегиялық мақсетлерде қурылған[5;44-49]. Әйемги Арал бойы цивилизациясы ҳәм қала қурыўдың басланғыш басқышы менен байланыслы болған Гүзелиқыр қаласы пайда болды. Дәслепп кубла-батыс Арал бойының (бәлки үлкен Арал бойының) орайы сыпатында тикленген Гүзелиқыр қаласы Ахаманийлердин Арал бойларын басып алыў дәғиринде пүткил Арал бойы мәмлекетиниң сиясий ҳәм административлик орайы болғанлығы анықланбақта. Арал бойларын басып алған Ахаманийлер жергиликли ҳәкимиятты сақлап қалған ҳәм бул аймақта сайланған өз найыбы ушын Қалалықыр-1 қаласында үлкен сарай да қурыўды баслаған. Бирақ

Арал бойы халықтары өз ғарезсизлигин тиклеу нәтижесінде Ахаманийлер найыбы ушын басланған қурылыс ислери питпей қалған.

Арал бойы мәмлекети б.э.ш. V-IV әсирлерде өз ғарезсизлигине ерискеннен соң Ахаманийлер басқарған дәуірде мәмлекет шегарасына жақын жайласқан хәм админстративлик басқарыу қолайсыз болғанлықтан пайтахт Гүзелиқырдан мәмлекет ишкерисине көширилген [1;103-105]. Арал бойының Ахаманийлер басып алғаннан кейинги дәуірде илимий мәдений орайы Қойқырылған қала болған, деген пикирлер бар. Бирақ диний хәм илимий астрономиялық бақлау орны болған Қойқырылған қалаға қарағанда соңғы жылларда алып барылған изертлеулер нәтижеси Ақшахан қаласы Арал бойының б.э.ш. IV – б.э. III әсириниң пайтахт қала екенлиги илимий тийкарын тапты [15;28]. Бизиң эрамыздың I-II әсирлерде Арал бойының пайтахты деп қабыл етилген Топырақ қала соңғы дәуірде әмелге асырылған изертлеулер Арал бойы шахлардың резиденциясы екенлигин көрсетти.

Арал бойында ылай пахса қурылыс материалы сыпатында қала қурлысы тарийхында б.э.ш VIII әсирде белгили. Б.э.ш. VII әсир ақыры VI әсир басында қурылысларда ылайдан исленген қам гербиш хәм пахса, сыбау байланыстырыушы материал сыпатында гейде аралас түрде қолланылған. Қалалардың тарийхын дәуірге бөлиуде гүлалшылық өнімлери, нумизматика материаллары менен бир қатарда қурылыс материалы болған гербиш хәм үлкен әхмийетке ийе. Б.э.ш. V-IV әсирлерде қурылысларда үлкен өлшемдеги тууры төртмүйешлик үлкен квадрат гербишлерден пайдаланған [13;111]. Арал бойының архаик дәуирин үйрениу археологиялық изертлеулер менен тығыз байланысly. Әсиресе Арал бойы қалаларының структуралық дүзилиси, фортификациялық қурылыслары хаққында Арал бойы археологиялық-этнографиялық экспедициясы басшылығы болған С. П. Толстов, ағза-илимпазлар Я. Г. Гулямов, М. Г. Воробьева, Б. В. Андрианов, Ю. А. Рапопорт, М. С. Лапиров-Скобло, В. Н. Ягодин, Г. Хожаниязов, М. М. Мамбетуллаев, хәм басқалардың терең изертлеу жұмыстарын алып барыуы нәтижесінде бир қанша жаңалықлар енгизилди [3;28]. XX-әсирдің соңғы он жыллығынан баслап Қарақалпақстан алымлары әйемги Кубла Арал естеликлерин изертлей отырып, Арал бойының архаик дәуирине тийисли тарийхый машқалаларының бири болған әйемги фортификациялық қурылыслары хаққында олардың структуралық дүзилиси, қурылу дәуірлери, қорғаныу системалары, олардың элементлери хаққындағы машқалалардың жаратылыуына үлкен үлес қосты [14;54].

Әйемги Арал бойы аймағында Гүзелиқыр, Дингильже, Хумбызтөбе сыяклы архаик дәуір естеликлери табылды хәм изертленди. Арал бойының архаик дәуириниң ең ерте естеликлериниң бири шеп жағалық Әмиүдәрья бойында, Ташауз қаласынан 85 км аралықтағы әйемги Черменяб каналы жағасында жайласқан Гүзелиқыр қалашасы болып есапланады. Бул естелик 1939-жылы ХАЭЭ тәрәпинен ашылып, XX-әсирдің 50-жылларынан баслап 1982-жылға дейин естеликте стационарлы археологиялық жұмыслар алып барылды [1;98].

С.П. Толстов қалашада изертлеу жұмыслары тийкарында жасау дийуаллары менен болған қалашалар хаққындағы гипотезаны алдыға қойды. Стационар қазыу жұмыслары пайытында Гүзелиқыр қалашасында 3 қорған дәуіза анықланды. Қалашаның орайлық бөлимінде бир гектарды ийлеген сарай қалдығы анықланды. Изертленген комплексте 20 дан аз болмаған үлкен хәули хәм бөлмелер бар болған. Изертлеулер нәтижеси бойынша сарай хәули бирлеселериниң хожалық-мәдений орайы болып табылады деген гипотезаны алға сүрди [9;156]. Арал бойы архаик дәуири ақырына тийисли қорғаныу қурылыслары болған естеликтің бири Түркменстанның Ташауыз үәлаяты аймағында Гүзелиқырдан шығыста жайласқан естелик Қалалықыр I болып есапланады. Қалалы-қыр I мөканынан қорғаныу қурылыслары менен бирликте антик дәуири стандартындағы алебастрлы гербишлер хәм фигуралы алебастр гербишлери тауып изертленди. Алебастрдан, сондай-ақ архитектуралық безеу детальлары (бөлимлери) де исленген [12;49].

Гүзелиқыр хәм Қалалықыр I археологиялық естеликлерин изертлеу нәтижесінде әйемги Арал бойының Б.э.ш. VI-V әә тийисли болған қорғаныу қурылысларының биринши функциональ хызмети хәм қәлипlesiу дәуири анықланып, бул тийкарда қорғаныс қурылыслары ерте архаикалық хәм соңғы архаикалық дәуірлерге бөлинеди. Қарақалпақстанлы археолог Г.Хожаниязов өзиниң «Әйемги Арал бойы қалаларының фортификациясы» (VI в. до н.э. - IV в. н.э.) деп аталған кандидатлық диссертация жұмысы да әйемги Арал бойының фортификациялық қурылысларының рауажланыуын бир неше этапларға бөлип көрсетти. Буған тийкар болған жуумақ ХАЭЭның хәм бул исти дауам еттириушилер болып есапланған жергиликли археолог илимпазлардың хызметлери жүдә үлкен болды. Көп жыллық терең мийнетлер ақыбетинде әйемги Арал бойының фортификациялық қурылысларын тийкарынан үш этапқа бөлип көрсетеди: архаикалық дәуір б.э.ш. VI-V әсирлер, Кангюй дәуири б.э.ш. IV-II әсирлер «Әйемги Хорезмниң патшалық дәуири» деп аталыушы дәуири хәм Кушан дәуири б.э.ш. I – бизиң эрамыздың IV әсирлери деп көрсетип өтиу мүмкин екенлигин дәлиллелген [13, 24]. Биринши этап XX-әсирдің 30-жылларынан 1941-жылға дейинги дәуір болып, ол академик Я.Г. Гулямов хәм ХАЭЭ хызмети менен тығыз байланысly. Бул дәуірде кең барлау жұмыслары хәм көлеми бойынша шекленген үлкен емес археологиялық естеликлерде алып, бойынша Хийуа, Гоне-Ургенч, Хазарасп, Девкескен сыяклы әйемги қалаларында илимий изертлеулер әмелге асырылды [2;95-97: 9;128]. Екинши этапы 1940 жылларды өз ишине алып үлкен көлемдеги қазыу жұмыслары ири әхмийетли естеликлердің биринде басланып, дәслеп Топырақ қаланың (1945-1950) жоқары сарайында, соң Қойқырылған қалада (1951-1957). Соның менен бирликте Гүзелиқыр, Қалалықыр I, Султаниздаг Гәуір қаланы хәм Шахсанем қалаларында стационар изертлеу жұмыслары өткериле баслады. Бул дәуірде қалалардың улыуа планы, оның сызылмасы структуралық дүзилиси хәм фото сүүретлери исленип, қорғаныу қурылысларының әхмийетине, дүзилисине итибар берилди. Олардың бир-бирине уқаслықлары яки қайсы дәуірге тийислилиги, қандай мәдений қатламларға ийе екенлиги дыққатқа алынды [1;95-97: 9;128].

Эйемги Арал бойының фортификациялық қурылыстарын үйрениудің үшінші этапы XX-әсирдің 50-жыллары ақырынан бастап 1990-жыллардың орталарына шекемгі дәуірді өз ишине алады. Ол бір тәрептен жаңа фортификациялық естеликлердің ашылуы менен байланыссы болса, ал екінші тәрептен бұрын ашылған археологиялық объектлердің үйренилуінің дауам еттирилиуі менен байланыссы. 1965-1975-жылларда бұрын ашылған Топыраққаланың Жоқары Сарайында қазыу жұмыстары дауам еттирилди. 1952-жылы С.П.Толстовтың изертлеулерине мууапық Гүзелиқыр хәм Қалалықыр I қалашаларындағы қазыу жұмыстары Арал бойының архаикалық дәуіріне кириуши (б.э.ш.VII-VI әә) фортификациялық системаларының көплеген белгилерин алыуға мүмкиншилик берди. 1971-жылы археолог Вайнберг тәрепинен Қалалықыр 2 қалашасында, 1986 хәм 1991-жыллары Гяур қала 3, Корғасын қалада Колянов тәрепинен қазыу изертлеу жұмыстары дауам еттирилди, ал 1987-жылы Гертман Киши Қырққыз қалада қазыу жұмыстарын алып барды. Бұған изертлеулер хызметинде Хазарасп, Шахсанемқала, Жигербент, Садвар хәм басқада бир қатар орта әсирлер дәуіріне тийисли сыяқлы қалаларда Арал бойының ерте антик дәуіри фортификациялық принциплерине толық жууап бере алатуғын антик дәуіри бекинислери барлығын дәлиллелуши қурылыстары бар екенлиги илимпазлар Воробьева, Лапиров-Скобло, Неразик, Рапопортлар тәрепинен тастыйықланды. Бул қурылыстардың көпшилиги әйемги Арал бойының отырықшы дийханшылық регионларында қәлиплескен болып, жоқары дәрежеде қорғаныуды тәмийинлеген болсада, олардың көпшилиги антик дәуіри қала-қорғанларының саулатында көрсететуғын еди [13;17].

Буннан тысқары уллы алым С.П.Толстов тәрепинен 1960-жыллардың ишинде Сырдарьяның төменінде жайласқан Б.э.ш. I мың жыллықтың орталарына баратуғын көшпели турмыс кешириуши қәуимлердің көп санлы: Чирик Рабат, Бабиш мулла, Баланды, Жетиасар, Шағырлы хәм басқа да бекинислери ашылып изертленди [7;38]. Әйемги Арал бойының естеликлерин үйрениудің үшінші этапы Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясының Қарақалпақстан бөлими археологлары да қосылды. 1984-жылы Гудкова тәрепинен Токқала қалашасында, 1968-жылы В.Ягодин тәрепинен Миздахканда, 1967-жылы Е.Бижанов тәрепинен үлкен Айбүйірқала, Дәүкескен, Бутентау 1 хәм 2 естеликлери, 1977-жылы Ю.Манылов тәрепинен Аяз қала I, Бурлы қала естеликлери қорғаныу бөлимлери де хәм улыуа естелик пенен қазып изертленген. Антик дәуіри естеликлерин изертлеулердеги әхмийетли табыслар Кубла Арал бойыда избе-излик түрде изертлеулер менен байланыссы болды. 1973-1976-жыллардағы стационар түрдеги археологиялық қазыулар нәтийжесинде 1994-жылға келип М.Мамбетуллаев тәрепинен Кубла Арал бойының әйемги дәуір естеликлеринин салыстырмалы хәм абсолюттик хронологиясы тастыйықланды хәм алдын ала типологиялық классификациясы исленип шығылды [3;27].

Гөрезисизлик жылларында ӨзРҚГИИИИ менен Сидней Университети (Австалия) алымлары А.В.Г.Беттс, В.Н.Ягодин, Ғ.Хожаниязовлар басшылығында антик дәуіріне тийислиАқшахан қалада изертлеу жұмыстары алып барды хәм онда пайтахт қалаларға тән курлыслар бар екенлигин анықлады.

Жуумақлап айтқанда, Кубла Арал бойларының антик дәуір фортификациялық қурылыстарын жаңа тәбийғый физикалық, географиялық ахборот системасының жетискенликлеринен пайдаланып изертлеу, илимий жуумақ шығаруы бүгүнгі күннің баслы ұазыйпалары болып табылады.

ӘДБИЯТЛАР

1. Вишневская О.А. Городище Кюзели-гыр. К вопросу оранием этапе истории Хорезма// «Вестник древней истории», 1997 №2.
2. Гуламов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи қадимги замонлардан хозиргача. –Тошкент, 1959.
3. Қдырнийзов М-Ш., Қдырнийзов О-Ш. Антик дәуір Хорезм цивилизациясы. Нөкис, 2014.
4. Мамбетуллаев М. История и культура южного Хорезма античной эпохи (города и поселения IV в. до. н.э – IV в.н.э.) // А.Д.Д. Ташкент, «Фан», 1994. С. 28.
5. Огородников В. Фортификация Древнего Хорезма, Военно-инженерный журнал, 5. – М.,1950.
6. Пугаченкова Г.А. К интерпретации и типологии некоторых археологических памятников Мерва и Мисси- ТЮГАКЭ, XV, –Ашхабад,1978.
7. Толстов С.П., По следам древнехорезмской цивилизации. –М-Л.,1948.
8. Толстов С.П. Работы Хорезмской архелого-этнографической экспедиции в 1949-1953 гг. ТХЭЭ. Т.П. –М.,1958.
9. Рапопорт Ю.А., Лапиров-Скобло М.С. Раскопки дворцового здания на городище Калалы-гыр 1 в 1958-1960 гг. МХЭ.Вып.6. –М.,1963.
10. Собиров К. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудоффаа иншоотлари (мил.авв. VI - мил.одий IX асрлар). –Тошкент, "Фан", 2009,
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ф ҳарби.
12. Хожаниязов Г. История развития фортификации Хорезма- СА,2, –М-1981.
13. Хожаниязов Г. Фортификация древнего Хорезма (VI в. до н.э.-IV в.н.э.) //А.к.д. –Нукус, 1996.
14. Хожаниязов Г. Қадимги Хоразм мудоффаа иншоотлари. –Тошкент, 2007.
15. Хожаниязов Г. Раскопки северо-восточных ворот Верхнего города Акшахан калы. История и археология Турана, №2. – Самарканд. 2016

*Кубла Арал бойларының Антик дәуір фортификациясының изертленуі тарийхынан
Алимбетов А., Азатов А. Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

Резюме. Мақолада Кубла Арал бойларының антик дәуір фортификациялық қурылыстарын жаңа тәбийғый физикалық, географиялық информация системасының жетискенликлеринен пайдаланып изертлеу жұмыстары хақында сөз етиледи. Сондай ақ, усы изертлеу жұмыстары тийкарында илимий жуумақ шығаруы бүгүнгі күннің баслы ұазыйпалары екенлиги дәлиленген.

Таяныш сөзлер: фортификациялық қурылыс, географиялық информациялық системасы, тарийхый қалалар.

Жанубий Орол бүйи Антик дәвр фортификацияси тадқикот ишлари тарихидан

Алимбетов А., Азатов А. Қорақалпақ давлат университети

Резюме. Мақолада Жанубий Орол бўйи антик давр фортификацион қурилишларини янги табиий, физик, географик инфор­мацион тизими ютуқларидан фойдаланиб тадқиқот ишлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ушбу тадқиқот ишлари асосида илмий ечим топиш бугунги куннинг долзарб муаммолари эканлиги асосланади.

Таянч сўзлар: фортификацион қурилиш, географик инфор­мацион тизим, тарихий шаҳарлар.

Из истории исследований древних фортификационных сооружений Южного Приаралья

Алимбетов А., Азатов А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Статья посвящена исследованию древних укреплений Южного Приаралья с использованием достижений новых природных, физических, географических информационных систем. В подчеркивается что всестороннее изучение этих данных способствует сделать более широкое научные обобщение.

Ключевые слова: фортификационное строительство, геоинформационная система, исторические города

From the history of research of ancient fortifications of the Southern Aral Sea Basin

Alimbetov A., Azatov A. Karakalpak State University

Summary. The article is devoted to the study of the ancient fortifications of the Southern Aral Sea Basin using the achievements of new natural, physical, geographic information systems. It is also based on the fact that finding a scientific solution based on this research is an urgent problem today.

Key words: fortification construction, geographic information system, historical cities

СТЕРЕОТИП ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Абдуллаева М. М.

ЎзР ФА МАМ Фанлараро тадқиқотлар бўлими

Кириш. Стереотиплар гуруҳ ёки ижтимоий тоифага оид статик ва ўта содда­лаштирилган ғоялар бўлиб, кундалик ҳаётда улар бизнинг тахминларимиз ва хатти-ҳаракатларимизга кучли таъсир қилади [9, 2005]. "Стереотип" инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади. Кундалик тилда "стереотип" сўзининг кўп маънолари мавжуд бўлиб, биз ундан бировнинг фикри, ташки қиёфаси ёки хулқ-атворини баҳолаш учун фойдаланамиз.

Стереотиплар – бу гуруҳлар, инсонлар, ҳодисалар тўғрисидаги айрим тасаввурлардир, бундай тасаввурлар ҳақиқатга яқин бўлиши, айрим ҳолларда нотўғри ёки ҳаддан ташқари умумлаштирилган бўлиши мумкин. Бир томондан, улар дунё манзарасини содда­лаштиради ва олинаётган маълумотларни тез ишлашга қўмаклашади, бошқа томондан, улар ҳақиқатни бузиб кўрсатиши ва хатоли умумлашмаларга олиб келиши мумкин [1, 61].

Стереотиплар турли ёндашувлар асосида ўрганилган. Стереотиплаш ҳодисаси кўп қирралидир. У ўзини инсон фаолиятининг турли соҳаларида намоён қилади. Шундан келиб чиқиб, тегишли билим соҳаларида маълум бир талқинни олади. Ушбу мақолада стереотипнинг моҳиятини тушунишга қаратилган ижтимоий-психологик ёндашувларни тизимлаштиришга ҳаракат қилинган. Стереотип ҳақидаги назариялар: қиёсий таққослаш (стереотип ҳақида педагог, социолог ва психологларнинг фикрлари қиёсий таққосланди); даврийлик (стереотип билан боғлиқ назарияларнинг олдинги ва кейинги ўзгариши хронологик келтирилди); объективлик (стереотипни салбий ёки ижобий баҳолашда минимум ҳамда максимум қийматдан чиқилмади) каби асосий услубий тамойилларидан фойдаланиб ўрганилди.

Асосий қисм. Стереотип термини (юнон. stereos – қаттиқ, typos – из, тамға) америкалик социолог W. Lippman томонидан илмий муомалага киритилган. У 1922 йилда нашр этилган “Public opinion” (“Жамоат фикри”) номли китобида стереотипларнинг жамоат фикри тизимидаги ўрни ва ролини аниқлашга ҳаракат қилган. Липпман стереотипни бизнинг онгимизга етиб бормасидан олдин ҳис-туйғуларимиздаги маълумотларга муайян таъсир кўрсатадиган атроф-муҳитни алоҳида идрок қилиш шакли сифатида тушунтирган [7, 79-95].

Америкалик психологлардан J. L. Hilton ва W. von Hippel лар [6, 1996] ўзларининг ҳаммуаллифликдаги “Стереотиплар” номли мақоласида, стереотипни шакллантириш, сақлаш, қўллаш ва ўзгартиришга ёрдам берадиган билим ва мотивацион омилларни очиб беришади.

Социолог олимлардан W.E. Thompson ва J.V. Hickey [10, 2005] лар “Жамият диққат марказида: социологияга кириш” журналида стереотиплар ва унинг қандай пайдо бўлишига тўхталиб, улар ижтимоий ҳаракатларимизни шакллантиришга ва таъсир кўрсатишга ёрдам беришини таъкидлайди.

Рус педагог олими Н.В. Сорокина ўзининг “Методическая типология стереотипов как компонент содержания обучения иностранным языкам в вузе” [3, 2013] номли мақоласида стереотипларнинг маданиятлараро алоқа омили сифатида улкан аҳамиятига қарамай, уларга университетдаги ўқув жараёнида етарлича эътибор берилмаётганлигини таъкидлайди. Шунингдек, чет тилларини ўқитиш соҳасида ўтган йиллардаги стереотиплар муаммосини таълим мазмунига сингдиришга қаратилган бир нечта уринишлар асосан стереотипларга қарши курашиш, йўқ қилиш, олиб ташлашга қаратилган бўлиб, бу эса замонавий ижтимоий-психологик фан нуқтаи назаридан тўғри эмаслигини асослаб беради. Н.В. Сорокина стереотиплашнинг табиати инсоннинг фикрлаш жараёнларининг ажралмас қисми эканлигини, стереотипларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бу уларнинг хилма-хиллиги бўлиб, буни стереотипларнинг турларини ажратиб бериш орқали исботлайди.

Америкалик олим А. Donovan McFarlane ўзининг [5, 2014] “Стереотиплаш ва стереотипларнинг ижобий назарияси: Стереотиплаш фойдалими?” мақоласида стереотипларнинг ижтимоий рақобат назариясини таклиф қилади, шунингдек, ресурслар рақобати стереотипни заруратга айлантиришини асослаб беради ҳамда

олимларга стереотиплаш ва стереотипларнинг муҳим ижтимоий функциясига хизмат қиладиган ижобий қарашларни ўрганишни тавсия қилади.

Pedro Bordalo, Katherine Coffman, Nicola Gennaioli, Andrei Shleifer [10, 2015] ларнинг “Стереотиплар” номли тадқиқотларида стереотипларнинг моделини тақдим этишади ва унинг гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга таъсирини экспериментал тадқиқотлар асосида очиб беришади. Агар янги маълумотлар гуруҳнинг ўзига хос хусусиятини ўзгартирса, стереотиплар ўзгариши мумкинлигини таъкидлашади.

XVII аср охирида франциялик ношир F. Dido китоб нашриётида вақт, меҳнат ва нархни тежайдиган қурилмани ихтиро қилди. Ихтиродан олдин, ҳар сафар китобнинг матни катта маблағ сарфлашга олиб келинган. F. Dido нинг янги ижодий қарори матн теришдан иборат бўлиб, ундан сўнг кўп сонли китобларни чоп этишга имкон берувчи металл плиталари чиқарилди. Ф. Дидо ўзининг ихтиросини - стереотип: “stereos” - мустаҳкам “typos” – тасвир деб номлади.

Оксфорд инглиз луғатида “Стереотип – маълум бир турдаги шахс ёки нарсанинг кенг тарқалган, аммо қатъий ва соддалаштирилган шакли ёки ғояси” [8, 2013] деб таърифланади. Стереотип атамасини фанга У. Липпман киритиб, стереотиплар тадқиқи назариясига асос солган. Унинг назарияси бошқа илмий тадқиқотларнинг пайдо бўлишига туртки берган. 1928 йилда америкалик социолог Р. Бинкли стереотип сифатини баҳолаш қобилиятини ва ахборотни ўзлаштириш ҳамда қайта ишлашнинг психологик жараёни билан боғлиқлигини аниқлаган [11]. Инглиз социологи Г. Тэджфел стереотипларнинг мавжудлигини инсон руҳиятининг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳлади. Стереотиплаштириш тўғрисидаги мақоласида стереотипнинг нормаллигини ва унинг кундалик ҳаёт учун функционаллигини таъкидлайди. **Г. Тэджфел:** “Стереотиплаш инсонни тоифаларга ажратиш фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, бу “ёмон” ҳам эмас, “яхши” ҳам эмас, балки у мавжуд, эҳтимол атрофимиздаги дунёни соддалаштиришга қаратилган доимий ҳаракатларимизда бирон бир мақсадга хизмат қиладиган” [12]. Алоҳида индивидларнинг таснифини умумлаштириш ва уларни бир инсонлар ва ҳодисалар гуруҳига қўллаш бу – стереотиплаш ёки стереотип асосида фикрлаш деб аталади. Э.Аронсоннинг фикрича, “Стереотип асосида фикрлаш – бу гуруҳда унинг аъзолари ўртасидаги реал фарқликларга эътибор бермаган ҳолда ҳар қайси инсонга бир хил тасниф беришдир” [1, 46]. Рус олими С.В. Чугров миллий стереотип тушунчасини қўллаган, “стереотип” ва “имидж” тушунчаларини ўзаро боғлиқлигини аниқлаган [11]. Америкалик психологлар J. L. Hilton ва W. von Hippel лар стереотиплар нафақат турли хил мотивацион сабабларга кўра, балки турли хил мотивацион омиллар туфайли шаклланиб, сакланиб қолинади деб тахмин қиладилар. Яъни, мотивация ва ҳис-туйғулар “қачон” ва “қандай” стереотипларни яратишда “муҳим” роль ўйнашини асослаб берадилар. Улар стереотипларни – “ҳақиқий фарқларнинг ақлий намоиши” [6, 238-239] деб таъкидлашади.

Шунингдек, бошқа гуруҳлар ва шахсларнинг умумлаштирилган тасаввурлари ва стереотиплари қаердан келади? деган саволга W.E. Thompson ва J.V. Hickey лар қуйидагича жавоб беришади: “Буларнинг кўпчилиги ўз-ўзидан пайдо бўлади, чунки биз аниқ ижтимоий алоқада бўламиз. Шунга қарамай, ушбу тажрибанинг (асоснинг) ўзи баъзи бир кучли инъикосларни ҳисобга олмайдиган. Кўплаб одамлар баъзи гуруҳлар ҳамда тоифаларга нисбатан (гарчи улар билан ҳеч қачон шахсан учрашмаган бўлса ҳам) ижтимоийлашув жараёнида ўргатилган тахминлар ва стереотипларда қолиб кетади, бу эса бизнинг ижтимоий ҳаракатларимизни шакллантиришга ва таъсир кўрсатишда ёрдам беради” [10, 130-131]. Ҳар қандай маданият ўзининг дунёни идрок қилишига асосланган, ўз тафаккури ва хулқ-атворининг стереотипини шакллантиради. Стереотипларни ҳар нарсада ва ҳар қиёфада учратиш мумкин. Улар ирқий (“Осиёликлар математикани яхши билишади”), сиёсий (“Республикачилар бой”), жинслар (“Аёллар математикада ёмон”), демографик (“Флорида” аҳолиси қариялар) ва машғулотлар (“учиш хавфли”) каби гуруҳларга ажратилади. Ушбу ва бошқа мисоллар сифатида баъзи стереотиплар аниқ (“голландлар баланд бўйли”), бошқаларини эса аниқлиги камроқ гуруҳларга (“Ирландияликлар қизил бошли”; атиги 10%) ажратишимиз мумкин. Бундан ташқари, стереотиплар ўзгаради: АҚШда яҳудийлар XX асрнинг бошларида диний ва ўқимаган сифатида тасаввур шаклланган бўлса, XXI асрнинг бошида уларга нисбатан аксил стереотип шаклланади [9, 1753-1754].

Стереотиплар инсонга умуман олганда дунё ғоясини шакллантиришга, унинг тор ижтимоий, географик ва сиёсий дунёси чегараларидан чиқиб кетишга имкон беради. Стереотипларнинг шаклланишига асосан маълум бир жамоат вакиллари хулқ-атворини, уларнинг миллий ва маданий хусусиятларни билмаслик сабаб бўлади. Стереотиплар бошқа маданият вакиллари хатти-ҳаракатлари тўғрисида баъзи тахминларни келтириб чиқаради. Аммо шуни таъкидлаш керакки, стереотипларнинг шаклланиши қисман ҳақиқий фактлар билан қўллаб-қувватланади. Шунга қарамай, стереотиплар, на миллий характерга, на халқнинг ўзига хос қиёфасига ўхшаш эмас. Стереотиплар тилда акс этади. Вақт ўтиши билан доимий равишда такрорланиб турадиган иборалар маълум бир лисоний (тилга оида, тилга тегишли) барқарорликни олади ва клик даражасига ўтади [13]. Биз янги меъёрлар, маданиятлар, хатти-ҳаракатлар ва ҳақиқатларга қарши туриш усули сифатида стереотип билан шуғулланамиз. Бу бизнинг ижтимоий эволюцион ривожланишимиздан келиб чиқиши мумкин. Ирқлар, маданиятлар, этник гуруҳлар, жамоалар ва минтақаларнинг оддий изоляция қилинган ижтимоий гуруҳларидан ҳозирги кунга қадар юқори даражада интеграциялашган глобал жамиятларда ҳам бошқаларни кадрлаш ва қабул қилиш учун кураш олиб борилган ва боришмоқда. Шунинг учун ўз шахсий ва гуруҳ идентификаторимизни тасдиқлашимиз керак, айниқса улар бизнинг меъёрларимиз ва қадриятларимизга зид бўлганда [5, 142]. Стереотиплаш ва стереотиплар ҳар доим инсоният жамиятининг бир қисми бўлиб келган ва биздан бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари, қадриятлари, тиллари, ташқи кўриниши, маданий амалиёти ва идеалларини тасвирлаш ҳамда тушунишга урунишларидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Стереотиплар

ўзликни англаш ва сақлаб қолиш ёки реакцион мақсадлар учун кўпроқ хизмат қилади ва бу бошқаларни тушуниш борасида бизнинг қобилиятсизлигимиз ва чекловларимизни қоплашга хизмат қилади [5, 142-143].

Стереотипнинг ҳаётимиздаги ўрни икки хил. Бир томондан, стереотип кўп вақт ва кучни тежайди, чунки биз шу каби вазиятларга шаблон ечимини ресурсларни фикрлашга сарф қилмасдан қўллашимиз мумкин. Бошқа томондан, стереотиплар хурофот ва хатоларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун стереотипларнинг хусусиятларини ҳам ўрганиш муҳимдир.

Бизнинг шахсий хурофотларимиз ва мурасасизлигимиз ҳам стереотипларни яратишга олиб келадиган кучли манбалардир. Бошқаларни тушуниш ва чинакам билиш учун вақт ажратишимизга тўсқинлик қиладиган стереотиплаш жараёни осонроқ йўлга мурожаат қилади, яъни ривожланмаган билимларга асосланиб тахминлар қилади ҳамда уларни бутун гуруҳ ва халқлар бўйича умумлаштиради. Агар бу бизнинг ўз ҳаётимиз ва мавжудлигимизга ижтимоий рақобат нуқтаи назаридан хавф туғдирса, биз ижтимоий генетика туфайли фарқларга қарши туришимиз ва маданий синкретизм [2] ҳамда ассимиляция (бир халқнинг ўз тили, маданияти, урф-одатлари ва бошқаларини йўқотиб, иккинчи халққа қўшилиб кетиши) қилишдан сақланишимиз керак, [5, 143]. Стереотипларнинг мазмун-моҳиятини психологик эмас, балки ижтимоий омиллардан излаш керак [4, 151]. Стереотип бизнинг тахминларимиз ва хатти-ҳаракатларимизга кучли таъсир кўрсатадиган гуруҳ ёки ижтимоий тоифага оид статик ва соддашатирилган ғоялар бўлиб, стереотиплар маданий ва ижтимоийлашув услублари, оила, дўстлар, тенгдошлар билан ўзаро муносабатларимиздан келиб чиқади ва улар биз яшайдиган, ишлайдиган ва ўйнайдиган ижтимоий институтларда мавжуддир [5, 141-142]. Стереотиплар оммавий ва индивидуал онгнинг ажралмас қисмидир. Ҳеч ким ҳам идрок, ҳам тафаккурда “автоматизмларсиз” яшай олмайди. Унинг ҳар қандай вазиятни ўйлаб кўришга на кучи, на вақти бор [14]. Демак, стереотиплар бир гуруҳ одамлар шахсий хусусиятларига оид фикрлар бўлиб, улар умумлаштирилган, ноаниқ ва янги маълумотларга чидамлидир. Одамлар ўзаро муносабатларни англаш, барпо этиш ва янада тўлиқ билиш жараёнида стереотипларни табиий равишда қонуний асосланмаган ёндашувга айлантиради.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган ижтимоий-психологик назарияларга асосланиб қуйидаги хулосаларга келинди: стереотиплар инсонга олам ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, ўзининг тор ижтимоий, географик ва сиёсий муҳитидан чиқишга имкон беради. Бундан кўриниб турибдики, стереотиплар ҳеч қачон алоҳида кишиларда пайдо бўлмайди, улар ҳар доим гуруҳларда юзага келади; стереотип – у ёки бу халқнинг миллий характери ҳақида объектив маълумот беради; стереотип бу маълум ёки номаълум гуруҳлар, институтлар, ирқ ва бошқалар ҳақидаги билвосита анчайин заиф асосларга эга бўлган айрим ёки (кўп ҳолларда) умумий тушунчадир. У ижтимоий муносабат асосида вужудга келади ва доимий равишда глобаллашади. Айрим ҳолларда реал фактларга асосланди. Умумий тушунча сифатида қўлланилганда айнан ёритилаётган объект(лар) ҳақидаги бошқа далиллар назардан четта қолиб кетади. Бу эса киши онгида салбий ёки ижобий характерли образларнинг шаклланишида кўплаб хатоларга йўл қўйилишига сабаб бўлади; тушунча мазмуни доимий равишда ўзгариб туришини ҳисобга олганда стереотип кўплаб янги билимлар ҳосил қилишга қаршилик қилади. Чунки стереотип ўзигагина хос бўлган ҳукмрон ғоялари бошқа зид бўлган маълумотларни рад этади ва айнан шу ғоялар доирасига кирувчи далилларни (асоссиз бўлса ҳам) қабул қилади. Бу эса ақлий қолоқликка, маълум бир тур юзасидан чиқарилган саёз образлар доимий равишда сақланиб қолишига хизмат қилади. Лекин шу билан бирга ҳозирги глобаллашув давридаги вақт танқислиги масаласида стереотиплар анчагина ижобий ечим сифатида хизмат қилиши мумкин. Чунки стереотип ҳар қандай ҳолатда ҳам объектив (қисман) асосга эга бўлади. Унинг шаклланиши ва тарқалиши жуда тезлигини, инсонлар онгига енгил “ҳазм” бўлишини инобатга олгандан ундан маълумотларни қисқа, тез, унумли ва ишончли тарзда билвосита ва бевосита етказишда фойдаланиш яхши самара беради. Бунинг учун стереотипнинг мантикий асосларини яъни тушунча ичига кирувчи ҳукм ва хулосаларнинг объективлигини, чинлигини таъминлаш лозим. Стереотиплардан омма орасида ҳоҳ салбий ҳоҳ ижобий мақсадларда фойдаланилмасин, унинг ички моҳиятини англаш, доимий равишда ундаги ўзгаришларни таҳлил қилиб бориш асосида янги билимлар ҳосил қилиши мумкин. Бу эса келажакда бўладиган стереотип билан боғлиқ бўладиган ижтимоий муаммоларни олдини олиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Людмила Ким. Гендер стереотиплари. // Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётга кириш (илмий мақолалар тўплами). – Т. “Ўзбекистон”. 2007. – Б. 61
2. Синкретизм // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона: в 86 т. (82 т. и 4 доп.). – СПб., 1890–1907.
3. Сорокина Н.В. Методическая типология стереотипов как компонент содержания обучения иностранным языкам в вузе // Язык и культура. – № 3 (23). – 2013. – С. 120-139. (1,25 п.л.). <https://cyberleninka.ru/article/n/metodicheskaya-tipologiya-steretipov-kak-komponent-soderzhaniya-obucheniya-inostrannym-yazykam-v-vuze>
4. Этнопсихология: Учебник для вузов Т. Г. Стефаненко. — 3-е изд., испр. и доп. — М.: Аспект Пресс, 2003. — 368 с. ISBN 5-7567-0176-1
5. Donovan McFarlane A. A positive theory of stereotyping and stereotypes: is stereotyping useful? // Journal of studies in social sciences, (ISSN 2201-4624). – 2014. – volume 8, number 1. – P.140-163
6. J. L. Hilton and W. von Hippel. *Stereotypes* // Annu Rev. Psychol. 1996. 47 (1): – P. 237–71
7. Lippman W. Public Opinion. – N.Y., 1950. – P. 427.
8. Oxford English Dictionary Online. Definition of Nickname. 2013. Retrieved from <http://www.oxforddictionaries.com/definition/english/nickname>
9. Pedro Bordalo, Katherine Coffman, Nicola Gennaioli, Andrei Shleifer. STEREOTYPES // The Quarterly Journal of Economics. 2016. – P. 1753–1794. doi:10.1093/qje/qjw029. Advance Access publication on July 19, 2016.
10. Thompson W.E., Hickey J.V. Social Interaction in Everyday Life // Society in focus: an introduction to sociology, 5/e. New York: Longman. – 2005. – P. 119-141. (0-205-42825-8 Exam Copy ISBN).
11. Изучение этнических стереотипов / https://studme.org/90325/kulturologiya/izuchenie_etnicheskikh_stereotipov

12. Понятие стереотипов / https://studme.org/90322/kulturologiya/ponyatie_stereotipa.
13. Национально-культурные стереотипы: генезис и функции / https://studme.org/.../natsionalnye_kulturnye_stereotipy_genezis_funksii
14. Профессиональные стереотипы и мифы о психологах / https://studme.org/272303/.../professionalnye_stereotipy_mify_psihologah

Стереотип ва унинг ижтимоий-психологик асослари

Абдуллаева М. М. ЎзР ФА МАМ Фанлараро тадқиқотлар бўлими

Резюме. Ижтимоий тизим феномени сифатида стереотип турли фан соҳа вакиллари томонидан ўрганилади. Файласуфлар, социологлар, маданиятшунослар, этнолог ва антропологлар асосан стереотипларнинг этник жиҳатларига кизикса, психологлар кўпроқ стереотипларнинг таъсирини ўрганишади. Маколада стереотип ва унинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган бўлиб, стереотипларнинг назарий асослари очиқ берилган. Шунингдек стереотиплашнинг инсон онгида барқарор мавжудлиги асосланган.

Таянч сўзлар: стереотип, стереотиплаш, салбий ва ижобий стереотиплар.

Стереотип и его социально-психологическая основа

Абдуллаева М.М. Национальный центр археологии Академии наук Республики Узбекистан, «Междисциплинарный отдел»

Резюме. Стереотип как явление социальной системы изучается представителями различных дисциплин. В то время как философы, социологи, культурологи, этнологи и антропологи в первую очередь интересуются этническими аспектами стереотипов, психологи с большей вероятностью будут изучать влияние стереотипов. В статье анализируется стереотип и его содержание, которое основано на устойчивом существовании стереотипов в сознании человека.

Ключевые слова: стереотип, стереотипы, негативные и позитивные стереотипы

Stereotype and its socio-psychological basis

Абдуллаева М.М. National Center for Archeology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, "Interdisciplinary Department"

Summary. The stereotype as a social system phenomenon is studied by representatives of various disciplines. While philosophers, sociologists, culturalologists, ethnologists, and anthropologists are primarily interested in the ethnic aspects of stereotypes, psychologists are more likely to study the effects of stereotypes. The article analyzes the stereotype and its content which is based on the steady existence of stereotyping in the human mind.

Key words: stereotype, stereotypes, negative and positive stereotypes

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ – ДАВР ТАЛАБИ

Зиядуллаев М. Дж.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Республикада пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти инсон омили, фуқароларнинг конституций ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларига сўзсиз роя этилишини таъминлаш, ижтимоий таъминот ҳуқуқини кафолатлаш ва ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳуқуқий демократик давлат қуришдан иборатдир.

Давлат пенсиялари, бу – фуқаронинг аввалги даврлардаги меҳнат ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга фойдали фаолияти ҳисобга олингани ҳолда давлат молиявий жамғармалари ҳисобидан унга бутун умрга ёхуд меҳнат лаёқати тиклангунига қадар тирикчилик ўтказишнинг асосий манбаи сифатида, қонунда назарда тутилган миқдордан кам бўлмаган ҳолда мунтазам амалга ошириладиган пул тўловларидан иборатдир.

Статистик маълумотларга қўра 2021 йил 1 апрель ҳолатига мамлакатимизда 3,9 млн.дан ортиқ пенсионер ва нафақа олувчилар мавжуд бўлиб, улардан 2,9 млн.дан ортиғи ёшга доир пенсия олувчилар, 390 минг нафардан ортиғи ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар 192,8 минг нафарни, шунингдек, ижтимоий нафақа олувчилар 412,4 минг нафарни ташкил этади. Республикада ўртача пенсия миқдори 805,3 минг сўмни ташкил этади [1]. Кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга ошираётган давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқароларни давлат пенсиялари билан таъминлаш учун йирик миқдорда молиявий ресурсларни сарфламақда.

Жумладан, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон Қонуни билан 2021 йилга Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлар прогнози 23,5 трлн. сўм ва давлат бюджетдан 14,7 трлн. сўм трансферт ажратилиши кўзда тутилган, харажатларига эса 36,5 трлн. сўм режалаштирилган [2]. Амалга оширилаётган пенсия соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади ва йўналиши – пенсия таъминоти учун ажратилаётган маблағлардан тежамли ва самарали фойдаланишга, ўз аҳамиятини йўқотган имтиёزلарни мақбуллаштириш орқали ижтимоий адолатни қарор топтириш, боқимандаликка барҳам беришга қаратилгандир. Аҳолини пенсия таъминоти соҳасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ва ташкилий ҳуқуқий ислохотлар пенсия таъминоти тизимларини яна ҳам такомиллаштириш, пенсионерлар ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир. Пенсия таъминоти ҳуқуқини янада такомиллаштириш ва халқаро стандартларга мослаштириш борасида 2011 - 2021 йиллар давомида пенсия таъминотига оид қонун ва қонуности ҳужжатларига 60 дан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилининг 3 февралдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон фармонини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли [3].

Ушбу фармонга асосан пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида 2021 йил 1 июндан бошлаб айрим тартиблар жорий қилинди.

1. Пенсияга чикувчи фуқаролар учун иш стажи ёки иш ҳақини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қуйидаги маълумотлар базаларидан фойдаланилади: 2005 йилдан кейинги даврлар бўйича Халқ банкидаги жамғариб борилаётган пенсия учун ўтказилган суғурта бадаллари; 2016 йилдан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадаллари асосида; 2019 йилдан кейин эса давлат солиқ қўмитаси қошида ишловчиларнинг ягона реестри базасидаги маълумотлар. Лекин, пенсия расмийлаштириш учун мурожаат қилаётган шахсларнинг 2005 йилгача ишлаган даврларини тасдиқловчи ҳужжатларни йиғишда бир қатор муаммолар мавжуд. Пенсияларни тайинлаш комиссияси томонидан талаб қилинадиган 2005 йилгача бўлган ҳужжатларни йиғишда қорхоналарни тугаб кетганлиги, ҳужжатларни архив идораларига топширилмаганлиги, мавжуд ҳужжатларнинг ҳам талаб даражасида тўлдирилмаганлиги сабабли пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган фуқароларнинг ортиқча овозгарчилигига йўл қўйилмоқда эди.

Ушбу салбий ҳолатларни олдини олиш ва келажакда пенсияга чиқишдаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида - 2021 йилнинг 1 июндан пенсияларни тайинлашда, жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр яъни 2005 йилгача бўлган даврлар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланаши белгиланди.

2. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш кексаликда фаровон турмуш кечиришлари учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида пенсия қонунчилиги тубдан ислохот қилинмоқда.

Авваллари пенсияларни қачон тайинланганлигидан қатъий назар текширувчи органлар томонидан айнан бир пенсия ишини бир ёки бир неча маротаба текширишлар ўтказиб, ортиқча тўловлар аниқланган тақдирда тегишли айбдор субъект ёки шахслардан ундирилар эди. Аксарият ҳолларда айбдор ташкилотлар тугаб кетган бўлиб, ортиқча тўловларни қайтариш пенсионерлар зиммасига тушар эди.

Қонунчилик институтларида, ҳар бир ҳуқуқий оқибатлар ва уларни бартараф этиш муддатлари белгиланган. Жумладан, жиноят кодексида ҳам, маъмурий ёки меҳнат кодексида ҳам қилинган ҳар қандай ҳуқуқий оқибатлар учун чоралар кўриш муддатлари белгиланган. Лекин, ушбу нормалар пенсия таъминоти тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқий оқибатларни аниқлаш ёки аниқланган ортиқча тўловларни ундириш муддатлари аниқ қилиб белгилаб қўйилмаган. Бунинг натижасида юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар бўйича текширувчи органларга ҳам, тайинловчи органга ҳам, қолаверса пенсионерга ҳам бир қатор ўзига хос мураккаблик ва қийинчиликлар туғилар эди. Қонунчилик билан пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш бўйича Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари шаклланганлиги, тўғри тайинлашни таъминлаш ва хато-камчиликларни ўз вақтида аниқлаш учун Пенсия жамғармасида ички аудит тизимларини жорий этилганлиги ва бюджет маблағларини мақсадли сарфланиши ва қонун талабларига мос равишда пенсияларни тайинланганлигини ўрганиш мақсадида Молия вазирлигининг назорат қилувчи бўлинмалари мавжудлигини ҳисобга олиб, бундан ташқари пенсия тайинлангандан бошлаб уч йил муддатда барча пенсия ишлари ўрганиб чиқилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда - уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш тартиби юқорида кўрсатиб ўтилган Президент фармони билан бекор қилинди.

Ушбу киритилган нормага “текшириш” сўзидан кейин “агар кейинчалик ушбу пенсия иши бўйича жиноят аломатлари аниқланмаса” деган ибораси қўшиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Республикамизда 2021 йил 1 март ҳолатига жами меҳнат ресурслари 19 227,4 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 14 926,7 минг киши ва бандлар 13 397,5 минг кишини ташкил этади.

Банд аҳолининг 42,6 фоизи расмий секторда, 57,6 фоизи норасмий секторда фаолият юритади. Иш сўраб меҳнат органларига расман мурожаат қилганлар 1 529,2 минг киши ва хорижда ишлаётган фуқаролар сони 1 588,7 минг кишини ташкил этади [4]. Мамлакатимизда фуқароларнинг келажакдаги ижтимоий таъминот ҳуқуқларини тўла тўқис амалга ошириш мақсадида, бошқа давлатлар тажрибасида кам учрайдиган ўзини-ўзи банд қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Шу билан бирга, уй хўжалик юмушлари билан шуғулланувчи ёки ўзини-ўзи банд қилиш фаолияти билан шуғулланиш имконияти йўқ шахсларнинг ҳам келажакдаги ижтимоий таъминот ҳуқуқларини тўла тўқис таъминлаш мақсадида, - ишловчи фуқароларга ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи белгиланди. Шу ўринда ушбу амалга киритилаётган нормага ҳам қуйидагича ўзгартириш киритиш таклифи берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. “турмуш ўртоқлари” сўзи ўрнига “оила аъзолари ёки яқинлари” деган сўз киритилса, меҳнат қилиш имконияти йўқ шахсларнинг келажакдаги ижтимоий таъминот билан таъминлаш имкониятлари янада кенгайган бўлар эди.

4. Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунида фуқароларга пенсия тайинлаш ёки тўлаш бевосита улар истикомат қиладиган жойдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Бугунги кунда республикада ахборот-коммуникация технологияларни такомиллашганлиги, шахслар тўғрисидаги маълумотлар базаларини шаклланганлиги ва вазирлик, идоралар ўртасида интеграцияларни йўлга қўйилганлиги, шунингдек, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ушбу фармон билан:

Пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади деб белгиланди;

5. Бундан ташқари пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки банк мобил иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилиши ҳам белгиланиб, бу пенсионерлар учун янада қулайликлар яратди.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сон қарорида пенсияларни нақд пулсиз шаклда оловчи шахслар ҳар олти ойда ўзининг тирикчилигини исботлаш мақсадида пенсия бўлимларида келиб аризалар бериш тартиби амалда мавжуд эди. Бу эса фуқароларга жуда ноқулайлик туғдирарди [5]. Ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда оловчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинди.

7. Кексаларни эъзозлаш, уларни тўлиқ ижтимоий ҳимоя қилиш ва қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, турмуш кечиришларида ҳар хил қийинчиликларга дуч келмаслик мақсадида пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг 2021 йил 1 февраль ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилди. [6]

Буларнинг барчаси республикада олиб борилаётган одилона ижтимоий сиёсат, инсонларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш ва аҳолининг заиф қатлами ҳисобланган пенсионерларни етарлича ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кўрсатилаётган амалий ёрдамлардан далолат беради.

Амалга оширилиб келинаётган ҳуқуқий ислохотларнинг асл мақсади - инсон манфаатларини олий қадрият сифатида ҳар томонлама таъминлаш ва муҳофаза этишдан иборатдир.

АДАБИЁТЛАР

1. www.pfru.uz.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2020 й., 03/20/657/1669-сон.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.02.2021 й., 06/21/6155/0082-сон.
4. www.stat.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 24.12.2020 й., 09/20/806/1662-сон; 22.02.2021 й., 09/21/87/0134-сон
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

Кучли ижтимоий ҳимоя давр талаби

Зиядуллаев М. Дж. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Резюме. Мақолада ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асослари, Республикада пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, имконияти чекланган шахсларга, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар ёритиб берилган. Хусусан охириги 5 йилликда пенсия таъминоти бўйича амалга оширилган ўзгаришлар, 2021 йил 1 июндан амалиётга жорий қилинган ўзгаришларнинг мазмун моҳиятлари ва пенсия таъминоти бўйича тақлифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлари: ижтимоий ҳимоя, пенсия, пенсия таъминоти, ортиқча тўлов, нафақа, суғурта бадаллари.

Сильная социальная защита - требование времени

Зиядуллаев М.Дж. Государственный комитет по статистике Республики Узбекистан

Резюме. В статье освещены правовые основы социальной защиты, социальной поддержки пенсионеров в республике, меры, принимаемые для дальнейшего развития, оказания комплексной помощи инвалидам, пожилым людям, совершенствования системы государственного пенсионного обеспечения граждан и устранения существующих проблем в этой области. В частности, были выдвинуты предложения об изменениях в пенсионном обеспечении за последние 5 лет, введенных в практику с 1 июня 2021 года.

Ключевые слова: социальное обеспечение, пенсия, пенсионные выплаты, переплата, выплаты, страховые взносы

Strong social protection is a requirement of the times

Ziyadullaev M.Dj. State Committee on Statistics of the Republic of Uzbekistan

Summary. This article highlights the legal foundations of social protection, social support for pensioners in the republic, measures taken for further development, providing comprehensive assistance to disabled people, the elderly, improving the system of state pension provision for citizens and eliminating existing problems in this area. In particular, proposals were put forward on changes in pension coverage over the past 5 years introduced into practice from June 1, 2021.

Key words: social security, pension, pension payments, overpayment, payments, insurance premiums

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ ИЖТИМОЙ РЕАЛЛИК СИФАТИДА: ФАЛСАФИЙ-СИНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛ

Оразбаев А.К.

Қорақалпоқ давлат университети

Замонавий ижтимоий реаллик борган сари мураккаб тус олиб, уни тадқиқ этишда анъанавий ёндашувлар адекват бўлмай қолди. Эндиликда бундай мураккаб ижтимоий реаллиқни янгича методологик ёндашувлар асосида тадқиқ этишни тақоза этмоқда. Ҳозирги Ўзбекистонда бўлаётган ижтимоий жараёнлар, жумладан, Янги

Ўзбекистонни барпо этишнинг назарий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш, ушбу янги сифатни шакллантиришнинг назарий модели бўлиб хизмат этади.

Замонавий ижтимоий реалликнинг мураккаблиги қўйидаги хусусиятлар билан аниқланади: ижтимоий реалликнинг ночизиклиги, ноаниқлиги, хаотиклиги, олдиндан башорат этиб бўлмаслиги, бекарорлиги ва ҳакоза. Ижтимоий реалликнинг ушбу хусусиятларини тадқиқ этишда қандай парадигма жавоб беришни ўрганиш бизга ижтимоий реалликни билиш ва илмий бошқариш имкониятини тақдим этади. Ушбу мақолада Янги Ўзбекистонни янги ижтимоий реаллик сифатидаги мазмун ва моҳиятини ва Янги Ўзбекистонни структуралаштирувчи омилларни бир сўз билан айтганда, янги аттракторни топишнинг айрим масалаларини илмий-назарий жиҳатларини таҳлил этамиз.

Ҳозирги замон ижтимоий реалликдаги жараёнлар ва ҳодисаларга биз илгари фикрлаган оддийлик, чизиклилик, тартиблилик, барқарорлик, қатъий детерминациялашганлик, мувозанатлилик сингари хусусиятлар билан бир қаторда, мураккаблик, ночизиклилик, тартибсизлик, бекарорлик, мувозанатлилик, спонтан ўзгарувчанлик, кўпвариантлик, ўз-ўзидан ташкиллаштириш сингари белги ва хусусиятларга хос. Бунга қўшимча бугунги кунда, ижтимоий реаллик шакл ва мазмунининг трансформацияси намоён бўлиб, янги кибермакон ижтимоий реаллиги шаклланди. Кибермакон янги ижтимоий реаллик сифатида бир қатор олимлар томонидан тадқиқ этилиб, жумладан А.А. Калинин кибермакон ижтимоий реаллигининг назарий-методологик жиҳатларини ўрганган [1, 3-18]. XX асрнинг охири ХХІ асрнинг бошларида ижтимоий реалликнинг манзараси олимлар томондан қўйидаги қўринишларда беради: тармоқли жамият, тармоқ (М. Кастельс), виртуаль ижтимоий реаллик (Иванов Д.В., А.А.Каланкин), нотақилланиш (С.Лэш), индивидуаллашган жамият (Бауман З.), рискли (хавф-хатарли жамият) жамият (Гидденс Э) [2, 118-123]. Шунингдек, классик ва ноклассик методологиянинг тамойилларига асосланиб, ижтимоий реалликни тадқиқ этганимизда юқоридагидай белгилар келиб чиққанда қўлланиш адекватли эмас.

Шунки, замонавий ижтимоий реаллик борган сари мураккаблашиб бормақда. Замонавий ижтимоий билишда мураккаб тизимлар олиб қаралганда, уларни илмий билишнинг методологик асосини ўзгартириш талаб этилади. Бу нарсa бир томондан, ижтимоий реалликдаги жараён ва илмий билишда янгича концептуал тушунчаларни киритишни талаб этади. Шунки, классик методологиянинг категориал аппарати мураккаб тизимларни илмий тадқиқ этишга етарли эмас. Шу билан бирга, янгича методологик мезонларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

«Ижтимоий реаллик – бу инсон томонидан яратилган ва унинг субъектив фаолиятининг объективлаштирилган натижаси ҳисобланади». [3, 90-91]. Дарҳақиқат, ижтимоий реаллик инсонларнинг ўзаро таъсири, уларнинг фаолиятининг барча турларини ўз ишига қамраб олади. Ҳозирги ижтимоий реалликнинг мураккаблашуви инсонлар фаолиятининг мураккаб тус олиши, уларнинг фаолияти натижасини бир қийматли аниқлаб бўлмаслиги билан боғлиқ бўлади.

Ҳозирги Янги Ўзбекистон ривожланиши янги стадияси сифатида, ривожланишнинг янги сифат даражасини англатади. Бу жараён янги бурилиш моментини англатиб, синергетик нуқтаи назардан янги ижтимоий бифуркациянинг намоён бўлишини билдиради. Бундай ижтимоий бифуркация шароитида тизим нафақат барқарор янги тартибни шу билан бирга, хаотик режимга ўтиши мумкин. Шу сабабдан, ҳар бир давлат ноаниқлик шароити ҳолатида ижтимоий хавфларни, ижтимоий хаосни, ижтимоий рискларнинг олдини олиш мақсадида ўзларининг ривожланиш стратегиясини белгилаб олади. Глобал ноаниқлилик шароитида Ўзбекистон ўзининг стратегик мақсади ҳисобланган Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс моделларини танлади. Бу ерда биз бифуркация тушунчасини илмий таҳлил этамиз. Тизимнинг бифуркация нуқтасида тизимнинг ривожланиши ҳолатининг иккита имконияти мавжуд бўлади. Биринчиси, тасодифлар ҳукимронлик этиб, жараёнлар ривожланишини фақат ташқаридан кузатишимиз мумкин. Иккинчиси, жараёнларни бошқарув учун бирон бир таъсирни қўллаб мақсадли ҳаракат этиш лозим.

Буни синергетик мазмунда олиб қараганимизда янги бифуркация нуқтаси бўлиб ҳисобланади. Бифуркация нуқтаси ижтимоий жараёнларнинг ривожланишидаги янги сифат ўзгариш моментини ифодалайди. Бифуркация нуқтасида ижтимоий тизимнинг кейинги ҳолатини аниқ айтиб бўлмайди ҳам да унинг ривожланиши кўп вариантликка эга бўлади. Ижтимоий тизим бундай ҳолатдан кўпгина ривожланиш йўлларининг бирини танлов йўли билан чиқади. Буни синергетикада аттрактор деб атаймиз. Масалан, Ўзбекистон Янги Ўзбекистонга қадам қўйиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон Янги Ўзбекистонга ўтиши жараёни – бу янги аттрактор дегани. Янги сифат ўзгариш дегани. Бундай янги сифат ўзгаришга ўтишда интенсив таризда амалга ошириш назарий ва амалий томондан самарали усул бўлиб хизмат этади.

Бифуркация нуқтасида бундай ҳолат ижтимоий реалликда ҳам шундай аналогик ҳолатга эга. Бунда ижтимоий жараёнлар тасодифий флуктуациялар таъсирида ривожланиб, ижтимоий энтропия кўчايши ёки жараённинг кейинги ривожланиши вариантыни онгли танлов билан аниқлаш мумкин. Бунга мисол, ҳозирги Ўзбекистоннинг Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс стадияси сингари янги ривожланиш босқичига ўтиши билан боғлиқ равишда ноаниқлилик шароитида ривожланишнинг кўп вариантлиги ҳолатида Ўзбекистоннинг янги аттракторга чиқишини англатади. Бу ўз навбатида, замонавий Ўзбекистоннинг ижтимоий борлигини таҳлил қилганимизда аниқ намоён бўлади. Янги Ўзбекистон янги ижтимоий реаллик сифатида тизимлаштиришнинг асосий омиллари сифатида биз қўйидагиларни эътироф этамиз: таълим ва фан, инновация, ижтимоий маъсулият, ижтимоий фаоллик, фуқаролик позиция, ижтимоий назорат ва кадриятлар устуворлиги ва ҳ.к. Янги Ўзбекистонни барпо этиш таълимни модернизация этиш билан чамбарчас боғлиқ. Бу ҳақида

Президентимиз таъкидлаганидек, «Янги Ўзбекистон–мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади», деган ғоя асосида кенг қўламли ислохотларни амалга оширамиз.

Биринчидан, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар қиламиз. Иккинчидан, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида мустақил ва мантикий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз. Учинчидан, уғил-қизларимизни меҳнат бозарида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз. Бир сўз билан айтганда, бола тўғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуksиз тизим яратилади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради» [4,7].

Шу билан бирга, янги жамиятнинг мазмуни фуқароларнинг фаоллиги билан ҳам аниқланади. Фуқароларнинг фаоллиги қўйидаги мезонлар билан белгиланади: фуқаро маъсулиятли, онгли ва виждонли бўлса у аввалги босқичда, яъни фуқаролик хусусиятларга эга бўлган шахслар қаторига киритиш мумкин; агар фуқарода атроф муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бўлган маълум бир муносабат шаклланган бўлса, уни фуқаролик позициясига эга бўлган шахс сифатида тан олиниши мумкин; агар фуқарода ўзининг ҳуқуқлари да бурчи учун амалий ҳаракатни бажариш кўникмаси бар бўлса, уни фаол фуқаро қаторига киритиш мумкин.

Фуқаролик фаоллигининг ўзи бир неча томонлари билан ажралиб туради: фаол фуқаро гуруҳига тегишли одамлар асосан сиёсий ва иқтисодий тизим тўғрисида билим олишга тайёр бўлган одамлардан иборат; фаол фуқароларда ўзининг ҳуқуқларини фаол амалга ошириш учун билим ва қобилият бор; фаол фуқароларда ана шу билимларни жорий қилиш учун кўникмалар бор бўлади [5, 19-20].

Янги Ўзбекистонни барпо этишда ўзининг бир қатор мезонларидан яна бири – ҳар бир инсонда маъсулият ҳисси билан яшаш хусусиятини шакллантириш ҳисобланади. Янги Ўзбекистоннинг мазмунини ташкил этадиган омиллардан бири сифатида фуқароларнинг ижтимоий маъсулияти олиб қаралади. Инсоннинг, жамиятнинг ва давлатнинг кўп жиҳатли ўзаро боғлиқлигини тартибга солиш тизимида унинг роли маъсулиятнинг ижтимоий феномен сифатида жамиятдаги яқка индивидларнинг, гуруҳларнинг, ташкилотларнинг фаолиятларининг чегараларини аниқлаш билан белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистон – янги ижтимоий реаллик сифатида жамиятнинг барча соҳаларида жумладан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий тизимларида янгиланишлар, атаб айтганда, янгича дунёқараш, янгича ҳиссиёт, янгича ёндашув, янгича фикрлаш, янгича тафаккур этишни тақоза этади. Бундай янги сифатни қуришда инсон капитали, таълим ва инновациялар муҳим аҳамият касб этади. Янги Ўзбекистон янги аттракторни (ривожланиш мақсади) аниқлар экан, бу аттракторнинг амалга ошиши доно халқимиз айтганидек, «мақсад аниқ бўлса, манзиллар яқин бўлади» деган ҳаётий ҳақиқат ўз тасдиғини топади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.
2. Калинин А. А. Теоретико-методологические аспекты дискурсивного конструирования социальной реальности киберпространства. // Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата социологических наук. – Саратов, 2018.
3. Емельянова Ю.П. Социальная реальность как проблема в философии и науке / Ю.П. Емельянова // Культура народов Причерноморья: науч. журнал. – Симферополь, 2010. – № 187. – С. 118-123.
4. Осипов Г. В. Введение в социологическую науку. – М., 2010. С.90-91.
5. Карпова Н.В. Политическая культура в процессе становления гражданского общества// Вестник Московского университета. – Социология и политология, – 2006, – №1, С. 19-20.

Жаңа Өзбекстан – жаңа социаллық реаллық сыпатында: философиялық-синергетикалық анализ

Оразбаев А.К. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақалада ҳазирги заман социаллық реаллықтағы процесслер ҳам кубылыслар, глобал аныксызлық шараятында Өзбекстан өзининг стратегиялық максети есапланган Жаңа Өзбекстан модели, Жаңа Өзбекстанды структураластырыўшы факторлар, социаллық реаллықтың илимий билиўде жаңаша концептуал мәселелери, Жаңа Өзбекстанның жаңа социаллық реаллық сыпатындағы мазмуни философиялық – синергетикалық аспектте анализ етилген.

Таяныш сөзлер: Жаңа Өзбекстан, социаллық реаллық, синергетика, бифуркация, аттрактор, жаңа тәртип, парадигма.

Янги Ўзбекистон – янги ижтимоий реаллик сифатида: фалсафий-синергетик таҳлил

Оразбаев А.К. Қарақалпақ давлат университети

Резюме. Мақолада ҳозирги замон ижтимоий реалликдаги жараёнлар ва ходисалар, глобал ноаниқлик шароитида Ўзбекистон ўзининг стратегик мақсади ҳисобланган Янги Ўзбекистон модели, Янги Ўзбекистонни структуралаштирувчи омиллар, ижтимоий реаллиكنинг илимий билишда янгича концептуал масалалари, Янги Ўзбекистоннинг янги ижтимоий реаллик сифатидаги моҳияти фалсафий – синергетик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: Янги Ўзбекистон, ижтимоий реаллик, синергетика, бифуркация, аттрактор, янги тартиб, парадигма.

Новый Узбекистан как новая социальная реальность: философско-синергетический анализ

Оразбаев А.К. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматриваются процессы и события современной социальной реальности, модель Нового Узбекистана, являющаяся стратегической целью Узбекистана в условиях глобальной неопределенности, структурные факторы Нового Узбекистана, а также освещены новые концептуальные вопросы социальной реальности в философско-синергетическом аспекте.

Ключевые слова: новый Узбекистан, социальная реальность, синергетика, аттрактор, новый порядок, парадигма

*New Uzbekistan as a new social reality: philosophical and synergetic analysis
Orzabayev A.K. Karakalpak State University*

Summary. The article examines the processes and events of modern social reality, the model of New Uzbekistan, which is a strategic goal of Uzbekistan in conditions of global uncertainty, structural factors of New Uzbekistan, new conceptual issues of social reality in philosophical and synergetic aspect have also been highlighted.

Key words: new Uzbekistan, social reality, synergetics, attractor, new order, paradigm

РОССИЯ ИМПЕРАТОРИ ҚАБУЛИГА ТАШРИФ БУЮРГАН АМИР МУЗАФФАР ФАРЗАНДЛАРИ

(“Туркистон тўплами” материалларининг тадқиқи асосида)

Кличев О.

Бухоро давлат университети

Мангитлар ва Романовлар сулоласи ўртасидаги дипломатик муносабатлар XIX аср бошларидан эътиборан амалга оширилган. Россия империясининг Ўрта Осиё минтақасида ўз таъсирининг кучайиши мазкур асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу ўз навбатида икки давлат элчиларининг Бухоро ва Санкт-Петербург шаҳарларига ташрифларининг ортисида хизмат қилган. Элчилик алоқаларига доир манбалар орасида даврий матбуот материаллари ҳам аҳамиятлидир.

XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларидаги Туркистон генерал-губернаторлиги, қолаверса Ўрта Осиё минтақаси тарихига доир маълумотларни ўзида жамланган “Туркистон тўплами” тадқиқ этилаётган масалани ўрганишга хизмат қилади. Тўплам жилдларида Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларга доир маълумотлар орасида Амир Музаффар фарзандларининг империя ҳудудига ташрифи тўғрисидаги мақолалар нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Шунинг учун ҳам, ушбу масалада изланишларни олиб бориш зарурати юзага келди.

Амир Музаффар фарзандлари орасида Сайид Абдулфаттоҳ биринчилардан Россия империясига ташриф буюрганлиги хусусида маълумотлар мавжуд. Ушбу ташрифга дахлдор ҳамда 1869 йилнинг сентябрь ва декабрь ойларида чоп этилган ўн олтига газета қирқимларидан иборат хабар ҳамда мақолалар Туркистон тўпламининг тузувчилари томонидан бир сарлавҳа остида рўйхатланади. Берилган хабар матн мазмунидан келиб чиқиб сарлавҳаланган. Яъни, мақоланинг асл газетадаги сарлавҳаси ўрнига тўплам мундарижасида Санкт-Петербургга ташриф буюрган Амир Музаффар фарзанди Сайид Абдулфаттоҳ аъзолигидаги элчилик тадбирига тегишли мақолаларнинг барчаси “О бухарском посольстве”-“Бухоро элчилари тўғрисида” номи остида жамланади [1]. Бунда қирқим газеталардаги асл сарлавҳа тўплам мундарижасини шакллантиришда инобатга олинмаганлигини кўриш мумкин.

Амирзода Сайид Абдулфаттоҳ аъзолигидаги элчилик вакиллари тўғрисидаги мақолалар таҳлили натижасида қуйидагилар маълум бўлди. Ушбу масалага доир мақолаларнинг аксарияти Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларнинг якуни, икки ўртада имзоланган шартнома, амирлик ички сиёсатидаги ўзгаришлар хусусидаги маълумотлар баёни билан бошланган. Шунингдек, деярли барча хабарларда элчилик аъзоларининг ёши, ташқи кўриниши ҳамда амирлик ижтимоий ҳаётида тутган макеи тўғрисидаги маълумотлар ўрин эгаллаган. Бу империя аҳолисининг қизиқишига сабаб бўлиши мақсадида қилингандир.

“Тўражон 13-14 ёшлардаги болакай, чиройли қора кўзлар, жонли қарашлар, унинг киёфасини янада жонлантиради ва ёқимли кўриниш беради. Унинг костюми олтин уламалар билан боғлаб қўйилган бахмал чизикли қирмизи баймоқли. Устки кийими эса тўқ қизил рангли бахмалдан, доиралар нақшлари тилла иплар билан тикилган. Оёғида ипак ва қимматбаҳо тошлардан тикилган оёқ кийим. Турк шойисидан ўралган салла эса кўринишини мукаммаллаштиради” [2].

Сайид Абдулфаттоҳ элчилиги ҳақидаги маълумотларга илова тарзида амирзоданинг фото тасвири берилган. Тасвир “Всемирная иллюстрация” журналида чоп этилган. Империя ҳудудига илк маротаба ташриф буюрган мангит амирзодасининг тасвири 10х17 см ўлчамдан иборат бўлиб, журналнинг бош саҳифасида жойлаштирилган эди. Бизнинг фикримизча, ушбу тасвир империянинг бошқа газеталарида амирзоданинг ташқи кўринишини таърифлашга хизмат қилган. Буни ташриф даврида унинг портрет ва тасвири муҳрланган газета сонлари ва ундаги қисқа хабарлардан ҳам билса бўлади. Мақола мантиларини ўрганиб чиққан ҳолда элчилик вакиллари дастлаб, Оренбургда фотосуратга олинганини таъкидлаш мумкин. Буни қуйидаги маълумотлар тасдиқлайди:

“Шу куни Тўражоннинг портрети чизилди ҳамда кечкурун у театрга бўлди. Буларнинг бари унинг табиатига ижобий таъсир қилганлиги боис бу куннинг таассуротларидан у жуда мамнун бўлди [3]”. Ёки: “Кейинги кунлар шаҳарни ўрганишга бағишланди, бухоролик меҳмонлар суратларга тушишди [4]”.

Шу ўринда газета саҳифаларида мазкур элчилик аъзолари ҳақида ҳам хабарлар чоп этилган: “Элчилар бошлиғи амирнинг тўртинчи фарзанди Сайид Абдулфаттоҳ, тахминан 12 ёшлардаги бола. Унинг ҳузурида амирнинг қайнотаси, 66 ёшли Абдулқосим-бий додхон исмли қария, 40 ёшлардаги амир куёви ҳамда ташрифга улуғворлик тусини бериш мақсадида келган элчиликнинг қолган аъзолари (10 киши) ҳам ҳозир эди” [5]. Шарқ минтақаси вакиллари ва уларнинг маданияти (ташқи кўриниши, кийими ва муомала маданияти) империя аҳолисининг доимий қизиқишига сабаб бўлиб келган эди. Шунинг учун бўлса керак, газета саҳифаларида

элчилик вакилларининг кийиниши тўғрисида куйидаги маълумотлар чоп этилган. “Элчиликнинг бошқа вакиллари кашмир матосидан тикилган беўхшов кийим ва катта салла [кийишган], ёнларида эса қиличлари тақилган эди. Ушбу қиличларнинг ўз эгаларига қай даражада мос туриши ҳақидаги фикрлар ҳар кимнинг [ўз] ҳукмига ҳавола” [6]. Булар мухбирнинг субъектив фикри. Зеро, ҳар бир халқнинг кийими унинг маданиятини ифода этади. Бундай кийимлар империя аҳолисига ғайри одатий туюлиши табиий ҳол эди. Ўз навбатида Санкт-Петербургдаги моддий ва маънавий маданият намуналари элчилик эътибори ва эътирофида бўлган. Газета хабарлари орасида элчилик аъзоларининг Санкт-Петербургдаги диққатга сазовор жойларга ташрифи ҳақидаги таассуротлар мазкур фикримизни тасдиқлайди.

“Кронштаддан кейин бухороликлар Петергофдаги сарой ва боғлар билан танишдилар. Меҳмонларнинг таассуротларини додҳоқ куйидаги гўзал шарқона ибора билан ифода этди. У Петербург ва унинг атрофидаги мўъжизалар билан тўлдирилган жойларни кўрмагунича, ўз тафаккурида Муҳаммаднинг жаннатини тасаввур этмаган эди. Кўрганларининг бари унга Муҳаммаднинг жаннатини янада яхшироқ тасаввур қилиш имконини берди” [7]. Албатта бу иқтибосли жумлалар империя аҳолисига Бухоро амири номидан ташриф буюрган элчилар тинчлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ниятида эканликларини кўрсатиш мақсадида чоп этилган. Сайид Абдулфаттоҳ ҳамда элчилик раҳбари Абдулқосим-бий додҳоқларнинг 1869 йил 22 октябрь куни император қабулида сўзлаган нутқининг ҳам Тўпламга киритилганлиги эътиборни тортади. Сайид Абдулфаттоҳ: “Мен сизнинг Буюклигингиз хизматида бўлган Бухоро тўрасиман. Жаноб олийларига ҳурмат билан хабар бериш шарафидаман. Менинг амирим - отам томонидан сиз жаноби олийлари ҳузурингизга келиш ҳамда унинг сизга бўлган самимий садоқати ҳақида гувоҳлик бериш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Мен сиз жаноби олийлари қабулингизда ҳозир бўлганимдан жуда бахтиёрман ва бутун ҳаётим давомида бундан ғурурланаман”.

Абдулқосим-бий додҳоқ: “Император жаноблари! Қудратингиз юксалиб ҳукмронлигингиз бардавом бўлсин. Мен Абдулқосим бий додҳоқман. Жаноби олийлари, император ва кўплаб мамлакатлар ҳукмдори, барча шарафлайдиган Буюк Монархга маълумким, Россия ва Бухоро ўртасида дўстлик ришталари азалдан мавжуд. Икки давлат ҳукмдорлари ушбу алоқаларни қўллаб-қуватлаб мустаҳкамлаганлар. Уларнинг амалдорлари, айниқса савдогар аҳли ўзаро дўстона муносабатда бўлиб келмоқдалар. Аммо, баъзи бир ташки таъсир ва тушунмовчиликлар сабаб ногоҳ дўстлик алоқалари душманликка айланди. Аллоҳга шукрим, ҳозирги пайтда ушбу бахтсиз вазият ўзгарди ҳамда кадрдон дўстлик ва савдо алоқалари тикланди. Аммо бизнинг амиримиз ўтган воқеалар муносабати билан чуқур пушаймон ва афсусдадилар. Шунинг учун ҳам, амирим сиз жаноби олийларига ўз мактубларини етказиш ниятида мен билан бирга ўғиллари Сайид Абдулфаттоҳни юборишни амр этдилар. Амирим ўтган ишларни унутиб, ўз фарзандини Жаноб олийлари ҳузурига юборилишини самимий садоқат рамзи сифатида кўришни, Россия ва Бухоро ўртасидаги муносабатлар халқларимиз манфаати йўлида кун сайин тобора мустаҳкамланиб боришини Аллоҳ берган иноят сифатида қабул қилишни истаб қоладилар. Аллоҳ халқингиз фаровонлиги йўлида ҳазрати олийлари, ҳукмдор императорни ўз паноҳида асрасин”[8]. Ушбу нутқ матнининг даврий нашрларда чоп этилиши икки давлат дипломатик муносабатларининг даражаси ва ҳолатини кенг жамоатчилик эътиборига етказишдан иборат эди. Шуни таъкидлаш жоизки, Абдулқодир-бийнинг нутқида давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар азалдан олиб борилганлиги, маълум бир сабабларга кўра бу алоқаларда узилишлар бўлганлиги таъкидланади. Амирнинг севимли фарзандини элчилик аъзоси сифатида юбориши эса давлатлараро алоқалар, ўзаро ишончини янада мустаҳкамлашга интиланлигидан далолатдир.

Тўплам саҳифаларида ташриф давомида элчилар Санкт-Петербургдаги Исаков ва Петропавлоск соборлари, Эрмитаж, Кронштадт, Санъат Академиясидаги асарлар кўргазмаси ҳамда Пажеск корпусига ташриф буюрганликлари ҳақидаги маълумотлар ўрин эгаллаган. Амир Музаффар фарзандининг келгусида Санкт-Петербургда таълим олиши учун юборилиши мақсадидан келиб чиқиб, элчилик вакиллари Пажеск корпусидаги таълим жараёни ва у ердаги шароитлар ҳам таништирилган эди[9]. Аммо келгусида ушбу имкониятдан Сайид Абдулфаттоҳ эмас, балки Сайид Мир Мансур фойдаланди. Бунга мазкур элчиликдан сўнг Бухорога қайтган Сайид Абдулфаттоҳнинг бевақт вафоти сабаб бўлди.

Тўплам саҳифаларида Россия империяси ҳудудига Амир Музаффар номидан яна унинг икки ўғли Сайид Мир Нажмиддин, Сайид Мир Мансурлар ҳамда Сайид Мир Абдулаҳад ташриф буюрганликлари доир мақолалар ҳам жойлаштирилган. Сайид Мир Нажмиддин, Сайид Мир Мансур, Низомиддин тўқсобалар 1876 йилнинг ноябрида император қабулида бўлишган. “Голос” газетаси сонларида император қабулида Сайид Мир Нажмиддин ҳамда Низомиддин тўқсобаларнинг сўзлаган куйидаги нутқлари чоп этилган. Сайид Мир Нажмиддин: “Ҳукмдорим ва отам-Бухоро амири менга Сиз жаноби олийларига ўз саломи ва садоқат туйғуларини етказиш ҳамда Фарғона вилоятини Россияга қўшилиши муносабати билан табриклашни буюрдилар. Рухсатингиз билан эътиборингизга амиримнинг илтимоси ва сизнинг изнингиз билан шу ерда таълим олиш учун қолишни ният қилган кичик укам Сайид Мир Мансурни таништираман. Ҳали ёш бўлишимга қарамасдан, қудрат ва раҳм шафқат соҳиби - Ҳукмдорни кўришдек улкан бахтга муяссар бўлганимдан тақдиримга шукрлар айтаман.

Низомиддин тўқсоба: “Император жаноби олийлари! Бухоро амирининг фарзандлари пойтахтингизда биринчи маротаба ташриф буюришмаяпти. Аммо мен ҳукмдоримнинг буйруғига биноан уларнинг ушбу ташрифининг ўзига хос жиҳати эътибор қаратишингизни сўрашга журъат этаман. Амирим бу ерда ўзининг азиз фарзандини ўқишга юбориши орқали сиз император жаноблари ҳамда бутун дунё аҳлига қудратли Монарх ва маърифатли Россияга бўлган ўз ҳурмати ва ишончини намоён этмоқда. Бу ўзаро дўстлик гарови

бўлиб хизмат қилсин. Яратган сиз император ҳазрати олийлари ва муқаддас хонадонингизга фаровонлик ва узоқ умр ато этсин” [10]. Амир фарзанди ва вакилининг сўзлаган нуткидан элчилик мақсадини ҳамда ҳукуматлараро муносабатларнинг ҳолатини таҳлил этиш мумкин. Яъни, элчилик икки мақсадда Қўқон хонлигига қаратилган ҳарбий ҳаракатларнинг якунланганлигига муносабат билдириш ҳамда икки мамлакат дўстлигининг гарови сифатида амирзода Сайид Мир Мансурни Пожеск корпусида таълим олиш учун юборилганлигини англаш қийин эмас. Агар Абдулфаттоҳ элчилиги тўғрисида Туркистон тўплами таркибига ўн олти та мақола жамланган бўлса, 1876 йилги амирзодаларнинг ташрифи хусусида бор ёғи икки мақола киритилган. Улар фақат элчилик ташрифи ва император қабули тафсилотлари билан танишиш имконини беради.

Сайид Мир Абдулахад эса отаси томонидан 1883 йилда Санкт-Петербургга император Александр III ҳамда Мария Феодоровналарнинг муқаддас тож кийиш маросими билан табриклаш мақсадида юборилган эди. Унинг бу ташрифи ҳам Санкт-Петербург газеталарида ёритилган. Тўплам жилдларида эса мазкур масалага тегишли учта мақола киритилган. Уларнинг биридан Бухоро амири ва Хива хонининг император ва кироличага юборган совғалари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Энг аҳамиятлиси, амир Музаффар томонидан юборилган совғалар орасида Император ва кироличанинг ўз хоҳишларига кўра хайрли ишга сарф қилиш мақсадида бешта халтачада 20.000 тилла танга ҳам борлигини қуйидаги маълумотлар тасдиқлайди.

“Император ҳазрати олийларининг Муқаддас тож кийиши муносабати билан Бухоро амири ўз ўғиллари орқали ҳукмдор император ихтиёрига биноан хайрли ишлар сарфи учун бешта бахмал халтачага 20.000 минг бухоро тилласини тақдим этди” [11]. Сайид Мир Абдулахаднинг мазкур ташрифига тегишли хабарларнинг бирида император ва киролича қабули хусусида амирзоданинг қуйидаги таассуротлари чоп этилган. “Оқ подшоҳ ва кироличанинг меҳр-муҳаббатлари ҳеч қачон менинг хотирамдан ўчмайди. Улар менинг шу еримда муҳрландилар, шунда Абдулахад қўли билан кўкрагининг чап томонига ишора қилди” [12]. Юқорида билдирилган фикрлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Марказий газеталарда бериб борилган бу каби хабарлар амирлик ҳукумати вакиллариининг империя ҳудудига ташрифини ўрганиш ҳамда ушбу ташрифлар империя жамиятида қандай йўсинда қабул қилинганлигини ўрганиш имконини яратади.

Туркистон тўпламида Амир Музаффар фарзандларининг Санкт-Петербург ташрифлари хусусидаги маълумотлар таҳлили Сайид Мир Абдулфаттоҳ элчилиги ҳарбий ҳаракатлардан сўнг амалга оширилган илк элчилик ташрифи эканини, Сайид Мир Нажмиддин, Сайид Мир Мансур ва Сайид Абдулахад аъзолигидаги элчилик эса империя ҳаётидаги муҳим тадбирлар сабабли юборилганлигини кўрсатади.

Шунингдек, тўплам жилдларидаги элчилик аъзолари нутқларини ўрганиш орқали давлатлараро муносабатларнинг мавжуд ҳолатини тушуниш мумкин. Амирзодаларнинг император ҳузурида нутқ сўзлаши ҳақидаги маълумотлар, манғит шахзодалари ўзларига юклатилган элчилик вазифасини бажара олганликлари ва уларда дипломатик учрашувларда иштирок этиш кўникмаси шаклланганлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т. 27. – Санкт-Петербург, 1870. – С. 235-301.
2. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т. 27. – Санкт-Петербург, 1870. – С. 253.
3. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т. 27. – Санкт-Петербург, 1870. – С. 297.
4. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т. 27. – Санкт-Петербург, 1870. – С. 265.
5. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т. 27. – Санкт-Петербург, 1870. – С. 257.
6. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т. 27. – Санкт-Петербург, 1870. – С. 261.
7. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т. 27. – Санкт-Петербург, 1870. – С. 265.
8. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т. 27. – Санкт-Петербург, 1870. – С. 301.
9. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т. 27. – Санкт-Петербург, 1870. – С. 265.
10. О Бухарском посольстве // Туркестанский сборник. – Т. 151. – Санкт-Петербург: Типография В.С.Балашева, 1876.
11. Поднесение подарков Хивинским ханом и сыновьями бухарского эмира их Императорского величества // Туркестанский сборник. – Т. 330. – Санкт-Петербург, 1883.
12. Хроника // Туркестанский сборник. – Т. 330. – Санкт-Петербург, 1883. – С. 155.

Россия императори қабулига ташриф буюрган Амир Музаффар фарзандлари (“Туркистон тўплами” материалларининг тадқиқи асосида)

Кличев О. Бухоро давлат университети

Резюме. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Бухоро амирлиги номидан Россия империясига ташриф буюрган элчилар хусусидаги маълумотларни таҳлил этиш жараёнида бу тадбирларга бевосита манғит хонадони вакиллари-амир фарзандлари ҳам жалб этилганлиги маълум бўлди. Уларнинг ҳар бир ташрифи ва унинг тафсилотлари империянинг марказий даврий матбуотида ёритилган. Мазкур мақола Сайид Абдулфаттоҳ, Сайид Мир Нажмиддин, Сайид Мир Мансур, Сайид Мир Абдулахад каби Бухоро амири фарзандларининг империя ҳудудига амалга оширган ташрифларига доир “Туркистон тўплами” жилдларидаги маълумотларнинг тадқиқи бағишланган.

Таянч сўзлар: Санкт-Петербург, император, портрет, газета, Пажеск корпуси, Қўқон хонлиги, Александр II, император қабули, Амир Музаффар, элчи нутқи.

Дети Эмира Музаффара, побывавших на приеме у российского императора (по материалам исследования «Туркестанской коллекции»)

Кличев О. Бухарский государственный университет

Резюме. В процессе изучения сведений о послах, осуществивших визит на территорию Российской империи от имени Бухарского эмирата во второй половине XIX-начале XX вв., стало известно, что для участия в данном мероприятии также непосредственно были привлечены представители Мангитского Двора – наследники эмира. Их каждый визит и его подробности освещались в центральных периодических изданиях империи. Данная статья посвящена изучению сведений

в томах «Туркестанского сборника», связанных с визитами на территорию империи наследников Бухарского эмира, таких как Саид Абдулфаттах, Саид Мир Нажмиддин, Саид Мир Мансур, Саид Мир Абдулахад.

Ключевые слова: Санкт-Петербург, император, портрет, газета, Пажеский корпус, Кокандское ханство, Александр II, императорский приём, Эмир Музаффар, речь посла

Children of Amir Muzaffar, who visited the Russian Emperor (based on research materials from "The Turkistan Collection")
Klichev O. Bukhara State University

Summary. In the process of analyzing the information about the ambassadors who visited the Russian Empire on behalf of the Bukhara Emirate in the second half of the 19th – early 20th centuries, it became known that representatives of the Manghit Court - the offspring of Emir were also directly involved in this event. Each of their visits and its details were covered in the central periodicals of the Empire. This article is devoted to the study of the information in the "The Turkistan Collection" volumes depicting the visits of children of the Emir of Bukhara, such as Sayid Abdulfattakh, Sayid Mir Najmiddin, Sayid Mir Mansur, Sayid Mir Abdulakhad to the territory of the Empire.

Key words: Saint Petersburg, Emperor, portrait, newspaper, Pajeski corpse, Kokand Khanate, Alexander II, audience by the Emperor, Emir Muzaffar, speech by ambassador

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ТИЗИМИДА АЁЛ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Пахратдинова А.К.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Миллий гвардия бошқармаси

Мустақиллик йилларига келиб, Миллий армиямиз сафларига хотин-қизлар ҳам хизматга қабул қилина бошлади. Давлатимизда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва барча фаолият турлари билан бирдек шуғуллана олишлари, юртимизда инсон ҳуқуқларининг кафолати юқори даражада эканидан дарак беради. Аёл ҳарбий хизматчиларнинг касбий фаолияти масаласи кўндаланг турар экан, ушбу терминларга алоҳида тўхтаб ўтишни мақсад қилдик. Ўзбекистон Юридик энциклопедиясида ҳарбий хизматга қўйдагича тариф берилган: “Ўзбекистон Республикасининг фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида тури. Ҳарбий хизматнинг сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат, контракт бўйича ҳарбий хизмат ва Ўзбекистон Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчи хизмати каби турлари жорий этилади. Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақирув резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақириладилар”[1]

Ҳарбий фаолиятда ҳам хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Уларни касбга мослаштириш ва етук мутахассислар этиб тарбиялаш учун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касбий фаолият тушунчасига “Касбий фаолият-бу эҳтиёжлар пайдо қиладиган ҳамда ўзини ва тевақал дунёни билиш ва ўзгартиришга йўналтирилган инсон онги томонидан бошқариладиган фаолликдур”[2]-дея тариф берилган. Фаолият эса ўз-ўзидан инсоннинг ҳоҳиш истагидан келиб чиқиб, касб танлаши билан давом этади. “Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда ҳарбий илимни ривожлантириш борасида ҳарбий можаролар ва замонавий жанг амалиётларини ҳамда миллий ҳарбий санъат тарихини чуқур ўрганиб, қўшинларнинг тайёргарлик усул ва услубларини янада такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратиб, ҳарбий таълим тизимида бошланган ислохотларни ўзвий давом эттириш, олий ҳарбий билим юртлари, лицей ва колледжлар фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги давр талаби” [3]-даражасида эканлигидан билишимиз мумкин. Дарҳақиқат, ислохотлар масаласига эътибор қаратганимизда, бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида эр-йигитлар билан бир қаторда аёл ҳарбий хизматчиларнинг умумҳарбий низомлар асосида хизмат ўташига тўхтаб ўтишимиз ўринли. Хотин-қизларимизнинг ҳарбийлар сафида хизмат ўташ жараёни узоқ ўтмишга бориб тақалади. Масалан, Тумарис, Зарина, Гулойим сингари қаҳрамон оналаримиз ҳаёти ҳозирги давр аёл ҳарбий хизматчиларининг мард, жасур ва ватанпарвар инсонлар бўлиб шаклланишига сабабчи бўлган.

Шу ўринда олима У.Темирова “Ҳарбий хизматчи хотин-қизларни касбий фаолият самарадорлигини оширишнинг тарбиявий омиллари”[4] мавзусидаги илмий тадқиқот ишида хотин-қизларнинг ҳарбийлар ҳаётга кириб келишининг тарихий жиҳатларига эътибор қаратиб, тадқиқот ишида Тумарис, Қирик қиз достонидаги Гулойим, Шохнома асаридаги Гурдофарид, Сарой мулк хоним, Амир Темур бобомиз давридаги жангчи аёллар, чет эллик қаҳрамон аёл Жанна Дарк сингари қатор жангчи қаҳрамон аёллар ҳаётини ёритиб ўтган. Асрлар давомидаги эволюция натижасида юз берган матриархат ва патриархат даврлари юқорида номлари келтирилган хотин-қизларнинг буюк саркарда ва давлат бошқарувчиси бўлиб шаклланишига сабабчи бўлган. Қадимги Хитойда VI асрда яшаган Хуа Мулан исми жасур қиз Хунлар билан бўлган жангда бир неча маротаба галаба қозониб, генерал унвонига муносиб топилиб, Хитой халқининг миллий қаҳрамониغا айланган. Хотин-қизларнинг ҳарбий касбга кириб келиши ҳақида тадқиқотчи Р.Самадов: “Тарихий ривожланиш даврининг турли босқичларида аёллар у ёки бу тарзда ҳарбийлик фаолияти билан шуғулланган” [5]-деган фикрни билдиради. Жамият ривожланиши, кўпгина давлатларнинг дунёни бўлиб олиш истаги, колонияларга эга бўлишлари хотин-қизларнинг ҳарбий ҳаётда пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Шу ўринда аёл-қизлар дастлаб армия сафларида ким бўлиб хизмат ўтаган деган савол ўз-ўзидан туғилади? Даставвал, аёлларни ҳарбий хизматга жалб қилишда улар ҳамшира вазифасини бажарган. Аёл ҳамширалар асосан чэт элларда малака оширишган. 1872-йилда Санкт-

Петербургда Олий аёллар тиббиёт курслари очилиб, талабалар олий тиббий маълумотларга эга бўлдилар. 1867-йилги Сербия-Туркия урушида аёллар касалхоналарда шифокор бўлиб хизмат қилишган [6]. 1925-йилги «Мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги» Собик иттифок қонунига биноан, ихтиёрийлик асосида 18 ёшдан 34 ёш оралиғидаги соғлом, меҳнатга лаёқатли аёллар ҳарбий хизматга қабул қилиниши мумкин эди. Суд жараёнида ва терговда бўлган ўз ҳуқуқларининг тикланишига судга ҳукм қилинган, шунингдек ҳарбий хизматга яроқсиз аёллар ихтиёрий ҳарбий хизматга қабул қилинмаганлар. Ихтиёрий ҳарбий хизматга қабул қилинган фуқаролар ва ишчилар қизил армия бўлинмаларида камида бир йил хизмат қилишлари шарт қилиб белгиланган. [7].

Аёл ҳарбий хизматчиларнинг ўз маҳоратларини намоён қилган даври II жаҳон уруш йиллари бўлди. Бу даврда аёллар ҳамшира бўлиш билан бирга, жангчи, учувчи ҳам бўлишган. В.С.Гризодубова уруш йилларида 101-авиация полкида хизмат қилган. 200 якин жангда (шулардан 132 таси тунда) қатнашган. 31-гвардия бомбардимончи қўмондонлик қилган. Шу билан бирга, Совет иттифок давридаги Собик иттифок қаҳрамони мерган аёл Л.Павлеченко 309 та фашистни яқсон қилганлигига ҳам тўхтаб ўтишимиз ўринли.

Иккинчи жаҳон уруши даври Ўзбекистон учун ҳам заҳматли йилларнинг бири бўлди. Қанчадан-қанча инсонлар фронтга отланиб, фронтда ҳаётдан қўз юмди. Уруш даврида кўрсатган жасоратлари учун жами 283 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, 84 нафари “Шуҳрат” орденига муносиб деб топилса жами 120 мингдан ортиқ юртдошимиз орден ва медаллар билан мукофотланган. Уруш даврида 4555 нафар ўзбек аёллари жанг майдонида бўлиб ғалабага муносиб ҳиссасини қўшишган. Улардан кичик лейтенант З.Ғаниева, сафдор Р.Иброҳимова, капитан О.Санфирова, сафдор Е.Стемковская, сафдор Х.Кабилова, сафдор Л.Юсупова, С.Давронова, С.Мажидова, А.Мукаммарова, опа-сингил Ғиёсовалар, Е.Эшонхўжаева, В.Захарова, С.Кубланова, М.Омонова, С.Рузиевалар сингари жасур ҳарбий қизларимиз шифокорлар, разведкачилар, алоқачилар, ўқчилар сифатида жанг қилишган [8]. Разведкачи ва жангчи аёллар қаторида сафдор Р.Мўминовани ҳам айтиб ўтишимиз ўринли. Р.Мўминова Халқаро Қизил ярим ой җамиятининг қисқа муддатли ҳамширалик курсини тугатиб, 1941 йили ноябрдан армияга сафарбар этилади. Фронтда ярадорларга ёрдам кўрсатади. I даражали “Ватан уруши”, “Жанговар қизил байроқ”, “Қизил Юлдуз” орденлари, “Жанговар хизматлари учун” медаллари билан ҳамда Иккинчи жаҳон урушида frontiда жасорати, тиббий ёрдами учун 1979 йили Халқаро Қизил ярим ой җамиятининг Флоренс Нейтенгейл медали билан тақдирланган Ўзбекистонлик ягона ҳамшира бўлди. Шу билан бирга, урушдаги аёлларнинг фаоллигини ёритиб бериш билан бирга, энг оғир юк фронт ортидаги хотин-қизларга тушгани сир эмас. Саноат корхоналарида хотин-қизлардан иборат ишчи кучи 63%ни ташкил этган. 64 мингга яқин аёллар қишлоқларда, колхозларда, бригадаларда ишлади. “Ўзинг учун ва фронтга кетган ўртоғинг учун ишла, уруш кунлари икки нормани адо эт!” деган ватанпарварлик ғояси остида кунлик нормани 200 % дан ортиқ бажарган “Ташсельмаш” ва Чкалов номидаги Авиация заводи ишчилари М.Алиева, Н.Юлдашева, О.Рустамова, Б.Мирбаева сингари минглаб мард аёлларимиз ҳам ғалабага муносиб ҳиссасини қўшишган. Жангчи аёллар билан бирга адабиёт ва маданият соҳаси вакилларида аёл шоиралар ва актрисалар фашистларга қарши шерлар орқали жанг олиб борган. Зулфияхонимнинг уруш ҳақидаги асарлари, актриса С.Эшонтўраева ва Тамарахонимларнинг ижодлари бутун халқимизда ғалабага бўлган ишончни ҳосил қилган. Бундан ташқари заҳматли йилларда Тошкент вилояти Зангиота тумани Хонабод қишлоғида яшовчи Зулфия ая Зокирова ҳам тўрт нафар фарзандидан золим уруш сабабли айрилишига қарамай, метин ирода билан ёшларга ўрнак бўлиб ғалабага ҳисса қўшган. Юқорида номлари келтирилган хотин-қизларни қўлига қурол олиб урушга отланганини ҳам, фронт ортида хизмат қилганини ҳам халқимиз қалбига жанговар ва ватанпарварлик ғояларини сингдиришга ҳисса қўшган аёлларнинг барчасини жангчи, армия сафларида хизмат қилган аёллар деб аташимиз ўта ўринлидир.

Шу билан бирга, “Хотин-қизлар тинчлик даврида оила парвариши, фарзанд тарбияси билан шуғулланса, уруш даврида жангчи, шифокор, адабиёт ва санъатнинг жанговар руҳиятни кўтаришга ҳисса қўшувчи вакили ва метин ирода соҳибалари”-дея тариф беришимиз мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. (таъкид А.П.). Қуролли Кучлар сафида хотин-қизларнинг хизмат қилиш масаласини тарихий ва назарий таҳлил қилар эканмиз, ривожланган ва қўшни давлатларнинг армиясига хотин-қизларнинг кириб келишига эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ. АҚШда 1861-1865 йилларда фуқаролик уруши даврида 400 тадан 750 нафаргача аёллар урушга қатнашган. Уларнинг барчаси ўзларини эркак деб таништирган, агар уларнинг аёллигини сезиб қолишса, жиноий жавобгарликка тортилган [6]. Бази бир араб давлатларида ҳам аёлларга ҳарбий хизмат ўташга руҳсат берилган. Иорданияда 1962 йилдан бошлаб, аёллар полиция зобити, ҳарбий, разведка ва Қироллик гвардия аъзоси сифатида ишлаган. Полициячи аёллар давлат хавфсизлик органларида ишловчи аёлларнинг 7%ни ташкил этади. Махсус операцияларга эса 64 нафар аёл ҳарбий иштирок этган. 2005 йили Иордания ҳарбий аёллари толибонлар билан жанг олиб борган [6].

Тунис давлатининг Ҳарбий-Ҳаво кучларида 40 нафар аёл фаолият юритади. Курд мудофаасидаги аёллар батальони курд милиция орядлари 2012 йил ИШИД аъзоларига қарши курашган. Хитойднинг Гонконг шаҳрида Буюк аждар тасарруфида бўлинма мавжуд бўлиб, 200 нафар аёл хизмат қилади ва ўта махфий сақланади. Шведларнинг Лотто корпуси ва Ливия роҳиба-инқилобчилари-ўта хавфли аёллар отряди ҳисобланиб, махфий ва махсус тайёргарликлар билан машғул олиб боради [6]. Бирлашган Араб Амирликларида “Ҳавла бинт ал-Азварий ҳарбий мактаби” аёллар учун армияга йўл очди. Бирлашган Араб Амирликларида ҳарбий хизматга 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган номзодлар қабул қилинади. “Ҳавла бинт ал-Азварий ҳарбий мактаби”ни тамомлаган Ал-Мансурий Ҳарбий-ҳаво кучлари майори унвонини олган илк араб аёли бўлди. [9]. Афғонистонда эса 1700га яқин аёл ҳарбий хизмат ўтайди. Хотин-қизлар Қобулдаги Маршал

Фаҳим Ҳарбий академиясидда таҳсил олади. Академияда эркаклар ва аёллар алоҳида ўқитилади, шунга қарамадан бир хил машғулотларни ўрганади. Афғонистонлик Катал Муҳаммадзай биринчи аёл парашютчи ва дастлабки аёл генерал ҳисобланади. [6].

Барчамизга маълум, 2017 йил 4-август куни Ўзбекистон Миллий гвардияси ташкил этилиб, у ерда хизмат қилувчи эр-йигитлар Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтин тамомлаб ёки фуқароликдан хизматга қабул қилинар эди. Шу йилдан эътиборан, Миллий гвардия сафларига хотин-қизлар ҳам қабул қилинди. Ҳозирда Миллий гвардия сафларида ҳарбий хизматчи аёллар Республика микёсида ҳарбий қисмларда фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий мақсади жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш билан бирга жанговар шайликни сақлаб туришга қаратилган. Ушбу аёлларнинг хизмат фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан фарқ қилади. Уларни касбий фаолиятга мослаштириш, зийраклигини ошириш катта маъсулият талаб қилади. Ҳулоса қилиб айтганда, Қуролли Кучлар тизимида аёл ҳарбий хизматчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг тарихий-назарий таҳлили масаласини ўрганиш муҳим муаммолардан бири бўлиб қолаверади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Юридик энциклопедияси. –Тошкент, Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” нашриёти, 2010.
2. Рустамбаев М.Х, Мухаммедиев Н.Е, Абдухаликов С.О., “Миллий гвардия хизматчилари (ҳодимлари)нинг касб этикаси” Дарслик. –Тошкент, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти 2019.
3. Мирзиёев Ш.М. “Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 29 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқи” – Тошкент, 2021 йил 12-январь www.IV.uz
4. Темирова У.С. “Ҳарбий хизматчи хотин-қизларни касбий фаолияти самарадорлигини оширишнинг тарбиявий омиллари” педагогика фанлари номзоди диссертация иши –Тошкент, 2008.
5. Самадов Р. “Тарихий манбаларда хотин-қизларни ҳарбий фаолият билан шуғулланишининг талқини//Ж.Вестник Каракалпакского отделения АН РУз., 2005. №5 стр-52-54”
6. www.wikipedia.ru
7. Сенявская Е.С. Психология войны в XX веке: исторический опыт России. –М.: Российская политическая энциклопедия, 1999.-383-стр
8. Тошкент шаҳар Олмозор тумани Ғалаба боғидаги “Шон-шараф музейи”дан олинган маълумотлар
9. <https://odam.uz/pardoz-qilgan-harbiylar-dunyodagi-qaysi-mamlakatlarda-ayollar-armiyaga-chaqiriladi/>

Қуролли кучлар тизимида аёл ҳарбий хизматчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг тарихий-назарий масалалари
Пахратдинова А. К. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Миллий гвардия бошқармаси

Резюме. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар тизимида аёл ҳарбий хизматчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг (Миллий гвардия мисолида) тарихий-назарий масалалари атрофида ўрганилиб, хотин-қизларнинг армия сафларида хизмат қилиши бўйича тарихий жиҳатларига эътибор қаратилди.

Таянч сўзлар: аёл-ҳарбий хизматчилар, касбий фаолиятга тайёрлаш, тарихий-назарий жиҳатлар.

Историко-теоретические вопросы профессиональной подготовки женщин-военнослужащих в вооруженных силах
Пахратдинова А.К. Военнослужащий Национальной гвардии Республики Каракалпакстан

Резюме. В статье исследуются исторические и социальные вопросы профессиональной подготовки женщин в Вооруженных Силах Республики Узбекистан (на примере Национальной гвардии) с акцентом на исторические аспекты службы женщин в армии.

Ключевые слова: женщины-военнослужащие, профессиональная подготовка, исторические и теоретические аспекты.
Historical and theoretical issues of professional training of women servicemen in the armed forces
Pakhratdinova A.K. Military serviceman of the National Guard of the Republic of Karakalpakstan

Summary. The article examines in detail the historical and theoretical issues of the professional training of women in the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan (using the example of the National Guard) with an emphasis on the historical aspects of women's service in the army.

Key words: female servicemen, professional training, historical and theoretical aspects.

ЎЗБЕКСТАНДА ХАЛЫҚАРАЛЫҚ НОРМА ХЭМ ПРИНЦИПЛЕРГЕ САЙ ДЕМОКРАТИЯЛЫҚ САЙЛАҰ СИСТЕМАСЫНЫҢ ЖАРАТЫЛҰЫ

Мәтмуратов Б.

Ўзбекстан Республикасы Олий Мажлиси Сенаты Аралбойы аймағын раўажландырыў мәселелери комитети

Ўзбекстан Республикасы Президенти Шавкат Мирзиёевтиң 2020-жыл 24-январьдағы Олий Мажлиске жоллаған Мүрәжатында «Жаңа Ўзбекстан – жаңа сайлаўлар» сүрени астында болып өткен сайлаўлар нәтийжесинде республикамызда демократиялық реформаларды жоқары баскышқа алып шығыў ушын зәрүр болған жаңа сиясий орталық жүзеге келгенлиги атап өтилген еди. Ҳақыйқатында да, 2019-жыл 25-июньде ғәрезсиз Ўзбекстанның жәмийетлик-сиясий турмысында тарийхый ўақыя – биринши мәрте Ўзбекстан Республикасының **Сайлаў кодекси** қабыл етилди. Сайлаў кодекси тарқалған халда ҳәрекет етип келген **6 ызамды** өзинде жәмлестирди. Жаңа ызам ҳужжетлери жетилистирилип, бирден-бир Сайлаў кодекси ислеп шығылды. Бул арқалы мәмлекетимизде сайлаўлардың улыўма тән алынған халықаралық нормалар хэм принциплерге сай нәтийжели ызамшылық қәлиплести хэм демократиялық сайлаў системасы жаратылды. Соны айтыў керек, улыўма тән алынған халықаралық стандартларға муўапықластырыў арқалы ызамшылығымызды жетилистириў, мәмлекетимиздиң сиясий абырайын жаңа баскышқа көтериў, халықаралық рейтинг хэм индекслердеги орнын және де жаксылаў – тийкарғы ўазыйпаларымыздан бири есапланады. Сонлықтан 2021-жыл 8-февральда Ўзбекстан Республикасының «Сайлаў ызамшылығының

жетилистирилиўи мүнәсибети менен Өзбекстан Республикасының айырым ызам ҳужжетлерине өзгерис хәм қосымшалар киргизиў ҳаққында»ғы ызамы қабыл етилди.

Ызам менен Өзбекстан Республикасының Конституциясына, **«Референдум жуўмақлары хәм де мәмлекетлик ҳәкимият шөлкемлестирилиўиниң тийкарығы принципери ҳаққында»**ғы Конституциялық ызамына, **«Сиясий партияларды қаржыландырыў ҳаққында»**ғы ызамға хәм Өзбекстан Республикасының **Сайлаў кодексине** өзгерис хәм қосымшалар киргизилди. Оған көре, Өзбекстан Республикасы Президенти сайлаўы, Олий Мажлис Ызамшылық палатасы, Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Кеңеси, ўәлаятлар, районлық, қалалық мәмлекетлик ҳәкимияттың ўәкилликли уйымларына сайлаў тийислисинше олардың конституциялық ўәкиллик мүддети жуўмақланатуғын жылда – декабрь айының үшінши он күнлигиниң биринши екшембинен **октябрь айына** өткерилди.

Мәлим болғанындай, сайлаўлардан кейинги мәмлекетлик ҳәкимияттың шөлкемлестирилиўи менен байланыслы сиясий илажлар жаңа жылдың биринши шерегиниң ақырына шекем созылып, нәтийжеде Мәмлекетлик бағдарламаны қабыл етиў хәм басқа реформалардың кешигиўине себеп болар еди. Сондай-ақ, бир қатар сырт ел мәмлекетлериниң байрамлары қарсаңына туўра келиўи себепли жәхән масштабында абырайға ийе болған халықаралық бақлаўшылардың сайлаўда қатнасыўын тәмийинлеўде белгили бир қыйыншылықларды жүзеге келтирер еди. Буннан тысқары, декабрь айы қыс мәўсими болғанлығы себепли сайлаўалды үгит-нәсият илажларын кең көлемде өткерилеў хәм оған сайлаўшыларды тартыўда бир қатар қолайсызлықлар келип шығар еди. Усы орында бир әҳмийетли мәселени айтып өтиў керек, **«Сиясий партияларды қаржыландырыў ҳаққында»**ғы ызам **Сайлаў кодекси** менен муўапықластырылып, ызамның айырым статьялары жаңа редакцияда ислеп шығылды. Яғный, **8-статьясында** сиясий партиялардың сайлаўда қатнасыўын қаржыландырыў ушын ажыратылатуғын мәмлекет қәрежетлериниң бир талабан есабына туўра келетуғын муғдары Өзбекстан Республикасы Орайлық сайлаў комиссиясы тәрәпинен белгилениўи хәм сиясий партияның сайлаўда қатнасыўын қаржыландырыў ушын ажыратылатуғын мәмлекет қаржылары усы партиядан көрсетилген талабанлар дизимге алынғаннан кейин дизимге алынған талабанлар санына муўапық көлемде сиясий партияның есап бетине белгиленген тәртипте өткерилиўи белгиленди. Ызамда сайлаўда сиясий партиялардың қатнасыўын қаржыландырыў ушын ажыратылған қаржылар сиясий партия тәрәпинен үгит-нәсият алып барыўға, талабанлардың исенимли ўәкиллери хәм үгит-нәсият өткерилеў ушын тартылатуғын басқа белсендилердиң жұмысларын шөлкемлестириўге, сондай-ақ, сайлаў кампаниясын өткерилеўге байланыслы улыўма партиялық илажларға сарпланыўи кереклиги көрсетип өтилди.

Сиясий партиялардың сайлаўалды үгит-нәсияты ушын ажыратылған қаржылардан пайдаланыўдың ашықлығын тәмийинлеў мақсетинде бул ызамның жаңа редакциядағы **16-статьясында** сиясий партия ҳәр жылы ызамшылықта белгиленген мүддетлерде хәм тәртипте финанс уйымларына, мәмлекетлик салық хызмети уйымларына, Өзбекстан Республикасы Есап палатасы хәм Әдиллик министрлигине есабат дәўиринде алынған хәм сарпланған финанслық хәм басқа да қаржылар ҳаққында финанслық есабат усыныўы шәртлиги белгиленди. Соның менен бирге, сиясий партия сайлаўда қатнасыўын қаржыландырыў ушын өзине ажыратылған мәмлекетлик қаржылар бойынша сайлаў күнинде аралық есабатты, сайлаў нәтийжелери жәрияланғаннан кейин болса жуўмақлаўшы есабатты Өзбекстан Республикасы Орайлық сайлаў комиссиясына усыныўы көрсетилди. Сондай-ақ, ызамның **18-статьясы** «Өзбекстан Республикасы Есап палатасы тәрәпинен сиясий партиялардың финанслық жұмысын тексерилеў нәтийжелери ғалаба хабар қуралларында жәрияланады» деген гәп пенен толықтырылды. Соны айрықша атап өтиў керек, Өзбекстан Республикасының Сайлаў кодексине **30 ға жақын** өзгерис хәм қосымшалар киргизилди. Атап айтқанда, Сайлаў кодекси жаңа **27¹, 56¹ хәм 102¹-статьялар** менен толықтырылды.

Сайлаў кодексиниң **27¹-статьясында** (*Сырт еллерде турған пуқараларды сайлаўшылардың дизимлерине киргизиўи*) Өзбекстан Республикасының сырт еллердеги дипломатиялық хәм басқа да ўәкилханалары жанында дүзилген сайлаў участкаларында сайлаўшылардың дизимлери усы мәкемелердиң баслықлары тәрәпинен усыныс етилген мағлыўматлар тийкарында дүзилиўи, дүзилген участкалық сайлаў комиссиялары сырт еллерде турған пуқаралардың сайлаўшылар дизими менен танысыў усылы, орны хәм ўақты ҳаққында хабардар етиўи, участкалық сайлаў комиссияларына оларды сайлаўшылар дизимине киргизиў ҳаққында сайлаўдан он бес күн бурын жазба түрде яки Өзбекстан Республикасы Сыртқы ислер министрлигиниң рәсмий веб-сайты арқалы электрон түрде мүрәжат етиўи мүмкинлиги, сайлаўшылар дизимине киргизилген пуқаралар ҳаққындағы мағлыўматларды Өзбекстан Республикасы Сыртқы ислер министрлигине усыныўы хәм мағлыўматларды Министрлер Кабинети жанындағы Мәмлекетлик персоналластырыў орайына Сайлаўшылардың бирден-бир электрон дизимине тийисли дүзетиўлер киргизиў ушын усыныўы белгиленди.

Сайлаў кодексиниң **56¹-статьясында** (*Сайлаўшының шет мәмлекетте турған жеринде даўыс берилеўи*) сырт елде жасап атырған Өзбекстан пуқараларының дипломатиялық ўәкилханалар консуллық есабында болыўы яки болмаслығына қарамастан сайлаўшылар дизимине киргизиў тәртиби, сайлаўда қатнасыў хәм оны өткерилеўдиң ҳуқықый тийкарлары жаратылды. Ызамда Өзбекстан Республикасының сырт мәмлекеттеги дипломатиялық хәм басқа да ўәкилханасы жанында дүзилген участкалық сайлаў комиссиясы сайлаўшылардың турған жеринде даўыс берилеўи ўақты хәм орны ҳаққында қарар қабыл етиўи хәм бул бойынша сайлаўшыларды, бақлаўшыларды ғалаба хабар қураллары арқалы хабардар етиўи, сайлаўлардың участкалық сайлаў комиссиясының кеминде еки ағзасы қатнасыўында өткерилиўи, даўыс берилеў жуўмақланғаннан кейин участкалық сайлаў комиссиясы ағзалары көшпели даўыс берилеў қутысын ашыўы, оның ишиндеги сайлаў бюллетеньлерин санамастан арнаўлы қалтаға жайластырыўы, қалтаны мөрлеўи хәм бул ҳаққында акт дүзиўи,

кейин қалтаның сайлау участкасына алып барылуы хэм сайлау күни дауысларды санап шығу процесин басланғанға шекем сақланыуы белгиленди.

Тадбиркорнинг субъектив хусусиятлари, бу унинг индивидуал фаолиятида, таклифларида, ижодий ёндошувида, самарали ишлари натижасида, тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш учун зарур бўлган инновацион технологиялар акс этадиган асосланган жараёнлар, провард натижада ўзига хослик ҳаракатида намоён бўлади. Тадбиркорлик нафақат ижтимоий, фалсафий балким кадриятлик хусусиятига ҳам эгадир. Ушбу кадриятлар субъектнинг ҳаракатлар мазмунига таъсир ўтказади, тадбиркорлар жамоаси, жамоатчилик асосидаги бирлашмаларни вужудга келишига сабаб бўлади, ҳамда ўзининг мақсадлари ижросини таъминлаш учун муайян қарама қаршиликларни тўғдиради. Тадбиркорлик, ишбилармонлик мазмунидаги миллий кадриятларга хос хусусият, янги ривожланиш босқичи ва глобаллашув даврида ижобий, баъзи ҳолларда салбий оқибатларга олиб келади. Чунки, янги ривожланиш босқичи, туб ўзгаришларни бошлаб берганлиги ва тадбиркорлик фаолияти учун катта имкониятларни бошлаб берганлиги билан характерланади. Ушбу янгилашнишлар даврида тадбиркор, ўзига ўхшаш фаолият юритаётган шахс фаолиятига қаршилиқ кўрсатмаслиги, балки унга толерант мунособатда бўлиб, бозор иқтисодиёти чуқурлашаётган янги даврга мос фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқ. Тадбиркорда компетенцияларнинг шаклланиш жараёни, унинг касбий фаолиятидаги асосий стратегик мақсадини амалга оширадиган муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, унинг фаолиятидаги муҳим омиллардан яна бири ижодкорлик ва муаммолар ечимини топа олиш санъатидир, чунки бундай имконият туфайли тадбиркор фаолияти учун зарур бўлган ностандарт қарорлар қабул қилиш, самарали фаолият юритиш имкониятига эга бўлади. Таъкидлаш лозимки, бундай жараён, ҳозирги янгиланаётган жамиятда, ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси, бозор мунособатларининг чуқурлашуви, тадбиркорларнинг рақобатга қаришиши, унда ижобий натижаларга эришишида асосий омил ролини ўйнайди. Ижодкорлик, нафақат ижодий фаолият бўлмасдан, балки шахснинг интеллектуал имкониятларини намоёиш қилиши, тадбиркорлик жараёнида, инновацион фаолият олиб бориб, масалага прагматик ёндошув натижасида, мутлақо янги маҳсулотлар яратишда ҳам намоён бўлади.

Тадбиркор фаолиятида муаммонинг ечимига ва олдинга қўйилган мақсадга ижодий ёндашув, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш натижасига боғлиқдир. Шунингдек ушбу жараёнда тадбиркорликга прагматик нуқтаи назардан ёндошув муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, ижодий мунособатнинг асосий белгиларидан бири, қарор қилишдаги умумийликни белгилаш, зарурият ва омиллар уйғунлигини топишдан иборатдир. Тадбиркорлик ривожда ижтимоий маданий омиллар ва коммуникацион технологиялар, ижтимоий талаблар, ижтимоий хотира, ижтимоий интелект шаклланишида муҳим ўрин тутади. Ҳозирги даврда тадбиркорлик жараёни такомиллашувида ҳар бир шахс, яъни бизнесмен, ишбилармонлик жараёни иштирокчиси, тадбиркорлик жараёнидаги толерантлик, ишонч, ижобий шахсий мунособатлар, кадриятлар тизими, кўникма ҳосил қилиш, қарама-қаршиликларни бартараф қилишда асосий роль ўйнайди.

Тадбиркорлик феноменини миллий хусусиятларини тадқиқ қилиш, унинг ижтимоий илдизлари, ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш давомида, қайд этиш лозимки, ушбу жараён жамиятнинг янги тараққиёт босқичига қариши ва ушбу даврнинг ўзига хос хусусиятларининг тадбиркорлик муаммолари билан боғлиқдир. Ушбу феномен мазмунига ижтимоий фалсафий ёндошув, тадбиркорликни жамиятнинг модернизациялашуви, шунингдек ушбу жараёнга методологик ёндошув заруриятини шакллантиради.

Ўзбекистонда “аждоқларимиз қадим-қадимдан тадбиркорлик, ишбилармонлик, турли туман ҳунармандчиликлар билан шуғулланиб келишган. Ислон динимиз дангасалик, ишёқмаслик, меҳнатсиз роҳатланишга интилиш каби иллатларни азалдан қоралаб келгани ҳаммага маълум” [11. 3]. Шариат қонунларида мувофиқ тадбиркор икки талабга қаттиқ амал қилиши лозим: ҳаром ишга қўл урмаслик, ҳудода ҳуш келадиган фаолият юритиб, ҳалол ҳаракат қилиши даркор. Қурони Каримда бизнесни юритишда қуйидаги, фундаментал аҳамият касб этадиган амалларга риоя қилиш тавсия қилинади: эркин тадбиркорлик билан шуғулланиш ва шартномалар тузиш, ҳалоллик, қонунийлик, раҳбарлар ва ишловчилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ҳомийлик ва саховатпешалик. Юқоридаги тавсияларга амал қилган тадбиркорлар фаолиятида самарали ютуқларга эришилган [12, 104].

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолияти мазмуни ва моҳиятига биноан, кадриятлар тизимига мансубдир. Тадбиркорнинг компетентлиги бевосита унинг рақобатбардошлиги билан боғлиқдир. Яъни, ушбу жараёнда,

ўзаро назарий ва амалий чамбарчаслик кузатилади. Ушбу жараёндаги муҳим хусусиятлардан бири унинг рақобатбардошлик фаолияти ва касбий компетентлигидадир. Ушбу ўзига хосликдан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврдаги инновацион тадбиркорлик ривожланиш тенденцияси унинг тизимли такомиллашуви, глобаллашув шароитида ривожланаётганлиги ва ҳар бир тадбиркорнинг ўзининг яратувчилик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятига интеллектуал ёндошуви муҳим амалий аҳамиятга эга бўлаётганлиги билан характерланади. Тадбиркорлар учун ижтимоий, гуманитар ва иқтисодий билимларни эгаллаши, уларнинг рақобот муҳитига чидамлилигини таъминлашдаги, унинг инновацион характердаги фаолиятидаги асосий омиллар қаторига киради. Ушбу жараён давомида, шу пайтгача тадбиркор меҳнати тизимида шакллланган, ижтимоий жараёнда муайян жиҳатда томир отган моделлардан воз кечиш ёки улар мазмунини такомиллаштириш зарурияти вужудга келади. Методологик нуқтаи назардан тадбиркор фаолияти, унинг имкониятлари, инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллайдиган, ҳаракатчанлик, муайян мақсад сари интилиш, воқеалар тизимини илмий асосда яъни олинган билимлар доирасида ҳаракат қилиш хусусиятларига боғлиқдир. Ушбу жараёнда, яъни янги тараққиёт босқичида шахснинг ижодий потенциали, самарали тадбиркорлик мазмуни ва моҳияти аҳамиятини англашга, унинг фаолиятида юксак натижаларга эришишига ёрдам кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда тадбиркорлар фаолиятида мунтазам суратда тадбиркорликнинг ижтимоий, ижодий ва интеллектуал даражасини тушиниш, англаш, ҳамда унинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро интеграциялашуви муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлик субъектлари орасидаги ўзаро ҳамкорликнинг назарий, амалий аҳамияти, жамиятнинг янги ривожланиш босқичида мунтазам ошиб бормоқда. Тадбиркорлар орасидаги ўзаро алоқалар, ижтимоий муносабатлар тизимидаги жараён бўлиб, жамиятда тизимли такомиллашувнинг асосий бўлаги сифатида намоён бўлади. Шунингдек, ўзаро алоқадорлик жараёни такрор ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига ижобий таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларининг ижодий фаолиги, тадбиркор шахсига хос бўлган, яъни унинг фаолиятининг жамиятга интеграциялашувида шахсий хусусиятларидаги ижодий ёндошув, ресурслардан, ахборотлар тизимидан олаётган маълумотлардан ижтимоий фаолиятида самарали фойдаланиш, юқори малакага эга бўлиш, ижтимоий ривожланиш жараёнларига ҳозиржавоблиги каби имкониятларнинг намоён бўлишида ўз аксини топади.

Хулоса қилиб қуйдагиларни таъкилаш лозим, хусусан янги тараққиёт босқичи шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил қилишда, бир томонлама буйруқлардан воз кечилади ва илмий асосланган менеджмент асосларидан фойдаланилади, одамларга, мутахассислар ва ҳамкорларга таъсир қилишнинг ижтимоий-психологик методларидан фойдаланиш тизими жорий этилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда тадбиркорлар, ҳамкорлар, яъни иқтисодий тизимдаги субъектлар, уларнинг раҳбарлари, ташкилотчилар, бошқарувчилар билан бевосита муносабатга киришишни тақоза қилади. Бундай шароит тадбиркорнинг ўзига доир имкониятларини намоёиш этади, унинг умумий маданияти, қарорлар қабул қила олиш, муаммонинг ечимга альтернатив муносабатда бўлиш, инновацион фикрлар билдириш имкониятларини кўрсатади. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг янги шароитида, ишлаб чиқариш, товарларни ички ва ташқи бозорда сотиш, илмий асосланган, тўғри стратегияни, ривожланиш тенденцияларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тадбиркорнинг шахсий хусусиятлари, имкониятлари, мавжуд, шакллланган ижтимоий, иқтисодий вазиятга бевосита боғлиқдир. Бундай шароитда нафақат бошқарув стратегияси, балким унинг тактикаси, кўзланган мақсадларнинг амалга оширилиши, янги, инновацион мазмундаги фикр ва ғоялар, касбий малака, шижоаткорлик, баъзи ҳолларда тадбиркорга хос бўлган шахсий интуиция катта аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда такомиллашаётган ва глобаллашаётган дунёда, ўзининг мазмунидаги қадриятларнинг кўп қирралиги билан, тадбиркорда шакллланган толерантлик жиҳатларига, қабул қилинадиган қарорлари мазмунига, ижтимоий, иқтисодий жараёнларга босиқлик ва мустақил муносабатда бўлишига ҳам бевосита боғлиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017.)
2. Норкулов С. Фуқоралик жамияти ва ижтимоий онда трансформация жараёнлари – Тошкент, “Наврўз”, 2015. - Б. 236.
3. Шидфар Б.Я. Ибн Сина – Москва, “Наука”, 1981. - С. 344.
4. Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи (1 китоб.) –Тошкент: “Фан”, 2004. - Б. 386.
5. Имом ал-Бухорий ҳаёти. –Тошкент, “Шарқ”, 1998. - Б. 286.
6. Амир Темур. Темур тузиклари - Тошкент: Ғофур Ғулом, 1996. - Б. 388.
7. Алишер Навоий. Ҳайрат -ул Абзор. –Тошкент: Ғофур Ғулом, 1989. - Б. 522.
8. Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси”нашриёти, 1993. - Б. 338.
9. Беруний Абу Райҳон. Минерология - Тошкент: Фан, 1966. -Б. 464.
10. Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғуний. Қутадиғу билиг (садотга элтувчи билим) - Тошкент: 1996. - Б. 466.
11. Исломда тадбиркорлик ва тижорат одоблари - Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи. 2016. - Б. 244.
12. Ибраҳим Р. Ислам и бизнес. –Казань: Издательство ОАО ПИК “Идел-Пресс”, 2006. - С. 324.

Тадбиркорлик феномени гносеологиясининг шарқона хусусиятлари ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни
Ганиев Б.С. Фарғона давлат университети

Резюме. Мақолада тадбиркорлик тушунчасининг гносеологик жиҳатдан шаклланиши, тарихий тараққиёт давридаги эволюцияси, унинг шарқона хусусиятларини ўрганишни мақсад қилинган. Бу борада қадимги ёзма манбаларимиздан “Авесто” ва Шарқ мутафаккирлари, хусусан Марказий Осиё алломаларидан, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синоларнинг илмий мероси таҳлил қилинган. Шунингдек мамлакатимизнинг янги ривожланиш босқичида тадбиркорликнинг илмий тадқиқ қилиш зарурати, ушбу мавзунинг ижтимоий-фалсафий жиҳатданочиби беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, гносеология, феномен, ментал, ижтимоий, маданий, иқтисодий, фалсафий, шарқона, эволюция.

Резюме. В статье ставится цель изучить формирование понятия предпринимательства с гносеологической точки зрения, его эволюцию и особенности в период исторического развития. С этой точки зрения было проанализировано историческое наследие “Авеста” и восточных мыслителей Абу Насра Фараби, Абу Райхона Беруни, Ибн Сины. А также была предпринята попытка раскрыть социально-философский аспект этой темы в связи с необходимостью научных исследований истоков предпринимательства на новом этапе развития страны.

Ключевые слова: предпринимательство, гносеология, феномен, ментальное, социальное, культурное, экономическое, философское, восточное, эволюция

Eastern features of the gnoseology - the phenomenon of entrepreneurship and its role in the development of society

Ganiev B.S. Fergana State University

Summary. In this article, it is aimed to study the formation of the concept of entrepreneurship from the gnoseological point of view, its evolution and features in the period of historical development. In this regard, from our ancient written sources, the scientific heritage of “Avesta” and Eastern thinkers, in particular Central Asian scientists, Abu Nasr Farabi, Abu Raykhon Beruni, Ibn Sina, was analyzed. Also at the new stage of development of our country, due to the need for scientific research of beginnings of entrepreneurship it has been tried to reveal the socio-philosophical aspect of this topic.

Key words: entrepreneurship, gnoseology, phenomenon, mental, social, cultural, economic, philosophical, eastern, evolution

ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ЎТКАЗГАН НОТАРИАЛ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИ

Холиқулов Ш. Б.

Самарқанд давлат университети

Жамиятда суд-ҳуқуқ тизимининг самарадорлиги қонунчилик, ҳуқуқий маданият ва қонун устуворлигининг юқори даражада эканлигини исботлаш баробарида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожини борасида ҳам тасаввурни шакллантириш хусусиятига эга. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, давлатнинг қонунчилик тузилмаларини зарур ҳолатда ва шароитда шакллантиришда асосий роль ўйнаши мамлакатнинг кейинги ривожланиш тамойилларини ҳам белгилаб беради.

ХІХ аср иккинчи ярмида ўзининг экспансионистик ҳаракатлари билан бошқа колониал империялар сафида турган Россиянинг олдида ҳам қонунчилик тизимини тартибга солиш масаласи қун тартибига чиқди. Рус ҳукуматининг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари 1864 йилги Суд низомининг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши билан боғлиқ эди. Бироқ рус давлатининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизимидаги тафовут, унинг таркибидаги ҳудудларнинг этник ва диний хилма-хиллиги суд ислоҳотини бир вақтнинг ўзида мамлакатнинг барча нуқталарида амалга ошириш имконини бермасди. Шу сабабдан ислоҳотлар дастури эълон қилинган дастлабки кезларда ҳукуматнинг ўзи бутун мамлакат бўйлаб ягона судлов тизими жорий этилишига қарши чиқди, жумладан, Марказий Осиё минтақаси ва Кавказorti ҳудудлари аҳолиси учун аънавий суд ташкилотлари сақланиб қолинди, айрим ҳудудларга 1864 йил Низом жорий этилмади. Бу эса 1864-йилги қонуннинг қарийб ярим аср давомида жорий этилмасдан, ёки аста-секинлик билан муомалага киритилишига олиб келди.

Ушбу масала Марказий Осиё минтақасида ўзига хос кўриниш касб этди. Яъни, рус маъмурлари ҳудудий яхлитликни сақлаб қолган ҳолда самарали ҳимоя механизмларини ишлаб чиқишга эътибор қаратишни маъқул кўрдилар. Шу йўл билан давлат ўз қўл остига бутун этник минтақаларни жамлаш имконини яратарди. Туркистон ўлкаси ва Дашт вилоятларида амалга оширилган суд ислоҳотлари маҳаллий аҳолини Россия империясининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузилмасига янада чуқурроқ кириб боришини ва сингишиб кетишини таъминлаши лозим эди, аммо амалда суд ислоҳотлари натижаси бирмунча зиддиятли хусусият касб этди. Шунга мувофиқ, ХХ аср бошларида Туркистон ўлкасининг судлов тизими мураккаб тузилма саналиб, унда бир неча асрлар давомида сақланиб келинган аънавий суд-ҳуқуқ тизими ҳамда замонавий адлия тамойиллари уйғунлигини кўриш мумкин эди.

ХХ аср бошларида ҳам Туркистон ўлкаси ва Дашт вилоятларида халқ судлари, бийлар судлари, одат ва шарият нормалари амал қиларди. Судлов тизими фаолиятини тартибга солиш норматив - ҳуқуқий асоси 1868 йилда қабул қилинган “Уральск, Тўрғай, Оқмола ва Семипалатинск вилоятлари бошқаруви ҳақидаги вақтинчалик низом”[1] ҳамда 1886 йилда қабул қилинган “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги низом”[2] ташкил этарди. Айнан 1886 йилги Низом Россия империясининг Марказий Осиёдаги ҳудудлари учун судлов тизимини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат саналарди. Ушбу ҳужжат минтақадаги маъмурий бошқарув тартибини бирмунча ўзгартирган ҳолда судлов тизимини ҳам ислоҳ қилишни назарда тутарди. Эндиликда уезд судлари лавозими беқор қилиниб, унинг вазифалари мировой судьялар зиммасига ўтказилди, бундан ташқари Туркистонда прокурор назорати тартиби жорий этилди. Дашт вилоятида ҳам суд ислоҳоти ўтказилган бўлсада, лекин уларнинг барчасини ҳаётга тадбиқ қилишга эришиб бўлмади. Масалан, Тўрғай вилоятида алоҳида вилоят суди таъсис этилмади. Бу ерда юзага келган фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқиш Жиноят ишлари бўйича Оренбург палатаси зиммасига ўтказилди. 1894 йилда ушбу палата ваколатлари Оренбург ва Троицкий округ судлари зиммасига юклатилди. Шу билан бирга 1886 йилги Низомда халқ судлари масаласи ҳам алоҳида кўриб ўтилган бўлиб, унда мазкур муассасанинг ваколат доираси бир қадар кенгайтирилган ва аҳамиятининг

янада ошишига эътибор қаратилган. Тарихчи А.Салиевнинг фикрича, 1886 йилги Низом ортидан рус ҳукумати кўчманчи аҳоли судлов тизими устидан маъмурий назоратни кучайтиришга ҳаракат қилди[3].

Шундан кейинги даврда ҳам Россия империяси Адлия вазирлиги Туркистон ўлкаси ва Дашт вилоятлари судлов институтларини ислоҳ қилиш борасидаги ишларини давом эттирди. XIX асрнинг 80-йиллари охири ва 90 - йиллари бошида Туркистонда 1864 йилги суд Низомининг алоҳида бандларини амалиётга жорий қилиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 1889 йилда Туркистон генерал-губернаторлигида нотариал қисмлар ҳақидаги Низом кучга кирган бўлса, 1890 йилда суд ижроя бўлими фаолияти қайтадан йўлга қўйилди[4]. Юқорида таъкидланганидек, маҳаллий тартиблар ва рус маъмуриятининг судлов соҳасидаги янгиликлари бир-бирига зид бўлгани боис, XX аср бошига келиб Туркистон ўлкаси суд тизими, айниқса халқ судлари фаолияти мураккаб ва тушунарсиз тузилма кўринишини олди. Шу сабабдан, XIX аср охирида Россия империяси юқори давлат органларида Туркистон ўлкаси ва Дашт вилоятларида судлов қисми тузилмасини қайта кўриб чиқишнинг мавжуд имкониятларини баҳолаш ва амалиётга жорий этиш масаласи тез-тез муҳокама этила бошлади. Бунда биринчи масала 1864 йилги Суд низомини минтақага жорий этишнинг зарурлиги таъкидланди.

Шу мақсад йўлида Россия ҳукумати катта ҳажмдаги тайёргарлик ишларини олиб борди. 1894 йилнинг июлида Дашт вилояти генерал-губернатори М.А.Таубе Окмола, Семипалатинск, Еттисув, Уральск ва Тўрғай вилоятларини бошқариш ҳақидаги 1891 йилнинг 25 мартда қабул қилинган Низомдаги айрим моддаларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги масаласини кун тартибига қўйди. Мазкур Низомда Дашт вилоятлари судлов органлари 1886 йилги Низомда белгиланган норма ва тамойиллар асосида иш кўриши белгиланган эди[4]. Ислохотлар заруриятидан келиб чиқиб, генерал-губернатор М.А.Таубе 1891 йилги Низомда кўзда тутилган айрим нормалар Дашт ўлкасининг ҳозирги ҳолатига мувофиқ келмаслигини, шунинг учун уларни қайта кўриб чиқиш лозимлигини алоҳида қайд этган эди. 1897 йилда Россия империяси Адлия вазирлиги Ички ишлар вазирлигига Туркистон ўлкаси ва Дашт вилоятлари суд тузилмалари бўйича якуний лойиҳани тақдим қилди. Унда ҳам ислохотларни янгилашнинг зарурлиги яна бир қарра таъкидланган эди.

1898 йилнинг 2 июлида “Туркистон ва Дашт вилоятлари судлов қисмларини қайта ташкил этиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун 1864 йилги суд Низомига мослаштирилди, хусусан: мировой судьялар фаолияти йўлга қўйилди; вилоят судлари тугатилиб, округ судлари йўлга қўйилди; суд палатаси ташкил этилди [5]. Бироқ, 1886 йилги Низомда белгилаб берилган халқ судлари фаолияти ва ваколатлари янги қонунда тан олинган бўлсада, тубдан ислоҳ қилинмади. Шундай бўлсада, 1898 йилги суд ислоҳоти Туркистон ўлкаси ва Дашт вилоятларини империя ҳукумати билан боғлаш йўлидаги амалий қадамлардан бири бўлди, дейиш мумкин. Шу йилнинг декабрида Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовской Туркистон ўлкасида халқ судлари фаолиятини қайта ташкил этиш бўйича лойиҳани ҳарбий вазирга тақдим қилди, бунда генерал-губернатор “халқ судлари ўзининг асл ҳолатини намоён этмаяпди, бу эса рус ҳукуматининг маҳаллий аҳоли олдидаги обрусига путур етказмоқда, шу боисдан халқ судлари фаолиятини тартибга солиш зарур. 1886 йилги Низомда халқ судлари ваколатининг кенгайтирилганлиги маҳаллий аҳоли тасаввурда уларнинг аҳамиятини ҳар қачонгидан ортириб юборишга сабаб бўлди” деган фикрларни илгари сурди. Шу билан бирга С. М. Духовской халқ судларини тўлиғича қайта ислоҳ қилишни ёқлашмаслигини ҳам маълум қилди ва бунини у қуйидагича изоҳлади: “Халқ судларининг мансабни суистемол қилиш ва адолатсиз қарорлар чиқариш каби ҳолатларга йўл қўяётганлигига қарамай ҳозирда бу орган фаолиятини бекор қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобламайман, чунки маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий қарашлари русларникидан тубдан фарқ қилади. Шунингдек, маҳаллий аҳоли урф-одатлари ҳақида бизда тўлиқ тасаввур шаклланмаган. Биз кўпинча улар билан ҳалигача тилмочлар орқали мулоқотда бўламиз, - буларнинг барчаси халқ судлари фаолиятини ҳозирча сақлаб туриш лозимлигини кўрсатади”. Шундан келиб чиқиб генерал-губернатор халқ судлари фаолиятини босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва бу масалага эҳтиёткорона ёндашиш лозимлигини таъкидлади. Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовской томонидан тақдим қилинган лойиҳа ҳаётга тадбиқ қилинмади, бироқ анъанавий судларни сақлаб қолиш масаласи ҳаётини зарур эканлигини яна бир маротаба исботлади.

1894 йилда император буйруғига кўра суд органлари фаолиятини янгилаш бўйича махсус комиссия фаолияти ташкил этилди. Ушбу комиссияга адлия вазири Н.М.Муравьев раҳбар этиб тайинланди. Комиссияга ҳам 1864 йилги суд Низомиди кўзда тутилган суд органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар бериш вазифаси юклатилди. 1901 йилда мазкур комиссия томонидан тақдим қилинган лойиҳа Адлия вазирлигига жўнатилди ва ижобий баҳоланди. Бироқ, Давлат кенгаши муҳокамасида лойиҳани тасдиқлашга эришилмади. айрим тарихчиларнинг фикрича 1905 йилги Рус инқилоби ушбу лойиҳани ҳаётга тадбиқ қилишга йўл бермаган. Шундай бўлсада, суд тизимини ислоҳ қилиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш ишлари кейинги йилларда ҳам давом эттирилди. Жумладан янги аср бошида Хива хонлигида суд ислоҳотини амалга ошириш белгиланган ва шунга мувофиқ, 1912 йилда Адлия вазирлиги махсус қонун лойиҳасини имзолаган эди. 1914 йилда мазкур муассаса қошида Кавказ ўлкаси аҳолиси учун суд органлари фаолиятини тартибга солиш бўйича алоҳида Низом лойиҳаси кенгаш ихтиёрига муҳокама қилиш учун юборилди. ундан ташқари Дашт ўлкасида ҳам аҳоли сонининг ўсиши, ўлка аҳолисининг этник таркибидаги ўзгаришлар (бу ерда ўлкага славян аҳолисининг оммавий кўчиб келиши назарда тутилмоқда. – *Х.Ш.*), шаҳарлар сонининг ошиши, хусусий мулкчилик шаклидаги ўзгаришлар, кўчманчи аҳоли турмуш тарзидаги трансформацион жараёнлар сабабли бошқарув тузилмаларини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди. XIX аср охирида Марказий Осиё минтақасининг маъмурий ҳудудий жиҳатдан ўзгариши, хусусан Зарафшон округининг Самарқанд вилоятига айлантирилиши (1868 йил), Амударё бўлимининг Сирдарё вилоятига қўшилиши (1873 йил), Қўқон хонлигининг тугатилиши муносабати билан 1876 йилда Фарғона вилоятининг ташкил этилиши, Еттисув

вилоятининг Туркистон-гунерал губернаторлиги таркибидан чиқарилиши ва Дашт генерал-губернаторлиги таркибига киритилиши (1882 йил), кейин яна Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига қайтарилиши (1899 йил), Каспийорти вилоятининг маъмурий ҳудудий тузилмасидаги ўзгаришлар – буларнинг барчаси бошқа соҳалар катори суд органлари фаолиятини ҳам тартибга солиш ва янгилашни тақозо қиларди.

Шу муносабат билан 1902 йилда Туркистон ўлкасининг янги генерал-губернатори Н.А.Иванов томонидан Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги янги Низомни ишлаб чиқиш бўйича алоҳида комиссия тузиш таклифи ўртага ташланди. Бироқ, комиссия томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа рус маъмурлари томонидан кескин танқидга учрагани боис, 1908 йилда император Николай II сенатор, граф К.К.Пален бошчилигидаги алоҳида комиссияни Туркистонга юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Туркистон ўлкасини 1908-1909 йиллар довомида тафтиш қилган Пален бошчилигидаги комиссия ўлканинг барча соҳаларини иқир-чиқиргача ўрганиб, ҳисобот тайёрлади. К.Пален ҳисоботларида Туркистон ўлкасининг судлов тизими борасида ҳам фикрлар билдирилган. Айтиш керакки, граф К.К.Пален бошчилигидаги комиссия ҳисоботи рус ҳукумат доираларида катта муҳокамага сабаб бўлди⁴. Шунга асосан, 1910 йилнинг декабрида Россия империяси Вазирлар кенгаши маслаҳатчи П.А.Харитонов раҳбарлигида “Туркистон ўлкаси бошқарувини қайта ташкил этиш бўйича асосий қоидалар” ишлаб чиқиш юзасидан махсус кенгаш ташкил этиш тўғрисида фармойиш чиқарди. Мазкур кенгаш 1911 йилнинг майида Петербургда ўз ишини бошлади ва унинг таркибида турли вазирликлар ва идоралар вакиллари, шу жумладан, Туркистон ўлкасини тафтиш қилган граф Пален ва Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновлар ҳам бор эди. Мазкур кенгаш сенатор Пален тафтиши чоғида аниқланган хато ва камчиликларни ўрганиб, шу асосда зарурий чора-тадбирлар лойиҳасини тақдим қилишлари белгиланди[6]. Мазкур камчиликлар орасида Туркистон ўлкаси судлов тизими билан боғлиқ ҳолатлар ҳам бор бўлиб, Пален бошчилигидаги тафтишчилар томонидан берилган “халқ судларининг минтақа сиёсий ва иқтисодий ҳаёти билан чамбарчас боғланмаганлиги ҳолатида ҳам ҳали - ҳамон ўз фаолиятини давом эттириб келаётганлиги” таъкидланган ҳулосасини ўринли деб топиб, Туркистон ўлкаси судлов тизимини ислоҳ қилиш масаласига эҳтиёткорона ёндашиш, айниқса халқ судларининг заиф ва салбий томонларини бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳақида ҳулоса берди. Бундан ташқари, халқ судлари ваколати доирасига кирган жиноят ишларини кўриб чиқиш умумимперия суди зиммасига ўтказилди, шунингдек, халқ судлари устидан прокурор назорати кучайтирилиши белгиланди.

1912 йилнинг ноябрида Кенгаш ҳулосаси асосида Россия империяси Вазирлар кенгаши Туркистон ўлкасининг ўлка, вилоят, уезд, шаҳар ва қишлоқ бошқарувини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини тасдиқлади. Шунга мувофиқ, 20 ноябрда Туркистон ўлкаси халқ судлари ваколати доирасига кирган оилавий муносабатлар, меросга эгаллик қилиш, сув масалаларига доир муаммолар билан боғлиқ ҳолатларни кўриб чиқишда мировой судьялар одат нормаларига амал қилишини белгиловчи фармон чиқарилди. Шу тариқа, 1908-1910 йиллардаги граф К.К.Пален томонидан амалга оширилган тафтиш натижасида берилган ҳулоса Туркистон ўлкаси ва Дашт вилояти судлов тизимини қайта ислоҳ қилишни яна бир қарра таъкидлаган ва бу бўйича дастлабки амалий қадам ташланган бўлсада, биринчи жаҳон урушининг бошланиши муносабати билан ушбу масала яна иккинчи даражали муаммолардан бири бўлиб қолаверди.

АДАБИЁТЛАР

1. Временное положение об управлении в Уральской, Тургайской, Акмолинской и Семипалатинской областях (21 октября 1868 г.) // Древний мир права казахов (материалы, документы и исследования в десяти томах). – Алматы : Жеті жарғы, 2005. Т. V.
2. Положение об управлении Туркестанского края 1886 г.
3. Салиев А. Попытки инкорпорации традиционных судов Туркестана в систему судопроизводства Российской империи // Право и управление. XXI век. 2015. № 2 (35).
4. Анисимова И.В. Проблема реформирования традиционной судебно-правовой системы Туркестана и степных областей в конце XIX – начале XX в. // Вестник Томского государственного университета. 2018. № 428.
5. Нестеренко Л.С. Распространение судебной реформы 1864 г. в Туркестанском крае // Социально-гуманитарные и юридические науки: современные тренды в изменяющемся мире. – Краснодар: Премьер, 2012.
6. Шушкова М.Е. Реформа управления Туркестанским краем в начале XX в.: разногласия между Санкт –Петербургом и Ташкентом // Новый исторический вестник. 2012. № 2(32).

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империясининг Туркистон ўлкасида ўтказган нотариал соҳадаги ислохотлари

Холиқулов Ш. Б. Самарқанд давлат университети

Резюме. Мақолада Туркистон ўлкасида Россия империяси томонидан суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган ислохотлар борасида сўз юритилган. Ўлкада амалга оширилган суд ислохотлари маҳаллий аҳолини Россия империясининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузилмасига янада чуқурроқ қириб боришини ва сингишиб кетишини таъминлаши лозимлиги, аммо амалда суд ислохотлари натижаси бирмунча зиддиятли хусусият касб этиши, шунга мувофиқ, бир неча асрлар давомида сақланиб келинган анъанавий суд-ҳуқуқ тизими ҳамда замонавий адлия тамойиллари уйғунлиги XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг судлов тизимининг мураккаб тузилма кўриниш касб этганлиги таъкидланган.

Таянч сўзлар: Туркистон ўлкаси, Дашт вилояти, суд-ҳуқуқ тизими, ислохот, шариат, одат, халқ судлари, нотариал ҳаракатлар.

Реформы в нотариальной сфере Российской империи в Туркестанском крае во второй половине XIX-начале XX вв.

Холиқулов Ш.Б. Самаркандский государственный университет

⁴ Бу ҳақда батафсил қаранг: Махмудова Н.Б. Сенаторская ревизия графа К.К. Палена в Туркестане: причины, ход, последствия // Метаморфозы истории. 2016. № 7. С. 134–150.

Резюме. В статье рассматриваются судебные реформы, проведенные Российской империей в Туркестане. В статье подчеркивается, что судебные реформы должны были обеспечить более глубокое проникновение местного населения в политическую и социально-экономическую структуру Российской империи. Однако на практике результаты судебной реформы стали несколько противоречивыми. Соответственно, сообразность традиционной судебной системы и современных принципов правосудия представляли сложную структуру судебной системы Туркестана в начале XX века.

Ключевые слова: туркестанский край, степной край, судебно-правовая система, реформа, шариат, адат, народные суды, нотариальные действия

Reforms in the notarial sphere of the Russian Empire in the Turkestan Territory in the second half of the 19th-early 20th centuries
Kholikulov Sh.B. Samarkand State University

Summary. The judicial reforms carried out by the Russian Empire in Turkestan are examined in this article. The article emphasizes that judicial reforms in the country were supposed to provide a deeper penetration of the local population into the political and socio-economic structure of the Russian Empire. In practice, however, the results of judicial reform became somewhat contradictory. Accordingly, the consistency of the traditional judicial system and modern principles of justice represented the complex structure of the judicial system of Turkestan at the beginning of the 20th century.

Key words: Turkestan Territory, Steppe Territory, judicial and legal system, reform, Sharia, adat, people's courts, notarial actions

УДК 323>327:347(575.1)

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Мардонов Б. М.

Ўзбекистон Миллий университети

Ўзининг хавфсизлиги, дахлсизлигини таъминлашга асосий эътиборини қаратадиган мамлакатларда маънавий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, мафкуравий хавфсизлик каби тушунчалар қаторида миллий хавфсизлик тушунчасига стратегик вазифа сифатида қаралади. Ҳарбий соҳада етишиб чиқаётган кадрлар мамлакат ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлашга у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Давлатнинг мудофаа салоҳиятини юксалтириш тизимда малакали, юқори тайёргарликдан ўтган қолаверса, Ватанга садоқатли кадрларнинг фаолиятига боғлиқ. Замонавий армия деганда нафақат замонавий қурул-аслаҳа, техникалар балки, давр руҳини ҳис қилувчи стратег ҳарбий хизматчилар тушунилади. Шу сабаб, ҳарбий соҳада кадрлар тайёрлашнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш, унинг мамлакатимиз манфаатларига мос жиҳатларини жорий қилиш миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Барқарор тараққиётнинг асосий шартларидан бири мамлакатда хавфсизлик таъминланган бўлишидир. Хавфсизликни таъминлаш эса ўз навбатида ушбу соҳага масъул кадрларнинг самарали фаолияти билан боғлиқ. Умуман, мудофаа тизими учун масъуллик деганда нафақат ҳарбий соҳа вакиллари тушунилиши лозим, балки, жамиятнинг ҳар бир аъзоси Ватан ҳимоясини ўзи учун муқаддас бурч сифатида англаши лозим. Ҳарбий соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашда асосий эътибор ушбу йўналишда фаолият олиб борадиган таълим муассасаларига қаратилади. Бу эса ўз навбатида таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлаш тажрибаси, моддий-техник базаси, ҳарбий таълим жараёнида бўлажак мутахассисларнинг шахсий ва касбий фазилятларини шакллантириш, уларга қатъий интизом, ташаббускорлик, масъулиятни англаш, янгича фикрлаш қўникмаларини шакллантириш, соҳага доир масалаларни ностандарт еча олиш имкониятини ошириш, турли шароитларга мослаша олишни кўзда тутувчи комплекс таълим ва тарбияни олиб боришни тақозо этади. Ҳар қандай ривожланган мамлакатнинг миллий манфаатларини рўёбга чиқариш, миллий хавфсизлигини таъминлашни шу соҳадаги малакали кадрлар амалга оширади. Ҳарбий соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиз миллий хусусиятларига мос йўналишларни жорий қилиш муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Ҳарбий соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва олий ва ўрта махсус ҳарбий таълим тизимини ташкил этишнинг турли йўналишлари ва шакллари мавжуд.

Биз юқорида ҳарбий соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини хорижий тажрибага таянган ҳолда таҳлил қилдик. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, у ҳам бўлса ҳарбий соҳага кадрлар тайёрлашда ёшларни миллий руҳ билан суғориш, уларни ватанга садоқатли ҳарбийлар бўлиб шаклланишлари учун тизимли фаолият олиб боришидир. Зеро, ҳар қандай ўз соҳасининг мутахассиси ватанига садоқат билан хизмат қилиши учун унда юртга содиқлик ҳислатлари шаклланган бўлиши керак. Бу эса хорижий тажрибанинг ўзига хос томонларини ўрганиш эҳтиёжини юзага чиқаради.

Россиялик олим Р.В.Старков ўзининг педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида масалага қуйидагича тўхталади: “Ривожланган ғарб мамлакатлари ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги материаллар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, НАТО таркибига қиравчи АҚШ, Англия, Германия каби давлатларда ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги фаолияти кенг йўлга қўйилган. Дунёнинг ушбу етакчи мамлакатларида таълим ва тарбия фалсафий, социологик, психологик ва ҳарбий тушунчалар асосига қурилгани маълум бўлди. Ҳозирги вақтда кадрлар тайёрлаш тизими ва кучли моддий-техник базани бошқаришдаги прагматизм ва мослашувчанлик туфайли ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш ва ўқитишнинг замонавий Америка тизими юқори маҳсулдорлик билан ишламоқда” [1]. Р.Старковнинг фикрига кўра, “...ватанпарварлик даражаси тезда, мамлакат хавфсизлиги ва идеалларига таҳдид туғилганда намоён бўлади. 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан қисқа фурсат ўтиб амалдаги армия ва

миллий гвардия сафлари кўнгилли ҳарбий хизматчилар билан тўлди. Ҳарбий соҳага умуман алоқаси бўлмаган фуқароларнинг армияга қўшилиш ҳолатлари жуда кўп кузатилди” [1].

Ҳарбий хизматни ўташга доир тарғиботнинг юқори даражаси туфайли муаммолар ўз ечимини топиб бормокда. Ўз навбатида ҳарбий хизматнинг, хизматчиларнинг обрўси ошиб бормокда, жамият аъзолари орасида қуролли кучларнинг жозибадор қиёфаси шаклланимокда.

Р.В.Старков Қўшма Штатлардаги ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг бешта асосий йўналишини кўрсатиб ўтади: 1. “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида ҳарбий-касбий йўналтириш бўйича чора-тадбирлар тизими катта аҳамиятга эга. 2. Ҳарбий реклама турли вазифаларни ҳал қилиш имконини беради: армияни оммалаштириш, унинг мавқеини ошириш, қуролли кучларнинг жозибадор қиёфасини шакллантириш, ёшларнинг ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш. 3. Замонавий шароитда ҳарбий хизматга жалб қилиш ва саралаш бўйича мутахассислар, ёш авлоднинг фаол ҳарбий профессионал соҳага йўналтириш, Америка жамоатчилигининг онгида қуролли кучларнинг жозибали қиёфасини яратиш ва сақлашга қаратилган турли видео ўйинлардан фойдаланиш. 4. Америкаликлар ижтимоий муаммолари мавжудлиги, уни ечиш борасида тезкорликнинг етишмаслигига қарамай армиянинг тезкор профессионал корпусига бўлган ишончни янада кучайтириш.

Ҳарбий таълим муассасаларида ватанпарварлик хислатларини шакллантириш мавзусида тадқиқот олиб борган Р.Старков мазкур масаланинг Буюк Британия тажрибасини АҚШникига ўхшаш деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, “...ёш авлодни қуролли кучларда хизмат қилишга тайёрлаш амалиёти билан “Жамоатчилик билан алоқалар бош бошқармаси” шуғулланади. Ушбу ташкилот Британия мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиб, уларнинг ечимлари бўйича таклиф ва тавсияларни бериб боради. Ахборот технологияларининг ривожланиши, ОАВнинг жамоатчилик онгини бошқаришдаги имкониятларини ортиб бориши Буюк Британия мудофаа вазирлиги ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги тарғиботни ОАВ орқали кучайтирмокда” [1]. “Бундай “медиа операциялар” Британия аҳолисида (шу жумладан ёшларда) муҳим фикрлар, қарашларни шакллантириш мақсадида амалга оширилади. Буюк Британия Мудофаа вазирлигида тинчлик ва уруш даврида мазкур вазифани бажаришга Бош корпоратив алоқалар бошқармаси “Directorate General Corporate Communications” масъул. Бундан ташқари, ҳукуматнинг ташкилий тузилмасида худди шундай вазифаларни давлат даражасида бажарадиган ҳукумат ахборот-коммуникация хизмати “The Government Information and Communications Service” мавжуд. Ташкилотда 130 га яқин ходим фаолият юритади” [2]. Юқорида номлари келтирилган ташкилотларнинг асосий вазифаси шуки, улар нафақат ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги тарғиботларни олиб боради, балки, Қуролли кучларни жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни мамлакат ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи куч сифатида гавдалантириш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, ҳарбий соҳада кадрлар тайёрлашнинг Ўзбекистон амалиётининг муҳим жиҳатларини таҳлил қилиш, ҳарбий таълим тизимига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада муҳим ҳужжат, 1995 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси қабул қилинган бўлиб, ҳужжатда мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, қуролли кучларга ватанпарвар, ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ устувор йўналишлар белгилаб берилган. Глобаллашув жараёнининг кучайиши, минтақалараро вазиятнинг кескинлашуви натижасида амалдаги доктринани қайта кўриб чиқиш, уни замонавий талабларга кўра янгилаш эҳтиёжидан келиб чиқиб, 2018 йил 9 январь куни ЎРҚ-458 га кўра Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа доктринаси” қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бу борада қуйидаги фикрни илгари сурган эди: “ташки сиёсатимизнинг мослашувчанлик ва очиклик принципларига, энг асосийси, кўшни давлатлар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлашдек биз учун устувор бўлган тамойилларга таянган ҳолда, мамлакатимиз **Мудофаа доктринаси сифат жиҳатидан янгиланди**. Бу доктринанинг маъно-мазмунини биринчи марта очиклик хусусиятига эга бўлди. Бу эса бизнинг мудофаа сиёсатимизнинг очиклигини намоён этмокда. Доктринада Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сиёсати бўйича принципаал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари, Қуролли Кучлар олдида турган вазифалар, шунингдек, миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар белгилаб берилди”[3]. Президентимиз ҳарбий соҳада кадрлар тайёрлашдаги айрим муаммолар ҳақида тўхталиб, “Мен йил давомида Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини таҳлил қилиб бордим. Ҳарбий ўқув машқларини Каттакўрғон полигонидан кузатдим, Жануби-Ғарбий, Шарқий ва Тошкент ҳарбий округларида Мудофаа вазирлиги ва чегара қўшинлари бўлинмаларини, бугун эса Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмини бориб кўрдим. Ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашдим, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитдим. Натижада кўп йиллар давомида йиғилиб қолган жиддий, тизимли муаммолар аниқланди. Булар — кадрлар масаласи, қўшинларни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тааллуқли муаммолардир” [3], дея таъкидлаб ўтган.

Қабул қилинган янги доктринанинг асосий жиҳати шундаки, глобаллашув шароитида янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва бу таҳдидларни бартараф этиш учун янгича ёндашувга эҳтиёжнинг пайдо бўлишига эътибор қаратилган. Бу борада доктринада келтирилган қуйидаги жиҳатларни таъкидлаш жоиз: “Глобаллашув давом этаётган ва халқаро муносабатларнинг бутун тизими ўзгариб бораётган шароитларда жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазият халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўламини кенгайтириб бораётганлиги — геосиёсий қарама-қаршиликнинг кучайиши, можаролар ва танг вазиятларни куч ишлатиб ҳал этишга бўлган

ёндашувнинг устунлик қилиши, куч ишлатиш, шу жумладан оммавий қирғин қуролини қўллаш эҳтимоли ошганлиги, ҳарбийлаштириш, халқаро терроризм ва экстремизм фаоллашганлиги, ахборот макони ва кибермаконда ўзаро кураш кучайганлиги билан тавсифланади”[4].

Айтиш мумкинки, ушбу йўналишдаги асосий вазифалар ҳам ҳужжатда етарлича тавсифлаб берилган. Жумладан, “Давлат ҳарбий ташкилотини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари” деб номланган 6-бўлимда: “ҳарбий фанни ривожлантириш ва ҳарбий хавфсизликни таъминлаш соҳасида қабул қилинадиган қарорларнинг илмий жиҳатдан мустаҳкам тизимини такомиллаштириш; ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишга доир янги механизмларни ишлаб чиқиш; аҳолини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарали механизмларини мазкур жараёнга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилган ҳолда амалиётга жорий этиш; ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; кўшинларнинг жанговар ва сафарбарлик шайлиги, кўшинларнинг тезкор, жанговар, маънавий-маърифий ва психологик тайёргарлигини режалаштириш ҳамда ташкил этиш, шунингдек таълим олган сафарбарлик захирасини тайёрлаш тизимларини такомиллаштириш; ҳарбий таълим ҳамда миллий ҳарбий илмий ва педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини юксалтириш [4], каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Ҳар қандай қонундан келиб чиқиб, соҳага жавобгар ташкилотлар ўз қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиши ўша соҳанинг ривожини таъминлайди. Фикримизни тасдиқлаш учун қуйидаги ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралда қабул қилинган “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори соҳага доир навбатдаги муҳим ҳужжат дейиш мумкин. Концепциянинг 1-бўлимида “Она-Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шухратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчалар, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш орқали Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвар фуқароларини тарбиялаш Концепциянинг асосий мазмунини ташкил этади” [5], дейилган.

Шунингдек, ушбу бўлимда, “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — бу миллати, тили ва касбидан қатъий назар, ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларининг кўп босқичли, тизимли, мақсадли ва мувофиқлаштирилган фаолиятидир” [5], дея асосланади. Соҳага доир сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар кўлами шуни кўрсатмоқдаки, ҳукумат томонидан ҳеч қайси ривожланган давлатдан кам бўлмаган қонунчилик тизими яратилган.

Мазкур қонунчиликнинг амалда ривожини таъминлаш эса тегишли ташкилотлардан янада фаол бўлишни талаб этади. Масалан, 1992 йилда чоп этила бошлаган Мудофаа вазирлигининг марказий нашри “Ватанпарвар” газетаси ҳарбий йўналишда кадрлар тайёрлаш, ёшларни ҳарбий- ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ туркум мақолалар, ҳарбий қисмлардан лавҳалар бериб бормоқда. Олий Бош қўмондон ташаббуси ва тавсиясига кўра олиб борилаётган туб ислохотларни, ҳарбий хизматчиларнинг улуг аждодлар изидан боришни тарғиб қилувчи “Ўзбекистон армияси” журналининг нашр этилишини ижобий жиҳатлар сифатида қайд этиш мумкин. Шунга қарамай, мудофаа тизими учун кадрлар тайёрлаш ва ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ҳозирги давр руҳияти, шиддатини тўлиқ акс эттира олмаяпти дейиш учун асослар етарли. Бу борада, ОАВ имкониятларидан янада кенг фойдаланиш, туркум кўрсатув ва эшиттиришлар сонини ошириш, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти самарадорлиги янада ошириш масаланинг ижобий ечими бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, мамлакатимизда ҳарбий соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг қуйидаги асосий йўналишлари мавжуд: Пухта ҳарбий ва жисмоний тайёргарликдан ўтган, мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсатини тўлиқ англаб етувчи кадрларни етиштириш; Ўзининг фуқаролик позициясида қатъий тура олувчи, жамият ва давлат манфаатларини ўз манфаатидан устун қўя олувчи, масъулиятни ҳис қилувчи, креатив фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлаш; Соҳага доир чуқур билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, Ватанга хизмат қилишни ўз ҳаётининг таркибий қисми эканлигини англаб етган ёшларни тарбиялаш; Юксак инсоний фазилатларга эга, миллат, давлатга содиқ, маънавий-мафкуравий жараёнларни теран англовчи, ахлоқий кадриятларни ўзида мужассамлаштирган, ҳарбий кадрларни тайёрлаш каби устувор вазифалар келажакда хавфсизлик ва барқарорликни таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Старков Роман Валериевич. Совершенствование военно-патриотического воспитания курсантов факультетов среднего профессионального образования вузов Министерства Обороны Российской Федерации. Диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. –Москва; 2015.
2. Главное управление общественных связей Министерства обороны Великобритании. URL:<http://www.sovetnik.ru/pressclip/>.
3. <https://uza.uz/uz/posts/qurolli-kuchlarimiz-mamlakatimiz-bar-arorligi-va-tara-iyetini-11-01-2018>
4. <https://lex.uz/docs/3495885>
5. <https://lex.uz/docs/3571158>

Эскерий билимлендириш системасида кадрларды таярлаудың айырым мәселелери
Мардонов Б. М. Ўзбекистон миллий университети

Резюме. Мақолада жаслар сиясатын жүзеге шығару карасынан әскерий тәлим системасында кадрлар таярлаудың әҳмийетли мәселелери қарап шығылған. Раўажланған шет ел мәмлекетлеринде қәлиплексен әскерий кадрлар таярлау тәжрийбеси тийкарында автор Өзбекстан жоқары әскерий билимлендириу мәкемелеринде әскерий таярлықты жетилистириу жүзесинен усыныслар берилген.

Таяныш сөзлер: жаслар сиясаты, мәмлекеттиң қорғаныу потенциалы, әскерий билимлендириу, әскерий хызметкер, мәмлекет қәуипсизлиги, әскерий ўатансүйишлик.

Ҳарбий таълим тизимида кадрларни тайёрлашнинг айрим масалалари
Мардонов Б. М. *Ўзбекистон миллий университети*

Резюме. Мақолада ёшлар сиёсатини рўйбга чиқариш нуқтаи назардан ҳарбий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилган. Илғор хориж мамлакатларида шаклланган ҳарбий кадрлар тайёрлаш тажрибаси асосида муаллиф Ўзбекистон олий ҳарбий таълим муассасаларида касбий тайёргарликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни илгари сўрмоқда.

Калит сўзлари: ёшлар сиёсати, давлатнинг мудофаа салоҳияти, ҳарбий таълим, ҳарбий хизматчи, мамлакат хавфсизлиги, ҳарбий ватанпарварлик.

Некоторые вопросы подготовки кадров в системе военного образования
Мардонов Б.М. *Национальный университет Узбекистана*

Резюме. В статье рассмотрены актуальные вопросы системы подготовки кадров в военной сфере с позиции реализации молодежной политики. На основе изучения передового опыта развитых стран в области подготовки военных кадров автор выдвигает предложения по совершенствованию профессиональной подготовки военных кадров в Узбекистане.

Ключевые слова: молодёжная политика, оборонный потенциал государства, военное образование, военнослужащий, безопасность государства, военный патриотизм

Some issues of personnel training in the military education system
Mardonov B.M. *National University of Uzbekistan*

Summary. The article examines topical issues of the system of training personnel in the military sphere from the standpoint of the implementation of youth policy. On the basis of studying the advanced experience of developed countries in the field of training military personnel, the author puts forward proposals for improving the professional training of military personnel in Uzbekistan.

Key words: youth policy, defense potential of the state, military education, serviceman, state security, military patriotism

SOTSIOLOGIK TADQIQOTLARDA FOKUS-GURUH USULI

Ibragimova N. Yu.

Qoraqalpog'iston Respublikasi xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi

Bugungi kunda fokus-guruhlar birinchi navbatda marketing va ijtimoiy – siyosiy jarayonlarni tadqiq qilish borasida keng foydalanib kelinmoqda. Marketing tadqiqot o'tkazish jarayonida bu usul 1950-yillardanoq qo'llanila boshlangan. Jamoatchilik bilan aloqalar o'rnatish davomida fokus-guruh usuli qo'llanish uchun maqsadli auditoriyani aniqlab olishimiz kerak bo'ladi. Fokus-guruh usuli tadqiqotchiga o'rganiladigan muammoning xususiyatlarini ochib berishga va ushbu guruh fikriga ta'sir ko'rsata olishiga mo'ljalangan kommunikatsion dasturlarni ishlab chiqishga yordam beradi.

Fokus-guruh usuli - bu jamiyatning turli sohalarini o'rganish usullaridan biri bo'lib, keyingi yillar davomida tadqiqotlar o'tkazish jarayonida tadqiqotlar keng qo'llanadi. Amerika siyosatshunos olimi R.Kryugerning so'zlariga ko'ra, fokus-guruhlarga bag'ishlangan nashrlari sonining ko'payishi va tegishli adabiyotlarning yuqori ko'rsatkichlari bo'yicha XX asrning o'rtalarida paydo bo'lgan ushbu usul tor doiradagi professional auditoriyaning muhokama mavzusiga aylanganini ta'kidladi [1]. Sotsiologik adabiyotlarda ushbu usulning rivojlanish tarixi haqida aniq ma'lumot keltirilmaydi. Ingliz sotsiolog-iqtisodchilari D.Styuart va P.Shamdesa fokus-guruh usulining tarxini fokusli intervyu deb ta'kidlab o'tadi [2], biroq birinchi marta 1941 yillarda R.Merton va P.Lazarsfeld radio samaradorligini o'rganish davomida foydalaniganligi haqida ta'kidlaydi [3]. Amerika siyosatshunosi R.Kryuger bunday suhbat texnikasini 1930-yillarning oxirida paydo bo'lgan deb hisoblaydi va ma'lumotlar yig'ishning miqdoriy usullari imkoniyatlaridan foydalanishning yaroqsiz holga kelishi natijasida sotsiolog olimlar orasida, intervyu beruvchining respondentlarga o'z nuqtai nazarini qo'yishi va uni rasmiylashtirish so'rovnomalarning yolg'on aralshuviga sabachi bo'lganligida deb hisoblaydi [4].

Ikkinchi jahon urushi yillarida harbiy kafedralar tomonidan buyurtma qilingan targ'ibot suhbatlaridan (shaxsiy va guruhli) foydalanish tajribasi, targ'ibot va filmlarning armiyada o'qitishga ta'sirini o'rganishda birinchi bo'lib 1946 yilda R.Mertonning ilmiy ma'ruzasida umumlashtiriladi. Shuningdek, 1949 yil marketolog T.Novak bozorni o'rganish uchun guruh suhbatidan birinchi bo'lib foydalangan va yangi mahsulot sifatini muhokama qilish uchun uy bekalarini o'z ofisiga taklif qilgan [5]. Metodni umumlashtiruvchi nazariy tushunchasi 1956 yilda R.Merton, P.Kendall va M.Fiskening "Fokusli intervyu" kitobida ko'rish mumkin [6].

1950-yillarda marketing usullarini hal qilishda fokus-guruh usulidan foydalangan holda AQShda o'nlab tadqiqot markazlari vujudga kelgan edi. Psixologlar va guruh psixoterapevtlari fokus-guruh usulini takomillashtirishga katta hissa qo'shdilar, guruh suhbatlarining ongsiz motivlarini o'rganish uchun ishlatiladigan proeksion texnika bilan birlashtirdilar. 1970-yillarning oxirlarida rivojlangan mamlakatlarda bunday tadqiqotlarning ko'lam kengayib, fokus-guruhlar sohalar bo'yicha qo'llanila boshlaydi. Keyinchalik fokus-guruh usuli darsliklar va o'quv qo'llanmalarining ajralmas bo'lagiga aylanib boradi, uni marketing, reklama va ijtimoiy-psixologik tadqiqotlarda qo'llash keng tarqaladi. 1990-yillarning o'rtalariga kelib amerikaliklarning o'rtacha katta yoshdagi odamlar o'rtasida qo'llanish orqali fokus-guruhlarda kamida ikki martadan ko'proq qatnashganligini va 2000 yilga kelib ularning soni yanada ko'payganligini

ko'rish mumkin. Fokus – guruh usulining o'ziga xos xususiyatlari haqida gapirar ekanmiz, bugungi kunda fokus-guruh metodining intizomiy bog'liqligi ilmiy adabiyotlarda har xil yo'llar bilan belgilanadi.

Umuman olganda, fokus – guruhni o'rganish jarayonida o'ziga xos uchta asosiy yondashuvni ajratish mumkin. Ba'zi mualliflar buni an'anaviy miqdoriy so'rov usulining o'zgarishi deb bilishadi, boshqalari fokus-guruhni miqdoriy va sifatiy yondashuvlar o'rtasida bo'lishini hisobga olib, chegara maqomini berishadi va nihoyat, uchinchi va ularning aksariyati ushbu usulni butunlay sotsiologik ma'lumot to'plashning sifatli metodologiyasi sifatida qaraydi [7]. Shunga o'xshash qarashlar klassik va zamonaviy sotsiologiyada ham qabul qilingan. Ushbu usul statistik taqsimotlarni ta'minlamaydi, asosan tasniflovchi xususiyatiga ega va an'anaviy tanlama so'rovlarga qaraganda kamroq tuzilgan so'rovnomalardan foydalaniladi.

G'arb olimlari adabiyotlarida fokus-guruh atamasi sinonimi ko'pincha: guruh muhokamasi, sifatli tadqiqotlar, shuningdek, sezgir panel va kengaytirilgan ijodiy guruhlar kabi tavsiflanadi. Vaqt o'tishi bilan bunday metodlar asl mohiyatini yo'qotib, "fokus-guruh" so'zi ilmiy muomaladan butunlay yo'q bo'lib ketishi mumkinligi haqida tamkidlab o'tadilar [8].

Fokus-guruhning ba'zi ta'riflari: R. Mertonning fikricha, fokus-guruh usullari: 1. Suhbatdoshlar muayyan vaziyat ishtirokchilariga ega bo'lishi kerak. 2. Ushbu vaziyatning mohiyati, jarayonlari, umumiy tuzilishi sotsiolog tomonidan oldindan tahlil qilinishi kerak. 3. Ushbu tahlil asosida tanqidiy savollar va farazlarni aks ettirgan suhbat rejasi tuzilishi kerak. 4. Suhbat shaxslarning ilgari tahlil qilingan holatga nisbatan sub'ektiv hissiyotlariga qaratilishi haqida aytib o'tadi [9]. Fokus-guruhlar shunchalik ko'p qo'llanilganligidan, ko'plab sotuvchilar ularni sifatli tadqiqotlar bilan tenglashtiradilar.

I. Goldmanning fikricha, guruhga bag'ishlangan teranglashtirilgan intervyu: "guruh" umumiy manfaatlar bilan birlashtirilgan o'zaro ta'sir qiluvchi odamlar sonini anglatadi; "terang" - bu shaxslararo muloqot darajasida sodir bo'lgandan ko'ra to'liqroq ma'lumot qidirishni anglatadi; "intervyu" bu guruhni ma'lumot olish mexanizmi sifatida qo'llanadigan moderatorning mavjudligini anglatadi; "fokus-guruh" degani, kichik miqdordagi savollar bilan cheklangan intervyudir.

R. Kryugerning fikricha esa, fokus-guruh - bu ba'zi bir mezonlarga ko'ra guruhlariga birlashtirilgan odamlar birlashmasi bo'lib, natijada guruh muhokamasi davomida sifatli ma'lumotlar ishlab chiqariladi [10].

Fokus-guruhlar (inglizcha *focus group*, nemischa *methode der gruppen diskussion*) - bu olimlar tomonidan maxsus ajratilgan xonada to'g'ridan-to'g'ri (shaxsiy) aloqada bo'lgan mavzu bo'yicha ma'lum bir reja asosida kichik bir guruhning suhbatlari sifatida qo'llaniladi [11]. R. Kryuger fokus-guruhni tahdid qilmaydigan, ishonchli muhitda ma'lum bir mavzu bo'yicha fikrlarni olish uchun ishlab chiqilgan puxta rejalashtirilgan munozara deb ta'riflaydi. Zamonaviy texnologiyalar paydo bo'lishi natijasida bog'lanish tobora ko'proq bilvosita bog'lanish bilan almashtirilmoqda. Masalan, so'rovnomalari telefon tarmoqlari va Internet (elektron pochta) yordamida amalga oshiriladi. Metod nomiga kiritilgan "fokus" so'zi mavzuning mohiyatini, respondentlarning bitta savolga e'tiborini qaratishni va shu munosabat bilan uni har tomonlama muhokama qilish kerakligini ta'kidlaydi. Sotsiologlar buni optik fizikadan olgan.

Fokus (lotincha *focus* - fokus, markaz) optikada optik tizim orqali o'tgan yorug'lik nurlarining parallel nurlari yig'iladigan nuqtani belgilaydi. Empirik sotsiologiyada fokus, kollektiv munozarasi natijasida bir mavzu bo'yicha turli xil, ko'pincha parallel nuqtai nazarlarni ifoda etadigan odamlarning umumiy fikrini bildiradi. Aniqrog'i, odamlar o'zlarining fikrlariga qo'shilmaydi, ular bir fikrga kelishlari ham shart emas. Turli fikrlar bunday tadbirni tashkil etayotgan sotsiologning umumiy xususiyatiga olib keladi.

Shunday qilib, "fokus" atamasi munozara natijalarini bildiradi. Ammo bu atamaning munozara jarayonining mohiyatini ko'rsatadigan boshqa tomoni bo'lib, guruh muhokamalarida ishtirokchilarning diqqat markazida tadqiqotchilarning fikri savol bo'yicha ishtirokchilarning fikrlarini, respondentlarning turli muammolar nuqtai nazarlarining ma'nosini aniqlashga qaratilgan bo'ladi. Turli xil ijtimoiy toifalarning vakillari, shuningdek, kelishuvga erishishning mumkin bo'lgan usullarini izlash to'g'risida olib borish mumkin. Bunday protsedurani amalga oshirish uchun, uni chuqurroq anglash va optimal yechimlarini izlash uchun bir necha munozarali guruhlar tashkil etish va o'rganilayotgan muammoni jamoaviy muhokama qilishni talab qiladi.

Fokus-guruh usullarini G. Edmundsning "Fokus guruhlarini o'tkazish bo'yicha qo'llanma"da, amaliyotchi sotsiologning barcha muammolari ko'rib chiqilganligi ko'rinadi: usulning afzalliklari va kamchiliklari, uni amalga oshirishning umumiy rejasi, fokus-guruhlar turlari (telefokus, triadalar, Internet va videofokus-guruhlar), selektiv protseduralar, anketa ishlab chiqish, respondentlarni tanlash, binolarni va uning texnik jihozlarini jihozlash, moderatorlarni tanlash, ularning qobiliyatlar, o'qitish va foydalaniladigan rol funktsiyalari, ularda qo'llaniladigan texnikalar va fokuslar, fokus-guruhning jarayoni va borishi, maydonni boshqarish, fokus-guruh natijalari matnini tayyorlash va ma'lumotlarni tahlil qilish, xarajatlar va moliyalashtirish, natijalarni taqdim etish, axloqiy va ijtimoiy-madaniy fokus-guruhning jihatlari alohida e'tibor qaratadi [12]. Shuningdek, muallif fokus-guruhlarini o'tkazish bo'yicha ko'plab misollar va ular uchun hujjatlar keltirib o'tadi.

Xorijiy manbalarda fokus-guruhlarning turlari, dastlab marketingda ulardan foydalanishning eng keng tarqalgan sohasi sifatida quyidagilarga qarab farqlanadi: tadqiqotning ilmiy-nazariy asoslari va maqsadlari, madaniy va milliy xususiyatlari, ma'lumotlar yig'ish usullari, ma'lumotlarni tahlil qilish usuli va boshqalar.

Fokus-guruh usulining afzalliklari va kamchiliklari haqida gapiradigan bo'lsak, fokus-guruh munozarasi bir necha sabablarga ko'ra anketa yoki yuzma-yuz intervyu berishdan ko'ra afzalroq ko'rinadi: fokus-guruhdagi respondentlarning o'zaro munosabatlari odatda chuqurroq javoblarni rag'batlantiradi va yangi g'oyalar bilan chiqish imkoniyatini beradi; buyurtmachi to'g'ridan-to'g'ri muhokamalar jarayonini kuzatishi mumkin; anketa yoki intervyuga qaraganda bu usul

tezroq va arzonroq bo'ladi, undan foydalanishda nafaqat vaqt, moliyaviy, balki mehnat xarajatlarini ham tejash mumkin; bu muammoning sabablarini qisqa vaqt ichida aniqlashga imkon beradi [13].

Masalan, bozorda boshqa mintaqalar bilan taqqoslaganda ma'lum bir mahsulotga bo'lgan talabning pasayishi o'ragniladi, mahsulot boshqa bozorlarda juda yaxshi sotilib kelingan. Agar ushbu mahsulot iste'molchilari fokus-guruh muhokamalarida ishtirok etsalar, ular odatda ushbu hodisaning asosiy sabablari aniq ro'yxatini taqdim etadilar.

1968 yilda J. Xess fokus-guruhi usuliga ishtirok etishning o'zaro ta'sirining afzalliklari haqida tasniflab o'tadi, bu usul ko'pincha g'arb davlatlarida atamalarining mohiyatini aniqlash uchun ishlatiladi (masalan, sinergetizm, qor effekti, guruhni rag'batlantirish, xavfsizlik va spontaniya) [14].

1995 yilda D.Esberi fokus-guruhning bunday xususiyatini boshqa hech qanday usul bilan olinmagan juda ko'p miqdordagi batafsil ma'lumot sifatida bayon qiladi [15]. Intervyu davomida o'z xotirasi bilan yolg'iz qolgan respondent nimanidir unutishi mumkin, ammo guruhda eslash, ba'zan boshqa odamlar ishtirokida ancha faolroq bo'lishini ta'kidlab o'tadi. Fokus-guruhlar guruh munozarasi vaziyatida yuzaga keladigan sinergetik ta'sirga bog'liq bo'ladi: psixologik himoya mexanizmlari, shaxslararo to'siqlar, odamlarning his-tuyg'ularini aniq va shaffof ifoda etish mumkin.

Marketing tadqiqotlarida fokus-guruhlar quyidagilar uchun ishlatiladi: sotib olish bilan bog'liq bo'lgan murakkab jarayonlarni tushunish; xaridorga o'zaro bog'liq motivlar majmuasi ta'sir ko'rsatganda, uning ehtiyojlarini aniqlash; mahsulotlardan qanday foydalanilishini tushunish; yangi mahsulotlarni tekshirish ya'ni ularni potentsial iste'molchilarga ko'rsatish kerak bo'lgan hollarda; yangi mohiyatini o'rganish, sinovdan o'tkazish, vizual stimullar yordamida guruh intervyu qatnashchilariga yangi mahsulot qanday ko'rinishini tasavvur qilishlari mumkinligini aniqlash; mijozlar, xodimlar yoki ishlab chiqaruvchilarning qoniqish (noroziilik) omillarini o'rganish va aniqlashtirish; tovar va xizmatning tegishli elementlarini idrok etishni o'rganish; mahsulot yoki xizmatning iste'molchi uchun eng muhim xususiyatlarini aniqlash; mahsulot yoki xizmatni, xizmat ko'rsatish siyosatini takomillashtirish yo'nalishlarini aniqlash; tovar belgisi nomlari va rasmlari variantlarini ishlab chiqish va sinovdan o'tkazish; tovarlarni qadoqlash variantlarini ishlab chiqish va sinovdan o'tkazish; reklama uchun ijodiy tushunchalarni taqdim etish; iste'molchiga ta'sir qilish nuqtai nazaridan eng samarali reklama xabarlarini tanlash (shiorlar, reklama rasmlari, audio va videokliplar va boshqalar); raqobatdosh mahsulotlarni aniqlash, ularning o'rnini bosadigan mahsulotlar; yangi mahsulot narxi to'g'risida fikrlarni bilish; ma'lum marketing dasturlariga iste'molchining dastlabki munosabatini olish.

Shunday qilib, fokus-guruhlar tanlovning o'ziga xos xususiyatlarini tanishtiradi, iste'molchining so'zlashuv so'z boyligini o'rganishga, uning idroki, qiyofasi, e'tiqodi to'g'risida tasavvurga ega bo'lishga imkon beradi; sharhlarni, o'zingizning iste'mol tajribangizdagi hikoyalarni, mahsulotni yaxshilash yoki xizmat ko'rsatish bo'yicha takliflarni tinglashga qaratiladi.

Quyidagi holatlarda fokus-guruh usullaridan foydalanilmaydi: bozor hajmi va mahsulotni ilgari surishni o'lchash zarur bo'lganda; muhokama qilinayotgan mavzu sezgir, masalan, boshqa odamlarning jamiyatida noqulaylik tug'dirishi mumkin bo'lgan nozik masalalarga (shaxsiy gigiena, kontratsepsiya, moliyaviy masalalar) tegishlidir; bir qator muhim qarorlarni qabul qilish bilan bog'liq bo'lgan murakkab xatti-harakatlarni tushunish kerak: ko'chmas mulk, mebel, mashina sotib olish; respondentlarni boshqa odamlar tomonidan etkazilishi mumkin bo'lgan xurofotlardan himoya qilish zarur; sizga murakkab ijtimoiy rollarni chuqur anglash kerak yoki siz uning fikri shakllanishiga ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan omillarni aniqlash uchun respondentning biografiyasiga, bitta ishni tahlil qilishga murojaat qilishingiz kerak; respondentlar kichik va ularga erishish qiyin, ularni bir guruhga to'plash qiyin (noyob brend foydalanuvchilari, mutaxassislar, ko'p vaqtlarini ish safarlarida o'tkazadigan ishbilarmonlar); respondentlar tadqiqotchiga uyda yoki kompaniyada nimanidir ko'rsata olishlari kerak.

Marketing tadqiqotlarida fokus-guruhlarning muvaffaqiyatli ishlashini ta'minlovchi eng muhim omillardan biri bu respondent tanlashdir. Jamoa a'zolarini jalb qilish uchun tadqiqotchi biznes muammosini aniq shakllantirishga, shu asosda vazifalar va farazlarning aniqlanishiga ega bo'lishi kerak. Maqsadli auditoriya vakillarini tanlashga qo'yiladigan talablar faqat ijtimoiy-demografik xususiyatlar (jinsi, yoshi, ma'lumoti, daromad darajasi) va tegishli mahsulotni iste'mol qilish / iste'mol qilmaslik faktlari bilan cheklanmasligi kerak. Ko'p narsa respondentning turmush tarzi va qadriyatlar tizimiga (masalan, faol iste'molchi, ratsional / pragmatik iste'molchi), begonalar bilan muloqotda psixologik adekvativlikka va hissiy ochiqlikka bog'liq bo'ladi.

Shuni e'tiborga olish kerak bo'lgan yana bir muhim jihat shundaki, so'nggi 6 oy ichida fokus-guruhlarga jalb qilingan shaxslar munozaralarda qatnashishlariga yo'l qo'yilmasligi kerak. Biroq, bu talab har doim ham kuzatilmaydi, chunki "professional respondent" o'zining ijobiy xususiyatlariga ega: u ma'lumot to'plashning ushbu uslubining o'ziga xos xususiyatlarini tushunadi, kutilmagan savollardan qo'rqmaydi va moderatorni diqqat bilan tinglaydi. Tabiiyki, fokus-guruh mavzulari bir-biriga mos kelmasligi kerak. Ma'lumki, respondentlarga qo'yiladigan talablar qanchalik aniq bo'lsa, fokus-guruhni tashkil qilish shunchalik qiyinlashadi va uning narxi oshadi. Shunday qilib, yuqori daromadli yoki o'ta "tor" auditoriya ishtirokidagi munozaralar odatdagi fokus-guruhlarga qaraganda kamida 30-40% ga yuqori natija beradi.

Fokus-guruh usulining samaraliligi, respondentlarni tanlash tartibiga bog'liq: ikki bosqichli yollash - birinchi bosqichda agentlik o'ziga ma'lum anketani to'ldiradigan 250-300 kishini jalb qiladi; ikkinchi bosqichda respondentlar zarur xususiyatlarni hisobga olgan holda anketalar orqali tanlanadi; yollovchi zaruriy xususiyatlarga ko'ra odamni topadi, u anketani to'ldiradi, so'ngra ushbu shaxs oldindan suhbatga taklif qilinadi; mijoz o'tkazilgan miqdoriy tadqiqotlar bazasi yoki tashkilotning ma'lumotlar bazasi yordamida fokus-guruh ishtirokchilarini mustaqil ravishda yollaydi.

Fokus-guruh usulini o'tkazishda maxsus talablar: fokus-guruh ishtirokchisi tadqiqot amaliyoti (psixologiya, marketing, sotsiologiya, jurnalistika, reklama, PR) bilan kesishadigan sohalarida, o'rganilayotgan bozorda yoki unga

yaqin sohada ishlamasligi kerak. Marketing tadqiqotlarida fokus-guruhlar davomida har xil qo'shimcha rag'batlantirishlardan foydalanish kerak: audio materiallar, vizual materiallar (jadvallar, fotosuratlar, veb-saytlar), namunalar mahsulotning yangi ishlatilishi va uni namoyish qilish.

Rag'batlantirishdan tashqari, siz proeksion usullar sohasiga tegishli bo'lgan bir qator maxsus usullardan foydalanishingiz mumkin: *so'z birikmalari usuli, to'liq bo'lmagan jumlar usuli, chizmalar usuli*.

Fokus-guruh usulini foydalanish quyidagi hollarda samarali bo'ladi: xayolotlarni yaratish (agar sizda haftalik sotib olish jarayonini butunlay o'zgartirishi mumkin bo'lgan sehrli tayoq bo'lsa, nimani o'zgartirgan bo'lar edingiz?); o'xshashliklarni / savollarni yaratish (agar ushbu markada avtomobil bo'lsa, u qanday ko'rinaradi?); personifikatsiya (agar bu tovar tirik odam bo'lsa, u nima bo'lar edi, o'zini qanday tutar edi?); kelajak tasvirlarini yaratish (sizningcha, keyingi besh yil ichida kvartira yoki mashina sotib olish jarayoni qanday o'zgaradi?).

Mutaxassislar ma'lumotlarni qayta ishlashdagi qiyinchiliklarni usulning kamchiliklari bilan izohlashadi. Bunda transkriptlar, maxsus tayyorlangan kodlash jadvallari, kontent-tahlil, lenta yozuvlarini dekodlashning qimmat usullari, ma'lumotlarni qo'lda hisoblash yoki juda "murakkab" kompyuter dasturlaridan foydalanish kerak [16]. Ma'lumotlarni qayta ishlash bosqichida yuzaga keladigan ko'plab muammolarga qaramay, ko'p yillik tajribaga ega mutaxassislar ularni zamonaviy kompyuter va yaxshi tayyorgarlik yordamida hal qilish mumkin deb hisoblashadi [17].

Fokus-guruh usuli statistik taqsimotlarni ta'minlamaydi, asosan aql-idrok xususiyatiga ega va an'anaviy tanlangan so'rovga qaraganda kamroq tuzilgan anketalardan foydalaniladi. Fokus-guruhda intervyu olgan kichik guruhning fikri butun aholining vakili emas va iste'molchilarning tor doiradagi talabini aks ettiradi.

Yoz kunlari mineral suv bozorini o'rganish bo'yicha guruh muhokamasi ishtirokchilarini tanlash uchun skrining namunasi

FG	Jinsi	yoshi	Respondent profili
1	Erkak	20-35	Birinchi tovar brendining doimiy iste'molchilari (ko'pincha ular faqat birinchi tovar brendini iste'mol qiladilar)
2	Erkak	36-55	
3	Erkak	20-35	Raqobatchilar brendlari iste'molchilari (2-6 brendlari). Ilgari birinchi tovar brendlari mineral suvini iste'mol qilgan, ammo uni iste'mol qilishdan bosh tortgan
4	Erkak	36-55	
5	Ayol	20-35	Birinchi tovar brendining doimiy iste'molchilari (ko'pincha ular faqat birinchi tovar brendini iste'mol qiladilar)
6	Ayol	36-55	
7	Ayol	20-35	Raqobatchilar brendlari iste'molchilari (2-6 brendlari). Ilgari birinchi tovar brendlari mineral suvini iste'mol qilgan, ammo uni iste'mol qilishdan bosh tortgan
8	Ayol	36-55	

Intervyu o'tkazish shakli

Hayrli kun!

Men _____ sotsiologik tadqiqot o'tkazish kompaniyasining vakiliman.

Mening ismim _____.

Hozirda mineral suvlar bozorini o'rganish bo'yicha tadqiqotlar olib bormoqdamiz. Sizga bir nechta savol berishga ijozat bering.

1. Iltimos, ayting-chi, ismingiz? (Yozing) _____.

2. Respondentning jinsini belgilang (so'ramasdan) .

1. Ayol _____ FG 5-8;

2. Erkak _____ FG 1-4.

3. Siz necha yoshdasiz?

1. Suhbatning 20dan kami _____ to'xtatiladi;

2. 20-35 _____ FG 1, 3, 5, 7;

3. 26-40 _____ FG 2, 4, 6, 8;

4. Suhbatning 55 dan yuqori _____ qismi to'xtatiladi.

4. Hech qachon marketing tadqiqotlarida qatnashganmisiz?

1. Yo'q _____

2. Ha _____

(agar respondent tadqiqotda qatnashgan bo'lsa, bu qanday sodir bo'lganligini aytib berishni so'rang. Agar siz respondentning guruh muhokamalarida yoki kengaytirilgan intervyularda qatnashganligini aniqlasangiz, u qachon bo'lganligini so'rang va tadqiqot mavzusini aniqlang. Agar siz so'nggi 6 oy ichida qatnashgan bo'lsangiz va mavzu mineral suv bilan bog'liqligini bilsangiz intervyuni to'xtating).

5. Siz yoki yaqinlaringizdan kimdir _____ kabi sohalarda ishlaydimi?

1. Suv yoki boshqa alkogolsiz ichimliklar sotadigan savdo kompaniyalarida _____ (suhbatni to'xtating).

2. Mineral suv yoki boshqa alkogolsiz ichimliklar ishlab chiqarishda _____ suhbatni to'xtating.

3. Reklama agentliklari, marketing, konsalting kompaniyalari _____ (suhbatni to'xtating).

4. Ommaviy axborot vositalarida _____ (suhbatni to'xtating).

5. Yuqoridagilarning hech biri.

6. Iltimos, ayting-chi, siz mineral suv ichasizmi?

1. Ha _____

2. Yo'q _____ (suhbatni to'xtating).

7. Yilning shu davrida mineral suvni necha marta ichasiz?

1. Oyiga bir necha marta _____ (suhbatni to'xtating).

2. Oyiga 2-3 marta _____ (suhbatni to'xtating).

3. Har kuni.

8. Mineral suvning qanday markalarini bilasiz? (So'ralmasdan yozing.)

9. So'nggi 30 kun ichida qaysi turdagi mineral suvlarni tez-tez ichasiz? (So'ralmasdan yozing.)

FG 1-2, 5-6 - agar birinchi tovar brendi ko'rsatilmagan bo'lsa - (suhbatni to'xtating);

FG 3-4, 7-8 - agar 2-6 belgilari ko'rsatilmagan bo'lsa - (suhbatni to'xtating).

10. Men sizga mineral suv markalari ro'yxatini o'qib chiqaman va ular haqidagi umumiy taassurotingizni bilmoqchiman (1 – tovar brendi haqida juda yomon taassurot, 6 - brend haqida juda yaxshi taassurot).

Tovar brendi	6 balli baholash shkalasi					
Brend 1	1	2	3	4	5	6
Brend 2	1	2	3	4	5	6
Brend 3	1	2	3	4	5	6
Brend 4	1	2	3	4	5	6
Brend 5	1	2	3	4	5	6
Brend 6	1	2	3	4	5	6

Sodiq iste'molchilar uchun ular tez-tez ichadigan brendning reytingi kamida 4-6 ball bo'lishi kerak.

11. Agar sizning oilangizdagi bir kishiga oylik daromadingiz haqida gapiradigan bo'lsak, u qaysi qatorga kiradi?

1. 500 000 o'zbek so'midan kam _____ (suhbatni to'xtating);

2. 500 000 – 1 000 000 o'zbek so'mi _____.

3. 1 000 000 – 1 500 000 o'zbek so'mi _____.

4. 1 500 000 – 2 000 000 o'zbek so'mi _____.

5. 2 000 000 – 2 500 000 o'zbek so'mi _____.

6. 3 000 000 o'zbek so'midan yuqori _____ (suhbatni to'xtating).

12. Iltimos, ayting-chi, kim bilan ishlaysiz yoki qaerda o'qiysiz? (Yozing.)

13. Siz ishlaydigan kompaniya / tashkilot qaysi faoliyat sohasiga tegishli? (Yozing.)

14. Yaqinda qanday filmlarni / kitoblarni ko'rdingiz / o'qidingiz? Sizga nima yoqdi? Nima uchun? (Yozing.)

Suhbatdosh! Javobga asoslanib, respondentni quyidagi shkala bo'yicha baholang.

Respondentning o'z fikrini aniq ifoda etish qobiliyati:

1. Yuqori.

2. O'rtacha.

3. Pasti _____ (suhbatni to'xtating)..

15. Quyidagi gaplarga qo'shilasizmi?

	Ma'qullayman	Ma'qullamayman
Agar suhbatdoshim men rozi bo'lmagan narsani aytsa, men indamayman		+
Odamlarga majburiyatlarini eslatish odobdan emas (pulni qaytarib berish)		+
Notanish odamlar bilan uchrashganimda, men birinchi bo'lib suhbatni boshlayman.	+	
Har qanday munozarada kelishuv birovning shaxsiy fikriga qaraganda muhimroq.		+
Notanish odamlar bilan fikr almashganimda uyalaman.	+	
Men boshqalarning fikriga ochiq rozi bo'lmaslikdan ko'ra ularni qabul qilishni afzal ko'raman.		+

Barcha tanlov mezonlarini tekshiring. Agar respondent suhbatga mos bo'lsa, uni taklif qiling. Respondentning aloqa telefon raqamini / manzilini ko'rsating. Muhokamaning davomiyligi to'g'risida ogohlantiring (1,5-2 soat). Qanday va qayerda bo'lib o'tishini tushuntiring. Video haqida ogohlantiring, videoning sababini tushuntiring.

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, sotsiologik tadqiqotlar o'tkazish davomida ushbu usul tartiblari, amalga oshirish bosqichlariga rioya qilinsa gipotezalar aniq samara berishi mumkin.

ADABIYOTLAR

- Kreuger R. Focus groups: A practical guide for applied research. London: Sage, 1988., shuningdek, qarang: 4.
- Stewart D.W., Shamdasani P.N. Focus groups: Theory and practice. London: Sage, 1990.
- Merton R.K., Fiske V., Kendall P.L. The Focused Interview: A Manual of Problems and Procedures. New York : The Free Press, 1990. shuningdek, qarang: 3; 5; 9
- Dobrenkov V.I., Kravchenko A.I. Metod sotsiologicheskogo issledovaniya // Uchebnik. – Moskva., Infra-M. 2004. str. 397-404.
- Edmunds G. // Focus Group Research Handbook. Paramount Market Publishing, 2001.
- Kuchko E.E., Burova S.N., Filinskaya L.V. Metodologiya i metodi sotsiologicheskix issledovaniy. – Minsk. BGU. 2018. str. 208-252. shuningdek, qarang 8; 10; 13; 15.
- Hess J.M. Group Interviewing // King New Science of Planning. Chicago: American Marketing Association., 1968.
- Griggs S. Analysing Qualitative Data //Journal of the Market Research Society. 1987.Vol. 29. № 1. P. 15—34 ; Gordon I.P., Langmaid R. Qualitative Market Research: A Practitioner's & Buyer's Guide. London : Gower, 1988.

9. Morgan D. L. Why Things (Sometimes) Go Wrong in Focus Groups // Qualitative Health Research. 1995. Vol. 5. № 4. P. 516—523 ; Knodel J. The Design and Analysis of Focus Group Studies: A Practical Approach // Successful Focus Groups: Advancing the State of the Art. Newbury Park, CA.: Sage, 1993.
10. Greenbaum T.L. The Practical Handbook and Guide to Focus Group Research. Lexington, MA: Lexington Books, 1987.
11. Belanovskiy S.A. Metod fokus – grupp. – Moskva., Magistr. -1996. str. 272. shuningdek, qarang: 16; 17.

Sotsiologik tadqiqotlarda fokus-guruh usuli.

Ibragimova N. Yu. Qoraqalpog'iston Respublikasi xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi

Rezyume. Ushbu maqolada sotsiologik tadqiqotlar olib borishning usullaridan biri bo'lgan fokus-guruh usulining vujudga kelish davri, fokus-guruhlarning ta'rifi, fokus-guruh turlari: telefokus, triadalar, Internet va videofokus-guruhlar, uning afzalligi va o'tkazish tariblari haqida batafsil ma'lumot keltiriladi.

Tayanch so'zlar: tadqiqot usullari, fokus-guruh, fokus-guruh turlari: telefokus, triadalar, Internet va videofokus-guruhlar.

Метод фокус-группы в социологическом исследовании

Ибрагимова Н. Ю. Региональный центр переподготовки и повышения квалификации народных педагогов Республики Каракалпакстан

Резюме. В статье подробно описан период становления метода фокус-групп, один из методов социологического исследования. Дано определение фокус-групп, типов фокус-групп: телефокуса, триады, интернет- и видео-фокус-групп, его преимущества и процедуры передачи информации.

Ключевые слова: методы исследования, фокус-группа, типы фокус-групп: телефokus, триады, интернет- и видео-фокус-группы.

Focus group method in sociological research

Ibragimova N.Yu. Regional center for retraining and advanced training of folk teachers of the Republic of Karakalpakstan

Summary. The article describes in detail the period of formation of the focus group method, one of the methods of sociological research, the definition of focus groups, types of focus groups: telefokus, triads, Internet and video focus groups, its advantages and information transfer procedures. on condition.

Key words: research methods, focus group, types of focus groups: telefokus, triads, Internet and video focus groups.

ЮРИДИК ШАХС ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА КРЕДИТОРЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Қутлымуратов Ф.К.

Қорақалпоқ давлат университети

Фукаролик кодексининг 52-моддаси биринчи қисмида белгиланишича, қарздор юридик шахс қайта ташкил этилаётганлиги тўғрисида кредиторларга хабар берилиши керак. Бу мажбурият қайта ташкил этилаётган юридик шахс муассислари ёки органининг мажбурияти ҳисобланади. Бундай қарздор-юридик шахс муассислари ёки органи қайта ташкил этилиш ҳақида ёзма равишда кредиторларни хабардор қилиши лозим. Қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма хабар қарздор юридик шахснинг барча кредиторларига юборилиши шарт [1].

С.К.Насбекованинг [2] фикрига кўра, юридик шахсни қайта ташкил этиш кредиторларининг манфаатларига таъсир кўрсатади, шу боис кредиторлар ҳуқуқлари қайта ташкилни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий масаласи саналади. Муассисларнинг мажбурияти юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида барча кредиторларни ёзма хабардор қилиш ҳисобланади.

Қайта ташкил этишнинг энг муҳим масалаларидан бири кредиторлар манфаатларини таъминлаш билан боғлиқлиги масаласини қайд этар экан, Ш.Т.Нуриддинова юридик шахс қайта ташкил этилганда кредиторларнинг талабларининг кафолатланиши фукаролик қонунчилигида ифодаланган субъектив ҳуқуқларнинг муҳофазаланишига доир умумий қоидалар орқали ҳам амалга оширилиши мумкинлигига [3, 106] ҳам урғу бериб ўтади.

З.В.Галазованинг [4, 151] фикрича, кредиторнинг қайта ташкил этилаётган юридик шахслар билан келгусидаги ўзаро муносабатларининг тақдири тўғрисида ўз томонидан тегишли қабул қилиши учун асослардан бири кредиторнинг қайта ташкил этиш хусусида ахборот олиш ҳуқуқи ҳисобланади. Қайта ташкил этиш шаклидан қатъий назар, қайта ташкил этилаётган юридик шахс ўз фаолиятини бекор қилмаётган ва амалда унинг кредитор олдидаги мажбуриятлари бошқа шахсга ўтмаётган бўлса ҳам қайта ташкил этилаётган юридик шахс ўзининг барча кредиторларини қайта ташкил этиш ҳақида қабул қилинган қарор хусусида хабардор қилиши лозим. Мавжуд юридик шахс ҳолатининг ҳар қандай ўзгариши, гарчи бу юридик шахс бекор бўлмаса ҳам кредитор ҳуқуқларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин, бинобарин қайта ташкил этишнинг айрим усуллари кредиторлар сонининг ошишига олиб келиши ва бунга мутаносиб равишда активлар, мол-мулкнинг кўпайиши содир бўлмаслиги мумкин. Хабардор қилиш эмас, кредиторга ўз вақтида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчиликда белгиланган кафолатларни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради.

Фикримизча, қарздор юридик шахс қайта ташкил этилганда, кредиторлар ҳуқуқларининг кафолати бўлган хабардор қилиш тартиби махсус қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган. Қолаверса, хабардор қилиш бевосита тартиб-таомилга оид механизм бўлиб, бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш хусусида кредиторни огоҳлантиради. Қайта ташкил этиш жараёни бошланаётганлиги хусусида хабардор қилиниши орқали кредитор ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш керак ёки керак эмаслиги масаласини ҳал этади. Бу тартибга риоя этмаслик эса,

кредитор талабларини муддатидан илгари бажариш ёки умуман қайта ташкил этишни ҳақиқий эмас деб топилишига олиб қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги [5] ЎРҚ-370-сон қонунининг (кейинги ўринларда – АЖ қонуни) 92-моддаси олтинчи қисмига кўра, жамият қайта ташкил этиш ҳақидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмасдан кредиторларни хабардор қилиши лозим. Мазкур қоида хабардор қилиш мажбуриятини жамиятнинг зиммасига юклайди. Бироқ бу жамиятнинг қайси органи томонидан амалга оширилиши қондаси ушбу нормада келтирилмаган. АЖ тўғрисидаги қонун нормаларининг таҳлили асосида жамият номидан кредиторларни ёзма равишда хабардор қилиш жамиятнинг ижроия органи зиммасига юклатилганлигини аниқлаш мумкин. Ушбу фикрнинг далили сифатида АЖ тўғрисидаги қонуннинг қуйидаги нормаларни келтириб ўтиш мумкин: жамиятнинг ижроия органи акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорларини бажаришни ташкил қилади (79-модданинг бешинчи қисми); кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органининг зиммасида бўлади (102-модданинг иккинчи қисми).

АЖ тўғрисидаги қонунга мувофиқ акциядорлик жамияти бошқарув органи яккабошчилик (директор) ёки коллегиял (бошқарув) бўлиши мумкин. Агар жамиятнинг қонунда фаолиятига раҳбарлик бошқарув томонидан амалга ошириладиган бўлса, жамият уставида бошқарув раҳбарининг (бошқарув раисининг) ваколати ҳам белгиланган бўлади (79-модданинг биринчи қисми). АЖ тўғрисидаги қонуннинг 80-моддаси учинчи қисмига биноан бошқарув раиси жамият номидан барча ҳужжатларни имзолашга ҳақли.

Бундан аниқлашдики, қонунчилик нормаларига биноан қайта ташкил этиш ҳақида жамият кредиторларини ёзма хабардор мажбурияти қилиш акциядорлик жамияти директорининг ёки ижроия органининг ваколатлари берилган шахс (ишончли бошқарувчи) зиммасига юклатилган. Бироқ акциядорларнинг умумий йиғилишида кредиторларга хабарнома тузилган ва жўнатилган бўлса, акциядорлик жамиятининг қайта ташкил этиш ҳақида кредиторларни хабардор қилиш мажбуриятини бажарилган деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Айрим мутахассислар кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мақбул усуллари орасида назарда тутиладиган юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги ахборотни очиклигини алоҳида махсус усул сифатида талқин этишади [6, 14]. Мазкур усул самарали амал қилиши учун юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарга нисбатан қўйиладиган бир қатор мажбурий талабларни ажратиш мумкин: хабарнинг мазмунига нисбатан талаблар; у юбориладиган шахсларга нисбатан талаблар; хабардор қилиш муддати оид талаблар; юридик шахс қайта ташкил этиш босқичида эканлиги тўғрисидаги ёзувни юридик шахслар реестрига киритишга оид талаблар; назарда тутиладиган қайта ташкил этиш тўғрисидаги кредиторларни хабардор қилмаганлик учун санкцияларга оид талаблар.

Ўз навбатида, С.В.Мартышкин [7] қайта ташкил этиш ҳақидаги хабарда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим деб ҳисоблайди: 1) юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор ким томонидан ва қачон қабул қилинган; 2) ўтказиладиган қайта ташкил этиш шакли; 3) қайта ташкил этиладиган юридик шахсни мажбуриятда алмаштирадиган назарда тутилган ҳуқуқий ворис. Ажратиш шаклидаги қайта ташкил этишда қайта ташкил этилганидан кейин ҳам ўз фаолиятини давом эттирадиган юридик шахс мажбуриятнинг томони бўлиб қолиши кўрсатилиши мумкин; 4) кредиторлар томонидан (шу жумладан, қайта ташкил этиладиган юридик шахсга нисбатан талаблар) жавобни жўнатиш муддати ва манзили.

Хабарнинг мазмунига нисбатан талаблар амалдаги қонунчиликда аниқ белгиланмаган. Бироқ одатги мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарда қарздор юридик шахс ўз кредитори билан ҳуқуқий алоқалари ва уларнинг қисқача мазмуни, мавжуд қарзлар ва талаблар хусусида маълумотларни акс эттириши лозим бўлади. Одат иқтисодий муносабат иштирокчилари ўртасидаги алоқалар шартномага асосланади. Шу сабабли қарздор юридик шахс қайта ташкил этиладиганда ўзининг шартнома бўйича контрагентига берадиган хабарида шартнома юзасидан ҳуқуқий алоқалар доирасидаги маълумотларни ҳам бериши ва қайта ташкил этиш жараёни бошланиши хусусидаги сана ҳақида ҳам эслатиб ўтиши лозим.

Қоидага кўра, юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳақидаги талаб белгиланган тартибда қарздор юридик шахснинг кредиторларига етказилади. Кредиторларга хабар одатда унинг юридик манзилига юборилади. ФКнинг 46-моддаси тўртинчи қисмига кўра, юридик шахс тегишли алоқалар, ёзишмаларни олиб бориш ва маълумотларни алмаштириш учун ўзининг почта манзилига эга бўлиши зарур. Почта манзили – юридик шахс маълумотлар алмашадиган, ёзишмалар олиб борадиган ҳамда хабар оладиган манзил ҳисобланади. Бунда почта манзилига юборилган хабар юридик шахсга тегишли тартибда етказилган деб ҳисобланади. Шу ўринда қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарнинг ҳуқуқий табиати ва уни юбормаслик оқибатлари хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Маълумки, хабар, маълумотлар ўзининг табиати ва ҳуқуқий оқибатига кўра турлича бўлиши мумкин. Масалан, қимгадир тўй ҳақидаги, бирорнинг соғлигини сақлаш тўғрисидаги хабарни ёзмамаслик оқибатлари ҳамда акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва жойи ҳақидаги хабарни ёки бирор ташкилотнинг мажлиси тўғрисида маълумотни юбормаслик оқибатлари турлича бўлади. Биринчи ҳолат учун ахлоқий оқибатлар юзага келса, иккинчиси учун юридик оқибатлар юзага келади. Юридик оқибатлар эса фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун асос ҳисобланади. ФКнинг 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари белгиланган бўлиб, ушбу усуллар орасида юридик аҳамиятга эга бўлган хабарларни етказмаганлик учун қўлланиладиган ҳимоя усули назарда тутилмаган. Бу эса қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарни етказмаслик оқибатлари юзасидан турлича талқинларни келтириб чиқаради. Бундан фарқли равишда айрим хорижий давлатлар қонунчилигида юридик аҳамиятга эга бўлган хабарларнинг ҳуқуқий табиати ва улар

борасидаги аниқ кўрсатмалар белгиланган. Масалан, Россия Федерация Гражданлик кодексининг 165.1.-моддасида “юридик аҳамиятли хабар”га қоидалар белгиланган. Ушбу моддада муайян юридик оқибатлар туғдирадиган аризалар, хабарлар, чақирувлар, талабномаларни юбориш ва унинг оқибатига оид умумий қоидалар белгиланган. Юридик аҳамиятли хабарлар қачон етказилган деб ҳисобланишига доир норма ҳам ушбу моддада ўз ифодасини топган.

Фикримизча, ФКга ҳам “юридик аҳамиятли хабарлар” номли 112¹-моддани киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда белгилаш лозим:

112¹-модда. Юридик аҳамиятли хабарлар.

Қонун ёки битимга кўра бошқа шахс учун фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлар билан боғлиқ ариза, хабарнома, чақирув, талабнома ёки бошқа юридик аҳамиятли хабарлар ушбу шахс учун унга ёки унинг вакилига тегишли хабар етказилган вақтдан бошлаб ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Юборилган шахсга етиб келган, лекин унинг ўзига боғлиқ сабабларга кўра унга топширилмаган ёки у танишиб чиқмаган ҳолларда ҳам хабар етказилган ҳисобланади. Агар қонун ёки битим шартларида бошқача белгиланган бўлмаса ёхуд тарафларнинг ўзаро муносабатларида ўрнатилган иш муомаласи одатлари ёки амалиётдан бошқача ҳолат англашилмаса ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари қўлланилади. Ю.Г.Березинанинг фикрича, қайта ташкил этиш тўғрисида хабардор қилиш босқичида кредитор ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши кафолатловчи ягона усул кредиторларни индивидуал тарзда ёзма равишда хабардор қилиш ҳисобланади. Шу сабабли қайта ташкил этиш ҳақида ҳар бир кредиторни ёзма хабардор қилиш мажбурияти қонунчиликда аниқ ифодаланиши лозим [8]. С.В.Мартышкин қайта ташкил этиш кўп ҳолларда ҳуқуқий муносабатда иштирок этаётган юридик шахс алмашилишига олиб келади, ўз навбатида қайта ташкил этилган юридик шахс мажбурият ҳуқуқий муносабатида қарздор бўлса, кредиторнинг розилиги билан қарзни бошқа шахсга ўтказиш қондаси амал қилиши лозим деб ҳисоблайди [9]. Шунингдек, ушбу муаллиф ўз фикрида давом этиб, ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этишда қайта ташкил этилаётган юридик шахс мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтмасдан ўз фаолиятини давом эттираётган юридик шахсда сақланиб қолса (мажбуриятла қарздор ўзгариши рўй бермаса) қандай вазият юзага келишига эътибор қаратади. Унинг фикрича, бу вазиятда ҳам кредиторларни қайта ташкил этиш ҳақида хабардор қилиш қондаси қўлланилиши керак. Чунки кредиторлар мажбуриятдаги қарздорлари ўзгармаган тақдирда ҳам ўтказилиши назарда тутилаётган қайта ташкил этиш ҳақида билишлари лозим, бинобарин бу ҳолатда қайта ташкил этиш ҳуқуқий ворисга қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг муайян ҳуқуқларини ўтказиш билан боғлиқ бўладиги, бу ўз навбатида қарздор юридик шахс томонидан мажбуриятларни бажаришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

А.А.Карлин [10] ажратиб чиқариш ва қўшиб олиш шаклидаги қайта ташкил этишда кредиторларни хабардор қилиш мажбуриятига эътибор қаратади. Унинг фикрича, ажратиб чиқариш шаклидаги қайта ташкил этиш қайта ташкил этилаётган юридик шахс бекор бўлишини ва ўз навбатида, унинг барча ҳуқуқи ва мажбуриятларини ҳуқуқий ворисга ўтишини назарда тутмайди. Кредиторларни қайта ташкил этиш ҳақида хабардор қилиш мажбурияти ҳақидаги қонунчиликда белгиланган қоидаларда қайта ташкил этишнинг ушбу шаклига оид истисно белгиланмаган. Кредиторлар ҳам бу вазиятда қайта ташкил этилган қарздор юридик шахсдан барча мажбуриятларини муддатидан олдин бекор қилишни ёки ижро қилишни талаб қилишга ҳақли бўлади. Бир юридик шахсга иккинчиси қўшилганда ҳам шундай ҳолат кузатилади, чунки бунда ҳам қўшиб олаётган юридик шахс ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳеч кимга ўтказмайди, бироқ кредиторларни қайта ташкил этиш ҳақида хабардор қилиши лозим. Қонунда назарда тутилган қайта ташкил этишнинг ҳар қандай шаклида юридик шахснинг иқтисодий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу боис кредиторларни хабардор қилиш мажбуриятининг барча қайта ташкил этилаётган субъектларга, шу жумладан қўшиб олиш ва ажратиб чиқариш шаклида ҳам амал қилиши асослидир.

Фикримизча, қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий табиати ва оқибатида юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми ўзгариши сабабли ҳам у қайси шаклда амалга оширилишидан қатъий назар бу ҳақда кредиторни хабардор қилиш лозим бўлади. Шартномавий муносабатлар контрагенти бўлган ва кредитор ҳисобланган юридик шахс ўзининг қарздори бўлган қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг молиявий ҳолати, унинг ҳуқуқий мақомидаги ўзгаришлардан хабардор бўлишга ҳақлидир. Шу сабабли қайта ташкил этишнинг айрим шаклларида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий ворисга ўтмаслиги ёки мажбуриятда шахслар ўзгариши амалга ошмаслиги кредиторларни қайта ташкил этиш ҳақида хабардор қилишни истисно эмаслиги лозим.

АЖ тўғрисидаги қонуннинг 92-моддаси олтинчи қисмида қайта ташкил этиш ҳақида кредиторларни хабардор қилишнинг ўттиз кунлик муддатини белгилайди ва муддат қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган санадан бошланишини назарда тутди. “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги [11] Қонуннинг 49-моддаси олтинчи қисмида қайта ташкил этиш тўғрисида кредиторларни хабардор қилиш муддатининг бошланиш саналарини белгилашда ФК ва АЖ тўғрисидаги қонундан фарқ қилувчи қоидаларни назарда тутди. Бунга кўра, қайта ташкил этиш тўғрисида кредиторларни хабардор қилиш муддати қуйидаги саналардан бошланади: 1) қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан (бу сана қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш); 2) қўшиб юбориш ва бирлаштиришда қўшилишда ёки бирлаштиришда иштирок этаётган жамиятлардан охириги томонидан қарор қабул қилинган санадан. Қайта ташкил этиш ҳақида кредиторларни хабардор қилиш мазкур саналардан бошлаб ўттиз кунни ташкил этади.

Д.В.Жданов [12, 121-123] акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этишда кредиторларни хабардор қилиш тартиби борасида қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: Биринчидан, қонунчиликда қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарноманинг мазмунига нисбатан аниқ талаблар белгиланмаган. Шу сабабли қонунчиликда бундай талабларнинг белгиланиши кредиторлар ҳуқуқларини самарли ҳимоя қилишга кўмаклашган бўлурди. Қонунчиликда кредиторларга

топшириш ҳужжати ва тақимлаш балансининг лойиҳасини, қайта ташкил этишда иштирок этаётган бошқа жамиятлар тўғрисидаги, қайта ташкил этишни ўтказиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги, қайта ташкил этишда иштирок этадиган жамиятнинг кредиторлар ва қарздорлари тўғрисидаги, акцияларни сотиб олиш тўғрисида акциядорларга қўйиладиган талабнинг ҳажми тўғрисидаги маълумотлар тақдим этиш мажбурияти киритилиши лозим. Иккинчидан, акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчилик жамият кредиторларни хабардор қилиши лозим бўлган муддатни ўтказиб юборганлик учун санкцияларни белгиламаган. Қолаверса, қонунчиликда кредиторларни хабардор қилиш бўйича мажбуриятларни бажармаганликни назорат қилиш умуман назарда тутилмаган. Учинчидан, қонунчиликда қайта ташкил этилаётган юридик шахс қайта ташкил этиш ҳақида оммавий ахборот воситаларига эълон бериши мажбуриятини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўз навбатида, О.И. Агапова қайта ташкил этиш жараёни бошланиши ҳақида кредиторларни хабардор қилиш тартиботини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги фикрларни билдиради: Хабарда юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги тўлиқ маълумот акс этиши лозим. Хусусан, хабарда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги ким томонидан ва қачон қабул қилинганлиги; ўтказилаётган қайта ташкил этиш шакли, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари; юридик шахснинг ҳуқуқий ворислари, улар ўртасидаги актив ва пасивларни тақсимлаш пропорцияси; кредитор томонидан жавоб юбориш учун манзил ва қайта ташкил этилаётган юридик шахсга нисбатан талаблар. Кредитор қайта ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлар: қайта ташкил этиш тўғрисидаги шартнома, топшириш ҳужжати ёки тақсимлаш баланси, қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредиторлари ва қарздорлари ҳақидаги маълумотлар билан танилиш ҳуқуқига эга. Назарда тутилаётган қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабар юридик шахснинг ижроия органи томонидан амалга оширилиши лозим, чунки ушбу орган юридик шахс номидан ҳаракат қилади, унинг манфаатларини ифода этади ва битимлар тузади; умумий йиғилиш қарорлари бажарилиши ташкил қилади; кредиторларга юридик шахс фаолияти тўғрисидаги хабарларнинг ўз вақтида етказилиши учун жавоб беради. Кредиторларни хабардор қилиш муддатлари тўғрисидаги талаблар ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги барча юридик шахслар учун бир хил бўлиши лозим. Юридик шахслар реестрига муайян юридик шахс қайта ташкил этиш босқичида эканлиги тўғрисидаги ёзув киритилиши зарур. Юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилган унинг муассислари (иштирокчилари) ёки органи юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи органга бу ҳақда зудлик билан хабар бериши зарур. Бу эса ўз навбатида, манфаатдор субъектлар, шу жумладан юридик шахснинг кредиторлари бу ҳақда тегишли маълумотни олиш имкониятига эга бўладилар. Кредиторни хабардан қилмаслик қайта ташкил этиш тартибини қўпол бузиш ҳисобланади, шу сабабли ушбу талабни бажармаслик учун тегишли жавобгарлик чораси қонунчиликда белгиланиши зарур [13]. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, юридик шахсларни қайта ташкил этишда кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қоидаларни аниқлаштириш ва такомиллаштириш заруратидан келиб чиқиб, ФКнинг 52-моддасини қуйидаги тахрирда белгилаш мақсадга мувофиқдир:

Юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч иш куни давомида, юридик шахс ёзма равишда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишга ваколатли давлат органини қайта ташкил этиш шакли кўрсатилган ҳолда юридик шахсда қайта ташкил этиш жараёни бошлангани ҳақида хабардор қилиши шарт. Қайта ташкил этиш жараёнида икки ва ундан ортиқ юридик шахс иштирок этса, бундай хабарнома қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорни охириги қабул қилган юридик шахс томонидан ёки қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муайян юридик шахс томонидан юборилади. Бундай хабарнома асосида, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи ваколатли давлат органи, юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига мазкур юридик шахслар қайта ташкил этиш жараёнида эканлиги тўғрисида ёзув киритади. Қайта ташкил этилаётган юридик шахс, қайта ташкил этиш тартиби бошланиши ҳақида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилгандан сўнг, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилувчи оммавий ахборот воситаларида ойда бир марта даврийлик билан икки марта қайта ташкил этилиши тўғрисида хабарнома эълон қилади. Қайта ташкил этишда икки ёки ундан ортиқ юридик шахс иштирок этса, қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарнома қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорни охириги қабул қилган юридик шахс томонидан ёки қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муайян юридик шахс томонидан қайта ташкил этишда иштирок этувчи барча юридик шахслар номидан эълон қилинади. Қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарномада қайта ташкил этишда иштирок этаётган, бунинг натижасида ташкил этилаётган ёки фаолиятини давом эттираётган ҳар бир юридик шахс ҳақидаги маълумотлар, қайта ташкил этиш шакли, кредиторларнинг ўз даъволарини бериш тартиби ва шартлари, тавсифи ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Қонунда қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредиторларни қайта ташкил этиш ҳақида ёзма равишда хабардор қилиш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

Юридик шахснинг кредитори, агар унинг даъво ҳуқуқлари юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳақидаги биринчи хабарнома нашр қилинишидан олдин вужудга келган бўлса, суд тартибида қарздор томонидан тегишли мажбуриятни муддатидан олдин бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига, агарда мажбуриятни муддатидан олдин бажаришни имкони бўлмаса, мажбуриятни бекор қилиш ва бу билан боғлиқ зарарларни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга, қонунда белгиланган ҳолатлар ёки кредиторнинг қайта ташкил этилаётган юридик шахс билан келишуви бундан мустасно. Кредиторлар томонидан мажбуриятни муддатидан олдин бажариш ёки мажбуриятни бекор қилиш ва бу билан боғлиқ зарарларни қоплаш талаби тўғрисидаги даъволар юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги охириги хабарнома эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этилиши мумкин. Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқ етарли

даражада гаровга эга бўлган кредиторга берилмайди. Белгиланган муддатда тақдим этилган талабномалар қайта ташкил этиш тартиби тугаллангунга қадар, шу жумладан Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган ҳолларда қарзни депозитга киритиш йўли билан бажарилиши шарт. Мажбуриятни муддатидан олдин бажариш ёки мажбуриятни бекор қилиш ва бу билан боғлиқ зарарларни қоплаш талаби тўғрисидаги даъволарни тақдим этган кундан бошлаб ўттиз кун ичида кредитор, ушбу модданинг қисмига мувофиқ, етарли деб топилган гаров билан таъминланган бўлса, юқоридагиларни талаб қилишга ҳақли эмас. Ушбу модданинг иккинчи асосида кредиторлар томонидан даъволарни тақдим этиш юридик шахсни қайта ташкил этиш тартибини тўхтатиб туриш учун асос бўлмайди.

Агар ушбу модданинг талабларига мувофиқ мажбуриятни муддатидан олдин бажариш ёки мажбуриятни бекор қилиш ва зарарларни қоплаш талаб қилган кредиторнинг мажбуриятни муддатидан олдин бажариш талаби таъминланмаган бўлса, зарари қопланмаса ва мажбуриятни бажариш учун етарли гаров тақлиф этилмаса, кредитор олдида солидар тартибда қайта ташкил этиш натижасида ташкил этилган юридик шахслар билан биргаликда, агар ўз ҳаракатлари(ҳаракатсизликлари) билан ушбу оқибатларнинг юзага келишига сабабчи бўлган бўлса, ушбу қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг ҳаракатларини белгилаш имкониятига эга шахслар, уларнинг коллегиял органлари аъзолари ва қайта ташкил этилган юридик шахс номидан ҳаракат қилишга ваколатли шахс, жавобгардирлар, юридик шахс ажралиб чиқиш шаклида қайта ташкил этилган тақдирда, юқорида санаб ўтилган шахслар билан бирга қайта ташкил этилган юридик шахс ҳам кредитор олдида солидар тартибда жавобгардир.

Қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг мажбуриятларини бажариш ёки унинг тугатилиши билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун кредиторга тақдим этилган гарови етарли ҳисобланади, агар: 1) кредитор бундай гаровни қабул қилишга рози бўлса; 2) кредиторга - кредитга лаёқатлилиги асосли шубҳа туғдирмайдиган кредит муассасаси томонидан, амал қилиш муддати таъминланаётган мажбуриятларни бажариш муддатидан камида уч ойга кўпроқ бўлган, ва кредитор томонидан кафилга қайта ташкил этилаётган ёки ташкил этилган юридик шахсни мажбуриятини бажармаганлиги ҳақидаги далилларни илова қилиб берилган талабномасига кўра тўлаб бериш шарти билан, мустақил қақриб олинмайдиган кафолат берилса.

Агар топшириш далолатномаси юридик шахснинг мажбурияти бўйича ҳуқуқий ворисни аниқлашга имкон бермаса, шунингдек, топшириш далолатномаси ёки бошқа ҳолатларга кўра, қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг активлари ва мажбуриятлари қайта ташкил этиш пайтида инсофсизлик билан тақсимланган бўлса, ва бу кредиторларнинг манфаатларини сезиларли даражада бузишга олиб келган бўлса, қайта ташкил этилган юридик шахс ва қайта ташкил этиш натижасида яратилган юридик шахслар бу мажбурият бўйича солидар тартибда жавобгардир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси шарҳлар. 1-жилд // <https://www.osce.org/uz/uzbekistan/> 106236
2. Насбекова С.К. Реорганизация и ликвидация юридических лиц в Кыргызской Республике: проблемы теории и практики // Таврический научный обозреватель. № 1 (6) — январь 2016 / www.tavr.science
3. Нуриддинова Ш.Т. Юридик шахсларнинг бекор бўлиш усуллари ва уларни қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. номз. дис. ... — Тошкент, 2008.
4. Галазова З.В. Институт реорганизации юридического лица: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М.: 2015. — 151 с.
5. <https://lex.uz/docs/2382409>
6. Агапова О.И. Защита прав кредиторов при реорганизации юридических лиц: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М.: 2007.
7. Мартышкин С.В. Понятие и признаки реорганизации юридического лица: дис. ... канд. юрид. наук. - - М.: РГБ, 2002 (Из фондов Российской Государственной Библиотеки)
8. Березина Ю.Г. Формы реорганизации юридических лиц по гражданскому законодательству Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М.: 2013.
9. Мартышкин С.В. Понятие и признаки реорганизации юридического лица: дис. ... канд. юрид. наук. - М.: РГБ, 2002 (Из фондов Российской Государственной Библиотеки)
10. Карлин А.А. Реорганизация акционерного общества: дис. ... канд. юрид. наук. — М.: 2004.
11. <https://www.lex.uz/acts/22525>
12. Жданов Д.В. Реорганизация акционерных обществ в Российской Федерации: дис. ... канд. юрид. наук. — М.: 2001. — С. 121-123.
13. Агапова О.И. Уведомление кредиторов при реорганизации юридических лиц // Суд и правосудие. Журнал судейского сообщества Ивановской области. 2006. №4.

Юридик шахс қайта ташкил этишда кредиторларни хабардор қилиш тартибини такомиллаштириш муаммолари
Қутлымуратов Ф.К. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақалада бугунги кунда қайта ташкил этиш тўғрисида кредиторларни хабардор қилиш тартибига оид қоидалар, унинг муддатлари, хабардор қилиш тартибига риоя қилинмаганлиги учун жавобгарлик масалалари қонунчиликда аниқ белгиланмаган. Қолаверса, махсус қонунчиликда ҳам хабардор қилиш тартибига нисбатан турлича қоидалар назарда тутилган. Шу сабабли юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида кредиторларни хабардор қилиш ва унинг ҳуқуқий оқибатларини тадқиқ қилиш муҳимдир.

Калит сўзлар: юридик шахс, қайта ташкил этиш, кредитор, қарздор, хабардор қилиш, топшириш ҳужжати.

Проблемы совершенствования порядка уведомления кредиторов при реорганизации юридического лица
Қутлымуратов Ф.К. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье отмечается, что в законодательстве не прописаны четкие правила процедуры уведомления кредиторов о реорганизации сегодня, ее сроки, вопросы ответственности за несоблюдение уведомительной процедуры. Кроме того, специальное законодательство предусматривает другие правила процедуры уведомления. Поэтому, как утверждает автор, важно проинформировать кредиторов о реорганизации юридического лица и изучить ее правовые последствия.

Ключевые слова: юридическое лицо, реорганизация, кредитор, должник, уведомление, передаточный документ.

Summary. The article considers that in the legislation clear rules are not spelled out for the procedure for notifying creditors about the reorganization today, its terms, issues of responsibility for non-compliance with the notification procedure. In addition, special legislation provides for different rules for the notification procedure. Therefore, it is important to inform creditors about the reorganization of a legal entity and to study its legal consequences.

Key words: legal entity, reorganization, creditor, debtor, notice, transfer document.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАГИ КАСБИЙ ЗҶРИҚИШЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛ И ВА УНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Шерматов Ф. Т.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Ҳозирги кунга келиб кўпчилик психолог тадқиқотчилар шахснинг иш фаолияти билан боғлиқ бўлган зўриқиш турига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ҳарбий хизматчилар мисолида ўрганилганда, ҳарбийларнинг мураккаб шароитларда қўйилган вазифаларни бажаришда руҳий барқарорликни шакллантириш, ҳарбий жамоаларнинг юқори асабий-руҳий зўриқишларга бардошлилик ҳамда экстремал вазиятларда ҳаракатланиш қобилиятларини мустаҳкамлаш ва кучли ҳис ҳаяжон, психологик юкламаларни тезда бартараф этишда турли хил муаммоларига дуч келинади. Шундай экан, аввало касбий зўриқиш нималиги, у қандай вужудга келишини англаб олоғимиз зарур бўлади.

Касбий зўриқиш - бу ҳарбий хизматчиларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ салбий эмоционал ҳолати ҳамда экстремал омилларга дуч келганда юзага келадиган нохуш туйғулардир. Касбий зўриқишлар ҳозирги кунда янги тушунча яъни “касбий стресс” деб аталмоқда. Психолог олим А.Б.Леонова касбий стресс турларини таснифлаб, уларга ахборотли, ҳиссий ва коммуникатив мазмундаги стрессларни киритади [1, 4]. Ахборотнинг ҳаддан ташқари кўпайиши ҳолатларида, ҳарбий хизматчи ўзига берилган вазифаларни бажара олмаса ва белгиланган вақт оралиғида қарор қабул қилиш учун улгурмаса, бундай ҳолатда ахборот стресси юзага келади.

Бундан ташқари, шахснинг қарор қабул қилишдаги иккиланиши, шунингдек ноаниқ қарор, қарор учун зарур маълумотларнинг етишмаслиги, касбий фаолиятнинг ахборотга муҳтож жиҳатларида тез-тез ёки қутилмаган ўзгаришлар бўлса, иш фаолиятида кескинлик кучаяди. Бу касбий зўриқишнинг ахборотлар билан боғлиқ жиҳати ҳисобланади. Таъкид жоизки, бошқа зўриқишдан фарқли ўлароқ, инсон ҳиссий стрессни кескин равишда бошдан кечириши мумкин, чунки бу ҳолатда шахснинг касбига боғлиқ бўлган чуқур муносабати ва қадриятлари йўқ қилинади. Психолог олим Л.И.Анцеева фикрига кўра, ҳиссий стресс, ҳақиқий ёки қабул қилинган хавфдир, у таҳқирлаш, айбдорлик, ғазабланиш, ишдаги ҳамкасблар билан қарама-қаршилик ёки иш муносабатларининг бузилиши ҳамда раҳбарият билан зиддиятлар мавжуд бўлганда юзага келади.

Юқоридагилардан ташқари, ижтимоий психологияда коммуникатив зўриқиш ҳам фарқланади. Коммуникатив стресс - бу асабийлашиш, мулоқотдаги тажовузлардан ўзини ҳимоя қила олмаслик, керак бўлганда бошқалар фикрини рад эта олмаслик, танқидлардан ҳимоя бўлишнинг махсус усулларини билмаслик ҳамда мулоқотдаги номувофиқликлар билан тавсифланади. Бу стресс тури ҳам касбий зўриқиш мазмунини очиш учун ўта аҳамиятли саналади. Психолог олим А.М.Боковиков фикрича, иш билан боғлиқ стресс – бу одамлар ўзларининг билимлари ва кўникмаларига мос келмайдиган талаблар қўйилганда тананинг мумкин бўлган реакциясидир. Бундан фарқли равишда тадқиқотчи А.М.Водолянова фикрига кўра, салбий омилларнинг сурункали таъсири билан боғлиқ бўлган узок давом этадиган стресс, ҳатто унинг интенсивлиги паст бўлса ҳам, инсонлар бундай зўриқиш турига бир мартали ишлатиладиган стрессларга қараганда, анча кўпроқ тоқат қилинади.[2.56] Демак, бу ерда инсоннинг стрессга бардошлилиги эътиборга олинган.

Тадқиқотчилардан Е.Н.Колодич ва И.М.Павловалар таъкидлашади, касбий стресс - бу одамнинг меҳнат ва иш фаолиятидаги зўриқиш ҳолати бўлиб, у ақлий ва жисмоний реакцияларда намоён бўладиган кўп қиррали ҳодисадир. Бундай реакцияларнинг ривожланиши нафақат таркибий ва ташкилий хусусият билан балки, ишнинг табиати, инсонларнинг шахсий муносабатлари, шахслараро ўзаро муносабатлари билан, ҳаттоки яхши бошқариладиган ташкилотларда намоён бўлади [3, 38]. Касбий зўриқиш бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи омиллар, ҳарбийлардаги иш ҳажмининг ортиши ва вақт етишмовчилиги ҳолати билан ҳам характерланади. Ортиқча вазифалар, вақтнинг танқислиги, ишга кўмилиб кетиш, бошқалардан узоклашиш каби омиллар кўпчилик касб эгаларида касбий зўриқишларни юзага келтирувчи асосий омиллар ҳисобланади.

Касбий хавфсизлик ва Соғлиқни сақлаш АҚШ Миллий институти статистик ҳисобига кўра, касбий зўриқишга кўпроқ учрайдиган касб эгаларига биринчи ўринни ҳарбийлар, ички ишлар ходимлари (полиция), кончилар, котиблар, қора ишчилар, офис раҳбарлари, педагоглар эгаллайдилар. Бироқ, котибларники, транспорт диспетчерлари каби унчалик хавфли эмас чунки, уларда юқори масъулият ҳисси йўқ

Психологик адабиётларда касбий стресснинг турли таърифлари мавжуд. Ҳар бир таъриф бошқаларидан ўзига хос фарқ қилиб, унинг кечиши касб эгалари фаолияти билан тушунтирилади. Шунини айтиш жоизки, касбий стресслар ҳам сурункали касалликларни келтириб чиқариши мумкин, чунки улар компенсаторлик (тўлдирувчилик) вазифасини бажаради.

Психолог олим Л.Г.Дикая касбий стресс манбалари гуруҳини қуйидагича тавсифлайди: [1.93]

Иш билан боғлиқ стресс омиллари: 1) катта ҳажмдаги иш (юкнамаларнинг кўплиги); 2) меҳнат шароитларининг ёмонлиги; 3) шахсий ҳаёт учун вақт етишмаслиги; 4) кундалик эҳтиёжлар учун имкониятнинг йуклиги. Ходимнинг иш жойидаги роли билан боғлиқ бўлган стресс омиллари: 1) ролнинг ноаниқлиги (масалан, ходим ўзининг касбий мажбуриятлари ва раҳбар ҳамда ҳамкасбларидан кутган нарсалари тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмаганда); 2) хизматда ўрнининг йўқлиги; 3) қўл остидаги шахслар ва ишлаб чиқариш ускуналари, пул ва бошқалар учун юқори жавобгарлик ҳолатида; 4) раҳбарнинг ўта каттик қўллиги ҳолатида; 5) кам ойлик маоши тўланадиган ҳолатда.

Ишдаги муносабатлар билан боғлиқ бўлган стресс омиллари: 1) раҳбарият, бўйсунувчилар, ҳамкасблар билан муносабатлар, доим гап эшитиш, ҳақорат ва камситишлар ва ҳоказо; 2) рад этилган мукофотлар ва вақтида қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги;

Карьера билан боғлиқ стресс омиллари: 1) инсон ҳаётида касбий муваффақиятнинг йўқлиги, эрта нафақага чиқишдан кўрқиш, нафақадаги ҳаётдан кўрқиш ва кейинги ҳаётга бўлган хавотир; 2) қафолатланган иш лавозимининг йўқлиги; 3) талаб даражасида ўз касбига жавоб бера олмасликда.

Бундан ташқари шахсдаги касбий камчиликлар ва непрофессионализм хусусиятининг ижтимоий-психологик моҳияти касбий дезадаптация, шахсдаги деформация ёки “ёниш синдроми” шунингдек, узлуксиз касбий фаолият жараёнидаги маълум нуқсонлар, касбий тажрибанинг етишмовчилиги каби масалалар оқали ҳам тушунтирилади. Агар барча касб эгалари ўз имконияти ва маъсулиятлари даражасида иш юритсалар, уларда касбий зўриқишларнинг юзага келиши эҳтимоли жуда камаяди.

Касбий зўриқиш ва жисмоний стресс ҳислари бошқа касбларга қарганда кўпроқ ҳарбий хизматчилар фаолиятида учрайдиган салбий эмоционал кечинмалардан бири саналади. Бу ҳолат нафақат айна хизмат фаолиятидаги ҳарбийларга балки, ҳарбий бўлишга эндигина бел боғлаган олий ҳарбий билим юрти ва ҳарбий институт курсантлари фаолиятига ҳам тегишли ҳисобланади. Чунки улар кўпинча ўта оғир шароитларда турли хил вазифаларни бажаришлари керак. Ушбу ҳолатларда касбий зўриқишни келтириб чиқарадиган қатор омиллар мавжуд, уларга ноқулай экологик иқлим, узоқ вақт яқинлардан узилиш, мулоқотнинг камлиги, юқори даражадаги тартиб-интизом, ортиқча жисмоний машқлар ва ҳоказо.

Бундай экстремал шароитда ўқиш ва хизмат қилиш шахсда одатдаги ишлаш ва дам олишнинг биологик тартиби бузилади. Оғир экстремал шароитда хизмат қилиш, ўқув ва жанговар машғулот ўташ қабилар, ҳарбий хизматчиларда асабий чарчаш, тушкунлик, аффектив реакциялар, патологик бузилишлар билан кечади. Бу шуни англатадики, бўлажак офицерларга нафақат жисмоний хавф, балки хавотир ва неврозлар ҳам таҳдид қилади.

Жадвал. Шахс хусусиятларини ўрганиш сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Стъудентнинг t-мезони бўйича) [5.96]

Шкалалар	М (n=80)	Стандарт оғиш (n=80)	t-статистика
асабийлашганлик	2,96	2,06	0,37*
ўз-ўзидан пайдо бўладиган тажовузкорлик	2,34	0,96	0,27*
руҳий сиқилиш	2,82	1,99	0,25*
жиззакилик	4,16	2,53	0,44**
мулоқотчанлик	9,38	2,38	0,70**
вазминлик	4,70	1,55	0,26*
ўта тажовузкорлик	3,76	1,40	0,36*
тортинчочлик	2,82	1,71	0,33*
очиклик-ошкоралик	5,28	2,27	0,63**
экстрроверция-интроверция	6,46	2,13	0,75**
таъсирчанлик-ўзгарувчанлик	3,94	2,05	0,36*
мардлик	7,10	1,78	0,59**

Тадқиқотдан олинadиган натижаларнинг ҳарбий хизматчиларда ўтказилиши уларнинг касбий фаолият жараёнида уларда юзага келадиган қийинчиликларни қай тарзда баҳолай олиши ва шахслилик хусусиятларини тавсифлашга қаратилган. Фрайбург сўровномаси натижалари шуни кўрсатадики, ҳарбий хизматчиларнинг шахслилик хусусиятлари бўйича умумий ўртача кўрсаткичлари биринчи шкала асабийлашганлик 2,96 натижани қайд этгани ва бу стандарт меъёр бўйича қуйи миқдорни қайд этади. Бунга кўра, ҳарбийларда иш билан боғлиқ фаолиятда асабийлашиш даражаси паст эканлиги билан баҳоланади. Иккинчи ўз-ўзидан пайдо бўладиган тажовузкорлик шкаласига кўра, курсантларнинг натижалари 2,34 нисбатни қайд этганлиги ва бу уларда тасодифан тажовузкорлик ҳолати пайдо бўлмаслигини англатади. Учинчи шкала бўйича яъни руҳий сиқилиш бўйича 2,82 даражасини ташкил қилган. Бу кўрсаткич ҳам стандарт меъёрга кўра, паст эканлиги билан алоҳида характерланади. Тўртинчи шкала бўйича яъни жиззакилик бўйича олган натижалари 4,16 қийматни ташкил қилганлиги ва бу даража уларда касбий фаолиятда жиззакилик ўртачадан паст эканлигини англатади. Бешинчи шкала бўйича ҳарбийларнинг олган натижалари 9,38 қийматни намоён қилган. Ҳарбий хизматларда касбий фаолият ёки бошқа инсонлар билан муносабатларни амлага оширишда мулоқотчанлик ўрта даражани ташкил қилиши ва улар ҳам коммуникатив алоқага киришганда суҳбатдошини тушуна олишини билдиради. Навбатдаги шкала яъни вазминлик 4,70 даражани ташкил қилган. Вазминлик стандарт меъёр бўйича ўрта даражани ташкил қилганлиги ва бу эса берилган топшириқларни босиқлик ва диққат билан бажаришни кўрсатиб беради. Кейинги ўта тажовузкорлик шкаласи бўйича уларнинг олган натижалари 3,76 миқдорни

кўрсатганлиги ва бу эса уларда тажовзкорликнинг юқори даражаси деярли йўқ эканлиги билан акс эттирилади. Тортинчоклик шкаласи бўйича олган кийматлари 2,82 миқдорни ташкил қилган. Ҳарбийларда тортинчоклик даражаси қуйи эканлигини кўрсатганлиги ва уларга бериладиган топшириқларни сўзсиз бажариши дарак беради.

Кейинги очиқлик-ошкоралик шкаласи бўйича натижалари 5,28 ни кўрсатганлиги, улардаги фаолият даражаси бирор-бир ҳаракатни бажариш учун ўйлаб ўтирмасдан тезда бажариш кераклиги ва ҳеч нарсани яширмасдан ошкора бажариши билан изоҳланади. Экстроверция-интроверция шкаласига кўра, 6,46 миқдорни ташкил қилганлиги ва улар стандарт меъёр кўрсаткичига кўра, интроверт типига мансублиги натижалардан кўринган. Ҳарбий хизматчиларнинг интровертлиги, улар бошқалар билан тез муносабатларни амалга ошира олмаслиги, мулоқотдошининг кечинмаларини олдиндан тез пайқай олмаслиги ва кўпроқ ёпиқ типдаги шахс сифатида алоҳида характерланиши намоён бўлганлигини кўриш мумкин. Таъсирчанлик-ўзгарувчанлик шкаласи бўйича курсантларнинг натижалари 3,94 даражани кўрсатганлиги ва натижа бўлажак учувчи курсантларда тез таъсирга берилиш, тезкор қарорларни қабул қилиш ва жуда тезлик билан ўзгариб қолиши паст эканлиги натижалардан акс этган. Охириги шкала мардлик шкаласига кўра, учувчи курсантларнинг тўплаган натижалари 7,10 ни кўрсатган. Бу шкала бўйича ҳарбий хизматчилар стандарт меъёр бўйича мардлик шкаласи уларда ўртачадан юқори эканлиги ва ўқув жараёнилари ва машғулотларга нисбатан бардошли қилиб шаклланишидан иборатдир.

Хулоса: шуни айтиш мумкинки, кўп йиллар мобайнида олиб борилган илмий тадқиқотимизнинг назарий ва амалий жиҳатлари атрофлича таҳлил қилиниб, олинган илмий натижаларни амалиётга, энг муҳими хизмат фаолиятига тадбиқ этиш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, назария ва амалиёт уйғунлашган ҳолда психологик таҳлил этилган. Ўтказилган илмий тадқиқотлар таҳлил и доирасида касбий зўриқиш феномени ва стресс муаммоларини назарий ва амалий ўрганиш бизнинг қуйидаги хулосаларга қилишимизга имкон берди. Сўнги йилларда барча давлатларда касбий фаолият соҳасидаги тадқиқотлар фаоллашди. Бу глобаллашув жараёнида касбий меҳнат объектлари ва касбий фаолият шарт-шароитлари, касбда салбий оқибатларга олиб келадиган ва янги мослашишни талаб этадиган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ва технологик ўзгаришларга қўпаймоқда. Шахсни иш билан ҳаддан ташқари кўп таъминлаш, иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларнинг ҳаддан ташқари кўплиги ёки етишмаслиги, ўз касбий фаолиятининг етарли даражада аниқ билмаслик, бошлиқлар томонидан ҳаддан ортиқ талабчанлик каби ҳолатлар “касбий стресс” ва “касбий зўриқиш” ҳолатларини юзага келтиради.

Шунинг учун ҳарбий хизматчиларнинг психо-эмоционал ҳолати динамикаси билан зўриқишларга мойиллиги масаласида доимий психологик ва социологик чора-тадбирлар олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Леонова А.Б. Основные подходы к изучению профессионального стресса. [Текст] // А.Б. Леонова. - Издательство "Вестник МГУ". - Серия 14. - Психология, 2000. - № 3. - С.4 - 21.
2. Водопьянова Н.Е. Психодиагностика стресса [Текст] / Н.Е. Водопьянова. - СПб.: Питер, 2009. - С.56.
3. Колодич Е. Н., Павлова И. М. Возможности социально-психологического тренинга в процессе повышения эмоциональной устойчивости учащихся профессиональных школ// Мир психологии. - 2008. - №4. - С.38-45. [
4. Дикая Л. Г. Деятельность и функциональное состояние: Активационный компонент деятельности / Психологические проблемы профессиональной деятельности. -М.: «Наука», 1997. С 93-111.
5. Шерматов Ф.Т., Бўлажак офицерларда касбий зўриқишлар намоён бўлишининг ижтимоий-психологик ва ўзига хос жиҳатлари: назария ва амалиёт Монография. АКТ ва АҲИ, “Тактика, умумқўшин тайёргарлиги ва гуманитар фанлар кафедраси” томонидан буюртма асосида тайёрланди. 2021. 88-бет.

Ҳарбий хизматчилардаги касбий зўриқишларнинг психологик таҳлил и ва унинг назарий ва амалий аҳамияти
Шерматов Ф. Т. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Резюме. Мақолада муалифнинг хизмат тажрибаси асосида олиб борилган илмий тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатлари атрофлича ўрганиб чиқилиб, ўқув ва ўқув жанговар тайёргарлик жараёнида ҳарбий хизматчилардаги касбий зўриқишларнинг психологик таҳлил и қиёсий мисоллар асосида ўрганиб чиқилиб Студентнинг t-мезони бўйича таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: касбий зўриқиш, ижтимоий психологик омил, ҳиссий-эмоционал ҳолатлар, индивидуал хусусиятлар.

Психологический анализ профессионального стресса у военнослужащих и его теоретическое и практическое значение
Шерматов Ф.Т. Военный институт информационно-коммуникационных технологий и связи Министерства обороны Республики Узбекистан

Резюме. В статье подробно изучены теоретические и практические аспекты исследования, проведенного на основе авторского опыта службы; изучен психологический анализ профессионального стресса у военнослужащих в процессе учебно-боевой подготовки на сравнительных примерах и проанализирован на основе t-критерия студента.

Ключевые слова: профессиональный стресс, социально-психологический фактор, эмоциональные состояния, индивидуальные особенности.

Psychological analysis of professional stress of military personnel and its theoretical and practical significance
Shermatov F.T. Military Institute of Information and Communication Technologies and Communications of the Ministry of Defense of the Republic of Uzbekistan

Summary. In this scientific article, the theoretical and practical aspects of the research conducted on the basis of the author's service experience are studied in detail; psychological analysis of professional stress of military personnel in the process of studying and combat training was studied on the basis of comparative examples and analyzed on the basis of the student's t-criterion.

Key words: professional stress, social-psychological factor, emotional states, individual characteristics.

THE EMERGENCE OF "MARGINALITY" PHENOMENON OF WOMEN AND ITS SOCIAL CONSEQUENCES

Bekmuradov M.B., Gafforova M.Q.

Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

The phenomenon of "marginality" is an important social situation in the study of social processes in modern Uzbekistan. Marginality is directly related to the concepts of marginalization, world citizenship, assimilation, alienation from national identity. This increases the role and importance of the concept of marginality in the current process of changing and reforms. Given that the phenomenon of marginalization is an extremely important issue in the fate of the nation and has a significant impact on the sustainable development of our society today and tomorrow, we found it necessary to research it. President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev in his speech at the conference "Ensuring social stability, preservation of our sacred religion" said: "We should work together and resolutely for the fate and future of our country." It is no secret that these issues will determine our present and future, the fate and future of our children and grandchildren, our life, emphasizing the need to preserve our identity, our sacred religion, faith, culture, healthy environment.

In today's context of globalization, a person's consciousness and spirituality are often alienated from culture, customs and values due to various external factors. When asked about the concept of "marginality", 19.9% of respondents said that they consider themselves civilized in society, 18% - a person who cannot find a place anywhere, 13.8% - a citizen who is culturally and spiritually alienated from society, 9, 9% are not accepted by local communities, 9% are fluent in Russian, 8.3% are not fluent in their national language, 8.3% are not loyal to their family, 3.5% are loyal to national traditions no, 3.2% cited the definition of a person living in a city [1].

In modern society, changes in the sociocultural image of all people, especially women, determine their consent today and their confidence in the future. Changes in women's thinking allow them to develop new mental characteristics. At the same time, there is a marginal approach among the older generation, formed in the spirit of the ideology of the former regime, and the young people, who are emerging as a separate social stratum under their social influence. The attitudes and views in the minds of people who lived in the Soviet Union for 30-40 years of their life have undergone some changes under the influence of reforms during the years of independence. The values of the new system began to take shape in their political, socio-cultural and spiritual images.

According to the results of the research on this issue, the hierarchy of factors that affect the sociocultural image of women and lead to their marginalization, according to the respondents, is as follows: educational system factors - 36%; teaching system factor - 22%; communicative system factor and forced migration from 12%; advocacy, advertising and media accounted for -10% and labor migration for 8%. From the results of the research, we can see that today, labor migration of women is also one of the factors influencing their marginalization to a certain extent. The research found that men are more likely than women to be involved in labor migration to Russia and Kazakhstan. The opposite is true in the UAE, Thailand, Turkey and South Korea, where women are three times more likely than men. Uzbeks are more likely to travel to these countries.

The results of sociological interrogations conducted in several regions of the country have identified the objective and subjective reasons for the increase in migration of women. In particular, the reasons for going abroad to earn money from a number of villages in Kashkadarya region were studied. According to the residents of the surveyed neighborhoods, a significant decrease in the number of men in rural areas has led to an increase in migration among women as well. This is especially true in rural areas for young people and women under the age of 18. According to local people view, the hidden criminogenicity of women is on the rise in terms of the prevalence of petty theft. Research shows that women whose husbands work abroad are less likely to follow the rules of etiquette. According to respondents (42% of respondents say), men from abroad marry "second" families and enter into oral marriages with women there, turning them into "second" wives. When there is no parental upbringing in the family, especially the lack of parental upbringing has an impact on the level of education of children, all the spiritual and educational burden falls on the school [2]. All this leads to a violation of the stability of the perception of the institution of family and marriage. For example, fake marriages are common among migrants today. As a result, labor migration leads to an increase in family divorces among certain migrants.

It should be noted that the processes of civilization create various opportunities for people to live and work as human beings. Civilization processes have a strong influence on the socio-cultural image of women, especially on the formation of the characteristics of independent movement and free decision-making.

The results of sociological research have shown that the socio-cultural image of modern women is rapidly developing the qualities of purposefulness, pragmatism, self-creation, zeal, determination to improve their intellectual potential, aspiration. The results of the analysis show that 51.78% of respondents believe that young women are more determined to create their own future. 8.09% of participants do not believe that they are the main force in creating the future. One of the main tasks of parents, communities and educational institutions is to explain that young people should be the first to create their own future, to get a perfect education at a young age and learn the secrets of the profession will be the basis for a prosperous future. 35.6% of respondents think that today's young girls are more satisfied with the Internet connection. Also, 26% of respondents from sports, 14.3% from fiction, 6.9% from earning money, 5.4% from fashion, 5% from scientific literature, 3.7% from cinema, 2.8% from strengthening religion stressed that it creates satisfaction. It is obvious that the Internet, especially social networks, has a permanent place in the lives of many of our young people. While acknowledging the advantages of the internet, it is also important to keep in mind

its disadvantages. In particular, the lack of a culture of Internet use among the majority of young men and women, and their tendency to follow the information in the vast information space, also cause many problems in this regard.

In order to prevent such cases, it is necessary to increase the awareness of young people in educational institutions, especially in general secondary schools, about regular participation in classes, information security, Internet culture, the negative aspects of social networks [3]. The Internet has a strong attachment to the individual, alienating him from traditional communication and marginalizing him to a certain extent, excluding him from active social life.

Because society is a living organism, the marginalization in the minds of some adults and middle-aged people can to some extent affect the thinking of young men and women. Such influence is both objective and subjective. As a result, there may be conflicts and misunderstandings in the worldview of the new generation with some of the generations formed in the socio-political environment of the past. Misunderstandings can lead to spiritual breakdown between young people and adults, in the process of which some young people become alienated from society, leading to tendencies such as masochism and sadism, atheism, individualism. Conflict arises because the older generation does not pay enough attention to the spirituality, consciousness and thinking of young people.

To prevent this from happening, we need to ensure inheritance, strengthen family values, pass on the spiritual heritage of our ancestors to our young people and teach them how to follow it. The results of the study show that the last 4 years of empirical observations have shown that older and younger generations are not accepted by society, are spiritually alienated from the traditional way of life, do not know their native language perfectly, do not like their national literature and art. the arrival, in a word, testifies to the emergence of marginality.

In the process of various reforms and changes taking place in our country today, it is more important than ever to strengthen the prestige of our native language, to teach young people the benefits of learning foreign languages, as well as to educate them in the spirit of respect for their mother tongue. When young people know and respect their mother tongue, they will have a better understanding of our national literature and art. It is difficult to imagine a person's upbringing and spirituality without the possession of national literature and art. In this regard, it is necessary to combine the above aspects in raising the morale of young people.

The analysis shows that 65.2% of respondents said that their children enjoy our national art and literature as adults. They also said that 23.5% partially enjoyed, 3.9% did not enjoy, and 7.2% did not know the essence of the question. According to the study, over the past 15-20 years, the interest of some young people in our national literature and art has declined. Given the huge impact of national literature on the education of young people, it is desirable to further improve the teaching of this subject in schools, the use of new methods of teaching and education in this regard.

The fact that young people are moving away from national literature and art, or that their interest in them is declining, is due to a variety of factors. One of them is learning or mastering foreign languages. 41% of respondents' children learn foreign languages and communicate freely with others, 19.6% find it difficult to acquire extensive and in-depth knowledge only in Uzbek, 19.6% work in high positions in the future, 16.7% to meet their material needs in the future, only 2.99% are angry to be a cultured person.

It is clear from the above reasons that parents do not understand the need for national spiritual principles of their children and try to teach foreign languages only because of their future status and financial security. In this regard, of course, it is important to raise awareness among parents, to explain to the media that the study of the mother tongue is a matter of the future of the nation. In order for young people not to fall into the marginal mood, the family environment, the example of adults, national morals and worldview must be developed in accordance with the requirements of the time. Young people's thinking is mainly formed in the family and school. If every Uzbek family and school is indifferent to this task, it is likely that some young people will become more marginalized.

Marginality in a person leads to a departure from the rules, norms, traditions proclaimed in society. So, the social and spiritual activity of young people, national and spiritual values in thinking, changes in society, socio-cultural characteristics are the factors that contribute to the formation of a non-marginalized personality. The inability of the older generation to rely on spiritual values, the inability to adapt to new social relations, indifference to the deep assimilation of national culture, negatively affect the formation of the spiritual needs of the younger generation in the way of social goals. naturally unsatisfactory.

"Do you know that not knowing your mother tongue will negatively affect the fate of your children in the future?" The following answers were received to the question. Not knowing Uzbek doesn't hurt - 48%, it hurts - 7%, I haven't thought about it - 25%, I don't know - 12%. Responses show that most respondents are unaware of the negative consequences of their children growing up without knowing their mother tongue.

Based on the fact that the emergence of marginalization and the expansion of its scope in the context of globalization may further increase the negative impact on the social, spiritual and especially political life of our society, the place and role of Uzbekistan in the world community, national development. based on the urgency of developing measures to address these aspects. The analysis shows that more than half of the respondents (53.8%) said that they feel that they are citizens of Uzbekistan, an integral part of the nation and society. Also, 15.6% of the Uzbek people said that they are children, 13% said that they belong to their language and culture, 13% believe in Islam, and 3.5% consider themselves citizens of the world. A relatively small proportion of respondents also noted that they contribute to the development of New Uzbekistan and adhere to national traditions (0.4%), their ethnicity (0.2%) and find it difficult to answer this question.

This situation shows the need to strengthen the status of our citizens as citizens of Uzbekistan. Studies in the United States, Russia, and a number of other countries show that 80 to 90 percent of people are "citizens of their own country." It is well known that the social stability of the country plays an important role in promoting universal values,

in particular, the ideas of interethnic harmony and tolerance. All conditions have been created in our country for the preservation of the language, customs and traditions of different nationalities living in the territory of Uzbekistan, their transmission from generation to generation. In particular, on January 13, 1992, the first international cultural center of the Republic of Uzbekistan was established in Central Asia, and today there are 137 international cultural centers throughout the country. However, about half of the respondents (48.26%) do not discriminate between the participating nations, in addition, 25.8% live on the basis of cooperation and mutual trust with other nationalities, 24.7% of respondents believe that they are mainly representatives of their own people 4.9% said they were cautious about other nationalities. The survey also showed that a certain part of the population is indifferent to the political process and has a certain level of marginalization [4, 436]. The phenomenon of marginalization refers to the different spiritual, moral, political, social and psychological states of society, which have different worldviews. The process of marginalization, on the one hand, was largely due to labor migration, the forced exodus to foreign countries, which forced them to adopt a religious, national-ethnic, cultural way of life. On the other hand, while living in Uzbekistan, other values and traditions that do not correspond to the logic of space and time, far removed from their language, art, literature, culture and traditions, are widespread, especially in Western countries. individualism, egoism, tendencies associated with 'mass culture', the adoption of attitudes that are spiritually contrary to universal and national values.

American political scientist Patrick Buchanan's book, *Death of the West* [5, 16], discusses one of the causes of marginalization in the West - crises in society's spirituality, including family and marriage, births, and natural population growth. In his view, in an industrialized and high-tech society, the sudden enrichment of people and their selfish pursuit of a prosperous life have led to a sharp spiritual crisis in their attitudes towards core values, including family and marriage, and the upbringing of young people. He attributes this to the vices of hedonism, and acknowledges that its consequences are causing a number of social problems in society. What worries the author is that such consciousness and vital conclusions are in danger of undermining the most necessary and important values of the peoples of Europe. That is why in our study we tried to study the negative consequences of marginalization in the Uzbek environment.

Respondents focused on the ability to overcome the heavy and the light (33.7%) as the main factor that can turn a person away from the vices of hedonism, "popular culture" and light nature. There is also a high sense of self-esteem (29.5%), a tendency to indulge in sexual desire (11.8%), a tendency to assimilate good things (9.7%), selfishness (6.11), factors such as the negative role of parents in parenting (4.64%), distance from national morality (4%) are also shown as a means of protection from "popular culture" and its elements.

Clearly, family upbringing has a special place in this regard. Therefore, it is necessary to increase the activity of older people, elders and parents in order to create a healthy environment in the family, to raise a child properly. Naturally, this is due to the values, traditions and mentality that exist in different societies. According to researchers in this field, the process of involving the new generation in social life takes two forms. The first strengthens intergenerational relationships and the second strengthens national socialization in young girls. Naturally, the former, that is, intergenerational relations, contributes to intergenerational succession, while the latter expresses a responsible approach to one's destiny and creativity to renew social progress.

In socialization, community demands take precedence over 'community demand and women's needs', while inheritance takes precedence over community rules and requirements over women's needs and community demands. Therefore, when studying the problem of women, sociologists look at it not only from the point of view of a certain demographic class, but also as a social problem, which may be the reason for changing the socio-cultural image of women. Comparative analysis on this issue has shown that the increase in human resources, human capital leads to changes in specific ethnocultural characteristics.

The category of marginality is genetically independent, but far from this genetic program, unable to enter into ethnocultural relations, unable to find its place in the society in which he was born and raised, alienated from the social, political, cultural environment, was based on the transformation of lifestyle changes of women who disliked their own national art and literature but considered themselves cultured in a different national cultural environment [6].


Marginality is a specific cultural "disease" of society that needs to be constantly monitored and controlled. This group seeks to join various social groups that tend to "deviate" from existing social norms. Marginality was introduced into sociology in the early twentieth century by the German sociologist Georg Zimmel, [7, 543] and was interpreted in accordance with the concept of alienation. Georg Zimmel defined the concept of "stranger" as a person close to a particular social group and expelled from it or left. Based on this approach, sociologist Robert Park, an American follower of Georg Zimmel, uses the term "marginal man [8, 172-175]. " Unlike Zimmel, Robert Park studied the social origins of the 'alien', the social environment in which it emerges, and the emergence of it as a result of conflicts between different groups, cultures, and communities. Another American sociologist, Alfred Schuey, complements the concept of marginality by using the concept of "actually ours," which has long been abandoned and returned home as a stranger [9, 170]. The origin of the phenomenon of "marginality" in Uzbekistan and its social consequences have not been specifically studied in the scientific literature.

"There is a big difference between good and bad, / It's a sinking that holds the ends of two ships. [10, 122]"

According to Alisher Navoi, in order to change the environment, a person must change his inner world and spiritual-aesthetic, sociological views. A person's inner world and thoughts are expressed, first of all, in words, and his faith is reflected in what he says and does. The meaning of a word determines a person's level of intelligence. The following conclusions can be drawn from these considerations. In the process of reforms in our country, it is necessary to protect the legal, social and cultural interests of women, to remove obstacles to their activities, to prevent "social,

political and spiritual alienation". In modern sociology of Uzbekistan there is a need for a systematic analysis of the phenomenon of marginalization on the basis of different approaches. It should be noted that the phenomenon of "marginality" is the basis for changes in the socio-cultural image of women in an era of internal factors and rapid economic growth.

Marginality is defined as the inadequacy of traditional ideological boundaries and spiritual requirements to the variability of the times, or those who are not accepted in society and do not know their national language and lifestyle well.



Based on the results of the study, the following criteria for marginality were developed.

Therefore, the growth of national identity of the new citizens of Uzbekistan, the growing sense of patriotism, respect for the rich national, cultural and historical traditions and the intellectual heritage of our people are important factors. The marginalized person is not able to adequately express himself in the national development because he has not mastered the cultural and spiritual heritage of the country, our spiritual traditions, that is, our identity.

It should be noted that, although the above criteria are imbued with the socio-

political, humanitarian spirit, each period, in the process of its renewal, creates a certain amount of "marginal human" types in the population. In lifestyle stereotypes, a person who is excluded from social and economic activity, who has lost his or her social status and changes in his or her social image, is considered marginal. We believe that in defining the phenomenon of marginality, it is necessary to rely on the features of women's social anthropology, especially in the marginalization of women.

It is important to pay attention to the following: Every person embodies different values in the life of the group and society, and reflects these values in the socialization of their social image; to take into account the fact that the phenomenon of marginalization is characterized by moral, religious, political and socio-cultural characteristics.

Obedience to the rules and customs of the society (accepting the accepted goals and means). Innovative (involvement in community development strategies). Love, kindness (the rules of society are to take a kind approach to the Uzbek language, customs and traditions). Loyalty (respect for national art and literature). Devotion (active participation in the process of national spiritual uplift). Therefore, it is the affective approach that creates an ethnocultural unity based on "national respect" within the requirements of the above five principles.

REFERENCES

1. The interrogation used a random-probabilistic selection method based on region, gender, education, life experience, and age. In order to study the "state of worldview and spiritual change in society" was conducted in September-December 2019 in Tashkent, Samarkand, Fergana and Nukus on the basis of 350 expert opinions.
2. The research was conducted in Yakkabag district of Kashkadarya region on October 16-18, 2019 using the observation method.
3. The research used a random-probabilistic sampling method based on region, gender, and age. Based on the results of an interrogation of 350 experts in Tashkent, Samarkand, Fergana and Nukus to learn the "state of worldview and spiritual change in society."
4. Бекмуратов М. Замонавий бошқарув социологияси -Т: Ёшлар нашриёт уйи. 2020.
5. Patrick J. Buchanan. Death of the West. 2003.
6. The research used a random-probabilistic sampling method based on region, gender, and age. Based on the results of a survey of 350 experts in Tashkent, Samarkand, Fergana and Nukus to study the "state of worldview and spiritual change in society."
7. Dusenko S. The structure and function of the social space of tourism (sociological analysis) // Man. Civilization. Society / General ed., comp. and foreword. A.Yu. Sogomonov. Per. from English - Moscow: Politizdat, 1992. - p. 543.
8. R.E. Park Cultural conflict and a marginal person // Social Sciences and Humanities. Ser. 11. Sociology. 1997. No. 2. - p.
9. Khokhlova M.A. The migrant as a naive ethnographer: the experience of mastering a new cultural space of the city // Journal of Sociology and Social Anthropology. 2007. No. 1.
10. Navoi A. Complete collection of works. Volume 14 - Tashkent, 1998.

Аёлларда «Маргиналик» феноменининг пайдо бўлиши ва унинг ижтимоий оқибатлари

Бекмуратов М.Б., Гаффорова М.К. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Резюме. Мақолада «Маргиналик» феноменининг ҳозирги замон Ўзбекистон ижтимоий жараёнларини ўрганишда муҳим ижтимоий ҳолат эканлиги ҳамда унинг социал оқибатлари, ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида маргиналиكنинг мезонлари ишлаб чиқилгани ва бу мезонларнинг замонавий хотин-қизларнинг социомаданий киёфасидаги ўзгаришлари қонуниятларининг социологик жиҳатларига эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: социомаданий киёфа, ўзгаришлар қонуниятлари, миллий маргинал шахс, аффелятив ёндашув, мезонлар.

Возникновение феномена «маргинальности» у женщин и его социальные последствия

Бекмуратов М.Б., Гаффорова М.К. Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Резюме. В статье акцентируется внимание на том, что феномен «маргинальности» является важной социальной ситуацией при изучении социальных процессов современного Узбекистана и разработаны критерии «маргинальности» по

социологическим аспектам законодательства об изменениях социально-экономического облика современных женщин и девушек по результатам его социологических последствий.

Ключевые слова: социально-экономический облик, законы изменения, национальная маргинальная личность, аффективный подход, критерии

The emergence of "marginality" phenomenon of women and its social consequences

Bekmuradov M.B., Gafforova M.Q. Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Summary. The article focuses on the fact that the phenomenon of "marginality" is an important social situation in the study of the social processes of modern Uzbekistan and the criteria of "marginality" were developed on the sociological aspects of the legislation about the changes in the socio-economic appearance of modern women and girls by the results of its sociological consequences.

Key words: socio-economic appearance, laws of change, national marginal personality, affective approach, criteria

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ЮКСАКЛИККА ИНТИЛИШ ИНСОН РУҲИЙ КАМОЛОТИНИНГ БОШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Бурханов Т. М.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси

Маънавият ҳақида жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамай, бу тушунчанинг ягона универсал таъриф ва таснифи ҳалигача шакллантирилмаган. Чунки маънавият ҳодисаси мураккаб жараён бўлиб, у ҳар бир халқ, миллат ва элатнинг асрлар мобайнида шаклланган ўй – фикрлари, орзу-умидлари, руҳияти ва қадриятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги кунда таълим–тарбия тизимида асрлар давомида халқимизнинг кучли эътиқодини ўзида акс эттирган муқаддас динимиз асосидаги маънавий мерос изчил ўрганила бошланди.

Маънавият - бу инсон онгининг энг юқори даражаси ва соғлом тафаккур қилиш усули ҳисобланади. Шу ўринда биз маънавият тушунчасини юқори даражасига чиқиш жараёнини маънавий камолот босқичи деб номласак тўғри бўлади. Маънавий камолотга эришган сари ҳар бир инсон ўз хатоларини ва ёмон ишларини тушуна бошлайди. Яхшиликни ёмонликдан, ҳақиқатни ёлғондан ажратади. Шу нуқтаи назардан, ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқимизнинг бой, миллий, маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, замонавий педагогик-психологик шакл ва воситалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши, шахсни шахс сифатида тарбиялаш ва уни ҳар томонлама бағри кенг ва камол топтиришнинг устуворлигини таъминлаш, умумий ҳамда педагогик маданиятини ошириш, мамлакатимиз фуқаролари орасида маърифий ишларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ёшларимизни ҳар томонлама етук, баркамол, соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки, бугунги ёшлар келажаги буюк давлатимизнинг фахри ҳисобланади.

“Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади,- деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни олий мажлисга мурожаатномасида. Дарҳақиқат, маънавияти юксак даражада ривожланган миллатгина порлоқ истиклол, буюк келажақ учун ўзида куч-қудрат топа олади. Маънавияти ривожланган халқ ва миллат ўз-ўзини қадрлайди, қаддини тик тутати, ўтмиши билан фахрланади, ўзлигини англайди, келажаққа умидворлик билан қараб, озодлик ва мустақилликнинг қадрига етиб, Ватан равнақи йўлида фидойилик кўрсата олади.

“Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келяпти, деб сўрашса, бу аввало, муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим. Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-руҳий меросдан маҳрум бўлиб қоладик” - деб таъкидлайди Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов[1]. Маънавий етук инсон ёвуз, ҳасадгўй, иккиюзламачи бўла олмайди, у бу ҳаётда фақат пул топиш, ўз куч-қудратини кўр кўрона намойиш қилишга интирмайди ёки бошқа инсонларга ёмонлик қилиш учун баҳона изламайди. Унинг ягона истаги барча мавжудотга яхшилик қилиш, эзгулик ғояларини амалий жиҳатдан тарғиб ва ташвиқ қилишдан иборат бўлади. Зеро, Шопенгауэр таъкидлаганидек, инсон ҳаётга бўлган иродасидан воз кечмоғи зарур, чунки у маънавий камолотга эришиш учун ўзининг жисмоний хоҳиш - истаklarини чегаралаши керак[2]. Юксак маънавиятли инсонларни тарбиялашда ахлоқий қадриятлар устувор аҳамият касб этади. Чунки ахлоқий мезонлар билан безанган инсонгина буюк ишларга қодир бўлади. Агар тарихимизга эътибор берадиган бўлсак, буюк аллома ва файласуфларимизнинг асарларида ҳам жамият бошқаруви, болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси масаласида аввало ахлоқий қадриятлар илгари сурилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Энг қадимий тарихий, диний, ва фалсафий манбаларимиздан бўлган “Авесто”да илгари сурилган “Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал” амал ғоясини илгари сурилишида ҳам ахлоқий қадриятларни инсоннинг руҳий камолоти, жамият тараққиёти учун нақадар муҳимлиги кўринади.

Инсонни камолот сари етаклайдиган ҳар қандай ахлоқий таълим ўз йўналиши, ўз тартиб-қоида ва ўз тамойилларига асосланади. “Шу тарика, қомил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Бундан яна шу ҳам маълум бўлади-ки, ўрта асрлардаги яхши ахлоқ, қомил инсон ҳақидаги тушунчалар нисбий хусусиятга эга – бир томондан, жами руҳий-

маънавий кудрат, ақлу-заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган мавҳум бир зот тушунчаси, иккинчи томондан, шу чўққига интилиб, муайян мартабаларга эришган киши ҳам комил инсон деб ҳисобланган»[3]. Улуғ бобокалонимиз Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “Қутдағу билиг” асари бундан бир неча аср аввал ёзилишига қарамай, ушбу манбада ҳам ахлоқий кадриятлар масаласи ҷамият ҳаёти учун қанчалик муҳим эканлиги ақс этган. Асарда илғари сурилган “Оламга одомзод сара мавжудот сифатида келди, у салоҳият, билим ва заковатга эга бўлди. Унга табиат ақл ва онг ато қилди, сўзлаш қобилиятини берди, уни андиша, хушхулқ ва гўзал феъл билан таъминлади. Унга билим ҳадя қилди, шу туфайли инсон улуглиққа эришди, заковатлар ато қилди, шу туфайли инсон чигал жумбоқларни ҳал қилди. Табиат кимга заковат, ақл-идрок, билим берса, у эзгу ишлар қилишга қўл уради. Билимнинг буюқлигини ва заковатнинг улуглигини англаган, бу иккаласига эга бўлган сара кишилар улуглиққа эришадилар. Одамзотда заковат бўлса нафи каттадир, билим ўрганган кишилар азиз ва қадрли бўладилар”[4], - деган фикр бугунги авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, гўзал хулқ-атвор, ақл-идрок, билим ва заковатга эга бўлиш инсонни юксак маънавият эгаси бўлишга ундайди. Ушбу маънавий-ахлоқий фазилатлар инсонни бахтли ва фаровон турмуш кечиришида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу ҳақида Абу Наср Форобий ҳам шундай деб ёзади: “Инсон ўз табиати жиҳатидан шундай таркиб топганки, ўзининг мавжудлиги ва олий даражадаги камолотга эришуви учун кўп нарсаларга муҳтождир. У буларнинг барчасига бир ўзи эриша олмайди ва уларга эришиш учун кишиларнинг қандайдир жамоасига муҳтож. Бу жамоанинг ҳар бир аъзоси у муҳтож бўлган нарсаларнинг бирортаси билан уни таъминлайди. Ҷамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳам бир-бирларига нисбатан худди шундай ҳолатда бўладилар. Мана шу сабабли бир-бирига ёрдам берувчи жуда кўп кишиларнинг бирлашуви орқали инсон ўзи интилган камолотга эришуви мумкин”[5]. Демак, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, ёрдам ҳис-туйғулари орқали инсонлар бир-бирлари билан бирлашган жамоада нафақат ўзларининг моддий эҳтиёжларини, балки маънавий эҳтиёжларини ҳам қондирадилар ва бунинг натижасида ҳар бир инсон ва бутун жамоа маънавий камолотга эришади.

Абу Наср Форобий фикрлари турли ирққа, миллатга ва динга мансублик асосида келиб чиқувчи адоват, уруш, низолар ҳеч қандай тарихий, ижтимоий, маданий-маънавий илдизга эга эмаслигини исботлаш учун хизмат қилиши мумкин бўлган назарий асос ҳамдир. Ҳар қандай ҷамиятнинг ҳақиқий фазилати ва бошқалардан ажралиб турувчи сифати ўша ҷамият, миллатнинг иқтисодий ва ҳарбий куч-қудрати нуфузида эмас, балки ушбу ҷамият фуқароларининг илм-маърифат, инсоний ахлоқ ва фазилатларга эришганлигидир. Абу Наср Форобий фозил шаҳар-давлатни соғлом инсон танасига ўхшатади. Бу тананинг ҳамма аъзолари тананинг соғлигини ва камолотини таъминлаш учун бир-бирлари билан мустаҳкам алоқада бўлганликлари ва бир-бирларига ёрдам берганликлари каби фозил шаҳар-давлатнинг фуқаролари ҳам бир-бирларига боғлиқдирлар. Уларнинг ҳар бири маълум мавқега эга ва маълум вазифаларни амалга оширадилар. [6]

Улуғ саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг халқни юрагидан жой олиб, кучли давлат тизими барпо этишида ҳам адолат ва хушфеъл маънавий-ахлоқий фазилатлари сабаб бўлган, десак муболаға бўлмайди. Бунини биз Соҳибқироннинг қуйидаги фикридан билишимиз мумкин. “Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим”[7]. Истиқлол диёримизнинг улуғ фарзандлари, буюк сиймоларнинг номларини фахру ифтихор билан тилга олишга, таваллудларини умумхалқ тантанаси сифатида нишонлашга, уларнинг асарларини она тилимизда чоп этиб, халқимиз маънавий камолотини таъминлашга қулай имконият юзага келтирди. Шу нуқтаи-назардан қараганда, бугунги кунда аجدодларимизга ҳос бўлган юксак даражадаги маънавий-ахлоқий кадриятлар асосида бугунги ёш авлодни тарбиялаш барча зиёлиларимизнинг масъулиятли вазифаларидан бирига айланмоғи лозим. Чунки ҷамиятимизнинг тараққиёти ёш авлодга боғлиқ экан, уларни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш кўзлаган мақсадимизга етишнинг муҳим йўли десак тўғри бўлади.

Маънавий камолот бозор муносабатлари шаротида яшаб қолишдан (тирикчиликдан) манфаатдор бўлган, эркин ҷамият қуриш, янги маънавий-ахлоқий кадриятларни яратиш ва тарққиёт истиқболларини яратаётган одмлар уюшмасининг, жамоатчиликнинг эзгулик сари етаклайди. Шу боисдан ҳам немис-америка руҳшуноси Э.Фромм ўз асарида[8] (1900-1980) муҳаббат инсонни ички эрксизликдан озод қилиши, шу маънода ҳақиқий билим ҳеч қандай чегара ва шартланишга йўл қўймайдиган эркин тафаккурга ҳос экани ҳақидаги фикрларни олдинга суради. Ҳар қандай маънавий, сиёсий, ижтимоий ҳодиса даврлар ўтиши билан тақрорланади. Аммо, бу тақрорланишлар аввалгилари билан бир хил бўлмайди, у муайян янгиликлар, янгича муносабатлар орқали ривожланиб боради. Инсоннинг тарихий тафаккури ўзликни англашга қаратилган муайян жараёнлар орқали белгиланиб, зарурийлик нуқтаи-назаридан олам тажрибаларини ўзлаштиришга қаратилган бўлади. Инсон томонидан яратилган маданий меросдаги ўзига ҳос маънавий-ахлоқий кадриятларни ўзлаштириш, идрок этиш ана шундай тажрибалар сирасига қиради. Зотан, инсон ҳаётини, яшаш тарзини, фаолиятини белгилаш вазифасини ўз зиммасига олган интеграция жараёнларида бу масаланинг ижобий ҳал этилиши ғоятда зарур. Юксак маънавиятга ҷамият тараққиётининг муҳим асоси ҳисобланади. Айни пайтда, маънавий камолотга эришишда муайян муаммолар юзага келмоқда. Бундай муаммоларнинг ўзаги глобал миқёсда содир бўлаётган маънавий-ахлоқий инқироз жараёнини билан ҳамбарчас боғлиқ.

Ҳозирги кунда маънавий-ахлоқий инқироз туфайли баъзи инсонлар ўз эркинлиги йўқотиш чегарасига келиб қолди. Маънавият камолотга интилиш эса бундай маънавий-ахлоқий инқирозни олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шахснинг ҳаётий режалари ҳам, шунингдек, ҷамият тараққиёти истиқболларини белгилаш ҳам маънавий камолот устувор аҳамият касб этади. Зеро, маънавий камолотга эришишга қаратилган эзгу мақсадлар ва идеаллар ҳаётимизни тақрорланмас ва жозибали қилади. Улар ҳаётимизнинг барқарор

тараққиётини таъминлайди. Чунки одамлар ўз ҳаётларини ана шу эзгу маънавий-ахлоқий мақсадларга мослаб, мувофиқлаштириб яшайдилар.

Маънавий камолотнинг ўзини ҳам, бошқаларни ҳам бостиришда эмас, балки ўз-ўзига ва атроф дунё билан мувофиқликда яшашига ўргатади. Бунда маънавий-ахлоқий юксакликка интилиш инсон камолотини таъминлайди, уни эски ақида ва стереотиплардан тозалашга, ҳозирги замон мақсадларига мос истиқбол йўлларига бошлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, тинчликни барқарорлаштириш, экологик хавфнинг олдини олиш, давлатлараро ва этник низоларга чек қўйиш, оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқаришни йўқ қилиш, терроризм, геноцид ва гиёҳвандликнинг тарқалишига йўл қўймаслик кабилар умумбашарий муаммога айланиб бормоқдаки, бу жараён ҳам бевосита маънавий камолотга эришиш масаласига оқилона муносабатда бўлишни талаб этади. “Айниқса, XX асрда, - деб ёздилар С.Шермухамедов ва А. Очилдиев,- саноатда, транспортда, алоқа воситаларида рўй берган буюқ ўзгаришлар бу жараёни янада шитоб билан кечишини келтириб чиқаради ва маданиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олди. Аммо, вақт бу жараёнларнинг зиддиятли эканлигини ҳам кўрсатдики, у айрим ҳолларда кенг тарқалган ва нисбатан кучли тараққий қилган маданиятларни сиқиб чиқарганлигида кўринади. Бундай зиддият, нафақат айрим миллий маданиятлар ўртасида, балки жаҳоннинг икки маданий кутбига мансуб бўлган Шарқ ва Ғарб маданияти ўртасида ҳам келиб чиқди. Бу Шарқ халқлари ҳаётига Ғарб турмуш тарзи маданияти андозаларининг (стандартларининг), уларни тарғиб ва ташвиқ қилувчи адабиёт, санъат, кино асарларининг кенг қўламада кириб келиши, кўпгина ҳолларда миллий ҳаётда уларнинг устувор роль ўйнай бошлаганлиги туфайли содир бўлмоқда” [9].

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари, айниқса Интернет тармоғи орқали тарқатилаётган айрим ахборотлар фуқароларни қонунни ҳурмат қилишга, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилмасликни тарғиб этиш ўрнига қонунчилик ва ахлоқ меъёрларини менсимаслик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки ўз хизмат вазифасини бажараётган бошқа ташкилотлар ходимларига қаршилик кўрсатилишини оқлашга ҳаракат қилиш, айрим жиноятчи шахслар ёки гуруҳларни, уларнинг шахсини улуғлашга қаратилган маълумотларнинг тарқатилиши ўсиб келаётган ёш авлод онгида жиноятчи шахсларга ўхшаш, уларнинг кўриниши ва турмуш тарзига таклид қилиш каби зарарли одатлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Чунки, глобаллашув ва техноген цивилизация маънавий-ахлоқий камолотга эришиш мезонлари асосида ташкил этилсагина инсониятга хизмат қилади. Зеро, юксак маънавиятли инсонларгина ҳаётининг ниҳоявий асосларини ривожлантириш, улар ҳуқуқининг мотивларини аниқлаш, ҳар биримизнинг фаолиятимиз бизнинг бошқа одамлар билан муносабатимизга боғлиқ эканлиги кўрсатиб бераолади. Чунки ҳар бир одамнинг ҳаёт дунёси шундай тузилганки, у ўз маънавий-ахлоқий тарбияси орқали бир томондан, ўзининг индивидуаллигини намоён қилади ва ўз ҳуқуқ-атворини эркинлигини таъминлайди, иккинчи томондан эса-у ўзининг фикр ва ҳохишларини бошқа одамларга яхшилик қилишга йўналтиради. Бундай ҳаётий анаъналар юксак маънавиятга эга бўлган инсонларнинг ҳаётининг маъносини ташкил этади.

А.Авлоний тарбияни қуйидагича тасвирлаб беради: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” деб қатга баҳо беради. Чунки, Авлоний масаланинг фалсафий асосига кўчади. Масалан, у тана ва руҳнинг узвий бирлиги ҳақида гап очади: “Бадан тарбиясининг, фикрлар тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккаласи бир чопоннинг ўнг ила терс томони кабидур. Агар жисм тозалани ила зийнатланмаса, ёмон ҳулқлардан сақланмаса, чопоннинг устунни кўюб, астарини ювиб оввора бўлмоқ кабидирки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур”[10]. Шундай экан, жисм ва руҳ шакл билан мазмуннинг узвий бирлиги ва уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири масаласи жуда муҳим ва мураккабдир.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, маънавий комиллик инсоннинг инсон эканлигини кўрсатувчи қадриятдир. Ўрни келганда у жамиятни таназзулга учратиши ёки аксинча гуллаб-яшнаши учун муҳим омил бўлиши мумкин. Иккинчидан, инсон ўз-ўзини англаб, ҳақиқатни топиши учун ҳолати ўзгариши, яъни ботиний покланиши зарурдир. Бу эса тарбиявий масалаларни энг олдинги ўринга суриб чиқаришга сабабчи бўлади. Гўзал ахлоқли бўлиш бу инсоннинг юксак фазилатларидан биридир. Учинчидан, инсон ахлоқини тубанлашувига сабаб бўладиган ички ва ташқи омилларни эҳтиёткорлик билан тарбиялаш инсоннинг комил инсон бўлиб етишишидаги биринчи ва муҳим қадамдир. Ушбу биринчи қадам яхши ахлоқий фазилатларни сингдиришига эмас, балки инсондаги ёмон деб аталган иллатлардан қутулмоқлик йўли ҳамдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятимизда соғлом маънавий-маърифий муҳит барча давлатларда ҳам тараққиёт, авваламбор, инсонларнинг ва айниқса ёшлар тарбияси, уларнинг маънавий камолоти билан белгиланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди ва буюқ келажакка ишончдир. –Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000.
2. Шопенгауэр А. Мир как воля и представление. Philosophy. –Минск, «Харвест», 2007. - 48с
3. Комилов Н.. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996. – 153 б.
4. Қадимий ҳикматлар. Юсуф Ҳос Ҳожиб Қутадғу билиг. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
5. Ҳайруллаев М.М.Фаробий. –Тошкент, 1975.-303 б.
6. Абу Наср Фаробий. “Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида”. –Тошкент, “Ёзувчи”, 2001. - 29 б.
7. Амир Темур васияти. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси., 1991. - 126.
8. Фромм Эрих.//Современная западная философия. –М.: “Политиздат”, 1991. - 360 б.
9. Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация. –Фарғона, 2000.- 40 б.
10. Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар: 2 жилдлик. 2-нашри. 2-жилд. Пандлар, ибратлар, хикоятлар, набийларҳаёти, драмалар, мақолалар, саёхатхотиралари // Тахрирхайъати: Н. Каримов вабошқ.; Тўловчи: Б. Қосимов; Изохлар ва лугатлар. – Тошкент, «Маънавият», 2006.- 37 б.

Маънавий-ахлоқий юксакликка интилиш инсон руҳий камолотининг бош омил сифатида
Бурханов Т.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси

Резюме. Мақолада маънавий камолотнинг инсон ҳаётидаги ўрни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ҳар бир инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотга интилишининг тарихий асослари ҳамда бугунги кунда маънавий камолотга эришишдаги баъзи муаммолар атрофлича очиб берилган.

Таянч сўзлар: маънавий камолот, ҳаёт маъноси, ахлоқий тарбия, маънавий-ахлоқий қадриятлар.

Стремление к духовным и нравственным высотам как ключевой фактор духовной зрелости человека

Бурханов Т.М. Академия Вооруженных Сил Республики Узбекистан

Резюме. В статье сделан научно-практический анализ роли духовного развития в жизни человека. Рассмотрены исторические аспекты стремления человека к духовно-этическому развитию, а также раскрыты некоторые современные проблемы достижения совершенства.

Ключевые слова: духовное совершенство, смысл жизни, этическое воспитание, духовно-этические ценности.

Striving for spiritual and moral heights as a key factor of a person's spiritual maturity

Burkhanov T.M. Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan

Summary. This article analyzes the role of spiritual maturity in human life from a scientific and practical point of view. The historical foundations of person's striving for spiritual and moral perfection, as well as some of the problems in achieving spiritual maturity today, have been revealed in detail.

Key words: spiritual maturity, meaning of life, moral education, spiritual-moral values.

СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯГА ОИД ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Сейдабуллаева Н.Т.

Қорақалпоқ давлат университети

XX аср ўрталарида "Сиёсий коммуникация" алоҳида сиёсатшунослик соҳаси сифатида ажралиб чиқди. Сиёсий коммуникациянинг турли ижтимоий фанлар бирлашмасида мустақил йўналиш сифатида ажралишига бир неча омиллар сабаб бўлди. Биринчидан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин телевидениянинг пайдо бўлиши муносабати билан оммавий коммуникация технологиялари янада кенг тарқалди. Иккинчидан, янги демократик давлатларнинг вужудга келиши ва совуқ урушнинг кучайиши натижасида, тарғибот ва сиёсий коммуникация технологиялари амалий қўлланилиши учун имконият яратилди. Учинчидан, Н.Виннернинг кибернетик ёндашуви ва Т.Парсонс ва Р.Мертон функционализмлари сиёсий коммуникация тушунчаси ривожига катта таъсир кўрсатди.

Америкалик социологлар П. Лазарсфельд, Б. Берельсон, Е. Кац, Г. Годэ, У. Шрам, Р. Мертон ва бошқалар томонидан тузилган икки босқичли (кўп босқичли) коммуникация назарияси ана шундай таҳлилий парадигмага айланди [1]. У ҳақда биринчи марта 1940 йилда эълон қилинган ва батафсил маълумотлар 1955-йилда Иллинойс штатининг Декатур шаҳрида шунга оид фикрлар ва қарашларни ўрганиш натижасида олинган. Икки босқичли коммуникация концепциясини ишлаб чиқиш ва текширишга қаратилган хилма-хил социологик тадқиқотлар қўлланилган. Икки босқичли коммуникация концепцияси назариётчиларининг фикрича, жамият оммавий жамият назариётчилари тақдим этишга ҳаракат қилгандек бир хил, умумий ёки яхлит тузилма эмас. Жамиятда фикр етакчилари деб аташ мумкин бўлган шахслар, яъни уларнинг фикри бошқалар учун жуда муҳим бўлган одамлар бор. Мазкур концепция тарафдорларининг фикрича, сиёсий кампаниялар пайтида, коммуникация каналлари орқали узатиладиган сиёсий маълумотларнинг кўпайиши маърифатли фуқароларнинг кенг қатламларини шаклланишига олиб келмайди, балки сиёсий кампаниялардан олдин сиёсий муаммолар билан қизиққан ўша фикр етакчилари томонидан қабул қилинадиган янги маълумотлар дозасининг ошишига олиб келади [2]. Оммавий ахборот воситалари тарқатадиган ғоялар, Г.Лассуэлл таъкидлаганидек, омма аудиторияси онгида шунчаки муҳрланиб қолмайди, балки уларни тушуниш ва талқин қилишга ундайди. Агар у ёки бу ғоя фикр етакчилари томонидан маъқуланган бўлса, улар унинг фаол тарғиботчиларига айланишади. Шундай қилиб, тарғибот кампаниясининг мақсади шунчаки маълумотни кенг тарқатиш эмас, балки жамиятнинг етакчилари, лидер шахслари томонидан тўғри тушунилишига, англаниши ва тарғиб қилинишига эришишдир. Кичик гуруҳ ва улардаги фикр етакчиларининг маъносини янгидан кашф қилишдан ташқари, яна бир йирик кашфиёт – турли оммавий ахборот воситаларининг ролини қайта баҳолаш эди. Бунинг учун газета, журнал ва радио каби коммуникация каналлари ўзаро солиштирилди. Умуман олганда, сиёсий коммуникация тизими бўйича катта илмий тадқиқотлар олиб борилган ва у давом этмоқда. Биз сиёсий коммуникация соҳаси борасидаги илмий ёндашувлар ва қарашларни беш йўналиш асосида ўрганишга ҳаракат қилдик.

Биринчи йўналиш, сиёсий коммуникацияларнинг моҳияти ва унинг назарий ва амалий таҳлилларига бағишланган илмий тадқиқотлар. Сиёсий коммуникация моҳиятига оид тадқиқотларда америкалик сиёсий шарҳловчи, давлат арбоби В.Липпман (W. Lippmann) тадқиқотлари муҳим ўрин эгаллайди. У ўзининг "Жамоатчилик фикри" номли китобида "жамоатчилик фикри – воқеа ҳақидаги стереотиплар ёрдамида шаклланган, ҳақиқатдан анча узоқда бўлган оммавий фикрларнинг йиғиндисидир", дея таъкидлайди [3]. Стереотиплар нафақат сиёсий ахборотни идрок этишда, балки журналистларнинг сиёсий воқеаларни ёритишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Липпман ғояларининг замонавий талқини – Ж. Клаппер назарияси бўлиб, унга кўра, оммавий ахборот воситаларидан ахборотни қабул қилиш стереотиплар билан мувозанат ҳолатида, жамиятда оммавий коммуникация жараёни гомеостаз моделига мувофиқ ривожланади [4]. Яна бир америкалик сиёсатшунос Г.Лассуэллнинг асарлари сиёсий коммуникацияларни ҳар томонлама ўрганишга ва уларни назарий ва амалий таҳлилга нисбатан мустақил йўналишларга ажратишга асос яратди. Ўшандан буён сиёсий йўналишдаги тадқиқотлар ривожланиб борадиган иккита йўналиш пайдо бўлди: сиёсий коммуникациянинг микро ва макро даражали назариялари [5]. Икки жаҳон уруши ўртасидаги даврда америкалик сиёсатшунослик

классици Г. Лассуэлл сиёсий коммуникациянинг умумий моделини таҳлил қилиш, жамиятнинг сиёсий ҳаётида тарғиботнинг ўрни ва бошқа оммавий коммуникация масалаларни таҳлил қилиш билан боғлиқ қатор асарларни нашр эттирди [6]. Г. Лассуэллнинг фикрича, коммуникациянинг умумий модели бешта элементдан иборат: 1) коммуникатор (хабар муаллифи); 2) хабарлар (маълумотлар); 3) коммуникация канали (хабарни узатиш воситаси); 4) қабул қилувчи реципиент (хабарни қабул қилувчиси); 5) эришилган таъсир (коммуникация самарадорлиги).

Гарольд Лассуэллнинг асарларида сиёсий коммуникация соҳасидаги тадқиқотлар катъий илмий мақомга эга бўлишига имкон берадиган асослилик ва изчиллик пайдо бўлади. У Қўшма Штатларда биринчи бўлиб сиёсий мақсадларни кўзлайдиган коммуникатив фаолият сифатида сиёсий тарғиботни тизимли равишда илмий ўрганишга киришди ва сиёсатшуносликда сиёсий коммуникация жараёнининг рамзий томонини ўрганиш билан боғлиқ янги йўналишни очди. Унинг коммуникациялар ҳақидаги таърифи коммуникатив ҳаракат ва чизикли жараён сифатида биринчи илмий таърифнинг шаклланишига асос бўлди. Кейинчалик Лассуэлл таърифини америкалик тадқиқотчи Ричард Бреддок "Лассуэлл формуласининг кенгайтмаси" (An extension of the "Lasswell formula", 1958) номи мақолада такомиллаштирди. Бреддок мавжуд таърифга қўшимча жиҳатларни киритди. Унинг фикрича, Лассуэлл иккита муҳим жиҳатни эътиборсиз қолдирган, яъни: коммуникация қандай шароитда содир бўлади? ва нима мақсадда? Ушбу модел кенгайтирилган шаклда бугунги кунга қадар сиёсий коммуникация фактларини таҳлил қилишда ишлатилади. Француз тадқиқотчиси Ж. Д. Арси биринчи бўлиб "коммуникация ҳукуқи" [7] концепциясини таклиф қилди (рус тадқиқотчилари Е.В. Ермишина ва Е.А. Татаринцева бу ғояни ўз асарларида ривожлантирганлар) ва горизонтал коммуникациянинг муҳимлигини исботлаган. М. Коттре ҳам горизонтал коммуникациянинг муҳимлигини таъкидлаб, сиёсий коммуникацияни бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўртасида маълумот алмашинуви [8], деб таърифлади. Унинг ғоялари кейинчалик К. Сиуне ва Ж. Сегела асарларида ривожланган.

Замонавий жамиятда сиёсий коммуникациянинг муҳим ролини Франкфурт мактаби вакиллари (Г. Маркузе, Г. Шиллер, Т. Адорно, М. Хоркхаймер) [9] белгилайдилар, улар коммуникацияни оммани ғоявий назорат қилиш воситаси сифатида кўриб, оммавий ахборот воситалари эса мафкуравий позицияни ретрансляция қилади, деб ҳисоблаганлар.

Иккинчи йўналиш, оммавий ахборот воситаларининг аудиторияга таъсири ва демократик сиёсий тизимдаги ўрни тўғрисидаги тадқиқотлар. Коммуникациянинг математик назариясига ҳос асосий қоидалар америкалик таниқли олим Вилбур Шрам асарларида аниқланди. У коммуникацияни ўрганиш ва ўқитишга асос солганлиги сабабли ҳам бутун коммуникация тадқиқотларининг "отаси" ҳисобланади. Айнан Шрамм АҚШда докторантурада "оммавий коммуникация" илмий мутахассислиги бўйича биринчи ўқув дастурини ишлаб чиққан [10]. Шрамм илмий мулоқотда "коммуникатив тадқиқотлар" (communication research, communication study) концепциясининг мустақкам ўрин эгаллаши учун кўп ишларни амалга оширди. Журналистика назарияси ва амалиёти соҳасидаги асарлари билан у маълум ижтимоий-сиёсий шароитда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ўзига ҳос хусусиятлари нуктаи назардан сиёсий коммуникацияни илмий ўрганиш аънасини йўлга қўйган олим сифатида тарихга кирди. Немис олими Ю. Хабермаснинг фикрича, коммуникация қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олиши керак: биринчидан, коммуникация иштирокчиларининг тенглиги ва босимдан озодлиги кузатилади; иккинчидан, мунозара мавзуси ҳамма учун муҳим бўлган умумий муаммолардир; учинчидан, ҳар қандай чекловлар тақиқланган ва уларни иштирокчиларнинг илтимосига биноан янгилаш имконияти мавжуд.

Ю. Хабермаснинг ҳокимият моделини тавсифлаш учун "делибератив" демократия атамаси қўлланилади, яъни бундай жамиятларда сиёсий дискурсининг аҳамияти алоҳида таъкидланади. Делиберативлик (инглиз тилидан – deliberate) бу нуктаи назардан эҳтиёткорлик, ўйчанлик, мулоҳазакорлик, узоқни кўзлаб иш кўриш каби маъноларни англатади ва қарор қабул қилиш, қилишувга эришиш ёки умуман сиёсий жараён каби тушунчаларга ишора қилиши мумкин. Жамоат майдони бўлган сиёсий тизимларда фуқаролар ҳар қандай мавзуда сиёсий мунозараларни бошлашлари ва эркин иштирок этишлари мумкин, бу умумий манфаат ва барқарор ривожланишга эришиш учун самарали ва оқилона қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Учинчи йўналиш, замонавий сиёсатнинг медиатизацияси муаммосига оид илмий тадқиқотлар. Ижтимоий медианинг очиклик, ахборотдан фойдаланиш ва тезкор узатиш, кечаётган вақт ичида жавоб қайтариш имконияти, иштирокчиларнинг эркин ва мустақил бўлиши, юқори ҳаракатланувчи салоҳияти каби хусусиятлари, шубҳасиз, сиёсий мулоқотни демократлаштиради ва интернетни ижтимоий жиҳатдан долзарб муаммоларни муҳокама этиш учун ўзига ҳос майдонга айлантиради.

Ижтимоий тармоқлар фуқаролик жамияти тузилмаларининг горизонтал алоқасини яратадики, ушбу алоқаларсиз замонавий демократияни тасаввур қилиб бўлмайди. Дунё сиёсий амалиёти кўрсатганидек, янги технологиялар сиёсий жараёнларга салмоқли, шунинг билан бирга, бир хилда бўлмаган таъсирини ўтказиши ҳам мумкин. 2000 йиллардан бошлаб қатор мамлакатларда ижтимоий медиа сиёсий мақсадларга эришишнинг самарали воситаси сифатида кенг қўлланилиб келинади. Улар (медиа) тузум тарафдорлари томонидан шу билан бирга, муҳолифат кучлари томонидан кўпроқ турли хил сиёсий акциялар ва биринчи ўринда, оммавий намоишлар ва ҳукуматга қарши чиқиш учун қўлланилган.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига қўра, сиёсатнинг медиатизацияси оқибатида медиакратия пайдо бўлади, бунда оммавий ахборот воситалари бошқа барча сиёсий институтлар ўрнини эгаллайди [11]. Сўнгги ўн йилликларда интернет технологияларининг ривожланиши билан Ғарб ва Россиянинг илмий муҳитида интернет коммуникациясини ўрганишга бағишланган ишлар кўпайди. Бу эса жамият тараккиятининг ҳозирги босқичида

интернет технологияларининг сиёсий жараёнларга интенсив жалб қилинаётгани билан чамбарчас боғлиқ. Web 2.0 технологик муҳити таъсирида сиёсий коммуникация қуйидаги йўналишларда ўзгарди: сиёсий ахборотни олиш тезлиги ошди; жисмоний шахс нафақат сиёсий ахборотни "қабул қилувчиси", балки унинг "яратувчиси" ҳамдир, чунки у блогда, форумда ёзади, шарҳга жавоб беради, ижтимоий тармоқда муносабат билдиради ёки фотосурат, видеони юклайди; ҳар хил сайловларда ғоя, лойиҳа, шахс, раҳбар, номзодни тарғиб қилиш учун янги воситалар тақдим этади ва бошқалар [12].

Тўртинчи йўналиш, сиёсатдаги коммуникация технологияларини тадқиқ этиш йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Россиялик олим С.В. Володенков сиёсий менежментда интернет-коммуникация технологияларидан фойдаланиш хусусиятларини ўрганади, "кибердемократия" концепцияси билан таништиради. Уни "сиёсий ва корпоратив элита томонидан интернет маконининг ахборот-коммуникация инфратузилмасини назорат қилишга асосланган сиёсий режими" деб таърифлайди [13]. М.Гуревич, С. Коулмэн, Ж. Бламлер ҳам ўз асарларида рақамли технологиялар асри сиёсий коммуникациянинг эфирга йўналтирилган моделига босим ўтказаяётганини таъкидламоқдалар. Ва янги технологияларнинг ривожланиши журналистикага ҳам, умуман фуқароларга ҳам, сиёсий акторларга, сиёсий ландшафтнинг шаклланишига ҳам таъсир қилади [14].

Янги технологияларнинг ривожланиши ва тармоқ таҳлилини ўтказиш имкониятининг ошиши – амалий тадқиқотларнинг ўсишига олиб келди. Ушбу мавзуга бир нечта асарларини бағишлаган россиялик олим И.А. Быковнинг таъкидлашича, мазкур услуб акторнинг сиёсий таъсир доирасидаги ўрнини аниқлашга имкон беради. Олим метод ёрдамида қуйидаги сиёсий коммуникация тадқиқот йўналишларини ажратиб кўрсатган: ижтимоий капитал; фуқаролик жамияти тузилмаларининг тармоқ орқали ҳамкорлиги; давлат бошқарувида тармоқлардан фойдаланиш; тармоқ жамияти ва глобаллашув; халқаро алоқаларда тармоқларнинг ўрни; сиёсий тармоқ коммуникациялари [15]. Б. Калсенс [16] Фейсбукда сиёсий партияларнинг ўзаро таъсир ўтказиш стратегиясига эътибор қаратди. Сиёсий партиялар ва алоҳида сиёсатчилар оммавий ахборот воситаларини четлаб ўтиб, сайловчилар билан мулоқот қилиш учун ижтимоий тармоқлардан, хусусан Фейсбукдан фойдаланишлари мумкин. Аммо муаллифнинг фикрига кўра, тадқиқотлар ижтимоий тармоқлардаги алоқалар сиёсий партиялар учун мураккаблигини кўрсатган. Шу сабабли, Калсенс тадқиқотида сиёсатчилар ўртасидаги ўзаро таъсир стратегияси ва электоратнинг онлайн таъсирчанлиги ўртасидаги номувофиқликни ўрганиб чиқди ва сайтдаги сайловчилар билан мулоқот қилишда сиёсий партияларнинг учта камчилигини кузатди: 1. онлайн муҳитда обрў-эътиборини, нуфузини йўқотиш хавфи; 2. оммавий ахборот воситаларининг доимий эътибори ва кузатуви остида бўлиши; 3. негативнинг кучлилиги ва ресурсларнинг чекланганлиги.

Бешинчи йўналиш, интернет-технологиялар ёрдамида электрон демократия ва фуқароларнинг сиёсатдаги демократик иштироки муаммоларига бағишланган тадқиқотлар. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, муаллифларнинг катта гуруҳи сайлов кампанияларида тармоқ коммуникацияларидан фойдаланиш муаммоларини ўрганмоқда.

Америкалик олим Р. Бонд ва унинг тадқиқот гуруҳи ижтимоий тармоқлар фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қандай таъсир кўрсатишини ўрганиб чиқдилар (2010 йилги сайлов куни Фейсбукнинг 60 миллион фойдаланувчисига "келиб овоз беринг" деб эслатилди, бу эса юзлаб сайловга боргиси келмаётган одамларнинг сайлов участкаларига келишига туртки берди) [17]. Т. Диель ва Б.Э. Вискс [18] таъкидлашича, аксарият одамлар ижтимоий тармоқлардан сиёсий бўлмаган мақсадларда – дўстлар билан суҳбатлашиш, янгиликлар лентасини томоша қилиш учун фойдаланадилар, аммо бу хатти-ҳаракатлар ҳам ижтимоий тармоқлар орқали сиёсий қарашларни ифода этишда демократик афзалликларга эга бўлиши мумкин. Муаллифлар панел тадқиқот усулидан фойдаланиб, ижтимоий медиа фойдаланувчиларнинг сиёсий қарашларига қандай таъсир ўтказишини кўриб чиқдилар.

Россиялик олимлар Е.В. Бродовская, А. Ю. Домбровская, И.С. Иванов кластер таҳлилидан фойдаланган ҳолда оммавий сўров ўтказиб, Ру.нет аудиториясининг (2012-2014) онлайн хатти-ҳаракатларига тааллуқли бешта стратегияни ажратиб кўрсатди: рақамли шахс (интернетни яшаш макони деб биладиган ва интернет-контентнинг барча турларини истеъмол қиладиган); "кўнгил очадиган одам" (кўнгилочар интернет-контентни интенсив истеъмол қилиш); "прагматик шахс" (функционал мақсадлар учун глобал тармоқ имкониятларидан ўртача даражада фойдаланиш); "анъанавий шахс" (интернетни ахборот ва коммуникация каналининг иккинчи даражали манбаи деб ҳисоблайди); "рақамли бўлмаган шахс" (фойдаланувчи бўлмаган шахс) [19]. Ғарб тадқиқотчилари сиёсий коммуникацияларга дахлдор тармоқдаги сиёсий нутқни таҳлил қилиш усулларини ҳам кўриб чиқмоқдалар, мисол учун, риторик стратегиялар (тилнинг нутқни жозибали ифода этиш воситаларидан фойдаланиш), нутққа нисбатан имо-ишораларнинг ўрни, сиёсий нутқлар сиёсатчиларнинг ўз имконият ва қобилиятини намоён қилиш элементи сифатида, сиёсий нутқнинг Европадаги миграция сиёсатига таъсири, интернетдаги дискурсив амалиётлар [20].

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунга келиб сиёсий коммуникациянинг мазмуни ва шакллари кенгайиб, нафақат сиёсий жараёнларнинг фаоллашуви, балки ижтимоий онга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу коммуникация соҳасида қанчалик натижадорликни кўрсатмасин, уларнинг сиёсий муҳитга фақат ижобий таъсир қилишини доимий назорат қилиш талаб этилади. Чунки илм-фаннинг ҳар қандай ютуғи фақат бунёдкорликка йўналтирилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Berelson B.R., Lazarsfeld P.F., McPhee W.W. Voting: A Study of Opinion Formation in a Presidential Campaign. 6th impr. Chicago: University of Chicago Press, 1968; Lazarsfeld P.F., Berelson B., Gaudet H. The People's Choice: How the Voter Make

- up His Mind in a Presidential Campaign. N.Y.: Columbia University Press, 1968; Katz E., Lazarsfeld P. Personal Influence: The Part Played by People in the Flow of Mass Communications. Clincoe: Free Press, 1955.
2. Lazarsfeld P., Berelson B., Gaudet H. The People's Choice: How the Voter Makes up his Mind in a Presidential Campaign. Third Edition. N.Y.: Columbia University Press, 1968. P. 123-124.
 3. Lippmann W. Public opinion. –N. Y.: Harcourt, Brace and Company, 1922. Русча таржимаси: Липман У. Общественное мнение. –М.: ФОМ, 2004.
 4. Klapper J.T. The Effects of Mass Communication. –N.Y.: «Free Press», 1960.
 5. Грачев М.Н., Трахтенберг А.Д. Микро- и макроуровневые теории политической коммуникации. –М.: РАПН, 2012. – Б.58.
 6. Федосеев А. А. Современная американская буржуазная политология: истоки, традиции, новации. –Л.: ЛГУ, 1989; Lasswell H.D. The Theory of Political Propaganda // Reader in Public Opinion and Communication / Ed.by B. Berelson and M. Janowitz. Glencoe: Free Press, 1953. – Б. 176-180.
 7. Д'Арси Ж. Право на коммуникацию. –Париж, 1980. – Б. 286.
 8. Cotteret J. –M. Gouvernants et gouvernes: La communication politique. Presses universitaires de France, –Paris, 1973. – P. 9.
 9. Adorno T., Horkheimer M. Dialectic of Enlightenment: Philosophical Fragments. Stanford: Stanford University Press, 2002. – 282 p.; Маркузе Г. Одномерный человек: Исследование идеологии развитого индустриального общества. –М.: REFL-book, 1994. – Б. 341.; Шиллер Г. Манипуляторы сознанием. –М.: «Мысль», 1980. – Б. 326.
 10. Schramm W. Mass Media and National Development: The Role of Information in the Developing Countries / Ed. Stanford, 1964.
 11. Медиакратия: современные теории и практики / под ред. А. С. Пуя, С. С. Бодруновой. –СПб.: Изд-во С.-Петерб. Ун-та, 2013. – Б.352.
 12. Павлютенкова М.Ю. Политические коммуникации в социальных медиа // в монографии Политическая коммуникативистика: теория, методология и практика. – М.: РАПН, 2012. – Б. 295.
 13. Володенков С.В. Технологии интернет-коммуникации в системе современного политического управления: дисс...докт. полит. наук, 2015. – Б. 24.
 14. Gurevith M., Coleman S., Blumler G. J. Political Communication - Old and New Media Relationships // The Annals of the American Academy of Political and Social Science, Vol. 625, Issue 1, 2009. – Б.167.
 15. Быков И.А. Сетевая политическая коммуникация: теория, практика и методы исследования: монография. – СПб.: ФГБОУ ВПО «СПбГУТД», 2013. – Б. 86.
 16. Kalsnes B. The Social Media Paradox Explained: Comparing Political Parties' Facebook Strategy Versus Practice. Social Media & Society, 2016. – pp. 1–11.
 17. Bond R., Fariss C., Jones J., Kramer A., Marlow C., Settle J. & Fowler J. A 61-million- person experiment in social influence and political mobilization // Nature 489, 2012. . 295– 298- бетлар
 18. Diehl T., Weeks B.E. Political persuasion on social media: Tracing direct and indirect effects of news use and social interaction. New Media & Society, Vol. 18(9). 2016. – pp. 1875-1895.
 19. Бродовская Е.В., Домбровская А.Ю., Иванов И.С. Изменение стратегий онлайн- поведения российской интернет-аудитории: результаты сравнительного кластерного анализа (2012–2014 гг.) // Мониторинг общественного мнения: Экономические и социальные перемены. 2016. № 3. – С. 173–187.
 20. Alvarez-Benito G., Fernández-Díaz G., M^a Íñigo-Mora I. Discourse and Politics, Cambridge Scholars Publishing, 2009. – 270 p.; Korkut U., Bucken-Knapp G., McGarry A. The Discourses and Politics of Migration in Europe, Springer, 2013. – 236 p. Wodak R. The Discourse of Politics in Action, Springer, 2009. – 252 p.

Сиёсий коммуникацияга оид илмий-назарий ёндашувлар

Сейдабуллаева Н.Т. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада сиёсий коммуникациянинг мустақил йўналиш сифатида ажралишига сабаб бўлган бир неча омиллар ифода этилган. Мазкур коммуникация концепцияси назарий-таҳлилий ва тарафдорларнинг фикрлари таҳлил қилинган. Оммавий ахборот воситаларининг омма аудиторияси онгадаги таъсир доираси хақида айтилган. Ҳозирги даврда сиёсий коммуникация соҳаси борасидаги илмий ёндашувлар ва қарашларни ўрганишдаги бешта йўналиш хақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: оммавий ахборот воситалари, ахборот, сиёсий тарғибот, оммавий коммуникация, демократия.

Научно-теоретические подходы к политической коммуникации

Сейдабуллаева Н.Т. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматриваются несколько факторов, которые привели к выделению периода самостоятельной направленности социального диалога как самостоятельное направление. Эта концепция коммуникации основана на взглядах теоретиков и сторонников. Подключение средств массовой информации к общественной аудитории предоставляя её информацию в пяти подходах к изучению современных научных подходов и перспектив в области общей коммуникации.

Ключевые слова: СМИ, информация, политическая пропаганда, массовые коммуникации, демократия

Scientific and theoretical approaches to political communication

Seydabullaeva N.T. Karakalpak State University

Summary. The article examines several factors that led to the identification of a period of independent orientation of social dialogue. This concept of communication is based on the views of theorists and supporters. Connecting the media to public audience provides information on five approaches to exploring current scientific approaches and perspectives in the sphere of general communication.

Key words: mass media, information, political propaganda, mass communications, democracy

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ 1980-1990-ҲИЛЛАР БОШИДАГИ ХОЛАТИ ВА ТАРИХИ

Елмуратов И.Г.

Қорақалпоқ давлат университети

Қорақалпоқ халқи аз элдан ўзининг бой маданияти, урф-одат ва анъаналари билан ўзига хос ўрин тутиб келган. Шу билан бирга қорақалпоқлар орасидан кўплаб илм-фан намойендалари ҳам етишиб чиққан. Улар

қорақалпоқ халқининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва жамиятнинг турли соҳалари тараққиётига катта ҳисса қўшиб келганлар.

Собиқ СССР таълим тизимидаги ўзгаришлар 1984 йилда "Умумтаълим ва касб-ҳунар мактабларини ислох қилишнинг асосий йўналишлари" сифатида 11 йиллик таълим жорий этилди, болаларга 6 ёшдан бошлаб таълим бериш йўлга қўйилди [1]. Қабул қилинган ислохотларда халқ менталитети, кадриятлари билан боғлиқ жиҳатлар етарлича ҳисобга олинмади. Шунинг таъкидлаш лозимки, 1960-1980 йилларда Қорақалпоғистонда таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланган ўрта махсус кишлоқ хўжалиги таълими муассасалари кўпайган. Жумладан, республикада 1980 йилга келиб эса 3255 нафар ўқувчи таҳсил олган [2]. 1980 йилларнинг якуни бўйича ўзининг чақириқ Қорақалпоғистон АССР юқори Советининг 2-сессиясида Қорақалпоғистон АССР да саводлилик даражасини ошириш бўйича К.Камалов баёноти киритган. Баёнотда 1980-1981 ўқув йилида маҳаллий бюджет ҳисобидан инвентарлар билан таъминлаш ва кундузги мактабларда ўқувчилар сони 260 мингга ташкил қилишини, кечки ўқишда 73 мингга ташкил этишини ва буларни ўқитадиган кадрлар масаласига тўхталиб ўтилган [3]. Албатта, мазкур жараёнда соҳа бўйича қатор ишлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Бироқ бу ҳолатни ўша давр бошқа ҳудудлар билан солиштирилса республика анча орқада қолганлигини тушуниш мумкин эди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель пленумида К.У.Черненконинг ташаббуси билан СССР Олий Советининг сессияси умумий таълим берадиган ва касб-ҳунар мактаби ислохотининг асосий йўналиши ҳақидаги масалани кўриб чиқади. Унда асосан ёш авлодни социализм идеологиясида тарбиялаш масаласига эътибор қаратилган. Партия тарбия ишида раҳбарлик тизимида шахсни яратишни асосий масала қилиб қўяди. Бу ерда мактаб ёшдан бошлаб тарбиялаш катта сиёсий аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилади. Ушбу топшириқлар бажарилиши жойларда қаттиқ назоратга олинади. Жумладан, Қорақалпоғистон автоном республикасида ҳам 857 та мактабда 284 минг нафар бола таълим олиши, ундан 69 та ўрта махсус ва касб-ҳунар техник ўқув ўрнида 110 та йўналиш бўйича 36 минг нафар одам таълим олаётганлиги, лекин бахтга қарши социализм руҳида тарбиялаш ва рус гуруҳларини оммавий кенгайтириш чоралари ва рус адабиётлари билан таъминлаш тўлиқ ижро этилмаганлигига танкидий ёндашилган [4].

Пленумда Қорақалпоғистон Таълим вазирлиги, Нукус давлат университети, Ўзбекистон Педагогик илмий тадқиқот институти, устозлар билимини янада такомиллаштириш институтлари барча ўқитувчи ва педагог мутахассисларни рус тилини тўлиқ ўқиб ўрганишини аниқ масала қилиб қўйди. Бунинг асосида барча ёш авлодни руслаштириш сиёсати олиб борилди. Ёш авлодни тарбиялашнинг энг яхши йўли – таълимни ишлаб чиқариш билан боғлаш керак деб, таъкидлаб ўтилган. Мактаб ўқувчиларини колхоз ва совхоз ишларига жалб қилишни социалистик партия ўз зиммасига олган. Умумий таълим мактаблари ва касб мактабини такомиллаштириш бўйича совхоз, колхоз ва ташкилотлардан маблағ ажратишини талаб қилган. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларига, кишлоқ хўжалик ишларига оммавий жалб қилиш ўтган йилларда (1982-1983 йиллар) қониқарсиз олиб борилганлиги таъкидлаб ўтилган. 1984 йил 13 минг ўқувчи 356 та бригада ёрдамида бўлганлиги кўрсатилган. Буни янада кўпайтириш бўйича социалистик партияга кўрсатмалар берилган [5]. Шунинг таъкидлаш лозимки, асосий эътибор кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган ҳолда таълим сифати мутасаддиларни қизиқтирмас эди.

Умумтаълим ва касб мактабларининг ислохоти ҳақида КПСС Марказий Комитетининг топшириғи ва режаларининг ижросида қуйидаги муаммолар ўрин олган эди: 1986 йилдан бошлаб 1-синфга 6 ёшдан бошлаб қабул қилинсин деб кўрсатилган, лекин бунинг учун педагог мутахассислар етарли бўлмаган; саводи юқори ўқувчилар, «Аъло» баҳога ўқиган ўқувчилар техник юқори ўқув ўринларига киради, ўртача билимга эга ўқувчилар педагогик институтларга ўқишга кирган, натижада ўрта маълумотга эга педагоглар мактабларга ишга кирган; мактабларнинг етишмовчилигига доир сифидан ортиқ ўқувчиларни жалб қилиш ҳолатлари учраганлиги туфайли ўқувчиларга бериладиган билим тўлиқ ўзлаштирилмаган. Чунки ислохотда кўрсатилган юқори сифимлилик чегараси 1100-1200 та ўқувчи қилиб кўрсатилган эди. Лекин айрим мактабларда 2500-3000 нафар ўқувчи таълим олишга мажбур бўлган [6]. Маҳаллий бюджет ҳисобидан мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш ва тарбияланувчилар сонини 15640 тага етказиш режалаштирилган ва 1981 ўқув йилида 8410 та ишчи мутахассис тайёрлаш асосий вазифа сифатида белгиланади [7]. Республикада олий таълимни ривожлантириш аввалроқ бошланиб, шу мақсадда 1974 йил 26 февралда "Нукус давлат университетини ташкил этиш тўғрисида" қарор қабул қилинади. Унинг тантанали очилиши 1976 йил 31 августда бўлиб ўтди [8]. Афсуски, таълим жараёнини ташкил этишда жиддий камчиликларга дуч келинди. Хусусан, бутунлай сиёсийлашувдан ташқари, фанларни ўқитишда хато рад этиш ва "одамларнинг меҳнат фаолиятини ўрганиш" га йўналтирилган "комплекс усул" деб номланган ҳолат юз берди. Ушбу усулни қўллаш мактаб ўқувчилари томонидан олинган билимларнинг мўртлигига (аморфлиги), уларнинг парчаланишига олиб келди. Унинг мазмуни миллий ўз-ўзини англашни йўқотишга қаратилган марксистик-ленинистик мафкуравий асосда амалга оширилди.

Ўрта махсус таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди. Ўқув дастурлари асосан ҳаётдан ажралган ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари ва илмий-техник тараққиёт ютуқларини акс эттирмаган аҳволда бўлган. Таълимни руслаштириш кенг миқёсда давом этди, бу эса қорақалпоқ тилидаги дарсликлар, республика халқ хўжалиги ва маданиятининг миллий хусусиятларини акс эттирувчи қўлланмалар йўқлиги, миллий тарих ва география ўқув дастурларидан четлаштирилиши ва асосан рус тилида ўқитилишида намоён бўлди [9]. Бир томондан тоталитар тузум ва бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик тизимининг устунлиги, иккинчи томондан, таълим тизимининг ички концептуал муваффақиятсизлиги сабаб республика

халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашнинг паст даражасини белгилаб берди [10]. Бу эса тармоқни тубдан янгилаш заруратини келтириб чиқарган омиллардан бири эди. Хунар-техника билим юртларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда бўлиб, амалда эса уларда таълим эскириб қолган моддий-техник ва ўқув-услубий базасида, тегишли қайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчи кадрлар билан амалга оширилган [11]. Мазкур бўғин узоқ йиллар эътибордан четда бўлганлиги соҳани қолоқ ҳолатга олиб келишига сабаб бўлган эди.

Бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга олмаган. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқув юртлари етарлича мустақилликка эга бўлмай, улар касбий меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига яхши мослашиб бормаганлигини кўриш мумкин. Илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтлар кадрларни тайёрлаш жараёнига етарли даражада қўшилганлари йўқ эди. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш вазибалари белгилаб олинмагани ҳолда ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш тизими объективлик ва тезкорликни таъминлай олмаган.

Касб-хунар таълимининг обрўси ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб бормоқда эди. “Таълим хизмати кўрсатиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг мавжуд бўлмай, таълим тизимини кўп вариантли молиялаш схемаси ишлаб чиқилмаганини эътироф этиш лозим. Олий малакали кадрлардан самарали фойдаланилмаяпти” [12]. Шу билан бирга кадрлар билими ва улар тайёргарлигининг сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш тизими қониқарсиз, деб топилган. Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолди, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилди.

Мақтабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотли эди. Мақтабларнинг ўқитувчилар билан таъминланганлиги ўртача 93 фоизни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич айрим вилоятларда 77–80 фоиздан, муайян фанлар бўйича эса 50 фоиздан ошмаган. Илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ўртача ёши «улғайиб» борган. Республика олий ўқув юртларида 40 ёшга тўлмаган фан докторлари жами фан докторларининг 0,9 фоизини, 50 ва ундан катта ёшдагилар эса 79 фоизни ташкил этарди. Фан докторлари илмий даражасига тасдиқланганлар ўртача 50, фан номзодлари эса 36 ёшда [13] деб кўрсатилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим соҳасидаги бу камчиликлар кадрларга бўлган талабнинг издан чиққанлигини кўрсатиб берди. Чет эллар билан тажриба алмашиш ёки таълим соҳасига янгилик киритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган, ҳужжатлар расмийлаштирилмаган эди. Ўқитувчи кадрларни қайта тайёрлаш тизими ҳам эски меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилган. Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг, такомиллаштиришнинг энг аввало ҳуқуқий асослари яратилиши керак эди. Шу боисдан мустақилликнинг дастлабки кунларидан таълим тизимини ислоҳ қилиш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 17 сентябрдаги «Республика давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини ҳамда халқ таълими системаларини партиядан ҳоли этиш тўғрисида»ги Фармонида кўра, таълим муассасалари фаолиятига турли партиялар аралашуви барҳам топди. Албатта, бу каби вазибаларни бажариш таълим-тарбия борасида янгилашни шарт қилиб қўйди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг таъбири билан айтилганда «Янгисини қурмасдан, эскисини бузмайлик» тамойилига таяниб мавжуд тизим олдида янги мақсадл сар юклаш, маълум даражада уни «таъмирлаб» бориш йўлидан борилди [14]. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этиш заруратини келтириб чиқаради ва қатор чора-тадбирлар кўришни: «Таълим тўғрисида»ги Қонунни қабул қилишни (1992 йил); янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларини жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни, ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.

Хулоса қилиб айтганда собиқ Иттифоқ даврида амалга оширилган ислохотларда аҳоли менталитети, кадриялари етарлича ҳисобга олинмади. Асосий урғу умумий ўрта таълим тизимини демонтаж қилишга қаратилиб, битта турдаги таълим муассасаларидан чиқиб кетди ва ўзгарувчан ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Содир этилган ўзгартиришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлай олмади.

АДАБИЁТЛАР

1. Сиддиқов Р.Б. Среднее специальное профессиональное образование Узбекистана в период советского тоталитаризма и в годы независимости (1945-2001 гг.). Автореф. дисс.... канд ист. наук. –Ташкент, 2002. – Б.12.
2. Камалов С.К. Социально-экономическое положение Каракалпакстана и Аральская катастрофа (1917-1990 гг.) // Вестник ККО АН РУз. — Нукус, 1999. — №6. — Б.4.
3. Заседание Верховного Совета Каракалпакской АССР. Двенадцатого созыва. Первая сессия. 16-19 марта 1990 г. Стенографический отчет. —Нукус: Каракалпакстан, 1991. — С. 508.
4. ҚРМДА. // “Совет Каракалпакстан” газетаси. 1984 жыл март. — Б.4
5. ҚРМДА. //“Совет Каракалпакстан” газетаси. 1984 жыл март. - Б.2.
Ҳозирги ўзбек тилида баъзи сўзларга қўшимчалар қўшилганда товуш орттирилади ва бу ҳодиса сўз тузилишида, айниқса, ўзақда ўзгариш бўлишига олиб келади. Жумладан, *у, бу, шу, ўша* каби олмошларга *-ча, -гача, -ча, -да, -дан, -дай, -дек, -доқ, -дақа* қўшимчаларни қўшганимизда сўзлар таркибида битта *н* товуши: *унақа, бунақа, ўшанақа, шунақа, шунда, унда, бунда, ўшанда; ундай, бундай, шундай, ўшандай; унча, шунча, бунча, ўшанча; унгача, бунгача, шунгача, ўшангача* кабилар. Бундай *н* орттирилиши ҳолатини яна *қўпинча, бўйинча; ичинда, ташинда, ёшинда, бошинда, қошинда* каби сўзларда ҳам кузатиш мумкин. Кейинги қўллашларда *н* ундошининг орттирилиши бошқа сабаб билан, яъни маълум мақсад билан юз берадики, буларни шундай изоҳлаймиз. Юқорида келтирилган мисолларда битта *н* ундошининг орттирилиши сўз фонетик структурасини ўзгартирган, ана шу ўзгариш, айниқса, *бунақа, шунақа, унақа, бунча, мунча* тарзидаги ўзгаришлар ўзақ морфеманинг уқилишига таъсир ўтказади, сўзларни яхлит тасаввур қилишга олиб келади. Демак, бу сўзларда соддалашиш томон силжиш кузатилади.

Ўзбек тилида сўзларнинг соддалашиш томон силжишининг бошқа сабаблари ҳам бор. Бунда сўзларга сўз ясовчи қўшимчалар қўшилади ва ундошлар қабатланиши юз беради. Мисолларга мурожаат қиламиз: *ачи+қ=аччиқ, иси+қ=иссиқ, саси+қ=сассиқ, қат(қот)+иқ=қаттиқ; чўк+а=чўкки* кабилар. Кўриниб турибдики, *қаттиқ* сўзи, *қот-* феълидан ясалган, унга сифат ясовчи *-иқ* қўшимчаси қўшилган. Шу жараёнда битта *т* ундоши орттирилган, айна вақтда *о>а* ўтиш ҳолати ҳам юз берган, ўзақ морфеманинг моҳиятини англашни қийинлаштирган. Келтирилган бошқа сўзларда ҳам шу ҳолат юз берган ва соддалашиш содир бўлишини таъминлаган.

А.Ғуломов *серрай, сўппай, қаппай, қаққай, қўққай, чўччай* каби сўзлардаги товуш иккиланиши ҳодисасини эмоционаллик ифодалаш билан боғлайди. Олимнинг бу фикри *аччиқ, сассиқ, иссиқ, қаттиқ, эшиак* каби сўзларга ҳам тадбиқ этилиши ҳам мумкин. Бироқ проф. Ё.Тоғжиев бу ўринда талаффузни осонлаштиришга қўмаклашиш учун очик ва ёпиқ бўғинларни шакллантиришда маълум қонуниятлар асосида шу ҳодиса содир этилган, деган тахминни айтади [1, 28-33].

Чунки сўзларнинг ўзақлари *ачи-, саси-, қот-, иси-* каби кўринишда бўлиб, товуш орттирилгандан кейин *аччиқ, сассиқ, қаттиқ, иссиқ* шаклини олган. Демак, бу ерда сўз морфемаларининг асл кўриниши хиралашган. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, аник туб сўз сифатида (туб феъл) қаралувчи алоҳида феъллар гуруҳи бор. Бундай феъллар ҳали ўзбек тилшунослигида бирор олим томонидан ўрганилмаган. Фақат профессор Ё.Тоғжиев *битмоқ* феъли ҳақида маълумот берган, бундай феъллар борлигига ишора қилиб ўтади [2,7-71]. Яъни, *бит-* феъли *ўқи-, ёз-, кел-, кет-, тур-, ўтир-, бор-* тарзидаги деярли бошқа ҳамма феъллар каби мустақил тарзда иккинчи шахсга қаратилган буйруқни мантиқан ифодалай олмайди. Чунки *бит* тарзида буйруқ бериб бўлмайди, бу феъл “ўзининг тугаллан-” маъносини ифодалай олмайди. *Ўқи-, ёз-* феъллари эса бу вазифада қўллана олади. *Сен ўқи; сен ёз* каби. Бироқ *сен бит* тарзида қўллаш мантиқан тўғри келмайди, аммо *Сен битир* ёки *Сен битказ* тарзида қўллаш мумкин. Шунингдек, ўзбек тилида *ачи-, -саси, иси-, қот-, -туға, тўл-* каби феъллар ҳам ана шундай хусусиятларга эга. Уларнинг сони 50 тадан ортиқ бўлиб, *сен ачи; сен саси, сен туға, сен тўл* тарзида қўллаш мумкин эмас. Ясама сўзларда, масалан, *сен болала* тарзида ҳам қўллаш кузатилмайди, *у болалади* дейиш эса ҳам грамматик, ҳам мантиқ жиҳатдан тўғри. Демак, *ўқи-, ёз-, бор-, тур-* каби мустақил ҳолда кесим вазифасида кела оладиган, иккинчи шахсга қаратилган буйруқни ифодаловчи феълдан фарқ қилувчи *ачи-, иси-, саси-, қот-, туға-* каби алоҳида феъллар гуруҳи бўлиб, улар бирор қўшимча билан қўлланиши мумкин: *ачиди, ачиган, ачиб* каби. Бироқ *ачи* шакли алоҳида олинган ҳолатда қўлланилиши ноўрин. Бу ҳолат уларнинг мустақил ҳолда қўлланиши чекланганлигини кўрсатади. Келтирилган сўзлар *аччиқ, битказ, сассиқ, иссиқ, туғал, тўлиқ* ясалмалари таркибида, шу кунгача ясовчи асос сифатида қаралса-да, аслида уларнинг семантикаси ясовчи асос сифатида, масалан, *ўқи-* феъли билан тенглаштириб бўлмаслигини кўрсатади, *ўқи ҳам, ўқит ҳам* алоҳида қўлланаверади, бироқ *ачит-* қўллангани ҳолда *ачи-* қўлланмайди. Бу ҳам соддалашишнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Ҳозирги ўзбек тилида ўзақларга (уларнинг айримлари аслида бир бўғинли ўзақлар ҳисобланиб, кўпчилиги тарихан ясама ўзақлар бўлса ҳам, ҳозирги туб ўзақ сифатида баҳоланади) сўз ясовчи айрим қўшимчаларни қўшганда, ўзақ таркибида товуш алмашиниши ҳодисаси юз беради. Одатда, *-а, -ла, -қ, -в, -ил, -к* каби сўз ясовчи қўшимчалар қўшилганда шундай алмашиниш кўп кузатилади: *от+а=ата, йош+а=йаша, сон+а=сана; онг+ла=англа; алда+в=алдов (алда+ -қчи=алдоқчи), сайла+в=сайлов, силта+ -в=силтов, сўра+в=сўров, танла+в=танлов, терга+в=тергов, тўла+ -в=тўлов, қутла+в=қутлов, ёқла+в=ёқлов, чайқа+в=чайқов; тара+қ=тароқ, йара+қ=йароқ (яроғ), бўйа+қ=бўйоқ, сава+қ=савоқ, сайра+қи=сайроқи, сана+қ=саноқ; бу ҳолат сўра-, тайа-, тарқа-, тирна-, тўлга-, қада-, ўйна-, қайра-, чанқа-, чарча-* каби ясовчи асосларга *-қ* қўшимчасини қўшилган ҳолатларда ҳам содир бўлади. Шу билан бирга *чучи+к=чучук, қури+қ=қуруқ, сови+қ=совуқ* каби сўзларда *а* унлиснинг *о* унлисига ёки *и* унлиснинг *у* унлисига алмашиниши кўринишида юз беради. Натижада ясовчи асослар таркибида ўзгариш содир бўлади[3, 9-80], бу уларнинг соддалашиш томон силжиганини

кўрсатади. Ана шундай ҳолат фақат бир сўз доирасида сўз ясовчи *-р* ундоши қўшилганда ҳам содир бўлади: *ишқа+р=ишқор* каби. Келтирилган сўзларнинг ҳаммасида ўзакнинг ўқилиши хиралашган. Натижада уларда соддалашиш юз берган дейиш мумкин.

Ўзбек тилида охири *к* ёки *қ* ундоши билан тугаган сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда ўзак охиридаги товуш жаранглилашади: *билак+им, тилак+им; чироқ+им, қайроқ+им, ўроқ+им* кабилар. Бундай ҳолларда ҳам *билагим, тилагим, чирогим, ўрогим, қайрогим* сўзлари ўзакларидаги ўзгариш билан асоснинг англаниши қийинлашади ва соддалашиш томон силжиш кузатилади. Бироқ бундай шаклланган сўзларни тўла соддалашган бирликлар қаторига киритиш қийин. Ҳозирги ўзбек тилида жамловчи сон ҳосил қилувчи *-ов* ва *-ала* қўшимчалари *икки, олти, етти* сонларига (унли билан туговчи сонларга) қўшилганда ўзак таркибида товуш тушиши содир бўлади ёки товуш алмашади: *икки+ов=икков; олти+ов=олтов; етти+ов=еттов* ёки *икки+ала=иккала; олти+ала=олтала; етти+ала=еттала* каби. Бундай ҳолларда ҳам соддалашиш томон силжиш ҳолатининг белгилари мавжудлиги кузатилади, бироқ ҳали тўла соддалашиш содир бўлмаган.

Ана шу соддалашиш жараёни бошланган бирликлар қаторига *ташқари, ичкари, тесқари; юқори, илғари, синғари* сўзларини ҳам киритиш мумкин. Шуниси характерлики, бу 6 та сўзда соддалашишнинг 3 хил даражаси кузатилади: а) *ташқари, ичкари* сўзларида тарихан жўналиш келишиги қўшимчаси бўлган *-га* ва *-ру* қўшимчалари бирлашиб кетиб, қўшма аффиксни ҳосил қилган ва шу сўзлардаги соддалашиш энди бошланганини кўрсатади. Хусусан, *таш* ва *ич* сўзларининг маъно қўламида ҳам ўзгариш юз берган ёки шу тарзда морфемаларнинг мустақил қўлланилиши чеклана бошлаган, от туркумига онд сўз сифатида алоҳида қўлланиш чекланган; б) *тесқари* сўзида соддалашиш ҳолати тугалланган. Бунга *-қари (-қари, -ғари)* [4, 44] қўшимчаси қўлланишининг анча илғари, XI асрлардаёқ, камая бошлагани сабаб бўлган бўлса, бундан ҳам *терс* сўзи таркибидан *-қари* қўшимчаси қўшилиши билан *-р* ундошининг тушиб қолганлиги кўпроқ муҳимроқдир. *Тесқари* сўзидаги *тес* қисми зоҳирий шаклини йўқотганлиги туфайли уни алоҳида сўз сифатида белгилаш қийин. Шунга кўра, унда соддалашиш жараёни тугаган дейиш мумкин; в) *юқори, илғари, синғари* сўзларида соддалашишнинг юқори босқичи амалга ошиб бўлган.

Юқори сўзи А.Ғуломов этимологиясига кўра аслида *юк* (*йўк, йўқ*) отига *-қари* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинган [5, 86]. Бу ўринда ҳам товуш тушиши (*г, қ* тушиб қолган), ҳам товуш алмашиниши содир бўлган ва бу нарса унинг тўла соддалашишига сабаб бўлган. *Илғари* ва *синғари* сўзларида, аслида мавжуд бўлган *ил, синг* ўзаклари тўла истеъмолдан чиққанлиги сабабли бу сўзларда ҳам тўла соддалашиш юзага келган. Бу уч сўз жиддий этимологик таҳлил орқалигина морфемаларга ажратилиши мумкин. Ҳозирги кунда улар туб сўз сифатида баҳоланади, чунки бу сўзларда ўта соддалашиш юз берган.

Ўзбек тилидаги *қариндош* сўзида ҳам соддалашиш ҳодисаси содир бўлган, дейиш мумкин. Чунки *қорин* сўзига *-дош* қўшимчаси қўшилиши жараёнида товуш алмашиниши (*о→а*) содир бўлганлигини англаш қийин эмас. Ўзбек тилидаги *ёқимли, ёқимсиз, ўсимта, ўсимлик* каби кўпгина сўзларда ҳам соддалашиш белгилари кўринади. Бу сўзларда *ёқим, ўсим* қисмлари бордек туюлса-да, улар алоҳида морфема сифатида ажратилмайди; *ёқ, ўс* ўзаклари сезилиб турса ҳам, кейинги қисмни алоҳида ажратиб бўлмайди. Шунингдек, *-имли, -имсиз* ёки *-имта, -имлик* қўшимчаларига мураккаб қўшимча сифатида қараш ҳам мумкин эмас. Шунга кўра (*худди қўш+имча* каби) улар соддалашган сўзлар сифатида баҳоланади ва морфемаларга ажратилмайди.

Ҳозирги ўзбек тилида яна шундай сўзлар борки, улар таркибида муайян қўшимча ёки икки аффикснинг бирлашишидан ҳосил бўлган мураккаб компонент мавжудлиги сезилиб туради. Бироқ бу сўзлар икки жиҳатга кўра ҳозирги кунда морфемаларга ажратилмайди; а) ўзак морфема тамомилан истеъмолдан чиққан; б) қўшимча ҳам ниҳоятда кам маҳсул бўлиб, сўз ясаш бўйича фаолияти тўхтаб бўлган.

Бундай сўзлар қаторига *-қай (-қай)* қўшимчаси билан юзага келган *мунқай, энқай (энқай), чўнқай, чўққай, чапақай, ўнақай, бесунақай, қаққай, қўққай, қўнқай, тирақай* сўзларини келтириш мумкин. Жумладан, *қаққай* сўзи аслида *қаб* сўзидан *-қай* қўшимчаси билан ясалганлиги қайд этилади [6,339-420; 7,537]. Шу қаторга кирувчи барча сўзларда ўзак морфема ҳам, қўшимча ҳам истеъмолдан чиққанлиги сабабли уларда соддалашиш содир бўлган. Ана шу, олдин қайд этилган қаторга, аслида *-шай* қўшимчаси билан ясалган *тумшай, шумшай, ишшай, ўшшай* сўзлари қаторини ҳам қўшиш лозим. Бу сўзларда соддалашишга сабаб бўлган нарса, ўзакнинг истеъмолдан чиқишидан ташқари қўшимча шаклланишидаги сингишиш, қайта бўлиниш ёки қўшимча қўшилганда битта *-ш* ундошининг қабатланиши ҳам роль ўйнаган: *иш+ай=ишшай, ўш+ай=ўшшай* каби. Аммо бу фикрни *тумшай, шумшай* сўзларига нисбатан айтиб бўлмайди. Бу ерда қадимда истеъмолда бўлган *тум, шум* тақлид сўз ҳисобланган ўзакларга ўша даврда шаклланиб бўлган *-шай* қўшимчаси қўшилиб ҳосил қилинган. Ҳар иккала қисм истеъмолдан чиққанлиги сабабли уларда соддалашиш содир бўлган. Шу қаторга *илжай-, иржай-, сўлжай-, тиржай-* сўзларини ҳам киритиш мумкин. Жумладан, *иржай-* сўзининг эски ўзбек тилидаги *ир* тақлидий сўзига *-жай* қўшимчасини қўшиш билан ясалганлиги луғатларда қайд этилади: *ир+жай=иржай* сўзининг шаклланиши учун *л→р* товуш алмашиниши асосий ролни ўйнаган. Бу сўзларда ҳам ўзак морфема ҳамда қўшимча истеъмолдан чиққанлиги сабабли соддалашиш содир бўлган, ҳозир улар туб сўз сифатида баҳоланади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *йалтай-, қаппай-, шалтай-, тўппай-, сўппай-, дўппай-, пўппай-, қўппай-, шўппай-* каби сўзларда ҳам соддалашиш содир бўлганлигини кўриш мумкин. Бунга икки ҳолат сабаб бўлган: а) *йалтай-, шалтай-* сўзлари таркибидаги *йалт, шалт* қисмларининг истеъмолдан чиққанлиги; б) баъзи товушларнинг алмашиниши масалан, *дўмбай→дўппай* каби ёки ўзакка *-ай* қўшимчаси қўшилганда *п* ундошининг қабатланиши: *сўп+ай=сўппай* сингари. Ўзбек тилидаги *сўппай-* сўзида ҳам шу ҳолат кузатилади, яъни *р* ундоши қаватланган.

Соддалашиш ҳозирги ўзбек тилидаги *қурумсоқ*, *саримсоқ* сўзларида ҳам содир бўлган. Бу соддалашиш икки хил йўл билан воқеаланган. Яъни, *қурумсоқ* сўзининг асл ўзаги *қурум* феълига алоқадор. Бироқ қўшимча қўшилганда содир бўлган товуш алмашилиши (*и>у*) ҳамда *-соқ* (*-са+қ*) қўшимчасининг истеъмолдан чиқиши бу сўзнинг соддалашишини таъминлаган. Ҳозир *қурум* қисми феъл шакли сифатида истеъмолда йўқ. *Саримсоқ* сўзида эса *сар* қисми умуман уқилмайдиган бўлиб қолган. Демак, ҳар икки сўзда ҳам соддалашиш юз берган. Бироқ, *қурумсоқ* ва *саримсоқ* сўзлари таркибидаги *қурум* ва *сарим* қисмларининг ясама эканлиги сезилиб турганлиги туфайли соддалашиш бутунлай якунланмаган дейиш мумкин.

Ўзбек тилида тарихан ясама эканлиги аниқ сезилиб турган *соқон*, *чаққон*, *ўпқон*, *чипқон*, *қопқон*, *босқон*, *қалқон* каби тублашган сўзлар мавжуд. Бу сўзлар таркибидаги *-қон* қисми ЎТЭЛда алоҳида қўшимча сифатида қайд этилган. Жумладан, *босқон* сўзининг *бас-* феълига *-ган* қўшимчасининг қўшилишидан ясалганлиги, *ўпқон* сўзининг *ўп-* феълига *-қан* қўшимчасининг қўшилишидан ҳосил бўлганлиги қайд этилади. Шунга қарамай, улар ҳозирги кунда туб сўз сифатида қаралиши керак. Албатта, берилган сўзларда соддалашиш икки хил даражададир: а) *санқон*, *чаққон*, *ўпқон*, *чипқон*, *қалқон* сўзларида соддалашиш тугалланиб бўлган, уларнинг соддалашганига шубҳа йўқ. Чунки ўзак умуман ўз моҳиятини йўқотган; б) *босқон*, *қопқон* сўзларида соддалашиш кечими давом этмоқда, чунки уларнинг ўзак қисми ўз лексик вазифасини тамом йўқотгани йўқ. Гарчи, *бос* ва *қоп* қисмларининг маъносида хиралашиш, ўзгачалик сезилиб турса ҳам, биз уларни ҳам соддалашган сўзлар қаторига қўшамиз. ЎТЭЛда *ботқоқ* сўзи таҳлил қилинар экан, унинг *бат-* феълига *-қақ* қўшимчасини қўшиш билан ясалганлиги қайд этилади. Бу сўзнинг ҳам таҳлилинотўлиқ деб баҳолаш мумкин. Чунки аслида *бат* сўзи жиддий таҳлил қилинганда парчаланadi. Қиёсланг: *бат-*, *бас-*, *бал-*; *ба+т*, *ба+с*, *ба+л* каби *+иқ-* сифат ясовчиси *+иқ-*от ясовчи тарзида шаклланган: *бат+иқ* *+оқ=батик+ақ=батқақ=ботқоқ* каби. Бу сўзда ҳам соддалашиш *босқон* сўзидаги сингари шаклланган.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *букчай-*, *чақчай-*, *чўччай-* сўзларида ҳам соддалашиш содир бўлган. *Букчай*, сўзи аслида, *букмоқ* феълига алоқадор, унга қўшилган *-ча* ҳамда *-й* қўшимчалари ўзаро сингишиб кетганлиги, шунингдек, *бук-* қисмининг феъл эмас, от эканлигини ҳам назарда тутилдиган бўлса, унда соддалашиш тугалланган. *Чўччай* сўзида эса ўзак (қадимги от) ўзлигини йўқотган ва *-ча*, *-й* қўшимчалари сингишиб кетганлиги туфайли соддалашиш муайянлашган. *Чақчаймоқ* феълида ҳам шу ҳолат кузатилади. Демак, ҳар уч сўзда ҳам соддалашиш юз берган.

Ўзбек тилидаги *думба*, *дамба*, *сумба*, *ўқрай-*, *сўррай-*, *думгаза*, *бўсага* каби сўзларда ҳам соддалашиш ҳодисаси юз берганлигини лисоний таҳлилларсиз ҳам сезиш қийин эмас. Жумладан, *думгаза*, *думба* сўзларидаги ўзак қисмнинг ҳозирги *дум* сўзи билан алоқаси узилган, ўша маънода қўлланмайдиган бўлиб қолган, шунингдек, *-ба* ва *-газа* аффикслари қўшимча сифатида истеъмолдан чиқиб бўлган. Тилдаги *ўқрай-*, *сўррай-* сўзларининг соддалашида икки ҳолат кўзга ташланади: а) ўзак ўз моҳиятини йўқотган; б) қўшимчалар бирлашиб кетиб (*-ир+ай*) яхлитлашган. Ана шу яхлитлашиш ва ўзакнинг истеъмолдан чиқиши уларнинг соддалашиши учун омил бўлган.

Демак, ўзбек тилида соддалашиш жараёни давом этаётган сўзлар ҳам анчагина бўлиб, бу ҳолат қўшимча қўшилиши билан товуш тушиши, ориши, алмашилиши, ўзакларнинг истеъмолдан чиқа бошлагани, қўшимчаларнинг ўзаро сингишиб кетиши ва сўз яшаш имкониятини тўхтатиши каби сабабларга кўра соддалашиш содир бўлаётганлигини кўрсатади. Тилимиздаги бир қанча сўзларда соддалашиш иерархик ҳолатда юзага келаётганлигини кўрсатади: *қўппай-*, *чўнқай-*, *ялпай*, *сўппай*, *сўлжай-*; *бўсага*, *чаққон*, *саримсоқ* сингари сўзларда эса соддалашиш ҳодисаси тилимизнинг кейинги тараққиёт босқичларида юзага келмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Тожиев Ё. Бир бўғинли сўзлар тадқиқи доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. – № 2. – Б.28-33.
2. Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. – Т.: Университет, 1992. – Б.7-71.
3. Ҳожиев А. Ўзбек тилининг сўз ясалиш тизими – Т.: Фан, 2007. – 165 б.
4. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – 320 б.
5. Айюб Гуломовнинг илмий мероси (1-китоб). – Тошкент: Университет, 2005. – 135 б.
6. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – 676 с.
7. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Т.: Университет, 2000. – 537 б.

Фонетик ўзгаришлар асосида соддалашишга учраган бирликлар
Усманова М.Қариши давлат университети

Резюме. Мақолада сўз морфем таркибининг ўзгариши – соддалашиш ҳодисасининг ўрганилиши ҳақида фикр юритилган. Ўзбек тилидаги соддалашишга учраган бирликларнинг турли хил фонетик ўзгаришлар асосида юзага келганлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳозирги ўзбек тили луғат таркибидаги фонетик структураси мураккаблашган лекин морфем структураси соддалашишга учраган (яхлитлашган, турли сабабларга кўра асос билан қўшимча сингишиб кетган) сўзларнинг структур-семантик, фонетик-деривацион тараққиёти очиб берилган. Бир бўғинли туб сўзлар фонетик структурасининг тарихий тараққиёт жараёнида кўп бўғинли фонетик структураларга ега бўлиш сабаблари асосланган.

Калит сўзлар: соддалашиш, асос, аффикс, мураккаб компонент, ўзак, фонетик структура, морфема, товуш алмашилиши, семантика, туб сўз, этимологик таҳлил, эмоционаллик ифодалаш.

Блоки упрощения на основе фонетических изменений
Усманова М. Каршинский государственный университет

Резюме. В статье рассмотрен феномен изменения морфемного состава слова – упрощения. Было показано, что упрощенные единицы узбекского языка возникли на основе различных фонетических изменений. Фонетическая структура современной узбекской лексики стала более сложной, изменилась от одного слога до многих слогов, но структура морфем упростилась. Обоснованы причины приобретения многосложных фонетических структур в процессе исторического развития фонетической структуры односложных корневых слов.

Ключевые слова: упрощение, основа, аффикс, сложный компонент, форма, фонетическая структура, морфема, звукообмен, семантика, корневое слово, этимологический анализ, эмоциональность выражения

Simplification of blocks based on phonetic changes

Usmanova M. Karshi State University

Summary. The article gives an idea of the change in the composition of the word morpheme – the study of the phenomenon of simplification. It is indicated that the units that have undergone simplification in the Uzbek language are based on various phonetic changes. The phonetic structure of the modern Uzbek lexicon has become more complex, changed from one syllable to many syllables, but the morpheme structure has been simplified. The phonetic structure of single-syllable root words in the process of historical development is based on the reasons for the acquisition of multi-syllable phonetic structures.

Key words: simplification, basis, affix, complex component, form, phonetic structure, morpheme, sound interchange, semantics, root word, etymological analysis, emotionality of expression

БАДИЙ АСАР ШАХС ЛИСОНИЙ ҚОБИЛИЯТИНИНГ МАҲСУЛИ СИФАТИДА

Ниязова Д. Х.

Қарши давлат университети

Маълумки, тилшуносликда матн турли аспектларда ўрганиб келинади. Анъанавий тарзда матннинг семантик-структур жихатдан яхлитлиги, таркибий қисмлари алоқаси, матн қисмларини боғловчи воситалар, уларнинг турлари каби масалалар таҳлиliga кенг эътибор қаратиб келинган. Сўнгги йилларда матнни антропоцентрик аспектда ўрганиш кенг тус олди. Айниқса, матнни лингвокультурологик, прагматингвистик, социолингвистик, психолингвистик аспектларда тадқиқ этишга қизиқиш ортиб бормокда. Бу йўналишда олиб борилган тадқиқотларда матннинг муайян халқнинг тили, маданияти, тафаккури, оламни идрок этиш тарзи, дунёқараши, менталитети қабиларни намоиш қилувчи бирлик эканлиги эътироф этилмокда.

Матн таҳлилида уни яратувчи шахс омилининг инобатга олиниши тилшуносликда матн ва уни яратувчи шахс (ижодкор) муносабати, матн ва унинг идрок этилиши каби масалалар таҳлилида янгича қарашларни юзага келтирди. Жумладан, матн таҳлилида фақат ижодкорларнинг сўз қўллаш маҳорати, сўздан қай даражада тўғри, мақсадли фойдаланишини ўрганиш билан чекланилмай, матнда уни яратувчига хос шахс хусусиятларининг акс этиши масаласига ҳам эътибор қаратилиши лозимлиги эътироф этилди. Д.Худойберганова қайд этганидек, “Бирор ёзувчи ёки ижодкорнинг нутқий услубини унинг сўз қўллаш ёки жумла тузиш маҳорати нуктаи назари билан тадқиқ қилиш усули бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шу боисдан матн яратилиши масаласини шахс услуби нуктаи назаридан ўрганиш матннинг лингвистик жихатларига теранроқ назар билан қарашга олиб келади”[2].

Матн турлари ичида бадий матн нутқ эгасининг шахсий сифатларини ёрқин кўзгу орқали кўришга имкон берувчи йирик синтактик бутунлик ҳисобланади. Бадий матн ижодкор лисоний қобилиятининг яратувчанлик имкониятини юзага чиқаради. Ижодкорнинг яратувчанлик қобилияти унинг тил билими, ундан фойдаланиш маҳоратига ҳам боғлиқ. Яратувчанлик фаолияти жараёнида ижодкорнинг ташки олам ҳақидаги тасаввурлари, қарашлари, кечинмалари ҳам юзага чиқади. Бадий асар ижодкорнинг лисоний қобилиятини юзага чиқарувчи воситадир. Бу жихатдан бадий асар муаллифи ўз лисоний қобилиятини намоиш қилувчи лисоний шахс мақомини эгаллайди.

Ҳар қандай бадий асарнинг марказида ёзувчи шахси турарди. Асарда илгари сурилган ғоя аслида ёзувчининг ғояси, унинг хулоса ва қарашлари мажмуидир. Ёзувчи асар персонажлари орқали ўз ташвиш-муаммолари, ўй-хаёллари, орзу-умидларини ифода этади, баъзан ўз хатти-ҳаракатларини қаҳрамонларига қўчиради ёки уларнинг хатти-ҳаракатларини “бошқариб туради”. Буларнинг барчаси, гарчи ижодкор асарда воқеа-ҳодисаларни шунчаки тасвирловчи ёки ҳикоя қилиб берувчи шахс сифатида иштирок этса-да, унинг ўзи асарнинг “марказий қаҳрамони” эканини кўрсатади. Шу жихатдан, ҳар қандай бадий асарда дастлаб ёзувчи лисоний шахси ажратилади.

Ижодкор ўз асарида “жонли нутқ” ярата олса, унга шахсига хос сифатларни қўчира олса, тил бирликларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдалана олиш қобилиятини намоён этса, у лисоний шахс даражасига кўтарилади. Шу билан бирга, бадий асар ҳам ижодкорнинг лисоний шахс мақомига эга бўлиши учун муайян талаб ва шартларни қўяди. Бундай талаблар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ижодкор яратган матнда акс этган нутқнинг “жонли нутқ” даражасини эгаллаши, яратилган матннинг китобхон томонидан аниқ ва тўғри идрок этилиши, матннинг ёлғон тасаввурлар ҳосил қилмаслиги, матн китобхонни тасвирланаётган воқеа-ҳодисага ишонтира олиши қабилар.

Хуллас, бадий асар шахс лисоний қобилиятининг маҳсули сифатида унинг олам ҳақидаги тасаввурлари ва қарашлари, руҳияти, атроф-муҳитга бўлган муносабатининг кўзгуси ҳам ҳисобланади.

Бадий асар ҳар хил касбий фаолият билан шуғулланувчи, турлича ёш, жинс, руҳият, характерга эга кишиларнинг нутқий ҳаракатларини акс эттирувчи манба сифатида аҳамиятлидир. Шу боис бадий асарда бир-биридан фарқланувчи турли лисоний шахс типларини ажратиш мумкин бўлади. Бадий асарда лисоний шахс типларини ажратишда, бизнингча, қуйидаги жихатлар инобатга олиниши мақсадга мувофиқ: 1.Адиб ёки у яратган персонажнинг нутқ (матн) ярата олганлиги. 2.Адиб ёки у яратган персонаж нутқида унинг лисоний қобилиятининг намоён бўлганлиги. 3.Адиб ёки у яратган персонаж шахсига хос сифатларнинг тилда намоён бўлганлиги.

Куйида бадий асар муаллифи нутқи орқали *ёзувчи лисоний шахси*ни аниқлаб, унинг асардаги мақомига баҳо берамиз. Ҳар қандай бадий асар ижодкорнинг индивидуал нутқи асосида яратилувчи асар ҳисобланади. Шу боис унда, аввало, ёзувчи лисоний шахси намоён бўлади. Ш.Сафаров қайд этганидек, муаллиф яратган матн олам манзарасини воқеалантиришнинг индивидуал шакли, бунда нутқ субъекти лисоний шахс сифатида намоён бўлади [1,18]. Ҳар қандай матнда озми-кўпми шахсга хос хусусиятлар акс этади, шу боис у орқали нутқ эгаларининг лисоний типларини белгилаш мумкин бўлади. Айниқса, турли персонажлар нутқи акс этган бадий асарларда лисоний шахснинг бир қатор типларини фарқлаш мумкин бўлади. Бу ўринда бадий асарда иштирок этган ҳар бир персонажга унинг нутқи орқали лисоний шахс мақомини бериш мумкинми деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бизнингча, бадий асарда иштирок этган ҳар қандай персонаж лисоний шахс ролини бажаравермайди.

Бадий асар муаллифи ёки персонаж нутқида ҳам муайян тилнинг имкониятлари, ҳам шахсга хос энг муҳим сифатлар (жинс, касб-кор, ижтимоий мавқеа, ёш белгиси ва бошқалар) намоён бўлсагина, уларни лисоний шахс сифатида талқин этиш мумкин. Ш. Қаландаров тўғри қайд этганидек, “адиб персонажларни матнда жонли тил соҳибларига тенглаштира олсагина, уларни лисоний шахс дейиш мумкин”. [3,109]

Ижодкор бадий асарда тил воситалари орқали олам ҳақидаги қарашларини акс эттирар экан, унинг ўзига хос хусусиятлар ҳам бевосита бадий матнга кўчади. Бу, айниқса, автобиографик асарларда яққол кўзга ташланади. Автобиографик асарларда ёзувчи ўзи кўрган, бошидан ўтказган воқеа-ҳодисаларни каламга олар экан, бу жараёнда ўз шахсини қайта “шакллантиради”. Масалан, Ғ.Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоясини болалагида ўзи гувоҳ бўлган воқеа асосида ёзганлиги маълум. Шу боис бу ҳикоя автобиографик асар сифатида баҳоланади.

Асар воқеалари бола тилидан ҳикоя қилинади. Ёзувчи бу образ орқали ўзини қайтадан бола қиёфасига “киритади” ёки кампир ва ўғри образлари орқали ўзининг шахсий қарашлари, кечинмаларини ёритади. Бола нутқида ишлатилган *«Бун қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да, дунёда?»* жумласи орқали болалиги вақтида атрофидаги одамларнинг етим оилаларга бўлган муносабатини ошқора баён қилади, “қора буви” тилидан *“Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ!”* деб ёзар экан, болалик даврида турмушнинг нақадар оғир ўтганлигини ифода этади. Кўринадики, ёзувчи ҳикояда бола, буви ёки ўғри тилидан гапирмасин, у асарнинг “марказий қаҳрамони”га айланади. Асарда бола нутқи “қайта шакллланган ёзувчи лисоний шахси”ни ҳосил қилса, буви ва ўғри персонажларининг ҳар бири алоҳида лисоний шахс типларини шакллантиради.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, лисоний шахс типлари, аввало, бадий асар турига кўра фарқланади. Мураккаб сюжетли асарларда эса ёзувчи нутқи ва у яратган персонажлар нутқи фарқланади. Бу жиҳатдан бадий асарда дастлаб ёзувчи лисоний шахси ва персонажлар нутқи асосланган лисоний шахс типларини ажратиш лозим бўлади. Бадий асарнинг ҳамма турида ёзувчи асарнинг бошидан охиригача лисоний шахс мақомида бўлади. У ўз нутқи орқали гоҳида нотиклик вазифасини бажарса, гоҳида ҳиссиётларини ошқора ёки яширин ифода этувчи тил эгаси сифатида гавдаланади, баъзан ўз персонажларини ҳаракатлантирувчи “йўлбошчи” сифатида намоён бўлади. Ёзувчининг нутқи оддий тавсиф руҳида ҳам, баъзан ҳиссиётларга тўла кўринишда ҳам бўлади. Ёзувчи бадий матнда қандай мавқени эгалламасин, унинг нутқи алоҳида лисоний шахс типи, яъни ёзувчи лисоний шахсини ҳосил қилади.

Бадий асарда персонаж нутқи асосида персонаж лисоний шахсини ажратиш мумкин. *Персонаж лисоний шахси* тушунчаси умумийлик хусусиятига эга бўлиб, хусусийликларга ажралиб кетади. Бадий матнда иштирок этувчи персонажлар, улар қандай (асосий ёки эпизодик) характерда бўлмасин, ҳар бири алоҳида, масалан, қосиб, ўқитувчи, она лисоний шахс типини ҳосил қила олади. Кўп сюжетли бадий асарларда персонаж лисоний шахсининг турли ички типларини фарқлаш мумкин бўлади.

Куйида Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романида адиб яратган персонажлар нутқи асосида лисоний шахс типларини белгилаймиз. Маълумки, Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романи бир-бири билан узвий боғлиқ воқеалар тасвирига бағишланган мураккаб сюжетли асар ҳисобланади. Романда ёзувчи бевосита иштирок этмайди, воқеалар қурилиш бригадаси бошлиғи вазифасида ишловчи Музаффар Шомуродов исмли йигит, “қора амма”, Робия, кичкинтой Музаффар тилидан баён қилинади, солдат Кимсаннинг хати орқали фашистларга қарши олиб борган кураш баён этилади. Романда асосий персонажлар билан бирга, воқеалар ривожига иштирок этувчи персонажлар – она, ота, бобо, келин, овсин, оқсоқол, партия секретари, сартарош, солдат, табиб, врач, доя хола, милиция ходими, мўрчи каби образлар ҳам гавдаланади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос нутқи орқали алоҳида лисоний шахс типини ҳосил қила олади. Романда она, бобо, бола, ота, келин, қайнона, амма ролидаги шахсларнинг турли мазмунли тузилишдаги нутқлари акс этган. Уларнинг ҳаммаси ҳам лисоний шахс типини шакллантиравермайди. Инсонни унинг барча сифатлари билан бирга нутқи асосида қайта “шакллантиришга” хизмат қилувчи матнлар лисоний шахс типини ҳосил қила олади. Куйида лисоний шахс типини ҳосил қилувчи ижтимоий ҳосланган нутқ кўринишларини таҳлил қиламиз.

Она лисоний шахси. Асарда жуда кўп ўринда она лисоний шахсининг нутқий портрети чизилган. Куйидаги матн ҳам бунинг ёрқин намунасидир:

Вой, ўлмасам! Яна ўша шум ҳаёлга боряпманми? Кимсаним, жон болам, кечир, гуноҳкор онангни! Биламан, Худо кўрсатмасин, шаҳид кетган бўлсанг, арвоҳинг чирқиллайди. Тирик бўлсанг, эртага келиб ёқамдан оласан. «Нима қилиб қўйдинг, шумкампир, сенам онамисан, имонсиз», дейсан! Нима десанг ҳаққинг бор. Қайси она ўз юрагини ўзи суғуриб тунроққа ташлайди? Қайси она ўз боласига ўзи хиёнат қилади? Қандоқ қилай, жоним болам? Ўзинг ўйла, ахир. Робиям, сенинг Робиянг, қовжираган гулдек кўзимнинг олдида сўниб

боярпти. Ёши ўттизга қараб кетяпти, ўғлим! Совчилар «қари қиз» деб қадамини узиб қўйганига анча бўлди. Онаннинг гуноҳидан ўт, Кимсан! Бу ният ҳаёлимга келганига анча бўлганди. Аммо бировга айтиш у ёқда турсин, ўйлашга қўрқиб юрувдим. Бугун тоғанникидаги мана бу «томоша»ни кўриб...

Ақалли шу норасида гўдак ҳурмати, онангдан ўпкалама, болажоним! (38-бет)

Ушбу матнда қўлланган вой, ўлмасам; жон болам, гуноҳкор онанг, Худо кўрсатмасин, шумкампир, сенам онамисан, жоним болам, онангнинг гуноҳидан ўт, онангдан ўпкалама, болажоним бирликлари нутқ эгасининг ички кечинмалари – изтиробини акс эттириш билан бирга, унинг шахсий сифатлари – она эканлиги, жинси, руҳияти ҳақида ҳам маълумот беради.

Бу ўринда нутқ эгаси томонидан айтилган Совчилар «қари қиз» деб қадамини узиб қўйганига анча бўлди жумласи ҳам унинг аёл жинсига мансублигини англатади.

Қайнона лисоний шахси. Романда қайнона образига кўп маротаба мурожаат қилинган. Ўзбек оилаларида қайнона алоҳида мавқе ва ҳурмат-этиборга лойиқ қўрилади. Бу унинг оила аъзолари, хусусан, келинига бўлган муносабатида ҳам сезилиб туради. Холпош хола нутқидан келтирилган қуйидаги парча ҳам қайнона лисоний портретини чизишга ёрдам берган:

– Айниқса, шу қизимни яхши кўраман. Потмамниям ёмон демайман-ку, сал лачанўироқ. Кир юваман, деб сув қайнатса, тагига олдириб юборади!...

(– Унақ деманг, ойижон, кечаги қилган шилпилдоғимни мақтаб-мақтаб едингиз-ку!)

– Вой, ордона! Шилпилдоқ қилишни санга ким қўйибди. Ёйган хамирингни кўрпа қилиб ёпса бўлади-ку.

Зўрани йўриги бошиқа. Лағмон кесса, кокил қилиб таилайди. Ҳовли супурса, ерда аксинг кўринади. Ўзимга ўхшайди-да! Қайнона-келиннинг тупроғини бир жойдан олган!

Берилган матнда Холпош холанинг шилпилдоқ пишириш, лағмон кесиш, ховли супуриш каби уй юмушларини бажариш бўйича мулоқот иштирокчиси (келини Фотима)га билдирган эътирозлари унинг қайнона мавқеида эканлигини намойиш қилади. Ўзимга ўхшайди-да! Қайнона-келиннинг тупроғини бир жойдан олган! жумласи ҳам нутқнинг айнан қайнонага тегишли эканлигини асослайди. Матнда қўлланган ҳиссий муносабат ифодаловчи Вой, ордона! жумласи эса нутқ эгасининг аёл киши эканлигига ишора қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Сафаров Ш. Таржимоннинг лисоний шахс сифатида бажарадиган фаолияти // Хорижий филология. 2018. №3. – Б. 18.
2. Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. - Тошкент: 2015.
3. Қаландаров Ш. Ўзбек лингвомаданий муҳитида халқ мақоллари эвфемизацияси: Филол.фан.бўй. фалс.докт... дисс. – Фарғона. 2019. – Б. 109.

Бадий асар шахс лисоний қобилиятининг маҳсули сифатида
Ниязова Д. Х. Қарши давлат университети

Резюме. Мақола лисоний шахс типлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритишга қаратилган бўлиб, мақолада нутқ эгалари яратган матни (нутқи) орқали лисоний шахс типларига ажратилиши масаласига эътибор берилган.

Калит сўзлар: лисоний шахс типи, шахсий сифатлар, яқка шахс, жамоа нутқи.

Произведение искусства как продукт языковых способностей человека
Ниязова Д. Қаршинский государственный университет

Резюме. Статья посвящена языковым типам личности и их специфике. В статье обращается внимание на лингвистические типы речи создателей речи и их роль в создании характера персонажей.

Ключевые слова: языковой тип личности, личностные качества личности, общность речи

A work of art as a product of a person's linguistic abilities
Niyazova D. Karshi State University

Summary. This article is devoted to linguistic personality types and their specifics. The article draws attention to the linguistic types of speech of the creators of speech.

Key words: linguistic type of personality, personal qualities of a person, community of speech

ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПОНЯТИЯ КОНЦЕПТОСФЕРЫ

Амануллаева К. М.

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Важнейшим понятием когнитивной лингвистики является понятие концептосферы – области знаний, составленной из концептов. Этот термин был введен в науку Д.С.Лихачевым, который определял его как: «совокупность концептов нации, она образована всеми потенциями концептов носителей языка. Концептосфера народа шире семантической сферы, представленной значениями слов языка. Концепт и концептосфера являются мыслительными сущностями, и современные научные исследования подтверждают их основополагающую функцию в процессе невербального общения. Исследования показывают, что концептосфера и входящие в нее концепты носят достаточно упорядоченный характер» [1, 285]. В.В. Красных при изучении понятия концептосфера использует термин «когнитивное пространство» и разграничивает «индивидуальное когнитивное пространство - определенным образом структурированная совокупности знаний и представлений, которыми обладает любая языковая личность, каждый говорящий, и коллективное когнитивное пространство - определенным образом структурированная совокупность знаний и представлений, которыми необходимо обладают все личности, входящие в тот или иной социум» [2, 61]. Фундаментальное

исследование З.Д. Поповой и И.А. Стернина названо “Язык и национальное сознание”, в которой есть доминантное определение: “Концептосфера – это упорядоченная совокупность концептов народа” [18, 3]. Ю.Е. Прохоров утверждает, что «принадлежность к определенной культуре определяется наличием базового стереотипного ядра знаний, повторяющегося в процессах социализации индивидуумов в данном обществе, и достаточно стереотипного (на уровне этнической культуры, а не личности) выбора элементов периферии» [19, 14]. Д. С. Лихачев подчеркивает роль писателей и поэтов в создании концептосферы: «Концептосфера национального языка тем богаче, чем богаче вся культура нации, ее литература, фольклор, изобразительное искусство... Особое значение в создании концептосферы принадлежит писателям (особенно поэтам)...» [12, 285]. Так, в последние годы возникает целый корпус трудов, который исследует концептосферу творчества писателей и поэтов (В. Маслова «Поэт и культура: Концептосфера Марины Цветаевой», О.В. Беспалова «Концептосфера поэзии Н. Гумилева в ее лексикографическом представлении», И.А.Тарасова «Идиостиль Г. Иванова: когнитивный аспект», Рожков В.В «Метафорическая художественная картина мира А. и Б. Стругацких (на материале романа "Трудно быть богом") и т.д.). Данное научное направление теоретически оформляет В.И.Карасик: «...наряду с термином «национальная концептосфера», обозначающим совокупность концептов...и наряду с термином «индивидуальная концептосфера», понимаемом как совокупность концептов, существующих в сознании отдельного представителя данной языковой общности, имеет право на существование и термин «концептосфера текста» [9, 103].

Важно отметить, что в трудах ученых исследуется специфика национальной концептосферы в прямой зависимости от доминирующих в ней концептов. А.В. Рудакова пишет об этноконцептах, но думается, что, даже используя универсальный концепт, представители различной культуры привносят нечто оригинальное: «В концептосфере каждого народа есть определенный набор ключевых концептов, составляющих основу национального менталитета и имеющих яркую национальную специфику. Часто такие концепты трудно или даже невозможно передать на другом языке — это верное доказательство национальной специфичности, ментальной уникальности таких концептов» [21, 46]. Как известно, в национальной концептосфере находят отражение национальный менталитет, состояние культуры и науки нации в целом. Язык включен в концептосферу культуры, неотделим от нее.

Концептосфера Японии настолько своеобразна и уникальна, эстетика и культурные традиции до сих пор достаточно ощутимы в художественных текстах современной литературы. Концептосфера Японии - явление богатое, изысканное, даже утонченное, основанное на традициях средневековой эстетики. Любое исследование в области лингвокультурологии как бы указывает на некий нерасторжимый комплекс, в орбиту которого попадают непременно: «саби», «ваби» «кокоро», «пустота», «тьень», и «одинокчество». Универсальные эмоциональные концепты внутреннего мира занимают в японской культуре и эстетике особое место. Т.Григорьева в статье «Неизменное в изменчивом» отмечает: «Японское слово «Мусуби» означает связывать одно с другим - завязь, зародыш. Все по воле богов соединяется между собой гибким типом связи-резонатором, сердечным откликом (нет того, что не имело бы своей души, сердца - кокоро». Далее в статье подчеркивается еще одно важное дополнение к толкованию палитры значения концепта «душа»: «В последнем издании толкового словаря Кодзэн (1973) сказано: отличие «японской души» (вакон) от «китайских знаний» (кансай) в том, что японская душа – это знание сердца, не почерпнутое из книг, а непосредственно пережитое, навешанное самой жизнью» [7, 44]. Л.М. Ермакова в статье «Душа слово», сердце и «имена вещей» в раннее японской словесности» анализирует разницу между двумя важными понятиями: «Тама человека может отсоединяться и отлетать, для удержания ее в теле требуются специальные обряды, кроме того, тама - субстанция, имеющаяся в каждой вещи: цветке, камне, слове. Кокоро, в отличие от тама – другая душа человека, которая является его неотъемлемым атрибутом, не утрачиваемым свойством в виде сознания, постижения, опыта» [8, 144]. В статье Е. Сворцовой «Телесность и пустотность как отличительные особенности традиционной японской эстетики» подчеркнуто: «...важна для восточной эстетики проблема сущности пустого пространства, пустоты - МА-«эстетика пустоты»「空白の美学」(кухаку-но бигаку) [23, 43]. Отметим, что перечисленные понятия являются самыми частотными и доминантными в творчестве Харуки Мураками. То, что концепт «кокоро» важен в художественном творчестве Харуки Мураками в то же время, неуловим для перевода, свидетельствует фрагмент его интервью из книги Д.Коваленина «Суси-нуар. Занимательное муракамоведение». Переводчик уточняет значение понятия «душа», «сердце», «память» и получает ответ писателя: «По крайней мере, в моих романах, считайте, что «кокоро» — это нечто соединяющее память и человеческую теплоту» [25]. В этом плане важно отметить, что писатель исследует наполняемость национального концепта, неуловимость оттенков. Как и подчеркивает В.И. Карасик: «Национальная специфика концептосферы находит свое отражение и в национальной специфике семантических пространств языка. Сходные концепты у многих народов могут быть сгруппированы по разным признакам» [9, 13]. Представляется, что в данном определении кроется основная проблема для переводчика. Исследователи предлагают «когнитивно-дискурсивное изучение концептосферы текста-оригинала и текста перевода», что «является необходимым условием ее моделирования, которое преследует одну глобальную цель: осмысление механизмов сопряжения категорий языковой действительности с коррелирующими когнитивными категориями...» [17, 6]. При таком подходе, возможно писать о концептосфере как отдельного романа и всего творчества Харуки Мураками, которая базируется на художественных концептах во всем многообразии их нерасторжимых связей: «кокоро» - «синсин», «одинокчество», «кокоро» - «пустота». Произведения словесной культуры обогащают и расширяют концептуальное пространство развитого национального языка, даже в случае демонстрации приверженности к

«западной» культуре, которое иллюстрирует Харуки Мураками. Как известно, индивидуально-авторская концептосфера, или индивидуально-авторская концептуальная картина мира [3, 95], представляет собой совокупность индивидуально-авторских концептов, содержание которых раскрывается через особенности индивидуального стиля писателя. И, тем не менее, и его индивидуально-авторская картина мира формируется на двух уровнях: концептуальном и индивидуально-речевом. Ведущим является концептуальный уровень, т. к. своеобразие поэтической картины мира заключается не столько в языковых формах.

Исходя даже из вышеперечисленных положений, можно выделить как бы три основных составляющих структуру концептосферы: языковая личность – концепты – текст. Н.С. Болотнова пишет: «Комплексный подход к анализу идиостиля, разработан в коммуникативной стилистике текста. В рамках этого научного направления идиостиль рассмотрен как интегральное понятие, которое отражает особенности личности, проявляющиеся в ее текстовой деятельности... Известный тезис «За каждым текстом стоит языковая личность» фактически означает, что в текстовой деятельности отражается сам человек» [5, 151].

Индивидуально-авторские знания писателя (опыт, интеллектуальный багаж, культурные предпочтения) формируют специфическую концептосферу, которая материализована в текстах его романов. А поскольку творчество писателя – живой, динамически развитый процесс, то необходимо проанализировать суть данного явления на примере концептуального анализа произведений почти тридцатилетнего периода творчества Харуки Мураками. Следует использовать в этом плане продуктивную идею З.Д. Поповой и И.А. Стернина, которые не только выделяют в творчестве писателя «концептосферы текста», но и создают тем самым перспективы для более детального и углубленного анализа концепта в конкретном романе и возможность проекции его в рамках всего творчества данного автора: «Представляется интересным рассмотреть, чем определяются концептосфера художественного текста, и какого рода единицы она может включать. Во-первых, разумеется, это национальные концепты. Следует отметить, что автор художественного произведения включает в его концептосферу наиболее релевантные для него единицы национальной концептосферы, то есть такие, которые с максимальной полнотой отражают авторское восприятие мира и в максимальной степени соответствуют прагматическим задачам» [18, 103-104]. Изучение «концептосферы текста» каждого из романов дает возможность увидеть динамику развития концептов, доминирование одного из них в дискурсе, проанализировать когнитивный слой концепта, оценочный компонент, наполнение интерпретационного поля в каждом из исследуемых романов. О важности изучения личностного фактора в дискурсе пишет Ш.С. Сафаров: «Поэтому вполне своевременным кажется обращение прагматической лингвистики к изучению личностного фактора, а именно: к взаимоотношению структуры когнитивной сети личности и ее дискурсивной деятельности, позволяющему рассматривать дискурс как продукт когнитивно-языковой деятельности не абстрактного, усреднено понимаемого человека, а конкретного индивидуума» [22, 139]. Л.В. Миллер видит в таком подходе принцип когнитивного анализа текста: «Уместность дискурсивного подхода в нашем случае определяется тем, что при обращении к нему основное внимание уделяется не связному, завершённому тексту и принципам его устройства, а разноуровневым семантическим единицам, анализ которых позволит выявить механизмы, устанавливающие связь между языковой сферой и самой сущностью культуры, мыслимой как совокупность символических систем, порожденных человеком в процессе его деятельности» [14, 7].

Феномен творчества Харуки Мураками в его мировой популярности, даже возник шуточный термин «Муракамимания». В Японии оценка творчества писателя неоднозначна. Так, профессор Мицүёси Нумано пишет: «Судите сами: в Японии Мураками называют "бата-кусай" (воняющий маслом). То есть, считают его чересчур прозападным, излишне американизированным. А иностранцы, наоборот, находят в его книгах "настоящее японское «ваби». То есть, имеет место какой-то гигантский "perfection gap", это очень любопытный феномен» [16, 273]. Многие коллеги подчеркнуто относят Харуки Мураками к западным писателям, в романах которого мало японского. Такое мнение выразил Кэндзабуро Оэ: 「村上春樹は日本語で書いていますが、彼の文章はあまり日本語らしくありません。ニューヨークではアメリカ英語に翻訳すると、非常に自然に読むことができます」 «Murakami Haruki writes in Japanese, but his writing is not really Japanese. If you translate in to American English it can be read very naturally in New York» [2, 2]. Знаковые «концепты» его творчества находятся во внимании многих критиков. Кавамото Сабуро утверждает, что «Харуки Мураками видит гигантскую пустоту внутри своего поколения, внутри себя...он борется против пустоты». В интервью от 22 ноября 2005 года писатель подтвердил важность данного утверждения: 「それは、虚空との闘いであると言えます。そしてそれは虚空のように見えますが、その虚空の先には重要な何かがあります」 «It could be said it is a struggle with a void; it looks like a void, but beyond that void there is something important» [1, 378].

Масао Миёши считает, что наиболее привлекательной темой творчества Харуки Мураками является тема «одинокости» и что «снобистский стиль в одиночку спасет от скуки». Важно, что в немногочисленных интервью Харуки Мураками определяет собственный статус «одиночки». В книге «О чем я говорю, когда говорю о беге» писатель оценивает свои ощущения от бега и обобщает: «Я могу это делать один...не предрасположен к командным видам спорта...Я был бы рад назвать себя «lonely player» [15, 13]. Так возникает концепт «одинокости», аксиологически значимый для самого Харуки Мураками и реализованный в его художественном творчестве: «художественное мышление ищет опору в словах-концептах, ибо именно концептуальная система – постоянно пополняемая область знания. Слово-концепт несет информацию о глубинном сознании повествователя, его мироощущении как проблематике текста, его смысле», [6: 44]. Поскольку речь будет идти о концептосфере произведений Харуки Мураками, то имеет значение признание

писателя о его профессиональных пристрастиях: «Меня вообще привлекают структуры. Я часто использую и другие поп-структуры - скажем, научной фантастики, «лав-стори» или «дамского романа». В детективном же стиле «хардбойлд» меня привлекало то, что герои таких историй всегда очень оторванные индивидуалисты. Такие «волки-одиночки» ... Я-писатель, Я-одиночка и я-индивидуалист». Роланд Кельтс, задавая сложный и многоступенчатый вопрос о теме «одиночества» в творчестве Харуки Мураками: – «Одиночество созерцания возможностей в мире, который к ним слеп – центральная тема в ваших книгах», и получает на это предсказуемый ответ: «...Герои моих книг - очень одинокие люди» [11].

Но одно дело - авторская декларация, другое дело- реализация этого в художественном тексте. На самом деле, все персонажи романов Харуки Мураками – живут в плену своего одиночества, причем, абсолютно не важно - эти герои главные или второстепенные, «положительные или отрицательные».

Примечательно, что «одиночество» Харуки Мураками настолько декларировано, что является объектом исследования не только представителями филологической науки. М.А. Юрченко в диссертации «Философско-антропологический анализ сущности одиночества» прямо утверждает: «один из самых успешных в современном мире писателей, создавший образ крайне индивидуалистичного и отчужденного героя... это Харуки Мураками» [24, 45]. Ж.Д. Пузанова в статье: «Философия одиночества и одиночество философа» подчеркивает: «Глубоким чувством одиночества проникнуты произведения модного в настоящее время японского писателя Харуки Мураками. Мураками – космополит...Солипсист Мураками живет в катакомбах чувственного одиночества...» [20, 57]. Итак, концепт «одиночество» является базовым, доминантным в авторской идиоконцептосфере Харуки Мураками. Следует выделить концепт «кокоро», включающий в себя концепт «душа». Примечательно, что важность концепта «душа» подтверждает признание писателя, что своей явной новацией при переводе повести Д. Сэлинджера «Над пропастью во ржи» является принципиально следующее положение: «... В старой версии основной акцент делался на конфликте между личностью и обществом, личностью и истэблшментом. А у меня он превратился, скорее, в противостояние «душа и внешний мир». Я думаю, восприятие произведения будет очень сильно отличаться, если вместо социальной сатиры читателю предложат историю одной человеческой души». Именно история одинокой души - есть лейтмотив любого романа Харуки Мураками.

Исследователь творчества и переводчик трилогии «IQ84» Д. Коваленин четко обозначает параметры такой необычной Языковой личности как Харуки Мураками, подчеркивая его связь с национальной культурой и эстетикой: «...профессиональным священником был дед - в Киото до сих пор есть небольшой храм, которым он владел, а отец преподавал японский язык и литературу, но в свободное время занимался популяризацией буддизма. Вот на каком культурном фоне рос Мураками» ...». Также Д.Коваленин подчеркивает, что Харуки Мураками в своих романах точно уловил национальные проблемы: «Японцы - толпа одиноких людей. Ты можешь быть очень «упакованным» в материальном плане, но внутри у тебя может быть абсолютно пусто» ...» [25]. Ж.Н. Маслова, используя термин М.Л Гаспарова «художественный мир текста», расширяет понятие: «Мы будем определять художественный мир как репрезентируемую в художественном языке проекцию реального или воображаемого мира, отражающую самые значимые для индивидуума знания и закономерности, отобранные по критерию той субъективной ценности, которые они представляют для индивида» [13, 23]. Таким образом, концептосфера романов Харуки Мураками обоснованно состоит из значимых в национальном и индивидуальном плане базовых концептов: (одиночество-пустота – синсин-кокоро). «В художественной картине мира могут быть обнаружены концепты, присущие только данному авторскому восприятию мира - индивидуальные концепты писателя...художественная картина мира - вторична, опосредованная картина мира, причем, она опосредована дважды – языком и индивидуально-авторской концептуальной картиной мира» [18, 8]. Л.Г. Бабенко исходит из того, что каждое литературное произведение воплощает индивидуально-авторский способ восприятия и организации мира, т. е. частный вариант концептуализации мира, который, в свою очередь, складывается под значительным влиянием универсальных законов мироустройства. Степень соответствия первого и второго может варьироваться от полного совпадения до полного расхождения, что осложняет четкое и безоговорочное определение и описание концептосферы. Эти проблемы, по мнению Л.Г. Бабенко, вполне решаемы, поскольку концептуальный анализ художественного текста предполагает, «во-первых, выявление набора ключевых слов текста; во-вторых, определение базового концепта (концептов) этого пространства; в-третьих, описание обозначаемого ими концептуального пространства» [4, 59].

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Chikako Nihei. The Productivity of a Space In-between: Murakami Haruki as a Translator// Japanese Studies, 2016.-123 p.
2. Strecher Matthew. Dances with Sheep: The Quest for identity in the Fiction of Mukami Haruki. Center for Japanese Studies, 2002.-256 p.
3. Алефиренко Н.Ф. Проблема вербализации концепта: Теоретическое исследование. Волгоград: Перемена, 2003.-176 с.
4. Бабенко Л.Г. Филологический анализ текста. Основы теории, принципы и аспекты. - Академический проект; Екатеринбург: Деловая книга, 2004.- 464 с.
5. Болотнова Н.С. Коммуникативная стилистика текста. Словарь-тезаурус.-М:Флинта, 2009.- 384 с.
6. Витковская Л.В. Когниция смысла. Литературоведение ХХI века.-Пятигорск, 2012.-236 с.
7. Григорьева Т.П. Неизменное в изменчивом- // Иностранная литература, 2002, №8. - С.124-132.
8. Ермакова Л.М. "Душа слово", сердце и "имена вещей" в ране японской словесности". // Эстетика бытия и эстетика текста в культурах средневекового Востока. –М.: «Восточная литература», 1995.-С.134-145.
9. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. –Волгоград, «Перемена», 2002.-282 с.
10. Красных В.В. Понятие концептосферы. - М.: Изд-во МГУ, 2003.-284 с.

11. Кельтс Р. // Интервью Х. Мураками журналу "Обзор современной прозы" Нью-Йорк, декабрь 2003. <https://interview3.html>
12. Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. Под ред. проф. В.П. Нерознака. –М.: «Наука», 1997.-С. 280-289.
13. Маслова Ж.Н. Когнитивная концепция поэтической картины мира. –М.: «Флинта», 2012.-420 с.
14. Миллер Л.В. Лингвокогнитивные механизмы формирования художественной картины мира (на материале русской литературы): дис. ... д-ра филол. наук. СПб., 2004.- 303 с.
15. Мураками. Харуки О чем я говорю, когда говорю о бере. –М.: ЭКСМО, 2010- 250с.
16. Нумано Мицуюси. Граница японской литературы и ее сдвиги в мировом контексте // Иностранная литература, 2002, №8.-С.270-282.
17. Огнева Е.А. Когнитивное моделирование концептосферы художественного текста. –М.: Эдитус, 2013.-282с.
18. Попова З.Д., Стернин И.А. Семантико-когнитивный анализ языка. –Воронеж: «Истоки», 2007.-250 с.
19. Прохоров Ю.Е. Действительность. Текст. Дискурс. –М.: «Флинта», 2004.-224 с.
20. Пузанова Ж.В. Философия одиночества и одиночество философа // -Социология. - М.: Изд-во. РУДН, 2003.-С.47-52.
21. Рудакова А.В. Когнитология и когнитивная лингвистика. –Воронеж, 2004.- 192 с.
22. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. -300 б.
23. Скворцова Е."Телесность" и "пустотность" как отличительные особенности традиционной японской эстетики. // Вопросы философии., 2011-№12.-С.37-46.
24. Юрченко М.А. "Философско-антропологический анализ сущности одиночества" www.cheloveknauka.com/filosofsko-antropologiche
25. <https://vz.ru/culture/2012/9/4/596576>.

Konseptosfera tushunchasining nazariy talqini
Amanullaeva K.M. Samarqand davlat chet tillar instituti

Rezyume. Maqolada kontseptsiya sohasi odamlar tushunchalarining tartiblangan to'plami sifatida ko'rib chiqiladi. Har bir xalqning kontseptsiya sohasida milliy mentalitetning asosini tashkil etuvchi va yorqin milliy xususiyatga ega bo'lgan ma'lum bir asosiy tushunchalar majmuasi mavjud. Ko'pincha bunday tushunchalarni boshqa tilda etkazish qiyin yoki hatto imkonsizdir. Muallif milliy mentalitet, butun millatning madaniyati va ilm-fani ahvoli milliy tushuncha doirasida o'z ifodasini topadi, til esa undan ajralmas holda madaniyat tushunchasi doirasiga kiradi, degan xulosaga keladi.

Tayanch so'zlar: konseptual soha, dominant, etnokontseptsiya, idiokontseptosfera, lingvistik shaxs.

Теоретическая интерпретация понятия «Концептосферы»

Амануллаева К.М. Самаркандский государственный институт иностранных языков

Резюме. В статье рассматривается концептосфера как упорядоченная совокупность концептов народа. В концептосфере каждого народа есть определенный набор базовых концептов, составляющих основу национального менталитета и имеющих яркую национальную специфику. Часто такие концепты трудно или даже невозможно передать на другом языке. Автор делает вывод о том что в национальной концептосфере находят отражение национальный менталитет, состояние культуры и науки нации в целом и язык включен в концептосферу культуры, неотделим от нее.

Ключевые слова: концептосфера, доминирующий, этноконцепт, идиоconceptosфера, языковая личность

Theoretical interpretation of the concept "conceptosphere"

Amanullayeva K.M. Samarkand State Institute of Foreign Languages

Summary. The article examines the conceptosphere as an ordered set of people's concepts. In the conceptosphere of each nation there is a certain set of basic concepts that form the basis of the national mentality and have a vivid national specificity. Often such concepts are difficult or even impossible to convey in another language. The author concludes that the national mentality, the state of culture and science of the nation as a whole are reflected in the national conceptosphere, and the language is included in the conceptosphere of culture, inseparable from it.

Key words: conceptosphere, dominant, ethnoconcept, idioconceptosphere, linguistic personality

НУТҚДА “ЛИСОН-МЕЪЁР-НУТҚ” ТРИХОТОМИЯСИНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ ХУСУСИДА Шодмонова Д.Э.

Қариш давлат университети

Адабий ва бадий сўзи бир ўзак маҳсули бўлса-да, тилшунослик атамаси сифатида ўзига хос фаркли хусусияти мавжуд. Хусусан, бадий сўзи тилга нисбатан қўлланганда, тил функционал услубларидан бири бўлган бадий услубга хос нутқ англашилади. Адабий тил эса “умумхалқ тилининг сайқаллашган, маълум бир меъёрга солинган, ишлов берилган кўриниши.” Шу маънода бадий меъёр умумхалқ тили адабий турига хос кўринишидан бирини белгилловчи қонуниятдан бири сифатида юзага чиқади ва назариётчи тилшунослар таъкидлашган адабий меъёрнинг барча мезонига бўйсунди. Булар: 1) реаллик ва объективлик; 2) кодификацияланганлик (онгли ишланганлик ва маълум тартибга солинганлик); 3) танланганлик ва баҳоланганлик; 4) барқарорлик; 5) консервативлик (эпиклик); 6) ривожланувчанлик; 7) замонавийлик синхрониклик); 8) анъанавийлик (тенденциозлик); 9) типиклик; 10) кенг тарқалганлик (коллектив равишда қўлланишлик); 11) вариантлик; 12) қатъий регламентация қилинганлик; 13) услубий тармоқланганлик; 14) ёзувда қайд этилганлик (мустаҳкамланганлик); 15) стандартлик; 16) намунавийлик; 17) умумхалқийлик; 18) халқчиллик; 19) қўпчилик томонидан онгли ўзлаштирилганлик, анланганлик ҳамда тан олинганлик; 20) функционал зарурийлик; 21) маданий-эстетик жиҳатдан баҳоланганлик; 22) шевалардан устунлик [1.26-27].

Тилшунос А.Маматов мазкур 22 та асосий ва қўшимча мезонга *мақсадга мувофиқлик* белгисини ҳам қўшиб, айни пайтда бу 23 белгининг 4 тасини асосий: 1) барқарорлик; 2) ривожланувчанлик; 3) қонулаштирилганлик; 3) муқобилдорлик (вариантдорлик). Бошқаларини эса мана шу асосий белгига ёрдамчи, уни тўлдирувчи, турли нутқ услублари, нутқ шароити ва вазиятига хословчи иккиламчи мезон

сифатида қарайди [3.71-72]. Тилшунос Ғ.Зиқриллаев таъкидлашича, “узвли таҳлил ўзбек адабий тили меъёрининг муҳим белгиси тўртта эканлигини кўрсатади: 1) барқарорлик; 2) фарқлилик; 3) қоидалаштириш; 4) ўзгарувчанлик [3.24]. Олим бу асосий мезоннинг ҳар бирини шарҳлар экан, **барқарорлик** деганда тилнинг структурасини тушунади. Хусусан, адабий тилнинг биринчи босқичи (халқ адабий тили) ва иккинчи босқич (миллий адабий тил) нинг дастлабки даврида нисбий барқарорлик, иккинчи босқичнинг кейинги даври, яъни адабий тилнинг кучли ривож топган даврида қатъий барқарорлик тарзида намоён бўлиши эътиборга олинади. Ғ.Зиқриллаев фарқлилик деганда вариантдорликни назарда тутди. “Фарқлилик деганда меъёрий воситаларнинг ҳудудий, вазилавий ва услубий тармоқланиши (тарқалиши), бошқача айтганда, вариантдорлиги тушунилади. У сўз ва унинг шакли, синтактик бирликларнинг асосий маъноси ўзгармай, уларнинг маълум даражада бирдан ортиқ шаклий кўринишга эга бўлишига асосланади” [2.24].

Тилшунослар таъкидлашганидек, адабий тил меъёри, аниқроғи, меъёрийлаштириш ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлганлиги сабабли жамиятда юз берадиган ижтимоий-тарихий ўзгариш унда ўз изини қолдиради. Хусусан, давлатнинг тил сиёсати, тиллараро муносабат ҳам тилнинг социал ўзгарувига таъсир қилади. Бунга кўра, аввало, тилнинг лексик қатламида, қолаверса, грамматик қурилишида ҳам маълум даражада ўз аксини қолдиради. Адабий меъёرنинг бу белгиси ўзгарувчанлик дейилади [2.25]. Бу ҳақда тилшунослар Н.Маҳмудов, Ғ.Зиқриллаев каби олимларнинг фундаментал тадқиқотлари мавжуд [4].

Адабий меъёرنинг нутқ услубига хосланиши ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бошқача айтганда, турли нутқ услубида ўзига хос меъёрий тамойиллар мавжуд бўлиб, бу нутқ услубларининг белгилари сифатида услубиятга бағишланган барча дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётларда батафсил баён этилган. Адабий меъёرنинг кўриниши бўлган бадиий меъёр бошқа услубга хос нутқ меъёрларидан ўзининг серкирра ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Хусусан, бадиий нутқда бошқа барча услуб нутқи хусусияти билан бирга, ҳатто ноадабий меъёр ҳосилалари ҳам сезиларли даражада бўлади. Масалан, айрим бадиий асарда жонли адабий тилдан чекиниш кузатилса, айримида шевавий унсур бўртиб туради. Айрим ҳолда адабий тил қоидадан четлашиш кузатилади. Бунинг барчаси лисоннинг бадиий воқеланиши кенг қамровли эканлиги ва ўзида бошқа услуб хусусиятини эркин акс эттириши замирида меъёрий “эркинлик” ётишини кўрсатади. Бироқ ҳар қандай эркинлик замирида “қонуният”, тасодиф замирида зарурият ётишини унутмаслик лозим.

Адабий тилга бадиий нутқ ўзига хос муносабатда бўлганлиги каби бадиий нутққа шеърий нутқ ҳам шундай муносабатда бўлади. Бунда бадиий нутқдаги эркинлик “чекланганлик” билан, “чекланганлик” эркинлик билан алмашади. Аниқроғи, адабий меъёرنинг юқорида тан олинган тўрт мезонига шеърий нутқ ўзига хос муносабатда бўлади. Шеърий нутқда окказионал қўлланиш, окказионал маъно ва окказионал ясалмаларнинг адабий тил меъёрига нисбатан кўпроқ қўлланиши, уларнинг кўпроқ индивидуал характер касб этиши адабий тилнинг барқарорлик белгисининг нисбийлигини кўрсатади ва бу меъёр шеърий нутқда “барқарорлик/бекорорлик” кўринишида мўътадил ҳолатда бўлади [5.14]. Ўзбек шеъриятида анъанавий поэтик лексика таркибиде қаралувчи қўллаб бирликлар адабий тил учун меъёр саналмайди. Масалан, адабий меъёр чизигидан ташқарида деб қаралувчи, бироқ шеърий нутқда фаол учрайдиган қатор бирликлар борки, бу умумийлик сифатидаги адабий тилни хусусийлик сифатидаги шеърий нутққа зид қўяди. “Ҳозирги ўзбек шеъриятида фаол қўлланилиб, шеърий тилнинг тантанаворлиги, кўтаринкилигини таъминловчи *абр* (булут), *андух* (ғам) *анбар* (хушбўй), *агёр* (бегона), *бахр* (денгиз), *битик* (ёзув), *бода* (май), *гардун* (осмон), *гирён* (нола), *дудог* (лаб), *забун* (аянчли), *кабир* (катта), *кавқаб* (юлдуз), *каманд* (сиртмоқ), *кишвар* (мамлакат), *махваш* (ойга ўхшаш), *мубҳам* (ноаник), *фараҳ* (хурсандчилик), *фарёд* (нола), *шамс* (қуёш), *гаддор* (сотқин), *ганим* (душман), *горат* (талон-тарож) ва бошқа анъанавий сўзлар поэтик нутқ хусусиятларини рўёбга чиқишга қўмаклашувчи лексик воситалардир” [5.18]. Бундай ҳолатни морфологик шаклларнинг қўлланишида ҳам кузатиш мумкин. Шеърий нутқда сўзнинг жозибаторлигини ошириш мақсадида морфологик шаклларнинг турли – эскирган, диалектал кўриниши ҳам қўлланади: *аталар* – *аталур*, *олар* – *олур*: *Ўзбекистон дея аталур*, *Уни севиб эл тилга олур* (Ҳ.Олимжон. Ўзбекистон). *Менинг* – *маним*: *Ўзбекистон – ватаним маним*. (Абдулла Орипов. Ўзбекистон). *Айтади* – *айтажак*, *қўрар* – *қўражак*: *Мен кўрмаган бахтни кимдир қўражак*, *Мен айтмаган сўзни айтажак* кимдир. (Абдулла Орипов. Ўзимни мозийнинг бағрига.) *босиб* – *босароқ*: “*Қон*” *дея*, “*қон*” *дея босароқ* *кечмишдир* (Ғафур Ғулом. Турксиб йўлларида.). Кўринадики, вариантдорлик меъёри шеърий нутқда кенг қамровлилиги билан характерланади.

Вариантдорлик бадиий нутқнинг шеърий кўринишида кўпроқ намоён бўлар экан, бунда ҳар бир ижодкорнинг индивидуал услуби, бошқача айтганда, индивидуал, хусусий меъёри ҳам муҳим роль ўйнайди. Поэтик нутқ лексикаси бўйича монографик тадқиқот ишини бажарган Б.Умуркулов юқорида номи келтирилган ишида замонавий ўзбек ижодкорлари лексиконида хосланган бирликларни алоҳида ажратиб кўрсатади. Айрим мисол келтирамиз.

Ғ. Ғулом шеърий нутқига кўпроқ хосланган поэтик сўзлар: *улугвор*, *устод*, *моҳрўй*, *аро*, *завол*, *шафақ*, *гулгун*, *тамуғ*, *дарёдил*, *элдош*, *он*, *сарзамин*, *лолагун*, *болқар*, *дўстпарвар*, *сарбасар*, *сузук*, *нилий*, *инмоқ*, *албат*, *биллури*, *югурик*, *ишқпарвар*, *интиқом*, *ёвюрак*, *доғули*, *сузгун*, *оташин*, *оташипора*, *жондош*, *хаёлот*, *бўса*, *сарин*, *башар*, *букун*, *нома*, *насим*, *махзун*, *қадамдош*, *жаҳоний*, *меҳнатобод*, *азмкор*, *чароғ*, *сарафроз*, *абодия*, *бахтнома*, *меҳнатобод*, *тева*, *залвардор* ва бошқа.

Э.Воҳидов шеърий нутқига кўпроқ учрайдиган сўзлар: *нидо*, *ҳилол*, *мовий*, *наҳр*, *лек*, *ишваноз*, *канора*, *жонфизо*, *жилвакор*, *қуёшистон*, *фараҳ* каби.

А.Орипов шеърий нуткида учрайдиган поэтик сўзлар: *пурвиқор, сарбаланд, рутубат, рутубатли, сархуш, забун, нисор, абас, елдирим, елвагай, маним, жаҳаннамий, қамар, кузак, маҳваш, ногоҳ, қўлдош, гурурдош, елкадош, ўлкадош, қондош* каби [6.32].

Ижодкорнинг индивидуал меъёри, албатта, умумий меъёрга бўйсунди ва унинг доирасида амал қилади. Масалан, окказионал ясалма бўлган *меҳнатобод, бахтнома, залвардор* сўзи Ғ.Ғулом шеърий нутки учун хос ва адабий тил меъёри нуқтаи назаридан окказионал. Бироқ бу ясалма тегишли, ижтимоий хосланган деривацион қолип асосида вужудга келтирилганлиги билан умумий меъёр доирасида сақланади. Буни А.Ориповнинг *қўлдош, гурурдош, елкадош, ўлкадош* каби окказионал ясалмаларида ҳам кузатиш мумкин.

Сўзларнинг окказионал маъно касб этиши ҳам ижодкор индивидуал меъёри сифатида намоён бўлган умумий меъёрнинг кўринишидир. Сўзларнинг фавкуллода кўчма маънода ишлатилиши, аввало, ижодкорнинг тафаккури ва, колаверса, тил имкониятидан қай даражада фойдалана билиши билан белгиланади. *Сеп* сўзи узатилувчи қизга бериладиган бисот маъносида адабий меъёрга мос келади. Бироқ шеърий нутқ меъёри уни кўчма маънода фикрнинг бадий бўёқдорлигини ошириш учун қўллашга “изн” беради:

*Урушдан қайтган голиб отадек, Қатор теваларга сепини ортиб,
Қўни-қўнжи тўлиб сахий куз келди. Мардликнинг юртига етук куз келди.* (Ғ.Ғулом. Куз келди)

Сўзларнинг окказионал қўлланиши, окказионал маъно, албатта, окказионал бирикувларни ҳам келтириб чиқаради. Шеърий нутқ меъёри бундай синтактик боғланишга имкон беради ва шоир индивидуал меъёри бу имкон доирасида турли-туман бирикувларни вужудга келтиради.

*Шарқнинг азамат фили залвардор хартуми-ла Ниҳоят эрк қарвони қардошлик юкин ортиб,
Тўймас қари арслоннинг белини букажасқидир. Мазлум халқлар кулбаси олдида чўкажасқидир.*

(Ғ.Ғулом. Инсоният байрами)

Мисралардаги *азамат, фил, хартум, тўймас, қари, арслон, бел, букмоқ, қарвон, юк, кулба, чўкажасқ* сўзлари ифодаловчи сифатида кўчма – окказионал маъно юкни зиммасига олган ва ўз ўрнида окказионал боғланишни вужудга келтирган. Бир қарашда “нумувофик” туюладиган бу ҳолат асло синтактик меъёрга хос “маъно ва грамматик мувофиқлик” мезони талабидан ташқарида эмас.

Шеърий меъёр вазн, мавзу ва ижодкорнинг эстетик талаби билан ҳам адабий тил меъёридан “ташқарига чиқади”. Масалан, арузда битилган замондош шоир ижодида архаик вариантлар кўпроқ кўзга ташланади. Бу ҳолатни Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ғазалларида кўплаб кузатиш мумкин ва бу вазннинг тарихийлиги омили билан белгиланади. Бироқ Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, арузга ружу қўйиш шеърий, бадий ва ўз-ўзидан адабий меъёр чизигидан чиқишга олиб келади. Танқидчи шоир Собир Абдулла шеърини таҳлил қилар экан, унинг нафакат меъёрдан, балки “куюшқон”дан чиққанини таъкидлайди: “...бу хилдаги шеърларни ўртача эмас, ҳатто юқори савияли китобхон ҳам лугат кўрмасдан ўқиёлмайди. Масалан, *раъд, тўғро, мизроб, ғоза, гулфом, оғоз, гизо, гумбази даввор...*” Собир Абдулла ишлатган араб-форс сўзларининг кўпчилиги халқ мутлақо ишлатмайдиган, ҳатто тайёргарлиги бор китобхонни ҳам лугат кўришга мажбур қиладиган сўз, шунинг учун бу ўн олти сатрдан 7 тасини китобхон тушунмайди [7.71-72].

Хулоса қилиб айтганда, бир қарашда “эгилувчан”дек туюладиган шеърий нутқ меъёри ҳам, иккинчи томондан қаралганда, қатъий бўлиб, унда адабий-бадий меъёр ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Бунда матннинг умумий яхлитлигини таъминловчи мантикийлик муҳим роль ўйнайди. Шеърий нутқ меъёри адабий тил меъёрининг барқарорлик хоссасини мўътадил ва вариантдорлик белгисини насрий нутққа нисбатан кенг камровли ҳамда образли кўринишда воқелантириши билан характерланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Адабий норма ва нутқ маданияти. –Т., 1983. –Б.26-27.
2. Зикриллаев Ғ.З. Истиклол ва адабий тил: монография. –Т.:Фан, 2004.
3. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. –Т.:Фан, 1991.
4. Миртожиев М., Махмудов Н. Тил ва маданият. –Т.:Ўзбекистон, 1992. Истиклол ва она тили қурилиши талқини ҳамда таълими (тўплам). Масъул муҳаррир: Неъматов Ҳ.Ғ. –Бухоро:НС, 1998.
5. Тўхтасинова О.Ю. Ўзбек тилида лексик окказионализмлар ва уларнинг бадий-эстетик хусусиятлари: филол.фан.номз. ...дисс.автореф. –Т., 2007. –25 б.
6. Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси: монография. –Т.:Фан, 1990.
7. Қаҳҳор А. Гап арузда эмас / Асарлар: 5 жилдлик. [Редкол.: Ў.Умарбеков ва бошқ.] Ж.5. Ҳақ сўзнинг кучи: Мақолалар. Сухбатлар. Қайдлар. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.

Шеърий нутқда “Лисон-меъёр-нутқ” трихотомиясининг воқеланиши хусуси
Шодмонова Д.Э. Қарши давлат университети

Резюме. Мақолада адабий тил меъёри, шунингдек шеърий нутқда лисон-меъёр-нутқ учлигининг намоён бўлиши ҳақида фикр юритилган. Чунки лисоннинг ҳар доим нутқ шароити, нутқ услуби, нутқ тури (адабий, диалектал) кўринишига қараб турлича воқеланишига гувоҳ бўламыз. Ана шу ҳолат лисоннинг нутқий воқеланиши шунчаки “лисон – нутқ” кўринишида эмаслигини, бунда лисон ва нутқ оралиғида меъёр борлигини кўрсатади.

Таянч сўзлар: Адабий меъёр, бадий меъёр, индивидуал меъёр, вариантдорлик, поэтик сўзлар, лексик воситалар, морфологик шакллар, окказионал маъно.

К вопросу о функционировании трихотомии «язык-норма-речь» в поэтическом тексте

Шодмонова Д.Э. Қаршинский государственный университет

Резюме. В статье раскрывается различие норм художественного стиля от других стилей своей многогранностью и сложностью. В связи с тем, что мы каждый раз становимся свидетелями разнообразной реализации, зависящей от речевых условий, рода речи, (литературного, диалектного), отмечается, что это явление указывает на то, что здесь между языком и речью есть нечто составляющее промежуточное положение, называемое в лингвистике “нормой”.

Ключевые слова: литературная норма, художественная норма, индивидуальная норма, вариантность, стихотворные слова, лексические средства, морфологические формы, окказиональный смысл

*About the occurrence of trichotomy "Language-norm-speech" in poetic speech
Shodmonova D.E. Karshi State University*

Summary. The article reveals the difference between the norms of the artistic style and other styles by its versatility and complexity. Due to the fact that, every time we become witnesses of various realization, depending on speech conditions, kind of speech, (literary, dialectal), it is noted that this phenomenon indicates that here between language and speech there is something constituting an intermediate position called "norm" in linguistics.

Key words: literary norm, artistic norm, individual norm, variability, poetic words, lexical means, morphological forms, occasional meaning

ЎҚУВЧИЛАРДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САМАРАЛИ МЕТОДЛАР

¹Аманова А.А., ²Султанова В.К., ²Кошкарлова У.О.

¹Қорақалпоқ давлат университети

²Қорақалпоғистон тиббиёт институти

Бугунги кунга келиб ривожланган мамлакатларда бўлгани каби бизда ҳам мулоқотга бўлган эҳтиёжнинг кучайганлиги аён бўлмоқда. Бу ўз навбатида ўсиб келаётган ёш авлодда мулоқот маданиятини шакллантиришни тақозо қилмоқда. Ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришда театрлаштирилган дарслардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришда театрлаштирилган дарслардан фойдаланишнинг самарадорлиги қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

Театрга бўлган қизиқишнинг асосий қўлами ва йўналиши ҳар доим инсоний ҳамда инсон ва олам муносабатлари асосида қурилганлигидир. Чунки, худди мана шу асосни ўйин тарзида сахна асарлари орқали англаш мумкин. Ўз касбий фаолияти тақозоси билан ўқитувчи ҳар доим ўзаро алоқалар ва ҳамкорлик муҳитида ишлайди [2, 7]. У гоҳ ўқувчилар билан, гоҳ ҳамкасблари билан ишчан мулоқот ўрнатади. Шу билан бир қаторда, у дарс берадиган ўқув предмети мазмунида ўзаро ҳамкорликка асосланган тадқиқотларнинг натижалари намоён бўлади. Бу муносабатлар айниқса бадиий асар қахрамонлари мисолида яққол ифодаланади;

Сўнгги йилларда ўқув жараёнини оптималлаштириш мақсадида сахна асарларидан фойдаланиш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Сахна асарларида болалар ва катталар тимсолида ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари намоён бўлади. Биз бу дарсда моделлаштириш ўйинлари, акс этган воқеликни яратиш ва тадбиқ этиш ўйинлари, ролли ўйинлар, нарсас-буюмлар билан ўйин, якка ва жамоавий ижодкорни уйғунлаштириш моделлари, фикрнинг вужудга келиши ва тадбиқ этилиши модели, фикрларнинг ўзаро алоқадорлиги ва улар асосида янгиларининг туғилиши, фикрни турли томондан, турли тил воситалари ёрдамида таҳлил қилиш, билганларини долзарблаштириш, томошабинларнинг ҳиссиётига таъсир этиш ва уларни ўйин жараёнига жалб қилиш кабилар метод ва усуллардан фойдаландик.

Шу мақсадда ўқитувчиларнинг ўқув жараёнида сахна асарларидан фойдаланиш технологияларини қўллаш орқали ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантириш маҳоратини ҳам аниқлашга ҳаракат қилдик. Мазкур дарснинг вазифаси ўқитувчиларнинг ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришга йўналтирилган ижодий қувватларини ривожлантириш, бунда ўзининг ижодий имкониятларини ҳис этиш ҳамда самарали ўзаро алоқадорлик технологияларни қўллаш соҳасидаги маҳоратини ҳам аниқлашдан ҳам иборат. Сермаҳсул таълим муҳитини вужудга келтиришга оид ижодий кўникмаларни шакллантириш, бунинг учун дарсда сахна асарларидан унумли фойдаланиш орқали ўқувчиларда мулоқот маданиятини самарали шакллантириш мумкин [4,9]. Биз бундай таълим жараёнини ташкил этиш учун 4 та вариант ва битта таянч модулдан фойдаландик:

Таянч модул сифатида сахна асарлари ёрдамида ўқитувчининг ижодий психотехникаси тренинги ташкил этилди: **1. Дастлабки модул** ўқитувчининг касбий фаолиятида артистлик маҳорати асослари ва режиссурасининг намоён бўлиши. **2. Иккинчи модул** адабиёт дарсларида ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида сахна асарларидан фойдаланиш технологияси. **3. Учинчи модул** компьютер техникаси ва анимациялардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга ахборотларни узатиш асосида уларнинг мулоқот маданиятларини шакллантириш имкониятларини кенгайтириш. **4. Тўртинчи модул** сахна асарлари ёрдамида фанлараро интеграцияни амалга ошириш орқали ўқувчиларда мулоқот маданияти кўникмаларини шакллантириш. Ўқитувчи ўқувчиларда мулоқот маданиятини самарали шакллантириш учун ўқув материаллари таркибига уларнинг нутқини бойитувчи, ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантирувчи машқ ва топшириқларни киритиши керак.

Тажриба-синов жараёнида ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришга хизмат қиладиган ўйин дарсидан ҳам фойдаландик. Бу дарснинг мақсади ўқувчиларда мулоқот маданияти кўникмаларини шакллантиришда ўйин, ўйинга асосланган дидактик вазиятларнинг аҳамиятини очиб беришдан иборат. Дарс мавзуси муайян мақсадга йўналтирилганлиги билан характерлидир. Бундай дидактик вазиятни биз 5-6-синф ўқувчилари билан ташкил қилдик. Машғулот мазмуни қуйидагича: 1. Ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришда ўйиннинг аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаш. 2. Она тили дарсларида дидактик ўйинлар. 3. Машғулотнинг методик қисми, яъни ўйин машғулотининг муайян моделга асосланган тавсифи.

Маълумки, ўқувчиларда мулоқот маданияти кўникмаларини шакллантиришда ўйинга асосланган дидактик вазиятлар муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, ўйинларда тасодифий ҳолатлар бўлмайди. У барча халқларнинг маданий-маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ўйинлар инсон табиати, турмуш тарзи ва бошқа характерли жиҳатларининг объектив ҳолатини ўзида мужассамлаштиради. У иштирокчилар тимсолида хулқ-атворнинг юксак шакллари намоён қилади.

Ўйинларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири – барча иштирокчиларнинг ўйин қоидалари ва шартларида бўйсунитиш зарурлигидадир. Бу ўқувчиларда ўзига хос хулқ-атвор меъёрларини таркиб топтириш имконини беради [3,5]. Биринчи навбатда ўйин ёрдамида ўқувчиларда онгли, ақл-идроққа асосланган хулқ-атвор кўникмалари таркиб топади.

Дидактик ўйинлар ўқувчи тафаккурини шакллантирувчи ўзига хос мактаб ҳамдир. Чунки, тафаккурнинг барча кўринишлари муайян қийинчиликларга жавоб топиш, атроф-муҳит ҳодисалари билан тўқнашишларини бартараф этиш жараёнида ҳосил бўлади. Бундай мураккабликлар мавжуд бўлмаган вазиятларда ўқувчиларнинг ҳаракатлари енгил кечади, лекин улар бу жараёнда мантикий фикрлашга эҳтиёж сезмайдилар ва мавжуд тажрибаларга таянган ҳолда ҳаракат қиладилар. Кутилмаган, янги комбинациялар вужудга келганда ўқувчилардан ҳам янги комбинациялар ва муносабатлар талаб қилинади. Бундай вазиятда ўқувчилар ўз фаолиятларини жадаллик билан қайта қуришлари лозим. Бу ўринда улар тафаккур қиладилар ва хулқ-атворнинг янги кўринишлари босқичига қирадилар. Тажрибанинг ўта мураккаб шакллари намоён қилиш натижасида ўқувчилар муайян танлов кўникмаларига эга бўладилар. Улар кўплаб имкониятлар орасида мақсадга мувофиқини танлашга интиладилар.

Ўйин жараёнидаги мусобақа муҳити ҳар бир ўқувчида ишчанлик кўникмасини ривожлантиради. [1.5] Мактаб амалиётида дарсни ўйин тарзида ташкил этиш ўқитувчидан ўзига хос методик маҳоратни талаб қилади. Ўйин машғулотларини тўғри ташкил этиш учун ўқитувчи қуйидаги шартларга амал қилиши лозим: 1) ўйинлар дарсининг ўқув-тарбиявий мақсадларига мос келиши; 2) ўйинлар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланиши; 3) дарсларда ўйинлардан ўртача миқдорда фойдаланишга амал қилиш кабилар.

Она тили ва адабиёт ўқув предмети бўйича синфдан ташқари ўтказиладиган турли тадбирлар жараёнида ҳам дидактик ўйинлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай ўйин машғулотларини турли синфларда ўқийдиган ўқувчилар орасида ҳам ташкил этиш мумкин. Она тили ва адабиёт фанига 5-синфда жами 9 соат вақт ажратилган. Ўқувчилар ўқитувчи билан ҳар куни бир-икки марта учрашиб тил воситалари ва бадиий асарларни ўрганадилар ҳамда мулоқот жараёнига киришадилар. Худди мана шу ўринда ўқувчиларда мулоқот кўникмаларини шакллантиришда ўқитувчига дидактик ўйинлар яқиндан ёрдам беради. Ўқитувчи ўқувчиларни мураккаб, катта масалаларни ўзлаштиришга қизиқтиради, ўқув материалларини яхши идрок этишга ундайди. Бунда унга дидактик ўйинлар қўл келади. Масалан: Дарс мавзуси: Сўз бирикмаси ва гап.

Дарсининг мақсади: 1) нутқнинг муҳим бирлиги бўлган сўз бирикмаси ва гапнинг аҳамиятини очиш; 2) ўқувчиларни сўз бирикмасининг ўзига хос белгилари билан таништириш.

Дарсининг бориши.

Кўринарли жойда компьютер воситасида сўз бирикмаси ва гапнинг таърифи акс этган слайд пайдо бўлади. Мазкур слайда сўз бирикмаси ва гапнинг ўзига хос грамматик белгилари тавсифланади.

Ўқувчиларга синтаксис тилшуносликнинг муҳим бўлими сифатида сўз бирикмаси, гап ва матннинг қурилиши ва нутқдаги аҳамиятини ўргатиши тушунтирилади.

Ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Синтаксис сўзи қандай маънони англатади?

Ўқувчилар қуйидагича жавоб берадилар: Бу тилшуноснинг биз ўрганишни бошлаган мустақил бўлими. Уни ўрганиш натижасида биз сўз бирикмалари, гаплар ва матнлар тузишни ўрганамиз.

Ўқувчилар қўлларига ручка оладилар ва ёзишга чоғланадилар. Шу вақтда бўйинларига ёзувли тахтачалар осилган ўқувчилар синфхонасига югуриб қирадилар. Бу тахтачаларда ҳар бир ўқувчи айтиши керак бўлган сўзлар ёзилган бўлади. Ўқитувчи ҳайрон қолган тарзда уларга юзланади ва «Сизлар кимсизлар?», деган савол билан мурожаат қилади.

Ўқувчилар «Биз сўзлармиз», дея жавоб берадилар.

Ўқитувчи: «Сизлар нимадандир хафамисизлар?».

Ўқувчилардан бири: Ҳа, шундай, лекин аввал ўқувчилар саволга жавоб берсинлар, дея таъкидлайди: «Инсонларга сўзлар нима учун керак?».

Ўқувчилар: Мулоқотга киришиш учун, деб жавоб берадилар.

Сўз тимсолидаги ўқувчилар: «Балки ҳар бир сўз алоҳида тарзда қандай маънони англатишини билишнинг ўзигина мулоқотга киришиш учун етарли эмас. Яна бошқа нарсалар ҳам зарурдир?». Ўқитувчи ёрдамида ўқувчилар: «Сўзларни мувофиқлаштириш учун», деб жавоб берадилар.

Сўз тимсолидаги ўқувчи: «Тўғри. Ачинарли жиҳати шундаки, биз гапнинг қандай тузилишини ҳам билмаймиз, ҳаттоки, сўз бирикмасини ҳам туза олмаймиз. Бизга ёрдам беринг. Сиз биласизми, сўз бирикмаси нима?».

Ўқувчилар: сўзларнинг бирикуви, деб жавоб берадилар.

Ўқитувчи: Тўғри. У ўқувчиларнинг эътиборини сўз бирикмасининг таърифи ёзилган слайдга жалб қилади. Шундан кейин ўқитувчи сўз тимсолидаги ўқувчиларга мурожаат қилади: «Қани бу ёққа келинлар-чи Ёрқинлар ва Япроқлар».

Танланган сўзлар бир қадам олдинга чиқадилар.

Ўқитувчи уларга мурожаат қилади: «Ўқувчилар япроқлар ёрқин бўлиши мумкинми?».

Ўқувчилар: Ҳа, бўлиши мумкин.

Ўқитувчи: «Унда бу сўзларни маъноларига кўра бир-бирларига боғлаш мумкинми? Менимча бу ерда нимадир етишмаяпти. Бу нима?».

Ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида: «Бизнингча бу грамматик боғланиш».

Ўқитувчи: «Қандай айтса тўғри бўлади?»

Ўқувчилар: Ёрқин япроқлар.

Ўқитувчи: «Тўғри».

Шундан кейин ўқитувчи слайдлар ёрдамида яна бир марта сўз бирикмасининг мантикий ҳамда грамматик жиҳатдан алоқадорлигини ўқувчиларга тушунтириб беради. Жумладан, ўқитувчи: «Бошқа сўзлар билан нима қилиш керак?».

Сўзлар: «Биздан гап тузиб олинг», деб жавоб берадилар.

Ўқитувчи: «Бунинг учун ...».

Ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида жавоб берадилар: «... сўзларни аниқ тартибда жойлаштириб, мазмуни ва грамматик жиҳатларига кўра боғлаш лозим».

Ўқувчилар гап тузадилар. Сўзлар зарур тартибда жойлаштирилади. Ўқитувчи эса зарур ўринларда қўшимчаларни ўзгартиради. Шундан кейин ўқитувчи слайд ёрдамида сўз бирикмалари ва гаплар синтаксис бирлик эканлигини тушунтириб беради. Ўқувчилар билан биргаликда сўз бирикмаси устида ишлашга киришадилар.

Биз тажриба-синов ишлари жараёнида ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида диалог усулидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик ва бунинг учун дастлаб диалог мавзусига мурожаат қилдик. Диалог усулига асосланган дарснинг мақсади: 1. Ўқувчиларни диалог тушунчаси билан таништириш, жавоб, эътироз, лўқма ташлаш тушунчаларидан хабардор қилиш; 2. Диалог жараёнида белгилар қўйиш кўникмасини таркиб топтириш; 3. Ўқувчилар нутқи ва мулоқот маданияти кўникмаларини ривожлантириш, матнни ролларга бўлган ҳолда ифодали ўқишга ўрганишларига шароит яратиш.

Ўқитувчи ўқувчиларга дарс мавзуси «Диалог» эканлигини маълум қилади ва улар олдига «Диалог нима?», деган саволни қўяди. Ўқувчилар слайддан диалогнинг таърифини ўқийдилар. Ўқувчилардан бири, яъни Анвар қуйидагича фикр баён қила бошлайди: «Мен дарсдан кейин ўртоғим Аҳмадни олдига бордим. У қуёнларни парвариш қилар эди. Сен қуёнларни қандай парвариш қиласан?»

Аҳмад: «Мен уларнинг уйчасини тозалайман. Карам, сабзи, ўтлар билан боқаман».

Ўқитувчи ўқувчиларга мурожаат қилиб: суҳбатда неча киши иштирок этди, деб сўради.

Ўқувчилар: иккита, деб жавоб бердилар.

Ўқитувчи: бундай суҳбат қандай номланади?

Ўқувчилар: диалог, деб жавоб бердилар.

Ўқитувчи ўқувчиларга суҳбат жараёнида уч, тўрт ва ундан ортиқ ўқувчилар иштирок этган тақдирда ҳам бундай суҳбатлар диалог бўлишини тушунтиради.

Ўқувчиларда мулоқот маданияти кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёнида уларда мулоқот маданияти кўникмалари шаклланади, суҳбатдошига мурожаат қилиш техникасига эга бўлади, мулоқотнинг ижтимоий моҳиятини англаб етади, ижодий жиҳатдан ўз-ўзини бошқариш кўникмасига эга бўлади, ролли мавқеларни алмаштира олиш кўникмаларини намоён қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Берн Э. Игры, в которые играют люди. - СПб.: Лениздат, 1992.
2. Ильев В.А. Технология театральной педагогики в формировании замысла школьного урока: Учебное пособие для учителей средних школ и студентов педагогических институтов. - М.: Прогресс, 1993.
3. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. - М.: Народное образование, 1998.
4. Юстус И.В. Мир глазами театра: Программа, методические рекомендации (1-11 кл.). - Ульяновск, 1997.

Ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришга йўналтирилган самарали методлар

Аманова А.А. Қорақалпоқ давлат университети

Султанова В.К., Қошқарова У.О. Қорақалпоғистон тиббиёт институти

Резюме. Мақолада ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантириш учун ролли ўйинлар, ўйин топшириқлари, танлов дарслари, саёҳат дарслари каби дарснинг турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ёритиб берилган. Ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришда театрлаштирилган дарслардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчиларда мулоқот маданияти кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёнида уларда мулоқот маданияти кўникмалари шаклланиши, суҳбатдошига мурожаат қилиш техникасига эга бўлиб, мулоқотнинг ижтимоий моҳияти очиб берилган.

Калит сўзлар: мулоқот маданияти, ролли ўйинлар, ўйин топшириқлари, танлов дарслари, саёҳат дарслари, театрлаштирилган дарслар, ўқувчилар.

Эффективные методы, направленные на формирование у студентов культуры общения

Аманова А.А. Каракалпакский государственный университет

Султанова В.К., Қошқарова У.О. Каракалпакский медицинский институт

Резюме. В статье подчеркивается целесообразность использования различных типов уроков, таких как ролевые игры, игровые задания, соревновательные уроки, уроки-путешествия, для формирования у учащихся культуры общения. Отмечено, что использование театральных уроков особенно важно в формировании культуры общения у учащихся. В процессе обучения у них происходит формирование коммуникативных навыков, раскрывается техника обращения к собеседнику, социальная значимость общения.

Ключевые слова: культура общения, ролевая игра, игровые задания, уроки-путешествия, театральные уроки, ученики

Effective methods aimed at developing communication culture among students

Amanova A.A. Karakalpak State University

Sultanova V.K., Koshkarova Yu.O. Karakalpak Medical Institute

Summary. The article emphasizes the expediency of using various types of lessons, such as role-playing games, game tasks, competitive lessons, travel-lessons, to form communication culture among students. It is noted that the use of theater-lessons is especially important in the formation of communication culture among students. In the learning process, which is aimed at the formation of communicative skills in students, they develop communication skills, reveal the technique of addressing the interlocutor, the social significance of communication.

Key words: culture of communication, role play, game tasks, travel lessons, theater-lessons, students

УДК: 894.375:8-311.2

ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА УЙГУНЛАШУВ ЖАРАЁНИ

Султонова Н. Н.

Қариш давлат университети

Замонавий адабиётда бадий компонентларнинг модификацияга учраши бевосита қандайдир бадий аъёнлар билан боғлиқ. Замонавий эстетик талаб ва эҳтиёжлар, муаллиф лабораторияси, ғоявий мақсадига кўра модификация хилма-хил компонентлар кесимида намоён бўлиши ёки бу жараён кўламдор тарзда юзага чиқиши, бир эмас, бир нечта бадий компонентлар доирасида юз бериши, натижада жанр модификациясидек кўламдор ҳодисалар майдонга келиши мумкин. Мустақиллик даврига келиб, Абдулла Қодирий бошлаб берган, кейинчалик европа ва рус романчилиги таъсирида шаклланиш ва такомил босқичларини босиб ўтган аъёновий романчиликда сезиларли шакл-мазмун ўзгаришлари кўзга ташлана бошлади. Мутахассисларнинг фикрларига кўра, А.Қодирий романларида европада “вальтер-скоттча” роман номи билан машхур бўлган тарихий романчиликка хос структуравий хоссалар сезилади. “XX асрнинг 30-йилларида “В.Скотт романи” рус адабиётига кириб келди ва ўзи учун янги бўлган адабий-поэтик муҳитга мослашди, янги сифат, хусусиятларга эга бўлди. – ёзда бу ҳақда адабиётшунос Ғ.Муродов. – А.Пушкиннинг “Капитан қизи”, Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” эпик асарларида “шотланд сеҳргари” (В.Скотт назарда тутилмоқда) мактабининг ижодий таъсири мавжуд. “В.Скотт ” романи таъриба ва аъёнлари XX аср сўз санъати, жумладан, *Марказий Осиё тарихий романчилиги таърибасида ҳам давом этди*. Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Чўлпон, Ойбек эпик ижодида бундай адабий-бадий ворисийликни кўришимиз мумкин” [1, 12].

Бу илмий ахборотнинг бизнинг мавзуйимизга алоқадор жиҳати шундаки, бадий модификация ҳодисасининг биринчи тарихий омили – бу, адабий аъёна ҳисобланади. Дастлаб рус прозасига таъсир ўтказиб, Пушкин, Толстой тарихий романлари структурасининг шаклланишига олиб келган В.Скотт аъёнлари Ғ.Муродов тўғри таъкидлаганидек, ўзи учун янги бўлган адабий-поэтик муҳитга мослашди, янги сифат, хусусиятларга эга бўлди. Бу дегани бирон бир жанр ёки жанр компонентлари ташки прозаназлиқ аъёнларини миллий насрчилик шаклларида сингдирган ҳолда ўзгача шакл-мазмун ҳосил қилса, турланса, шакл-ҳолатини ўзгартирса, модификация ҳодисаси юз берган ҳисобланади. Бу ҳолат нафақат эпик тур ёки роман жанрида, шу билан биргаликда бошқа тур ва жанрлар доирасида ҳам содир бўлиши мумкин.

“Вальтер-скоттча” роман ўз мазмун моҳиятига кўра тарихий шахсни эмас, тарихий воқеани роман марказига қўйиб тасвирлайди. Унда ҳаракатланаётган образлар гуруҳлари эса хаёлий-тўқима, ёки миллий фольклор ривоятлари, достонларига ўхшатма образлар бўлиб, тарихий воқеликни ёритиб беришда поэтик восита вазифасини ўтайди. А.С.Пушкиннинг “Капитан қизи” романи тарихий Пугачёв кўзғолони воқеаларига бағишланган бўлиб, асар марказида тасвирланган Гринёв, Маша, маёр Миронов ва бошқа образлар “вальтер-скоттча” роман образларига хос умумий хусусиятларни қабул қилади. Шу тарзда роман олдига қўйилган муаллиф ғояси очилади.

Ўз фаолиятини тарихий романчиликдан бошлаган ўзбек романининг илк намунасида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. “Ўтмишнинг энг қирлиқ ва қора даври, сўнгги хонлиқлар замони” бўлган тарихий даврни эпик тасвирлашга бел боғлаган А.Қодирий европа ва рус романчилигининг В.Скотт, А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой аъёнларидан фойдаланиб, миллий романчиликка асос солди. Бир сўз билан айтганда, миллий эпик тафаккурда мавжуд бўлган “Тоҳир Зухролар”, “Фарҳоду Ширинлар”, “Чор дарвеш”лар қиссаси А.Қодирий қалами остида замонавий шакл-шамойил олди. Мана шундай ошқона (романтик) сюжет аъёнлари тарихда бўлиб ўтган воқеалар, Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Ўзбек оғим, Ҳомид образлари, тарихий шахслар ҳисобланган Худоёрхон, Мусулмонқул, Нормухаммад кушбеги каби образлар билан бадий муносабат ҳосил қилиб ўз шакл-хоссасини ўзгартирди.

Кейинги давр қодирийшуносларнинг талкинларига кўра миллий ривоят жанрларининг модификацияга учраши фақат фольклор аъёнлари билан чегараланмайди. Бунда ўзбек заминига минг йиллар олдин кириб келган ислом дини ва унинг муқаддас китоби бўлган Қуръони карим қиссаларининг ҳам жиддий таъсири ва ҳиссаси бор. Адабиётшунос Узоқ Жўрақулов ўзининг “Биринчи ўзбек романи – “Ўткан кунлар” номли монографик тадқиқотида қайд этишича, Қодирий романи сюжети Қуръони каримда зикр этилган Одам ато, Момо Ҳаво ва иблис учлиги ўртасида содир бўлган воқеа, “илк сюжет” асосида шакллантирилган ёзувчининг ислом муҳитида шаклланиши, Қуръони карим ва шарият аҳкомлари асосида тарбиялангани, бу илмларни

мукаммал билиши романнинг шундай янги шакли майдонга келишига олиб келган. Олимга кўра, мана шу уч образ ўртасида кечадиган севиш, севилиш ва рақобатдан иборат воқеалар умуминсониятга хос. А.Қодирий шу сюжет асосида ўз давридаги ошиқ ва маъшук ҳолатини восита қилиб сиёсий, ижтимоий, маиший ҳаётимиздаги шайтанат найранглари тасвирлаган. Қуръонда айтилганидек, шайтанат олдиндан мавжуд ва абадий мавжуд бўлиб қолади. Ҳар бир замон, давр эпик тафаккур эгалари ўз ижтимоий даврларига хос мана шундай сиёсий, ижтимоий ва маиший шайтанат дунёсини қандайдир даражада акс эттирадилар. Аммо А.Қодирий романида бу жараён аниқ, умуминсоният турмушининг бир “кичик модели”дек тасвирини топган [2].

“Инкор қилмаймиз, - деб ёзади бу ҳақдаги хулосасида олим, - Қодирий даврида ҳам, ундан олдин, ундан кейин ҳам жаҳон романчилиги ўз ўқувчиларига қатор оригинал сюжетларни тақдим этди. Европа, Америка, рус, украин, турк, араб, эрон, озарбайжон, арман, грузин, козок, қирғиз ва бошқа халқлар романчилигида жаҳон адабиётшунослари томонидан юсак баҳоланган, ҳисобсиз ўқувчиларига эга бўлган, асрлар оша яшаб келаётган романлар оз эмас. Аммо буларнинг бирортаси, биз илгари сурган самовий, умумбашарий мезонлар билан ўлчанганда, Қодирий романига тенглаша олмайди. Зотан бундай оригинал сюжет асосида минг йиллик шарқ-ислом анъаналари, хусусан, ўзбек халқининг теран илдизларга эга маънавий заҳиралари туради” [3, 164].

У.Жўракуловнинг бу фикрларини бадиий модификация ходисасига татбиқ этадиган бўлсак, А.Қодирий романининг Пушкин ва Толстой романларидаги сингари бир қатламли модификацион қамровга эмас, балки фольклор ва диний асосга эга икки қатламли модификацион қамровга эга эканлиги аниқ бўлади.

Академик Н.Каримовнинг ёзишича: “Чўлпон октябр ўзгариши арафасидаги Ўзбекистонда юзага келган тарихий шароит ва “синф”лар нисбатини икки сюжет (1-чирик – Зеби, Қурбонбиби, Раззоқ сўфи, Эшон бобо образлари чизиги; 2-чирик – Мирёкуб ва унинг атрофидаги Акбарали мингбоши, нойиб, Мария образлари) чизигининг тасвири орқали кўрсатиб берган. Маиший воқеалар силсиласи билан бошланган роман, пировардида, XX асрнинг 10-йилларида яшаётган Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий манзараларини яққол мужассамлантирувчи асар даражасига кўтарилган” [4, 164].

Дарҳақиқат, “вальтер-скоттча” роман анъаналари А.Қодирийдан кейинги ўзбек романчилигида ҳам муайян насрий назиранивислик тарзида давом этди. Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи фақат бир қарашда нотарихий роман бўлиб туюлади. Аммо Чўлпон романида акс эттирилган тарихий воқеалар Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг дастлабки даври сифатида А.Қодирий романидаги тарихий даврнинг давоми ҳисобланади. Кейинги замон хонларининг бўшанглиги, лоқайдлиги сабабли маънавий қашшоқликка олиб келинган, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти замонавий мамлакатлардан ортда қолган Туркистон XIX аср охири, XX аср бошларига келиб, тетапоё тарзида бўлса-да янгилашиш ва ислохот йўлига қира бошлаган эди. А.Қодирийнинг дунёдаги ўзгаришларни кўриб хонга шикоят қилиш учун қирмоқчи бўлган Отабек образидек бу ғоя учун асос яратилган эди. Чўлпон мана шу ғояни конкретлаштирди. Тарихий замонда, оқ पोшшо ва унинг тўралари ҳукмронлиги остидаги Туркистон халқи орасидан етишиб чиққан жадидлар сиймоси бу асардаги асосий ғоя ташувчи образларга прототип бўлиб хизмат қилди. Чўлпон шу тарихий воқеаларни миридан-сиригача тасвирлаш учун Ўлмасжон, Зеби, Мирёкуб, мингбоши, Раззоқ сўфи каби образларнинг сюжет линияларидан унумли фойдаланади. Рақиб образи тимсолида конкретлаштирилган фаол шахс эмас, ижтимоий ҳаётнинг ўзи берилади [5].

Чўлпон насри масалалари ҳақида теран тадқиқотлар олиб боришни жиддий тарзда давом эттираётган профессор Д.Қуროнов бу ҳақда шундай хулосаларини ўртага ташлайди: “Биз Чўлпон романига ёндашганимизда адиб учун айна шу мавзудаги романга қўл уриш ижтимоий-шахсий зарурат эди, деган қарашдан тўртки оламиз. Чўлпон учун ўтмишни бадиий идрок этиш воситасида: а) ўзини қийнаган ижтимоий муаммоларга жавоб топиш-у замонсининг моҳиятини англаш; б) ўзининг кечмиш ҳаётида МАЪНИ, орзу- интилишларида асос бўлган-бўлмаганлигини билиш; в) ўзи англаган ҳақиқатни ифодалаш орқали мавжуд ижтимоий воқелик ва алдамчи сиёсатга нисбатан қалб исёнини имкон даражасида четга чиқариш том маънода ички эҳтиёжга айланган эди” [6, 284]. Олимнинг бу фикрлари Чўлпон романида ҳам ижтимоий воқелик бош ўринни эгаллайди деган хулосамизни тасдиқлайди. Муаллифни қийнаган кечмиш ҳаёти, амалга ошмаган орзу-армонларини англаш жараёни низоёт уни мавжуд ижтимоий ҳаёт ҳукмони – алдамчи сиёсатга нисбатан қалб исёнига олиб келган. Албатта, бу романда А.Қодирий романи орқали изчил давом эттирилган ижтимоий дард, шу дард эгасининг исёни кенг эпик тасвир этилган. Отабекнинг салмоқдор, кенг қўламли ижтимоий дарди Ўлмасжон, Зеби, Мирёкубга келиб конкретлашган, реал ҳаёт ва унда яшайдиган мазлум шахс ва жамият дардининг муштарак бадиийлаштирилган шаклига айланган. “Ўтган кунлар”да рақиб вазифасини умуминсоний қўламдаги шайтанат дунёси, шайтоний шахсият бажарган, бўлса, “Кеча ва кундуз”да рақиб мақомини реал, тарихий замонда мустамлака кўринишида эркин ҳаракатланаётган ижтимоий ҳаёт эгаллаган.

Ойбекнинг “Қутлуг қон” романигача бу анъана, бизнинг ўйлашимизча, изчил давом этган. Ойбек ўз романига асос қилиб олган ядро – субстанция дастлаб А.Қодирий, кейин Чўлпон романидаги сюжет ва образлардир. Бу муаллиф А.Чўлпонга ўхшаб ҳамиртирушини Қуръон қиссалари, европа романи ёки фақат биринчи ўзбек романидан олмайди. У А.Қодирий ва А.Чўлпон қилган ҳамирдан қўшиб, бир оз шакл ўзгаришига учраган, ўз замонаси ғояларига мослаштирилган, қисман яқин ўтмиш, ўз нигоҳи билан кўрган тарихий замон воқеаларини тасвирлайди. Бу ижтимоий воқелик асосини 1916 йилда Тошкентда рўй берган мардикорлик воқеаси, мардикорлар қўзғолони ташкил этади. Аммо Йўлчи ва Гулнор муҳаббатини беришда А.Қодирийнинг ошиқ ва маъшуқидан таъсирлангани аниқ сезилади. Уларнинг муҳаббатларидаги покизалик, назокат, садоқат, лириклик каби фазилатлар Чўлпон романида очиқ сезилмайди. Рақиб эса замона зайли, синфийлик ғояларининг таъсири остида бой, мулкдор, маълум даражада зулмкор Мирзакаримбойга айланади.

Бу томонлама Ойбек Чўлпон романидаги Мингбоши образига муайян модификацион ишлов беради. Романдаги Ёрмат образи эса “Кеча ва кундуз”даги Раззоқ сўфи образига жуда-жуда яқин келади. Ёрмат ҳам Раззоқ сўфи каби оила ишида зулмкор. Раззоқ сўфи хотинини ҳақорат-ла “фитна” деб атаса, Ёрмат Гулсум кампирни одам ўрнида кўрмайди. Аммо ҳар иккала образ ҳам кўчада, ўз валинёнматлари олдида юмшоқ супургига айланадилар. Раззоқ сўфи динамик тарзда сюжет воқеалари таъсирида ўсиб боради. Валинёнмати бўлган эшондан қизи учун ўч олади. Ёрмат ҳам шундай “шаккоклик”ка йўл қўяди. Хўжайинининг ўғли Салимбойваччани пичоклаб ўлдиради. Худди А.Қодирий романидагидек Йўлчи ва Гулнор вафот этишади. Гулнорнинг хомиладор ҳолатида заҳарланиб ўлиши Кумуш қисматини эслатади. Йўлчи бўлса худди Отабек каби юрт озодлиги, миллий ижтимоий ғоя учун қурбон бўлади.

Айни пайтда Ойбекда шўравийлар тузумининг таъсири ва тазйиқи остида ишчи (Қоратой), камбағал-кашшоқ (Шокосим, Шокир ота), рус пролетариати вакили (Петров) образлари кириб келади. Шу тарика А.Қодирий романидаги анъаналар қисман ижтимоийлаштирилади, сезилар-сезилмас бузилади. Бундай шакл ўзгариши ҳатто бош образ – Йўлчи спецификасига ҳам таъсир этади. У рус инқилоби, шу инқилобий ҳаракат вакилларида таъсирланади. Субстанция мақомидаги Отабекнинг умумий хусусиятларини сақлаб қолган бўлса-да, ижтимоий-ғоявий шакл ўзгаришига учрайди [7, 215].

Бу учала роман озиқланган, шаклий модификацияга учратган яна бир романчилик анъанасига хос манба – араб романчилиги ва Жўржи Зайдон тарихий романлари бўлди. Бу ҳақда ўз вақтида А.Қодирийнинг ўзи ҳам эътироф билдирган эди [8]. Кейинчалик “Ўткан кунлар” романи муносабати билан ёзилган У.Норматов, Б.Каримов, У.Жўракулов тадқиқотларида ҳам бу ҳақда муайян маълумотлар, ишоралар бериб ўтилади [9].

Ҳақиқатан ҳам Ж.Зайдоннинг тарихий романларидаги шарқона рухият, таназулга кетаётган шарқ муҳитига хос турғунлик, бидъат-хурофотга берилиб кетаётган шарқ одами образи Абдулла Қодирий ва унинг издошлари романларида сезиларли даражада учрайди [10]. Ўзи француз бўлиб Арабистоннинг Жазоирда яшаб ижод этган Ферденанд Дюшеннинг “Тамилла” романига Абдулла Қодирийнинг бевосита нигоҳи тушган экан [11, 224]. Адабиётшунос Ш. Ризаев бу роман нашрига ёзган сўзбошисини “Қодирийнинг нигоҳи тушган асар” деб сарлавҳалайди. Бундан келиб чиқадики, маънавий, ижтимоий турғунликнинг бир белгиси сифатида кўшхотиниликнинг салбий оқибати, маиший зиддиятларнинг эпик кўламда тасвир этилиши замонавий шарқ адабий муҳити учун характерли ҳодиса бўлган.

Ўзбек романчилигида Ойбекка келиб “вальтер-скоттча” роман анъанаси тугади. Абдулла Қаҳҳор ҳар учала ёзувчидан фарқли ўлароқ ўз романи воситасида ўзига хос бўлган романчилик анъаналарига яқин ясади. Тарихий мавзудан воз кечди. Миллий тарих воқеаларининг ҳаққоний ва табиий оқими бўлган маърифат, ислохотчилик, жадидчилик ғояларига зид бўлган янги шўро ғоясини тузумнинг тазйиқ-у таъқиблари натижасида ўз романи дунёсига олиб кирди. Қодирий ва Чўлпонда бош ижобий қаҳрамон бўлиб хизмат қилган ислохотчи образи Қаҳҳорга келиб салбий шакл-шамойил касб этди. А.Қодирий ва Чўлпоннинг бош қаҳрамон концепциясига тесқари кутбда тасвирланди. XX асар бошларида фаолият олиб борган миллатпарвар зиёлилар (масалан, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Элбек, Боту каби) Қаҳҳор романида салбий ёки “миллатчи” образи учун прототип бўлиб хизмат қилди.

Хулоса қилиб айтсак, М.М.Дўстга келиб бадиий модификациянинг тамомила кутилмаган ва оригинал шакли кўзга ташланади. Унинг “Лолазор” романи бошқа анъанадаги романлардан сюжет, ривоя услуби, образлар дунёси, воқеликни полифоник талқин қилиши нуктаи назаридан туб фарқли томонларини намоён этди. Т.Мурод, Э.Аъзам, Н.Эшоқул, Л.Бўрихон, Т.Рустамов, У.Ҳамдам романларига келиб ўзбек романи бадиий модификациянинг турли кўринишларини намоён эта бошлади. Бу жиҳат жаҳон романчилигида кечаётган янгилашниш жараёнлари билан муштарак бўлиб, И.Султон романларида бадиий модификация ҳодисасининг нисбатан типиклашган, замонавийлашган кўринишларида яққол намоён бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Муродов Ф. Тарихий роман: генезиси, кейинги тарққиёти. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 12.
2. Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.
3. Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Фафур Фулом, 2015. – Б. 164.
4. Каримов Н. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи / Чўлпон А. Кеча ва кундуз. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. – 285.
5. Чўлпон А. Кеча ва кундуз. Биринчи китоб. Кеча. – Тошкент: Шарқ, 1995.
6. Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 284.
7. Ойбек. Қутлуг қон. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – Б. 215
8. Қодирий Х. Отам ҳақида. – Тошкент: Ф.Фулом, 1983.
9. Норматов У. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
10. Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 145.
11. Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Фафур Фулом, 2015. – Б.187.
12. Зайдон Ж. Фағона келини. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б.198.
13. Дюшен Ф. Тамилла. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ш.Ризаев – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б.224.

Ўзбек романларида уйғунлашув жараёни
Султонова Н. Н. Қариш давлат университети

Резюме. Мазкур мақола модификациянинг бадиийлик мезонлари, унинг адабиётимиздаги ўзига хослигини адабий асарлар орқали таҳлил этади. Исажон Султоннинг индивидуал услуби, у яратган образлар тизими одам ва оламга дахлдор, бир иктидорли олимнинг бошидан кечган воқеликни, қалбадаги нозик инсоний туйғуларини ўзига хос услубда ифода қилиш жараёни акс этган.

Калит сўзлар: Модус, атрибут, модификация, мезон, ўлчов.

Процесс гармонизации в узбекских романах

Резюме. В данной статье анализируется художественный критерий модификации через литературные произведения его уникальности в литературе. Индивидуальный стиль Исажона Султана, образ его творений, отражает реальность талантливого ученого, который связан с миром, и процесс выражения чувствительных человеческих чувств в его сердце.

Ключевые слова: модус, атрибут, модификация, критерии, измерение

Harmonization process in Uzbek novels

Sultanova N.N.Karshi State University

Summary. This article analyzes the artistic criterion of modification through literary works of its uniqueness in literature. The individual style of Isajon Sultan, the image of his creations, reflects the reality of a talented scientist which is related to the world, and the process of expression of the sensitive human feelings in his heart.

Key words: modus, attribute, modification, criteria, measurement

ОРФОГРАФИЯ ҲАМ ИРКИЛИС БЕЛГИЛЕРИНДЕГИ АЙЫРЫМ ИНТЕРФЕРЕНЦИЯЛЫҚ ҚҰБЫЛЫСЛАР

Даўлетмуратова Х. Е.

Нөкис мәмлекетлик педагогикалык институты

Дүнья жүзінде бес мыңнан аслам тил болып, олар өзлеринің фонетикалық, лексикалық, грамматикалық өзгешеліктері менен бир-биринен ажыралып турады, бірақ бул айырмашылықтар ҳәр түрлі ўақыяны яки қубылысты сүүретлегенінде бир пүтин ұғымды түсіндире алады. Ҳәр қандай тил жәмийетте ғана өмир сүреді. Сонлықтан оны жәмийетлик қубылыс деп атаймыз. Тилдің жәмийеттеги хызметі: сөйлеў, хабарлаў, тәсир етиў. Солай екен ҳәр қандай инсан қайсы тилде сөйлеўине қарамастан миллетинің тарийхын, ҳәзирги күнин, жетискенликлерин, өзинің қайғы-қуўанышларын ҳәм ой-пикирлерин екінши бир адамға жеткерип беріў ушын сол тилдің сөзлик қорынан пайдаланады. Тил ең әжайып қарым-қатнас қуралы. Солай екен сөйлеўши өз пикирин билдириў ўақтында бир емес бир неше тилдің бирліклеринен пайдаланыў жағдайлары ушырасады. Буны, әлбетте, ҳәзирги раўажланыў дәўириндеги жәмийеттиң, техниканың, қарым-қатнастың күшейиўи менен байланыстырсақ мақсетке муўапық. Сонлықтан адамлар күнделикли қарым-қатнас ўақтында еки, үш тилдің сөзлерин араластырып қолланылыўы тәбийий. Тил илиминде бул қубылыс «билингвизм» деп аталады.

Билингвизм - бул еки тилден альтернатив ҳалда пайдаланыў әмелияты, яғный еки тилден де толық бир ситуация ўақтында пайдалана алыў. Айырым жағдайларда билингвизм екінши яки биринши тилди толық билмеслик дәрежесин анықлаған, бундай жағдайда қарым-қатнас ана тилине сүйенип, яғный оны пайдаланғаны ҳалда колланады. Нәтийжеде екінши тилдің дүзиліс ҳәм нормаларында сәйкессизлікке алып келеди. Бул интерференция, араласып кетиў ҳәм тәсирлениў қубылысының келип шығыўына алып келеди. Рус илимпазы Л. В. Щерба өз мийнетлеринде интерференция терминин пайдаланбаса да билингвизм нәтийжесинде биринши тил деформацияға ушыраўы ҳаққында пикир билдирген [10, 64]. Интерференция дәслеп анық пәнлерде қолланылыўы гүзетилген болса, бунда ол өз ара тәсирлениў, өз ара ҳәрекет мәнилерин аңлатқан. Оның этимологиясы түсіндирмели сөзликлерде ҳәр түрлі берилген болып, ол латын тилинен *inter* – өз ара, *ferio* – урылыў, тәсирлениў, өткеріўши, тасыўшы мәнисинде қолланылған.

Ҳәзирги ўақытта интерференция қублысы илимнің барлық тараўында кеңнен ушраспақта. Тил билими тараўына интерференция Париж тил билими мектеби илимпазлары тәрәпинен киргизилген болып, бунда олар интерференция бул қарым-қатнаста болған тиллер нормасының шегарадан шығыўы, кери тәсир етиў процесси нәзерде тутылған. Кейиншелік У. Вайнрайх анықламасы көпшилик илимпазларға мақул болып, белгили бола баслады. Негизинде оның тәрийплемеси Прага мектеби илимпазлары пикирине уқсас болып, оларда, У. Вайнрайхта өз ара жақын қатнаста болған тиллердің нормасы ҳәм дүзилісиндеги өзгешеліктер ҳаққында айта отырып, оның қарама-қарсы нәтийжесине итибар берген. Бундай түсиниктеги интерференция кеңнен тарқалған еди [3, 264]. Биринши ҳәм екінши тил системасына түсиник берсек, инсан сөйлеўинде қолланылған еки тил, бириншиси оның ана тили, ал екіншиси кейин үйренген ямаса үйренип атырған тили есапланады. Биринши тил ана тил сыпатында интерференция пайда етиўши дерек есапланса, екіншиси объекти болады.

Бир қатар рус илимпазларының пикирлерине бола В.В. Климов У. Вайнрайхлар «интерференция сөйлеў процессинде еки тил системасынан пайдаланыў нәтийжеси» деп түсіндирсе [6, 87], ал Л. И. Баранникованың пикиринше «интерференция – бул басқа тил тәсири астында екінши бир тилдің дүзиліси ҳәм қурамының өзгериўи» деген түсиникти билдирген [1, 88]. В.Ю. Розенцвейг интерференцияны «билингвистлер тәрәпинен тиллерлердин өз ара қатнас нормаларының жойтылыўы» деп белгилейди [9, 80]. Н. Б. Мечковская интерференцияны шет тилинде сөйлеў ўақтында ана тили дүзилісинің тәсири себепли пайда болатуғын қәтеликлерди келтирип шығарады деп пикир билдирген [8, 68]. Виноградов болса, интерференция – еки тиллилик жағдайында тиллердин өз ара қатнас системасының бир бирине тәсири арқалы нормадан ҳәм системадан шетлесиўи, яғный ана тилинің шет тилине, шет тилинің ана тилине тәсирли ҳәрекетлери деген түсіндирмени усынған [4, 234]. Соның ушында интерференция феномены кери тәсирлениўши сыпатында белгили.

Тил билими ҳам методологияда интерференция тәсири кери тәсир, яғный қәтелик деген түсиник пенен сәйкестестирелген. Әдетте кери тәсирлениү туўры тәсирлениү менен қарама-қарсы қойылады. Ал өз нәўбетинде туўры тәсирлениү, транспозиция, алдын үйренген тил ҳәдийселерин ҳам қәлиплескен тил көнликпелерин басқа тилде пайдаланыү оның бузылыўына, қәте қолланылыўына алып келмейди, ал керисинше жаңа тил үйрениү процессин қолайластырады.

Бизиң изертлеү жумысымыздың мақсети де усы интерференция кубылысларына бағышланған болып, яғный англис ҳам қарақалпақ тиллеринде хужжетлер, әсиресе хат жазыўды үйрениү дәўиринде кешетуғын интерференциялық кубылыслар ҳаққында изертлеү болып табылады. Жазыў қәбилетин раўажландырыў дәўиринде оқыўшы жазыў көнликпесин өзлестире баслайды, бунда хат жазыў еркин ҳам естикенин жазыў арқалы алып барылады, усы дәўирде үйрениўшиде тил бирликлерин өзлестиреу процессинде графикалық ҳам имла интерференциясы пайда болады. Интерференцияның бул түри, шет тилинде жазыў көнликпелерин меңгере баслаған ўақытлары үйрениўшилерге ҳәр қандай қыйыншылықлар туўдырады. Бундай қыйыншылықлардың себеплериниң бири ана тили ҳам шет тиллериниң айырым сеслериниң айтылыўы менен оқылыўы айырмашылықларының уқсас болыўы болып табылады.

Бул кубылыстың алдынға сүрилиўине бир қанша факторларды келтирип өтсек болады: а) үйрениўшилеримиз қарақалпақ аудиториясы талабалары болғанлығы ушын олардың ана тили ҳам англис тиллериндеги ҳәриплердиң графикалық уқсаслықлары; б) еки тилде де жазыў латын графикасына тийкарланғанлығы. Сонлықтан сөзлердиң жазылыўында да, олардың сеслик дүзилисинде де бир қанша өз – ара тәсирлениү кубылыслары жүз береди.

Мәселен, шет тиллеринен өзлестирелген (тийкарынан, англис тилинен) сөзлердиң орфоэпиясындағы уқсаслық: 1. Азық аўқат ҳам аўқатланыў темасындағы сөзлерде: hot dog – hot tok, chips – ships, jam – jem, beefsteak – bishteks, cakes – keks, lemon – limon. 2. Дене шынықтырыў темасындағы сөзлерде: fitness – pitnis, penalty – finalty, skateboard – skeybrt. 3. Компьютер ҳам хабарлаў технологиялары темасындағы сөзлерде: telephone – telefon, flash drive – pleshka (fleshka - pyc), bluetooth – blutuz, share it – sharayat.

Сондай-ақ, басқа ҳәр түрли темасындағы сөзлерде, мәселен, business – byzns, metal – metam, corridor – kolydor. Бул сөзлер, бир тәрәптен, англис тилинен тиккелей кирип келгенлиги себеп тилимизде неологизмлер болса, екинши тәрәптен еки тил арасында өз – ара тәсирлениү кубылыслары жүз берип тек айтылыўында емес, ал сөзлердиң жазылыўында да үлкен қыйыншылықлар туўдырып атыр. Тилимизде сөзлердиң бундай бузылып ҳам араластырылып пайдаланыўы интерференциялық кубылысты пайда етсе, пайдаланыўшылар тәрәпинен итибарсызлық ҳам ана тилине деген хұрметсизликке алып келеди. Интерференция кубылысы тек ғана орфография ҳам орфоэпия тараўында емес, соның менен бирге пунктуация илиминде де ушырасады. Мәселен, иркилис белгилери барлық тиллердеги жазыўда бир көринисте болғаны менен оның қолланылыўында айырым интерференциялық кубылыстың бар екенлигин көриўимиз мүмкин.

Биз иркилис белгилериниң қолланылыўын қарақалпақ ҳам англис тилиниң (Британия ҳам Америка англис тили түрлери) мысаллары менен көрип өтемиз.

Қарақалпақ тили	Британия англис тили	Америка англис тили
Хурметли Курбанбай Нурленис улы!	Dear Mrs Smith,	Dear Mrs. Smith
Энахон!	Dear Jane,	Dear Jane:

Бунда үйрениўши бир қанша мағлыўматты өзлестиреу мүмкиншилигин итибарға алыўы керек болады, яғный иркилис белгилери үтир (comma), қос ноқат (colon) ҳам үндеў (exclamation mark) белгилери.

М. Даўлетов пикиринше, үндеў белгиси, қарақалпақ тил билиминде қолланылыўы бойынша үндеў гәплердиң кейнинде, яғный күшли буйрық, өтиниш, тилек, қутлықлаў, көтериңки даўыс пенен айтылған қаратпа ҳам таңлақ гәпли конструкцияларда қолланылады. Ол сойлеўшиниң ҳәр түрли эмоционаллық сезимлерин билдирип келеди ҳам интонациялық жақтан көтериңки даўыс пенен айтылады. Ал үтир белгиси жай гәплердеги санаў мақсетинде қолланылған биргелки ағзалар арасына, кирис ҳам қаратпа дүзилмелерди айырымлап көрсетиўде қоспа гәплер қурамындағы жай гәплерди бир биринен ажыратып жазыўда қолланады, кейинги үйренилип атырған иркилис белги: қос ноқат – бул автор гәпинен соң қойылып дизбекли қоспа гәплердиң қолланыўдағы түрлерине байланыслы түсиндириў, анықлық киргизиў мәнисинде қолланылады [5, 28]. В. В. Васильев пикиринше, англис тил билиминде бул иркилис белгилердиң қолланылыўын төмендегише түсиндиреди: Үндеў белгилери буйрықты, талап етиўди ҳам эмоцияны билдириў ушын қолланылады. Үтирлер кирис сөзлерде, бас гәп пенен бағыныңқы гәплердиң арасында, дәнекерлерди қолланғанда, гәптиң биргелки ағзаларының арасында жумсалады, ал қос ноқат мәлимлемеден кейин оған тикелей қатнасы болған бир ямаса бирнешше идеяларды енгизиў, түсиндириў ушын, мысаллар, санаў, цытаталар ямаса басқа қосымша түсиндирме, сол мәлимлемени сүўретлейтуғын ямаса түсиндирип келетугын болса қолланылады [2, 20].

Қарақалпақ ҳам англис тил билиминде үтир, қос ноқат ҳам үндеў белгилериниң қолланылыўында сезилерли өзгешелик болмағаны менен, олардың қолланылыўында интерференциялық кубылысты көриўге болады. Келтирилген мысалларымызда *Хурметли Курбанбай Нурленис улы!* [7, 88] қарақалпақ тилинде усы белгини улыўма қолланылыўы бойынша қағыйдаларға дурыс келген болса, қалған англис тилиниң еки регионаллық вариантларындағы қолланылыўы да «*Dear Mrs Smith*», «*Dear Mrs. Smith:*» [11, 78] дурыс келеди. Бирақ соған қарамастан ана тили қарақалпақ тили болған үйрениўшилер англис тилинде хат жазыўда усы үндеў белгисин пайдаланса натуўры есапланады. Ал англис тилинин регионаллық вариантларында болса, бул

натуўры қолланылыўды мәсләхәт пенен туўрылап кояды. Бул жерде англис тилиниң Британия ҳәм Америка вариантларына тән өзгешелиги сақланбағанлықтан интерференциялық қубылыс келип шыққан.

Жазыў саласындағы изертлеўлер тиллерге тән екінши материаллық форма - жазыў теориясы, жазыўдың пайда болыўы менен раўажланыўы мәселелери, жазыўдың түрлери, тилдиң акустикалық ҳәм графикалық формаларының өз ара қатнасы фонетика менен де тиккелей байланыссы болады. Лекин, тилдиң жазба әҳмийетлиги акустикалық қубылыслардан өзгеше болған өзине тән нызымлықларына ийе, сонлықтан жазыў дүзилисин терең изертлеў фонетика менен параллел ҳалда тилдиң материаллық - графикалық қуралларын раўажландырыў керек. Интерференция қубылысы өзге тилди үйренип атырғанда, неологизмлерди қолланғанда, шынығыўларды дурыс орынлағанда әдәуир жеңилликлерге алып келеди.

Солай етип, тиллик интерференция - бул басқа тилди үйрениў ўақытында бир тилдиң нормаларын ассимиляциялаў, яғный өзлестирип алыў кереклигин түсіндиреди. Буның ушын шет тилин үйретиў барысында ана тилиниң тәсирин есапқа алыў керек. Биз тил үйрениў ўақытында тиллердиң өз ара тәсирин азайтыў ушын оны түп нұсқа оқыў материалларында, аудио-медиа, газета-журналларда, әдебий тил ҳәм аўызеки сөйлеў стилине итибарлы болсақ бир қанша жетискенликлерге ерисемиз.

ӘДӘБИЯТЛАР

1. Баранникова Л. И. Сущность интерференции и специфика ее появления // Проблемы двуязычия и многоязычия: сб. науч. тр. / отв. ред. П. А. Азимов, Ю. Д. Дешериев, Ф. П. Филин. – М., 1972. С. 88-98
2. Васильев В.В. Орфоэпическая общность британского и американского вариантов современного английского языка: автореф. дис.... канд. филол. наук. – М.: Изд-во МГУ, 1980. – 32 с.
3. Вайнрайх У. Языковые контакты. – Киев, «Высшая школа», 1979. – 264 с.
4. Виноградов В.А. Интерференция // Лингвистический энциклопедический словарь // Под ред. В.Н.Ярцева. –Москва, 1990.
5. Дәўлетов М. Ҳазирги қарақалпақ тилиниң пунктуациясы. Нөкіс «Билим» баспасы, 1998. – 96 бет.
6. Климов А.В. Интерференция. –Москва, 2000, С.287.
7. Маҳмудов Н.М., Мадвапиев А.П., Маҳкамов Н. Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари. –Тошкент «O'zbekiston» НМИУ, 2015. – 88 бет.
8. Мечковская Н.Б., Языковой контакт // Общее языкознание. –Минск, 1983, С.368.
9. Розенцвейг В.Ю. Языковые контакты. — Л., 1972. — 80 с.
10. Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. –Ленинград, 2008, С.182.
11. Husband, T. F. Punctuation, its Principles and Practice. –London, 1905, 2010.

Орфография ҳәм иркилис белгилериндеги айырым интерференциялық қубылыслар

Даўлетмуратова Х. Е. Нөкіс мәмлекетлик педагогикалык институты

Резюме: Мақала англис ҳәм қарақалпақ тиллериндеги иркилис белгилери қолланыўында ушрасатуғын орфографиялық ҳәм пунктуациялық интерференция қубылысларын изертлеўге бағышланған, бунда еки тилде ушырасатуғын иркилис белгилери өзгешелиги мысаллар тийкарында анализленген.

Таяныш сөзлер: интерференция феномены, билингвизм, графикалық ҳәм имла интерференциясы, үтир.

Орфография ва тиниш белгиларидаги баъзи интерференцион ҳодисалар

Даўлетмуратова Х. Е. Нукус давлат педагогика институты

Резюме. Мақола англис ва қарақалпақ тилларидаги тиниш белгилари қўлланилишида учрайдиган орфографик ва пунктуацион интерференция ҳодисаларининг тадқиқотига бағишланған, бунда икки тилда учрайдиган тиниш белгиларининг хусусиятлари мисоллар асосида таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: интерференция феномени, билингвизм, графикалық ва имло интерференцияси, вергул.

Некоторые явления интерференции в орфографии и пунктуации

Даўлетмуратова Х.Е. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. Статья посвящена исследованию явлений орфографической и пунктуационной интерференции, встречающихся при использовании знаков препинания в английском и каракалпакском языках, дан сопоставительный анализ использования знаков препинания в каракалпакском и английском языках.

Ключевые слова: явление интерференции, двуязычие, графическая и орфографическая интерференция, запятая

Some phenomena of interference in spelling and punctuation

Dawletmuratova H.E. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. The article is devoted to the study of the phenomena of spelling and punctuation interference encountered when using punctuation marks in the English and Karakalpak languages, with an analysis of the characteristics of punctuation in two languages by examples.

Key words: the phenomenon of interference, bilingualism, graphic and spelling interference, comma

ИСТАК ГАПЛАРНИНГ СИНТАКТИК СТРУКТУРАСИ

Гулибануму Кебайтули

Хитой Халқ Республикаси Марказий Миллатлар университети

Ўзбек тилида истақ гаплар структур жихатдан [Ист.КШ] синтактик қолипи орқали шаклланади. Бунда Ист. рамзи истақни ифодаловчи бирлик, КШ рамзи кесим шаклини англатади. Демак, истақни ифодаловчи бирликнинг кесим вазифасида келиши натижасида ихчам тузилишдаги истақ гаплар ҳосил бўлади. [ИстКШ] синтактик қолипида истақни ифодаловчи кесим мавқеида *истамоқ*, *хоҳламоқ*, *тусамоқ* каби лексик воситалар, -*са*, -*син* аффиксли феъл шакллари, -*ганда эди*, -*ганда экан* тарзидаги феълли грамматик шакллар келади. Шунингдек, *қани*, *қани эди (қанийди)*, *қани энди*, *кошки эди (кошкийди)*, *кошки энди*, *зора* каби модал муносабатни англатувчи бирликлар ҳам тўлиқсиз гап кўринишидаги истақ гапларни ҳосил қила олади.

Истак гапларнинг шаклланишида *хоҳламоқ*, *истамоқ*, *тусамоқ* феъл лексемалари фаол иштирок этади. Бу бирликлар нафақат истак мазмунини ҳосил қилади, балки гапда кесим вазифасида келиб, уни истак гапга айлантиради. Масалан, *Мен юрт кечишни хоҳлайман* гапида қўлланган *хоҳламоқ* феъл лексемаси «бирор нарсага ўзида эҳтиёж сезмоқ, унга эришишни истамоқ» [1, 417-418] маъносида келиб, гапда истак мазмунини ҳосил қилган. Ушбу гапда *хоҳламоқ* феъл лексемаси ўрнида унинг *истамоқ* синонимини қўллаш мумкин бўлади. Бу лексема ҳам луғавий маъноси орқали («ихтиёр этмоқ, хоҳламоқ» [1, 235-236]) гапда истак мазмунини ҳосил қилади ва кесим вазифасида келиб, семантик-синтактик жиҳатдан шаклланган истак гапни юзага келтиради. Бундай ҳолатда ушбу икки лексик бирлик эркин алмашинув муносабатида бўлади.

Н.Маҳмудов, А.Нурмоновларнинг «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси» ўқув қўлланмасида *Сизни одам бўлишингизни хоҳлайман* гапи дарак гап сифатида изоҳланган. Бундай типдаги гапларда истак семаси фаркланувчи сема, дарак мазмунининг варианты, чегара семаси сифатида кўрсатилган [2]. Худди шундай, «Ўзбек тили грамматикаси» китобида ҳам *истамоқ* феъли билан ҳосил бўлган *Мен ёруғликни, эркинликни истайман* гапи орзу-умид семасини юзага чиқарувчи дарак гап сифатида баҳоланган [3, 108].

Бизнингча, берилган гапларда хабарга нисбатан истакнинг ифодаланиши етакчилик қилади. Шу жиҳатдан бундай гапларда истак семаси чегара сема бўла олмайди. Аксинча, хабар семаси чегара сема сифатида ажратилиши лозим. Умуман, нафақат дарак гапларда, сўроқ, буйруқ, ҳатто ундов гапларда ҳам бир вақтда хабар семаси юзага чиқиши мумкин. Аммо дарак гапдан бошқа гап турларида хабар семаси чегара сема ҳисобланади. Масалан, *Уйга бордингми?* гапида сўроқ билан бирга унинг уйга бориши кераклиги ҳақидаги ахбороти ҳам акс этган. Аммо бу хабарни ифодалаш ушбу гап учун марказий ўринда эмас. Ёки *Ҳаёт нақдар гўзал!* типдаги ундов гапда ҳам нутқ эгасининг ҳис-ҳаяжони билан бирга ҳаётнинг гўзаллиги ҳақидаги хабари англашилиб туради.

Маълум бўладиги, *хоҳламоқ*, *истамоқ* феъл лексемалари гапнинг асосий предикати мавқеида келиб, кесим синтактик вазифасида келганда гап семантик-синтактик жиҳатдан истак гапга айланади. Бу феъл лексемалар кесимдан бошқа гап бўлаклари вазифасида келганда гапда истак мазмуни иккиламчи мавқега тушади. Қуйидаги гапларни таҳлил қиламиз:

1. *Бу ватанда бир Ватан / Қўрмоқни истайдир* кўнгли. (Э.Воҳидов. «Ватан истаги»)

2. *Аммо фурсат бўйсунмади ҳеч, / Юрмади биз истаган йўлга...* (Э.Воҳидов. «Инсон ва фурсат»)

Биринчи гапда қўлланган *истамоқ* феъл лексемаси гап кесими вазифасида келиб, семантик-синтактик жиҳатдан шаклланган истак гапни ҳосил қилган. Иккинчи гапда эса бу лексема аниқловчи вазифасида келган. Гарчи бу гап истак гап бўлмаса-да, аниқловчили бирикма орқали (*биз истаган йўлга*) нутқ эгасининг истак-хоҳиши англашилиб туради.

Хоҳламоқ, *истамоқ* феъл лексемалари *-са* шарт майли аффиксини қабул қилганда, гапда шарт маъноси юзага чиқади. Аммо бундай ҳолатда феъл лексеманинг луғавий маъно орқали истак мазмуни англашилиб турса-да, бу истак ирреал характерда бўлади. Яъни истак ҳали амалга ошмаган, фақат сўзловчи тасаввурдан ўрин олган бўлади. Масалан: *Гар исинмоқ истаса, / Қалбимга жо бўлсин қуёш*. (Э.Воҳидов)

Маълумки, *-са* шарт майли аффикси истак грамматик маъносини ҳам юзага чиқаради. Бундай вақтда нафақат *хоҳламоқ*, *истамоқ* феъл лексемалари, балки бошқа бирликлар ҳам *-са* аффикси таъсирида истак грамматик маъносига эга бўлади. Масалан, *Қанийди уни бир кўрсам, Бу гапни юзига айтсанг экан* каби.

Хоҳламоқ, *истамоқ* феъл лексемалари гапда *-ма* аффиксини қабул қилиб келганда, ҳаракат-ҳолатнинг амалга ошмаслигини ишташ маъноси англашилади. Масалан: *Бу юлдузларнинг ҳаммаси кўшилиб баҳайбат бир юлдуз бўлишини сира истамасдим*. (Э.Воҳидов. «Умрим дарёси»)

Истак гапларнинг шаклланишида «ихтиёр этмоқ, хоҳламоқ, истамоқ» [1, 204] луғавий маъносини англаувчи *тусамоқ* феъл лексемаси ҳам иштирок этади. Ушбу феъл лексема сўзлашув нутқида кенг қўлланилиши билан *хоҳламоқ*, *истамоқ* синонимларидан фаркланади. Ушбу бирлик ҳам гапда кесим вазифасида қўлланганда уни истак гапга айлантиради. Гапда кесимдан бошқа вазифаларда қўлланганда эса иккиламчи предикат вазифасида келиб, шу қисмда истакни билдирувчи ахборотни юзага келтиради.

Масалан: 1. ... *Ҳаҳ, кўнгли, яна нималарни тусайсан бесар*. (Ш.Раҳмон. «Отга қиёсий қасида»)

2. *Кўнгли шўр нарсани тусаётганини айтди*. (Сўзл.)

Биринчи мисолда қўлланган *тусамоқ* лексемаси орқали гапда истак мазмуни ҳосил қилинган. Ушбу бирлик нутқда *хоҳламоқ*, *истамоқ* феъл лексемалари билан эркин алмашилиб қўллана олади.

Иккинчи гапда эса *тусамоқ* феъл лексемаси гапнинг тўлдирувчи бўлаги вазифасида келган. Гапдан тўлдирувчили бирикма орқали истакни билдирувчи «Кўнгли шўр нарсани тусаяпти» ахбороти англашилади.

Хуллас, ўзбек тилида истак гапларнинг шаклланишида *хоҳламоқ*, *истамоқ*, *тусамоқ* феъл лексемалари фаол бирликлар сифатида иштирок этади.

Ўзбек тилида истак гапларнинг ҳосил қилинишида морфологик бирликлар ҳам иштирок этади. Хусусан, *-са* шарт майлидаги феъллар ҳамда айрим буйруқ-истак майлидаги айрим феъллар гапда истак маъносини ҳосил қилиб, кесим вазифасида қўлланганда истак гаплар шаклланади. Масалан, ...*Қийналиб қолган оила экани кўриниб турибди. Савобгарчиликка бироз пул бериб кетсаммикан...* (Н.Ҳошимов. «Чимилдикли уй ноласи») гапида нутқ эгасининг истак-хоҳиши акс этган. Истак маъноси *-са* шарт майлидаги феъл кесим орқали юзага чиққан.

Бундай гапларда *қани энди (қанийди)*, *кошки (кошки эди, кошкийди)*, *кошки экан, зора, шояд* каби модал муносабат ифодаловчи бирликларнинг қўлланилиши истак мазмунини янада кучайтиради. Д.Лутфуллаева бу воситалар билан ҳосил бўлган қуйидаги синтактик қолипларни ажратган: [Кошки + А+...-са], [Кошки +А + ...-

са экан], [Кошки эди + А+...-са], [Қани эди + А+...-са], [А+...-са эди], [А+...-ганда эди] [4, 21]. Биз қани энди (қанийди), кошки (кошки эди, кошкийди), кошки экан, зора бирликларининг тўлиқсиз гап сифатида ҳам қўллана олишини инобатга олиб, уларни кўрсатилган синтактик қолипларда ўрганмадик.

Қани энди (қанийди), кошки (кошки эди, кошкийди), кошки экан, зора, шояд бирликларининг асосий вазифаси гапда ифодаланган истак мазмунини янада кучайтиришдан иборат. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

Қани энди Тошкентда кўча четида шовулаб оқиб турган жўмракка шундоқ лабингни боссангда, тўйгунча, ёрилиб кетгунча ичсанг! (Ў.Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”)

Қани энди хўжайини бой-бадавлат бўлса-ю, уйида ҳамшиша гўштли қозони қайнаб турса. (Н.Ҳошимов. “Чимилдикли уй ноласи”)

Зора Жанубий Африка ўрмонларидаги йиртқич ҳайвонлар билан олишаётганимизда сеҳргарлик қўл келиб қолса. (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Нутқда -са аффиксли феълларни гап таркибида такрор қўллаш орқали ҳам истак маъноси кучайтирилади. Масалан: Шу ўйнайверсанг-ўйнайверсанг, сенга тегишли ишларни бировлар бажараверса-бажараверса... (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Ёки Пскентдаги сойнинг ажриқлар қоплаб ётган соҳилига ётиб олсанг-у, юз-кўзингни сувга ботириб ичаверсанг... ичаверсанг... (Ў.Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”)

-са аффиксли феъллар эди, экан тўлиқсиз феъллари билан қўлланганда ҳам истак маъносининг кучли ифодаланиши кузатилади:

Бунёда бир одамга

Сиринг айтиб бўлсайди. (М.Юсуф. “Бешинчи ўғил”)

-са аффиксли феъллар демоқ (дегандим шаклида) феъли билан бирикиб келганда нутқ эгасининг истак-хоҳиши алоҳида таъкидланади: У ҳам келса дегандим.

Англашиладики, ўзбек тилида -са аффикси истак грамматик маъносини ҳосил қилувчи восита сифатида аҳамиятли. -са шарт майли аффиксининг истакни ифодалаши ўз вақтида ўзбек тилшунослари А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, Ш.Раҳматуллаевлар томонидан ҳам айтиб ўтилган [5]. Бу ишларда -са аффикси кўпмаъноли аффикс сифатида қаралади. Масалан, Ш.Раҳматуллаев -са аффиксининг истак маъносини бош маъно, шарт маъносини эса кейинчалик юзага келган маъно сифатида баҳолаган [6, 188].

Ўзбек тилида феълнинг буйруқ-истак майли аффикслари орқали ҳам гапда истак маъноси ҳосил бўлади. Истак маъноси, айниқса, I шахс бирликдаги -й (-ай) аффикси орқали ёрқин акс этади. -син аффиксида эса буйруқ, истак маънолари, алоҳида ва бирга келиши ҳам мумкин. Масалан, Майли, арвоҳ бўлса ҳам, бағримга босай, тўйиб-тўйиб юзларидан ўпай. (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”) гапда ифодаланган нутқ эгасининг истак-хоҳиши бош маъно ҳисобланади. Илтимос маъноси чегара маъно сифатида юзага чиқди. Қуйидаги гапда эса, аксинча, илтимос асосий, истак ёндош маъно сифатида гавдаланади. Илтимос маъносининг марказий ўринга чиқишида илтимос сўзи муҳим роль ўйнайди:

– ... Лекин яхши туш кўряпман шекилли. Илтимос, мен яна ётиб ухлаб қолай... (Н.Ҳошимов. “Чимилдикли уй ноласи”)

-син аффиксли феъл шакли орқали буйруқ билан бирга сўзловчининг истаги ҳам англашилганда буйруқ бирламчи, истак маъноси иккиламчи характерга эга бўлади. Масалан, Нодир тезда уйга қайтсин гапда буйруқнинг ифодаланиши биринчи даражали. Ушбу буйруқ ортида сўзловчининг истаги, яъни Нодирнинг тезда уйга қайтишини исташи ҳам англашилади. Аммо ўзбек тилида -син аффиксли феъл шакллари орқали гапда фақат истакнинг ифодаланишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан:

– Ишқилиб, дадам келган бўлсинлар-да... (Н.Ҳошимов. “Чимилдикли уй ноласи”)

– Ишми жанжал-тўполонсиз, тинчгина ҳал қиламиз. Бир бурнига сув кирсин. (Н.Ҳошимов. “Чимилдикли уй ноласи”)

-син аффиксли феъл шакли демоқ феъли билан бирикиб келганда сўзловчи истак-хоҳиши янада кучаяди: Мен шу ойнага тош тегмасин дейман (П.Қодиров. “Эрк”)

Мисоллар таҳлилидан англашиладики, берилган гапларда -син аффиксли феъл шакллари орқали буйруқ ифодаланмаган. Демак, бундай феъл шакллари орқали ҳар доим ҳам буйруқ маъноси ҳосил бўлмайди.

Шуниси характерлики, ўзбек тилида бундай феъл шакллари орқали тилак билдирувчи гаплар, дуоларнинг кесими шакллантирилади. Масалан:

– Қиссадан ҳисса шулки, Бўриқул билан Насим ҳам шу кундан эътиборан ўша икковидай қиёматли дўст бўлсин... (Т.Мурод. “Юлдузлар мангу ёнади”)

– Омин, белинга қувват, билагинга куч, юрагинга ўт берсин, олоҳу акбар! – дея дуо қилди. (Т.Мурод. “Юлдузлар мангу ёнади”)

Демак, -син аффикси полисемантик характерга эга бўлиб, гап таркибида буйруқ-истак, истак, тилак грамматик маъноларини ҳосил қилади.

Ўзбек тилида истак гаплар кесими - ганда (эди, экан), -гим (-гинг, -гиси...) келмоқ, -са бўлгани, -са бошқа гап эди // -ганда бошқа гап эди // -ганда бир нави эди тарзидаги феълли қурилмалар орқали ҳам ифодаланади. Бундай ҳолларда ҳам истак гаплар юзага келади.

Кесими - ганда (эди, экан) феълли қурилмалардан ташкил топган гаплар ирреал истак гаплар ҳисобланади. Бундай гапларда нутқ эгасининг орзу-хаёлидаги амалга ошмаган истаги акс этади. Масалан,

Нозим ҳам келганида эди гапидан Нозимнинг келмаганлиги аниқ аниглашилади. Аммо нутқ эгасининг Нозимнинг келган бўлишини хоҳлаши хаёлий.

Ўзбек тилида кесими *-гим (-гинг, -гиси...)* келмоқ феълли қурилмалардан ташкил топган истак гаплар ҳам кенг қўлланилади. Бундай гапларда ҳам нутқ эгаси, мулоқот иштирокчилари ёки ахборот субъектининг истак-хоҳиши ифодаланади. *-гим* грамматик шакли орқали нутқ эгасининг истак-хоҳиши ифодаланади, *-гинг* грамматик шакли тингловчига, *-гиси* грамматик шакли эса ўзгага ишора қилади ва уларнинг муайян ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигини истабини англатади. Масалан:

Бирин-кетин ёпирилиб келган аламли, аёвсиз саволлар юрагимни гижимлар, дод деб юборгим келарди. (Ў.Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”)

Қўлочини кенг очиб: “Насим оина!” дегиси келди. (Т.Мурод. “От кишнаган оқшом”).

-гим (-гинг, -гиси...) феъл шакллари нутқда кўпинча уюшган ҳолда келиб, келмоқ ёрдамчи феълига бирикади. Бундай вақтда бу бўлақлар алоҳида мантиқий урғуга эга бўлиб, истак алоҳида таъкидланади. Масалан: ... *Ёнига боргим, кўнглини кўтаргим келарди-ю, гапни нимадан бошлашни билмасдим.* (Ў.Ҳошимов, “Тушда кечган умрлар”)

-гим (-гинг, -гиси...) келмоқ феълли қурилмалар нутқда такрор қўлланганда нутқ эгасининг истак-хоҳиши алоҳида таъкидлаб кўрсатилади: *Раҳимовнинг ёшлигига қайтиб кетгиси келди. Шон-шавкатлардан, учрашувлардан, ҳайю ҳаваслардан қочиб болалиги ўтган кўчаларда юргиси келди.* (С.Аҳмад. “Жимжитлик”)

Ўзбек тилида *-са бўлгани* тузилишидаги феълли қурилмаларнинг кесим вазифасида қўлланиши орқали ҳам истак гаплар шаклланади. Бундай гапларда ҳам нутқ эгасининг истак-хоҳиши алоҳида таъкидланади:

“Ишқилиб, мактабдан ҳайдатмаса бўлгани, ҳайдатмаса бўлгани...” деб ўйлайман. (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”)

Истак гапларда нутқ эгасининг субъектив муносабати *-са яхши бўларди, -са маъқул бўларди* феълли қурилмалар орқали юзга чиқди. Масалан: *- Бу кунлар тезроқ ўтиб кетса яхши бўларди.* (Сўзл.)

Истак гаплар *-са бошқа гап эди // -ганда бошқа гап эди // -ганда бир нави эди* феъл қурилмалари ёрдамида ҳам ҳосил қилинади. Бундай гаплар ирреал истак гаплар бўлиб, нутқ эгасининг хаёлий истак-хоҳишини ифодалайди. Д.Лутфуллаева бундай истак гапларда нутқ эгасининг бажарилмаган ҳатти-ҳаракатнинг бажарилишини исташи ифодаланишини кўрсатган [7, 28].

Характерли жиҳати шундаки, бундай истак гаплар нутқ эгасининг истак-хоҳиши билан бирга унинг воқеликка нисбатан субъектив муносабати, руҳий ҳолати ҳақида ҳам маълумот беради. Масалан, *Бу воқеалардан хабардор бўлганимдаям бошқа гап эди* гапида нутқ эгасининг истак-хоҳиши билан бирга норозилик кайфияти, эътирози ҳам аниқлашиб туради.

Ўзбек тилида истак гапларнинг шаклланишида *қани (қани энди, қани эди // қанийди), қошки (қошки эди // қошкийди, қошки экан), зора, шояд (шоядки)* каби модал маъно ифодаловчи бирликлар ҳам қатнашади. Бундай бирликлар гап таркибида 2 хил вазифа бажаради: 1) истак мазмунини кучайтиради; 2) истак гапни ҳосил қилади.

Нутқда *қани* бирлиги эди тўлиқсиз феъли билан бирикиб келган ҳолатда истак кучлироқ ифодаланади. Қиёсланг: *Қани эди, ҳақиқатдан мен ўлган бўлсам,*

Қани, чиндан униб ётса қабримда гуллар. (Э.Воҳидов. «Истанбул фожиаси»)

Шуниси характерлики, бу бирликлар кесими *-са* аффиксли феъллардан ташкил топган гаплар таркибида келиб, кесимдан аниқлашилган истакни янада кучайтиради: *Қани энди қўлингдан келса... Соз бўларди-я...* (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”) *Қани энди амаким меням бирга олиб кетсайди...* (Н.Ҳошимов. “Чимилдикли уй ноласи”)

Қани энди бирлиги сўзлашув нутқида кўпинча *қанийди* шаклида қўлланилади. Тўлиқсиз гап шаклида ёлғиз келганда истак гап вазифасини бажаради. Масалан: *Дунё бир соз қўшиқдан завқ ололсайди,/ Бир чолғу чалолсайди, бир тор чалсайди, / Одамийлик шиормас, жон бўлолсайди,/ Қанийди...* (Миртемир).

Мана мени дерсиз. Эрта-индин эшикдан кириб келади. – Вой, оғзингиздан ўргулай, овсинжон! – Қошкийди-я! (Ў.Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари»)

Берилган мисолларда *қанийди, қошки* бирликлари гапни ҳосил қилган. Бундай ҳолатда айтилган бирликлар орқали семантик жиҳатдан истакни билдирувчи ахборот аниқлашилади. Бундай ахборот контекст билан боғлиқ ҳолда юзга чиқади. Биринчи мисолда «*Қанийди шулар амалга ошса*» ахбороти ифодаланган, кейинги гапдан эса «*Эрта-индин эшикдан кириб келса, жуда яхши бўларди*» ахборотини аниқлаш мумкин.

Сўзлашув нутқида *зора, шояд (шоядки)* бирликларининг ҳам истак маъносини кучайтириши, баъзан истак гапни шакллантириши кузатилади. Р.Бобокалонов бундай бирликларни орзу-истак маъноли модаллар деб атаган [8, 1]. Қуйидаги мисолларда *шояд, зора* бирликлари истак маъносини кучайтирган:

Менинг ушбу шеърим сен учун шояд / Дўстларинг номидан йўқлов бўлолса. (А.Орипов. «Йўқлов»)

Зора толе белгиси бўлса, / Зора бўлса омад ривожси. (Э.Воҳидов. «Отдошларимга»)

Аниқлашиладики, *зора, шояд (шоядки)* бирликлари ҳам кесими *-са* аффиксли феъллардан ташкил топган гаплар таркибида келиб, кесимдан аниқлашилган истакни янада кучайтиради. Аммо шеъринг мисраларда бу сўзларнинг аниқлик майлидаги феъл кесимлар билан боғланиши ҳам кузатилади. Бундай вазиятда жумлада истак маъноси ифодаланмайди:

Турфа гуллардан у шояд / Бир бутун бўстон бўлур. (Э.Воҳидов. «Туркистон бозори»)

Хуллас, ўзбек тилида истак гапларнинг синтактик жиҳатдан шаклланишида истак ифодаловчи кесим шакли муҳим ўрин тутди. Бундай кесим истак маъносини ифодаловчи махсус бирликлар орқали ҳосил қилинади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б.417-418.
2. Кўрсатилган луғат. 2-жилд. – Б. 235-236.
3. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
4. Ўзбек тили грамматикаси. Т. 2. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 108.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 204.
6. Д.Лутфуллаева. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол.фан.номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – Б. 21.
7. Ғуломов А. Феъл. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1964; Ҳожиёв А. Феъл. – Тошкент: Фан, 1973. – 192 б.; Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2006. – Б. 188.
8. Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган дарслик. – Б. 188.
9. Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда шаклий-мазмуний номувофиқлик. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 28.
10. Бобокалонов Р. Ўзбек тилида функционал-семантик шаклланган сўз-гаплар. – Тошкент, 2000.

Истак гапларнинг синтактик структураси

Гулибануму Кебайтули. Хитой Халқ Республикаси Марказий Миллатлар университети

Резюме. Ушбу мақолада ўзбек тилида истак гапларнинг синтактик жиҳатдан шаклланиши, қурилиш моделлари ёритилган. Истак гапларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутувчи истак семали лексик воситалар, *-са, -син* аффиксли феъл шакллари, *-ганда эди, -ганда экан* тарзидаги феълли грамматик шакллarning семантик, функционал-грамматик хусусиятлари очиқ берилган.

Таянч сўзлар: истак гаплар, истак гапларнинг қурилиш моделлари, истакни ифодаловчи лексик воситалар, истак гапларнинг синтактик структураси, истак гаплар семантикаси.

Синтаксическая структура пожеланий

Гулибануму Кебайтули. Университет центральных наций Китайской Народной Республики

Резюме. В статье описывается синтаксическое образование предложений желания в узбекском языке, модели построения. Выявлены семантические, функционально-грамматические особенности грамматических форм глаголов вида *-sa, -sin*, аффиксальных глаголов *-ganda edi, -ganda ekan*, играющих важную роль в формировании предложений-желаний.

Ключевые слова: предложения желания, модели построения слов желания, лексические средства выражения желания, синтаксическая структура предложений желания, семантика предложений-желаний

Syntactic structure of wishes

Gulibanum Kebaituli. University of Central Nations of the People's Republic of China

Summary. The article describes the syntactic formation of the sentences of desire in the Uzbek language, the models of construction. The semantic, functional and grammatical features of the grammatical forms of the verbs of the form *-sa, -sin*, affix verbs *-ganda edi, -ganda ekan*, which play an important role in the formation of desire sentences, have been revealed.

Key words: desire sentences, models for constructing desire words, lexical means of expressing desire, syntactic structure of desire sentences, semantics of desire sentences

УДК 81.111

КАСАЛЛИК НОМЛАРИДА ИККИЛАМЧИ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ҲОДИСАСИ

Юлдашев А. Г.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тилшунослик соҳасида турли мавзуй гуруҳларга тегишли бўлган терминларни тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Мазкур тадқиқотлар қаторида тиббиётга оид ёки касаллик номларини англатувчи терминлар ҳам тадқиқот объекти сифатида асосан анъанавий структурал-семантик нуқтаи назардан ўрганилган. Жумладан, инглиз тилида касаллик номларини ифодаловчи лексемаларнинг структурал-семантик ва қисман этимологик функционал жиҳатлари махсус соҳа адабиётларида у ёки бу даражада ўрганилган (Бесекирска 1997; Мотченко 2001; Абрамова 2003; Алленова 2003; Токарева 2003; Федина 2010; Извекова 2013; Извекова и др. 2014 ва б.). Ўзбек тилида монографик тадқиқотлар ўтказилмаган бўлса-да, аммо бир қатор тиббиёт атамалари луғатининг яратилиши бу борада қўйилган дадил қадамлардан бири десак, муболаға бўлмайдиган (Тиббий терминлар изоҳли луғати. А.И. Қосимов, 3 томда 2005). Таъкидлаш жоизки, касаллик номларини англатувчи тил бирликларининг когнитив жиҳатига эътибор қаратилмаган.

Тилнинг когнитив жиҳати хусусида сўз юритилганда асосий эътибор тил онгининг ажралмас қисми сифатида, оламни идрок этиш орқали эгалланган билимларни сақлаш ҳамда уларни узатишни билим олиш жараёни билан биргаликда ўрганилишига қаратилади. Н.Н.Болдырев таъкидлаганидек, тилнинг когнитив, коммуникатив ҳамда интерпретацион вазибалари [1, 5] ҳозирда когнитив тилшунослик соҳасида кенг тадқиқ этилмоқда. Маълумки, инсон тил билан танишмасдан туриб ҳам оламни идрок эта бошлайди. Р.И. Павлиёнис қайд этганидек, инсон оламни маълум даражада хиссий ҳолатлар орқали билиб боради, у ҳақда эгалланган маълум билимларидан чин ёки ёлғон маълумотларни аниқлаб, ажратиб боради. Шу тарзда шаклланган олам ҳақидаги билимлар тизими инсоннинг маълум ғоялари тизими сифатида яратадиган концептуал тизимини шакллантиради. Инсон умрининг илк босқичи тилни эгаллашдан олдинги ҳолат бўлиб, ушбу тизимни қуриш унинг шаклланишида оғзаки бўлмаган босқичи ҳисобланади [2,144]. Англашиладики, бундан ҳам кўпроқ, гарчи инсон лисоний қобилиятининг ривожланиши ва тилни ўзлаштириши билан бирга, концептуал тизимнинг ўзида нафақат оғзаки ёки ёзма нутқ орқали олинган билимларни ўзгариради ва тиклайди, балки бойитади, тажриба

тўплайди. Шунинг учун инсон концептуал тизимининг динамикиги оламни категориялаштириш ҳамда коцептуаллаштириш ҳисобига кенгайиб боради.

Мазкур мақолада юқорида келтирилган тилнинг учинчи функцияси, яъни олам ҳақидаги билимларни интерпретация қилиш жараёни хусусида сўз юритилади. Интерпретация – олам ҳақидаги билимнинг вербаллашувидир. Айнан ушбу ҳолатда лисоний интерпретацияга эҳтиёж туғилади. Чунки фақат белгининг моҳияти интерпретация қилиш йўли билан очиб берилади.

Н.Н. Болдырев олам ва билимнинг лисоний интерпретациясини иккига: бирламчи интерпретация ва иккиламчи интерпретацияга бўлади. Бирламчи интерпретация – инсоннинг олам тузилишида фаол ва аниқ бир мақсаддаги ҳаракатини ва у билан бўлган ўзаро ҳаракат схемасини англатади. Бу жараёнда инсон оламни идрок этишда борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни маълум бир қолипга, яъни категорияларга жойлаштиради. Натижада тизимли концептуал тузилишга эга бўлади. Иккиламчи интерпретация объекти эса юқорида айтиб ўтилган ҳолат натижаси ўларок пайдо бўлган, яъни бор олам ҳақидаги билим, объект ва ҳодисалардир. Унинг натижаси оламнинг объект ва ҳодисаси ҳақида янги билим демакдир.

Белгининг интерпретация қилинишига эҳтиёж бўлганлиги сабабли иккиламчи номинациянинг барча ҳосилалари бирламчи эмас, иккиламчи интерпретация туфайли янги табиатга эга бўлади, маъноси кўчимга учраган тил бирликлари идиоматик тил бирликлари, фразеологик бирликлар, стилистик жиҳатдан бўёқдор бўлган тил бирликлари ҳамда экспрессив тил бирликларининг асл моҳиятини англаб олиш учун айнан интерпретацияга зарурат борлигини кўрсатади. Айнан олам ҳақидаги билимларнинг иккиламчи интерпретацияси ҳар қандай тилнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Инсон оламни билиш жараёнида эгаллаган билимини айнан интерпретация орқали тилда намоён этади, аниқроқ айтганда, билим тил ёрдамида объективлашади.

Шундай қилиб, лексик категориянинг тузилиши маълум бир концептуал майдон: ТАБИАТ, ҲОДИСА, РАНГ, ТАОМ, КАСАЛЛИК ва б. ҳақидаги билимларни иккиламчи интерпретация қилиш учун когнитив схема вазифасини бажаради, касаллик номларини билдирувчи “ракнинг бир тури”, “юррак қасалиги”, “юқумли касаллик”, “тери касаллиги”, “болалар касаллиги”, “бурун касаллиги” шулар жумласидандир. Англашиладики, КАСАЛЛИК концептининг концептуал майдонининг моҳиятини очиб беришда айнан эгалланган билимнинг иккиламчи интерпретациясига зарурат бор.

Куйида инглиз ва ўзбек тилларидаги КАСАЛЛИК концептининг концептуал майдонига кирувчи маъноси кўчимга учраб олам ҳақидаги билимнинг иккиламчи интерпретациясида метафорик ҳамда метонимик когнитив моделлар орқали очиб берилади. Тадқиқот методи киёсий-типологик, метафорик ҳамда метонимик когнитив моделлаштириш ҳисобланади.

Юқорида берилган мисолда гипонимиянинг иерархик муносабати ҳам кузатилади. Шунингдек, ушбу ҳолатда бир терминнинг турли гипонимларга суперординат бўлиши ва муайян ҳолатда баъзи юқори поғонадаги суперординатнинг гипоними бўлиши мумкинлиги ҳам кузатилади. Крузга кўра, “We make frequent use of hyponymy in our daily life” [13], яъни “Биз кундалиқ тилимизда тез-тез гипонимиядан фойдаланамиз.” (таржима муаллифники). Гипоним **X** ва суперординат **Y** белгиси орқали ифодаланади ва терминни ифодалаш учун кўпинча гипонимнинг суперординатига мурожаат қилинади. Она тилини дастлаб ўргатилаётганида **уйин**, **асбоб**, **инструмент** ва **ҳайвон** каби сўзларни ифодаловчи гипонимлар ёрдамида тушунтирилади. Бошқа муайян ҳолатларда, мисол учун, **collie-колли**, **dachshund-такса** (калта оёқли овчи ит), **spaniel-спаниель** (овчи итнинг бир тури), **nasturtium-настурция** (доривор ўсимлик тури), **delphinium-дельфиниум** (бир йиллик ўсимлик) каби сўзларни ўргатишдан олдин **dog-ит** ва **flower-гўл** сўзлари ўргатилади.

Хулоса қилиб айтганда гиперо-гипонимик муносабатларнинг нисбий ва чекланмаганлиги лисоний тизим ҳамда унинг имкониятларининг чексизлигини таъминласа, гипонимлараро муносабатларнинг эквивалент, гипероним ва гипоним орасидаги муносабатларнинг привативлиги тил ифода воситаларининг аниқ ва муайянлигини таъминлайди.

Сўзларнинг гиперо-гипонимик боғланишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, гипонимларнинг вазибалари ҳалигача тўлиқ баён этилмаган. Улар кўп жиҳатдан берилган контекстдаги гиперо-гипонимлар муносабатларига боғлиқ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Lyons J. Semantics (2 vols). –Cambridge University Press, 1977.
2. Katz J.J. Semantic theory. –New York. Harper and Row. 1972.
3. Lehrer A. Semantic fields and lexical structure. –Amsterdam. North Holland.1974.
4. Murphy M.L. Semantic relations and the lexicon. –Cambridge University Press. 2003.
5. Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд.филол. наук. – Ташкент, 1990.-13 с.
6. Джумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. – Т.: Мумтоз сўз. 2017. 111-115 б.
7. Котцова Е.Е. Гипонимия в лексической системе русского языка: на материале глагола. Автореф. дисс. ...докт. филол. Наук. – Архангельск. 2010.-15 с.
8. Гридина И.Н. Гипо-гиперонимические отношения в ментальном лексиконе детей и взрослых. Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Санкт Петербург. 2010. -26 с.
9. Kreidler Charles W. Introducing English semantics. London and New York. Routledge. 1998. P.92-96.
10. Lyons John. Introduction to theoretical Linguistics. –Cambridge University Press. 1968. P. 453-460.
11. Kim Anh Nguyen, Maximilian Koper, Sabine Schulte im Walde, Ngoc Thang Vu. Hierarchical Embeddings for Hypernymy Detection and Directionality. Proceedings of the 2017 Conference on Empirical Methods in Natural Language Processing. 2017. DOI:10.18653/v1/D17-1.

Турли тизимли тилларда гипонимия ҳодисасининг ўрганилиши
Сабирова Н. К. Ўзбекистон миллий университети

Резюме. Мақола турли тизимли тиллардаги гипонимия ҳодисасининг ўрганилишига бағишланган бўлиб, унда гиперо-гипонимик муносабатларнинг ўзига зос хусусиятлари таҳлил қилинган. Гиперо-гипонимик муносабат асосида боғланган луғавий қатор ва лексик бирликларнинг ўрганилиши турли тиллардаги луғат ва лексик бирликлар таркибининг тизим сифатида ташкил топганлиги, систем характерга эга эканлигини англатади.

Калит сўзлар: гипонимия, гиперо-гипонимик муносабат, лексик муносабат, гипероним, суперординат, ко-гипоним, приватив муносабат.

Изучение феномена гипонимии в разных структурных языках
Сабирова Н.К. Национальный университет Узбекистана

Резюме. Статья посвящена изучению феномена гипонимии в разном системных языках, в которой анализируются особенности гипо-гипонимических отношений. Тот факт, что изучение связанных лексических рядов и лексических единиц на основе гипонимического отношения формируется как система лексики и лексических единиц разных языков, означает, что она системный характер.

Ключевые слова: гипонимия, гипонимическое отношение, лексическое отношение, гипероним, суперординат, со-гипоним, приватное отношение

Study of the phenomenon of hyponymy in different structural languages
Sabirova N.K. National University of Uzbekistan

Summary. The article is devoted to the study of the phenomenon of hyponymy in multi-system languages, in which the features of hypo-hyponymic relations are analyzed. The fact that the study of related lexical series and lexical units on the basis of a hyponymic relation is formed as a system of vocabulary and lexical units of different languages means that the system has a character.

Key words: hyponymy, hyponymic relations, lexical relation, hyperonym, superordinate, co-hyponym, private relation

УДК:821.512.133:81'255.2(73)

ЎЗБЕК ВА АМЕРИКА АДАБИЁТИДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ

Абдуллаева М.

Ўзбекистон миллий университети

Бадий адабиётда умуминсоний қадриятлар ҳар хил турдаги муаммолар ва катта тематик доирани акс эттириш орқали амалга оширилади. Айниқса, барча халқларнинг оғзаки ижодида ҳам, эпосида ҳам бир фалсафий масала – Эзгулик ва Ёвузлик ўртасидаги кураш мавзуси асосий мавзу бўлган. Бунга турли халқларнинг қадимий қўшиқларидан, эпоси намуналаридан ҳисобсиз мисоллар келтириш мумкин. Қўшиқларда, жумладан, алоҳида кишиларнинг шодлик ва ғамлари, ҳис-ҳаяжони, туйғулари, фикр-мулоҳазалари ифодаланса-да, улар асосан кенг халқ оммасининг орзу-умидлари, ўй-хаёллари, ижтимоий муносабатлари, дунёқарабини акс эттиради. Ғарбу Шарқдаги турли халқларнинг бизга маълум бўлган эпоси намуналари (“Алпомиш”, “Тўрғўли”, “Беовульф”, “Сид”, “Нибелунглар ҳақида қўшиқ”, “Роланд ҳақида қўшиқ”, “Хильдебрант ҳақида қўшиқ” ва ҳоказолар)да яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш мавзуси бош мавзуга айланган.

Яхшилик инсондаги энг олий фазилатлар мажмуаси бўлиб, моҳиятига кўра ғоят кенг маъноли тушунчадир. У ҳиммат, мурувват, шафқат билан ёндош ҳодиса. Аксинча, ёмонлик, тубанлик, юзсизлик энг ярамас ҳислатларга киради. Босиқлик, оғирлик каби ҳислатлар ҳар доим эл ардоғига, кўпчилик ҳурматида сазовор бўлади. Аксинча, бардошсизлик, бесабрилик тақдир ва танқидга дучор қилади. Ғайрат, шижоат, меҳнатсеварлик, қатъият, сабот ва матонат аждодларимиз руҳиятида етакчилик қилган. Меҳмонга ҳурмат кўрсатиш, унинг иззатини қилиш қадимий анъаналаримиздан бўлган. Эрк, озодлик, мустақиллик инсониятни фаол ҳаракатга ундайдиган тушунчалардир. Ватанга муҳаббат, уни ардоқлаш, она Ватанга тегишли бўлган ҳар бир нарсани ва, энг аввало, унинг тупроғини муқаддас билиш, ўзини шу Ватанга дахлдор ҳис қилиш, уни ташқи тажовузлардан ҳимоя қилиш чинакам инсонларга хос фазилатдир. Шу сабабли халқларнинг қадимий қўшиқларида, эпосларида Эзгулик ва Ёвузлик ватанпарварлик ва босқинчилик тимсолида

намоён бўлади. Буларга халкимизнинг узок ўтмиши саҳифалари билан боғлиқ “Тўмарис” ва “Широк” афсоналари ёрқин мисол бўла олади.

Абу Абдуллоҳ Рўдакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўлаб буюк файласуфлар, шоир ва маърифатпарварларнинг ижодий меросида донишмандлик ва борлиқ олами гуманистик англашнинг жуда улкан, битмас-туганмас хазинаси сақланиб келмоқда. Бу мерос ҳақиқатан ҳам жаҳон аҳамиятига молик бебаҳо бойлик ҳисобланади [1,24]. Ўзбек мумтоз адабиётида ўзининг гуманистик қарашлари билан чуқур из қолдирган буюк шоирлардан бири, албатта, Алишер Навоийдир. Навоий ўз даврининг илғор инсонларидан бири, ватанпарвар ва инсонпарвар аллома эди. Шоир ўз халқи қатори бошқа халқларга ҳам чуқур ҳамдардлик билан боқарди: “Мен, - деб ёзган эди Навоий, - доимо қуллар ила бирга бўлдим, аларнинг дардқаши эрдим; аларнинг қули бўлдим ва аларга хизмат қилишдан чарчамадим.” [2,32]. Адабиётшунос олим Умарали Норматов ўзининг “Ижод сеҳри” деб номланган асарида Алишер Навоий ҳақида ёзар экан, шундай дейди:

“Булардан ҳам муҳимроқ яна бир ҳолат пири саналмиш Мажидиддин ҳаж сафари олдидан чуқур афсус ва қайғу билан “Умримдаги энг катта хато – Алишер Навоийга душманлигим бўлди. Мен йигирма йилдан ортиқ Алишерга қарши ҳаракат қилдим – не ишлар қилганим сизга маълум – Алишер юраги тоза одам эди..... Унинг қаҳри ҳам, раҳми ҳам самимий. Ҳар вақт самимий” деганида, Навоийга қарши курашда ҳамиша унинг ёнида турган, ҳатто бу улуг сиймога ўлимни раво кўрган Тўғонбек: “Тўғри.... Алишер Навоий тулкиликни билмайди. Юраги обдан соф одам”, дея буюк ҳақиқатни танлади.” [3,71]

“Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий бобомизнинг асарларини аслиятдан Ғарбий Европа тилларига, хусусан, инглиз тилига таржима қилиш ишларига энди-энди киришилди. Чунки аруз вази инглиз халқига бегона, арузда ёзилган ғазалларни инглизлар қабул қилмайди, деган фикр мавжуд эди. Натижада Навоий шеърятини таржима қилишга бўлган уринишлар охирига етказилмади. Амалга оширилган айрим таржималар насрий баёнга асосланди, ғазаллар оқ шеър бўлиб инглизча янгради.....

Бугунги кунда Ғарбий Европа ва Америка халқларининг Шарқ ғазалиётига қизиқиши ортиб бораёпти. Ғазалнавис инглиз шоирлари пайдо бўлди. 2000 йилда АҚШдаги Вейслан университети томонидан чоп этилган “Real Ghazals in English” тўпламида 150 нафардан ортиқ америкалик шоирларнинг инглизча ғазаллари киритилди. Бу ҳолат ўзбек таржимонлари учун Алишер Навоий асарларини бор фасоҳати ва фалсафаси билан бадиий гўзал тарзда инглиз китобхонага етказиш учун замин шакллانганлигидан далолатдир.

“Шарқ” нашриётида 2000 йил чоп этилган “Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар” номли тўплам Навоий шеърятини хорижий ўлкаларга тарғиб қилишда навбатдаги кутлуғ қадам бўлди. Унда Навоий ижоди намуналари аслиятда ҳамда инглиз ва немис тилларидаги таржималари берилган. Шоир ғазаллари инглизчага Л.Кметюк ва Қ.Маъмуров, немис тилига И.Парда томонидан ўғирилган.”

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Абдулла Қодирийнинг хизматлари ва у яратган бой меросга: “Битта нарсани ҳаммамиз билишимиз керак. Адабиётсиз иқтисодиёт ҳам, маънавият ҳам бўлмайди. Ўзини ҳурмат қилган инсон “Ўткан кунлар”ни бир эмас, бир неча марта ўқиган бўлади. Нега десангиз, уни ўқиган одам ҳеч қачон оилага хиёнат қилмайди, керак бўлса ватанга хиёнат қилмайди”- деган юксак баҳо берган [4,71]. Асарнинг бош қаҳрамони Юсуфбек ҳожи Ватан, халқ манфаати, унинг истиқболи учун қайғуради, ҳатто ўз жонини таҳликага қўйиб бўлса ҳам ўзаро низолар, мансаб, шахсий манфаатлар учун бўлаётган қонли тўқнашувларнинг олдини олишда жонбозлик кўрсатади. Романда у келажакни чуқур идрок қилувчи, халқни буюк мақсадлар сари етакловчи сиёсий арбоб сифатида намоён бўлади [5,263]. Пиримкул Қодирийнинг мустабид тузум шароитида инсон эрки, шаъни, қадрини ардоқлаш, қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, инсон эркини поймол этаётган кучларга қарши кескин норозилик, зўр қуюнчақлик, ҳазин ва нури ўйчанлик билан йўғрилган замондошлари ҳақидаги ҳикоя, қисса ва романлари XX асрнинг 60-70-йиллари маънавий ҳаётимизда, адабиётимизда ўзига хос ҳодиса бўлди [6,186].

“Бобурнома”га, айниқса, инглиз шарқшунослари катта қизиқиш билан қараб, уни қайта-қайта таржима қилганлар. Бу ҳолатни инглиз олимларининг ўзбек адабиётига бениҳоя қизиқиб қараганликларининг натижаси деб баҳолаш, албатта содда бир тасаввур бўлур эди. Аксинча, бу асар инглиз мустамлакачиларининг бутун диққат марказида турган Ҳиндистоннинг тарихи, сиёсий ҳаёти, жуғрофияси, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида маълумот берувчи қомусий асар бўлгани учун ҳам унга бу қадар катта эътибор берилган. XVIII асрдан бошлаб инглиз мустамлакачиларининг фикру зикри ҳинд халқини нафақат сиёсий жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам забт этишга қаратилгани тарихдан яхши маълум [7,21]. Турли хил илмий фанларда умуминсоний қадриятларнинг ҳодисаси, табиий равишда, турли хил концептуал тизимлар ёрдамида тавсифланади. Умуминсоний қадриятларнинг мазмунини ўрганишда энг қулай ёндошув маданиятлараро таҳлил ҳисобланади [8,2]. Умумжаҳон инсоний қадриятларни маданиятлараро ўрганишда таҳлилчи Т.В. Емельяненко, учта асосий муаммо билан, улардан бири қадриятларни маданиятлараро ўрганишда таққослаш учун асосларни танлаш муаммоси туради. Турли маданиятлардаги қадриятларни ўрганувчиси олдида турган навбатдаги муаммо бу асосий тадқиқот усулини танлашдир. Фақатгина қадриятларни тадқиқ қилиш билан боғлиқ бўлмаган яна бир муҳим масала, турли маданиятлардаги одамлар билан ишлашда маъноларни етарли даражада узатилишини таъминлаш билан боғлиқ [9]. Шундай савол туғилади: “Нега яқинда, айниқса Россияда умуминсоний қадриятлар муаммоси долзарб бўлиб қолди?” Бу саволга қуйидаги жавобни бериш мумкин экан. Россияда умумбашарий инсоний қадриятлар муаммосининг долзарблиги жамиятдаги тез ўзгаришларга бевосита боғлиқ бўлиб, бу жамият аъзоларининг ҳаётий мақсадларига муносабати ва тушунчасида кескин ўзгаришларга олиб келди. [9, 5]. Жаҳон халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг миқёсда ривожлана бошлаган. Бу жараён бир-биридан узок бўлган минтақалардаги адабиётларнинг ўзаро алоқалари, бадиий жиҳатдан бир-бирига таъсирининг кучайишига сабаб бўлди ҳамда жаҳон маданиятининг сифат ва мазмун сирасида янги босқичга кўтарилишини таъминлади, қайсидир бир маънода янги шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу янгиланиш, замонга қараб ўзгариш адабий жараёнда тўлиқ англаб олинди ва

бу борада машхур немис шоири Гёте ўз ижобий фикрини билдириб, илк дафъа “жаҳон адабиёти” атамасини истъомлга киритди [10, 28].

XIX асрда шаклланган “жаҳон адабиёти” тушунчаси, уни англаш тамойили кейинчалик барча миллий ва минтакавий адабиётларни бир-бирига яқинлаштирди. XX аср сўнггида ушбу яқинлик янги хусусият касб этиб, “жаҳон адабиёти” тушунчасидан “умуминсоний адабиёт” тушунчаси сари ўзгара борди. Тўғриси, ушбу янги жараённинг юзага келаётганлиги назарий жиҳатдан ўз вақтида илғаб олинмади. Бир-биридан узоқ, турли минтакаларда жойлашган мамлакат ва халқларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари фаоллашуви ва жадал суратда тараққий этиши жаҳон адабиётидан умуминсоний адабиётга ўтишнинг рағбатлантирувчи омили сифатида хизмат қилди ҳамда мантиқий равишда ҳар хил миллий адабиётларнинг бир-бирини бойитиши, бир-бирига сингиб кетиши, ўзаро таъсир этиш жараёнларида акс этмасдан қолмади. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб сифатли таржималарнинг ортиб бориши, хорижий тилларни кенг қўламда ўрганиш, янги методологияларга бой адабиётшунослик илмининг юзага келиши умуминсоний адабиётнинг шаклланишида рағбатлантирувчи омилга айланди. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 60-70 йилларида Ғарб мамлакатларида вужудга келган “янги адабиётшунослик” (Р. Барт, Ц. Тодоров, Ю. Кристева ва бошқалар) тилларни бадиий матн таҳлили ва талқини орқали чуқурроқ тушуниш ҳамда ўзлаштиришда асосий тамойил сифатида қабул қилди. Ушбу жараёнда Шарқ ва Ғарб, Осиё ва Европа, Лотин Америкаси ва Европа каби жуғрофий ва тарихий жиҳатдан бир-биридан йироқ бўлган минтакалардаги адабиётларнинг ўзаро таъсири, шунингдек, замонавий адабиётнинг қадим адабиёт билан узвий боғлиқлиги муҳим аҳамият касб этди. Маданиятларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, ҳамкорлик алоқалари, телевидение ва интернет тармоғи каби янги коммуникация воситаларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди [12,56]. Адабиётшунослар таърифича, умуминсоний адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари асосан қуйидаги парадигмалар замирида ёритилади: миллий ўзига хосликни сақлаган ҳолда барқарор умумий хусусиятларга эга бўлиш; ўз миллий анъаналарига, шунингдек, ўзга макон ва замон муносабатларида бир-бирига боғланмаган адабиётларга таяниш; жамият онгида ҳамда бадиий анъаналар замирида умуминсоний қадриятларни қарор топтириш; адабиётни миллий рух негизда тушуниладиган умуминсоний қадриятларга қаратиш ва йўналтириш. Бу ерда умуминсоний қадриятларни миллий ўзига хослик замирида тушуниш, айти пайтда, умумий сифат ва хусусиятларга эга бўлиш асосий мезон ҳисобланади; китобхонда турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, маданияти жиҳатидан бир – биридан фарқ қилувчи халқлар адабиёти билан танишиш ва тушуниш имкони шаклланади; муайян миллий адабиётга ўзга адабиётларнинг бадиий маҳорат ва услубий қирралари интеграцияллаша боради; Шарқий-Ғарбий (Осиё-Европа), Шимолий-Жанубий (Африка-Европа) ва Атлантикааро (Европа-Америка) адабиётларида бадиий синтез шаклланади [10]. Эмпирик адабиётда камситилиш ғояларига унчалик эътибор берилмаган. Унда назарий фарқлар тақлиф қилинган бўлса-да, камситилиш одатда алоҳида туйғу сифатида қараш ўрнига шармандалик билан тенглаштирилади (Эллисон ва Хартер, 2007 [11; 310-329] Хартлинг ва Лучета, 1999 [12, 259–278]). Бу жуда ачинарли бўлиб, камситилиш одатда шармандалик билан боғлиқ бўлмаган чуқур оқибатларга масалан, депрессия, ўз жонига қасд қилиш ва қасоскор тенденциялар олиб келади [13, 90]. Андре Ресенденинг “The Other Slavery: The Uncovered Story of Indian Enslavement in America” (“Бошқа қуллик: Америкадаги ҳиндулар ҳақидаги очилмаган воқеа”) деган асарда биринчи миллатлар, хусусан, Қўшма Штатлардаги яшаган аҳоли биринчи зулм қилинган ва камситилган одамлар бўлган. Бу китоб Американинг туб аҳолисини қул қилишга ва йўқ қилишга интилиш ҳақида ёзилган [14]. Умуминсоний қадриятлар – бу дунё ҳамжамияти учун объектлар, ҳодисалар, ғояларнинг аҳамиятлилигидир. Умуминсоний қадриятларига жаҳон ҳамжамиятининг аксарият аҳолиси қўшадиган ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий принциплар; умуминсоний идеаллар, миллий мақсадлар ва уларга эришишнинг асосий воситалари; моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан глобал бўлган табиий қадриятлар ва қадриятлар: тинчликни сақлаш муаммолари, қуролсизлантириш, халқаро иқтисодий тартиб ва бошқалар қиради [15]. Америка Қўшма Штатларидаги қуллик ва мустамлакачилик 1619 йилда Виржиния мустамлакасига олиб келинган биринчи қулликдан то 1865 йилгача Африкада қулликнинг конституциявий бекор қилинишигача бўлган давр қарийб 250 йил давом этган. Қулликнинг бундай узоқ даври муқаррар равишда ўша даврда ёзилган адабиётларга ўз таъсирини ўтказди. Дарҳақиқат, қуллик даврида мутлақо янги жанр, яъни қулар ҳақидаги адабиётлар вужудга келган. [16].

Harriet Jacobs нинг “Incidents in the Life of a Slave Girl; a Literary Weapon Against Slavery” да 1830 йилларда аболиционизм ва феминизм ўртасида аёлларнинг қулликка қарши ҳаракатлар номидан ораторлик маҳоратидан фойдаланиши билан боғлиқ бўлган муҳим алоқа ўрнатилди. Демак, аболиционизм қулликнинг мавжудлигига қарши бўлган ва уни тезда йўқ қилишга интилган ҳаракат сифатида Шимолда ахлоқий муаммо сифатида бошланиб, сиёсий масала сифатида жанубга ўтди ва охир-оқибат фуқаролар урушига олиб келди. Ҳолбуки, “аёлларнинг сайлов ҳуқуқи ҳаракати сифатида бошланган” феминизм дастлаб “иркидан, синфидан ва жинсидан қатъий назар” қулликни йўқ қилишга ва ҳамма учун ижтимоий тенгликни амалга оширишга қаратилган эди. Шунга қўра, антебеллум (урушдан, айниса Америка фуқаролар урушидан аввал мавжуд бўлган) даврида аёлларнинг фаолияти аболиционизм ва феминизм ўртасида кўприк бўлди. Қулликка қарши ҳаракат бошланганда, аёлларнинг ҳуқуқларини талаб қилиш ва феминизмни “аболиционизмга зарур ёрдамчи восита” деб ҳисоблаш учун “бир неча мустақил фикрли аболиционист аёлларни ҳаракатга келтиришда муҳим катализатор” бўлган аёлларнинг роли тўғрисида мунозаралар бўлиб ўтди. (Persi va Fellman 282) [17, 67].

Америкалик тадқиқотчи В.Оливер Бейкер ўзининг Dissonances of Dispossession: Narrating Colonialism and Slavery in Expansion of Capitalism деб номланган илмий тадқиқотида XIX асрга оид Америка этник адабиёти ерлар ва ҳаётнинг тортиб олиниши ўртасидаги муносабатни – қўчманчи мустамлакачилик ва қулдорлик тарихи ва АҚШда демократия ва капитализмнинг пайдо бўлиши ўртасидаги муносабатни қандай акс эттиришни ўрганади. У оқ танлиларнинг қора танлиларга бўлган муносабати, ирқий камситилиши, уларни инсон ўрнида қўрмасликлари ҳақида сўз юритади [18]. Америкадаги қора танли аёллар камситилган ҳаёт кечиришади ва уларнинг инсонийлиги ва қора аёллиги нафақат оқ танли эркаклар, балки ўз ирқдошлари, яъни қора танли эркаклар томонидан ҳам рад этилади.

Элис Уолкер ўз асарларида қора танли аёлларнинг кундалик ҳаётидаги муаммоларга ургу беради ва уларни ўзларини кашф қилишга, қўнғилсизликларни енгишга ва ўзларининг кадр-қимматларини тан олишга олиб келади [19]. Ҳаттоки, ўз ирқдошлари томонидан тан олинмаган қора танли аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдилар ва қора ишларни бажариб, ўз кадр-қимматларини топталишига йўл қўядилар.

Ва ниҳоят, кулликни бекор қилишга қаратилган ҳаракат туғилди. Кулликни бекор қилиш жамиятига асос солганлар Уильям Уилберфорс ва Закари Маколей эди. Биринчи қилган иши кул савдосини тақиқловчи қонун эди ва шу билан 1840 йилдан кейин Англияда битта ҳам кул қолмади. 1848 йилдаги инқилоб Францияга, 1858 йилда Португалияга ва 1861 йилда Нидерландияга худди шундай ўзгаришларни олиб келди. Америка Қўшма Штатларида бу жиддий асоратларга ва охир-оқибат узок давом этган урушга олиб келди. Мустақиллик декларациясида “ҳамма эркаклар тенг равишда яратилган” деб таъкидланган бўлса ҳам, қора танлилар ва жанубдаги плантацияларда ишлаганлар қирмайди. Вақт ўтиши билан Шимол куллик жамиятини ёқирмаслигини очик намоён қила бошлади, аммо жануб уларга кулларга муҳтожмиз, акс ҳолда улар пахтасини ўстира олмаслигини айтадилар. Конгресс ва Сенат қарийб эллик йил давомида куллик масаласида баҳс-лашадилар. Шимол ҳам жануб ҳам таслим бўлишни хоҳламайдилар. Хавфнинг энг каттаси жанубий давлатлар иттифокни тарк этиш билан таҳдид қилади. Аммо бу хавф Америка тарихидаги энг таниқли инсонлардан бири Абрахам Линкольн туфайли тугатилди [20]. Нина Милевой яна ўз тадқиқотида қуйидагиларни келтиради: “1863 йил 1 январда Линкольн озодлик актини эълон қилиб, кулликни тарқалишини тўхтатишга ҳаракат қилади. Ва ҳар бир ҳудуд фақат озод инсонлар учун очик бўлишни таъкидлайди. Улар жасорат ва матонат билан курашадилар, аммо охир-оқибат таслим бўлишга мажбур бўладилар. Бир неча кундан кейин Президент Линкольн ўлдирилади, аммо унинг ҳаракатлари сакланиб қолади. Испания давлати таъсирида бўлган Кубадан ташқари бутун дунёда куллик бекор қилинади.” [20].

Ўзбек адабиётидаги асарларда аксарият маърифатга интилиш, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, меҳр-садоқат, ватанга муҳаббат, кадр-қиммат каби ғоялар илгари сурилса, жаҳон адабиёти дурдоналарида эса кўпроқ ўша муҳитдан келиб чиқиб кулликка қарши кураш, эркинлик, озодлик учун кураш, тенглик ва тенгсизлик, иркий камситиш каби иллатлар ҳақида сўз юритилади. Адабиётда у ёки бу мавзу ёритилмасин, улар миллат ва элатни тарбиялаш учун хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

- Орипов М. Алишер Навоий гуманизми. – Т.: 1991. – 32-б.
- Умарали Норматов. Ижод сеҳри. – Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, 2007.
- Ҳабибулла Азизов. Буюкларга эҳтиром. <https://www.customs.uz/uz/news/view/4218>
- Бегали Қосимов, Шариф Юсупов, Улуғбек Долимов, Шухрат Ризаев, Суннат Аҳмедов. Миллий уйғониш даври адабиёти. – Тошкент, “Маънавият”.
- Норматов Умарали. Нафосат гурунглари. Адабий-танқидий мақолалар, эссе, хотира, қайд ва суҳбатлар. – Тошкент, “Мухаррир” нашриёти, 2010, 186-б.
- Ҳасанов С. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. – Тошкент, “Ўзбекистон” – 2011, 21-б.
- Емельяненко Т.В. Методы межкультурных исследований и ценностей // Социология. — 1977. — № 9. С.2.
- Синякин В.П. Общечеловеческие ценности как инструмент анализа языкового сознания членов общества. <https://cyberleninka.ru/article/n/obschchelovecheskie-tsennosti-kak-instrument-analiza-yazykovogo-soznaniya-chlenov-obshchestva/viewer>
- Холбеков Мухаммаджон. Жаҳон адабиётида умуминсоний тамойиллар//Шарқ юлдузи. Адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журнал. 1/2011. 151-б.
- Elison, J., & Harter, S. Humiliation: Causes, correlates, and consequences. In J. L. Tracy, R. W. Robbins & J. P. Tangney (Eds.), The self-conscious emotions: Theory and research New York, NY: The Guilford Press, 2007.
- Hartling, L. M., & Luchetta, T.. Humiliation: Assessing the impact of derision, degradation, and debasement. The Journal of Primary Prevention, 19, doi:10.1023/A:1022622422521, 1999.
- Maartje Elshout, Rob M.A.Nelissen & Ilja van Beest. Conceptualising humiliation. <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/02699931.2016.1249462>
- Andrés Reséndez. ‘The Other Slavery: The Uncovered Story of Indian Enslavement in America’. <https://www.bustle.com/p/13-books-about-equality-that-every-member-of-the-resistance-needs-to-read-77722>
- Камбарова Камила. Общечеловеческие ценности: понятие и сущность. <https://moluch.ru/archive/115/30384/>
- Kseniia Petrova. Characteristics of the Slave Narrative Genre in Harriet Jacobs’s Incidents in a Life of a Slave Girl. https://www.methodist.edu/wp-content/uploads/2020/05/mr2020_petrova.pdf
- Harriet Jacobs’s Incidents in the Life of a Slave Girl; a Literary Weapon Against Slavery. <http://dspace.univ-temcen.dz/bitstream/112/11536/1/tasnim-belaidouni.pdf>
- W. Oliver Baker. Dissonances of Dispossession: Narrating Colonialism and Slavery in Expansion of Capitalism <https://english.unm.edu/grad/current-students/dissertations/diss-recent.html>
- https://shodhganga.inflibnet.ac.in/bitstream/10603/24174/7/07_chapter_1.pdf
- Milevoj,Nina.African American literature: Slave narrative. <https://repository.ffri.uniri.hr/islandora/object/ffri%3A393/datastream/PDF/view>

Ўзбек ва Америка адабиётида умуминсоний қадриятлар таҳлили
Абдуллаева М.Ўзбекистон миллий университети

Резюме. Мақолада умуминсоний қадриятлар ўзбек ва америка адабиётларида қай тарзда берилиши, улар тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши ва улардаги тафовутлар ҳақида ёритилади.

Таянч сўзлар: Эзгулик, ёвузлик, кураш, меҳнатсеварлик, адабиёт, умуминсоний қадриятлар.

Анализ общечеловеческих ценностей в узбекской и американской литературе
Абдуллаева М. Национальный университет Узбекистана

Резюме. В статье обсуждается, как универсальные ценности представлены в узбекской и американской литературах, как они изучаются исследователями, а также тематические различия между ними.

Ключевые слова: добро, зло, борьба, трудолюбие, литература, общечеловеческие ценности

Analysis of human values in Uzbek and American literature
Abdullaeva M. National University of Uzbekistan

Summary. This article discusses how universal values are presented in Uzbek and American literature, how they are studied by researchers, and how they differ.

Key words: goodness, evil, struggle, industry, literature, human values

МЕМУАРЛЫҚ ШЫҒАРМАЛАРДА КОНФЛИКТ ХӘМ ҚАХАРМАН ХАРАКТЕРИН ЖАСАҰДЫҢ ГЕЙПАРА МӘСЕЛЕСИ

Нурабуллаев Б.Х.

Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Әдебий шығарма қурылысында конфликт шығарма сюжетин хәм қахарманлар хәрекетин рауажландырыушы күш болып, шығарманың тийкаргы бөлеклеринен бири саналады. Конфликт термини (*лат. conflictus -соқлығысыу*) деген мәни аңлатып, көбинесе эпикалық хәм драмалық шығармаларға байланыслы қолланылады[1]. Көркем әдебий тәжірибеде конфликттиң хәр түрли дәрежелі тип хәм көринислери бар екенлиги илимпазлар тәрәпинен анықланып, хәр бир жанрлық түрде конфликттиң өзине тән өзгешеликлерге ийе екенлиги айтылады.

Мәселен, әдебиет теориясы хақындағы В.Хализев[2], Н.Тамарченко, В.Тюпа, С.Бройтман[3], Э.Фесенко[4] сыяқлы белгили авторлардың сабақлықларында «конфликт», «коллизия» «қарама-қарсылық», «соқлығысыу», «тоқнасыу» түсиниклери хәр қыйлы тәризде эпикалық хәм драмалық шығармалар мысалында талқыланып. Соның менен бирге, И. Масеев[5], А.Погрибный[6], Ю.Корзов[7] сыяқлы илимпазлардың мийнетлеринде «конфликт хәм оның қурылысы хәмме жанр хәм түрлер ушын универсаль» деген пикирлер де үстемлик етеди.

Бизің ойымызша, барлық түрдеги шығарма қурылысындағы конфликтлер сол шығармадағы процесслерди толық сүүретлеп беріуі жағынан бирдей имканиятқа ийе емес, ал оның хәр жанрда жаңаша өзгешеликлери ашылатуғынлығы туұралы пикирлер белгили дәрежеде илимий тийкарга ийе. Мәселен, мемуарлық шығармада автор тәрәпинен турмыстағы болған ўақыяның тәбийий халында сүүретлениуі, яғный онда конфликтли жағдайлардың турмыслық сыпаты басым болыуы менен өзгешеленеди. Көбинесе мемуарлық жанрдағы шығармаларда конфликтли жағдайлар шығармаға мәжбүрий түрде енгизилмейди, конфликт ямаса қарама-қарсылықлы ўақыялар белгили бир көркемлик талаптарға бойсындырылыуы шәрт емес.

Сол көзқарастан, С.Хоробтың конфликтлердің теориялық хәм әмелий мазмунын шешиудің әхмийетлигин мойынлай отырып, оған көпфункционаллы хәдийсе сыпатында баха беріуі илимий-теориялық негизге ийе. Бул илимпаздың пикиринше, «көркем илимий ойлау хәр сапары жоқары дәрежеде рауажланыуы нәтийжесинде эстетикалық хәм идеялық категорияның негизин хәм оның жаңа қырларын, характерли өзгешеликлерин жаңаша көз қарастан изертлеуі лазым» [8]. Өзбек әдебиетшыларының шығармадағы конфликт түрлерин жиклеп көрсетіуін жоқарыдағы илимий пикирлердің даўамы сыпатында түсиніу мүмкин. Мысалы: «... көркем шығарма орайында инсан образы турғанлықтан инсанның реаль өмириндеги конфликтлердің бәри онда көркем сәўленеди. Сол көзқарастан конфликттиң үш түрин парықлау мүмкин: 1) характерлер арасындағы; 2) қахарман хәм орталық; 3) ишки яғный қахарманның руўхиятында кешетуғын ишки қарама-қарсылықлар» [9]. Қарақалпақ әдебиеттаныуы илиминде көркем шығарма қурылысындағы конфликт мәселеси салыстырмалы аз изертленген мәселелерден саналады. Ә.Қожықбаев[10], Т.Қурбанбаева[11], Ж.Есенов[12], П.Нуржановтың[13] мийнетлеринде қарақалпақ романлары хәм повестлердеги конфликт мәселеси қаралады. Бул изертлеулердің көпшилигинде шығарма конфликтли қахарманлар образын, шығарманың идеялық мазмунын ашыуға бағындырылғаны туұралы илимий-теориялық пикирлер ушырасады.

Биз изертлеу объекти сыпатында таңлаған гәрезсизлик дәўири қарақалпақ мемуарлық шығармаларындағы конфликт мәселеси көбинесе, дәўир хәм қахарман, қахарманның ишки арпалыслары, қарама-қарсылықлы ой-кеширмелери тийкарына қурылғанын көремиз. Шығарма қурамындағы конфликтли жағдайлар дәўирдің сиясий орталығын, қахарманның ишки толғанысларын хәм қахарман характерин ашыуға да бағдарланады. Қахарманның басынан кешетуғын хәр түрли қайшылықтарға толы ўақыялардың болыуына қарай оның образы да ашылып, жекке өзгешеликлери, яғный характери де айқынланып барады. Сонлықтан, мемуарлық шығарма қурамындағы конфликт мәселесин түрли инсанлардың гүреси үстинде көринетуғын хәр түрли характерлерди ашыуға орны менен тутас халда қарап шығыу мақсетке муўапық.

Өсиресе, репрессия дәўиринің ашшы шынлығы сүүретленген Ж.Аймурзаевтың «Қара бултлар», Т.Алланазаровтың «Заман гәрдиши», Х.Сейтовтың «Өмир соқпақлары», Ызалы әрман излери», мемуарлық шығармаларындағы турмыс қарама-қарсылықларын хәм қахарман характерин терең үйрениу бүгинги жоқары саналы жәмийеттиң баслы ўазыйпасы есапланады. Бул жағдайды проф. С.Бахадырованың басқа шайыр-жызыўшылардың дәретиўшилиги мысалында айтқан төмендеги пикирлери менен түсиндириу мүмкин:

«Репрессияға ушыраған жазыўшылардан Қ.Әўезовтың, С.Мәжитовтың, И.Фазыловтың мийнетлерин үйрениу бойынша қанша мәселелер алдымызда туыпты. Бизлер олардың барлық өмирбаянын суд процесиндеги берген жуўаплары, соңғы деминдеги айтқан сөзлери хақында хеш нәрсе ислемай отырмыз. Улыўма, бул мәселеге хәмме суўыққанлы қарап отырмыз. Бул мәселеде биз туўысқан өзбек, қазақ, рус, халықларынан үйрениўимиз керек. Олардың творчествосы бизге мийрас ретинде ғана емес, хақықатлықты ашыу ушын, әуладларымызды бир жағынан өзинің ата-бабасына деген сүйиўшиликти оятыу ушын,

жәбірленген адамды қадирлеу, инсан жүрегінде шынлықты орнатыуға деген интаны оятыу үшін керек. Бүгінгі әулад үшін тек дурыс сөйлеу керек. Биз сол жыллары жазықсыз тюрьмада азап шегіп жатқан аталарымыздың азаплы минутларында берген жууаптарын бети бастырыулы архивлерде жатқызып, олар хақкында толық мағлыұматқа ийе бола алмай, өзимизди мәдениятлы адам деп есаплаймыз ба?» [14].

Шынында да, тарийхый-жәмийетлик әхмийетке ийе дәуирдеги турмыс карама-қарсылықтарын хәм қахарман характериниң қайшылықтарын хәр тәрәплеме терең талқылау тийкарында әдил бахалау социаллық-руұхый әхмийетке ийе мәселе саналады.

«Қара бултлар», «Заман гәрдиши», «Өмир соқпақлары», «Ызалы әрман излери» шығармаларында конфликт тийкарынан, дәуир хәм қахарман хәм қахарманның ишки гүйзелислери тийкарында бериледи. Оларда сүүретленген қахарманлар тәғдири, характери сөз етилгенде, репрессивлик сиясат ақыбетиниң орны толмас жоғалтыуларға алып келгенлигин көремиз.

Куұдалауға ушырап, сиясий қысымнан есеңкиреп қалған, аласатлы заманның тар қыспағында қалып, зорлыққа ушыраған зиялылардың тутқан жолын бүгінгі дәуир көзқарасынан бахалар болсақ, қахарманның өз-өзине (өзлигине, исенимлерине Б.Н.) ишки карама-қарсылығы, *дәуир хәм қахарман арасындағы конфликт* деу хакыйқатқа жақын болады. Өйткени, олардың сол ўақытларда өз-өзлериниң хұждан хұкимин тыңлай алатуғын еркинлиги болмады. Мәселен, Ж.Аймурзаевтың «Қара бултлар» китабындағы А.Бегимовтың «душпанды әшкара ететуғын тилхат» қа қол қойдырылыуы сүүретленген орынларда қахарман характериниң дәуир талқысына түсиўин, өз хұжданына қарсы барыу ис-хәрекетлерин қахарман характериниң шығарма заңдылығы тийкарында раўажланыуы, қәлипlesiўи емес, ал хакыйқый турмыслық карама-қарсылықта ўақыт хұкимине бағыныуы еди деп пикирлеу әдалаттан болады. Себеби, қахарман хәрекетлериниң тийкары авторлық баянлауларында, диалогларда, қахарманның ишки ой-кеширмелеринде монологларында түсиндирилген.

«Ол қатты ойланды. Үш күнлеп урылған таяқтың зарпынан тула бойы дирилдеп кеткендей болды. Ауыр ой, қатты қайғы, қорлық, азап-ақырет оның жүрегине түсти. Мийи айланып, еснен танып кеткендей болып зорға отыр. Бираз ўақытқа дейин тынышлық хұким сүрди.

– Ойландыңыз ба, жазасыз ба?

– Жоқ. Қолымнан келмейди.

– Өз обалыңыз өзиңизде!

Полковник шығыудан үш-төрт жигит оны тағы да азаплауға урып-сөгиуге киристи.

– *Жазып беремен дегенше қоймаңлар!– деген даўысты шала еситкен ол тағы еснен танып қалды.*

– *Өмир керек пе, өлим керек пе?– деген даўысты бир тыныспада құлағы шалған оннан:*

– *Өмир–деген сес зорға шықты.*

Өмир керек болса мына қағазға қол қой!

– *Қәне, қол қой!*

– *Бул не екен?*

Душпанды әшкара ететуғын тилхат».

– *Ой, әдалатсызлық! ... Адастырдың мени. Кешир мени... –деп ол аса кеткен жауызлыққа, зулымлыққа бағыныуға мәжбүр болды. Тилхатқа илажсыз қол қойды...»*[15]

Шығармадағы бул эпизодты биз ХХ әсирдин қорқынышлы шынлығын ашып беріуши моментлери десек дурыс болады. Бунда бизден тарийхый жәмийетлик-сиясий дәуирде қахарман характериниң сыналыуын, улыұмаинсаныйлық қәдириятлар хәм турмыс хакыйқатлығының карама-қарсылықтары хәм оның мазмунын аңлау, сезиниў талап етиледі. Хакыйқатлықты дурыс аңлау, репрессия туўралы, сол дәуирдеги сиясий басымға ушыраған миллет зиялыларының ис-хәрекетлери хақкында толық хәм анық мағлыұматқа ийе болыу бизге олардың дәуир сынағындағы халатына емес, ал, әдебият, көркем өнер, мәдениатымыз үшін ислеген хызметлерине хәзирги дәуир көзқарасынан әдалатлы баха беріу имканын береді.

Мысалы, «Заман гәрдиши» мемуарындағы Т.Алланазаровтың А.Бегимов туўралы еске түсириўлери китап оқыўшысының ол хақкында дурыс хәм анық мағлыұматқа ийе болыуында, қахарман характериндеги өзгешеликлерди хәр тәрәплеме терең талқылап түсиниўде әхмийетли.

«Маған узақ жыллар тәсир жасаған, өзиниң творчестволық өмир жолы менен өрнек болған, мениң сыртымнан мудары көз қыйығын салып бақлаған, жол-жоба көрсеткен ең жақын адамымың және бири Асан аға Бегимов болды.

Адамның шын мәнисиндеги инсанлық қәдир-қымбаты көзи жумылғаннан кейин көбирек еске түсип, анығырақ көрине баслай ма деймен...

Әлбетте, егер де ол шын мәнисинде инсан болып өткен адам болса... Ал, Асан аға болса қыйын, аласатыран дәуирде жасап, адасыу, алжасыу ап-аңсат болып турған бир дәуирде иследи, творчестволық өмир кеширди. Ол азаматлық ар-намысын хеш қашан да қолдан бермеген, нийети дүзиу, ләбзи ҳадал, хәм омыраулы, хәм гайбар жигит еди.

... Асан аға менен болған усы жыллардағы бирқанша ушырасыуымызда оның ойында қандай да бир арзыу-әрманлардың барлығын сездим. Жулқынып сөйлеген сөзлеринде, епкинленип көтериле-басылған даўыс толқынларында, шамшырақтай гә жаньп, гә сөнген көз нурларында, оны тынышсыздандырып турған үлкен бир ойды, келешекти аңғарар едим. Ал, бул болса сол гезлердеги бизиң миллий мәдениатымыздың, әдебият, искусствомыздың тәғдирине байланыслы болған ири проблемалық мәселелер, ойлар болса керек» [16].

Демек, ҳар еки мемуардаги бир инсан характериндеги қарама-қарсылықлы белгилерде ўақит ҳам сиясат тәсири кәриўимиз мүмкин. Бул ҳалатты дәўир ҳам қаҳарман конфликтли мысалында талқылағанымызда мемуарлық шығармалардағы конфликттиң өзгешелиги менен турмыслық сыпаты айқын көринеди.

Анығырақ айтканда, биз таллаўға тартқан мемуарлық шығармаларда конфликтли жағдайлар ўақыялардын раўажланыўын тәмийинлеўи тек ғана көркемлик ўазыйпаларға емес, ал ҳақыйкый турмыслық қарама-қарсылықлардың мазмунын ашыўға бағдарланған.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Курунов Д., Мамажанов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент. Академнашр. 2013. 143-б.
2. Хализев В. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1999. – 373 с.
3. Теория литературы: учеб. пособие для студ. филол. фак. высш. учеб. заведений: в 2-х т. – М.: ИЦ «Академия», 2004. Т. 1. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика / под ред. Н.Д.Тамарченко, В. И. Тюпа, С.Н.Бройтман.
4. Фесенко Э. Я. Теория литературы: учеб. пособие для вузов. – М.: Академический Проект; Фонд «Мир», 2008. 780 с.
5. Масеев И. А. Сущность и роль конфликта в искусстве // Проблемы эстетики. – М.: АН СССР, 1958. 172 с.
6. Погрибный А. Художественный конфликт и развитие современной советской прозы. – К.: Вища школа, 1981. 200 с.
7. Корзов Ю. И. Советская драматургия 60-80-х годов. Конфликт, действие, характер, проблемы театрально-драматургической выразительности: автореф. дисс. ... д-ра филол. наук / Институт литературы им. Т. Г. Шевченко АН Украины. – К., 1991. 39 с.
8. Хороб С. Слово-образ-форма: у пошуках художності: літературознавчі статті і дослідження. – Івано-Франківськ: Плай, 2000. 198 с.
9. Курунов Д. З.Мамажанов. Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.142.
10. Қожықбаев Ә. Қарақалпақ романы. (Шынлық, әдебий конфликт, қаҳарман). – Нөкис: Қарақалпақстан. 1977.; Қожықбаев Ә. Роман жанрының конфликтлери туўралы // «Әмиўдәрәя». 1966. №9.
11. Курбанбаева Т. «Бахытсызлар» романының конфликтли ҳақында // Әмиўдәрәя. 1984. №2.
12. Есенов Ж. Шеберликтин сырлары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986.
13. Нуржанов П. Хәзирги қарақалпақ романы (сюжет һәм конфликт поэтикасы) – Нөкис: «Билим». 2008.
14. Баҳадырова С. Қайта қурыў һәм көркем әдебият // «Әмиўдәрәя». №9. 1990. – Б.:100.
15. Аймурзаев Ж. Жетимнің жүрегі (Екинши китабынан. Бул китап «Қара бултлар» деп аталады.) // «Әмиўдәрәя». №2. 1990.
16. Алланазаров Т. Заман гәрдиши // «Әмиўдәрәя». №10. 1991. – Б. 37, 40.

Мемуар асарларда конфликт ва қаҳрамон характерини очишининг баъзи масалалари

Нурабуллаев Б.Х., Қарақалпақ давлат университети

Резюме. Мақолада мемуар асарлар таркибидаги конфликтнинг назарий хусусияти ва унинг қаҳрамон характерини очишдаги ўрни масаласи сўз этилади. Асар таркибидаги конфликтли ситуациялар даврининг сиёсий қиёфасини, қаҳрамоннинг ички тугенлари ва характерини очишга йуналтирилганлиги илмий-назарий фикрлар ва мисоллар асосида тушунтирилади.

Калит сўзлар: мемуар, конфликт, характер, қаҳрамон образи, давр

Теоретическая сущность конфликта в композиции мемуаров и его роль в раскрытии характера героя

Нурабуллаев Б.Х., Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается теоретическая сущность конфликта в композиции мемуаров и его роль в раскрытии характера героя. То, что конфликтные ситуации в произведении направлены на раскрытие политического образа периода, внутреннего бунта и характера главного героя, объясняется на основе научно-теоретических анализ и примеров.

Ключевые слова: мемуары, конфликт, персонаж, образ героя, период

The Theoretical Essence of the Conflict in the Composition of Memoirs and its Role in Revealing the Character of the Hero

Nurabullaev B.X., Karakalpak State University

Summary: The article examines the theoretical essence of the conflict in the composition of memoirs and its role in revealing the character of the hero. The fact that conflict situations in the work are aimed at revealing the political image of the period, internal rebellion and the character of the protagonist is explained on the basis of scientific and theoretical ideas and examples.

Key words: memoirs, conflict, character, hero image, period

GRAMMATIK QOIDALARNI NUTQIY KO'NIKMALARNI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRISH

Rajapova K. M.

Qoraqalpog' davlat universiteti

Bugungi maktab o'quvchisi jamiyatimizda ro'y berayotgan o'zgarishlarni va yangiliklarni o'z ko'zi bilan ko'rayotgan, uni chuqur mushohada qila oladigan, har bir yangilikka, voqea-hodisaga o'z munosabatlarini mustaqil ravishda bildiradi oladigan, ijodiy tafakkur olami keng o'quvchilardir. Maktab ona tili ta'limi oldida turgan asosiy talab ham ijodiy tafakkur sohibini tarbiyalash, erkin fikrlash va fikr mahsulini har qanday sharoitda bemalol bayon qila oladigan shaxsni etishtirishdir. Zero, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta'lim sohasida ona tilining tutgan o'rniga katta baho berib: «Yosh avlod qalbiga ona tilimizni bolalikdan singdirish maqsadida ta'limning barcha bosqichlarida o'zbek tilini zamonaviy va innovatsion texnologiyalar asosida mukammal o'rgatishga alohida e'tibor qaratishimiz lozim. Toki, bolalarimiz o'zbek tilida ravon o'qiydigan, ravon yozadigan va teran fikrlaydigan insonlar bo'lib yetishsin», - deb ta'kidlagan edilar [1]. Darhaqiqat, ona tili ta'limi har bir millatning taraqqiyot darajasini belgilab beruvchi muhim omildir, agar barcha sohada ilmiy renesansni amalga oshirmoqchi bo'lsak, buni ona tili ta'limini takomillashtirishdan boshlash kerak.

Ona tilidagi har bir mavzuni o'rganishda, avvalo, o'quvchining tafakkuri charxlanadi va teran fikrlaydigan shaxsga aylanib boradi. Ijodiy tafakkuri etarli darajada rivojlangan o'quvchi jamiyatda o'z o'rnini hamda har qanday muammoga mustaqil yechim topa oladi. Shuning bilan birga o'zining egallagan bilimi, malaka va ko'nikmalariga tayangan holda o'ziga topshirilgan barcha vazifalarni ado eta oladi. Buning uchun birinchi o'rinda ona tili o'qituvchisi

ijodiy tafakkurni rivojlantirishga qaratilgan ijodiy-amaliy ishlarni amalga oshirish ustida ko'proq ishlashi lozim. Ona tili darslarida juda ko'p kuzatiladigan kamchilgimiz grammatik qoidalarni quruq yodlatishdir. Biz bu jarayondan qutilishimiz lozim. Kuzatishlarimiz shuni ko'rsatadiki, o'quvchi faoliyatida tez-tez duch keladigan so'z qashshoqligi, fikrni mantiqan to'g'ri bayon qila olmaslik, o'z fikrlarini izchillikda bera olmaslik, asosiy mavzudan chetga chiqish, ijodiy tafakkurning yetarli darajada rivojlanmaganligi kabi salbiy holatlar barchasi grammatik qoidani bilishdan nariga o'tmaslik natijasida kelib chiqadi. Bundan qutilishning asosiy yo'li esa grammatik qoidalarni nutqiy ko'nikmalarni shakllantirish va rivojlantirishga yo'naltirishdan iboratdir. O'qituvchi har bir darsda ijodiy-amaliy ishlardan, topshiriqlardan va didaktik o'yinlardan foydalansa, o'quvchi nutq faoliyatining rivojlanishiga qiyinchiliksiz erishadi. [2,21] Bugungi kun: «O'quvchi ona tilining qonun-qoidalarini bilsa, aytib bersa, u savodli yozadi», - degan fikrlardan mutlaqo voz kechishni talab qiladi. Chunki ona tilining qonun- qoidalarini bilish boshqa, undan amaliy ish jarayonida foydalanish ko'nikmalariga ega bo'lish boshqa. Bugungi davr **tilning ijtimoiy vazifalari va tarbiyaviy ahamiyatini faqat o'qituvchigina emas, balki o'quvchi ham sezishini, his qilishini talab qilmoqda. Zeroki, insonning o'zi uchun gapirib, o'zi uchun yozmasligini, aksincha, kishilar uchun gapirib, kishilar uchun yozishini o'qituvchi ham o'quvchilar ham ijtimoiy zaruriyat deb anglamoqlari shart. Mana shulardan kelib chiqqan holda o'quvchilarni ona tili darslarida mustaqil ijodiy fikrlashga o'rgatish, ular ongida ma'naviy-ma'rifiy inqilob hosil qilishga intilish lozim. Shuning uchun yangi dastur va darsliklarda grammatik qoidalarni yodlatishdan voz kechish, ijodiy tafakkur tarzini shakllantirish, dars va mashg'ulotlarni o'quvchi nutqiy malakasini yuzaga keltirishga qaratish maqsad qilib olinmoqda.**

Darslarni tashkil etish ishlari o'quvchilarning nutqini shakllantirish va rivojlantirishga qaratilishi lozim. Shuning uchun til ma'ruza orqali emas, balki nutq ko'rinishlarini tahlil qilish va o'zlashtirish, esda saqlash orqali o'rganiladi. Darhaqiqat, o'quvchilar o'rganilayotgan til hodisalarini badiiy matndan ajratsa, so'z ma'nolari ustida ishlasa, ajratgan til faktlarini og'zaki va yozma nutqda to'g'ri qo'llay bilsa, o'quvchining matn tahlil qilish malakasi orta borsagina ona tili mashg'ulotlarining bosh maqsadiga erishilgan hisoblanadi. Ona tilidan dars beruvchi o'qituvchi haqiqiy ijodkor bo'lishi, ta'lim jarayonida o'quvchining mavzuni tinglash, anglash va erkin, mustaqil fikrlash, qiyoslash, farqlash, alohidaliklarga ajratish va tasnif qilishga yo'naltirilgan faoliyatini rag'batlantirishi, o'z fikri, g'oyalarini o'zgalarga yetkaza bilish ko'nikma va malakalarining shakllanishini nazorat qilishi, boshqarishi darkor. Shuningdek, u yoshlarning axloqiy-ma'naviy tarbiyasi bilan shug'ullanishi, ularga sharqona muloqot odobi, milliy an'analarimizga hurmat, ona-Vatanga muhabbat tuyg'usi kabi zaruriy hislarni singdira bilishi lozim.

O'quv mashg'ulotlarini yangi zamonaviy shakl va usullarda tashkil qilish, o'quvchilarni dars jarayonida maqsadli boshqara olish, ayni kunda o'qituvchilik faoliyatining bosh mezonini deb qaralmoqda [3,16]. O'quvchiga bilim berish, har bir dars mazmunini boyitish, qiziqarli mashg'ulotlarni dars jarayoniga singdirishni talab qiladi. Ruhshunoslarning aniqlashicha bolalar o'qituvchining oddiy tushuntirishi orqali egallab olgan ma'lumotlarga qaraganda turli xil ruhiy kechinmalar orqali o'zlari mulohaza yuritib mustaqil bajarilgan ishlari vositasida o'zlashtirilgan bilimlarini uzoq esda saqlab qolar ekanlar. Chunki o'quvchi mustaqil mashqlarni bajarishda faoliyat ko'rsatib, ilgari olgan bilimlariga tayangan holda ko'plab o'quv materiallarini xayolidan o'tkazadi.

Maktabda ona tilidan nazariy bilimlarni o'rganishdan maqsad fikrni og'zaki va yozma tarzda grammatik to'g'ri va uslubiy aniq ifodalash uchun undan ongli foydalanish hisoblanadi. Biroq nazariy bilimni amalda qo'llashni esa maqsadga muvofiq va muntazam o'rgatib borish talab etiladi.

Grammatik bilimlardan vosita sifatida foydalanib, ularni egallashni o'quv faoliyatining birinchi bosqichi qilib belgilab, bu bilimlar asosida nutqiy ko'nikma va malakalarni shakllantirishga erishish asosiy maqsaddir. Bu maqsadni amalga oshirish uchun o'qituvchi har bir grammatik qoidadan o'quvchi o'z amaliy faoliyatida foydalana olishiga e'tibor berishi lozim. Masalan 5- sinfda fonetika bo'yicha bilimlar beriladi. Mana shu fonetika darslarida o'quvchilar faqatgina unli, undosh, bo'g'in va urg'u kabilar bilan tanishib ketmasdan ularning og'zaki yoki yozma nutqda qo'llanishini mukammal bilishi lozim. Mana shundagina bola to'g'ri imlo va og'zaki nutq ko'nikmalariga ega bo'ladi. Agar o'quvchi *a, o, o', u, i, e* unli ekanligini, *b, p, d, t, k, g,.....* kabilarning undosh ekanligini bilsa-yu, o'z yozma nutqida ularning birini ikkinchidan farqlamay qo'llasa, ya'ni, **bahor-bohor, nahor-nohor, kitob-kitop, qand-qant, barg-bark** shakllarda qo'llab ketsa, bu holda bola bu mavzularni to'liq o'zlashtirgan hisoblanmaydi.

